

# Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар  
союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

■  
49-йил чиқиши



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САЊАТ  
НАШРИЁТИ

1981 10

# МУНДАРИЖА

## КОММУНИСТИК ИДЕАЛЛАРНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, ўртоқ <b>Леонид Ильич Брежневга</b> . . . . .	3
Жаҳон ёзувчиларига, маданият арбобларига . . . . .	5
<b>Г. М. Марков.</b> Совет адабиёти коммунизм учун курашда ва унинг КПСС XXVI съезди қарорлари асосидаги вазифалари . . . . .	7
<b>Сарвар Азимов.</b> Адабиётнинг юксак бурчи . . . . .	23
СССР Ёзувчилари VII съездининг резолюцияси . . . . .	26
СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг пленуми . . . . .	31
<b>М. Маҳмудов.</b> Улмас қоялар. Роман . . . . .	32
<b>Р. Бобожон.</b> Минг бир турна. Поэма . . . . .	88
<b>Т. Тўла.</b> Етти зогора ҳангомалари. Қисса . . . . .	100
<b>Ҳ. Шарипов.</b> Ҳаёт ҳарорати. Шеърлар . . . . .	151

## ЁШЛАР ШЕЪРИЯТИ

<b>М. Ҳамроева.</b> Юртим тонги. Шеърлар . . . . .	159
<b>М. Ойдинова.</b> Олам яшилликка очади эшик. Шеърлар . . . . .	163
<b>Т. Ашуров.</b> Онаизор. Қисса . . . . .	167
<b>Ҳ. Солиҳова.</b> Сен ёлғиз эмассан... Шеърлар . . . . .	186

## КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

<b>Р. Раҳмонов.</b> Чиннибод. Очерк . . . . .	189
---	-----

## ОТАЛИФИМИЗДАГИ КОЛХОЗДА

<b>У. Асқарова.</b> Дастлабки қадамлар. Лавҳа . . . . .	194
---	-----

## САНЪАТ

<b>З. Калонова.</b> Ўзбек саҳна ленинномасида янги босқич . . . . .	198
---	-----

## МИРЗО ТУРСУНЗОДА ТАВАЛЛУДИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

<b>Шароф Рашидов.</b> Дўстимиз, биродаримиз . . . . .	203
<b>К. Яшин.</b> Қитъалар оша . . . . .	207
<b>Р. Иноғомов.</b> Шарқнинг улкан шоири . . . . .	208

## М. БОБОЕВ ТУФИЛГАН КУНГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ

<b>С. Мамажонов.</b> Жанговар шеърият . . . . .	211
---	-----

## ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>А. Каттабеков.</b> Ҳаёт ҳақиқатидан бадий ҳақиқатга . . . . .	216
--	-----

## ТАҚРИЗЛАР

<b>М. Маҳмудов, М. Солиева.</b> Шоирнинг икки тўплами . . . . .	221
<b>Ш. Муродов.</b> Баҳсларда аён бўлган ҳақиқат . . . . .	223
<b>Э. Мавлонбердиев.</b> Ҳикоя масъулияти . . . . .	225
<b>Х. Каримов.</b> Муҳаббат ва кураш жозибаси . . . . .	226
<b>С. Ирисхўжаева.</b> Бир жаҳон болаларимиз . . . . .	227
<b>Т. Йўлдошев.</b> Халқ хизматида . . . . .	229

## ЙИЛЛАР, ФАКТЛАР, ВОҚЕАЛАР

<b>А. Ашрапов.</b> Замон талаби . . . . .	232
---	-----

## ГУЛҚАЙЧИ

<b>Ғ. Фулом.</b> Шоирлик носқовогидан бир отим. Ҳажвия. Давоми . . . . .	236
<b>Маданий ҳаёт</b> . . . . .	239
«Звезда Востока» октябрь сониди . . . . .	239

# КОММУНИСТИК ИДЕАЛЛАРНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси  
Марказий Комитетига,  
ўртоқ ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВга!

**С**овет ёзувчиларининг еттинчи съезди Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, замонамизнинг буюк сиёсий ва жамоат арбоби ўртоқ Леонид Ильич Брежневга қизгин, самимий салом йўллайди!

Биз, кўп миллатли совет адабиётининг вакиллари, бадий маданиятимиз ривожига доимо эътибор бериб, ғамхўрлик кўрсатаётганлиги учун, совет жамияти маънавий оламини бойитаётган барча талантларни қўллаб-қувватлаб келаётганлиги учун жонажон партиямизга миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат қиламиз.

Бизнинг съездимиз партиянинг принципал кўрсатмалари асосида ёзувчиларнинг бузилмас бирлиги ва жанговар жипслиги руҳида ўтди: Коммунистик қурилишнинг КПСС XXVI съездида қабул қилинган улғвор программасида идеология ва маданият, адабиёт ва санъатнинг ролига ҳам катта эътибор берилган. Сизнинг, азиз Леонид Ильич, совет адабиётига берган юксак баҳонгиз бизнинг қалбимизда ҳаяжон ва фахр туйғуларини уйғотди.

Олдимизда ҳали жуда улкан вазифалар турганини, партиявий талабчанликнинг руҳи, ўз-ўзини танқид, ҳали ҳал этилмаган ғоявий-бадий масалалар ҳақида теран фикрлаш социалистик реализм адабиёти учун янги муваффақиятлар олиб келиши мумкинлигини биз яхши биламиз.

Сизнинг, азиз Леонид Ильич, «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китобларининг юзага келиши ва улар ҳақли равишда Ленин мукофоти билан тақдирланиши совет жамияти ҳаётида катта воқеа бўлди.

У китоблар халқ ҳаётига чуқур партиявий нуқтаи-назардан ёндашиш, совет кишиларининг кундалик ишлари мисолида уларнинг тарихий моятини акс эттиришга эришишда биз, ёзувчилар учун ҳам ибратли ҳисобланади.

Совет ёзувчилари ўзларининг бутун истеъдодини замонамиз қаҳ-

рамонлари — коммунизм бунёдкорларининг маънавий ва ахлоқий дунёсини чуқур ҳамда кенг акс эттиришга қаратадилар. Бизнинг зиммаларимиз саҳифаларида муҳрлаш, Ватан истиқболи учун меҳнат қилишни виждон ва номус иши деб биладиган ватанпарвар ҳамда интернационалист бўлган янги инсонни тарбиялашдек ғоят шарафли тарихий вазифа юкланган. Бизнинг зиммаларимизга олға силжишимиз учун халақит берадиган барча эскиликларга қарши курашиш жараёнида буюк коммунистик қурилиш тажрибаси вужудга келтирилган янги проблемаларни, характер ва конфликтларни бадиий таҳлил қилиш вазифаси юкланган. Биз ўзимизнинг гражданлик бурчимизни, жамият олдидаги масъулиятимизни буржуа идеологиясининг барча кўринишларига, ғоясизликка, мансабпарастлик психологиясига нисбатан муросасиз бўлишда кўрамиз.

Ер курраси узра инсоният бошига хавф-хатар солувчи қора булутлар пайдо бўлаётган шу кунларда Сизнинг, азиз Леонид Ильич, «тинимсиз қуролланиш ва ҳарбий фитналар ишқибозларининг йўлини тўсиш учун ҳозир, шу бугуноқ ҳамма ишни қилиш керак» деган сўзларингиз жаранглаши айни муддао бўлди. Биз СССР Олий Советининг «Жаҳон парламентлари ва халқларига мурожаати»ни қизгин маъқуллаймиз ва барча тараққийпарвар сўз санъаткорларини ер юзида тинчликни хавф остида қолдираётган империалистик ва гегемончи кучларга қарши овозларини баралла кўтаришга даъват этамиз.

Ленинча партиявийлик принципига содиқ совет ёзувчилари ҳаммаша халқ манфаатлари билан яшашга, коммунистик идеалларни қарор топтиришга интилиб келдилар. Партиянинг йўл-йўриғи, унинг халқ бахт-саодати йўлидаги бетимсол хизматлари ёзувчиларни қаҳрамонона ва мураккаб замонамизга муносиб янги, кенг кўламли асарлар, совет кишиларига яшашда, меҳнатда, қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам берадиган асарлар яратишга илҳомлантиради. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини, шахсан Сизни, қадрли Леонид Ильич, ишонтириб айтаемизки, биз ўзимизнинг бутун куч-қувватимизни, бутун маҳоратимизни партия ва халқ иши учун, КПСС XXVI съездининг тарихий кўрсатмаларини муваффақиятли бажариш учун бағишлаймиз!

Яшасин бизнинг қудратли социалистик Ватанимиз!

Яшасин улуг Ленин партияси!

Яшасин коммунизм!

СССР ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VII СЪЕЗДИ.

# ЖАҲОН ЁЗУВЧИЛАРИГА, МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИГА

Жаҳон халқлари таҳликада яшамоқдалар. «Ё ҳаёт, ё мамот» деган масала ҳозир даҳшатли конкрет масала бўлиб ва бутун инсониятга қаратилган савол бўлиб қолмоқда: одамлар бу дунёда яшаб қоладиларми ёки йўқми, эҳтимолки, бутун коинотда яккаю ягона бўлган ғаройиб мўъжиза — инсоният цивилизацияси яшаб қоладими ёки йўқми?

Инсоният тош давридан ақл-заковатнинг ҳозирги ажабтовур ютуқларигача, инсон руҳининг улуғвор зафарларигача бўлган ҳаддан ташқари машаққатли улуғ йўлни наҳотки беҳуда босиб ўтган бўлса, шу йўлда мақсад воситага арзимайди, деган хулосани наҳотки чиқармаган бўлса?

Наҳотки одамлар XXI аср бўсағасида ўз тақдирини, ўз фарзандларини, ўз ўтмиши ва келажагини янги шуҳратпараст жиноятчилар қўлига топшириш учунгина ҳаёт маъносини излаганлар, адолат, эзгулик, ҳақиқат йўлида меҳнат қилган, азоб чеккан ва қувонган бўлсалар, наҳотки шу йўлда жонларини фидо қилган бўлсалар?

Бу дабдабали савол эмас. Ҳозир дунёнинг барча софдил олимлари термоядро урушининг ер юзидаги ҳаёт учун ҳалокатли оқибатлари тўғрисида огоҳлантирмоқдалар. Халқларнинг онгига «чекланган» ядро уруши мумкинлиги ва ҳатто бу урушда «ғалаба қозониш» мумкинлиги тўғрисидаги фикрни сингдиришга уринаётган кимсалар эса ёлғон гапирмоқдалар, ҳаёсизлик билан ёлғон гапирмоқдалар!

Оммавий қирғин воситаларига ҳаддан ташқари тўлиб-тошиб кетган дунёдаги вазият кескинлашиб бормоқда. Бу вазиятни инсониятнинг социал тараққиётини тўхтатиб қўйиш, уни тескари буриб юбориш истагида бўлган империалистик реакция ва агрессия кучлари кескинлаштириб, кучайтирмоқдалар.

Тинчликни ҳимоя қилиш учун янги уруш хавфига қарши курашаётган тинчликсевар давлатлар ва халқларнинг, жамоат кучлари ва ҳаракатларининг актив фаолияти эндиликда бағоят муҳим аҳамият касб этди. Бу ўринда ёзувчининг, маданият арбобининг овози ҳеч қачон бунчалик муҳим бўлмаган эди.

Авлодларнинг миннатдор хотирасида қолишни орзу қилмаган санъаткор ер юзида топилмайди. Мана шу замон синови: «Сен истиқбол учун шахсан ўзинг бугун нима иш қилдинг?» деган саволни ҳам албатта ўз ичига олади.

Санъаткорнинг қўлида қалам, мўйқалам, кескичдан ташқари, сўз, овоз, тош воситасида ҳаётни тараннум этиш маҳоратидан ташқари, яна бир қудратли қурол бор, бу қуролдан у «охир замон»ни келтирувчи ядро уруши хавфига қарши курашда фойдаланиши мумкин ва ло-

зим, бу қурол унинг ўз обрўли номидир, унинг ҳаёт принципи, унинг ўз ижтимоий позициясидир.

Совет ёзувчилари жаҳон ёзувчиларига ва маданият арбобларига даъват билан мурожаат этадилар: Одамларнинг тинчликка таҳлика солаётган хавф-хатардан кўз юмишларига йўл қўйманглар! Қуролланиш пойгасининг тўхтатилишига эришинглар! Ҳозир инсониятни жаҳаннамга судраётган кимсаларни шармандаю шармисор қилинглар! Ўз халқларингизга ва ҳукуматларингизга ҳақ гапни айтинглар!

Биз, совет ёзувчилари, Леонид Ильич Брежневнинг СССР Олий Совети сессиясидаги нутқини совет халқининг фикр-ўйлари ва орзумидларини, унинг урушларсиз ҳаётга, тинчликка ва халқаро ҳамкорликка доимий интилишини ифодалаб берганлигини қўллаб-қувватлаймиз.

СССР Олий Советининг «Жаҳон парламентларига ва халқларига» Мурожаатномасини бутун ер юзидаги ҳолис ниятли кишилар бажонидил қабул қилишларига аминмиз. «Тинчлик — инсониятнинг муштарак мулкидир, бизнинг замонамизда эса ҳаёт кечиришнинг энг биринчи шартидир. Биргаликда куч-ғайрат сарфлаш билангина тинчликни сақлаб қолиш мумкин ва лозим»... «Мавжуд имкониятлардан биронтаё бой берилмаслиги керак. Вақт ғанимат!»

Совет ёзувчилари планетамиз ёзувчиларига, маданият арбобларига мурожаат қилиб, маслакларидан қатъи назар, инсониятни ядро урушида ўзини ўзи қириб ташлашдан омон асраш учун, тинчликни қарор топтириш учун, халқлар ўртасида иноқлик ва ҳамкорликнинг тантана қилиши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишга чақирадилар.

Вақт ғанимат!

СССР ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VII СЪЕЗДИ.

Г. М. Марков,

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг  
биринчи секретари

# СОВЕТ АДАБИЁТИ КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШДА ВА УНИНГ КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

## СССР ЁЗУВЧИЛАРИ VII СЪЕЗДИДА ҚИЛИНГАН ДОКЛАД

**Ў**

ртоқлар!

Тарихий воқеа бўлмиш КПСС XXVI съездида эришилган ютуқларнинг улғу якунлари ва келажакнинг буюк вазифалари ҳақида Л. И. Брежнев докладида айтилган илҳомбахш сўзлар бутун дунёга янграган кундан буён тўрт ой ўтди.

Съезд мамлакатимизда коммунизм қурилишининг 80-йилларга мўлжалланган кенг миқёсли программасини ишлаб чиқди. Партия заковати, унинг раҳнамолик иродаси, халқ билан қондош ва ажралмас бирликка асосланган метиндек мустақамлиги Ватанимизнинг бундан буёнги муваффақиятларининг гаровидир.

Партиямиз сиёсатини совет кишилари қизғин қўллаб-қувватлайдилар ва сидқидилдан қабул қиладилар, чунки бу сиёсат жамиятимизнинг туб манфаатларига хизмат этади, ана шу манфаатлардан келиб чиқади! Бундай сиёсат меҳнаткашлар учун равшан ва тушунарлидир. У марксизм-ленинизмнинг мустақам принципларига асосланган! Бундай сиёсат совет давлатидаги барча халқларни бирлаштиради ва жипслаштиради, уларни яратувчи меҳнатга илҳомлантиради. Партиямизнинг, унинг ленинча Марказий Комитети ва Сиёсий бюросининг бутун улкан сиёсий тажрибаси, бутун коллектив донишмандлиги ўртоқ Л. И. Брежнев фаолиятида тобора тўлалиги билан мужассам бўлаётгани ҳаммамизга аён. (Қарсақлар). Ҳозир Леонид Ильичнинг номи билан барча қитъалардаги миллионлаб кишилар ғоят чуқур миннатдорчилик туйғулари билан тилга олмоқдалар. Бутун жаҳон унинг гапига қулоқ солмоқда. Империализмнинг манфур кучлари инсониятни урушга тортишга уринаётган шароитда, одамлар тинчликка бўлган умидларини партиямиз ва давлатимиз сиёсати билан, агар ёзувчи-часига тўппа-тўғриси айтидиган бўлсак, Леонид Ильич Брежнев номи билан боғламоқдалар. (Қарсақлар).

Партия, унинг Марказий Комитети, Сиёсий бюроси ва шахсан Леонид Ильич Брежнев мамлакатимизда адабиёт ва санъатнинг ривожини тўғрисида доимо, чинакам оталарча ғамхўрлик қилиб келдилар ва ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу ғамхўрлик ва зўр ишонч совет ижодкор зиёлилари қалбида оташин миннатдорчилик, партия ишига садоқат ва эътиқоднинг самимий туйғуларини жўштирмоқда.

Партия XXVI съездида ҳам совет жамияти ривожининг бошқа масалалари қа-

тарада адабиёт яна умумхалқ эътиборининг марказига қўйилганлиги, яна унинг теварагида илҳомбахш ишонч, талабчан умидворлик муҳити вужудга келтирилганлиги биз, совет адабларини қувонтирмай қола олмайди.

Ижод хирмонимиз баракали бўлмоқда. Адабий даламизни бизгача ҳам ҳайдашган, тармалашган, экишган, парвариш қилиб ўстиришган. Яна қандай буюк миришкорлар денг! Совет адабиётининггина тарихини олиб қарайдиган бўлсак, кўз ўнгимизда горькийча кўламадаги — горькийена баҳодирларнинг қиёфалари намоеён бўлади. Адабиётимиз даласидаги социалистик кўп миллатли маданиятнинг ўзиники бўлган самарали анъаналар қатламини худди ана ўшалар қўйганлар. Шу зотларга, коммунизм учун оташин курашчиларга, янги дунёнинг серилҳом бунёдкорларига, инқилобий адабиётнинг миришкорларига таъзим қиламиз! Халққа хизмат қилишнинг энг яхши сабоқларини берган, адабиётнинг ҳамма турларига ва жанрларига жуда катта таъсир ўтказган «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари учун Леонид Ильич Брежневга чин дилдан ташаккур изҳор қиламиз.

Бугун биз адабиётни назардан ўтказар эканмиз, кўп миллатли совет адабиёти — жўшқин фикрли, бизнинг дунё қарашимиздан руҳ олган, ижтимоий тузумимизга хос бўлган тарихий оптимизмдан илҳомланган адабиёт деб, тўла асос билан айта оламиз.

Мана шу тарихан янги, жаҳоншумул аҳамият ва моҳиятга эга ҳодиса — кўп миллатли совет адабиёти бирлигининг маъзини қайта-қайта чақиб кўрмоқ керак. У — бу бирлик — ҳаракатчан, у ўзининг ижодий қувватини, ҳақлигини ва гўзаллигини тобора кўпроқ намоеён қилмоқда.

Аллақачонлар жаҳон бадий тароққиёт майдонига чиқиб олган, кўп асрлик ёзма анъаналарга эга бўлган адабиётлар қаторида, яқиндагина алифбосини тузиб, бизнинг шароитимизда шу қадар юксакликка кўтарилган халқлар адабиётини ҳам ўз ичига олган бундай бойликни, бундай бирликни дунёнинг яна қаеридан топиб бўлади? Ҳозир етмиш етти тилда яратилаётган адабий асарлар улғу совет адабиётининг кўп овозли хорида ўзига хос, кучли оҳангга жарангламоқда.

Социализм халқларни яқинлаштиради, уларни одамлар бахт-саодати учун, бўлғуси янги авлодларнинг келажаги учун кураш йўлида бирлаштиради. Совет ёзувчилари ана шу курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Адабиётимизнинг социалистик интернационализи — қуруқ гап эмас, бу — ҳар бир миллатга мансуб совет ёзувчисининг ўзи, шуури ва дунёқарашидир. Айни чоқда интернационализм, бу — совет адабиёти ва санъати асарларига кишилар қалбини тортувчи меҳриғиёдир. Бугунги китобхон ва томошабинлар бадий дидининг интернационал жиҳатдан кенгайиб бораётганлиги, советлар мамлакатидоғи турли миллий маданиятларга мансуб ёзувчиларнинг бошқа қардош миллат кишилари учун тобора кўпроқ зафур бўлиб қолаётганлиги гоят қувончли ҳодисадир. Ҳозирча ҳар томонлама тадқиққа муҳтож бўлиб турган бу жараён бизнинг давримизда коммунистик маданиятни шакллантиришда жуда катта гоъий, маънавий, бадий эстетик аҳамиятга эга.

Маънавий соҳадаги интернационализм — ўтмиш замонларда яшаган донишмандлар яратиб, халқларимизга мерос қолдирган маданий бойликлари, маданият дурдоналарининг қадрини интернационаллашгаётганида ҳам намоеён бўлмоқда. Ўтган йиллар ичида биз том маънода бутуниттифоқ миқёсида — Лев Толстой, Чернишевский, Горький, Блок, Тютчев, Бажов, Упит, Гурамышвили, Таммсааре, Франко, Цвирика, Чаренц, Ҳамза, Вурғун, Тицина, Ҳамид Олимжон, Айний, Авезов, Демирчян, Ибн Сино сингари ёзувчи ва маданият арбобларининг юбилейларини ўтказдик. Бу сиймолар миллий халқларнинг ифтихорлари бўлиши билан бирга, бугунги кунда барча қардош, ака-ука халқларимизнинг ижтимоий жиҳатдан англаб етилган ифтихорига айланди.

Съездимиз адабиётимиз даласининг тупроғи таркибини ҳам, унга ишлов бериш усулларини ҳам, ҳосил характерини ҳам, баъзан бўлиб турадиган кам ҳосиллик сабабларини ҳам яхшилаб назардан ўтказиб олиши керак. Адабиёт соҳасидаги ютуқларимиз ёлғиз социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининггина эмас, балки тарих тақозоси билан биз пешқадамлик қилаётган жаҳон адабиётининг бадий жараёнида қандай ўрин эгаллаб келаётганини ҳам ўрганиб чиқишимиз керак.

Халқимиз ҳаёти, ҳозирги гўзал ва безовта, қувончли ва серташвиш бутун дунё бизнинг ижодий эътиборимиз ва ижодий режаларимиз мавзусидир.

Аммо барча вазифалардан энг биринчиси — партиямиз ишлаб чиққан Тинчлик программасини амалга ошириш учун кураш, қаттиқ ва изчил курашдир.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев СССР Олий Советининг яқинда ўз ишини тамомлаган сессиясида сўзлаган нутқида бундай деганди: «...тинимсиз қуролланиш ва ҳарбий фитналар ишқибозларининг йўлини тўсиш учун ҳозирроқ, шу бугуноқ бутун чорани кўриш керак. Одамларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун бутун чорани кўриш керак. Зотан, бу ишда четда турувчилар ва бепарволар бўлиши мумкин эмас: бу иш ҳаммага ва ҳар бир кишига дахлдордир».

Америка империализми, ер куррасининг турли жойларидаги унинг гумашталари холис ниёти кишиларнинг тинчликсеварлик умидларига ҳар қачонгидан ҳам ёвуз нафрат билан қараб, қурол-яроғларни пеш қилмоқдалар, уруш гулханларини ёқмоқдалар. Ядро фалокати хавфи даҳшатли равишда яқин масофага келиб қолди. Ўзи-



нинг бутун инсониятни бўйсундириш, ер юзидан коммунистик ғояларни йўқотиб ташлаш ҳақидаги хомхаёллари билан маст тентакларгина шундай енгилтакларча дунёни ҳалокат жарига итариши мумкин. Мана шундай вазиятда ёзувчининг сўзи уруш оловини ёқувчиларни худди яшиндай уриб, парчалаб ташлаши, одамларнинг виждонини уйғотиши, уларнинг халқлар тинчлиги ва ҳамкорлиги душманларига зарба беришга даъват қилиши лозим.

Бугунги кунда бизнинг ишимиз ва унинг умумпартиявий, умумхалқ ишининг бир бўлаги сифатидаги аҳамияти мана шундай улуғвор кўламларда кўринади. Биз, совет ёзувчилари санъаткорона тасаввур кўламини амалий ишининг конкретлиги билан боғлаш маҳоратини жонажон коммунистик партиядан ўрганмоқдамиз. Шу боисдан ҳам КПСС XXVI съездининг ҳужжатлари ёзувчиларимиз съезди учун дастуриламалдир, шу боисдан ҳам Леонид Ильич Брежневнинг Марказий Комитетнинг Ҳисобот докладыда айтган сўзлари бугунги кунда руҳлантирувчи йўлнамалардек жаранглайди: «Совет кишилари санъатга жуда ташна. Маълумки, баъзан яхши спектаклга тушиш, бирор қизиқарли китоб сотиб олиш, кўргазмага кириш осон бўлмайди. Лекин санъатга бўлган бу ҳурмат, бу муҳаббат, санъаткор ўз халқи олдида буюк масъулият сезиши лозимлигини ҳам тақозо қилади. Халқ манфаатлари билан яшаш, унинг қувончи ва қайғусига, шерик бўлиш, ҳаёт ҳақиқатини, инсонпарвар идеалларимизни қарор топтириш, коммунистик қурилишнинг актив иштирокчиси бўлиш — санъатнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги мана шундан иборат».

Шундай қилиб, желинглар, ўртоқлар, шу беш йилликда ўша биз ҳаммамиз бир бўлиб тўплаган тажриба, қилган ишлардаги муваффақиятлардан қаноатланганимиз, шунингдек, камчилик ва бўш томонларимизни тушуниб турганимиз ақл ва юрагимизни кишанлаб қўймасин, Ватанимиз адабиёт майдонида биздан кутаётган янги ютуқлар ҳақиқи — қилган ишларимизни аниқ ва ҳар томонлама, энг асосийси эса, ҳолис, принципиал таҳлил этиш қобилиятимиздан маҳрум қилиб қўймасин.

Ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг XXVI съездга қилинган ҳисобот докладыда шундай дейилган: «... совет жамиятининг маънавий ҳаёти тобора хилма-хил ва бой бўлиб бораётган экан, бу — бизнинг маданиятимиз арбобларининг, адабиёт ва санъатимизнинг шак-шубҳасиз хизматларидир».

Ҳақиқатан ҳам, босиб ўтилган йўлга назар ташлаганимизда, адабиёт ва санъатнинг бор ютуқлари устида фикр юритганимизда улар муттасил юксалиб бораётганини кўрасан. Бинобарин, партиянинг совет санъати ва адабиётида янги тўлқин келиб қўшилганлиги ҳақидаги ҳулосаси — ҳақиқатдир. Бу ҳақиқат — олий ҳакам — халқ томонидан эътироф этилгандир.

Докладада, совет бадиий зиёлилари ижодида Ватанга муҳаббат, синов пайтларида садоқатга ўргатувчи юксак инқилобий оҳангларнинг зўр қудрат билан янграётганлиги таъкидлаб ўтилган эди. Мана шу мақсадлар йўлида биз ўз съездимизда адабиётнинг ҳар бир жанри ва турининг ҳаракатини таҳлил қилиб чиқишимиз, адабиётнинг муайян соҳасидаги мавжуд ютуқ ва камчиликларни аниқ кўришимиз, яқин келажакдаги вазифамиз хусусида бафуржа ўйлашиб олишимиз керак бўлади.

Биз талай ютуқларни қўлга киритган ҳолда янги ўн йилликка қадам қўйдик. 70-йилларда кўп миллатли совет адабиётида истеъдодли ёзувчиларнинг бутун бир авлоди ўзини намоён қилди. Уларнинг ижоди, ўзига хослиги етук социалистик жамият адабиётини бойитди.

Республикаларимиз ёзувчиларининг съездларидаги профессионал баҳоларнинг таҳлили, адабий нашрлардаги съезд олди мунозаралари, китобхон мулоҳазалари — булар бир бўлиб, адабиётнинг барча жанрлари ичида проза энг катта муваффақиятларга эришган, жамоатчиликнинг диққат-марказида турган, замондошларимизнинг образини яратишда энг муҳим кашфиётлар қилган, адабиётнинг умумий ижодий муҳитида у эришган ютуқлар салмоқлидир, деб комил ишонч билан съездга айтишга асос беради. Бу — прозадан бўлак жанрларда муваффақиятлар йўқ экан, ёки, проза шундай кўтарилиб кетибдики, ўзига хос бўлган турли хил камчиликлардан тамомий қутулибди, деган маънони билдирмайди.

Ҳўш, прозанинг адабиётда етакчи ўринни эгаллашига имкон берган омиллар қандай экан?

Авалло, халқ ҳаёти билан алоқанинг янада мустаҳкамланганлиги; ёзувчилар социалистик реализм замирида ётган кенг, чиндан ҳам ҳадсиз-ҳисобсиз имкониятлардан фойдаланган ҳолда янги бадиий ечимлар сари дадилроқ, қатъийроқ интилганликлари, совет жамиятининг ва умуман асримизнинг ижтимоий ҳамда сиёсий масалалари билан кўпроқ қизиқа бошлаганликлари; ниҳоят, журнал редакцияларида ва нашриётларда талантларнинг қўллаб-қувватланиши, улар билан шошилмай, меҳр-муҳаббат билан, талабчанлик ва принципиаллик асосида иш олиб борилгандир.

Бизнинг бугунги прозамиз жиддий маънавий кучдир. Халқимизнинг бугунги ҳаётига мансуб бўлган асосий ва муҳим нарсаларнинг ҳаммаси, унинг ғалаба ва зафарлари прозада ўзининг муносиб бадиий-фалсафий аксини топмоқда.

Адабиётимиз моҳият эътибори билан ҳаётбахш адабиётдир, у совет кишининг ҳамда бутун турмуш тарзимизнинг улкан имкониятларига комил ишонч билан қарайди. Совет турмуш тарзи ва социалистик шахсни камол топтириш учун лозим бўлган

инсоний фазилатлар эндиликда бадий-фалсафий изланишларнинг асосий нуқтаси бўлиб қолди.

Адабиётнинг йирик шакли — роман ва қисса прозанинг бош муваффақияти бўлди. Зеро, бу шунчалик равшанки, ҳеч кимда эътироз туғдирмайди. Очигини айтсам, менинг рўйхатимда, адабий суҳбатнинг ҳар қандай юксак даражасида эслашга лойиқ бўлган насрий китоблардан уч юздан ортигининг номи бор. Аминманки, бу рўйхат уларнинг ҳаммаси эмас. Адабиётнинг ҳақиқий муваффақиятлари адабий матбуот саҳифаларида кўп марта лаб ёзилган, республикалардаги ёзувчилар съездларида муносиб баҳолашни олганлар, улар яшаяптилар, ва бундан кейин ҳам энг қимматли баҳо — китобхонлар муҳаббатини қозониб яшайверадилар. Шақ-шубҳасиз, съездимизнинг комиссияларида, худди шунингдек, бошқа жанрлар хусусида ҳам улар ҳақида батафсил гап бўлади.

Утган беш йилликда Фёдор Абрамовнинг «Пряслинлар» эпопеяси ниҳоясига етди. Муаллиф бу асари учун йигирма йилдан ортиқроқ вақтини берди. Пряслинлар совет адабиёти яратган образлар қаторидан мустаҳкам ва ўйлашмизки, узоқ муддатга жой олдилар. Айниқса, Михаил Пряслин хусусида алоҳида гапириб ўтишни истардик. Фёдор Абрамовнинг моҳир қўли билан яратилган романининг бу қаҳрамонини уруш ва тинчлик давридаги қийинчиликларга бардош берган туб деҳқон табақасининг фазилатларини ўзида мужассамлаштирган. Қишлоқни ана шундай одамлар файзли қилиб келган. Энг синалган, ўзининг бурчига содиқ бўлган совхоз ва колхозларнинг миришкорлари, ферма усталари — ҳозирги қишлоғимизнинг суюнган тоғлари, аини шу Пряслинлардан ташкил топади.

Сўнги йилларда биз анчагина ва баъзан ортиқча шов-шув билан қишлоқ ҳақида, унга бағишланган адабиёт, унинг муаммолари ва одамлари ҳақида баҳслар қилдик. Абрамовнинг эпопеяси бу баҳсларнинг марказида туради. Чунки муаллифнинг ўзи «Уй» деб атаган қисмида — шу кунги қишлоқнинг жуда кўп ва унчалик оддий деб аташ мумкин бўлмаган муаммолари кўтариб чиқилган. Муаллифнинг шаънига образларининг пухталиги учун, ёзиш услубининг оддийлиги учун анчагина ўринли мақтовлар айтилганди. Аммо баъзан бошқача: «Абрамов ўзининг таъсир доирасини бир қишлоқ билан чеклаб қўймаганмикин?», «Уни ҳаётнинг умумий йўлидан ажратиб олмаганмикин?», «Михаил Пряслиннинг характериға қарама-қарши бўлган хатти-ҳаракатларни қилишга мажбур этиб, унинг олдида гуноҳга қолмаганмикин?», «Тасодиқнинг қурбони бўлган Лизага нисбатан муаллиф ўта қаттиққўл эмасмикин?» деганга ўхшаш мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Бу мунозараларда биз шу кунги қишлоқ қаҳрамонини яратиш даражаси ҳақида, адабиётда ҳаётнинг янги қатламларини акс эттиришни сабрсизлик билан кутиш ҳақидаги табиий фикр ва мулоҳазаларни кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам адабиёт «Пряслинлар» да тўхтаб қолмади. Бунинг учун В. Беловнинг қисса, ҳикоя ва очеркларини, Ю. Курановнинг «Теранликдаги теранлик» повестини, С. Бабаевскийнинг «Бепоен дала», Ю. Мушкетикнинг «Позиция», А. Жуковнинг «Невара учун жой», О. Ёкубовнинг «Диёнат» романларини, А. Кривоносонинг «Бемаҳалда», Ю. Гончаровнинг «Сўнги ўрим» қиссаларини, Ю. Грибовнинг қисса ҳамда очеркларини ва бошқа жуда кўп китобларни эслаш кифоядир.

Адабиёт қишлоқ ҳаётида рўй бераётган барча воқеаларга чуқур манфаатдорлик билан қараш муҳитини яратишга фаол ёрдам бериб келди. У қишлоқ ҳаётига оид ҳал қилинган ва айниқса ҳал қилинмаган масалалар хусусида салмоқли гаплар айтди. Адабиётда қатор кучли асарлар яратилдики, улар олтишинчи ва етмишинчи йиллардаги воқеликни ҳаққоний акс эттириб берди. Кези келганда шунини ҳам айтиш керакки, гарчи биз ҳаммамиз китобхонни деб ишласак ҳам, маълум бир асарнинг «қишлоқчилар» касабасига мансуб ёзувчи томонидан яратилганми ёки қишлоқ хишиларининг тақдирни юрагига жуда яқин бўлган шаҳарлик ёзувчи яратдими — бунинг китобхон учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

Бу хил адабиётнинг ҳақиқий чўққисини кўрсатиш учун М. Шолоховнинг «Тинч дон» ва «Очилган қўриқ»ларини эслаш кифоя. Бу асарлар жаҳон миқёсида бадий кашфиётлар бўлган.

Биз тарихнинг янги минтақасида яшаймиз. Қишлоқ ҳаётини қайта қуришнинг мураккаб жараёни кетаяпти. Бунинг асосида партиянинг КПСС XXVI съезди қарорларида ўзининг янада такомиллини топган ленинча аграр сиёсати ётибди. Қишлоқ меҳнатқашидан юксак маданият ва профессионал тайёргарликни талаб этувчи — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини индустриалаштириш, уни илмий-техник асосга кўчириш, қишлоқ хўжалиги меҳнатини машина меҳнатининг бир турига айлантириш — партия сиёсатининг ўзагини ташкил қилади. Бу давр талабидир, бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ёзувчилар ишчи синфининг ҳаёти билан боғлиқ бўлган мавзу ва проблемаларни эгаллашда ҳам жиддий ғайрат кўрсатдилар. Шу нарса характерлики, бу мавзулар совет адабиётининг барча миллий отрядлари томонидан қаламга олинмоқда. ВЦСПС ва СССР Ёзувчилар союзи замондош ишчи синф ҳақида энг яхши асарлар учун ўтказиб келаётган аънавий Бутуниттифоқ конкурси кўп жиҳатдан бунга ёрдам берди. Адабий асарларнинг қаҳрамонлари орасида украин, белорус, ўзбек, латиш, армени, туркман, тожик, эстон, бошқирд миллатларига мансуб бўлган ишчиларнинг

ёркин образлари яратилди. Бу расмийчиликдан холи бир ҳақиқатдир. Адабиёт ишчи одамнинг бунёдкорлик меҳнатини миллий шарт-шароитлар, анъаналар муҳитида тасвир қиларкан, совет турмуши ҳақидаги, социалистик ватанпарварлиқнинг маънавий қудрати, ишчи синфининг жамиятимизда етакчи куч эканлиги ҳақидаги тасаввурни кенгайтиради.

Мамнуният билан қайд этиш керакки, Узоқ Шарқ ва Сибирнинг табиий бойликларини ўзлаштирувчи совет кишиларининг қаҳрамонона ишларига бағишланган йирик насрий асарлар пайдо бўлди. Бу ўлкалардаги воқеаларга бағишланган роман ва повестлар воқеликни рўй-рост кўрсатиш билан, ўзига хос поэтик руҳнинг уйғунлиги билан йўғрилгандир. Уларнинг баъзи бирларини айтиб ўтаман: булар — А. Прохановнинг «Воқеа содир бўлган жой», К. Лагуновнинг «Соҳил жуда тик экан», З. Тоболкиннинг «Лебяжий» романи, А. Мифтахутдинов, В. Поволяев, П. Халовларнинг роман ва повестларидир. А. Плетнёвнинг «Шахта» романидаги Узоқ Шарқлик шахтёр Михаил Свешнёв образи қисқа муддат ичида ўқувчиларнинг муҳаббатини қозонди. Бу образ совет адабиёти санъаткорлари томонидан яратилган ишчилар синфи образлари галереясини муносиб равишда тўлдирди.

Чингиз Айтматовнинг «Бир асрга татигулик кун» романидаги Бўронли Едигей деб номланган кетган — Едигей Жангелдин ишчи образини бадиий жиҳатдан идрок этишдаги муҳим воқеадир. «У — деб ёзади муаллиф романнинг қисқа сўзбошисига, — одамлар айтганидек, ерни тутиб турганлардан бири. Фикримча, унинг ўз даври билан қаттиқ чатишиб кетганлиги, шу образнинг моҳиятини белгилайди. У ўз замонасининг фарзандидир».

Бўронли Едигей образи принципиал аҳамиятга эга бўлган ижодий муваффақиятдир. Чунки шу пайтгача ҳам ёзувчи учун деҳқон типи кўпроқ ижодий имконият яратиш берадими ёки ишчи типими, деган мунозаралар тўхтагани йўқ. Фақат қишлоқ, қишлоқ одамигина ҳақиқий бадиий бино яратиш учун потенциал тўлақонли қурилиш материали бериши мумкин, деган назариянинг тарafdорлари ҳануз мавжуд. Ҳақиқатан ҳам биз, яқин кунларгача ўтмишда деҳқонлар мамлакатни эдик. Россиядаги ўтган асрдаги машҳур асарларнинг қаҳрамонлари ё у, ё бу тарафдан деҳқон билан боғланган бўлардилар. Бу ҳусусда катта тажриба ҳам тўпланганди, анъаналар юзага келганди. Аммо, ҳозирча биз бошқа шароит билан юзма-юз келиб турибмиз: биз индустриал мамлакатга айландик, инженерлар, электрон ва атом техникасига эга бўлган, ижтимоий ва техник жиҳатдан фикрлай оладиган ишчилар мамлакатига айландик. Ёзувчи янги тушунчалар оламига, асрлар мобайнида қарор топанга ўхшамайдиган оламга кириб боради, бошқа оламни кўради.

Совет адабиётининг ишчилар синфи ҳаётини акс эттиришда эришган ютуқлари фақатгина келажак авлод учун қоладиган нарсалар яратилганлигида эмас, балки, бизнинг янги тажриба тўплаётганимизда, янги анъаналар яратётганимиздадирки, бусиз — бир сифат ўзгаришдан иккинчисига ўтиб бўлмайди. Одамзод ҳаётининг ўзидир бу жараён, яъни — инсонга етуқлик унинг болалиги ва ўсмирлиги ўтиб кетгандан кейин келади.

Чингиз Айтматовнинг романидаги оддий ишчининг туйғулари ва хатти-ҳаракатлари, гарчи у ижтимоий организмда кичкина ўринни эгалласа ҳам, халқ ҳаётининг моҳиятини акс эттиради. У бор одам, у уруш қатнашчиси, у Сарозек чўлларидаги кичкина бир разъездда яшайди. Уни заминимиздаги балолар куйдиради, заминимиздаги шодликлар қувонтиради. Асарнинг баён услуби бой ва кўп қатламли: пишиқ реалистик тўқимага, халқ озаки ижодининг, афсоналарнинг поэтикаси ҳамда, муаллиф ўзи «ҳаёт метафораси» деб атаган фантастика элементлари чатишиб кетади.

Гарчи, кўпчиликнинг фикрига қараганда, романнинг «космик» линияси баъзи бир жойда мунозарали туюлса-да, ижобий қаҳрамон проблемасини бадиий ҳал этишда муаллиф ниятининг келажаги порлоқ эканлигини инкор этиш мумкин эмас. Бу конкрет одам тақдири орқали ўз даврининг энг долзарб масалаларини кўрсатиб беришдир. Ишчилар синфи ҳақидаги адабиётга кенгроқ, кўламлироқ назар ташлашга аллақачон фурсат етган. Албатта, ёзувчининг, айтишлик, станокка боғлиқ ишчи одамнинг ишлаб чиқариш фаолиятдан туғилган маънавий муҳитни кўрсатиб бергани яхшироқ бўлиши мумкин. Лекин, маълум сабабга кўра, кўпинча амалда бу рўёбга чиқмайди. Шунда танқидчилар бу асарни қавққа олиб бориш, қайси бўлимга тиркаш ҳақида фол оча бошлайдилар. Ваҳоланки, асосий гап бунда эмас. Асарда заводнинг, қурилишнинг ва умуман ишлаб чиқаришнинг бўлмаслиги мумкин, муҳими бошқа нарсада: асар ишчи синфи идеологияси билан сўғорилганми-йўқми? Чунки бу бутун халқимизнинг идеологиясига айланган коммунистик идеологиядир. Кўп ёзувчилар одамларнинг фикр-ўйлари ва хатти-ҳаракатларини баҳолашда, худди ана шу мезондан келиб чиқётганликларини таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунончи, моҳир прозаик В. Кожевников «Тошқин дарё» деган тўпламига қатор қиссаларини жамлаб, яқинда нашр эттирди. Қиссаларнинг қаҳрамонлари турли касб, турли ёш, турли иштиёқдаги одамлар. Уларнинг ичида қишлоқликлари ҳам, шаҳарликлари ҳам бор. Аммо, ижтимоий бурга, ишчи синфи идеологиясига садоқат — улар ҳаётининг ягона мезонидир.

Шуларни айтар эканман, ишлаб чиқариш коллективларининг ҳаёти билан боғлиқ бўлган проблемаларни ўзлаштириш адабиёт олдида ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб бўлиб турмаганлигини қўшимча қилмоқчиман. Бу ерда ҳозир ғоят муҳим во-

кеалар содир бўлмоқда, ижтимоий ва шахсий сабаблар мужассамлашган конфликтлар пайдо бўлмоқда; бу ерда буюк ижтимоий ва ишлаб чиқариш, илмий-техник ва психологик вазифалар фондида коллективнинг ҳар бир аъзосининг характери ўз шакллари топмоқда. Меҳнаткашларнинг энг эзгу орзу-умидларини акс эттирган ҳолда куйидан келадиган ташаббуслар давлат миқёсидаги режаларнинг узвий қисмига айланиб бормоқда. Худди мана шу йўлда П. Загребельний, В. Попов, М. Колесников, В. Собко, И. Герасимов, Р. Файзий, Мирмуҳсин, Ю. Ақобиров, Ю. Скоп, Г. Панжикидзе, В. Лам, С. Санбоев романларида бошланган иш давом эттирилиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг XXVI съезидаги Ҳисобот докладыга яна мурожаат қиламиз: «Жамиятимизнинг ахлоқ масалаларига тобора кўпроқ эътибор берилаётганлиги ҳам, — дейилади унда, — совет санъатида ўз ифодасини топмай илжи йўқ. Одамларнинг ишлаб чиқаришдаги ва турмушдаги муносабатлари, шахснинг мураккаб ички дунёси, унинг нотинч сайёраимиздаги ўрни — буларнинг ҳаммаси бадий изланишлар учун имконияти беҳисоб соҳадир».

Романдан тортиб ҳикоя, очерк, публицистик мақолаларгача — ҳамма турдаги проза инсон ва жамият билан боғлиқ бўлган маънавий ва ахлоқий-тарбиявий масалаларга катта эътибор бериб келди. Маънавий-ахлоқий изланишлар бугунги кунда гоят кенг қўламда кетаяпти.

Социал жиҳатдан фаол бўлган шахснинг тўлақонли бадий образига катта эҳтиёж — ҳаётнинг ўзидан келиб чиққан эҳтиёждир. Кейинги йиллардаги асарларнинг кўп қаҳрамонлари ўзларининг хулқ-атворлари, туриш-турмушлари билан ана шу эҳтиёжга жавоб берадилар. Қаҳрамоннинг ижтимоий жиҳатдан фаоллиги — унинг мешчанлик, истеъмолчилик психологияси кўринишларига қарши муросасизлигида, шу психологияга қарши кураш олиб боришида кўринади. Кўлгина проза асарлари ўз қаҳрамонларининг худди ана шундай фаол, ҳужумкор хусусиятларини, намоен қилдилар.

Мана — кейинги йилларда адабиётимизга сезиларли ҳисса қўшган таланти, етук прозаик Юрий Бондаревнинг «Соҳил» ва «Йўл танлаш» романлари. Бу икки романда ҳам инсон ҳаётининг моҳияти, мақсади ҳақида теран фалсафий мушоҳада юритилади. Бу нарса, айниқса, «Йўл танлаш»да кескинроқ қўйилган. Асар сюжетида яшашдан мақсадни аниқлаш, унинг ҳақиқийси ва сохтасини ажратиб олиш, яъни ҳаёт йўлини танлаш масаласи асос қилиб олинган. Ю. Бондаревнинг асарлари жонли тортишувларга сабаб бўлди. Чунки ёзувчи оммавий, очиқ тўқнашувларни эмас, аксинча, жуда кам учрайдиган, лекин реал мавжуд, муайян инсонда ёки ҳодисада намоен бўлган тўқнашувларни танлаган.

Ҳар ҳолда, Ю. Бондарев уруш даври ва урушдан кейинги давр ҳаётимизнинг қайси жабҳасига тегмасин — унинг романларида Ватан туйғуси, Ватан ташвишлари ва орзулари, унинг ўтмиши, бугуни ва келажиги бош масала бўлиб туради. «Йўл танлаш» романидаги расом Васильевни эсланг! Сиртдан осойишта, босиқ, баъзан эса тепса тебранмайдигандай кўринган бу одам ҳаётга нисбатан, унинг кўринишларига ва қарама-қаршиликларига нисбатан ўткир сезгирлик туйғусига эга. У машхур расом. Унинг ижодини тан олишади, қадрлашади, севишади. Лекин унинг ўзи қилган ишларидан кўнгли тўлмайди. Бу эса — ҳақиқий талантнинг асл белгисидир.

«Йўл танлаш» кўп планли, теран мазмунли, бадий ижроси ёрқин асар бўлиб, икки дунё ўртасидаги идеологик кураш кескин тус олган ҳозирги нотинч кунларда, айниқса, актуаллик касб этади. Бу асар китобхоннинг юксак ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлайди. Жаноб Рамзиннинг аянчлилиги билан ибратли бўлган тақдирни эса, ватанга ҳиёнат ҳақли равишда маънавий тушкунликка ва шахснинг баталом инқирозига олиб келишини кўрсатди.

Яна бир ёрқин роман — Нодар Думбадзенинги «Абадият қонуни» романидир. Бу асар мамлакатимиз китобхонларида катта қизиқиш уйғотди. Ёзувчи, журналист, жамоат арбоби Бачана Рамишвили уни даволаётган профессорга ўзи очган «Абадият қонунининг» моҳиятини шундай тушунтиради: «Инсон руҳи унинг жисмидан кўра юз марта оғир... у шунчалик оғирки, бир одам уни кўтариб юролмайди... шунинг учун биз токи тирик эканмиз, бир-биримизга ёрдам беришга ҳаракат қилишимиз керак, бир-биримизнинг руҳимизни абадийлаштириш учун ҳаракат қилишимиз керак: сиз — меникини, мен — бошқа бировникини, бошқа биров — учинчи одамникини, хуллас, мана шундай чексиз давом этиб кетаверади...»

Ижтимоий-ахлоқий масалалар, улар ҳаётнинг қайси соҳасига тегишли, инсон ҳаётининг қайси томонига оид бўлмасин, доимо адабиётимизни тўлқинлантириб келган. Инсон ва табиат! Ана шундай ахлоқий-фалсафий масала бўлиб, умуминсоний аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Л. Леоновнинг «Рус ўрмони» романида, унинг публицистик асарларида бу масала қанчалик куч билан, қанчалик ёрқин маҳорат билан қўйилганлигини эсга олайлик.

«...Бизнинг Еримиз яккаю ягонадир, бўлинамасдир, шунинг учун инсон қаерда бўлмасин, ҳатто энг олис тайгада ҳам инсонлигини сақлаб қолиши керак!» Виктор Астафьевнинг машхур бўлиб кетган «Шоҳ балиқ» романидаги балиқчилик инспектори Черемисининг бу сўзлари умуман асар сюжетининг ривожланишини белгилайди. Китобда баёнчининг ўзи бош қаҳрамон. Гоҳ тўғридан-тўғри публицистик фикрлар

орқали, гоҳ унинг ўй-кечинмаларидан ўтган залворли бадиий картиналар орқали асосий ғоя бунёд қилиб борилади.

Қувонарлиси шуки, В. Астафьевнинг китоби кейинги йиллар совет адабиётидаги ягона асар эмас. Ёзувчиларимизнинг табиатни муҳофаза қилишга бағишланган бача чиқишларини баҳолашнинг имкони йўқ. В. Распутиннинг қисса ва мақолалари, Е. Воробьёв, Г. Кублицкий, О. Волков, Ю. Шесталовларнинг очерклари бутун мамлакат бўйлаб акс-садо таратди. СССР Олий Совети ва Совет ҳукумати шу масала юзасидан қонунлар тайёрлаганида, улар ҳисобга олинди, ҳўжалик органлари эса конкрет тадбирлар белгилادилар.

Ёки Даниил Граниннинг «Манзара» деган романини олайлик. Бу асар халқнинг маданий-тарихий ва табиий бойликларини сақлаш ҳамда кўпайтириш хусусида юритилган фикр-мулоҳазаларнинг салмоқдорлиги билан эътиборга лойиқдир. Кичкина бир мавзунинг мақналарлик нарсаси — Жмуркин камарининг тақдири ҳақидаги мунозара — замонамиз кишисининг руҳий таваллуди ҳақидаги мусоҳаба даражасига кўтарилади. Рассом Астаховнинг манзараси Лиководек кичкина шаҳарча учун оддий бир расм бўлиб қолмай, ватанпарварлик маъносини касб этган катта ҳодисага айланади. Муаллиф социалистик турмуш шароитида ижтимоий оҳанг касб этувчи — шаҳарча аҳлининг ахлоқий, маънавий жиҳатдан бойиб бориши жараёнини, совет кишиларининг ўз ўтмишларига умумий қизиқиши ортишининг тарихий қонуниятларини тадрижий равишда кўрсатиб берган.

В. Тендряковнинг «Қасосли дунё», П. Нилиннинг «Биринчи никоҳ» қиссалари, В. Ардаматскийнинг «Суд», В. Амлинскийнинг «Гавжум боғ», Б. Шереметьевнинг «Қизил эскадра» романлари, В. Конецкий, В. Петросян ва кўпгина бошқа ёзувчиларнинг қиссалари ахлоққа ва янги инсонни тарбиялашга оид муҳим масалаларга бағишланган.

Яқинда Олесь Гончарнинг «Сенинг тонгинг» романи эълон қилинди. Роман дипломат Кирилл Заболотнийнинг ҳаёти ва саяхатларини лирик баён қилиш услубида ёзилган ҳозирги нотинч дунёга нисбатан қайноқ, ҳаяжонли муносабат билан йўрилгандир. О. Гончар замонамиз қаҳрамонининг ажойиб образини чизади. Ҳозирги цивилизацияга, инсониятнинг келажакига империализм таҳдид солиб турган шароитда, биз, совет кишисининг масъулияти деб атайдиган тушунча романда жуда аниқ ва кескин ифодаб берилган.

Анатолий Аняев «Урушсиз йиллар» романининг улкан ғоясини амалга ошира бориб, учта китоб ёзиб тугатди. Шаҳар ва қишлоқ воқеаларини, инсон тақдирларидан тортиб, улкан мамлакатнинг давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларигача қамраган халқ ва жамият ҳаётининг кенг манзараси орқали ёзувчи турмушимизни, ижодий меҳнатимиз натижаларини қадам-бақадам кўрсатиб борадики, буларнинг ҳаммаси — партия ва халқнинг тинчлик учун, тинч-тотув яшаш учун олиб борган курашининг, урушдаги ғалабамизнинг меваси эканлиги тушунилади.

Жаҳонга машҳур бўлиб кетган «Қамал» эпопеясидан сўнг Александр Чаковский, ажойиб «Ғалаба» сўзи билан аталган янги китобини якунлади. Худди «Қамал»дагидек «Ғалаба»да ҳам Чаковский, айниқса, иккинчи жаҳон урушининг сиёсий якунларини кўп жиҳатдан аниқлаб ва мустаҳкамлаб берган воқеаларнинг халқаро манзарасини яратишда муваффақият қозонган.

А. Чаковский асарининг жанрини сиёсий роман деб белгиланган. Тинч-тотув яшаш принципларини амалга ошириш учун курашнинг ҳамма проблемалари хусусида фикр юритилган бу роман давримиз ҳаётига тўғридан-тўғри кириб бориб, Совет давлати ленинча миллий сиёсатининг енгилмаслиги ва жозибасини ишонарли қилиб кўрсатади.

Сиёсий материалдан кенг кўламда, моҳиятини тушуниб туриб фойдаланиш адабиётни бойитади, бадиий ечимларнинг янада асослироқ ва аниқроқ бўлишида, кўлам-лироқ образларни яратишда унинг имкониятларини кенгайтиради. Буни фақат Чаковскийгина эмас, бошқа ёзувчиларнинг тажрибалари ҳам кўрсатиб турибди. С. Дангуловнинг «Кузнецк кўприги» романи, Ю. Семёновнинг «ТАСС баёнот беришга вакил қилинган» қиссаси, Д. Солодарь ва Д. Краминовнинг асарлари шундан далолат беради.

Гитлерчилар фашизмга ва Япон империализмига қарши олиб борилган Улуғ Ватан уруши тугаганидан бери орадан йиллар эмас, бир неча ўн йиллар ўтди, лекин ана шу даврга нисбатан қизиқишни орадан ўтган вақт сўндиришга қодир эмас. Шу мавзуга бағишланган адабиёт ижтимоий мотивларга кўра мисли кўрилмаган даражада муҳим, тасвир усуллари ва воситалари жиҳатидан янги, бадиий самаралари жиҳатидан салмоқдор бўлиб, унда ҳали очилмаган талайгина имкониятлар бор. Мен К. Фединнинг умрининг охириги кунигача ижод қилган «Гулхан» деган ажойиб эпопеясини, Н. Тихоновнинг ҳам шиддаткор, ҳам шоирона ёзилган қисса ва ҳикояларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. В. Биковнинг уруш даврига бағишланган янги повестлари, И. Стаднюкнинг «Уруш» романи, И. Чигриновнинг «Бедана ноласи» ва «Беҳуда тўкилмаган қон» дилогияси, К. Симоновнинг кейинги қиссалари, Г. Баклановнинг «Мангу ўн тўққиз ёшлилар», А. Адамовичнинг «Жазоловчилар», Е. Носовнинг «Усвятликлар», О. Кешоковнинг «Нок ранги», П. Лебеденковнинг «Қизил шамол», А. Рибаконинг «Оғир қўм» асарлари, И. Шамьякиннинг ҳарбий мавзудаги қиссалари, М. Зариннинг «Капельмейстр Коцинь календари», А. Алексиннинг «Ивашов» ва

«Фронтидан узоқда», А. Лихановнинг «Гольгофа», О. Симоновнинг «Изланиш», В. Бээкманнинг «Ва юз ўлим», Б. Васильевнинг «Рўйхатларда йўқ» ва «Қарши ҳужум», С. Баруздиннинг «Уз-ўзидан», А. Рекемчукнинг «Умрнинг нозик даври» китобларини ўқувчилар катта қизиқиш билан кутиб олганликлари тасодифий эмас. Бу ўринда яна ўнларча бошқа асарларни келтириб ўтиш мумкин. Кейинги пайтларда адибларнинг мамлакатимиз қуроли кучларининг бугунги ҳаётига, ҳарбий киши образига бўлган қизиқиши анча ошди. Ёзувчилар ташкилотларининг Совет Армияси ҳамда Ҳарбий Денгиз Флоти қисмлари билан мустаҳкам алоқа боғлаганлиги, СССР Ёзувчилар союзининг Бош сиёсий бошқарма ҳамда чегара қўшинлари сиёсий бошқармаси ва Ички ишлар министрлиги органлари билан ҳамкорлик қилаётганлиги шунга имконият яратди. Ана шу мавзуларда ёзилган энг яхши асарлар Мудофаа министрлиги, Давлат хавфсизлик комитети, Ички ишлар министрлиги, СССР Ёзувчилар союзининг мукофотларига сазовор бўлди.

Прозанинг, айниқса, унинг йирик шаклининг санъатнинг бошқа турларини ривожлантиришдаги аҳамиятини таъкидламасдан ўтолмайди. А. Ивановнинг «Мангу даъват», П. Проскуриннинг «Тақдир» ва «Сенинг исминг», А. Нурпеисовнинг «Қон ва тер», М. Алексеевнинг «Хушхон мажнунтол» эпопеялари ва М. Стелмаҳнинг «Тўрт кечув» китоблари юксак баҳолангани маълум. Бу асарлар халқ ҳаётини чуқур тасвирлаб берганлиги, янги социалистик жамият қурувчиларнинг яхлит образларини яратганлиги, Совет тузуминини ўрнатилган даврида ва фашизмга қарши кураш йилларида синфий кураш пафосини аниқ акс эттирганлиги туфайли китобхонларнинг диққат-эътиборини қозонди. Худди ана шу юксак гоёвий-бадиий фазилатлар телеэкран, сахна ва тасвирий санъат усталарининг эътиборини ўзига жалб қила олди. Масалан, «Мангу даъват», «Тақдир», шунингдек Г. Троепольскийнинг «Қора қулоқ оқ Бим» повестлари асосида яратилган теле ва кинофильмлар санъатнинг шу соҳасида муҳим воқеа бўлди ва миллионлаб томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинди.

Кейинги йилларда ёзувчилар, айни бир пайтда китобхонлар ватанимизнинг яқин ва узоқ тарихларига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Халқларимиз тақдири, она Ватанимиз тақдири ёзувчиларимизнинг ижод эътиборига кўпроқ сазовор бўлмоқда. Дарҳақиқат, ахир биз, ўз наслу насабини билмайдиган иванлар, шунингдек, фақат ўтмишни қоралайдиганлар эмасмиз, биз ўтмишнинг сидқидил шогирдларимиз, унинг меросхўрлари ва давомчиларимиз.

Владимир Чивилихиннинг «Хотира» деган роман-эссеси ҳамманинг диққат-эътиборини ўзига қаратади. Чивилихин ўтмишга муҳаббат билан, лекин уни идеаллаштирмасдан, тарихимизнинг муҳим давлари ҳақида ҳикоя қилади. Айрим тарихчиларнинг хато ва камчиликларини батафсил танқид қилиб, тарихий ҳақиқатни тўлдирди, дадил фаразларни ўртага ташлайди.

Бизнинг инқилобимиз ва совет қурилиши тарихига бағишланган адабиёт серқирра ва кўп планлидир. А. Коптеловнинг «Таянч нуқтаси», С. Сартаковнинг «Порлайвер, юлдуз», В. Закруткиннинг «Оламнинг яратилиши», Н. Шундикнинг «Оқ шаман» романлари, Ю. Трифоновнинг «Чол», А. Боршчаговскийнинг «Сичень», Ф. Тауриннинг «Революция жонбози», В. Канивецнинг «Даҳонинг эртаси», З. Воскресенскаянинг «Пароль — умид», М. Прилежаевнинг «Майнинг яшил навдаси» қиссалари, С. Залигиннинг «Бўрондан сўнг», Ҳамид Фуломнинг «Мангулик» романлари, М. Шагиняннинг «Инсон ва давр», В. Кавериннинг «Ёруғ деразалар», В. Катаевнинг «Менинг олмос тожим», Б. Полевойнинг «Энг хотирабоп кунлар», Г. Мединскийнинг «Ҳаёт босқичлари», М. Каримнинг «Болалик йилларим» каби автобиографик китоблари ва бошқа кўпгина қизиқарли асарларни шу сирага киритса бўлади. Адабиёт большевизмининг — XIX ва XX асрларнинг энг илғор инқилобий тажрибасини ўзлаштирган сиёсий оқим сифатидаги голибона юришини теранроқ кўрсата бошлади. Сиёсий адабиёт нашриёти «Оташин революционерлар» мажмуасидаги китоблари ҳамда коммунистик партия арбобларига бағишланган тўпламларни нашр этишни муваффақият билан давом эттирмоқда.

Тарихий проза бундан буён ҳам муваффақият билан ривожланиб боради, деб ишонч ҳосил қилишга ҳамма асосларимиз бор. Албатта, ҳатто, энг яхши китобларда ҳам камчиликлар ёки мунозарали жойлар йўқ, деб айтиш соддалик бўларди. Чунки, ҳар бир ростмана изланиш — фақат ҳақиқатлардан тўқилган гилам эмас. Лекин тарихий адабиётга катта қизиқиш билан қаралаётган айни бир пайтда, йўл қўйлаётган хатоларга, тарихий вазиятларни ҳамда ҳаракатлантирувчи кучларни ҳисобга олаётганда, аниқ синфий позициялардан тойилиш ҳолларига айниқса чидаб бўлмайди. Афсуски, бу ҳол айрим воқеа ва шахсларга баҳо беришда ҳамон кўриниб қолмоқда. Бу хусусда адабий матбуот ҳам, умумсиёсий матбуот ҳам ўз вақтида батафсил ёзган эди.

Биз жамики ижодий изланишлар пайтида шу нарсани унутмаслигимиз керакки, инсоният тарихи — бу синфлар кураши тарихидир. Ёзувчининг ўзи тасвирлаётган воқеликка фақат синфий — бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас — фақат ижтимоий муносабатда бўлишгина узоқ ўтмиш воқеаларини ҳам, ҳозирги воқеаларни ҳам акс эттиришда хато ва янгилишлардан сақлаб қолиши мумкин.

Китобхонларда илмий фантастикага ва саргузашт адабиётга катта қизиқиш бор. Баъзан эса, биз бунга етарлича аҳамият бермай келаётимиз. Фантаст ёзувчи-

ларимиз илмий-техника тараққиётнинг мураккаб масалаларига, энг муҳими эса, мураккабликда ундан қолишмайдиган инсоннинг ва келажак жамиятнинг социал тараққиёти масалаларига кириб боришга ҳаракат қилдилар.

Адабиётимизнинг фаолиятини, юксак ижтимоий активлигини, халқнинг ҳамма ишлари ва таъшишларига аралашини публицистикамизда кўрса бўлади. Адабиёт бу соҳада талай ютуқларга эришди.

КПСС Марказий Комитетининг XXVI съездга қилинган ҳисобот докладыда шундай дейилганди: «Партия энг яхши асарларга хос бўлган гражданик пафосини, камчиликларга нисбатан муросазлиқни, санъат жамиятимиз ҳаётига оид проблемаларни ҳал этишга фаол аралашаётганини табриклайди». Адабиётимизда «шундай жиддий проблемалар кўтарилдики, буларни ҳал қилиш учун Госплан чиндан ҳам «бир терлаб» олса чакки бўлмасди. Бу гап фақат унгагина тегишли эмас». Бунда публицистиканинг хизмати катта» бўлди.

Бу жанговар жанрларнинг ҳаракатида, уларнинг янада ривожланишида адабий матбуот — бизнинг «Литературная газета»миз, марказий ва республикаларнинг адабий журналлари, республика ёзувчилар союзларининг газеталари ҳал қилувчи роль ўйнади. КПСС XXV съезддаёқ қўллаб-қувватланган ташаббус — илғор қурилишлар, беш йилликнинг sanoat ва қишлоқ хўжалик объектларининг меҳнат коллективлари устидан журналлар ва ёзувчилар ташкилотларнинг оталиғи самарали бўлди. Ёзувчилар очерк, публицистик чиқишлар ва қатор йирик насрий асарларидаги жуда кўп муҳим мавзуларни, худди ана шу иттифоқ тўғрисида, ҳаётнинг қайнаб турган жойларидан ола олдилар. Биз халқ билан алоқанинг ана шундай шаклларини ҳар жиҳатдан янада ривожлантиришимиз, айти пайтда, самарадорлигини оширишимиз керак.

Публицистик китобларнинг донги энг машҳур роман ва қиссаларникидан қолишмаганини айтиб ўтмоқчиман. Буни мен публицистикани иккинчи даражали жанр тоифасига киритишга ҳамон ҳаракат қилувчиларнинг эътибори учун таъкидлаяман. В. Коротичнинг «Тухум кубатураси» ва «Нефть» китобларининг қанчалик қизгин кутиб олинганлигини бир эслайлик. Дарҳақиқат, В. Коротич адабиётда асосан шоирдир, шоир бўлганда ҳам салмоқли шоирдир. Аммо, фикримизча, ва унинг энг сўнги шеърӣ китобларига қараганда, публицистика билан шуғулланиш Коротичнинг шоирлигига пўтур етказмаган. А. Аграновскийнинг ҳозирги шароитда инсон тарбиясининг ўткир проблемаларини маҳорат ва талант билан кўтариб чиққан «Уз ишининг устаси» китобини; Иван Васильевнинг Россия Ноҳоратупроқ зонаси хусусидаги бой материаллар асосида овечкинча аънанани бойитган очеркларини; илгари чет эл очерклари билан танилган, эндиликда Россия Федерацияси халқлари ҳаётиндан публицистик китоб яратган литва ёзувчиси А. Лауринчукасларни эсга олиб ўтмоқчиман.

Ю. Жуковнинг «Келажаксиз жамият», Г. Боровикнинг «Бир қотиллик тарихи» ва «Ҳақиқат сонияси», М. Стуруанинг «Куён тумшуқ — Гленн Тарнер», А. Кривицкийнинг «Нарги соҳида, ёки Пентагон ва унинг атрофлари ҳақида баъзи нарсалар» деган китобларини, шунингдек, машҳур шоир ва прозаик Н. Грибачёвнинг мақола ва памфлетларини, А. Саҳнин, Эрнст Генриларнинг, Ф. Кузнецовнинг Польша ҳақидаги, А. Прохановнинг Афғонистон ва Ангола ҳақидаги очеркларини мен халқаро мавзуда иш олиб бораётган ёзувчиларнинг асарлари сирасида санаб ўтишни истардим.

Афсуски, ҳали ҳам ёзувчиларимиз куннинг долзарб масалаларини бўйича газеталаримиздан унумли фойдаланмаётирлар. Ваҳоланки, ёзувчининг «Правда», «Известия», «Литературная газета» саҳифаларида босилган гаплари кенг оммага етиб боради, жонли баҳслар кўзғотади. Сўнги йилларда А. Кривицкийнинг «Правда»да босилган «О, мунофиқлар» памфлети, Эллигий Ставскийнинг «Тежамкорлик психологияси» очерки ёзувчиларнинг газеталарда чиқишларининг юксак намуналари борлигидан далолат беради.

Съезд минбаридан туриб «Детская литература» нашриётининг қимматли ташаббусини қувватлагимиз келади. Бу нашриёт М. Алексеевнинг «Унинг нархи — ҳаёт» номли китобчасини «Нон ҳақида сўз» деган қўшимча сарлавҳа билан chop қилди. М. Алексеев ноннинг бебаҳо қадри ҳақида, ғаллакор меҳнатининг умумхалқ аҳамияти ҳақида «нон-отани» асрашни асрлардан бери ўргатиб келган ахлоқий ҳақиқатлар ҳақида фақат болаларгагина эмас, балки ҳаммага, ёрқин, ишонарли ҳикоя қилиб беради.

Хуллас, бизнинг публицистикамиз яхши йўлга туриб олган, адабиётга зарур бўлган жанговар руҳни бахш этиб турибди. Яқинда СССР Ёзувчилар союзи публицистлар учун Алексей Толстой номида мукофот жорий қилди. Биз бундан кейин ҳам бу жанр ҳақида ғамхўрлик кўрсатиб боришимиз керак. Бу йўналишда омад бизга тез-тез ёр бўлиши учун янги, талантли одамларни излайверишимиз ёш ёзувчиларимизни публицистикага дадилроқ тортаверишимиз, адабий матбуот эса, айрим олинган ёзувчиларнинг ҳам, буён-бутун ёзувчилар коллективларининг ҳам яхши ташаббусларини қўллаб-қувватлаб туриши лозим.

Ўртоқлар!

Поэзия соҳасида, худди аввалги беш йилдагидек бу гал ҳам ривожланишнинг аксари қисми поэмага тушди. Айти шу поэма жанрида ўтмиш ва бугунимизнинг турли томонлари қамраб олинди, мамлакатимиз поэзияси янги ютуқларга эришди.

Утган беш йилликда Егор Исаевнинг «Хотирот ҳукми» ва «Хотирот уфқи» поэмалари устидаги кўп йиллик меҳнати ниҳоясига етди. Е. Исаевнинг шеърӣ дилогияси халқ турмушини теран қамраб олиши, мамлакатимизнинг тарихий ривожланиш жараёнига органик равишда чатишиб кетиши, образлиқнинг кўлами, поэтик оҳангдорлиқнинг ҳайратланарли даражада соддалиги билан ҳақли равишда бутун кўп миллатли шеърӣятимизда муҳим ўрин эгаллади. Ҳақли равишда бу дилогия Ленин мукофоти-га сазовор бўлди. М. Бажан, Ж. Мўлдағалиев, Д. Кугултинов, Ю. Марцинквичюс, В. Соколов, Қ. Қўлиев, В. Федоров, Р. Рождественский, М. Қаноат, Р. Ҳамзатов, С. Наровчатов, М. Танк, Г. Абашидзе, М. Дудин, Е. Евтушенко, П. Боцу, Б. Олейник, О. Шестинский, Е. Долматовский, О. Фокина, С. Викулов, А. Чепуров, А. Криловский, А. Орипов, К. Қурбонпесов ва бошқа кўпгина шоирларнинг янги поэмалари ҳам зўр эътибор билан кутиб олинди.

Хуллас, поэмачилиқ бизнинг ўраб турган ҳозирги замон муҳитига фаол кириб бормоқда ва биз шоирларимизга коммунизм қурувчиси бўлган замондошимизнинг қаҳрамонлигини акс эттиришда янада кўпроқ матонат билан ишлашларига тилақдош бўлиб қолишимиз мумкин. Бу ерда гап поэмачилиқнинг давримизнинг туб моҳиятини ташкил этувчи масалалар томон бурилиши устида бораяпти.

Кўпгина съезд олди мунозараларида бизнинг лирика цехимиздаги аҳвол қониқ-тирмаётганлиги ҳақида фикрлар деярли бир оғиздан айтилди.

Масалан, СССР Ёзувчилар Союзининг танқид ва адабиётшунослик совети томонидан ўтказилган «СССР Ёзувчиларининг VI ва VII съездлари орасидаги даврда совет поэзиясининг ривожланиши масалалари» мавзусидаги пленум бунга мисол бўла олади. Мунозарада теманинг майдалиги, граждандлик ҳиссиётининг етишмаслиги, халқ ҳаётидаги воқеаларга бефарқлик, бадиий шаклнинг бўртиб турмаслиги қаттиқ танқидга учради. В. В. Маяковский аънаналарига ёндашиш — шеърӣятнинг ижтимоий фаоллигини оширишга даъватлар қайта-қайта янгради.

Бу, аввало, шоирларнинг аммо, фақат шоирларнинг иши эмас. Балки, умуман бутун адабиётимиз олдидаги вазифадир. Адабий журналлар, газеталар ва нашриётлар лирикадаги граждандлик туйғусининг сусайиб бораётганлигини қайд этишдан (биз буни биринчи марта эшитибганимиз йўқ) — бугунги кунда жамиятимиз учун жуда зарур бўлган граждандлик лирикасига бевосита амалий ёрдам беришга ўтишлари керак. Албатта, бундай лирика ҳозир бизда бор. Аммо, айрим шоирларнинг айрим муваффақиятларидан фаол граждандлик пафоси билан йўғрилган замонамизнинг ҳамма воқеа ва ҳодисаларида акс-садо берадиган асримиз ҳақиқатини ишонч билан, эҳтирос билан одамларга ташийдиган лириканинг умумий юксалишига эришишимиз зарур.

Кейинги пайтларда кўшиқ ижодкорлари адресига ҳам танқидий фикрлар тез-тез айтилаб турипти. Яхши кўшиққа талаб жуда катталигига қарамай, афсуски, тажрибали шоирларнинг кўпчилиги бу соҳада оз ва кўнгилсизлик билан ишлайдилар. Биз композиторлар билан ҳамкорликда, нафақат ясамалик ва дидсизликка чек қўйишимиз, балки, кўшиқ жанрининг бундан буёнги тараққиётига жиддий эътибор қилишимиз керак.

Совет адабиётда сатирик поэзия, сатирик драматургия ҳамда прозамиз мавжуд ва у муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Буларнинг мафкуравий курашдаги аҳамияти бекиёсдир. Ҳозирги кунда ҳажвчи ва юмористларимизнинг иши, айниқса кўп. КПСС XXVI съездида кўрсатиб ўтилган ва турмушда учраб турадиган муайян салбий ҳодисалар хамиша уларнинг диққат-эътиборида турмоғи лозим. Халқаро миқёсдаги душманларимизга қарши ҳам ҳажв ўтини кучайтирмоқ керак. Ҳажвчи шоир ва ёзувчиларимиз Улуғ Ватан уруши даврида шу соҳада ишлаган ўз касбдошларининг тажрибаларини тез-тез эслаб турсалар бўларди. У пайтларда сатира ва юмор одамларимизга матонат билан жанг қилиб, ғалаба қозонишларига амалий ёрдам берганди.

Уртоклар!

КПСС Марказий Комитетининг ҳаммамизга маълум «Адабий-бадиий танқид ҳақидаги қарори бутун адабиётга ва айниқса танқидчилик тараққиётига самарали таъсир кўрсатди. Бу партия ҳужжатининг адабий жараён тараққиётига таъсири кейинги йилларда ҳам давом этиб келди. Танқидчилигимиз фақат адабиётда эмас, жамият маънавий ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам фаоллашди, обрўси ошди. Адабиётнинг таркибий қисми сифатидаги ўрни кенгайиб, аҳволи мустаҳкамланди, бадиий ижодда ўйнайдиган роли кўтарилди. Танқид цехининг қатор усталари Ленин ва СССР Давлат мукофотлари, республика мукофотлари, СССР Фанлар академияси ва СССР Ёзувчилар союзининг мукофотлари билан тақдирланганликлари танқидчилик илмий жиҳатдан қуролланганлигидан, фаоллигидан ва профессионал маҳорати ортанлигидан далолат беради.

Танқидчиликнинг асосий кучи социалистик реализм адабиётининг тажрибасини ўрганишга, унинг проблемаларини ишлаб чиқишга, уни мафкуравий душманларимизнинг жоҳилона, тухматчиликдан иборат ҳужумларидан ҳимоя қилишга қаратилди. Бу йилларда М. Храпченко, В. Озеров, Н. Федоренко, Е. Книпович, Ю. Суворцев, В. Новиков, Ф. Кузнецов, Л. Новиченко, Д. Марков, А. Овчаренко, Я. Тераколян, И. Гринберг, Ч. Гусейнов, З. Кедрина, Ю. Барабаш, А. Михайлов, Б. Панкин, И. Андроников, Г. Бровман, Г. Ломидзе, М. Пархоменко, Ю. Андреев, В. Деметьевлар (бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин эди) ўзларининг мазмундор асарлари билан чиқдилар.



Танқидчиларнинг айрим ёзувчилар ижодини тадқиқ қилишга бағишланган фаол ҳаракатлари қўллаб-қувватлашга аризиғулик ишдир. Шу йиллар ичида бадий адабиёт усталари, ҳамма авлодларга мансуб бўлган прозаиклар, шоирлар, драматурглар ҳақида қўллаб китоблар чиқди. Албатта, бу китобларнинг савияси турлича, мунозара ва баҳсларга сабаб бўлиши мумкин, аммо, қилинган ишнинг катталиги ва жиддийлиги, шакл-шубҳасиздир.

Энг сўнги вақтларда иттифоқдош ва автоном республикаларимизда ҳам бутун кўп миллатли адабиётимиз масалаларига, шунингдек алоҳида миллий адабиёт тажрибаларига бағишланган қатор қизиқарли тадқиқотлар эълон қилинди.

Уйлайманки, газета ва журналлар танқидчиларнинг китобларига атрофлича, изчиллик билан, профессионал жиҳатдан кўпроқ эътибор беришлари керак.

Шу ўтган беш йиллик ичида бизда анчагина мунозаралар бўлиб ўтди. Улардан энг муҳимларини эслайлик: классиклар ва классик меросга ҳозирги замон баҳоси ҳақида; революцион-демократларнинг аъёнлари ҳақида; ҳозирги кун қишлоғига бағишланган адабиёт ҳақида; поэзиянинг граждандилиги ҳақида; ҳозирги замон ҳикоячилик проблемалари ҳақида ва бошқалар. Бироқ баъзи мунозараларда, қатор муҳим масалалар бўйича зарур бўлган аниқ тўхтамларга келинмади, баъзи бир ҳулосаларда дунёқарашларнинг турғун эмаслиги сезилди.

Классикларга баҳо беришда биз маданий меросдаги икки хил маданият ҳақидаги ленинча таълимотдан етарли даражада оқилана фойдалана олмаган пайтимизда, кўпинча ноаниқликларга йўл қўйганмиз. Лев Толстой ҳақидаги мақолаларида Ленин, ёзувчининг ўзига хослигини конкрет тарихий шароитда тушунишнинг энг юксак илмий намуналарини берган. Бу мақолалар энг мураккаб ёзувчининг бадий оламини тадқиқ этганда ҳам йўлчи юлдуз эди ва шундай бўлиб қолади. Афсуски, баъзан, классикларга баҳо беришда субъектив мулоҳазаларни олдинга суришга интилишлари ҳам рўй берди, классикларнинг ижоди ва ҳаёт йўлларининг баъзи баҳоналар билан ижтимоий баҳосини бўшаштиришга уринишлар бўлди. Бу нарса ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаганиди. Классик мерос аҳамияти ҳеч қачон ўзгармайдиган бизнинг маънавий хазинамиздир. Классикларнинг тажрибасига ўзбилармонлик билан пала-партиш ёндашиш, ҳаётда бўлган фактларни айрим тадқиқотчиларнинг тор доирадаги тасавурларига мослаб ўзгартиришга уруниш ғайри тарихий ва ноилмий ҳаракатлардир.

Бизда революцион-демократларга оид масалаларга, шунингдек, уларнинг маънавий меросларининг аҳамиятга доир талайгина мунозаралар бўлиб ўтди. Уртоқлар, бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардикки, Белинский, Добролюбов, Чернишевский, Герценлар, иттифоқчи республикамизнинг ерларида яшаган барча революцион-демократлар — бизлар билан, аввалги чор империяси ерларида ҳозирги кундаги коммунистик жамият қўғувчилари билан — қондош, жондош сиймолардир. Биз, коммунистлар — уларнинг тўғридан-тўғри, таъкидлайман — тўғридан-тўғри авлодлари ҳамда меросхўрларимиз. Бу нарсани унутиш — ўз насл-насабини, ўзининг аجدдоларини унутишдан бошқа нарса эмас. Устозларимизнинг тасавурларидаги адабиётнинг халқчиллиги, унинг ижтимоий моҳияти тарихан ўзини оқлади, адабиёт ва санъат ҳақидаги ҳозирги замон социалистик таълимотнинг марксча-ленинча асосларига таркибий қисм бўлиб кирди. Революцион-демократларнинг аъёнларини асраш ва ардоқлаш дегани бу — адабиётнинг ленинча партиявийлиги ва халқчиллиги принципларини ривожлантириш, уни Коммунистик партиянинг ғоялари билан ҳамда коммунистик бунёдкорликнинг умумхалқ тажрибаси билан бойитиб бориш деганидир. Революцион-демократларнинг ижодий тафаккурлари тозаллигини сақлаш — танқидчилигимизнинг бурчидир. (Қ а р с а к л а р).

Ҳозирги замон адабиёти проблемаларига бағишланган мунозаралар, айниқса, замонамиз қаҳрамони хусусидаги гаплар адабий танқидчилигимизнинг анчагина бўш томонларини кўрсатиб қўйди. Бутун бошли бир давр, деб аташ мумкин бўлган пайтда кўп танқидчилар, «ижобий қаҳрамон», деган тушунчадан қочардилар. Буни ўша пайтларда мавжуд бўлган, бу каби катта ва мураккаб проблемани вулгарча содда-лаштиришга нисбатан реакция деб, изоҳлашим мумкин. Танқидчилар «ижобий қаҳрамон» тушунчасини «халқ характери, «замонавий шахс», «ғоявий одам» сингари тушунчаларга алмаштирганлари сабабли, ўзларининг турли тарихий даврларда беистисно оқлаган асосий баҳо-мезонларини йўқотиб қўйдилар. Баъзи бир ўртоқларнинг ушбу тўқиб чиқарилган догматик тушунчалар тагига назарий пойдевор яратиш ҳаракатлари ҳам ёрдам беролмади. Ахир «ижобий қаҳрамон» тушунчасидаги қаҳрамон халқнинг тарихий тажрибасига ҳам, партиямизнинг энг юксак ғоявий-бадий талабларига ҳам жавоб берадиган хусусиятларни ўзида мужассам этиши аниқ ва равшан-ку!

Кейинги пайтларда танқиднинг ижобий қаҳрамон масаласига қизиқиши кучайди. Бу қизиқишга, шубҳасиз, адабиётимизнинг муваффақиятлари, замонамизнинг ижтимоий эҳтиросларини аниқ ҳаққонийлик билан акс эттирган, ижобий қаҳрамонларнинг қўламли ва ҳаққоний қиёфасини тасвирлаб берган қатор йирик асарларимиз, шунингдек, Ёзувчилар союзида ўтказилган журналларимиз, газеталаримиз ва республика ёзувчилар союзларининг ҳисоботлари муносабати билан ҳамда бутуниттифоқ ижодий конференцияларида шу хусусда айтилган батафсил фикр-мулоҳазалар сабабчи бўлдилар.

Мамлакатимизда танқидчиларнинг баркамол кадрлари вояга етди. Ҳозир танқидчилик соҳасига, ижодкор ёшлар жадал суръатда оқиб келаётир. Бу жараён адабиёт ва санъатга қўшилаётган «янги тўлқин»нинг таркибий қисмидир. Бошқа жанрларда бўлганидек, танқидчиликда ҳам ҳамма авлодлар ўртасида тўла ҳамфикрлилик борлиги қувонарли ҳолдир. Ана шу ижодий-бадий бирлик туфайли танқид сифатини, адабий жараёнга таъсирини оширишнинг жуда катта имкониятлари вуҷудга келади.

Ҳозир мафкуравий душманмиз ўз хуружларини кучайтириб, сафларимизни бузишга, ғояларимизга нисбатан ишонсизлик туғдиришга, бизни партиядан ажратишга ҳаракат қилаётган кескин идеологик кураш даврида яшамоқдамиз. Душман макр ва тухматни, ёллаш ва йўлдан тойдириш сингари удумларни ишга солмоқда. Ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб, салгина янглишишимизни, адашишимизни ва хатоларимизни совет турмуш тарзига, ижодий услубимиз — социалистик реализмга, бизнинг коллектив равишда иш олиб бориш принципларимизга қарши қўймоқдалар. Худди мана шунинг учун ҳам қанчалик макророна бўлмасин, душманнинг биронта ҳам ҳаракати назардан четда қолмаслиги, муносиб зарбага учраши даркор: худди мана шунинг учун ҳам биз камчиликларимизни, ҳал қилинмаган масалаларимизни ўзимиз, чет эллик «маслаҳатчиларсиз», диққат билан, дўстона ҳамкорлик вазиятида, очиқ ва батафсил муҳокама қилишимиз лозим. Агар умумий иш манфаати учун бўлса, агар адабиётчи ҳамкасбимиз манфаати учун бўлса — тортинчоқлик, уятчанлик қилиш бизга ярашмайди. Биз унга ачиқ ҳақиқатни айтишимиз, керак бўлса, коммунистик ҳақиқатдан чекинганини ёки совет турмуш тарзини тасвирлашдаги тахминийлик ва номукамаллиқни кўрсатиб қўйишимиз лозим. Танқидчиликнинг бош вазифаси ана шундадир.

Ҳар қандай ғоявий тебранишлар, партиявийлик ва халқчиллик принципларини менсимаслик, буржуа идеологиясига нисбатан келишувчилик муносабатида бўлишлик қақшатқич зарбага учрайверади. Ғоявий-бадий бракка нисбатан биз бундан кейин ҳам шафқатсиз ва муросасиз бўламиз! (Қ а р с а к л а р).

#### Уртоқлар!

Болалар адабиётининг тарбиявий аҳамияти ҳақида, унинг юксак ғоявий-бадий сифатлари ҳақида бизда анча кўп ва тўғри гаплар айтилган.

Жуда кўп талантли, кенг китобхонлар оммасида ҳаяжонли ақс-садолар уйғотган асарлар чоп этилди. Болалар ёзувчиларининг ишларидаги асосий нарса совет турмушини, мамлакатимиздаги энг яхши одамларнинг инқилобий, ҳарбий ва меҳнат жасоратларини кўрсатиш бўлди. Болалар ва ўсмирлар учун ёзадиган муаллифларнинг асарларида оддий меҳнатқашлар — ишчи ва колхозчилар, оммавий касб эгалари тез-тез пайдо бўла бошлади.

Мактаб ўқитувчиси ҳам бу китобларда жозибалироқ чиқа бошлади. Мактаб ва ўқитувчи мавзуси — адабиётнинг муҳим мавзуси бўлиб, худди ҳаёт каби адоғи йўқдир. Афсуски, болалар ёзувчиларининг асарларида пионер вожатийлар, комсомол активлари хуллас, маҳаллий кўламдаги кўп фойдали ташаббусларчи бошлаб берувчиларнинг образлари жуда кам иштирок қиладилар. Ахир бундайлар миллионларни ташкил этадилар ва улар, тўғриси айтиш керак, буюк ишларни амалга оширмоқдалар.

Болалар ташаббуси таъриф-тавсифга кирмайдиган даражада кенг, бежилов бир нарсадир. Худди ана шу даврларда болаларда она ерга бўлган муҳаббатнинг куртаклари ниш уради ва ривожланади, ташкилотчилик қобилиятлари кўринади, актив билимлар тўпланади, инсоннинг бўлажак иқтидори юзага чиқа бошлайди. Болалар ва айниқса, ўсмирлар орасидаги ташаббускорлик ҳаракатларининг кейинги ривожларига ёзувчилар катта амалий таъсир кўрсата олишлари мумкин. Шў ўринда бизга ҳамиша азиз бўлиб қоладиган Аркадий Гайдарнинг ёрқин сиймосини эслашимиз кифоя. У темирчилар ҳаракатининг байроғини кўтарган ўз Темурининг чуқур психологик асосларини олдиндан кўра олган эди.

Мактабларнинг, профессионал-техника билим юртларининг кундалик турмушлари билан бирга (мен бунда ўқиб жараёнини, билим учун курашни айтаяпман, чунки ҳозирги давримизда билимсиз одам, қанотсиз қушдек гап) болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий ҳаётлари, мамлакатимиз кенжа авлоди фаолиятининг ҳамма шакллари адабиёт томонидан жиддийроқ диққат-эътиборда бўлишга муҳтождирлар. Кези келганда, шу ҳусусида анча фаолроқ ишлашлари мумкин бўлган болалар театрининг ролини таъкидлаб ўтмоқчиман. Болалар театрлари фаолиятларининг оқсани уларда мазмун жиҳатдан салмоқли ва қизиқарли, шакл жиҳатдан бадий мукамал пьесаларнинг ўта камчилиги билан ҳам изоҳланади.

Болалар адабиёти кейинги пайтларда ахлоқий масалаларга анчагина аҳамият бериб келмоқда. Коммунистик ахлоқ нормаларини ўзида мумкин қадар тўлароқ, мужассам қилган совет кишилари ҳақида зўрма-зўракиликсиз, шунинг билан бирга, ҳаққоний ҳикоя қилувчи кўпгина асарлар пайдо бўлди. Бу давом эттирилиши керак бўлган ишдир.

КПСС XXVI съезди кетаётган кунларда, делегатларнинг москвалик ёзувчилар билан бўлган учрашувида, Ростов области партия комитетининг биринчи секретари Иван Афанасьевич Бондаренко энг қуйдан чиққан ва тез орада кенг қанот ёйган бир ҳара-

кат ҳақида гапириб берганди. Область районларининг бирида инсониятга мангулик, алоҳида инсонга эса,— яшаш лаззатини ато этувчи она шарафига монумент ўрнатишга қарор қилишипти. Шундан кейин онага, жамият ва оиладаги унинг олижаноб ўрнига, заҳматига бағишланган улкан ва аниқ мақсадни кўзлаган катта иш бошланиб кетипти. Ростовлик ўртоқларнинг ташаббуслари ғоят қимматлидир. Қанчалик ажойиб ишни бошлашган улар! (Қарсақлар!). Балки, болалар ёзувчилари ҳам ўз навбатларида, она ҳақида қатор китоблар яратиш устида ўйлаб кўрарлар? Бундай китоблар, шак-шубҳасиз, китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган бўларди, ҳозирги кун инсоният ва инсон ҳаётининг энг муҳим масалаларига ҳам тегиб ўтарди. Ахир қадимдананоқ, шундай нақл бўлган: кимки онани ардоқласа — у ватанни ардоқлайди. Ватанини ардоқлаган одам эса, ўз онасини, ўз ерини бировга хўрлатиб қўймайди. Орадан йиллар ўтди, асрлар ўтди. Она юртимизнинг ватанпарварлари чет эллик босқинчилар билан бўлган жангларда, бу нақлнинг тўғрилигини бир неча марта баҳолаб исботлаганлар.

Ота-оналарини йўқотган болалар тарбияланадиган уй ва интернатларда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иш бошлаган «Смена» журналининг яхши ташаббусини ҳам қўллаб-қувватлагимиз келади. Ёзувчилар ҳам, адабий жамоатчилик ҳам бу маънода ўзларининг меҳри таважжуҳларини кўрсатсалар етим болаларнинг тарбиясига муҳим ҳисса қўшган бўлардилар.

Мактабгача ёшдаги болалар адабиётига алоҳида тўхталишни истардик. Жужуқларга овоз чиқариб ўқиб бериладиган китобнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтиришни, ортиқча деб ўйлайман. Бунда ёмон дид, сохталикнинг бўлиши мутлақо мумкин эмас. Бунда ҳамма нарса — фикрдан тортиб айрим сўзгача — аниқлик, равшанлик ва ёрқинлик билан йўғрилган бўлиши керак. Ҳамма нарса ўлчанган, талабнинг энг чўққи даражасигага сайқал топган бўлиши керак. Ана шундай адабиётнинг юксак намуналари бўлган, классикамизга айланган — Маршак, Чуковский, Михалков, Бартоларнинг кичкинтойларга аталган шеърларини эслайлик. Улардан аввалги даҳолар — Пушкин, Некрасов, Маяковскийлар яратган — воқеалари, бўёқлари, оҳанглари учкун сочувчи фавворадек бой бўлган ҳақиқий дурдоналарни эслайлик. Бизнинг ўрғанадиган, тақлид қилишга арзийдиган сиймоларимиз бор.

Афсуски, мактабгача ёшдаги кичкинтойлар учун ўтган йилларда кам китоб яратилди. Биз кичкинтойларга мўлжалланган китобларнинг ёш муаллифлари билан етарлича иш олиб бормадик. СССР ва РСФСРнинг Давлат Нашриёти Комитетлари мактабгача ёшда бўлган болалар учун мўлжалланган адабиётни нашр қилинишини яхшилаш борасида тadbирлар белгилади. Ёзувчиларнинг ташкилотлари уларга бу масалада жиддий ёрдам беришлари керак.

#### Ўртоқлар!

Ўтган беш йиллик мобайнида драматургия соҳасида ҳам талай янги асарлар юзага келди. Замонамиз қаҳрамонининг қиёфаси саҳнада ва экранда тўлақонлироқ, маънавий жиҳатдан бойроқ, ишонарлироқ бўлиб қолди. А. Арбузов, В. Розов, А. Софронов, А. Салинский, А. Штейн, Г. Мдивани, А. Коломиец, М. Карим, С. Михалков, М. Рошчин, А. Макаенко, А. Гельман, М. Шатров, А. Абдуллин, И. Дворецкий, Г. Приеде, И. Друце, шунингдек, яқинда орамиздан кетган И. Қосумов каби бу жанрнинг синналган усталари қаламларининг ҳамон ўткирлигини, бадийий зийракликлари бўшашмаганлигини кўрсатдилар. Бу тан олинган санъаткорларнинг пьесалари асосида қўйилган спектакллар ҳаммамизнинг хотирамизда. Ака-ука Мақсуд ва Рустам Иброҳимбековлар, В. Черних, Д. Валеевлар драматургиядан мустаҳкам ўрин олдилар. Янги номлар ҳам кўзга чалинишди. Ҳа, таассуфки, кўзга чалинишди. Агар драматургияга айниқса, театр драматургиясига янги номларнинг келиб қўйилиши бошқа жанрлардагидек сероб бўлди, дейдиган бўлсак, ҳақиқат бир оз бўялган бўлиб қолади. Ёшларнинг драматургияга кўллаб кириб келмаганликларига аввало, бизнинг ёш драматурглар билан суст иш олиб бораётганлигимиз, ёзувчилар ташкилотларининг театрлар билан барқарор алоқаларининг йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлди. Бу ҳақда матбуотда ва йиғилишларда шунчалик кўп гапирилдики, бор амалий иш шу гапларнинг тагида қолиб кетди, деб айтиш мумкин. Драматургларга ёрдам керак.

Бу ёрдам — ўз истеъдодини намоён қилган ва драматургияга ўзини бағишламоқчи бўлган конкрет муаллифга нисбатан ёзувчилар ташкилотлари, маданият министрликлари, театрлар, студиялар ва ижодий уюшмалар томонидан қилинадиган конкрет ғамхўрликда кўриниши керак. Бу йўлда ёшларни драматургияга «тўда-тўда» қилиб чақириб келиш ҳаммасидан ҳам камроқ натижа беради. Айрим олинган одам билан, таъкидлайман — айрим олинган одам билан катта авлоднинг энг тажрибали вакиллари иштирокида сурункали ва босим иш юритиш талаб қилинади. Бундай иш олиб борилмади, деб айтолмайман. Драматургларнинг семинарлари доимо ўтиб турди ва бу семинарларда яхши пьесалар ҳам топилди. Аммо, мана шу пьесаларни саҳнагача олиб боришда собитқадамлик — бизда ҳамиша ҳам етарлича бўлган йўқ.

Саҳнанинг ҳаққоний ва долзарб пьесаларга бўлган талабини қондиришда драматургия ва театрга анчагина ва назаримда жуда ҳақли равишда проза ёрдам бериб келди. Тўғри, бу ҳусусда баъзи бировлардан: «Инсценировкалар билан театрни сиқиб қўйишяпти, катта проза ҳақиқий драматургиянинг йўлини тўсаяпти, ривожланишини сусайтираяпти», деган мазмундаги танқидий мулоҳазаларни ҳам эшитишга тўғри кел-

ди. Ўртоқлар, бу масалага хотиржамлик билан, ортиқча ҳаяжонга берилмасдан қарашни истардик. Ҳамма тан олган насрий асарнинг инсценировка қилиниши яхшими, ёмонми? Менимча, бунинг ҳеч қандай ёмонлик томони йўқлигига ҳамма қўшилса керак. Бундай жараён совет театрида ҳамisha ҳам яхши анъана ҳисобланарди.

Кейинги йилларда театр кенг кўламли, катта проблемаларни, гражданлик эҳтиросларини кўтарадиган, қаҳрамонлари фаол позицияда турган асарларга муҳтож эди. Очиқ айтиш керак, бундай пьесалар камчил бўлгани учун театр бошқа жанрлардан ўзига материал излаган.

Бу аҳвол драматургларни ҳам, адабий матбуот ходимларини ҳам, умуман ёзувчилар ташкилотларини ҳам кўп нарсани ўйлашга мажбур қилади. Аввало, адабий-бадий журналлар орқали ҳамда танқид орқали драматургияни умумнинг назарига тушириш керак. Драматургия ҳам адабиётнинг проза ёки поэзия сингари бир жанри, ахир. Бунинг устига энг қадимийси ва сал кам энг қийинидир. Шунга қарамай, драматургияга нисбатан амалий ёндашиш бир оз бошқачароққа ўхшайди. Мисол учун, доимо қисса ёки романсиз, очерксиз, шеър ёки публицистикасиз чоп этиладиган адабий-бадий журнални тасаввур қилиш қийин. Бироқ, пьесаларсиз, пьесаларга ва кинофильмларга бағишланган танқидий мақолаларсиз журналлар сурункали равишда чиқаради. Журнал саҳифаларини драматургиядан, театр, кино, телекўрсатув ва радиозшиттиришларнинг жамики проблемаларидан холи қилиб қўйишни мақбул аҳвол деб қаралиши мумкин эмас. (Қ а р с а к л а р). Бундай номақбул вазиятни биз мумкин қадар дадиллик билан йўқотишимиз керак.

Кейинги йилларда нашриётлар — СССР Давлат нашриётлари комитети ва СССР Ёзувчилар союзининг қўллаб-қувватлаши билан драматургларнинг тўпламларини нашр этишни анча кўпайтирдилар. Бу тўғри ҳам, бу нарса драматургиянинг обрўсини оширади, пьесани саҳнада кўрибгина қолмай, уни ўқиб чиқишни ҳам истаган томошабинларнинг истагини қондиради. Адабий танқид ана шу нашрларга кўпроқ эътибор бериши, драматургларнинг пьеса тўпламлари ҳақида, пьесаларнинг саҳнада қўйилишлари ҳақида ёзиб бориши, ёзганда ҳам ёниброк, қизиқиброк ёзиши лозим.

Бизнинг кўп миллатли адабиётимиз учун муҳим ва жуда зарур бўлиб турган таржима масаласи хусусида индамай ўтиб кетиб бўлмайди. Мамлакатимизда бутун дунё эътироф этган таржима мактаби мавжуд. СССР халқларининг тилларидан рус тилига, рус тилидан мамлакатимиз халқлари тилларига таржима қиладиган уста таржимонлар ҳам бор. Лекин, афсуски, уларнинг сони жуда кам. Биз бадий адабиётни таржима қиладиган малакали мутахассислар тайёрлаш масаласи билан кенгроқ ва чуқурроқ шуғулланмоғимиз лозим.

Эҳтимол, таржимачиликнинг мустақиллигини, таржимоннинг обрўсини оширишни ўйлайдиган, уларнинг хизматларини тақдирлашни яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қиладиган, ҳаттоки, махсус мукофотлар жорий қиладиган вақт етиб келгандир.

Биз бугун шуни қувонч билан қайд қиламизки, мамлакатимизнинг барча авлодларига мансуб адиблар дўстона вазиятда, бир-бирларига ҳурмат ва эътибор билан ишламоқдалар. Бу эса совет адабиётининг кейинги тараққиёти учун ҳам ҳал қилувчи омилдир.

КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида»ги маълум қарори, Бутуниттфоқ ёш ёзувчиларининг ВЛКСМ Марказий Комитети билан бирга Москвада ўтказилган VII съезди, шунингдек, ёш ёзувчиларнинг КПСС XXVI съездининг тайёргарлигига бағишланган Свердловскдаги Бутуниттфоқ кенгашлари ёш ёзувчилар билан ишлашни яхшилашда сезиларли роль ўйнади. Ёш ёзувчиларнинг китоблари, БАМ, «Атоммаш», КамАЗ қурувчиларига, Ноқоратўпроқ зона, қўриқ, Ғарбий Сибирь меҳнатқашларига бағишланган коллектив тўпламлар кўпроқ чиқа бошлади. Журналлар ёшларнинг асарларини тез-тез эълон қилмоқдалар, уларнинг асарларига алоҳида сонларини ажратмоқдалар. Ёш авторларнинг асарлари тўғрисида, аксар уларнинг тенгдошлари ёзган танқидий мақолалар ҳам энди кўпроқ учраб турипти. «Моллода гвардия» нашриёти ёш адибларни тарбиялаш соҳасида, айниқса, кўп ишлар қилмоқда. «Литературная учёба» журнални нашр этиш яна тикланди ва у бизнинг фикримизча, оёққа мустаҳкам туриб олиб, ёшларнинг ғоявий-бадий ҳамда профессионал жиҳатдан ўсишига ёрдам бермоқда. А. М. Горький номидаги Адабиёт институти ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттирмоқда.

Қадрли ўртоқлар!

Съезд минбаридан туриб, бизнинг буюк устозларимизга, Совет адабиётининг машҳур ветеранларига уларнинг бебаҳо ижод сабоқлари учун, халққа қилган садоқатли хизматлари учун Михаил Шолоховга, Леонид Леоновга, Никола Бажанга, Алексей Сурковга, Мариэтта Шагинянга, Валентин Катаевга, Кондрат Крапивага, Фабит Мусреповга, Сулаймон Рустамга, Борис Полевойга, Комил Яшинга, Сулаймон Раҳимовга, Жалол Икромийга, Аали Тўқимбоевга, Емилиан Буковга, Мирза Иброҳимовга, Ираклий Абашидзегга, Эдуардас Межелайтисга, Андрей Лупанга, Пауль Куусбергга, Юозас Балтушисга ва бошқаларга чин дилдан миннатдорчилик билдиргим келади.

Бизнинг бутун ишимиз китобхонларнинг совет адабиётига қизиқиши муттасил ортиб борганлиги вазиятида давом этди. Бу қизиқишни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди — чунки у ниҳоятда каттадир. Ёзувчилар билан ўқувчининг ҳамжиҳатлиги

ижодий ҳаётимизнинг муҳим омилдир. Халқнинг астойдил қизиқиши ёзувчи меҳнатига унга мадад бўлади, илҳомлантиради, ижодий режаларни тўғрироқ мушоҳада қилишига ёрдам беради. Жумладан, бутун мамлакатимиз бўйлаб ўтказила бошлаган совет адабиёти кунлари тажрибаси шундан далолат беради.

Биз, совет адабиётини тарғиб қилишда амалий ёрдам бераётган китобсеварлар жамиятидан, «Билим» жамиятидан миннатдоримиз.

Бугун биз дўстларимизга — нашриётлар, журналлар, газеталар, телекўрсатув ва радиоэшиттириш ходимларига, босмахона ишчиларига, кутубхоначиларга, китоб савдоси ва маданий оқартув ходимларига чин юракдан раҳмат айтамыз.

Уртоқлар! Совет адабиёти ва санъати мафкуравий муҳолифларимизнинг ҳужумлари тўхтовсиз давом этаётган бир вазиятда иш олиб бормоқда. Албатта, бу ҳужум ҳар бир соҳада ҳам бор. Бизнинг сиёсий тузумимиз ҳам, бизнинг жамоат ташкилотларимиз ҳам унга дуч келмоқда, аммо, бу ҳужумнинг энг асосий нишони, бари бир адабиёт ва санъат бўлиб қолмоқда. Гарчи, муҳолифларимизнинг тактикалари вақти-вақти билан ўзгариб турса-да, уларнинг стратегияси доимо битта — яъни совет адабиётининг обрўсига путур етказиш, унинг бошқа мамлакатлардаги китобхонларга етиб боришини қийинлаштириш, унинг олижаноб мақсадларини бузиб кўрсатишдир. Совет адабиётига нисбатан ғанимлик Ғарбнинг маънавий инқирозига машъум қўланкадек йўлдошлик қилмоқда.

Тарихий келажакдан маҳрум буржуа идеологияси инқилобий санъатимизга қарши қўйиб, ҳақиқий санъаткорларни эргаштириб кета оладиган биронта ҳам ғояни олдинга суриш қобилиятига эга эмас. Капитализмнинг чуқур инқирози ўзининг машъумлик нуқсини, шак-шубҳасиз, адабиёт ва санъатга ҳам ўтказди. Яхлит шаклнинг бузилиши, мазмуннинг қашшоқлашуви, кенг китобхонларнинг ишончини йўқота бориш жараёни катта пропорцияларда юз бермоқда.

Халқаро характердаги номақбул омилларга, АҚШ билан муносабатларнинг кескинлашганига, уруш хавфининг кучайганлигига қарамай, СССР Ёзувчилар союзи барча мамлакатларнинг ёзувчилари ва ёзувчи ташкилотлари билан мунтазам алоқалар ўрнатиш йўллари излашни зўр бериб давом эттирди.

Табиийки, қардош социалистик мамлакатларнинг ёзувчилар союзлари билан биз энг мустаҳкам алоқаларни амалга оширдик. Таржима ишини кенгайтиришга, мамлакатларимиз ҳаётига бағишланган китобларни биргаликда яратиш ишларига кўп куч-ғайратимизни қаратдик. Бунга Авторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ ташкилотининг фаолияти анча ёрдам берди.

Ёзувчиларни тинчлик учун, кескинликни юмшатиш жараёнини сақлаш ва чуқурлаштириш учун курашга жалб этиш — социализм мамлакатлари ёзувчилари союзлари фаолиятларида катта ўрин эгаллади. Бу соҳада Болгария Ёзувчилар союзи, айниқса зўр ғайрат билан ишлади. Бу союз ўз мамлакатига тараққийпарвар ёзувчиларнинг халқаро учрашувларини ўтказишда кўп ташаббускорлик ва собитлик курсатиб, ана шу учрашувларни эзгу анъаналарга айлантирди.

СССР ёзувчилар союзи Африка ва Осиё ёзувчилари ҳаракатида фаол иштирок этди. Африка ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларга нисбатан империализмнинг даъволари кучаяётганлиги муносабати билан бу ҳаракатнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Шу вақт ичида Анголада иккала қитъа ёзувчиларининг навбатдаги конференцияси ўтказилди, бу конференция ёзувчилар ҳаракатининг империализмга, сионизмга ва ирқчиликка қарши характерини янги куч билан таъкидлади.

СССР Ёзувчилар союзи Афғонистон Ёзувчилари билан мустаҳкам алоқа ўрнатди, шу мамлакат адибларининг биринчи съездини ўтказишда иштирок этди, Афғонистон Ёзувчилар союзининг ишини йўлга қўйиб юборишда унга ёрдам берди.

Кўпгина халқаро адабий ташкилотларнинг аъзолари сифатида биз Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати моҳиятини қўл билан тушунтириб келдик, ёзувчиларнинг тинчлик учун курашдаги иштирокларини камайтириш ёки қандайдир чеклашга, уруш оловини ёзувчиларнинг жинояткорона режаларини фош этишдаги фаоллигини сусайтиришга бўлган ҳар қандай уринишларга қарши курашдик.

СССР Ёзувчилар союзи чет эллик прогрессив ёзувчилар ва ёзувчилар ташкилотлари билан бўлган алоқаларни, доимий муносабатларни кенгайтиришда, турлича ижтимоий тузумга эга бўлган давлатларнинг самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишда адабиётнинг ролини ошириш учун бундан буён ҳам ҳамма имкониятларини ишга солаверади. Бу нарса ер курашида мустаҳкам тинчликсеварлик ва дўстлик муҳитини яратиш, маданият бойликлари билан айирбош қилиш ишини — инсонларнинг бир-бирини билиши ва маънавий ўсиши воситасига айлантиришга хизмат қилади.

Биз фақат ўзларига мафкуралари жиҳатидан яқин бўлган ёзувчилар билангина эмас, бошқача эътиқод ва қарашларга топинадиган бўлса ҳам, асосий масалада — тинчликни сақлаш фикрида, ҳозирги инсоният учун тинчликни сақлашдан бошқа илож йўқ, тинчлик абадул-абад ўрнатилиши керак, деган фикрда бизга ҳамнафас бўлган ёзувчилар билан ҳам адабий алоқаларни давом эттирмоқдамиз (Қарсаклар).

Совет адабиётига қарши тўхмат-бўхтон, дўқ-пўпиша, қочоқларни сотиб олиш, сафларимизни бўшаштиришга уринишлар билан катта кампаниялар олиб бораётган мафкуравий душманларимизга келганда шуни айтиш керакки, бу ишларнинг бари

беҳуда. Биз уларга зарба бериб келганмиз, бундан кейинги уринишларига ҳам қақшатқич зарба бераверамиз.

Ўзларининг ночор ва қўланса асарларини чет элнинг йўл-йўриғида чоп қилгани очиқ сезилиб турган «ноширларнинг» кирдикорларини фош этишда Москва ёзувчилар ташкилотининг кўрсатган принципааллиги ва сиёсий етуклиги ҳаммамизга маълум.

#### Кадрли ўртоқлар!

Лениннинг музаффар ғояларига садоқат, барча миллат ва элат ёзувчиларининг жонажон Коммунистик партия теварагида жипслиги, ҳар бир адибнинг халқ ҳаёти билан мустаҳкам алоқаси, ижодий ва ижтимоий фаоллиги ишимиздаги муваффақиятларнинг ҳамиша ҳал қилувчи шарти бўлиб қелган. Ҳозир ҳам, КПСС XXVI съезди янги тарихий вазифаларни белгилаб берган бир пайтда, бу шарт — олға томон ҳаракатимизнинг асосий кучи бўлиб қолади.

1982 йилнинг апрелида партия Марказий Комитетининг адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш ва совет ёзувчиларининг ягона уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кунга 50 йил тўлади. Бу йиллар ичида бизнинг ижодий ташкилотимиз катта йўлни босиб ўтди, чинакам маслакдошлар уюшмаси бўлиб қолди, мамлакатимизда коммунистик жамият қуришда партиянинг актив ёрдамчисига айланди.

Қаҳрамон совет халқи ўн биринчи беш йилликнинг улуғвор программасини зўр ғайрат билан амалга ошираётган ҳозирги пайтда ҳам совет ёзувчилари, умуман Ёзувчилар союзи ўзларининг муқаддас бурчларини шубҳасиз, адо этадилар — адиблар халқимиз курашаётган ҳамма жойларда бўлиб, қувончларига ҳам, ташвишларига ҳам шерик бўладилар, илҳомбахш сўзлари билан кишиларни меҳнат ва жасоратга чорлайдилар, партия ва халқнинг юксак ишончини шараф билан оқлай берадилар.

КПСС XXVI съездида Леонид Ильич Брежнев шундай деган эди: «Маданият соҳасидаги ленинча сиёсатга содиқ бўлган партиямиз, бадий зиёлиларга эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлади, уларни юксак ижодий вазифаларни ҳал этишга йўналтиради. Бу нарса ижодий кучларни яна ҳам жипслаштиришга, жамиятнинг маънавий ҳаётини юксалтиришга имкон беради. Ҳеч шубҳа йўқки, совет маданият усталари бизни янги бадий ижодий кашфиётлар билан қувонтирадилар!»

Съездимиз номидан, ватанимизнинг ҳамма ёзувчилари номидан КПССнинг ленинча Марказий Комитетини ишонтириб, ваъда беришга руҳсат этасизларки, биз жонажон партиямиз байроғи остида янада маҳкамроқ жипслашамиз, совет киши — коммунизм бунёдкори тўғрисида, қаҳрамонона давримиз тўғрисида янги, ёрқин, чинакам партиявий, чинакам халқчил асарлар яратамиз. (Д а в о м л и қ а р с а к л а р).

Сарвар Азимов,

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи прав-  
лениесининг биринчи секретари

# АДАБИЁТНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

## СССР ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VII СЪЕЗДИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

**С**овет Иттифоқи коммунистларининг буюк партияси программасида жуда катта аҳамиятга молик, ғоят теран шундай сўзлар бор: «Партиянинг олий мақсади — коммунистик жамият қуриш... Партиянинг «ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган шиори тўла равишда амалга оширилади».

Энг яхши меҳнат аҳллари, жуда кўп авлодларга мансуб соф виждонли, ор-номусли кишиларнинг асрий орзу-умидлари мужассамланган ана шу сўзлардан мусаф-фороқ ва юксакроқ яна нима бўлиши мумкин?

Ўз моҳияти жиҳатидан бекиёс вазифани — коммунистик қайта қуришнинг қай-ноқ чашмалари тепасида туриш вазифасини амалга оширишга даъват этилган совет ёзувчиси лоқайд солномачи бўлиб қолгани йўқ, балки у инсоният тарихида мутлақо янги воқеаларнинг фаол иштирокчисига, тадқиқотчисига ва тарғиботчисига айланди.

Биз ўзимизнинг VII съездимизга КПСС тарихий XXVI съезди бўлиб ўтганидан кейин тўпландикки, бу — қонуниятли бир ҳолдир. Ана шу съезддан кейин ривожланган социализмнинг ҳаётий проблемаларини яққолроқ ва равшанроқ тасаввур эта бошладик. СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари ўртоқ Г. М. Марковнинг ҳисобот докладада, съезд делегатлари ҳамда меҳмонларининг нутқларида партия съезди бахш этган қудратли куч-илҳом, кўп миллатли ва интернационал совет адабиётининг равнақи тўғрисида жон куйдириш, ғамхўрлик қилиш сезилиб турибди.

Мен завқ-шавқ мавж уриб турган ана шу залнинг буюк нафасини ҳис этар эканман, Леонид Ильич Брежневнинг КПСС XXVI съездида қилган илмий-назарий жиҳатдан теран, кенг кўламли доклададаги шу сўзларни беихтиёр эслайман. «Партия, — деди у, — энг яхши асарларга хос бўлган гражданлик пафосини, камчиликларга нисбатан мурасасизликини, санъат жамиятнинг ҳаётига оид проблемаларни ҳал этишга фаол аралашаётганини табриклайди».

Бу гапнинг кучи ва гўзаллиги шундаки, қудратли совет адабиёти партиямиз ва давлатимизнинг ҳаётбахш ленинча фалсафасига содиқ бўлиб келмоқда ва ҳамиша содиқ бўлиб қолади.

Ҳисоб бериш нуқтаи назаридан шуни айтмоқчиманки, Совет Ўзбекистони адабиёти меҳнат идеалларимиз ҳақиқатида ҳамиша чексиз содиқ бўлиб келди. Бир вақтлар қолоқ бўлган шарқ ўлкасида эндиликда етуқ социалистик жамият қурилган экан, бунда ўзбек ёзувчиларининг ҳам бевосита ҳиссаси бор.

Биз адабий ижодда миллийлик ва интернационаллик қаттиқ қотишма бўлишига эришишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб билиб келдик. Ўзбек ёзувчилари ҳамда Қорақалпоғистон қаламкашларининг икки съезд оралигида ёзган энг яхши асарларида тор миллий масалалар эмас, балки теран социалистик, умуминсоний проблемалар кўтариб чиқилди. Бошқа қардош адабиётлар каби Ўзбекистон адабиётининг бу тажрибаси принципиал аҳамиятга эгадир.

Ўзбек халқининг Улуғ Октябрь кунларида ва ҳаётни социалистик тарзда қайта қуриш йилларида эришган ҳамма муваффақиятлари кўп жиҳатдан Совет Иттифоқидаги барча халқлар ва адабиётларнинг ниҳоятда бағри кенг рус халқи ва қудратли рус адабиёти бошчилигидаги бирлиги ҳамда қардошлиги билан боғлиқ. Биз «машаққатли» Мирзачўл ерларини ўзлаштирар эканмиз, қардош халқларнинг қайноқ кафти ва нафасини сезиб турдик. Бинобарин, ҳозир партия иродаси билан Россиядаги ноқоратупроқ районлар обод қилинаётган экан, Ўзбекистон ана шу олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшишни ўзининг фахри ва қардошлик бурчи деб билади.

Ўзбекистон ёзувчиларининг кўпгина асарларида совет кишиси характерининг чинакам моҳияти меҳнат орқали, фақат моддий бойликларнигина эмас, гуманистик бойликларни ҳам яратётган меҳнат орқалигина очиб берилётганлиги уларнинг ютуғидир. Бизнингча, совет адабиётимизнинг чинакам халқчилиги, чинакам партиявийлиги ҳам мана шундадир.

КПСС XXVI съезди минбаридан туриб республикаимиз Ўзбекистон колхоз ва совхозлари ўнинчи беш йиллик мобайнида Ватанга 28,5 миллион тонна — тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 4 миллион тонна кўп пахта топширганлиги ҳақида рапорт берди.

Ун биринчи беш йиллик ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш беш йиллиги бўлади. Умуман республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 28—31 процент кўпаяди. Пахтакорлар «оқ олтин» ҳосилини 30 миллион тоннага етказдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ва республика ёзувчилари ана шу ютуқларни янада кўпайтириш, бу билан бутун мамлакатимизни янада фаровон қилиш йўлида барча имкониятларни ишга соладилар. Шунинг билан бирга ҳали бизнинг олдимизда кўпгина ечилмаган муаммолар бор, бу муаммолар ҳақида жиддий ўйлаб кўриш зарур. Масалан, айрим ёзувчиларимизнинг фикр доираси баъзан чеклангандай туюлади. Уларда бунёдкор халқнинг катта, қайноқ ҳаётини акс эттириш, пахтакор ва ишчининг, инженер ва курувчининг қаҳрамонона меҳнатини ёрқин қилиб тасвирлаш қобилияти етишмайди. Шундай ёзувчилар ҳам борки, улар ўткир мавзунни пеш қилиб, бадий жиҳатдан заиф схематик асарлар ёздилар. Бу асарларда қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатлари психологик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берилмайди.

Ўзбекистон адабиётидаги ана шу камчиликларни ўзимиз яхши биламиз, бинобарин, бу камчиликларни тугатишга кучимиз етади.

Гарбда маънавий бузилиш ва тушкунлик авжига минган ҳозирги бир пайтда совет ёзувчисининг актив позицияси, Л. Толстой, А. Чехов, М. Горький, Л. Лесков, С. Айний ва Ойбекларнинг адабиётга нисбатан қаттиққўл талабчанлиги биз учун яна ҳам табарруқдир.

Владимир Маяковский ва Александр Блок, Михаил Шолохов ва Александр Фадеев, Александр Твардовский ва Георгий Марков, Фафур Гулом ва Мирзо Турсунзода, Якуб Колас ва Максим Танк, Мухтор Аvezов ва Шароф Рашидов — ўзига хос ва услуб жиҳатидан хилма-хил сўз санъаткорлари бўлсалар ҳам, улар яратган асарларнинг фоявий негизи битта, у ҳам бўлса — коммунистик идеалларга, барча янгиликларга, гўзал дунёга садоқатдир.

Биз қардош совет адабиётларининг хилма-хил бойлигини яна ҳам ошириш ва сўз санъаткорларининг ўзига хос маҳоратини авайлаб сақлаш учун СССР халқлари тилларига, айниқса миллатлараро алоқа вазоситаси бўлган улуғ рус тилига бадий таржима қилиш масаласи алоҳида аҳамиятга эга эканини аниқ тасаввур этишимиз керак. СССР ёзувчилар союзининг секретариати бадий таржима масалаларини ўз қўлига олиб, бир пайтлари Москвада, СССР халқлари адабиётлари асарларини атоқли рус ёзувчилари таржима қилган яхши анъанани қайта тикласа тўғри бўлур эди. Биз рус адабиёти асарларини миллий тилларга таржима қилиш борасида гап борганда ҳам жойларда худди шундай йўл тутишимиз керак. Бу эса халқлар дўстлигини ва адабиётлар дўстлигини амалда мустаҳкамлаш деган гап бўлади.

Яна шуни айтмоқчиманки, «Қоғоз қаҳатчилиги» деган нарса совет адабиётининг ўсишига салбий таъсир қилиб келмоқда. Коммунизм учун ва империализмга қарши, тинчлик учун ва урушга қарши, барча эзгу ниятлар учун ва барча қоқоз нарсаларга, жаҳолатга қарши курашда адабиётнинг олдида фоят муҳим идеологик вазифалар турганлигини эътиборга оладиган бўлсак, «Қоғоз қаҳатчилиги» масаласини узиш-кесил ҳал қилиш, бизнингча, ҳозирги босқичда энг муҳим вазифадир. Мамлакатимизнинг мўътабар органлари китобни ўз ўқувчисига етказиш йўлидаги барча тўсиқларни тезроқ бартараф қилишга ёрдам берадиган ҳамма зарур чора-тадбирларни кўрадилар деб умид қиламиз ва тажриба ҳам шундай умид қилиш ҳуқуқини беради.

Ленин совет давлатининг тажрибасига асосланиб шундай хулосага келган эди: мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг ўз озодлиги учун олиб борадиган кураши муваффақият билан тугайди. Шарқ уйғонгандан сўнг миллий озодлик ҳаракатида шундай давр келадики, натижада шарқдаги барча халқлар бутун дунё тақдирини ҳал этишда қатнашадилар. Урта Осиё, Қозғистон ва Закавказье совет халқларининг намунаси шундан далолат беради: Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг бугунги ижтимоий-сиёсий харитаси шундан далолат беради. Империалистик мамлакатлар ва уларнинг малайлари Осиё, Африка ва Латин Америкаси мам-



пакатларининг озодлиги ва тараққиёти йўлида қанчалик ҳийла-найранг ишлатмасинлар, жамият қонунлари тарихий зарурат асосида ривожланаверади.

Халқ сиёсий ҳоқимиятни ва иқтисодий сиёсатни ўз қўлига олган ҳамма жойда озодлик, тинчлик, тараққиёт, гарчи баъзан катта қийинчилик билан бўлса ҳам, ғалаба қозонаверади. Биз, совет ёзувчилари, Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмаси доирасида фаол ҳамкорлик қилар эканмиз, шунга бир неча бор шохид бўлдикки, антисоветизм карнайчиси, зўр бериб қуролланиш ва конфронтация маддоҳи бўлишдек шармандали юмушга киришган Хитой раҳбарлари ҳам ўз халқларининг, ҳам дунёдаги бошқа халқларнинг туб манфаатларига зид иш қилмоқдалар, улар ҳам ўз бадий адабиётларининг, ҳам бутун дунёдаги прогрессив адабиётнинг туб манфаатларини унутиб қўймоқдалар. Бутун фожиат шундаки, Хитой Халқ Республикасининг гегемонистик, Советларга қарши, маданият анъаналарига зид сиёсати империализмнинг агрессивлигини оширишга омил бўлмоқда, дунёни янги жаҳон уруши ёқасига олиб келмоқда. Бир миллиард кишидан иборат хитой халқи буни билиши керак. Бинобарин, биз, совет ёзувчилари, бу борада кўмаклашмоғимиз даркор. Бутун дунё халқлари буни билишлари керак. Бинобарин, биз, совет ёзувчилари, бу соҳада ҳам кўмаклашмоғимиз даркор.

Дарҳақиқат, қаламқаш дўстлар, биз бундан кейин ҳам ғоясизлик, дунёқарашдаги бефарқлик аниқ синфий баҳо беришдан чекинишлик кўринишларига қарши мурасиз кураш олиб боришимиз шарт. Мамлакатимиз коммунистлари партиясининг Лениннинг адабиётнинг партиявийлиги ҳақидаги таълимотини ривожлантира бориб, «Партия санъатимизнинг ғоявий йўлига бефарқ қарамаган ва бефарқ қарай олмайди», деб минг қарра ҳақ гапни айтди.

Таниқли ғарб ёзувчиси Герберт Уэльс 1920 йилда Совет Россиясига келганида «Россия истиқболини» кўз олдига келтиролмаган эди. Жаҳон адабиётининг — шарқ адабиётининг бошқа бир ёзувчиси — Рабиндранат Тагор 1930 йилда мамлакатимизда бўлган «тарих йўлида беҳисоб фидойилик қилган» Совет Иттифоқига нисбатан умр бўйи садоқат билан ўтди.

«Бу воқеа 1941 йил август ойида бўлган эди, — деб ҳикоя қилади 1956 йилда Ҳиндистонга сафар қилган Илья Эренбург. — Тагор операцияга ётиши керак эди. У операциядан яхши чиқишига унчалик ишонмасди. Россиядан келаётган хабарлар уни ғамга соларди: фашистлар ўшанда Москвага яқинлашиб қолган эди. Операцияга ётиш олдидан у ўзининг дўсти, профессор Махаданобисдан сўрайди: «Бугунги газеталарда нима гап? Россияда аҳвол қалай?» хабарлар нохуш эди, лекин профессор Тагорни тинчитиш мақсадида: «уларни тўхтатишибди», дейди. Тагор жилмайиб қўяди: «Руслар уларни тўхтатишини билардим...» Бу унинг охири гапи эди, у операция пайтида оламдан ўтди.

Мана шу кунларда ССР Иттифоқи Большой театри саҳнасида «Ҳинд достони» номли янги балетнинг премьераси бўлиб ўтди. Атоқли совет хореографи Ю. Н. Григорович бошчилигидаги шонли Москва санъаткорлари коллективи ўзбек композитори У. Мусаевнинг балет музыкасига мурожат қилди. Бу балет Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари асосида яратилган. Икки мэмлакат — Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикасининг санъаткорлари ҳамкорлигида жозибали спектакль яратилди. Дадил ва драматик контрастлар асосига қурилган бу спектакль халқларнинг ер юзида эркинлик ва тинчлик қарор топиши ҳақидаги асрий орзусини тасвирлайди. Бунинг рамзий маъноси бор. У СССР Олий Советининг жаҳон парламентларига ва халқларига мурожатномасидаги: «Ҳожининг такрорланишига йўл қўйиб бўлмайди. Янги жаҳон урушига йўл қўймаслик учун ҳамма ишни қилиш лозим ва мумкин», деган сўзлар билан ҳамоҳангдир.

Биз, совет ёзувчилари янгича орзу қилиш ва ишлашни Лениндан, коммунистлар партиясидан ва совет халқидан ўрганиб келдик. Бизнинг келажагимиз — коммунизм. Азиз дўстлар, дадил олға бориб, кўп миллатли улғу совет адабиётимизнинг бутун хазинасини бойитаверайлик.

# СССР ЁЗУВЧИЛАРИ VII СЪЕЗДИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

СССР Ёзувчиларининг VII съезди муҳим бир даврда, мамлакатимиз меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди белгилаб берган вазифалар ва планларни амалга оширишга киришган бир пайтда тўпланди.

КПСС XXVI съезди совет халқи бутун тараққийпарвар инсоният ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолди. Коммунистик қурилиш йўлидаги бунёдкорлик ишлари, халқ фаровонлигини янада ошириш юзасидан съезд олдинга сурган программа, халқро кескинликни юмшатишга, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилган катъий ва изчил йўл: «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун» деган олижаноб, инсонпарварлик мақсадига хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Коммунистик партия XXVI съездида КПСС Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот доклади ижодий марксизм-ленинизмнинг буюк ҳужжати бўлиб қолди. Унда партия-мизнинг кўп қиррали фаолияти ҳар томонлама ёритилган, ҳозирги халқро вазият ва мамлакатнинг ички ҳаёти чуқур илмий таҳлил этилган. Докладда партиянинг саксонинчи йилларга ва ундан кейинги даврга мўлжалланган бош йўли аниқ белгилаб берилган.

СССР Ёзувчиларининг VII съезди совет адабларининг фикр ўйлари ва ҳис-туғулларини ифодалаб, партиянинг ленинча сиёсий йўлини, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг, КПСС билан Совет давлати ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиб, амалга оширишга, марксизм-ленинизм назариясини ривожлантиришга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашга жуда катта ҳисса қўшаётган ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг самарали амалий фаолиятини яқдиллик билан маъқуллаб, астойдил қўллаб-қувватлаётганини билдиради.

Адабиёт ва санъатнинг, ижодкор зиёлиларнинг ролига КПСС XXVI съезди берган юксак баҳо совет ёзувчиларини илҳомлантирмоқда. Советлар мамлакатининг адаблари ўзларининг ҳамма муваффақиятларига Коммунистик партиянинг доимий меҳрибонлиги, унинг оқилона раҳбарлиги туфайли эришганликларини англаб, коммунизм қурётган халқнинг бунёдкорлик ишларида, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда фаол қатнашишга ўзларини қалб амри билан сафарбар этилган ва бурчли деб ҳисоблайдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладидеги: «Халқ манфаатлари билан яшаш, унинг қувончи ва қайғусига шерик бўлиш, ҳаёт ҳақиқатини, инсонпарвар идеалларимизни қарор топтириш, коммунистик қурилишнинг актив иштирокчиси бўлиш — санъатнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги мана шундан иборат» деган қондани совет ёзувчилари ўзлари идрок қилиб олган позиция деб қабул этдилар.

Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Кўриқ» деган ажойиб трилогияси адабларнинг бутун ғоявий-ижодий фаолиятида юксак мезон бўлиб келди.

СССР Ёзувчиларининг VII съезди совет адабларининг мустаҳкам ғоявий-сиёсий бирлигини, ўтган беш йил мобайнида ўзининг ижодий самарадорлиги ва ҳаётийлигини яна бир бор исботлаган социалистик реализм, коммунистик партиявийлик ва халқчиллик принципларига содиқ эканликларини зўр маънуният билан қайд этади. Бу принципларни съезд КПСС XXVI съездида ўқтириб ўтилган адабиётдаги янги жўшқин тўлқин янги салмоқли бадий ютуқлар ва кашфиётлар бахш этишининг ишончли гарови деб билади.

Кейинги йилларда мамлакатнинг барча республикаларида истеъдод билан ёзилган асарлар пайдо бўлганлиги миллий совет адабиётлари кўп асрли тарихга эга бўлган адабиётлар ҳам, янги алифбега эга бўлган адабиётлар ҳам янада равнақ топаётганининг далилидир. Уларнинг муттасил ўзаро яқинлашиши ва бир-бирини ўзаро бойитишидан иборат ҳаётбахш жараён давом этмоқда.

Ўз моҳияти билан ватанпарвар ва интернационалист бўлмиш ягона кўп миллатли совет адабиётимиз меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва социалистик ватанга садоқат руҳида тарбиялаш вазифаларига муттасил хизмат қилиб келмоқда, ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказишга, маънавий маданиятнинг ҳақиқий бойлигини яратишга катта ҳисса қўшмоқда. Совет ёзувчилари турмушга тагин ҳам активроқ кириб боришни, коммунизм бинокори бўлмиш замондошимизнинг маънавий дунёсини тасвирлашни, замонамизнинг етакчи қонуниятлари ва тенденцияларини большевикча эҳтирос билан чуқур бадий идрок этишни ўз вазифалари, ўз бурчлари деб билдилар.

Ватан ва жаҳон санъатининг энг яхши анъаналарини мерос қилиб олиб ривожлантираётган совет адабиёти социалистик турмуш тарзини тасвирлаш, одамларнинг янги социал ва интернационал бирлиги — совет халқининг маънавий бойлигини ҳамда гўзаллигини кўрсатишдек буюк шарафга муяссар бўлди.

Жаҳон адабиётидан яққаланишни мутлақо ёт бир нарса деб билувчи совет адабиёти ўз фаолиятини ўша жараённинг бир қисми деб ҳисоблайди, барча халқларнинг

илфор адабиётлари билан фаол ҳамкорлик қилади, умумбашарий муаммоларни ўрганиш ва тасвирлашда кенг миқёсда мулоҳаза юритишга интилади. Уз вазифаларини ва ўзининг дунёдаги ролини айни мана шундай тушунишгина ҳозирги замон адабиётига мазмуннинг кўп қиррали бойлигини ва бадий шаклнинг мукамаллигини таъминлаб бериши мумкин.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марковнинг докладида, съезд комиссиялари докладларида, делегатларнинг нутқларида ҳозирги адабий жараён ҳар томонлама таҳлил этилди, ҳозирги сўз санъатининг ҳамма тур ва жанрлари ҳолати кўздан кечириб чиқилди.

Съезд социалистик жамият воқелигини тасвирлашда онгли тарихийликка, турмушнинг бутун мураккаблиги ва тўлиқлиғими, унинг диалектик ривожини горький-часига ҳаққоний бадий тадқиқ этишга интилаётган ҳозирги совет прозасининг каттагина ютуқларини қайд этади. Утган беш йил мобайнида замондошларимизнинг ёрқин, жозибдор образларини яратишда, шу кунларимизнинг ижобий қаҳрамони характерини гавдалантиришда барча миллат ва авлодларга мансуб ёзувчилар янги муваффақиятларга эришдилар. Бадий лениннома ҳамда Улуғ Октябрь, революцион ва гражданлар уруши, социалистик қурилиш, Улуғ Ватан уруши жангҳоқларида тинч турмушимизни ҳимоя қилган фидокор қаҳрамонлар бадий солномасига янги сезиларли саҳифалар қўшилди.

Совет кишиларининг қаҳрамонона фаолиятини бадий воситалар билан тараннум этишга, умумхалқ зафарларининг кенг кўламини, замондошларимизнинг турмушдаги коммунистик негизларни қарор топтириш учун, ўсишимизга ҳалал бераётган ҳамма иллатларга қарши курашдаги социал активликни тасвирлаш, совет ватанпарварига хос бўлган ижтимоий воқеаларнинг бориши учун, дунёнинг тақдири учун юксак масъулат туйғусини очиб беришга интилаётган ёзувчиларнинг ижодий куч-ғайратлари юксак баҳога муносибдир.

Съезд орттирилган тажрибани ҳамда совет прозасининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиб, ёзувчиларнинг бутун диққат-эътиборини ҳозирги замонни янада чуқур ва атрофията ижодий идрок этишга, замондошимиз — ҳалол меҳнатчи, юксак сиёсий маданиятли инсон, янги дунё бунёдкорига хос жўшқин ҳаёт кечириётган ватанпарвар ва интернационалистнинг образи устида сабот билан ишлашга қаратади. Партия тафаккуридан баҳра олган халқнинг ҳаётини тажрибасидан шахсининг совет характерини ҳосил қилувчи яхлит ижтимоий-сиёсий, маънавий, ахлоқий фазилатларини бадий тасвирлаш учун энг аниқ мезонларни изламоқ керак. Ривожланган социализм жамият учун типик вазиятларда йирик типик характерларни гавдалантириб бериш — социалистик реализм санъати учун мана шундай изланишларнинг бош йўлидир.

Шу билан бирга, СССР Ёзувчиларининг VII съезди ҳозирги замон адабиётининг янада ривожланишига ҳалақит бераётган бир қанча катта нуқсонларни қайд этади. Баъзан ўқувсизлик ва жўнлик теманинг актуаллиги билан ниқобланади. Турмушнинг тор маиший жиҳатларига берилиб кетиш хавфи бор. Бунда асар қаҳрамонлари икир-чикир ишлар доирасига ўралатиб қоладилар. Айрим адилблар тарихийлик, социал, синфий мезон туйғусини йўқотиб қўйиб, баъзи бир тарихий воқеалар ва шахсларга нотўғри баҳо берилишига йўл қўйдилар.

Съездеда поэзия соҳасидаги ижодий изланишларнинг кенглиги ва кўп қирралилиги тўғрисида гапирилди. Ҳозирги замон кишининг мураккаб хилма-хил кечинмалари ва фикр-ўйлари, унинг ички дунёси, бойлиги кўп миллатли совет шеърятининг бир қанча санъаткорлари ижодида ўзининг яққол бадий ифодасини топди. Воқеликни кенг миқёсда қамраб олиш, лирик теранлик, публицистик жўшқинликни ўзида муҳассамлаштирган дostonчилик жанрида каттагина ижодий силжишлар содир бўлди.

Шу билан бирга, съезд поэзиянинг ривожига қийинчиликларни: баъзи лирик шоирларнинг асарларида гражданлик жўшқинлиги пасайганини, ҳаёт билан, миллион-миллион совет кишиларини тўлқинлантираётган маънавий муаммолар билан боғланиш заифлашганини ҳам ўқтириб ўтди. Ҳозирги замон совет поэзияси ўз-ўзига маҳлиё бўлишни, ўз қобиғига ўралатиб қолишни, баъзан эса ясамаликни ҳам барта-раф этиб, жамиятимизнинг идеаллари ва фазилатлари учун активроқ курашиши, Владимир Маяковский, Совет давридаги бошқа атоқли шоирлар васият қилган жанговар гражданлик, сиёсий ўткир зехнлилик анъаналарини самарали равишда ривожлантириши лозим. Достон жанрида қалам тебратувчи шоирлар ҳозирги замоннинг актуал мавзуларига дадилроқ мурожаат этишлари керак.

Утган беш йил мобайнида совет драматургияси янада ривож топди. Театр ва эстрада саҳналарида, кино ва телевидение экранларида, радио, театр чиқишларида шу кунларимизнинг жиддий социал-иқтисодий ва ахлоқий психологик муаммолари ўзининг бадий ифодасини топди. Уткир конфликтларда характерлар тўқнашиб, синовдан ўтди, меҳнат ахлоқининг янги турмуш тажрибасида бойиган социалистик нормалари қарор топди. Драматурглар ва театрлар тарихий-революцион воқеаларга, коммунистик қурилиш, фан-техника революцияси, табиатни муҳофаза қилишнинг жуда муҳим мавзуларига мурожаат қилдилар. Аммо ҳаётнинг кўпгина реал проблемалари ҳали чуқур, янада ишонарли тарзда идрок қилиниб, бадий жиҳатдан умумлаштириб берилиши лозим.

Совет киноси, кинематографияси, радио ва телевидениесини янада ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик сиёсий тематикани кучайтиришни, ҳозирги қаҳрамоннинг бутун кўп қиррали характерини янада чуқур психологик жиҳатдан ишонарли тарзда акс эттиришни тақозо этади. Совет театри кучли ва ёрқин эҳтирослар, зўр сафарбар этувчи фикрлар, аниқ таллаб олинган ва социал конфликтлар чуқур очиб берилган асарлар театри бўлиб қолиши лозим. Бадий ижодкорлик ғоят оммавий равишда намойён бўладиган соҳа — радиоэшиттириш ва телевидение учун ишлаш ёзувчиларнинг доимий диққат-этиборини талаб қилади.

Съезд мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар адабиётига муттасил эътибор қилинаётганини қайд этади. Болалар учун ёзувчи шоирлар ва носирларнинг энг яхши асарлари, ёш китобхонларга аталган драматургия, публицистика, адабий танқидчилик соҳасидаги ютуқлар адабий ижодкорликнинг бу соҳаси ғоявий-эстетик имкониятлари ошиб бораётганидан далолат беради. Съездда ҳозирги болалар адабиётида қаҳрамонона — ватанпарварлик, гайдагча аънаналар муносиб равишда давом эттирилмай, бирмунча сусайиб қолганлиги муносабати билан ташвиш ҳам изҳор этилди, ҳозирги совет мактабининг, ҳунар-техника билим юртларининг муаммоларига, ўқишга меҳр-муҳаббат қўйишга, табиатни, дунё ҳаётини ўрганишга интилиш, қаҳрамонона жасоратга тайёр бўлиб туриш руҳида тарбиялайдиган чинакам мароқли китоблар яратишга камроқ эътибор берилаётганлиги ҳам айтиб ўтилади.

Съезд, болалар ва ўсмирлар адабиёти орттирилган тажрибага таяниб, энг яхши аънаналаримизни ҳозирги шароитларга тадбиқан ривожлантириб ҳозирги ўсмирларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга ва уларни касб ўрганишга қизиқтиришга, дунёни революцион тарзда қайта қуриш улуғ ишининг ворислари ва муносиб давомчилари бўлиш ёшларимизнинг характерини, актив гражданлик позициясини, интернационалистик эътиқодларини шакллантиришга янада кўпроқ ҳисса қўшади, деб умид қилади.

Съезд шуни қайд этадики, ўининчи беш йилликда партия ва халқнинг буюк яратувчилик фаолияти даври бадий публицистика жанрларига самарали таъсирини кўрсатди. Бадий публицистиканинг роли ошди, адибларнинг ҳозирги кунга хос муаммоларга ва конфликтларга, коммунистик идеалларни, фазилатларни қарор топтиришга, буржуача турмуш тарзини фош қилиб ташлашга, империализмнинг агрессив сиёсатини шармандаи-шармисор қилишга диққат-эътибори кучайди.

Съезд публицист ёзувчиларнинг умумий адабиёт ишига, сиёсий-тарбиявий ишга қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолаш билан бирга публицистикамизнинг турмушга актив аралашуви шакл ҳамда воситаларини янада такомиллаштириш, ижобий тажрибани тадқиқ этишда ва умумлаштиришда унинг ишчанлиги ва конкретлигини ошириш, асарлардаги сийқа ва босма-қолип гапларни йўқотиш, унинг жанговарлик позицияларини кучайтириш зарурлигини таъкидлайди. Совет публицистикасининг бурчи жаммики янги, илғор нарсаларни зўр ғайрат билан қўллаб-қувватлашдан, олға томон қилаётган ҳаракатларимизга хзлал берадиган иллатларга қарши кескин курашишдан иборат. Ёзувчиларнинг ташкилотлари газета ва журналларнинг редакциялари билан биргаликда ҳам ички, ҳам халқаро мавзулардаги публицистикани ривожлантириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилишлари зарур.

Ун биринчи беш йилликнинг муҳим объектларига журналларнинг оталиқ қилиши ишлаб чиқариш коллективлари билан ёзувчиларнинг ташкилотлари, адабий нашрларнинг редакциялари ўртасида ҳамдўстлик тўғрисида шартномалар тузиш каби иш усулларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва изчиллик билан ривожлантириш керак.

Адабий танқидчиликни ва адабиётшуносликни янада такомиллаштириш ҳозирги адабий жараёни узлуксиз ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Совет танқидчилиги КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқидчилик тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, ўтган йилларда адабий жараёни тадқиқ этишда ва унга таъсир ўтказишда ўзининг активлигини оширди. Танқиднинг обрў-эътибори ошди, у самарали бадий изланишларни янада фаолроқ қўллаб-қувватлайдиган бўлиб қолди. Мамлакатдаги барча миллий адабиётларнинг ўзаро жадал яқинлашуви ва бир-бирини бойитиши сингари маданият тарихида мисли кўрилмаган воқеа чуқур ўрганилмоқда.

Янги марраларга чиқиб олаётган адабий танқидчилик умуман ижодий жараёни бутун жўшқинлиги ва ғоят мураккаблиги билан бирга янада активроқ қамраб олиши, адабиётнинг ривожига собитқадамлик билан таъсир қилиши керак.

Танқидчилик Коммунистик партиявийлик ва халқчилликнинг ленинча принципларига муттасил амал қилиб, ўз фаолияти учун масъулиятни доимо ошириши, адабий ҳодисаларни баҳолашда, аниқ синфий мезонларга амал қилиши, адабиётдаги бракка, бадий ночорликка, ғоясизлик, дунёқарашдаги чалкашликларга қарши қатъиян курашиши лозим.

Съезд ижоднинг ўзига хос ва юксак аҳамиятли тури бўлмиш бадий таржима-нинг совет халқлари қардош адабиётларини эстетик жиҳатдан ўзаро бойитишдаги, жамиятимизнинг маънавий турмушидаги, меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашдаги роли доимо ўсиб бораётганлигини қайд этади. Мамлакат ёзувчиларининг ташкилотлари таржимачилик ишини ривожлантиришга, таржимон адибларнинг меҳ-

нат шароитларини янада яхшилашга, уларнинг маҳоратини оширишга бундан буён ҳам актив кўмаклашишлари зарур. Адабий танқидчилик таржимонларнинг ишига, таржима назариясига доимо эътибор билан қараши керак.

Совет адабиётини ривожлантиришда КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар» билан ишлаш тўғрисида»ги қарори катта роль ўйнади.

Ўтган беш йил мобайнида кўп миллагли совет адабиётига истеъдодли ёш қаламкашлар келиб қўшилди. Нашриётларнинг планларида, адабий нашрларнинг саҳифаларида ёш ёзувчиларнинг номлари тобора тез-тез кўзга ташланиб турибди, уларнинг ижоди санъатимизга сезиларли ҳисса бўлиб қўшилмоқда. СССР Ёзувчилар союзининг ВЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда ўтказилган ёш ёзувчиларнинг Бутуниттифок кенгашлари, семинарлари, турли тўплам ва антологиялар нашр этиш ўзини оқлади.

Ижодкор ёшлар билан ишлашни янада такомиллаштириш соҳасида ёзувчиларнинг ташкилотлари, адабий нашрларнинг редакциялари, А. М. Горький номли адабиёт институти олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Ижодкор ёшларни баъзан асосисиз равишда эрта профессионаллашиб қолишдан эҳтиёткорлик билан огоҳлантириб, адабий мураббийликнинг хилма-хил шаклларини кенг одат тусига кириштиш, ёш адибларнинг Ёзувчилар союзимиз, унинг матбуоти ишига активроқ жалб этиш, уларнинг ғоявий, профессионал-ижодий ўсишига ёрдам бериш, улар социал моҳиятли, актуал темаларни ишлаб чиқишга дадил киришишларига интилиш керак. Съезд буни адабиётга келиб қўшилаётган янги авлоднинг кўпроқ бадий йутуқларга эришишида муҳим шартлардан бири деб ҳисоблайди.

Съезд СССР Ёзувчилар союзи ташкилий-ижодий фаолиятининг яқунларини кўриб чиқиб СССР Ёзувчилар союзи секретариати партия комитетларининг актив ёрдамида ўтказган ва адабиётни ҳаёт билан, коммунистик қурилиш практикаси билан янада яқинлаштиришга қаратилган тэдбирларини қўллаб-қувватлайди ва юксак баҳолайди. Аняна бўлиб қолган совет адабиёти кунлари, турмуш ва санъатнинг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилишга бағишланган Бутуниттифок ижодий конференциялари маънавий маданият соҳасидаги йутуқларни кенг миқёсда тарғиб қилибгина қолмай, шу билан бирга сўз усталари билан меҳнат коллективларининг намоёндалари ўртасида ўзаро самарали мулоқотга ҳам айланиб кетмоқда, адибларга қудратли куч-ғайрат бахш этмоқда, янги ғоявий-бадий вазифаларни ўртага қўйиб, ҳал этишда ташаббускорликка ундамоқда.

Халқ билан, унинг турмуши билан мустаҳкам, чамбарчас боғланиш — ҳар бир ёзувчи ва ҳар бир ёзувчилар ташкилоти ижодий ва ижтимоий активлигини оширишнинг бирдан-бир ва энг тўғри йўлидир. Бу — баркамол социализм шароитида адабиёт ва санъатни муттасил ривожлантиришнинг объектив қонуниятларидан биридир. Ҳозиргача орттирилган бой тажрибадан янада кенг фойдаланиш, янги ташаббусларни актив қўллаб-қувватлаш зарур.

Съезд Ёзувчилар ташкилотларига, нашриётларга, адабий газеталар ва журналларнинг редакцияларига, совет адабиётини пропаганда қилиш бюросига жамиятимиз ҳаётида ёзувчиларнинг иштирок этиш шакл ҳамда услубларини такомиллаштириш соҳасидаги ишни давом эттиришни, адибларнинг ижодий куч-ғайратларини коммунистик қурилишнинг, совет турмуш тарзини пропаганда қилишнинг, бутун дунёда тинчлик учун курашнинг асосий йўналишларига жамлашни топширади. Ёзувчиларнинг ташкилотлари адабиётнинг ҳаёт билан алоқасини янада чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги ташаббуслар зўр ижодий самара бериши тўғрисида доимий ва амалий ғамхўрлик қилишлари лозим.

СССР Ёзувчиларининг VII съезди партия XXVI съездининг қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, адибларнинг ғоявий-назарий жиҳатдан қуролланиши тўғрисида, уларнинг марксизм-ленинизм назариясини чуқур эгаллаб олишлари ҳақида доимо ғамхўрлик қилишни ёзувчилар ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси деб ҳисоблайди.

Бадий маҳоратни оширишга доимий эътибор берилиши керак. Нафақат нашр этилган китобларни, балки янги асарлар қўлёзмаларини ҳам ўртоқларча ижодий муҳокама қилишни кенг йўлга қўйиш; журналлар ва нашриётлар бу асарларни таҳрир қилишга катта масъулият билан ёндашишлари керак.

Ёзувчиларнинг VI ва VII съездлари ўртасида ўтган йиллар совет адабиётининг халқаро таъсири нақадар кучайганлигини, музаффар социализм мамлакати тўғрисида бадий ва публицистик сўзнинг обрў-эътибори ва салмоғи нақадар ўсганини яққол кўрсатди. Бизнинг адабиётимизга ёмон назар билан қараш муайян даражада парчалаб ташланди. Совет ҳукуматининг СССРнинг авторлик ҳуқуқи тўғрисидаги универсал (Женева) конвенцияси системасига кириши тўғрисидаги қарори бунга кўп жиҳатдан кўмаклашди. Совет ёзувчиларининг асарларидан кенг хабардор қилиш ва уларни актив тарқатиш учун қўшимча имкониятлар вужудга келди. Шунинг натижасида ҳозир, инсонпарварлик ғояларини ва маданий бойликларни эркин баҳам кўриш душманларнинг қутуриб қилаётган қаршилигига қарамай, «совуқ уруш» жарчиларининг зўр бериб қилаётган ҳаракатларига қарамай, совет муаллифларининг китоблари бутун дунёдаги кўп миллатли китобхонлар қўлига етиб бормоқда, юксак идеалларни

қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, турмуш тарзимиз, коммунизм тўғрисидаги ҳақиқатни тарафдорлик билан қўллаш эътиборига эришилди.

СССР Ёзувчилар союзи партиямиз изчиллик билан амалга ошираётган ленинча тинчлик программаси учун курашда дунёнинг юздан ортиқ мамлакати адабиёти ва санъат арбоблари билан ижодий алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни чуқурлаштириш соҳасида катта самарали иш қилди.

СССР Ёзувчилар союзининг социалистик мамлакатлар ёзувчилар ташкилотлари билан йил сайин мустақамланиб бораётган анъанавий алоқалари узоқ муддатли ҳамкорлик программалари асосида сифат жиҳатидан янги характер касб этди. Қардош ижодий союзларнинг раҳбар органлари, адабий газета ва журналларнинг редакторлари кенгашлари, ижодий семинарлар ва симпозиумлар мунтазам равишда ўтказилиб турибди.

Ғарб давлатларининг ва ривожланаётган мамлакатларнинг ёзувчилари билан бирга «Доира стол» атрофида Халқаро учрашувлар ўтказиш, қўшма наشرларни чиқариш ва шу каби янги тадбирлар ўзини оқлади.

Ўтган беш йил ичида совет давлатининг, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тинчлик ташаббусларини пропаганда қилиш, термоядро фалокатининг олдини олиш ва халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда барча мамлакатлар ва қитъалар илғор ёзувчиларнинг куч-ғайратларини мувофиқлаштириб олиб бориш соҳасида бир қанча сезиларли халқаро ижтимоий-адабий тадбирлар ўтказилди. Бу кураш бундан буён ҳам тобора зўр активлик билан олиб борилиши лозим.

Халқаро майдонда идеология курашининг ғоят кескинлашуви, империалистик реакциянинг энг разил доиралари тинчликка хавф солаётганлиги сўз санъаткорлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Америкалик «советшунос»лардан тортиб уларнинг маочи издошларигача жамики «совуқ уруш» тарғибчиларининг кирди-корларига, совет воқелиги ва совет турмуш тарзини бадном қилиш учун қутуриб туҳмат ёғдираётган ҳамма кимсаларга ақл-заковат ҳақиқатини қарама-қарши қилиб қўйиш зарур. Горькийнинг: «Маданият, арбоблари, сизлар ким билан биргасиз?» деган ва бугунги кунда айниқса актуал бўлиб янграётган саволига совет ёзувчилари яқдил бўлиб: «Биз партия билан, совет халқи билан, халқаро кескинликни юмшатишга, қуролланиш пойгасини жийовлашга, планетамизда тинчлик ва осойишталикни қарор топтиришга интилаётган барча тараққийпарвар кучлар билан биргамиз», деб жавоб бермоқдалар.

СССР Ёзувчиларининг VII съезди Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг «Жаҳон парламентларига ва халқларига» қаратилган ҳамда одамларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш йўлида актив ҳаракат қилишга қаҳирадиган мурожаатномасини яқдиллик билан қўллаб-қувватлайди. Барча совет адиблари номидан съезд барча мамлакатларнинг сўз санъаткорларига, маданият арбобларига, зиёлиларига мурожаат этиб, уруш оловини ёзувчиларнинг жинояткорона режаларига қарши қатъият билан норозилик тақдирини қўлади. Уфқда қора булутлар қуюқлашаётганда, бутун инсониятнинг тақдири, цивилизациянинг тақдири тўғрисида гап бораётган пайтда, ҳар бир софдил санъаткор ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун курашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

СССР Ёзувчиларининг VII съезди СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари ўртоқ Г. М. Марковнинг «Совет адабиёти коммунизм учун курашда ва унинг КПСС XXVI съезди қарорлари асосидаги вазифалари» мавзусидаги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. СССР Ёзувчилар Союзининг ҳисобот давридаги фаолияти маъқуллансин. СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг иши қониқарли деб топилсин.

2. СССР Ёзувчилар союзининг правлениесига, мамлакат ёзувчилар ташкилотларига ўзларининг бутун фаолиятида КПСС XXVI съездининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съезддаги ҳисобот докладига баён этилган қоида ва хулосаларга амал қилиш тавсия этилсин.

3. СССР Ёзувчилар союзининг правлениеси ва секретариати зиммасига ёзувчилар съездида қизғин тус олган мунозара материалларини, айтилган мулоҳаза ва таклифларни синчиқлаб ўрганиш ва кўриб чиқиш ҳамда союзнинг яқин йилларга мўлжалланган перспектив иш планини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

Совет мамлакати ёзувчиларининг анжумани КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини астойдил маъқуллаб ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, барча қардош совет адабиётлари номидан марксизм-ленинизм ғояларига, коммунистик партиянинг улғу идеалларига чексиз содиқ эканини яқдиллик билан билдиради, барча совет адибларини ўз истеъдоди, ижодий илҳоми ва маҳоратини коммунистик бунёдкорлик ишига, тинчлик, ҳамкорлик, тараққиёт ишига сарфлашга қаҳиради.

## СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг пленуми

4 июль куни СССР ёзувчилари VII съездида сайланган СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари қилиб Г. М. Марковни сайлади. Г. Г. Абашидзе, Ф. А. Абрамов, С. О. Азимов, Ч. Т. Айтматов, М. Н. Алексеев, А. А. Ананьев, Т. Асқаров, Г. А. Охунов, Н. П. Бажан, С. А. Баруздин, Ю. В. Бондарев, Г. А. Боровик, П. П. Боцу, Ю. Н. Верченко, Р. Ҳ. Ҳамзатов, Н. С. Гилевич, А. Т. Гончар, Н. М. Грибачев, Н. В. Думбадзе, П. А. Загребельний, М. А. Иброҳимов, А. С. Иванов, Е. А. Исаев, М. Қаноат, В. В. Карпов, А. П. Кешоков, В. М. Кожевников, В. А. Коротич, Ф. Ф. Кузнецов, Т. Қурбонов, П. А. Куусберг, Л. М. Леонов, А. М. Малдонис, Э. Б. Межелайтис, С. В. Михалков, А. М. Мирзагитов, Ж. Мўлдағалиев, Ғ. М. Мусрепов, С. С. Наровчатов, Л. Н. Новиченко, К. Н. Нуъмонов (К. Яшин), В. М. Озеров, Б. И. Олейник, Ғ. Р. Приеде, П. Л. Проскурин, Б. Н. Полевой, В. А. Петросян, Р. И. Рождественский, А. Д. Салинский, С. В. Сартаков, Е. И. Скурко (М Танк), А. А. Сурков, Ю. И. Суровцев, Н. Т. Федоренко, А. Б. Чаковский, А. Н. Чепуров, О. Н. Шестинский, М. А. Шолохов правление секретарлари қилиб сайландилар.

Марказий ревизия комиссиясининг биринчи мажлисида В. И. Тельпугов комиссия раиси қилиб сайланди.



Мамадали Маҳмудов

# ЎЛМАС ҚОЯЛАР

РОМАН

**Ю**лдузли тоғи... У одамни ўйга толдирадиган даражада биланд. Унга ўлмас қоялар билан сирли даралар зийнат ҳам виқор бериб турибди.

Бу тоғда Оққоядан ҳайбатли қоя йўқ. Унинг учиди подшога кийдирилган тождай бир туп қатранғи қад кўтарган. Илоҳийлик тимсолига айланган бу чайир дарахтни ака-ука Қўниш, Қўнор боболар экишган. Улар Урта Осиёни Чингизхон талаган замонда, узоқ Туркистондан бу хилват ерларга келиб қолганлар.

Кейинчалик, нима сабабдандир, Қўнар бобо ўз бола-чақалари билан Қашқадарё томонларга кўчиб кетишган. Қўниш бобо эса ўғил-қизлари, келин-куёвлари билан Оққоя тагига — Қадимбулоқ атрофига омонатгина-омонатгина бошпана қурганлар. Негаки, улар яна ўз она юртлари — Туркистонга қайтиш ниятида бўлганлар.

Бироқ, бир куни Қўниш бобонинг суюкли набираси — Гулюзни илон чақади. У уч-тўрт кун азоб чекиб вафот этади. Уни Оққоянинг кун ботиш томонига, ёввойи бодомзор ичига дафн қиладилар. Шундан кейин бу ерда Қўниш боболар ўтроқ бўлиб қолишади.

Қўниш боболар ва уларнинг иккинчи, учинчи авлодлари ҳам Қадимбулоқ атрофида яшаганлар. Тўртинчи авлод эса Қадимбулоқдан етти чақирим паёғга, Каттабоғсой соҳилларига кўчишган. Шу тахлит Каттабоғ қишлоғи вужудга келган. Ундаги ҳар бир хўжалик баҳордан то куз ўрталаригача боғ уйларига яшашади. Қишни эса Каттабоғда ўтказишади. Фақат бир оила тўрт мавсум ҳам ҳеч ёққа жилмайди. Бу



оила қишлоқдан бир чақирим юқорида — тепа устидаги тош уйда яшайди.

Унинг кун чиқиш ёғида бир неча ботмон текис ер ястаниб ётибди. У қачонлардир — олис бир замонда селлардан яралган жар билан туташган. Жарнинг нариги қирғоғи итбурунга ўхшаган митти, сертикон харчалар (бодомчалар) билан қопланган ва тоққа тирмашган. Жар лабларида ковуллар ўсиб ётибди. Уларнинг узун-узун поялари ер бағирлаб пастга шўнғиб кетган.

Уйнинг шимоли олмазор, ўрикзор, беҳизор. Бу боғ деярли янги қабристон четидаги Ўғиртошгача чўзилган. Ўғиртошнинг устидан мазористонни иккига айириб ўтган йўл Каттабоғ қишлоғига кириб йўқолган.

Ғарбда, аниғи, уйдан ўттиз-қирқ қадам пастда Каттабоғсой ҳайкириб оқмоқда. Ундан хиёл юқорида тошдан қурилган тегирмон бор. Соининг бир ирмоғи тегирмоннинг қатранғи ёғочидан ясалган парракларини шағиллаб айлантрияпти. Тегирмондан нари чакалакзор; у сийрак ёнғоқзорга туташган. Чакалакзор бошида мўъжаз бир чўққи бор. Унинг тагидан бир қулоқ сув қайнаб чиқяпти. У — Яшнарбулоқ.

Уйнинг жануби — ўтлоқ. Ўтлоқ адоғидан тоғ бошланган. Уни ҳар хил ёввойи дарахтлар билан бирга катта-кичик қоялар ишғол қилган. Уй деразаларидан бу манзаралар, жумладан, Оққоя учидаги бир туп Қатранғи ҳам аниқ кўриниб турибди.

Ҳовли атрофи гулзор. Айниқса ялпизга ўхшаш, лекин унга қараганда поя, барглари ингичка-ингичка пидина, хинагул, райҳонлар кўп экилган. Ҳовлида уч туп тут, икки туп қайрағоч ва бир туп чинор қад кериб турибди. Чинор тагига сўри қўйилган. Сўрининг тагидан бир ариқ ўтган: суви тиниқ. Ҳовли атрофи ҳеч қандай панжара билан ҳам, девор билан ҳам ўралмаган.

Ҳовлидан анча нарида — ўтлоқ ибтидосида итбурунлардан қурилган иккита ёзги қўтон ёнма-ён турибди. Иккови ҳам доира шаклида, тепалари очиқ. Биринчи қўтон қўй-эчкилар, иккинчи қўтон қўзи-улоқлар учун қурилган. Уларнинг атрофларига тут, ёнғоқ, қайрағоч ёғочларидан қилинган қозиқлар қоқилган. Буларга от, сигир, боғланади.

Тепа устидаги тошдан қурилган бу уйда Раҳмат полвон истиқомат қилади. Раҳмат полвоннинг уч қиз, икки ўғли бор.

Тўнғич қизи — Ўғилой вафот этган. Роҳатой билан Савсарой уй-жойли бўлиб кетишган.

Полвоннинг катта ўғли — Оқилбек раҳматли бобоси Суярбекка тортган: уста. Оқилбек эгар, куви, келилардан ташқари, рубоб, дутор, доира каби чолғу асбоблари ҳам ясайди. Ўзи дутор ҳам чертади. Оқилбек туғма оқсоқ — чап оёғи ўнг оёғига нисбатан пича калта.

Раҳмат полвон кенжа ўғлига: «Бўронбек» деб от қўйган. Бунинг сабабини сўрасангиз, у: «Ўзим тушунмайдиган арабча, эронча, яна аллақандай чучмал отларга тоқатим йўқ,— деб айтади.— Қолаверса, Бўронбек бўронли кунда туғилган».

Бўронбек етти йилдан бери Тошкент шаҳридаги Бекларбеги мадрасасида таълим оляпти.

Ана, Раҳмат полвоннинг ўзи ҳам чакалакзордан чиқиб, тегирмон томон бормоқда. Унинг қўлидаги ойболта билан арра қуёш нуридан ялт-юлт қилади. У баланд бўйига монанд йирик-йирик қадам ташлар, ҳар бир қадами ерга мустаҳкам тушар ва ердан мустаҳкам кўчар эди. Қад-қомати тик, елка ва кўкраги кенг, ориқ бу одамнинг олтмиш бирга кирганига ҳеч ким ишонмас эди. Ҳатто қандайдир қатъият ва матонат акс этган башараси ҳам, ақл-идроку аллақандай ёввойилик зуҳурланган кўзларининг остидаги ажинлар ҳам, соқол-мўйловидаги оқ толалар ҳам унинг шунча ёшда эканлигини исбот қилолмайдигандек.

Балки, бу, унинг ҳар бир ҳаракатидан куч, қудрат ёғилиб туриши ёхуд тарғил кўзларининг ловуллаб туриши туфайлидир. Ҳар қалай, у қирқ беш, нари борса эллик ёшлар чамасида кўринар эди. Унинг бутун қиё-фасидан мустақил фикрли одам эканлиги, ўзига ишончи зўрлигию баджаҳл эканлиги сезилиб турар эди.

Полвон тегирмон рўпарасидаги чағир тош орасидан ўсиб чиққан, икки қулоч етмас танаси дам пастга, дам юқорига, дам ўнгга, дам чапга буралиб-буралиб кетган тут тагига етгач, беихтиёр тўхтади. Тегирмондан чол чиқди. Унинг қалин қош-қовоғи, сийрак киприклари, чўзиқ юзи ва соқол-мўйловига ун гардлари ўтириб қолган. У Раҳмат полвонга сирли қаради.

Полвон унга:

Қимизингдан олиб чиқ, ҳўкиз! деди.

Айрон ичсанг тешиб чиқади, баттол?

— Тешиб чиқади.

Кулишишди.

У тош зинапоядан тегирмон тагига тушиб, бўғзига қадар сувга бо-тириб қўйилган иккита қовоқдан бирини олиб чиқди ва уни полвонга узатди:

— Ма, заҳарингга ич.

Раҳмат полвон болта билан аррани тегирмон томига қўйди. Сўнг айлана чети, қорни ўйма безакли, ним қизил қовоқни олди ва:

— Миннат қилмай ўл! — дея қорамтир тошга ўтирди. — Кел бирга ичамиз.

Гўдакликдан тепишиб ўсган бу икки дўст кайфиятлари яхши кез-лардагина шу тарзда гаплашар ва шундай дақиқаларда бир-бирлари-га нечоғлик яширин меҳр қўйганликлари яққол сезилиб турар эди. Аслида улар тунд, камгап, қаҳрлари қаттиқ, аммо ҳалол кишилар эди-лар.

— Коса олиб кел.

— Шундоқ ичаверамиз.

— Молмизми?

Баттармиз.

— Олиб кел!

Тегирмончи ичкаридан қора зирк сурати солинган иккита чинни ко-са олиб чиқди-да, уларни сой сувига чайди. Полвон қовоқни чайқаб-чайқаб, косаларга қимиз қуйди. Тегирмончи кайфи чоғ онлардагидек қимиз ичишдан олдин беихтиёр қадим ўзбек қўшиғини бошлаб юбор-ди:

Шамол шамолни тебратар,  
Шамол ҳавони тебратар;  
Ҳаво булутни тебратар,  
Булут ёмғирни тебратар,  
Ёмғир тупроқни тебратар,  
Тупроқ майсани тебратар,  
Майса бияни тебратар,  
Бия қимизни тебратар,  
Қимиз йигитни тебратар,  
Йигит сулувани тебратар;  
Сулув бешикни тебратар,  
Бешик болани тебратар;  
Бола дунёни тебратар...

— Сен ҳўкиз қариганингда ҳам қуйилмадинг-қуйилмадинг-да!

— Кўнгил хушликка айтдим-да, баттол.

Ютоқиб қимиз ичишди.

— Узинг ҳам ўлиб турган экансан, ҳўкиз.

— Сени кута-кута чанқаб қолдим, — тан олди тегирмончи. — Э, анави отлиқ ким? — Сой ёқалаган сўқмоққа ишора қилди у.

Полвон қайрилиб қаради. Кейин тегирмончига ўгирилиб:

— Кўзми, пўстакнинг тешигими, хўкиз?— деди.— У... йўқ. Узинг топ. Каттабоғда қўли орқаси билан олдига етмайдиган, қорни катта одам ким?

Қози.

— Топдинг.

— Уб-бо, баччаталоқ, номаврид келаётти. Беш-олти қоп буғдойи бор, ун қилиб беришим керак. Навбат етмаётти. Не қилай?

— Шохи йўқ, эл қатори янчиб бер.

— Утинётти, ўғлини уйлантирармиш.

— Бари бир.

Қора тўриқ от сой кечиб ўта бошлади. У сой ўртасига етгач, икки орқа оёғини йириб, сал пасайди... Сўнг сув ича бошлади. У ўрта бел, кенг кўкрак, серёл бўлиб, кўринишдан бақувват эди. Шунга қарамай, у юкнинг оғирлигидан майишиб турибди.

Қози салом берди. Унинг товушини сой шовқини ютиб юборди. Лекин тегирмончи билан полвон буни унинг савсар ранг саллалли боши қимирлагани, катта оғзи очилиб-юмилгани, кенг жағли юмалоқ юзи ҳамда кўзларининг ифодасидан сезиб, ўтирган кўйи бош ирғаб, алиқ олишди.

У отининг сув ичиб бўлган ё бўлмаганини билолмай, гаранг эди. Энгашиб қарашга бўғчадек катта қорни билан кувидек йўғон бўйни имкон бермасди. Охири у:

— Қудрат ака, отим сув ичиб бўлдими?— деб қичқирди.

— Йўқ!— дея бақирди тегирмончи.

— Ростини айтсанг ўласанми, хўкиз!— деди полвон.

— Жим ўтир, баттол. Бу махлуқни гартак<sup>1</sup> томоша қилай.

— Отга ачин.

— Жин урмайди, сув ёқаётти— тек турибди.

Уларнинг шивир-шивиридан қози хавотирланди, жиловни тортди: «Чу!..» От кенг ёйилиб оқаётган сувни секин кечиб ўтди. Қози пишиллаб, ҳарсиллаб, қийналиб тушди, отни қирғоқдаги оқ теракка боғлади. Сўнг сойда қўлни ювди, занг ранг камзулининг ўнг чўнтагидан рўмолча олди ва артди. Кейин у йирик гавдасига зид майда қадамлар ташлаб тегирмончи билан полвоннинг олдига борди. Икки дўст ўзбек расмига кўра ўринларидан туриб, у билан қўл бериб кўришишди.

Тегирмончи тегирмондан яна бир коса олиб чиқди ва уччала косага тўлдириб-тўлдириб қимиз қуйди.

Ичдилар.

— Хўш, қози, айтадиганларингни айт,— деди тегирмончи.

Мансаб-мартабаларидан қатъи назар, каттабоғликлар ўзларидан бир ёш кичик бўлган одамга «сен» деб мурожаат қилишади. Қози эса тегирмончидан ўн бир ёш кичик.

— Уғлимни уйлантираёттиман. Шунга ун зарулу бўлиб қолди.

— Кеча гапимни хизматчингга айтувдим.

— Қудамиз билан ваъдалашиб қўйивидик-да, ака.

— Қуданг билан сени, деб элни оч қўймайман. Навбат билан оласан.

Қозининг чўтир юзи оқариб кетди. Аммо индамади. Қози: «Шу баттол билан тенг бўлиб ўтираманми?!», деб ўйлади. Шунингдек, у ўзининг ноҳақлигини ҳам ҳис этди. У ўз қадрини биладиган, тўғрилиқка тан берадиган, ўз зиёнига бўлса ҳам, тан берадиган киши эди.

— Майли,— деди у тегирмончига.— Эл қатори олармиз. Хайр.

— Хайр.

Қози кетди.

<sup>1</sup> Гартак — пича, жиндек.

Тут шохида бир сассиқпопишак: «кук-кук...», «кук-кук...», дея сайрай бошлади. Бу икки дўстга «тут пиш...», «тут пиш...» деётгандай туюлди. Тут эса энди куртаклай бошлаган эди.

Полвон ўрнидан турди. Томдан болта билан аррани олди ва уйига жўнади. Тегирмончи уни тўхтатди.

— Раҳмат, бир куни кампирим шу баччаталоқнинг сулув қизи борлиги ҳақида айтувди. Ростми шу?

— Рост.— Қимиз уйқусини келтираётган бўлса ҳам полвон сергак тортди. У қозининг гўзал қизини ўз кўзи билан кўрган эди. Каттабоғлик хотин-қизлар азалдан юзларини очиб юрадилар-да...

— Қози бадбашара, қизи қаёқдан сулув бўлсан?

— Ахлатдан ҳам чиройли гул ўсади,— деб изоҳ берди полвон.— Қолаверса, қози сен айтгандек хунук эмас. Унинг ҳуснини семизлиги бузиб турибди.

Полвон чангадек қаттиқ ўнг қўли билан чуқурчаси бор бақувват иягини сиқди. У шу алфозда бир оз ўйланиб тургач, гапида давом этди.

— Сенинг ўзинг ҳам хунукликда ундан қолишмайсан.

— Мени кимга тенглаштираётсан, Раҳмат?!— У дўстидан ранжиган кезларда «баттол» сўзи ўрнига унинг асл отини айтарди.— Шуни бил: ҳақиқий эркакнинг башараси меникидек бўлади.

— Тўғри. Лекин мен турқинг бужур тошдек дағал бўлса ҳам, ўғлинг кўркам йигит демоқчиман.

— У онасига тортган.

— Қозининг қизи-чи? Унинг онасиям сулув. Бунинг устига тоза хотин.

— Эшитганман. Қизнинг феъли қандоқ экан?

— Одобли эмиш. Хотиним айтувди. Рўзғор юмушларини ҳам гулдай, тоза қиларкан. Ўзи менинг хотинимдек кўп байтларни ёд биларкан, кўп ўқиркан... Э, тўхта, калламни ачитиб уни мунча суриштираётсан?

Ке, қўй, сендан яшириб нима қилдим. Унга кампиримнинг меҳри тушган. Шу...

— Ўғлингни-чи?— Негадир унинг гапини бўлиб сўради полвон.

— Билмадим. Ҳар қалай, у онасига бир нима деганми дейман. Лекин мен амалдор билан қуда бўлишдан қўрқаман. Қолаверса, кўп ўқийдиган аёлни жиним суймайди. Кўп ўқиш — хотин зотини бузади.

— Ҳим...— Раҳмат полвон ўйланиб қолди. У Бухоро шаҳридаги хўжа Порса мадрасасида ўқиётган Қаҳрамонбекни ўз ўғли каби яхши кўрар эди. Қолаверса, Бўронбек билан Қаҳрамонбек худони ўртага қўйиб дўст тутинишган.

— Ўғлингнинг кўнгли бўлса нимаям қилардинг?— деди полвон бўшашиб.

— Отасининг гапиниям инобатга олар, ахир. Ҳалиги эрони қизиниям менинг гапим учун олмаган...

— Хайр, майли!— Полвон ойболтани тут танасига урди.— Тушликни бирга қиламиз. Дўлга кўпроқ буғдой сол-да, уйга чиқ.

— Бўпти, боравер.

Полвон эгри-бурги сўқмоқдан уйига ўрлай кетди. Озгина юрмай, унинг ўткир кўзи хотинига тушди. У Яшнаркулоқдан уч сопол кўза сув олиб қайтмоқда эди. Ешлигидан одатлангани учун унинг эркин юришига бошидаги кўза билан товонига тушган майса ранг кўйлаги халақит бермасди. Полвон унга ёрдамга ошиқмади. Каттабоғда сув ташиш, уй супуриш, овқат тайёрлаш каби юмушларни эр қилиши уят саналади. Лекин полвон бу қоидага кўп ҳам риоя этавермасди. У хотинига нисбатан қаттиққўл бўлса ҳам, хуши келганда унга ҳар қандай ишда кўмаклашарди. Ҳозир Раҳмат полвоннинг таъби хира —

интиҳосиз ўй исканжага олган... Шу сабабли у хотинига кўмак бериш-чи унутган эди.

1 Полвон ҳовлига хотинидан олдин чиқди. Бошидаги яшил саллани, калта оқ яктаги устидан боғланган қора каштали белбоғни ечди, уларни чинор шохига қўйди ва ариқда ювина бошлади. Шу аснода хотини ҳам чинор остига келди. Секин пасайиб, аввал қўлларидаги ва сўнг бошидаги кўзани ерга қўйди.

Раҳмат полвон ювиниб бўлди. Хотини уй ичидан оппоқ сочиқ олиб чиқди.

Полвон озодаликни меъеридан ҳам ошиқ севадиган одам. Бир-икки артинган сочиғига, у қайта ювилмагунча артинмас эди. Агар уйнинг бирор жойида гард кўрса ҳам хотинини уришар, гард йўқотилмагунча овқат ҳам еёлмас, иш ҳам қилолмас эди. Унинг феълени билган хотини уйни ҳам, кийим-кечакларни ҳам, рўзғор буюмларини ҳам, хуллас — тирикчиликларида нима бўлса, ҳаммасини озода тутар эди. Ўзи ҳам саранжом-саришталикни яхши кўрадиган аёл. Эл уни: «Хумор йиғичи», деб атайди. У на фақат аза, балки бошқа маросим қўшиқларини ҳам ёд биледи.

— Овқат тайёрми? — деб сўради полвон сўрига чиқиб, тоза беқасам кўрпачага ўтиргач.

— Тайёр.

— Сузавер. Ҳозир Қудрат ҳам чиқади.

— Хўп, — Хумор йиғичи ошхонадан йўл-йўл қизғиш дастурхон билан кичик-кичик учта оқ-яшил сочиқ олиб чиқди; дастурхонни хонтахтага ёзди, сочиқларни унинг уч жойига қўйди. Сўнг ҳовли адоғидаги ўчоқ қошига борди: қозонда шўрва милдираб қайнамоқда. Кичик ўчоқда чойдиш осилган. Уларнинг қаторидан яна иккита ўчоқ билан иккита гандир жой олган. Булар тўй-маъракаларга ҳам мўлжалланган. Қозон осилган ўчоқ биқинига таппи, тезак, тарашалар тартиб билан териб қўйилган.

Хуморхоним ўчоқнинг ўнг супачасидаги сопол лаган ичида турган, олдиндан ўзи ҳозирлаб қўйган нон билан учта ёғоч қошиқни олди-да, хонтахтага қўйиб қайтди. У сопол лаганга гўшт солди, уч чинни косага шўрва қўйди; уларни бирин-кетин дастурхонга элтди. Сўнг чинор шохига илинган, тагидан кўкиш зардоб чак-чак томаётган сузмахалта ёнидаги қовоқни ечди. Икки косага қатиқ қўйди.

Қовоқни жойига илди. Косаларни дастурхонга келтирди.

Тегирмончи куттирмай етиб келди.

Уччовлари гап-сўзсиз овқатланишди.

Хуморхоним дастурхонни йиғиштирди-да, наъматак гулли хум чойнакда кўк чой олиб келди.

Тегирмончи пиёладан мириқиб-мириқиб чой ҳўпларкан, чап қўли билан жигар ранг кўйлагининг ёқа тугмасини ечди. Унинг бўйни, юзи терлаб кетган эди.

— Кўклам иссиқ келди, — деди у. — Ёмғир ёғмаётти. Энди чўлдаги дон-дунга умид боғлаш қийин.

— Нафасингни совуқ қилма! — жеркиди полвон.

— Ҳали ёмғир ёғар. — Хуморхоним гапини тугатиши билан майсалар босян том бўғотиغا бир тўп қалдирғоч келиб қўнди.

— Қайдам, — у Оққоғ учидаги қатранғига қараб бир лаҳза ўйга толди. — Эндиги хотинлар ота-боболаримиздан қолган расм-русумларни қилмай қўйишди. Сенинг «йиғичи» деган номинг бор. «Сув хотин» маросимини ўтказсаларинг ўласиларми?

2 Қудратнинг боя: «Кўп ўқиш — хотин зотини бузади», дегани полвонга оғир ботган эди. Энди бу гапи ошиб тушдию тегирмончига ўқрайиб қаради: «Дўстим бўлсанг ҳам, хотинимга тил тегизма!», демоқчи

эди. Хуморхоним бор учун индамади. Полвон бировларга хотинини хўрлатиб қўядиган, уни бегоналар олдида изза қиладиган эркакларни ёмон кўрар эди. Хуморхоним унинг авзойи бузилганини сезиб, ўзи билмаган ҳолда дастурхон учини ёғимлай бошлади. У эрининг раъйига қараб иш тутадиган, шу билан бирга унга ўз таъсирини ҳам ўткази оладиган хотин эди... Лекин ҳозир сукўт сақлади.

Полвон тегирмончига:

— «Сув хотин»ни ўзининг аялинг ўтказсин! -- деб тўнғиллади.

- Бирга-бирга ўтказишади.

Полвон индамади.

Тегирмончи дастурхонга фотиҳа ўқиб, тегирмонга кетди.

Хуморхоним қозон-товоқларни ювишга киришди.

Раҳмат полвон нима қиларини билмаётган одамдай ҳовлининг у ёқ, бу ёғида гарангсиб юриди. Хуморхоним эрининг нимадандир руҳи тушганлигини сезса ҳам, унга бирор сўз айтишга ботинмади. Эркакни бўлар-бўлмасга тергайверадиган, унинг ҳар бир ишига аралашаверадиган майда, миждов хотинлардан эмасди у. Полвоннинг ўзи эса гарчи, Хуморхонимни суйиб олган бўлса ҳам, унга кўча-куйда бўлган гапларни, кўрган-кечирганларини, юрагидаги дард, алам, мақсадларини деярли айтмас, фақат у билан рўзғор хусусидагина сўзлашар эди. Бироқ Раҳмат полвон Хуморхонимга садоқатли эди. Ўзининг илк йиғитлигини унга берган ва баъзи қулай пайтлар...га дуч келса ҳам, хотинига хиёнат қилмаган эди.

У бировнинг қизига, хотинига ё синглисига кўз олалиқ қилган эркаклардан жуда жирканар эди. Ҳалоллик, эркинлик унинг қонига гўдаклигидан сингиб кетган.

Хуморхоним айрим ҳолларда, у ҳам бўлса руҳан қаттиқ эзилган пайтларида эрининг кам гаплигидан зорланар эди: «Бошқаларнинг эрлари хотинлари билан ажабтовур гаплашиб ўтиришади. Сиз бўлсангиз ичимдан топсиз...»

Бундай кезларда полвон: «Бас қил маърузангни!» деб ўшқирарди. Бундан Хуморхонимнинг хўрлиги келар, кўзи ёшланар, аммо тўлиб турган ўпкасини аччиқ йиғи ё аччиқ сўз билан бўшатишга ҳайиқар ва пировардида анчагача жимгина мунғайиб ўтирар эди. Шунда полвоннинг унга раҳми келар, меҳри ияр, лекин: «Хотинга сир бериш, эркакка ярашмайди», дея ўйлаб, қовоғини бадтар уяр, ўрнидан турар ва ишга шўнғиб кетар эди.

Раҳмат полвон ҳовлида яна бир-икки айланди-да, жар томон юриди. Ҳар кунги одатига кўра у асаларилардан хабар олиши, сўнг ўтлоқдаги бияларни суғориши лозим эди.

Жарга етай деганда, у беҳосдан тоғ ёнбағридаги ёлғиз оёқ йўлда набиралари — Орзугул билан Қодирбекни кўрди. Опа-ука мактабдан қайтишмоқда эди. Оқилбек бу икки фарзандини ота-онасига берган: ўзи оиласи билан Каттабоғ марказида — мачит билан мактабнинг рўпарасидаги болохонали уйда яшарди. У уйи ёнидан устахона очган эди.

Полвон набираларини кутмади. Фақат, қачонлардир бир кезлари, ўзи ҳам набиралари каби мактабда, кейин Самарқанд мадрасасида ўқиганини эслади, эсладию: «Умр ўтавераркан-да», деб хўрсиниб қўйди.

У жар ёқалаб, асалари қутилари қўйилган жойга борди. Асаларилар ковул, қўзиқулоқ, эшакмия сингари ўт-ўланларга қўнишар, учиншар, қўнишар эди.

Раҳмат полвон асаларилардан ҳар йили икки марта — илк ёз ва кўзда асал оларди. Қишда ҳамқишлоқлари отларда, араваларда, туяларда Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент каби ша-

ҳарларга майиз, қисман ёнғоқ олиб бориб сотишса, полвон асалини арзонга бўлса ҳам, унинг ўзида олибсатарга пуллар эди. У бозор-ма-бозор санқиб юришдан уялар, қолаверса, бунга машҳурлиги ҳам имкон бермас эди...

Фақат, у бултурги ва бу йил оладиган асалини ҳеч кимга сотмайди. Полвон Уйғоқбекка шундай ваъда берган.

Унинг бошидан бир гала кўк қарға учиб ўтиб, жарга шўнғиди. Полвон сергак тортди: «Бўлди, бас! — дея қўлини силтади у. — Бўронбекнинг ҳам насибаси топилар...»

Полвон қутиларни қиялаб ўтиб, ўтлоқдан чиқди. Бу ерда ёввойи йўнғичқа, улоқўт, қўнғироқгул, сариқпифанак, газакўт, ёввойи ловия, бўзтикон каби ўсимликлар хилма-хил рангда гуллаб ётибди. Малла бия билан оқ бия ўтлоқда бир-бирини тишлаб, ўйнашмоқда.

У, тушовланган бияларни ҳайдаб, жарга олиб тушди. Урдатош, Туятош дараларининг сувлари бирлашиб, жар тубида оқмоқда. Биялар мириқиб сув ичишди. Полвон бу иккала байтални ҳам бир вақтда ўзининг кўкиш ранг, туёқлари оқ-оқ дўнани билан тўқ қизил ранг, пешонаси қанча жийрониға қочиртирган. Тойлоқларнинг туғилганига ҳали бир ой ҳам тўлмаган; ёзги қўрада. Иккала учқур айғир эса тоғ ичкарасида йилқиларга қўшиб юборилган.

Полвон бияларни ўтлоққа қўйиб юбориб, изига қайтди. Ҳамон унинг қош-қовоғи уйилган, юзи тунд. «Агар совчи юборишса, йўқ дейишмайди... йўқ дейишса-чи?.. Йўқ дейишмайди... Баркамол йигит... Қизлар шундоқларни ёқтиради. Йўқ, ахир, у Бўронбекка кўнгил қўйган-ку! У ҳолда ҳам Қудрат уни Қаҳрамонбек учун сўратса, биз тилимизни тишлашимиз лозим. Бўлмаса, дўстлигимиз бузилиб кетади. Қиз уларга «Йўқ» деса-чи? Унда бошқа гап. Йўқ, унда ҳам бўлмайди. Қудрат: «Бизга кўнмаган қизни атайлаб ўғлингга олиб бердинг», деб айтади, айтмаса ҳам ўйлайди... Бари бир дўстлигимиз шаънига тўғри келмайди».

Унинг мясида шундай фикрлар тинмай айланмоқда эди. Негаки, ўтган кунда Хуморхоним: «Ўғлингизга қозининг қизи — Райхоннинг кўнгли бор экан, — деб айтган эди. — Мен унинг ўзи билан алоҳида гаплашдим. Тарадудингизни кўраверинг, Ўғилой». У эрини тўнғич қизининг номи билан аташга одатланган эди.

Шу гап-сўздан кейин Раҳмат полвон кенжа ўғлига уй қуриш режасини тузди: «Шу тепадан тўрт хонали, пешайвонли иморат қураман. Ҳамманикидек рўпарасида меҳмонхона, чеккада ҳаммоми бўлади. Ҳар бир ҳужра деразаларидан Оққоя учидеги муқаддас қатранғи кўриниб туради. Бу — Бўронбек билан унинг болаларига Қўниш, Қўнар боболарини эслатиб туради. Шунда уларга азиз авлодларининг руҳлари ҳамиша мададор бўлади».

У режасини амалга ошириш учун астойдил тер тўкди: чакалазордан хари, васса, устунлар учун тераклар кесди. Эндиликда қўлар-ра, ойболта, теша, ранда каби асбоб-ускуналар ёрдамида уларга сайқал бермоқда. Бугун тушгача у васса йўниш билан машғул бўлди. Мана, энди, ўртадан лоп этиб Қаҳрамонбек чиқиб турибди.

Полвон ерга қараган кўйи хаёл суриб келаётган бўлса ҳам, уйига етай деб қолганини англади. Бошини кўтарди. Жар яқинида Қодирбек ўтмас теша билан мўлти, ер ёнғоқ ковламоқда эди. Полвон унинг олди-га борди.

— Катта ота! — Қодирбек қувониб қаддини ростлади.

Раҳмат полвон унинг икки қўлтиғидан кўтариб, дўнг пешонасидан олди.

Қани, айт, тойчоғим, бугун қайси сабоқлардан яхши билдинг? Полвон Қодирбекнинг Бўронбекникига ўхшаш чақнаб тургучи чи-

ройли кўзига меҳр аралаш синчковлик билан тикилди ва: «Қодирбекдан ҳам баркамол бўлади бу», деб ўйлади. Балки бу ўй унга набира-сининг зеҳни баландлиги, сезгирлиги, ҳар нарсага қизиқувчанлиги ва уқуви борлигидан келгандир.

Ҳисобдан яхши билдим, катта ота,— деб даядил жавоб берди Қодирбек. Ҳуснихат дарсида эса муаллимимиз мени ҳам мақтади, ҳам койиди.

Ҳурмат юзасидан қўшиб айтиладиган «лар» қўшимчаси каттабонликлар шеvasида ишлатилмайди.

— Нечун уришди?

— Райҳоний<sup>1</sup>да «ро», «мим», «вов» ҳарфлари андак чўзиб битилади, лекин сўнггида қайрилма бўлмайди. Мен эсам қайрилма бўлади, деб ўйлайман...

— Зиёни йўқ, бўтам, ҳар нечук ўрганиб олибсан,— полвон болани ерга қўйди. Кўзи довчадек-довчадек келадиган, сабзи баргли, хуш ҳидли ерёнғоқ билан узумдек-узумдек келадиган, барги ялпизникига ўхшаб кетадиган мўлтиларга тушди. У ҳар иккала тансиқ мевадан биттадан олди, қинидан пичоғини суғурди-да, уларнинг ним қора пўстлоғини арчиди. У меваларни карсиллатиб чайнаркан, Қодирбекдан сўради:

— Шу кунларда «Чоркитоб»нинг қайси бўлимини ёдлаётсилар?

— Иккинчи бўлимини, катта ота.

— Унда нима ўргатилади?

— Бидон.

— Бун сен қандай тушунасан

— Бидон — эътиқодни англаш дегани, катта ота.

— Ҳим, яхши... Мен кетдим.

Қодирбек мўъжаз халтага теша, мўлти, ерёнғоқларни солиб, бобосига эргашди. Бир оз юришгач, асалари қутилари қатор териб қўйилган сайхонликка етишди.

— Ҳар қутида нечтадан асалари бор, катта ота? — у халтани ўнг қўлига оларкан, қизиқиб сўради.

Асалари ҳақида гап кетганда, Раҳмат полвоннинг дили яйрайди. Ҳозир ҳам унинг уйилган қовоғи ёзилиб, тунд юзи ёришди. У сеvimли набирасининг елкасига оҳиста-оҳиста қоқаркан:

— Бир қутида бир оила асалари яшайди, бўтам,— деди.— Бир оилада эса ўн минггача асалари бўлиши мумкин.

Полвон танаси тик, шоҳлари тарвақайлаб кетган дўлана тагидан бир туп жумагул узиб олди. Унинг барги қалами, туксиз, гули қуйига осилган, ёйиқ, чиройли: ранги — нимқизил. Бироқ, қизиқ, бу ерда неча туп жумагул бўлса, ҳаммаси ҳар хил — қизил, яшил, садаф, нуқра... рангларда эди. Қодирбек ҳам бир неча туп жумагул узиб олди. Полвон қўлидаги гулни унга берди:

— Ҳаммасини гултувакка солиб қўй.

— Ҳўп, катта ота.

Раҳмат полвон ариқда қўлини ювиб, сўри суянчиғида турган тоза сочиққа артди, калишини ечиб, маҳсиси билан сўрига чиқди.

Ҳумор йиғичи билан Орзугул ўчоқ бошида куймаланишарди.

Орзугул, қизим, менга бир коса айрон олиб кел,— деди полвон.

Ҳўп, катта ота. Ҳозир...

Полвон сопол косадаги муздек айронни симириб ичгач:

Баракалла, қизим, деди. Кун роса исиб кетти-да. Одам бир қадам юрмай сувсаб қолади.

<sup>1</sup> Райҳоний — чиройли ёзув усули.



Орзугул жилмайди. Текис, оппоқ тишлари кўринди. У косани ариқда чайди. Икки ўрим сочининг учлари сувга тўкилди.

— Нима қилаётсилар, қизим?

— Қурут.

— Ҳа...

Орзугул чинор шохидаги оқ сузма халтани ечиб, уни қайноқ суви қозонга ағдарди. Учоқда тараша оҳиста ёнмоқда. У сузма халтани яхшилаб ювди. Сув аралашган сузма обдан қайнади. Орзугул қайтадан уни сузма халтага солди-да, ҳалиги шохга илиб қўйди. Хуморхоним уни кузатиб турди, холое.

Азал-абаддан ўзбек оналари ўз қизларига рўзғор юмушларини жуда эрта ўргатадилар. Ўзбекда нон ёпиш, сигир соғиш, тикиш-бичиш, хилма-хил таомлар... тайёрлашни билмаслик айб саналади. Бундай қизни кўпинча эр олмайди, сулув бўлса ҳам, эр олмайди. Йигит: «Хуснига нон ботириб ермидим?!», деб тўнғиллайди.

— Обдан суви сириқсин, болам, деди Хуморхоним. Кейин қурут қилиб, томга ёйиб қўямиз.

— Ҳўп, катта эна.

Раҳмат полвон пар ёстиққа ёнбошлаганча мудрай бошлади. Ҳар куни бу вақтда у чакалакзорда ишлаётган бўларди. Бугун қўли ишга бормади...

— Энди, қизим, Қодиржон билан сойга эниб, ялпиз билан отқулоқ териб келинглр.— Хуморхоним шивирлаб гапирди.— Пичак<sup>1</sup> қиламиз. Ҳавасак-да, болам.

— Ҳўп, катта эна.

Опа-ука биттадан челақ олиб, сойга тушиб кетишди. Полвон пақирларнинг шақиллашидан кўзини очди. Хуморхоним унинг ёнига борди.

— Уғилой!— деди у кўрпачага ўтиргач, лабини қимтиб. — Совчилар Райҳонларга тинчлик бермаётганмиш.

— Буни сенга ким айтди? Полвон сергак тортди.

— Орзугул айтди.

— Орзугул?.. Қаердан эшитипти?

— У Райҳоннинг синглиси Қундуз билан ўқийди.

— Ҳим... Совчилар кимлар экан?

— Суриштирмадим. Бир совчини Уроқбек оғанинг ўғлидан деб эшитдим.

— Қайси ўғлидан?

— Полвонидан — Унғаридан.

— Ҳим...

Раҳмат полвон у — азамат йигитни ҳурмат қилади. Унғар полвон ҳам машҳур чавандоз. Қозоқлару қирғизлар ҳам, туркманлару тожиклар ҳам унга тан беришган.

— Ҳўш, кампир, қози совчига қандоқ жавоб берипти?

— Кўнишмапти. Райҳоннинг кўнглигаям қарашади-да! Энди, Уғилой кечикмасдан ўзимиз совчи юборайлик.

Раҳмат полвон Хуморхонимга Қудрат тегирмончининг гапини айтгач:

— Қахрамонбек келгунча сабр қилайлик, — деди.

— Райҳоннинг кўнгли ўғлингизда-ку!

— Бари бир. Ҳар нимадан дўстлик азиз.

Хуморхоним энди эрига бошқа гап таъсир этмаслигини сезиб, индамади.

<sup>1</sup> Пичак — сомса.

Полвон ўрнидан турди, арра билан ойболтани олиб, чакалакзор сари йўналди.

Қудрат тегирмон олдида тиши ейилиб кетган тегирмонтошни тишамоқда. У ўнг қўлидаги болға билан чап қўлидаги чўкичга тиқтиқ урар, тобланган пўлат чўкич тош устида бир меъёрда сакрар, тошдан гадир-будир, майда-майда «тиш» чиқар эди.

— Тиши бутун тош донни жуда майда янчади, деди тегирмончи.

Полвон бош ирғаб, тасдиқлаган бўлди. Кейин сой устига кўндаланг қўйилган йўғон-йўғон, узун-узун иккита харидан секин ўтиб, чакалакзорга кирди. Теракларнинг шапалоқдек-шапалоқдек келадиган оқимтир-кўкимтир япроқлари қандайдир сирли шитирлар, совунак, савсаргул, сирач сингари ўт-ўланларни оралаб чопаётган ирмоқчалар дилхуш шилдирар, гулдан-гулга, майсадан-майсага қўниб, учаётган оқ сариқ, қора, кўк, тарғил... капалагу ниначилар кўзни қувонтирарди.

У шох-шабба остига қўйган теша, ранда каби асбобларини олди, белбоғини маҳкам боғлаб, васса йўнишга тушди. «Эртага вассаларни ҳам тайёр қидаман», деб ўйлади полвон.

Полвон кун ботгунча тинмай ишлади ва сўнг уйга қайтди: Орзугул энглик кийган ўнг қўли билан тандирдан ялпиз пичак узмоқда. Қодирбек ҳовлига сув сепаетир. Хуморхоним сўрида ўтириб, сабзи, пиёз, шолғомларни тозалапти.

Мағрибда — Узунқўл деб аталгучи довон учуда бир юлдуз милтираб кўринди. Тоғ-тошлар орасидан пода қайта бошлади. Ҳар кунгидек йўл-йўлакай қишлоқ чўпонлари Раҳмат полвонларнинг улоқ-қўзилари билан бузоқларини қолдириб кетдилар. Полвон, Орзугул, Қодирбек уларни кичик қўтонга қамашди. Иккала бузоқни эса қозиқларга боғлашди.

Оз фурсат ўтмай, уларнинг эчкилари, сигир ва ҳўкизлари ҳам ўтлоқдан қайтди. Ҳаммаёқни «мў..., му..., ба..., мии...» деган овозлар тутиб кетди. Чол ва набиралар қўй-эчкиларни катта қўтонга қамаб, қорамолларни шохларидан қозиқларга танғишди. Полвон бияларни олиб келишга кетди. Қодирбек соғиладиган қўй-эчкиларни ва уларнинг қўзи-улоқларини қўтондан ташқаридаги кўкан<sup>1</sup>га кўканлашга<sup>2</sup> тушди.

Орзугул уйга борди. У ҳар галгидек бу сафар ҳам сут соғишдан олдин бувиси сингари қўлини совунлаб ювиб, тоза сочиққа артди. Хумор йиғичи тўртта, Орзугул ҳам шунча сирланган челақ олиб, қўтонга келишди. Орзугул қўй-эчкиларни соға бошлади. Қодирбек соғилаётган молнинг бузоғини дамба-дам бўшатиб, эмиздирар эди.

Хумор йиғичи ўзидан бошқа ҳеч кимга соғдирмайдиган ола сигирнинг тирсиллаган елини остига челагини қўйди. Жонивор соғув қўшиғига одатланиб қолган, агар Хуморхоним ўша қўшиқни айтиб соғмаса, унинг елини ийимас, у бетоқат типирчилар эди. Хумор йиғичи меҳрибон оҳангда оҳиста қўшиқ айтиб, унинг оҳангига мос йўсинда сут соға бошлади:

Ҳўш-ҳўш, сигиргинам,  
 Ҳўш-ҳўш, ширингинам...  
 Одамато боққандир, ҳўш-ҳўш,  
 Момоҳаво соғқандир, ҳўш-ҳўш;  
 Елин тўла сутгинанг, ҳўш-ҳўш,  
 Булоқ бўлиб тошсин-о, ҳўш-ҳўш,  
 Қаймоқ бўлиб оқсин-о, ҳўш-ҳўш...

<sup>1</sup> Бир-бирдан хийла масофа ажратиб турадиган иккита қозиққа арқон тортиброқ боғланади. Унинг ҳар икки-уч қаричида ип ҳалқа бўлади. Уларга моллар бўйинларидан ўтказиб маталади.

<sup>2</sup> Кўканлаш — қўшоқлаш.

Хуморхоним бу қайсар сигирдан кейин, ювош қора говмишни соғди.

— Қодирбек, энди жўғаларни қўйиб юбор, оналарини эмсин, шўрликлар;— деди Хуморхоним ва ўзи икки челақ сутни олиб, уйга кетди. Қодир бузоқларни қўйиб юборди. Улар гоҳ орқа, гоҳ олдинги оёқларини кўтариб, буралиб, дукир-дукир сакраб, оналарининг елинларига ёпишдилар.

Раҳмат полвон бияларни етаклаб келди, оёқларидан қозиқларга боғлади ва одатдагидек ўзи уларни соғишга тутинди.

Суву сут, гулу ўтларнинг, тоғ-тошларнинг ҳидларига тўлиб-тошган азиз ерни Юлдузли тоғдан ҳам юксакликда сузаётган ой, қоп-қорайиб кўринаётган қояларга тегай-тегай деб турган юлдузлар хира ёритмоқда.

Орзугул қўй-эчкиларни, полвон бияларни соғиб бўлди. Қодирбек боғ тўридаги тутга боғлаб қўйилган бўйни ҳалқа шаклида оқ, қорни ҳам оқ, қолган бутун танаси қора ва отники каби силлиқ, думи туғма калта (ярим қарич), қулоғи қирқилган, вазни бир ботмондан<sup>2</sup> зиёдроқ келадиган итни ечиб юборди. Ит севинганидан баҳайбат гавдасига зид эпчиллик билан у ёқдан, бу ёққа югура бошлади. Аммо ҳурмас, фақат ҳар замонда бир марта «Вофф!» дер, бундай пайтда оғзи тандир оғзидай катта очилар эди. Ит ҳар қандай қуёнга бир-икки сакрашда етар, ҳар қандай бўрини мушук мисоли ўйнар, умуман, у бор жойга қашқир йўламас эди. У ҳар қандай рақибини ўмгани билан уриб йиқитар, бироқ, тишламас, эгаси келгунча уни босиб турар эди.

Уй эгалари уни кўзи устида кўзга ўхшаш иккита сариқ нуқтаси бор учунми, Тўрткўз деб аташади. Бу итни полвонга тоғ тўрида яшовчи қирғиз ошнаси — Жайноқ совға қилган. Жайноқнинг айтишича, Тўрткўзнинг онаси бир йилда бир марта ва битта туғаркан. Боласи ниҳоятда кичик ва нозик бўларкан. Агар уни эҳтиётлаб ўстирмаса, бўриллар ўлдириб кетишаркан. Шунинг учун Тўрткўз то кучга тўлгунча уйдан эшикка чиқарилмаган.

Полвон уни нуқул гўшт, сўйилган мол-ҳолларнинг қонлари, нон ҳамда таомлар билан боқади ва ҳар ҳафтада чўмилтириб туради.

Куч-қудратини сиқиқ вужудига сиғдиролмай чопаётган итга илжайиб қараркан. Раҳмат полвоннинг эсига бурноғи йилги воқеа тушди:

□

Қор қалин, кун совуқ эди. Полвонникига олис шаҳардан бир итвоз келди. У чой-пойга ҳам қарамай, боғлиқ турган ит олдига борди ва уни кўздан кечиргач, тилла топган кимсадай севишиб кетди. Бу полвонга оғир ботди, аммо индамади.

— Ака, афв этасиз, итийиззи шуҳратини эшитиб, атайлаб шаҳардан келдим, — деди дабдурустдан у. — Шунини манга сотсайиз.

Полвон ўзининг сеvimли итини ҳеч қачон, ҳеч кимга бермаслигини айтди. Итвоз ялинишга тушди.

Полвоннинг аччиғи чиқди:

— Ўз иззат-нафсини ерга урадиган эркаклардан нафратланаман! — деди ижирғаниб.

— Бу, ахир, арзимаган нарса эмас, ака! — деб ёлворди итвоз. — Бутун топган-тутганимни берай, ака! Ҳамма нарсадан кечай, ака! Фақат итийиззи берсайиз, ака!..

Полвоннинг жағларидаги безлари титрай бошлади. Одатда, бундай дақиқаларда у ўзини тутолмай қоларди:

<sup>1</sup> Жўга — бузоқ.

<sup>2</sup> Бир ботмон — 90 килограмм.

— Йўқол, дайис!— деди ўқрайиб.

Итвоз унинг вожоҳатини кўриб, ранги қув ўчди ва қалтираб-титраб изига қайтди. Шовқинни эшитган Хуморхоним югуриб келди.

— Аттанг, аттанг!.. Ҳеч бўлмаса ўзбекчиликни ҳурмат қилинг, Уғилой,— деди у гап нимадалигини англагач.

— Эркакларнинг ишига аралашма!— Раҳмат полвон кескин қўл силтади.— Одатларимизни ҳеч ким чеклаб қўймаган. Сенга ўхшаган кўнгли бўшлар ўзбек деганда қўйдаи ювош, душманга ҳам уйи тўридан жой берадиган, ландовур кишиларни тушинади. Аммо ер юзини босиб олган Темур билан унинг аскарлари ҳам ўзбек бўлган. Ҳиндистонни эгаллаган Бобир ҳам, Чингизхонни зир титратган Мангуберди ҳам ўзбек бўлган!

— Қонингизда ёвузлик бор, Уғилой,— деди Хумор йиғичи.— Ҳу, бир йилиям эски қозининг оғзини айириб юборгандингиз...

— Айб ўзида эди. Гуноҳсиз деҳқонга қирқ қамчи урдиртирганига шундоқ қилганман.

— Минг марта айб ундан бўлсаям, одамни бундоқ азоблаш ёвузлик-да, Уғилой.

— Эшкиллама,<sup>1</sup> манжалақи!..

□

— Катта ота, тойчаларни қўйиб юбордим,— деб Қодирбек бобосининг қўлидан ушлади.

— Балле, бўталоғим,— полвоннинг хаёли тўзғиди.

Чол ва набира ҳар шомдагидек ҳамма молларни аралаш-қуралаш ҳолда жардан нарига, арчалар ўсиб ётган тоғ ён бағрига ҳайдаб боришди. Тўрткўзни қоровул сифатида қолдиришди ва ўзлари сут тўла челақларни кўтариб, уйга келишди. Оққоя учидаги бир туп қатрангига қаратиб қурилган уй деразалари шамлар шуълаларидан қизғиш ранга кирган эди. Чинор шохига илинган чироқ сўрини хира ёритиб турибди. Учоқлардаги ўтлар милт-милт ёниб, ўчяпти.

Полвон билан Қодирбек юз-қўлларини ювиб, артиб сўрига чиқишди. Хуморхоним билан Орзугул дастурхонга икки чинни лаган кулча-той олиб келишди. Чол ва набира сокин, шаффоф туну чинор япроқларининг қандайдир шитир-шитири остида овқатланишди, сўнг ҳар оқ-шомгидек моллар ётган томон ўтишди. Тўрткўз маймунга ўхшаш тош устида чўнқайиб турибди. Унинг бу алфозда туриши устига пўстак ёпиб қўйилган тандирни эсга солар эди. Улар иккита тошга юзма-юз ўтиришди-да, ҳар мавзудан бир шингил-бир шингил суҳбат қуришди.

— Унғар полвон қозининг қизини олиб қочаркан, катта ота,— деб қолди бир пайт Қодирбек.

— А, кимдан эшитдинг?!— Полвон ўзи билмаган ҳолда товушини баландлатиб, кўзгалди.

— Ботир айтувди, катта ота,— Қодирбек негадир қўрқиброқ жавоб қайтарди.

— Ботиринг ким?

— Унғар полвоннинг укаси-да, катта ота. Ботир билан бирга ўқий-миз. Ўзи жўрам бўлади.

— Ҳа, яхши, яхши... Хўш, энди, қизни қачон олиб қочармиш?

— Билмадим, катта ота. Лекин айб қозиди, катта ота. Шундоқ полвонга қизини бермапти. Шунга Унғар полвоннинг аччиғи чиқиб кетибди-да, энасига: «Энди, ўзидан кўрсин, депти, қизини олиб қочиб кетаман, депти».

<sup>1</sup> Эшкиллама — ҳадиндан ошма.

Ҳим.. Сен зийрак боласан, Қодирбек! Полвон дағал қўллари билан севимли набирасининг пешонасини силади.— Қачон олиб қочишини бил-да, менга айт.

Нечун, катта ота:

Қиз уни хўшламайди, тойчоғим, — полвон муқаддима ахтармай фикрини дангал баён этди. — Райҳоннинг кўнгли Бўронбек акангда...

Бобо билан набира мол-ҳолларни қўтонларга қамаб, қозикларга боғлашганда, интиҳосиз қоронғи бўшлиқлар аро бирор зиё кўринмас эди. Улар ухлагани шабнам туша бошлаган сўрига чиқдилар.

Тегирмончининг соҳилдаги толга боғлаб қўйган кўк эшаги ҳангради. Полвон кўзини очди: атроф ғира-шира, кўр ойдин. Тоғ, Оққоя, бир туп қатранғи қорамтир туман оғушида алланечук сирли-сеҳрли кўринади. Ҳар ёқдан шабнамларни ташналик билан симираётган рангбаранг ўсимликларнинг ҳўл, соғлом бўйлари тўлқин-тўлқин сузиб келмоқда. Хуморхоним «гулдур-гуп, гулдур-гуп»латиб куви пишмоқда. У ўқтин-ўқтинда кувига жиндек қайноқ сув қуяр, сўнг яна бир меъёрада уришда давом этар эди.

Орзугул эса қозонларда сут қайнатмоқда.

Полвон ариқдаги муздек сувга мириқиб ювинаётганда, қулоғига: «Оллоҳу акбар... Оллоҳу... акбар...» деган узук-юлуқ товуш чалинди: «Саттор сўфи азон айтаётти», дея кўнглидан ўтказди у ва ўзининг шунча ёшга кириб ҳам намоз ўқимаётганлиги беихтиёр эсига тушди: юзи буришди. Кейин: «Бир мен эмас, кўпчилик деҳқон намоз ўқимайди-ку», деб ўзига-ўзи тасалли берди.

Полвон ювиниб, артиниб, кийиниб бўлган ҳам эдики, Қодирбек уйғонди. Аста-секин тонг бўзармоқда. Орзугул шабнамдан тупроғи намчил тортган ҳовлини супурыпти. Хуморхоним кувидан ҳандалакдек келадиган сап-сариқ ёғ олиб, бўш сузма халтага ташлади. Кейин унга кувидаги айронни ағдарди-да, сузма халтани чинор шохига осиб қўйди.

Раҳмат полвон билан Қодирбек қўтонлар ва қозиклардаги мол-ҳолларни бўшатдилар.

Кўп ўтмай, тоғ бағридан ёйилиб, қишлоқ моллари ўта бошлади. Бобо билан набира қўй, эчки, кўзи, улоқларни, бузоқ ва сигирларни алоҳида-алоҳида боқувчи чўпонларга топширдилар.

Нонуштада улар бир қосадан ширчай ичишди, яллиз пичаклар ейишди. Орзугул билан Қодирбек озода кийиниб, мактабга кетишди. Хумор йиғичи яна куви пишишга тушди. Раҳмат полвон чакалакзорга жўнамоқчи бўлиб, ўрнидан турди: кўзи йўлда келаётган бир хотинга тушди. Полвон кўз илғайдиган масофада бирор одамни кўрса, хоҳ у пиёда, хоҳ эшакда, хоҳ отда бўлсин, унинг ҳаракатидан, эшак ёхуд отининг юришидан нима мақсадда келаётганини деярли бехато айтиб бера олар эди. Бу хотиннинг келиши эса унга равшан: кеча тушда тегирмончи «сув хотин» ҳақида гап очган эди. Бу — шунинг меваси.

— Қудратнинг хотини сени олиб кетгани келаётти,— деди у қовғини уйиб.— Улар сенсиз маросим ўтказишолмайди.

Хумор йиғичининг кишига майин, меҳрибон боқувчи итоаткор кўзларига ёқимли табассум ёйилди. Қизилмағиз юзи ёришиб, йиллар изи тарқади. У кувини «гулдир-гуп»латиб пишаркан, эридан сўради:

— Борайми, Уғилой?

— Борақол.

Хуморхоним севинганидан одатдагидек кулча юзига ярашиб тушган чиройли бурни учидаги кичкинагина, қоп-қорагина холни чинчаловғи билан оҳиста сийпалаб, эрига миннатдорчилик ҳисси билан боқди. Полвон ихтиёрсиз илжайди. Бир зумда тунд юзи ёришиб, кўркамлашиб кетди. Бу кўркамликни унинг қалин лаблари орасидан бир кўри-

ниб, ғойиб бўлган йирик-йирик нотартиб тишлари ҳам бузолмади.

Бўлмаса, Уғилой, бизга «Сув хотин»ни ясаб беринг.

Бу инжиқ ишни адо этиш полвонга ёқмаса ҳам, у хотинининг раъйини қайтаролмади. Полвон пичанхонадан паншаха олиб чиқиб, уни «қўриқчи одам» қиёфасига киритди: паншахага у ўзининг эски-туски кўйлак, иштон, чопон ва телпагини кийдириб, тўн устидан белбоғ боғлади.

Вой, барака топинг, Уғилой! — деди қувониб Хумор йиғичи кувидан ёғ оларкан.

Полвон чучмал гапларни ёқтирмас эди. Гарчи, Хуморхонимнинг ташаккурри ғуборсиз бўлса ҳам, полвон унга қовоғини уйиб қаради.

Ойгул келди. У Қудратнинг тескариси эди: юмалоқ юз, икки ёноғи қип-қизил, хушрўйгина аёл бўлиб, ёши эллик учлар чамасида эди. Садафдек оппоқ тишлари тўла-тўкис сақланган эди... Бир пайтлари барқ урган ақиқ лаблари билан хумор кўзларидаги ўтлар, эндиликда сўлишга юз тутса ҳам, улардаги табиатан берилган табассум сўлишга юз тутмаган. Узоқ бир йиллари Ойгул билан Хумор Каттабоғнинг куйдирмажон сулувларидан эди. Иккови ҳам икки забардаст йиғитга ўз раъйлари билан турмушга чиққан эди.

Ойгул Хуморхоним билан қучоқлашиб кўришаркан, қадимдан ай-тилавериб, эндиликда хотин-қизларнинг қон-қонига сингиб кетган сўзларни ҳиссиз такрорлади:

— Омонмисан, эсонмисан, эсон-омон юрибмисан?..

Шундан кейин Ойгул:

— Эсонмисиз, ака?! — дея Раҳмат полвонга иккала қўлини чўзди.

— Шукр, ўзинг эсонмисан?

Ойгулнинг нигоҳи «Сув хотин»га қадалди.

— Вой, Хумор, тушимми, ўнгимми?! — дея у зипиллаб бориб, «Сув хотин»ни кўтарди. — Қандоқ соз» Мен шунга келувдим. Хумор, бўл, «Сув хотин»ни айт! Маросимни шу ердан бошлаймиз. Ака, сиз ҳиммат кўрсатасиз-а?..

Полвон истар-истамас бош ирғади:

— Фақат тез бўлинглар!

Хумор йиғичи Ойгулнинг ёнига келиб, йманибгина эрига қаради. Полвоннинг кўзида: «Ноз қилмай, тез бўл!», деган маъно акс этиб турарди. Шундай бўлса ҳам, Хуморхоним тортинди:

— Узинг бошлаб бер, Ойгул, — деди.

— Билсам, оғзимга талқон солиб турармидим?

— Ҳеч бўлмаса биттасини биларсан?

— Уңиям чала-чулпа биламан.

— Билганингча айт.

Ойгул «Сув хотин» қўшиғининг тўрт қаторинигина айтолди, холос:

Сув хотин, сус,  
 Ёмғир ёрсин, сус,  
 Уралар тўлсин, сус,  
 Жалалар қуйсин, сус!..

— Тузук, Ойгул! — деб Полвон илжайди, — Хумор, навбат сенга.

Йиғичи эрининг гапидан жонланди. Унинг ёши қайтиб, овози дағаллаша бошлаган бўлса ҳам, «Сув хотин, сувсиз хотин» ашуласини гўзал бир оҳангда айтди:

Сув хотин, султон хотин,  
 Сояс майдон хотин,  
 Сув хотин, сувсиз хотин,  
 Кўйлаги гулдан хотин,

<sup>1</sup> Тоғ хотинлари эркакларнинг номларини айтишмайди.

Емғир ёғсин сув хотин,  
Бугдой пишсин, сув хотин.  
Уйларимиз дон-дунга  
Түлиб-тошсин, сув хотин!..

— Тузук! — полвон «Сув хотин»нинг бошидан бирин-кетин уч пақир сув қуйди. Сўнг: — Қора тўқлини бердим, — деди.

Хумор йиғичи эрининг тантилигини билса ҳам, унинг бундай ҳиммат кўрсатишини ўйламаган эди. У Ойгулга сездирмасдан полвонга нобрози оҳангда боқди. Полвон: «Элдан кам жойимиз йўқ!» деган маънони кўзида ифода этди.

Ойгул билан Хумор «Сув хотин»ни олиб қишлоққа кетишди. «Энди хотинларга худо берди, — деб ўйлади полвон чакалакзорга жўнардикан. — Энди ўн-ўн беш хотин бирлашиб, ҳар ҳовлига «Сув хотин» қўшиғини айтиб боришади, ҳар ҳовлида «Сув хотин» устидан уч пақирдан сув қуйишиб, ҳиммат кўрсатишади».

Йўл-йўлакай у тегирмонга кирди. Ачиган айрон исига ўхшаш ҳид анқиётган тегирмоннинг деворларини ун гардлари қоплаган. Йирик, қалин тош «ғир-ғир»лаб айланмоқда. Унга тақирловчи таёқча «тақ-туқ, тақ-туқ»лаб уриляпти. Ҳар урилганда дўл бўғзидан тош остига маълум миқдорда бугдой тўкилаётир. Баҳайбат тош уни янчиб, майдалаб, унга айлантириб, қаршисидаги хандакка отмоқда. Қудрат ёғоч куракчада хандакдаги унни бўз қопга соляпти.

— Ҳўкиз, одам келганда бундоқ қарасанг, ўласанми?

— Сен ҳам одамми, баттол? — Тегирмончи куракчани унга санчиб, дўстига юзланди.

— Гап бундоқ, тушга бирон нима қилиб қўй.

— Бўлди, боравер. — Қудрат хотинларнинг иши юришганини англаб, илжайди. Аммо унинг қизарган кўзи билан юзида қандайдир бесаранжомлик зоҳир эдики, буни полвоннинг сезгир нигоҳи илғади.

— Қонсирабсан, жаллод.

Қудрат синиқ илжайди.

Полвон салқин чакалакзорда тушгача васса йўнди. Кейин Қудрат билан сойнинг у қирғоғидаги ёнғоқ тагида, барра майсазорга ўтириб, иштаҳа билан қовурдоқ ейишди, устидан бостириб-бостириб қимиз ичишди.

Қудрат қовоқ, лаган, косаларни олиб, бир маромда ғириллаётган тегирмонга кетди. Овқатланган заҳоти ётиш куфур ҳисобланса ҳам, қимиздан вужуди бўшашган полвон қулочини кенг ёзиб, чалқанча чўзилди. Мажнунтолнинг устки шоҳида бир гўзал кўк чумчуқ нозик тумшуғи билан патларини оҳиста-оҳиста чўқиб, у ёқ-бу ёққа аланглайди ва оҳиста чуғурлайди. Сой суви шағиллаб тошдан-тошга урилади, баъзан майда-майда зарралар полвоннинг юзига ҳам сачрайди.

Тегирмончи дўстини безовта қилгиси келмади, унинг бияларини суғориб қайтди. Сўнг тут ёнидаги тош ўчоққа ўт ёқиб, чой қайнатди, хум чойнакка дамлади ва уни иккита пиёла билан бирга полвоннинг олдига олиб ўтди.

— Қани, баттол, тур, гафлат босиб ётаверма.

Полвон кўзини очди. Қуёш мағрибга қиялаган, ола-чалпоқ кўланка ҳам ўша ёққа оғган. У безовталаниб ўрнидан турди.

— Хотиржам бўл, байталларни суғориб келдим.

— Одамгарчиликни сал-пал ўргангандайсан, ҳўкиз. — Полвон майсага ястаниб ўтирди. — Бугун бошқача кўринасан? — Полвон унга синчковлик билан тикилди. — Кўзинг қизарибди — қонсирабсан.

— Топдинг! — деб Қудрат чой қуйиб узатаркан, мийиғида кулди.

— Ўлғудай муғомбирсан, ҳўкиз. «Сув хотин» маросимини ҳам атайлаб уюштиргансан. Қонсирагансан-да!

— Қалланг гартак ишлайди, баттол.

Полвоннинг гапида жон бор: бир пайтлар Қудрат машҳур қассоб бўлган. У фақат Каттабоғга эмас, Балки, Норвон, Угат, Баландосмон, Шоҳусмон, Қораабдал, Нурак, Гараша, Накрут, Учма, Фориш, Ухум қишлоқларига ҳам донг таратган. Эл «Қўли ширин», «Қўли енгил», «Баракали қассоб», деб ҳурмат этиб, от, туяларни ҳам унга сўйдирган.

Кейинчалик Қудрат терлама касали билан оғриди. Тузалгач, баданида, қўлларида оқ-оқ доғлар пайдо бўлди. Энди, эл уни: «Қудрат қассоб», деб эмас, «Қудрат пес», деб атар эди. Қудрат бу касалдан фориғ бўлгач, эски касбига қайтмади — тегирмончилик қила бошлади. Бироқ, ҳар замон-ҳар замонда унинг асаби бузилар, агар шундай чоғларда мол сўймаса кўзи қизарар, қўли қалтирайверар эди. Шу сабабдан ҳам полвон унга: «Қонсирабсан», деб айтган эди.

— Қассобликнинг хумори тутаётгани рост, — деди Қудрат. — Аммо, дўстим, бошимга бир ташвишам тушиб турибди.

— Қандоқ ташвиш? — Полвон ҳайрон бўлди.

— Ҳали бу гапни хотинимгаям айтганим йўқ.

— Мен дўстликни ҳамма нарсадан афзал кўраман.

— Биламан.

— Бўлмаса айт!

Тегирмончи жавоб бериш ўрнига оқ яктагининг кўкрак чўнтагиндан тўрт буклоғлиқ қоғоз олиб, полвонга узатди. Полвон уни дарҳол ўқишга тутинди:

«Ассалому-алайкум, Отажон!

Энам, ука-сингилларим, ёру биродарлар эсон-омон юришибдими? Мендан ҳаммасига салом айтгайсиз.

Отажон! Тилим бормаса ҳам Сиз азизга бир нохуш хабарни айтишга нечоғлик мажбур эканлигимни сезарсиз деган умиддаман.

Отажон, аввало, шайтон васвасаси бирлан бир хатолиғга йўл қўйган камина ўғлингизни маъзур тутишингизни ўтуниб сўрайдирмен.

Каминага мударрисим Ҳожи Аъло<sup>1</sup>нинг эътиқоди баланд эрди. Ул зот мени вақт-бевақт уйларига таклиф этиб турғувчи эрди. Шундоқ кезларда ул зотнинг пушти-камарларидан бўлгон қизи — Шаҳрибонуга кўзим тушгувчи эрди...

Сўнгра каминани шайтон йўлдан бир оздирдиким, буни энди тузатиб бўлмағай. Энди, бундан тониш ҳам қийиндир. Инчунин Ҳожи Аъло энг нозик зотлар бирлан қондош-қариндош...

Хулласи калом, тақдири азал экан. Энди Шаҳрибонуга уйланишдан бошқа чорам қолмади. Ташриф буюриб, шул мушкулни бир ёғлиқ қилиб кетишингизни ўтиниб сўрайдирмен. Келишингиз қанча тез бўлса, шунча яхши бўладир. Уятни ҳам бир ерга йиғиштириб, шуни маълум этадирманки, келинингиз бўлмиш — Шаҳрибонунинг гумони бордир. Билъакс Сизнинг айтганингизни қилиб, «эрони қиз»ни никоҳимга олмас эрдим.

Отажон, Сиз азизни орзиқиб кутадирмен. Бул томонлар ҳам каминани шунга даъват этадирлар.

Сизни беҳад соғинган ўғлингиз Қаҳрамонбек».

Раҳмат полвоннинг юзи тиришди:

— Бул хатни Қаҳрамонбекнинг битганига ҳам шул ишни қилганига ишонгим келмайди, — дея полвон қадрдон дўстига тикилган кўйи уйланиб қолди.

— Қайдан билай, дўстим? — деди тегирмончи алам билан.

— Сенга уни ким келтириб берди?

— Қўзибоқар тижоратчининг ўғли — Эгамберди...

<sup>1</sup> Маккаю мадинани зиёрат қилиб келгани учун Ҳожи номини олган.



— Қачон?

— Ун кунча бурун. Хатни Эгамбердининг олдида ўқишни ноқулай сезиб, уни кейинроқ ўқийман деган ниятда шифтга хари орасига қистириб қўйдим. Эгамберди кетиши билан бирин-кетин миждозларим келишди: айримлари буғдойларини ташлаб, айримлари унларини олиб кетишди. Уша кун тинкам қуриб, хат эсимдан чиқипти. Тонгда эса Азиз айтувчи: «Лашкар йилқибоқарнинг ўғли Асқар қоядан учип, қазо қилди, жанозага!» деган хабарни етказди. Узинг биласан, Лашкар жияним бўлади. Кейин икковимиз Бўрили дарага кетдик. Уч кун уникида қолдик. Дарадан келиб, ишга шўнғиб кетдим. Хат эса ёдимдан чиқиб кетибди. Кеча сен билан қозининг қизи ҳақида гаплашганимизда, хат эсимга тушди. Тунда шифтдан уни олиб ўқидим. Ўқидиму музлаб қолдим.

— Ҳим...— Полвон дўстига ачинган кўйи тикилиб қолди. Фақат анчадан сўнг:— Ўғлингнинг дасхатимикин ўзи?— деб сўради.

Ҳа, ўғлимники.

Ҳим... Бўлмаса ўғлинг айниб қолибди. Илм берган, одоб берган, ўз фарзандидек кўриб, уйига олиб бориб юрган, нон, туз берган одамнинг қизига кўз олалик қиладими?! Бу — қабиҳлик, Қудрат.

Тегирмончи оғир ўйлар исканжасида эзилиб, анча вақт жим ўтиргач:

— Нетай, юзимни ерга қаратти!— деди.

Полвон ўрнидан турди, индамасдан чакалакзорга қараб юрди. Тегирмончи унга нимадур дейиш учун оғиз жуфтлади-ю, ботинмади.

Раҳмат полвон кечгача васса йўнди. Сўнг уйига қайтди. У хотинининг юз-кўзида ғам ва ташвиш аломатларини сезиб, ундан бунинг боисини сўради. Хумор йиғичи набиралари олдида жавоб бергиси келмади шекилли, индамасдан ичкарига кириб кетди. Раҳмат полвон унинг орқасидан борди.

— Нима гап ўзи, Хумор?— деб сўради.— Мунча қовоғингдан қор ёғилмаса?

Хуморхоним эрига тикилган кўйи бир лаҳза иккиланиб тургач:

— Қаҳрамонбек ўғлимизнинг ҳам кўнгли Райҳонда экан,— деди.— Энасига айтипти. Энди нима қилдик?

Полвон гапни чўзмади. Қаҳрамонбекдан келган хат мазмунини айтди. Хумор йиғичининг юз-кўзи ёришиб кетди. Бундан Раҳмат полвоннинг гаши келди: «Эркак зотига қараганда, хотин зоти худбинроқ бўларкан», деб ўйлади.

Тонгда бутун Каттабоғ эли «Сув хотин» маросимини ўтказиш учун яёв, эшак ва отларда бир туп муқаддас қатранғи этагига — кўҳна хонақоҳ томон оқа бошлади. Ҳамма сайил, байрам, маросимлар ўша ерда ўтказилар эди. Раҳмат полвон оқ бияни эгарлаб, маросимга атаган тўқлисини олдига кўндаланг қўйиб, тегирмонга борди. Қудрат тегирмончи ишини кичик ўғли Яшарбек билан бўй етган қизи — Ойсанамга топшириб, уни кутиб турган экан.

Икки дўст йўлга тушди. Улар анча жойгача жим боришди. Охири тегирмончи:

— Бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйиш ярамайди, — деди. — Бўлар иш бўлган, бўёғи синган. Икки ўртада Ҳожи Аъло қизининг носоғига<sup>2</sup> қолиб, куйиб кул бўлмасин. Оғзига кучи етмаган одамлар: «Ҳожининг қизи уйда уйнаш орттирипти. Ҳожининг қизи уйда бўғоз бўлипти», деб айтишлари аниқ. Кейин Ҳожи Аъло эл ичида қандоқ бош кўтариб юради? Тўғри, айб ўғлимда. Лекин ғунажин кўзини суз-

<sup>1</sup> Тўй, аза бошқа маъракаларга айтувчи товуши ўткир одам. Жарчи.

<sup>2</sup> Носоғига — маломатига.

маса, буқа ипини узмайди, деган гап ҳам бор. Менинг ўғлим, сенинг ҳам ўглинг, бир адашипти, кечирайлик. Ахир, унинг ўзи ҳам уйланишдан бош тортмаётти-ку. Икковимиз Бухорога бориб, тўй-томоша қилиб қайтайлик. Қанча тез жўнасақ, шунча яхши.

Полвон жавоб бермади. Уртага ноқулай сукунат чўкди. Полвон жим қолган кезларда, унинг салобати ҳар қандай одамни эзарди. Бироқ тегирмончининг ҳам бардоши зўр эди. «Жавоб бер», деб қайта сўрамади. Фақат у аҳён-аҳён кўк эшагига «их... их...»лаб, халачўп босиб кўяр эди.

Икки дўст хонақоҳга уч юз қадамча қолганда, уловдан тушди, уларни Каттабоғсой бўйига боғлаб, тўқлини олиб, хонақоҳга юришди. Шундагина Раҳмат полвон:

— Эртага саҳарда йўлга чиқамиз, ҳўкиз, — деди илжайиб. Тегирмончининг юзи ёришди. Бир энтикиб қўйди.

Полвон:

— Йўл ҳозирлигини кўриб қўй, — деди.

— Бу ёгини ўзимга қўйиб бер.

Улар дўнгликка жойлашган хонақоҳнинг этагидаги мўъжазгина тош уйга — Кўрбулоққа<sup>1</sup> кирдилар. Икки хонадан иборат бу уйнинг тагидан бир ариқ сув қайнаб чиқиб, пастга шовуллаб оқмоқда. Унинг нега «Кўрбулоқ», деб ном олганини ҳеч ким билмайди. Фақат эл орасида: «Кўрбулоқнинг тагида тилла сандиқ бор, унинг ичи ҳам тиллага тўла. Саҳар чоғида у энг соф одамгагина кўринади ҳам унгагина насиб бўлади», деган ривоят юради.

Икки дўст бу ерга келувчи ҳар бир киши каби «Муқаддас сув»да юз-кўлини ювди, ҳовуч-ҳовуч ичди. Кейин хонақоҳ устидаги мачитга чиқишди. Дўлана, зирк, ирғай, зарангларнинг таглари ясанган-тусанган одамларга тўлиб-тошган.

Бир оздан сўнг «Сув хотин» маросими бошланди. Хумор йиғичи «Сув хотин»ни шарқираб оқаётган ариқ четидаги ичи кавак тут танасига боғлади. Сўнг кўлини осмонга чўзиб, юзига тортаркан: «Э, худо, илойим ёмғир ёрсин?» деди. Кейин «Сув хотин» устига уч челак сув қўйди. Ҳамма навбат билан шундай қилди.

Хумор йиғичи «Сув хотин» қўшиғини бошлади:

Жала қуйсин, сув хотин,  
Экин ўссин, сув хотин,  
Омбор-ўра ҳосилга  
Лиқ-лиқ тўлсин, сув хотин...

Аста-секин барча унга жўр бўлди.

«Сув хотин» ҳақидаги қўшиқлар хийла вақтгача давом этди. Кейин ўн чоғли киши баҳайбат қоя остидаги тош ўчоқларни тузатишга киришди. Чоллар майин, ям-яшил майсаларга тўшалган кўрпачаларга ўтириб, қизғин суҳбат қура бошладилар. Баландликдаги қайрағоч тагида йиғитлар доира, дўмбира, дуторларни сайратяптилар. Еввойи бодомзор этагидаги ҳайбатли чинор тагида қизлар чанқовуз чалиб, майин оҳангда куйлаяптилар. Бир тўп қиз эса ранг-баранг гуллар — бойчечак, чучмўма, момокурмак, кўкалар теришяпти. Буларнинг ичида сулув Райҳон ҳам бор. У бошдан-оёқ оқ либосда. Райҳон қизлардан бўлакча тетиклиги, оёқ, бел, кўкрак, елкаларининг гўзаллиги ҳамда бўйчанлиги билан ажралиби турибди. Унинг маъсум нигоҳи, ўктам хатти-ҳаракати, шўх жилғани эсга солувчи овози, оламни ёритгудай жилмайиши шунчалар ёқимли эдики, ҳар қандай оқил ҳам унга их-

<sup>1</sup> Кўрбулоқ — ҳозир ҳам бор.

тиёрсиз мафтун бўлиб қолар эди. Мабодо тангри ундаги гўзалликка яна гўзаллик қўшмоқчи бўлса, катта хатога йўл қўяр эди. Ахир табиий гулга пардоз бериб бўлармиди?..

Унғар полвон узоқдан яширинча Райҳонга суқланиб-суқланиб қараб қўймоқда. Буни Раҳмат полвон сезиб турибди-ю, бир нима дейишга ожиз.

Маросимга бешта тўқли, еттита эчки, учта така тушган эди. Қудратнинг кўзи одатдагидан бошқача чақнар, юзида ҳаяжон ифодаси кезар эди. У жониворларни бирин-кетин сўяр, таналарини ёнғоқ шохларига илар эди. Бу ишда унга Раҳмат полвон, Оқилбек, Унғар полвонлар ёрдам беришар эди.

Ниҳоят, қозонларга гўштлар солинди. Учоқларда заранг ёғочлари ловуллаб ёна бошлади. Тушга яқин таомлар тайёр бўлди. «Сув хотин» маросимига йиғилганлар иштаҳа билан овқатландилар. Кейин кийикўт аралаштирилган кўк чойдан мириқиб ичдилар. «Сув хотин» маросими тагин қизгин давом этди. Лекин Раҳмат полвон билан тегирмончи йилқилар боқилаётган дарага тушиб кетишди.

Шомда Раҳмат полвон кўкиш ранг; туёқлари оқ-оқ дўнани билан тўқ қизил ранг, пешонаси қашқа отини, тегирмончи тўртала айғирини олиб қайтди. Раҳмат полвон Бўронбекка «Ражаб ойининг охириларида уйга бир келиб кет», мазмунида хат ёзиб, хотинига узатди:

— Тошканга борадиган савдогарга бериб қўй, ўғлингга топширсин,— деди.

— Хўп, Ўғилой,— Хумор йиғичи хатни оларкан, маъноли, жилмайди.

□

Икки дўст ва олти от саҳархез хўрозлар бир-икки қичқирганда йўлга чиқди. Тўртта айғирга майиз, ёнғоқ, гилам ҳамда турли-туман матолар ортилган эди. Вилоятда ўғри, қароқчилар борлигини кам эшитса ҳам, «Кўза кунда синмайди», деб ўйлашибми, ёхуд йиртқич ҳайвонлардан сақланиш учунми, ҳар қалай, улар милтиқ билан ханжарларини ҳам олишган эди. Раҳмат полвон ўзининг уч газ бўйига ва девдек гавдасига мос ирғай таёғини олишни ҳам унутмаганди. У тўрт қулоч узунликдаги, билакдан анча йўғон бу таёқни юзлаб ирғай дарахтлари ичидан танлаб олган, чўғда пўстлоғини куйдирган, пичоқда силлиқ қирган, кейин уни қуйруқ ёғига ордан ишқаган эди. Раҳмат полвон жигарранг, ниҳоятда пишиқ, чайир бу таёқни овга ё узоқ сафарга чиққанда ўзи билан бирга олиб юрар эди.

Улар Нурота тизма тоғларининг шимол томонидан, этакдаги явшон, каррак, янтоқ каби ўт-ўлан босган арава изидан аста-секин боришарди. Тоғ ораларида ўзбеклар, тожиклар, анави — учи-қири йўқ даштда ёса қозоқлар яшайдилар. Полвон билан Қудрат уларникига киришар, ўзбек ҳам, қозоқ ҳам, тожик ҳам бу йўловчиларни иззат-икром билан кутиб олишар, меҳмон қилишар эди. Мезбонларнинг аксарияти Раҳмат полвонни танир, танимаганлари ҳам унинг доврўғини эшитган. Қудрат дўстининг шунча узоқларда ҳам таниш-билишлари борлигига, боз устига улар уни қўй, эчки сўйиб кутиб олишларига ич-ичидан қувонарди. Раҳмат полвон чавандоз сифатида бутун Урта Осиёга маълум. У «полвон» деган номни ҳам шу чавандозлик орқали олган эди...

Узоқ вақт Каттабоғдан чиқишмаганигами, улар учун бу гўзал кенгликларда юриш жуда мароқли эди. Тоғ ҳам, дашт ҳам, ҳатто йўл ҳам кўм-кўк. Йироқларда, кўкиш туман чулғаган чўл тўрида ялтираб тузкон кўринади. Бир-биридан узоқ-узоқ масофаларда ёйилиб юрган

қўй, туя, от сурувлари ва қора, оқ ўтовлар кўзга чалиниб қолади. Ҳар ўн-ўн беш қадамда ўт-ўланлар орасидан сўфитўрғай, бизгалдоқлар пир-пираб, чулдираб осмонга кўтарилади. Аҳён-аҳён тасқара деган қуш юмронқозиқ ёки калтакесак устига ўқдек отилади. Баъзан тулки, баъзан шамолдек учиб кетаётган кийиклар бир кўриниб, кўздан ғойиб бўлади. Икки дўст буларни томоша қилиб, гангур-гунгур гаплашиб боришади. Улар Нурота тизма тоғлари тугаган жойга — Қонимех даштига етгач, беихтиёр тўхташди:

— Ҳув анави овулни кўраётсанми, Қудрат?— Раҳмат полвон қамчисини чўзиб, шимоли-ғарб томонга жойлашган уйлар ва ўтовларни кўрсатди-да, дўстининг жавобини кутмасдан деди:— Уша овулни «Музқудуқ» дейишади. Қирчиллама йигит пайтимда шу ерга кўпқарига келганман. Ушанда бир танти қозоқ билан танишганман. Ўзиям дев келбатли, мард йигит эди. Оти — Валихон. Уни бир кўриб ўтсак қандоқ бўларкин?

Қудрат осмон билан саҳро туташган жойга — ботиб бораётган улкан қуёшга тикилиб, ўйланиб қолди: «Дам олмасдан яна анча юрсак ҳам бўлади. Лекин дийдор кўришмоққа не етсин?...»

— Тагин бир қўйнинг бошига етадиган бўлдинг-да, баттол!— деди илжайиб у. — Фақат саҳарда йўлга чиқишга сўз бер. Бўлмаса жазманларинг икки дунёда ҳам қўйиб юбормайди.

— Майли, ҳўкиз, сўз бераман!

Қуёш ботганда улар саҳро ўтлари ва ер тафти анқиётган овулга кириб бордилар. Ясси-ясси кўм-кўк тепаларнинг ҳар жой-ҳар жойида суҳбатлашиб, дўмбира чалиб ўтирган ола қалпоқли кишилар кўринадди. Икки одам от қўйиб, бепоеён саҳрони чангитиб, қаёққадир кетмоқда. Туя минган бир бола юз қадам масофага дам бориб, дам келяпти — қудуқдан мешда сув тортяпти. Овул атрофида қўзилар, туялар, биялар ўтлаб юришибди. Эшакдек-эшакдек келадиган, қулоқлари, думлари қирқилган итлар беозор йўловчилар ўтаётганини сезиб, номигагина приллаб қўйишаётир. Қудуқдан хийла наридаги кўкаламзорда болалар шовқин-сурон билан аллақандай ўйин ўйнаяпти. Ҳар уй, ҳар ўтов олдида янги-янги манзара намоён бўлади: кимдир қўй сўймоқда, кимдир ўчоққа ўт ёқмоқда, кимдир дўмбира чалаяпти, кимдир отининг ёлини тараляпти, кимдир ёрғучоқ айлантрияпти, кимлардир кигиз босишяпти... Ҳаммаси бир муддат нотаниш йўловчиларга қизиқсиниб қарашади, бир-бирларига алланималар деб шивирлашади.

— Уликдай кўринган саҳрода шундоқ ҳаёт бор-а!— деб ажабланди Қудрат.

Раҳмат полвон индамади. Унинг қўзи хиёл дўнгликка жойлашган лой сувоқ уйнинг тиниқ деразасига қадалган эди. У, бу овулга кўпқарига келганда, худди шу шаффоф дераза олдида ойдек сулув бир қиз гўзал елка ва дуркун кўкракларига ёйилиб тушган сочларини тараб ўтирган, у, бу тақрорланмас манзарани бехосдан кўриб қолган, сулув қиз эса афсонавий бир табассум билан ўзини панага олган эди. Шунда унинг эсига бехосдан каттабоғлик йигитларнинг кўплари билгувчи ҳазрати Навоийнинг мана бу байти келган эди:

Ераб, ул шаҳду шакар ё лабмудур?  
 Ё магар шаҳду шакар ё лабмудур?  
 Жонима пайвастановак отқали  
 Ғамза ўқин қошиға ё лабмудур?..

Ҳаётнинг шундай қонунлари бор: уларни ўзгартириш инсон зотининг қўлидан келмайди. Раҳматбек ул гул юзни қанча кўргиси келмасин, ул санам деразадан қайта мўраламади. Шу-шу уни сира-сира кўрмади. Ехуд кўрса ҳам танимадимикин?..

Лекин офатижон сулувнинг рухсори полвоннинг тиниқ хаёлида бир армон бўлиб қолди. Йиллар ўтавергач, ҳеч қачон-ҳеч қачон так-рорланмайдиган ўшал шаффоф манзара унинг учун ширин бир афсонага айланди.

Валихоннинг уйи овулнинг четида эди. Бу — Раҳмат полвоннинг ўткир хотирасида анави шаффоф манзарадек сақланиб қолган... Шунинг учунми, ёхуд узоқ йил ўтса ҳам, бу ерда (беш-олти уй билан ўтовларни ҳамда янги одамларни ҳисобга олмаганда) ўзгариш бўлмаганданми, Валихоннинг уйини сўраб-суриштирмасдан топиб олишди.

Мана, ўша — лой сувоқ уй. Ёнида учта кигиз ўтов қатор турибди. Ун беш қадамча наридаги қудуқдан бир дуркун жувон сув тортяпти. Узоқдаги — кун ботиш томондаги кўл ҳам, унинг орқасидаги саксовулзор ҳам қорайиб кўринмоқда. Уй олдида учта қиз ўрмакда шолча тўқир, бир кампир ит ялоғига овқат қуяр, қозонда алланима қайнар; булардан хийла нарида эса иккита айғир бир-бирига суйкалишиб, бир-бирларини тишлаб, ўйнашар эди.

«Ҳамон ўша-ўша манзара, — деб кўнглидан ўтказди полвон. — Ўша осойишталик, ўша тўкинлик. Неча-неча йиллардан бери шундоқ бўлиб келган, шундоқ бўлиб қолса эҳтимол. Улар ўзларича бахтли яшайптилар. Одамга бундан бошқа нима ҳам керак! Кўз очиб юмгунча дунё ҳам ўтиб кетади.

Бехосдан хаёлига бундай фикр келганига ўзи ҳайрон эди.

Раҳмат полвонда янги манзара янги фикр туғдирган, ҳали буни унинг ўзи ҳам сезиб улгурмаган эди.

Валихон мол-қолдан хабар олгани саксовулзорга (чўпон-чўлиқсиз моллар кишин-ёзин саксовулзорда ўтлаб юришади) кетган экан. Унинг ўғли — Довулбой, хотини — Ойша, келини ва қизлари нотаниш меҳмонларни хушнудлик билан кутиб олишди. Мезбонлар уларни уйга бошлашган эди, Раҳмат полвон: «Ўтовда ўтирсак қандоқ бўларкан?», деб сўради. «Маъқул, маъқул», дейишди уй эгалари. Бу таклифдан тегирмончи ҳам қувонди. Тоғлиққа қозоқ ўтовни қизиқ ва сирли туюлса не ажаб!..

Дорга кўп гўшт осилган эди. Шунга қарамай мезбонлар икки меҳмон ҳурматиға қўй сўйдилар. Бироқ Валихон келгач: «Раҳмат полвондек одам йўқлаб келибди, новвос сўяман!» деб туриб олди. Меҳмонлар қаттиқ эътироз билдирдилар. Аммо қайсар Валихон ўз айтганини қилди...

— Ҳалиям ўжарлигинг қолмапти, Валихон, — Раҳмат полвон зил-замбил қўлини унинг елкасига қўйди.

— Сутбен кирген, жанмен шиғади, — Валихоннинг хиёл қисик, сермаъно кўзи ва метиндек иродасидан далолат берувчи чайир юзи кулгидан ёришиб кетди.

Раҳмат полвон унга синчковлик билан разм соларкан, ўй уни ўз гирдобига тортди. «Бу ерга келмаганимга ўттиз беш йил бўлипти. Уттиз беш йил бу овул учун, Валихон учун мен ўлган одам эдим. Мана, тирилиб келдим. Шунча йил ичида нима ҳам ўзгарипти? Ҳеч нима ўзгармаган. Ўша овул, ўша кўл, ўша ўрмону ўша қудуқлар!.. Минг йилдан кейин ҳам шу манзаралар тураверади. Худди шу овулга ўхшаб Каттабоғ ҳам тураверади. Фақат одамлар келиб, кетаверишади... Мана, кечагина тоғни уриб, талқон қилган Валихон!.. Яна ўттиз беш йилдан кейин биз қаёқда бўламиз?! Бари бир дунё ҳеч нарса йўқотмайди. Биз келдик нимаю кетдик нима? Дунё олдида биз кўзга кўринмайдиган бир чангмиз!..»

Одам, хусусан идрокли одам танишини узоқ йилдан кейин кўрса, кўрсаю таниши қариб қолган бўлса, истаса-истамаса унда ана шундай фикр туғилиши табиий.

Кўп ўтмай, кунгира шаклли, тўрига оқ, қора, сариқ, кўк... пўстаклар, гул-гул гиламлар, кигизлар йиғилган айланасига ипак кўрпачалар тўшалган ўтов одамларга тўлди. Валихон удумга кўра меҳмонлар шарафига қариндошларини, хусусан, қарияларни таклиф қилган эди. Лекин улар орасида бир ўрта ёш киши ҳам бўлиб, унинг кулранг, қийиқ, ўткир кўзи: «Ҳозир қимлигингни билиб оламан!» дегандек одамга қадалар эди. У гапирмас, кулмас, ҳеч кимга сездирмасдан атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатини кузатар, бироқ мол-мулк ҳақида кетаётган суҳбатни одоб юзасидан эшитар, буни унинг дағал юз ва ўткир кўзларида «Сийқаси чиққан гаплар», дея бетоқат изғийётган ифода айтиб турар эди.

Тўғриси, бу одам Раҳмат полвонга ҳам, тегирмончига ҳам ёқмади. Совуқ қуролнинг узун, чуқур изи қолган ўнг юзи, чувалчанг шаклида тилинган пешонаси, учта бармоғи қирқилган чап қўли учунми, икки дўст ҳам уни: «Қароқчига ўхшайди», деб ўйлашди.

Лаган-лаган гўшт ейилгач, дастурхон атрофида новвос, қўй калалари айлангач, Довулбой бир меш қимиз олиб кирди. Қоса-қосалаб қимиз ичиларкан, аския ҳам авж оларди. Аммо чандиқ юзли киши ҳамон индамай ўтирар, аҳён-аҳён тегирмончи унга зимдан қарар ва ҳар гал: «Қизталоқ жуда айёр одамга ўхшайди», деб кўнглидан ўтказар эди. Раҳмат полвон эса унга эътибор бермай қўйганди.

Аския жилови қуйроқда ўтирган, юз-кўзи ёқимли кулиб турган, пучуқ бурун, қўнғир соқолли семиз чолга тегди. У оқ саллали бошини пича қийшайтириб, томоғини қириб, дадил гап бошлади:

— Бир саҳройи қозоқ бир шаҳарлик сартникида қўноқ бўлибди. Сарт уни яхши кутиб олибди. Меҳмонни шўрва билан сийлабди. Лекин бир коса шўрва унинг юмринига юк ҳам бўлмабди.

— Ҳў, сарт, сўрпага тўймадим, — дебди қозоқ.

— Эй, қозоқ, бисмиллоҳу раҳмону раҳим, деб ичмадинг шунга тўймагансан, — деб жавоб берибди сарт.

Аския шу ерга етганда чол тегирмончи билан полвонга ер остидан илжайиб қаради, томоғини қирди ва коса тўла қимизни бир кўтаришда симирди. Сўнг гапида давом этди:

— Ўз навбатида сарт ҳам қозоқникида қўноқ бўлибди. Қозоқ қўй сўйиб, уни қозонда яхлит пишириб, қўноқнинг олдига олиб кирибди: «Же сарт, ос бўсин; жейбер!» — дебди қозоқ. — Бисмиллоҳу раҳмони раҳим десанг-де тўясин, демасанг-де тўясин».

Ўтовда гур кулги кўтарилди. Фақат «Қароқчи», Раҳмат полвон, Валихон — учаласи кулмади. Уларнинг кўзлари чолга ўқдек қадалган эди. Буни чол ногаҳон сезиб, ноқулай аҳволга тушди: терлаб кетди, кўзини олиб қочди ва сочиқни олиб, юзини артишга киришди. Худди шу аснода тағин кимдир: «Бир сарт...» деб аския бошлаган эди, «Қароқчи»:

— Бас! — деб бақирди.

Бутун кеча давомида бир оғиз ҳам сўзламаган одамнинг амирона буйруғи даврани гўё музга чўктирди. У қалин қовоғини баттар уйиб, Раҳмат полвонга тикилди ва:

— Мана шунга ўхшаш ярамас аскиялар ҳам бир-биримизни узоқлаштиришга хизмат қилади, — деди қандайдир аламли оҳангда.

Раҳмат полвон бош ирғаб «қароқчи»нинг гапини тасдиқлади. Давра жонланди. Энди уни барча «яна гапиради» деган умидда «қароқчи»нинг оғзини пойлади.

— Ярашмаган ўхшатов бўлса ҳам мисол келтираман, — деди «Қароқчи». — Биз — қозоқ, ўзбек, қирғиз, туркман, қорақалпоқлар... бамисоли қўлнинг бармоқларимиз. Бу бармоқлар бирлашса кучга кириди.

Бирлашмаса, мана бу менинг қўлимдай (чўлтоқ қўлини кўрсатди у) яроқсиз, кўримсиз ҳамда бегона қўлга муҳтож бўлиб қолади.

Даврадагилар: «Тўғри! Тўғри!», дейишди. Раҳмат полвон: «Бу жуда эсли одамга ўхшайди», деб ўйлади. Тегирмончининг бошидан ҳам шу хил фикр кечди.

Чироғим, сен айтган бармоқлар бирлашганми ўзи?— Тўрда — меҳмонлар ёнида ўтирган ялпоқ юз, қора соқолли чол савол берди. «Қароқчи»: «Вазиятни билса ҳам эзмаланиб сўраёттир», дея кўнглидан ўтказиб, кўз қирида ёйиниб қаради. Бу ҳолни Валихон пайқадими йўқми — номаълум, ҳар қалай саволга у (чолни изза қилмаслик учун бўлса керак) жавоб берди:

Бирлашишга йўл бўлсин, туғишган?! Қозоқнинг ўзи бирлаша олмайди-ку! У Кичик юз, Ўрта юз, Катта юзу яна кўплаб уруғларга бўлиниб кетган. Булар бир-бирлари билан ғажигани-ғажиган. Буни ўзинг ҳам биласан, туғишган. Шунинг учун ҳам Кичик юз билан Ўрта юз ўрус табаалигига<sup>1</sup> олинди. Қолган қозоқларинг эса Бухоро амирлиги, Хива, Қўқон хонларининг сиртмоқларида бўғилиб ётибди. «Бўлинганни бўри ер» дегани шу-да, туғишган!

Тўғри айтасан, Валихон, деди Раҳмат полвон. — Лекин бу кулфат биргина қозоқнинг эмас, бутун Ўрта Осиёнинг бошига тушган. Ўзбек ҳам сен айтган хонликлару амирликка, яна бир неча бекликларга бўлиниб олиб, бир-бирини хонавайрон қилаётти. Қирғиз, туркман, қорақалпоқларни ҳам уруғчилик емирмоқда. Билмадим, бунинг оқибати нима билан тугайди?

— Нима билан тугарди, дейсиз, тақсир? деди «қароқчи». — Ўрта Осиё Оврўпа қўлига ўтади. Эшитгансизлар, чор ҳукумати аскарлари Ўрта Осиёнинг мустаҳкам қўрғонлари — Чимқўрғон, Кумуш, Товшубек<sup>2</sup>, Оқмачит<sup>3</sup> қалъаларини бузиб ташладилар. Ҳа, тақсир, Ўрта Осиё ўзини-ўзи тушовлаб бераёттир.

— Хўш, сенингча, иним, бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?— деб сўради ундан бояги аския айтган чол.

«Қароқчи» унга хўмрайиб қаради, индамади. Фақат ичида: «Бу ярамас чол оғзига чайнаб солган нарсаниям ютолмай ўтирипти-ю, яна аския айтганига бало борми!», деб оғринди. «Қароқчи»нинг ўрнига Раҳмат полвон жавоб қайтарди:

— Бу жуда қийин масала, оқсоқол. Бунинг учун ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, тожиклар ҳам бир тан, бир жон бўлиб яшаши, хонлар, уруғлар, беклар бирлашиши, хуллас, Ўрта Осиё яхлит бир давлат бўлиши керак.

Бу сўзлар «Қароқчи»нинг тунд юзини ёриштирди. Кўзи севган қизи билан учрашган йигитнинг кўзидек порлай бошлади. Шу онда унинг афти-ангоридаги тиртиқлари ҳам ўзига ярашиб тургандай эди. У: «Бу баҳайбат қиши анча ақлли дейман-ов...» деб кўнглидан ўтказди.

Тўғри, Раҳмат полвоннинг ақли-ҳуши ҳам, саводи ҳам тузук эди. Лекин ҳозир айтган гапини у қайн укаси Уйғоқбекдан эшитган эди.

— Ундай бўлишига ишонмайман.

Нечук?

<sup>1</sup> Кичик юз 1731 йилда, Ўрта юз 1731—1740 йилларда Россия табаалигига олинган.

<sup>2</sup> Еттисувдаги қалъа назарда тутилди. У 1850 йилда чор ҳукумати қўлига ўтган.

<sup>3</sup> Оқмачит — Қўқон хонлигининг йирик ҳарбий қалъаси бўлиб, у ҳозирги Қизил Урда ўрнида жойлашган эди. У 1853 йилда чор ҳукумати қўлига ўтган ва унинг ўрнида Форт Перовский истеҳкоми қурилган.

— Улар бир-бирларини ёмон кўришади.

— Ҳеч ёмон кўришмайди!— «Қароқчи»нинг юз-кўзларида яна совуқ нур ялтиради.— Халқлар бир-бирини ёмон кўрмайди. Балки сенга ўхшаш аскиябозлар, сиёсатбозлар, амалбозлар уларни бир-бирига қайрашади. Оддий халқ тинч-тотув яшашни истайди. Боя ҳам айтган эдим, яна қайта айтаман: ҳозир полвон тилга олган халқлар бамисоли бир туп дарахтдан ўсиб чиққан шохлар — асл-насаблари турклардир. Агар бу халқлар бир бутун бўлмаса, оврупаликка ем бўламиз.

— Ҳаммаси тақдири азалнинг ёзуғи билан бўлса не қилайлик, иним? — Сийрак қора соқолли чол ён чўнтагидан жигарранг носқовоғини олиб, нос отди.

«Қароқчи» унга қаҳр билан тикилди. У қув кўзларини олиб қочди. «Қароқчи» ўзи билан ўчакишган одамни узил-кесил бир ёқлик қилмагунча ё ўзи бир ёқлик бўлмагунча тинчимайдиган кишилар хилидан эди.

— Қоқ тунда хотинингиз бегона эркак билан айш қилаётганда сиз сафардан келиб қолдингиз, дейлик. Шунда ҳам сиз: «Тақдири азалнинг ёзуғи», деб тек турармидингиз?

У қора соқолли кишининг жон жойидан олди. Унинг кўзи ола-кула бўлиб, юзи муз тусига кирди. У сапчиб турмоқчи бўлди. Бироқ унинг тиззасига чангадек қадалган Раҳмат полвоннинг пўлат панжалари бунга имкон бермади. У Раҳмат полвонга нафрат билан қаради, кейин ғажиб қўйгудек важоҳатда «қароқчи»га тикилиб, унга аламли сўзлар билан ўт очди.

— Дайис, келгинди! Ёмонлигиндан ўз юртингга сиғмай, бу ёқларда кўринганнинг ялоғини ялаб юрибсан. Қочоқ, иблис, разил!..

Ўтов гўё музлаб қолди. Ҳамма «қароқчи»нинг вулқондек портлашини кутганди. Аксинча у қора соқолли кишига ғолибона тикилиб, захарли тиржайди ва ғоят хотиржамлигу совуққонлик билан деди:

— Енгилдингизми? Жиртакилик қилманг! Қозоққа ярашмайдиган одат бу. Асл қозоқ ҳар қандай шароитда ҳам мардлигича қолади. Ҳақиқат олдида тан бериш ҳам жасорат. Мени «келгинди», деб айтдингиз. Хафа бўлмадим. Сизнинг фаросатингиз менга маълум. Бўлмаса ўзимнинг тупроғимда — жондош, қондош қозоқларимникида юргангани юзимга солмасдингиз. Лекин менинг бировга оғирлигим тегмаётир. Ўзимга яраша чойчақам бор. Иззат қилиб айтилган ерга бормаслик эса — қозоқни, қозоқ одатларини менсимаслик бўлади.

«Қароқчи» ўрнидан турди-да: «Ҳозир келаман», деб ташқарига чиқди. Валихон унга эргашди. Даврадан файз қочди. Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Худди келишилгандай, ҳамма қора соқолли кишига ўқрайиб қаради ва сўнг жимгина кўзгалди.

Ташқари қоронғи, жимжит. Сахро гули ва кўкатларининг ҳидларига тўлган ҳаво салқин. Дашт-биёбоннинг бирор ерида милт этган шуъла кўринмайди. Ойсиз осмон сирли-сеҳрли юлдузлар билан тўла. Ўтовдан чиққанлар ҳар жой-ҳар жойда уч-тўрттадан бўлиб, ўзаро гурунглашмоқда.

Бирпасдан кейин улар хайр-хўшлашиб, тарқалишди. Валихоннинг илтимоси билан «қароқчи» тунаб қоладиган бўлди. Бундан Раҳмат полвон билан Қудрат тегирмончи негадир хурсанд бўлишди. Улар қудуқ бўйида мириқиб ювиндилар.

Раҳмат полвон «қароқчи»га қизиқиб қолган ва шунинг учунунинг миясида бу тунд одам ҳақида қарама-қарши фикрлар айланмоқда эди:

«Уни келгинди, қочоқ», деб айтди. Қаерлик экан бу? Ўзи кўп донишманд... одамга ўхшайди».

— Узр, иним,— деб полвон «қароқчи»нинг чап ёлкасига ўнг қўли-



ни қўйди. Шу аснода Қудрат билан Валихон олдинда боришаётган эди. Улар томондан «Бухоро...», «Қаҳрамонбек»... деган сўзлар узуқ-юлуқ эшитилар эди. — Асли қаерликсиз?

— Ҳожи Тархонданман! туғишган.

— У-ў! Шунча узоқдан-а?! Бу томонларга қандоқ келиб қолдингиз?

— Замона зайли билан, туғишган.

— Очиқ айтинг, иним. Мен мунофиқ эмасман. Мужмал гапириш сизнинг асл эркакча башарангизга ярашмайди.

— Топдингиз, туғишган... Эшитгансизми, йўқми, мен Нурали деган бойнинг ўғли бўламан.

— Чамаси, бу номни қайин укам — Уйғоқбекдан эшитгандай бўлудим.

— Уйғоқбегингиз ким?

— Савдогар. Сибирда яшайди. Урус хотинга уйланган.

— Ҳим... — «Қароқчи» ер остидан полвонга тикилди. — Номи танишдай. Умуман, у ёқларда минглаб ўзбеклар яшаётир. Улар асосан савдогарчилик билан шуғулланишади. Сиз хафа бўлмангу, айрилганни айиқ ер, дегандек, бориб-бориб улар бошқа миллатларга чатишиб-қоришиб, йўқ бўлиб кетиши мумкин. Чунки озчилик-да... Келинг, қўйинг, мақсадга кўчай, биласиз, биз — шўрлик қозоқларнинг ҳали-ҳанузгача ёзма адабиётимиз йўқ, табиийки дорилфунунимиз ҳам. Шунинг учун мен Петербургда ўқишга мажбур бўлдим. Дорилфунунда яхши ўқисам ҳам, айрим киборбаччалар мени: «Сенга ўқишни ким қўйибди, қозоқ? Чориг кийиб, туя миниб, мол орқасидан юравермайсанми! Қозоқдан қачон одам чиқибди?!», деб мазах қилардилар.

Қоронғида «қароқчи»нинг дағал башарасида қандай ифодалар кечаётгани ҳам, қўрқинчли тиртиқлари ҳам кўринмас эди. У томоғини қириб, нафасини ростлаб олди-да, яна сўзлай кетди:

— Мақтанчоқ дейсизми, йўқми — ихтиёрингиз, туғишган, мен зўр тарихчиман! Аммо, афсус, мен бу илм билан тағин ҳам чуқурроқ шуғулланиш ўрнига, бошқа йўлдан кетдим: Кенесара, Арингаз Абулқози, Қоип Ғалий, Қоратой, Нурали, Убайдулла Валихон, Сарижон Қосим каби қозоқ ўғлонларидек жабрдийда халқимнинг ўрис табаалигидан чиқариб олиш учун курашдим. Негаки чор ҳукуматининг зулми биз қозоқларга ҳадсиз ошиб кетди. Ахир, у қонхўрлар бизку биз, ўрис халқига ҳам заҳар-зуғумларини аёвсиз сочишаётир. Мужиклар қулдай ишлаб, қулдай яшаётирлар. Бойлар хоҳлашса, шўринг қурғур мужикларни битта-битталаб, хоҳлашса юзта-юзталаб сотишаверади. Улар мужикларни пул ўрнида картага тикиб ўйнашади, қип яланғоч ҳолда қорга ҳайдашади, оч-юпун қолдиришади. Бу билан бировнинг иши йўқ. Чунки мужик — ҳуқуқсиз.

— Шўрликлар! — деб юборди беихтиёр Раҳмат полвон. — Наҳотки, уларга мурувват қилишмаса?

— Мурувват қилувчилар ҳам топилади. Улар мингтадан битта, холос. Кўплари эса мужиклардан жирканадилар, ҳатто мужиклар сўзлашгани учунми, ўз она тилларида гаплашишга номус қиладилар — немис, француз, инглиз тилларида сўзлайдилар. Шу сабабларга кўра ҳам чор ҳокимиятига қарши норозилик кучайиб бормоқда.

Россияда Пушкин, Гоголь, Лермонтов, Герцен, Белинский, Некрасов каби бир талай адиблар етишиб чиққанки, ҳали бундай улуғ зотлар биз — осиеликларда йўқдир... Балки бордир, лекин мен эшитманман. Бул ўрис улуғлари чор ҳокимиятининг илдизига болта урди-

лар, ураётирлар, халқни озодликка чақираётирлар. Қани энди, туғишган, бизнинг халқларимизда ҳам шундай кишилар кўплаб бўлса! Бўлиши мумкин. Қачон? Қачонки, маърифат, маданият ишлари тўғри йўлга қўйилса! Йўқ, туғишган, бошбошдоқлик давом этаркан, бир нимага умид боғлаш қийин...

Бир лаҳза унинг эътиборини узун из ясаб учган юлдуз ўзига тортди. «Қароқчи» унга тикилган кўйи хўрсинди.

— Энди, дам оламизми, меҳмон? деб сўради Валихон.

— Яна бир оз айланайлик, — деди Раҳмат полвон.

— Ихтиёрларингиз, — Валихон тегирмончи билан яна илгарилаб кетишди. «Қароқчи» чала қолган гапини давом эттирди:

— Гапнинг қисқаси, туғишган, бизнинг курашларимиз муваффақиятсизлик билан тугади. Кўпчилигимиз отилдик, бадарға қилиндик. Сарихон Қосим билан мен Қўқонга қочдик. Сабаби — биз томонларда Қўқон хонлигининг обрўси анча баланд эди. Ўзингиз ҳам биласиз, туғишган, қозоқ ерининг хийла қисми Қўқон хонлигига ҳам қарайди. Бу хонлик 1817 йилдаёқ қозоқ ерларида бир қанча ҳарбий қалъалар қурдирди. Шулардан энг кучлиси — Оқмачит ҳисобланади. Бул қалъалар чор ҳукуматининг бутун қозоқ ерларини эгаллаш ниятига қарши қурилган истеҳкомлар, туғишган?!

— Балки шундоқдир, иним.

Шундай, туғишган. Хўш, шундай қилиб, биз Қўқон хони Мадалихон ҳузурига бордик. Ундан қозоқ халқини ўрис табаалигидан қутқариб олишда ёрдам сўрадик. Бу ёш, ўктам йигит илтимосимизни қондирди: Тошкент қушбегиси бошчилигида қўшин берди. Биз бундан, туғишган, ўзимизда йўқ қувондик. 1834 йилнинг ражаб ойида ҳарбий юриш қилдик. Кўп оғир йўллар босиб, Улутовга етдик. Бу ерда ҳарбий қалъа қурдик. Кейин, туғишган, чор ҳукуматининг ёвузлиги, қозоқлар улардан ажралиши кераклиги ҳақида ёзилган варақалар тарқатдик. Лекин, кўп ўтмай, Тошкент қушбегиси номардлик қилди: Улутовга чор ҳукумати қўшинлари келаётгани, уларга генерал Броневский қўмондонлик қилаётганини эшитиб, қопқонга тушган тулкидек типирчилаб қолди; қалъада номигагина бир оз аскар қолдириб, ўзи кўп қўшин билан изига қайтди. У йўл-йўлакай кўпгина қозоқларни хонавайрон қилди — мол-мулкларини Тошкентга ҳайдаб кетди. Биз — қалъада қолган-қутганлар эса, чор аскарлари билан жанг қилдик. Сон ва куч жиҳатидан устун ёв қалъамизнинг кулини кўкка совурди. Мен аранг қочишга улгурдим. Бундан бошқа иложим йўқ эди. Ҳеч иш қилмай, бекорга ўлиб кетишдан худонинг ўзи асрасин, туғишган!

Шундан сўнг Қўқон хонлигидан кўнглим қолди. Кейинроқ билсам, ёш Мадалихоннинг ҳам ичи қора экан. У қозоқларни ўрислардан ажратиб олиб, ўзига тобе қилмоқчи экан. Бу, айниқса, қозоқлардан олиб келинган ўлжа учун Тошкент қушбегисига «Бекларбеги» унвони берилгач, ойдек равшан бўлди. Унга: «Жигарим, ёрдам беради», деб йиғлаб борсагу, у биз — шўрлик қозоқларга илонлик қилса, бу қандай кўргулик, туғишган?! Генерал Броневский мени тутиб олишга кўп уринди: «Тириклайин тутиб келган одамга фалон минг тилла берман», деб жар солдирди. Бир гал — Сарисувда яшириниб юрганымда, ўзимизнинг юртдош, тилдош, қондош қозоқларим мени Броневскийга тутиб беришларига сал қолди. Зўрға қочиб қутулдим. Миннат қилиш ярамайди, албатта. Аммо ҳар қандай кучли, доно одамда ҳам қандайдир даражада ожизлик бўлади. Менда ҳам бу касаллик озми-кўпми бор экан. Алам қилди. Қозоқларнинг озодлиги учун курашсаму, улар қўл-оёғимни боғлаб, мени ғанимларга сотмоқчи бўлишса?! Бу не кўргулик, не ёзуғлик, туғишган?! Дунёда бундан ҳам ортиқ адолатсизлик бўладими?!

«Қароқчи» бир лаҳза тин олгач, яна ўша аламли, ўша туғёнли оҳангда сўзлай кетди:

— Шундан сўнг мен Хивага қочиб бордим. Хондан кўмак сўрадим. У пинагнини ҳам бузмасдан: «Тушингни сувга айт, қозоқ!» деди. Қоним қайнаб кетди. Тишимни тишимга босдим. Энди охири илинжим Бухорода эди. Бордим. Амирга йўлиқдим. Унга вазиятни тушунтириб, ёрдам сўрадим. У чуқур ўйга ботиб: «Чироғим бу ишда ёрдам беролмайман...» деди. Афтидан амир чор ҳукуматидан қўрқаётгандай эди. Шундан кейин мен чўли биёбонларга бош олиб кетдим.

«Қароқчи» оғир хўрсинди. Раҳмат полвон унинг юзида тубсиз ғам, алам ифодалари кезаётганини ҳис этди. Юраги ўртаниб кетди. «Қароқчи»нинг қўлини меҳр билан қаттиқ сиқди. У ҳам.

Улар анчагача жим турдилар. Охири бу маънили сукутни Раҳмат полвон бузди:

— Энди, ўтовга қайтайлик, жигарим. Вақт ҳам алла-палла бўлиб қолди.

Хўп, туғишган.

Раҳмат полвон, «қароқчи», Валихон, тегирмончи — ҳаммалари бир ўтовда ётдилар.

Раҳмат полвон хийлагача ухлолмади. Уни жиловлаб бўлмас хаёл олиб қочган эди: «Бизнинг тоғликлар ғафлат уйқусида. Улардан бундоқ гапларни эшитмаганман. Ҳатто улар дунёда ўрис борлигини ҳам билишмайди. Мабодо билганлари бўлса ҳам, буни Уйғоқбек, Бўронбек ё Қаҳрамонбеклардан эшитганлар».

Раҳмат полвон ҳамшиша чалқанча ётиб ухларди. Лекин шиддатли ўйлар тиғида безовталаниб, ўнг ёнбошига ағдарилди. Энди, унинг хаёли аста-секинлик билан бул овулга илк келган чоғларига оғди: Овул... Хиёл дўнгликка жойлашган лойсувоқ уй... Тиниқ дераза олдида тўлқин-тўлқин сочларини тараб ўтирган сулув... Армонли табасум...

Ҳадемай, бул шаффоф манзара ҳам номаълум ёққа чекинди. Энди, Раҳмат полвоннинг кўз ўнгида Утабойнинг давомли кўпкарилари жонланди.

Утабой бирданига икки ўғлининг — Кенгаш, Тенгашларнинг «қўлларини ҳалоллаётир». Элга ўн кечаю ўн кундуз тўй-томоша бермоқда.

Бойликдан қутурган Утабой ўз шон-шухратини ошириш ва тўйи мислсиз шов-шувга сабаб бўлишини истаб, Ўрта Осиёдаги барча элу халқларнинг энг кучли чавандозларини таклиф этган. У биринчи пойгага бешта гилам, тўртта от, учта туя, иккита буқа ва ўнта қўй тиккан.

Мана, кучли, абжир чавандозлар учқур арғумоқларини ўйнатиб, ўн уч чақиримлик пойгага, каттабоғликлар тили билан айтганда, яловга шай турибдилар. Раҳматбек ҳам пешонаси қашқа, туёқлари оқ-оқ, бўйдор, серёл, чайир қорабайир устида мағрур ва сергак ўтирибди.

Ниҳоят, пойгачилар ўртасига ичак-чавағи ўрнига туз тиқилган, оқ, бошсиз улоқ ташланди. Юзлаб чавандозлар гувиллаб улоққа ёприлдилар. Отларнинг туёқлари остида майсалар билан қопланган текис, намчил ер пахта саваланаётгандек гурсиллар, ундан қорамтир тўзон кўтарилар эди.

Ёш Раҳматбек йўлбарсдек кучли, эпчил бўлиш билан бирга ақлли ва айёр эди. У учқур арғумоғининг оёғи синиши, бўйни қайрилиши, чарчаши мумкинлигини ўйлаб, «қуюн»га ўзини урмади. Аксинча энг четда жиловни эркин қўйиб, от ўйнатаркан: «Асосий кураш ҳали олдинда», деб кўнглидан ўтказди.

Узоқ олишувлардан сўнг бир қора от тўдани ўқдек ёриб чиқди. Чавандоз туркман йигит улоқни тақимига босиб олган. Кўринишдан

у қарчиғайни эсга солади. Унинг кўзи йирик, юзи чўзиқ, бурни узун, чап қулоғи кемтик. Бежирим қалпоғи билан калта чакмони, соқол-мўйлови унга қандайдир руҳ, ихчамлигу кўркамлик бериб турибди.

Туркман йигити беш юз қадамга ҳам етмай, «пайт пойлаган»лар ҳалқасига «илинди», лекин бўш келмади. Отининг икки оёғини осмонга баланд кўтартириб, бир-икки айлангирди. Сўнг жониворнинг сағрисига қамчи босди. От олға отилди.

Раҳматбек: «Еш бўлсаям тажрибали кўринади,— деб ўйлади.— Отиям кучли экан. Фақат, масофанинг узоқлигини ҳисобга олмаётир».

У бир чеккада сергаклик билан отини чоптириб бораверди. Аргу-моғи ҳам ҳали олдинда аёвсиз жанг турганини билгандек сершовқин тўфонга талпинмас эди. Туркман йигитини эса уч томондан ўз элатдошлари ўраб олиб, ҳимоя қилиб боришарди. Олдинда уни иккинчи кучли «ҳалқа» эса «ютаман», деб турарди. Кетидан ва икки қанотидан эса сон-саноқсиз чавандозлари уни исканжадай сиқиб келишмоқда. Ҳаш-паш дегунча у ўзини «темир ҳалқа» ичиде кўрди. «Ҳалқа»ни ёриб ўтиш учун у тагин бояғи «ҳийла»сини кўллади. Аввалгидек элатдошлари унга олд томондан йўл очмоқчи бўлдилар. Буни «ҳалқа»чилар боя кўришган эди. Улар кучли қаршиликка қарамай, туркман йигитини маҳкам сиқиб келдилар. Оз, аммо кучли олишувдан сўнг улоқ олачопонли йигит қўлига ўтди. Кўп олачопонлилар унга эргашдилар. Булар — тожиклар эди. Улоқни олдига ўнгариб олган ўрта ёш киши барвасталиги, ўнг юзидаги чуқур чандиғи билан элатдошларидан ажралиб турибди: унинг ўзига ишончи зўрлиги чақнаётган кўк кўзларидан яққол сезилмоқда. Остидаги бўз бедови ҳам кўринишдан жуда бақувват. Лекин учқур отлар унинг олдини тўсиб чиқдилар. Худди шу лаҳза элатдошлари унга чап қанотдан йўл очдилар. У бедовни шу ёққа солди. Бироқ кунгира шакли телпак, ихчам пўстин кийган қирғиз йигити улоқнинг чап оёғидан ушлашга улгурган эди. У кутилмаган абжирлик билан улоқни юлиб олди. Бу йигит нимаси биландир — башарасининг кескин ифодалари биланми, кўзларининг совуқ ёнаётгани биланми ё ўктам ва фавқулодда абжирлиги биланми Чингизхонни эсга соларди. Раҳматбек: «Бало экан бу қирғиз», дея кўнглидан ўтказиб, унинг кетидан от қўйди.

Аммо у улоқни тортиб олишни ўйламасди. Бошқа чавандозлар эса қирғизни қувишар, етганлари жон-жаҳдлари билан улоқни тортишар, қирғиз ҳеч бирига бўш келмас эди.

Лекин табиат ҳар қандай одамга ҳам кучни ўлчаб берган. Толиқтирувчи олишувлар қирғизни чарчатди. Улоқ юпқа лаблари асабий қисилган, қийиқ кўз, дев сиёқ қорақалпоқ қўлига ўтди. У бир чақиримгача улоқни ҳеч кимга бермади.

Бироқ оқ отли қозоқ бақувват ҳамда чаққон чиқди. Шиддатли олишувдан сўнг улоқ унга ўтди. Қорақалпоқнинг тишланғич оти қозоқнинг чап қулоғини ғарч тишлади. Тирқираб қон оқа бошлади. Шунга қарамай, қозоқ ҳайқириб олдинга учарди.

— Жаша, Валихон! — деб қичқирди ҳамрўҳлари.

Раҳматбек ҳам унга тан берди: «Чақмоқ-ку бу йигит!»

Йўл-йўлакай Валихон чарм этиги қўнжидан пичоғини чиқариб, илиниб қолган қулоғини шарт кесиб ташлади-да, белидаги қийиғини ечиб олиб, боши аралаш танғиб боғлади, оти эса елдек учиб борарди. Унинг ҳимоячилари тобора орқада қолиб борардилар. Раҳматбек: «Ҳар бир чавандознинг ўн-ўн беш ҳимоячиси бор,— деб кўнглидан ўтказди.— Бу ғирромликдан бошқа нарса эмас. Юрагида ўти бор чавандоз ўзига, отига таянади. Дунёда бировга суянишдан ёмон нарса йўқ! Бу — одамдаги бор қобилиятни суриб чиқаради, жар лабига етаклайди. Бундан худо асрасин! Лекин анави юлдуздек учиб бораётган қозоқ



Расмни А. ХОЛИҚОВ чизган.

туғма чавандозга ўхшайди. Туғмалиги эгарда эркин, мустақкам ўтиришидан ҳам сезилиб турибди, отни ҳам эркин бошқараётти. Шундоқ чавандозлар ҳам бировга таяниб қолса...— Раҳматбек уни синчковлик билан кузатиб бораркан:— Қаттиқ ҳаяжонланаётти,— деди.— Чавандознинг имконияти чекланмасаям менимча у совуққон бўлгани маъқул».

Лекин у тадбирли йигит экан. Ҳали чортоқ узоқлигини, оти чарчаб қолишини ўйлаб, улоқни ёнидаги ҳамроҳига узатди. Шу пайт Раҳматбек кутилмаган енгил бир ҳаракат билан улоқни юлиб олди ва отига енгил қамчи урди. Қорабайир тоғда, даралар, тошлар ораларида, қалтис қияликларда, кўпқариларда юравериб, чопавериб пишиб кетган эди. Раҳматбек унга «Дулдул», деб ном қўйганди. У Дулдулни ҳеч кимга минишга бермас, ҳатто уни ўзидан ҳам қизганар эди. Ўзи ям бетакрор сулув от. У икки-уч тошгача чарчасадан чопа оларди. Ўтган баҳор Ҳиротда шарқдаги энг учқур отлар пойгаси бўлганда, Дулдул ўн чақиримлик масофани ўн бир дақиқаю етти сонияда босиб ўтиб, биринчи ўринни эгаллаган эди.

Дулдул эгасининг қувватига-ку тараф йўқ. Унинг бутун вужудида жиловлаб бўлмас ғайри-табiiй куч жўш уриб қайнарди.

Раҳматбек тўдани ёриб чиққач, ортига қаради: бояги ёвқур қозоқ отига қамчи босиб яқинлашмоқда. Унинг кетидан ўнлаб чавандозлар учиб келишаётир. Шунга қарамасдан Раҳматбек негадир Дулдулини қистамади.

Ҳадемай қозоқ чавандоз қувиб етди. Раҳматбек улоқни номигагина тортишди. Сабаби — у орқадаги чавандозлардан тез олислашни ва баҳодир қозоқнинг аргумоғини чарчатишни истарди. Бу режани у тунунмади шекилли, улоқни олдию шамолдек учди. Узоқда — кун ботиш томонда чортоқ, ундан нарида баҳайбат қуёш, кўл кўринди. Уларнинг ортида эса саксовулзор ястаниб ётарди.

Раҳматбек: «Энди ҳужумга ўтсам бўлади», деб отини озорсизгина ниқтади. Бир зумда 'Дулдул оқ отга' етди. Раҳматбек думи, икки оёғи узилган, бутун танаси қонга бўялган улоқнинг кейинги оёғидан маҳкам ушлади. Баҳодир қозоқ улоқни тортган кўйи от сурнишда давом этди. Раҳматбек уларни ҳолдан тойдириш мақсадида улоқни орқага тортиб бораверди.

Бора-бора оғир юкли оқ от ҳам, унинг эгаси ҳам чарчай бошлади. Шундагина Валихон: «Ўб-бо, қув сарт!», деди алам аралаш жаҳл билан. Раҳматбек зийраклик билан унинг бошидан кечган фикрни англади: «Энди дарҳол улоқни олиб, отга қамчи босишим керак!», деди.

Раҳматбек: «Бир силташда улоқни тортиб оламан», деб ўйлаган эди. Бўлмади. Қозоқ ниҳоятда кучли, эпчил экан. У кўпқарининг қадимий усулини қўллади: олтин суви юргизилган узангидан ўнг оёғини дарҳол чиқариб, Дулдулнинг қорнига тиради ва бор кучи билан улоқни торта бошлади. Натижада оралиқ аста-секин кенгая борди. Раҳматбек бор қуввати билан улоқни тортиб туриб қўйиб юборишни ва бу усул билан рақибини ағанатишни ўйлади, лекин шу заҳоти фикридан қайтди. Боиси — вақтдан ютқазини, хиёл ортда от қўйиб келаяётган икки қозоқ чавандознинг исканжасига тушиши мумкин эди. Шунинг учун Каттабоғда кўп машқ қилган усулини ишга солди: улоқнинг оёғидан маҳкам ушлаганича, кутилмаган тезлик билан Дулдулни шартта ортига айлантирди: улоқ Раҳматбекка тегди. Аммо отини энди чортоқ томон юзлантирганда, бояги икки қозоқ етиб олди.— Раҳматбек уларнинг оралиғида қолди. Икки чавандоз улоқнинг икки оёғидан ушлаб, орқага торта бошлади. Бу фирромлик усули. Кўпқарида уни «Сиртга солиш», дейилади. Буни кўрган оқ отли қозоқ ўз ҳамроҳларига:

— Ғирромлик қилманглар, лаънатилар! — деб бақирди.

Лекин улар бу гапни эшитмадими ёхуд ўзларини эшитмаганга солдимн. «Сиртга солиш»да давом этишди. Бундай ҳолда ҳар қандай чавандоз ҳам йиқилади. Бироқ Раҳматбек ағдарилмади, улоқни бошидан ошириб юборди. Улоқ қизил отли чавандозга ўтди. Тўлки телпак, бахмал камзул кийган бу йигит йигирма беш ёшлар чамасида эди. Унинг юзи тиниқ, чиройли, кўзлари катта-катта, қоши туташган эди. У кўрнинишдан соғлом ҳамда кам-кўстсиз ўсганга ўхшарди.

Маррага ҳам бир ярим чақиримча масофа қолди. Чортоқ узра оқ байроқ ҳилпирапти. Раҳматбек: «Шошилишим керак, шошилишим!», дея хаёлан ўз-ўзига хитоб қилиб, отни ниқтади. Дулдул бир дақиқа ичида қизил саманга етди. Бироқ чавандоз улоқни чап ёғига олишга улгурди. Раҳматбек у томонга ўтгунча, қозоқ улоқни узангига айлантириб олди. Бунни кўпқарида «Узангилаш», дейишади. Бу — тақиқланган усул.

Унинг ғирромлиги оқ отли чавандоз Валихоннинг жаҳлини чиқарди. У ортда учиб келаркан, бор овози билан қичқирди:

— Жилқибой, жарамас, узунгилама!..

Лекин Жилқибой унинг гапига қулоқ солмади. Оқ отли эса:

Шешенгди... деганича қолаверди.

Раҳматбек: «Оқ отли қозоқ мард йигитга ўхшайди, кези келса у билан танишаман», деб кўнглига тугиб қўйди.

Ҳозир эса у қандай бўлмасин улоқни олиши керак! Қандай олади? Узангиланган еридан кесмаса, олиб бўлмайди. Бундай пайтда Раҳматбек ҳам ғирромлик қилиш — улоқни қолган томонидан узангилаши керак. Бироқ Раҳматбек ундай қилмади. Улоқнинг оёғини эгар қошига айлантириб боғлади. Чап қўли билан унинг этидан чангакдек маҳкам ушлади. Жилонни бўш қўйди. У Дулдулнинг нималарга қодирлигини биларди. Ўзига эса ишончи чексиз эди. У отини тиззалари билан қаттиқ ниқтаб: «Чу, жонивор!» деди. Дулдул яшин янглиғ учди. Бундай тезлик ва кучни кутмаган саман бехосдан гурсиллаб ағдарилди. Жилқибой узангидан оёғини чиқаролмай қолди. Дулдул қаттиқ мункиб кетдию йиқилмади. У саман ва Жилқибойни судраган кўйи елишда давом этди.

Ҳар қандай ўйин, жумладан, кўпқари ҳам кўнгли бўш одамларни ёқтирмайди. Рақибингга шафқат қилдингми, у сени янчиб, ёриб ўтади. Ҳаётнинг азалий қонуни ҳам шундай!

Раҳматбек қанча ҳалол одам бўлмасин, унинг қонида табиат берган шафқатсизлик, ёввойилик, энгиб бўлмас бир ўжарлик бор эди. Одатда бундай одам ўлса ўладика, бировга муте ва қул бўлмайди. Бундай кишига энг яқин дўсти ҳам ноҳақлик қилса, аяб ўтирмайди...

Ҳозир Раҳматбек саман билан Жилқибойни судраб кетаркан, унга заррача ҳам раҳми келмасди. Жилқибой ҳам ҳақиқий эркак экан. Боши ерга урилиб, кийимлари юлниб, бадани қонга бўялиб бораётган бўлса ҳам индамасди. Раҳматбек унинг матонатига қойил қолса ҳам, совуққонлик билан:

— Ғирромлигинг бошингга етди! — деди.

Кўпқарида чавандознинг бирор жойи синадимн, узиладими, туёқлар тагида қоладими ё ўладими — бунга ҳеч ким жавоб бермайди. Бу — кўп қадимий ўйиннинг қизиги, машҳурлиги, фожиаси ҳам шунда.

Мабодо ҳозир Жилқибой ўлса ҳам, Раҳматбек судрашда давом этаверар эди. Лекин ундай бўлмади. Жилқибой узангиланган оёқ узилди. Дулдул қушдай энгил тортди. Терга ботган Раҳматбек беихтиёр оғига кетма-кет қамчи босди. Арғумоқ яшиндек учди. Унга энди етай-етай деган чавандозлар ортда қолиб кетдилар.

Бунни кўрган чортоқдаги тумонат одам калта, ихчам беқасам чо-

пон кийган, ола дўппи устидан чўғдек шойи қийиқ боғлаб олган Раҳматбек билан Дулдулни мақтай кетдилар:

— Қаранглар, анави сарт Олпомисдек кучти экен!

— Жўқ-жўқ, тегидеги қорабайир ушқур экен!

— Жўқ-йўқ, икковиде кучти экен!..

Раҳматбек одамларнинг қичқириқлари, шов-шувлари ичида улоқни чортоқ ёнига келтириб ташлади.

Одамлар уни олқишларга кўмиб юбордилар. Раҳматбек учун энг буюк мукофот — бир сулувнинг нозли, хуморли нигоҳи бўлди. Унинг эрта тонгда очилган гулдай яшнаётган ғуборсиз юзи, ангишвонадек оғзи, бежирим лаби, «Оҳ жигит!» деяётгандек эҳтирос билан порлаётган кўзлари мағрур Раҳматбекни довдиратиб қўйди.

Раҳматбек кўзига иссиқ кўринаётган бу малакни учратган ёхуд учратмаганлигини эслолмади. Фақат у: «Дўнгликка жойлашган уйда, дераза олдида сочларини тараб ўтирган қиз шу эмасмикан?», деб ўйлади.

Раҳматбек Дулдулни совутгунча унга ҳеч ким халақит бермади. У голиб қорабайирини отқозиққа қантариб боғлагандан сўнг, уни эл ва чавандозлар ўраб олдилар.

Ҳамма жойда кўролмаслик деган иллат бор. Ҳаёт мавжуд экан, бу нуқсон йўқолмайди. Аммо мард чавандозлар орасида бу иллат у қадар сезилавермайди. Шунданми, кўп чавандозлар Раҳматбекни қучоқлаб, ўпиб табрикладилар. Сўнг унинг учқур отини мақтадилар:

— Араб отларидан қолишмайди.

— Дулдулнинг олдида арабий от ип эшолмайди.

— Арабий отга тенг келади...

Раҳматбек тарихга жуда қизиқувчан эди. Бу одат унга балки отаси — раҳматлик уста Суярбекдан ўтгандир. Уста Суярбек Широқ, Тўмарис, Спитомен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Ғайрихон каби қахрамонлар, Хоразмий, Ибн Сино, Улуғбек, Наршахий, Мирхонд, Шарафиддин Али Яздий сингари олимлару тарихчилар ҳақида узоқ тунлар ажиб бир иштиёқ билан сўйлаб берар эди.

Раҳматбекнинг ўзи кам ўқир, лекин китобнинг мағзини чақиб ўқир эди. У еттинчи-саккизинчи (674-712) асрларда Убайдулло ибн Зиёд, Қутайба ибн Муслим бошчилигида араблар Урта Осиёни забт этганликларини, ёндирганликларини, урушга яроқли бўлган кишиларнинг ҳаммасини ўлдирганликларини, қолганларни эса асир олганликларини билар эди. Шу боис босқинчиларнинг номини эшитиши билан Раҳматбекнинг пешонаси тиришар эди. У ниҳоятда совуққонлик билан:

— Арабий отлар ҳам асли қорабайир зотидан тарқалган, — деди. — Араблар Урта Осиёни босиб олганда, энг яхши нарсаларимиз билан бирга қорабайирларни ҳам юртларига ҳайдаб кетишган. Замонлар ўтиши билан ана шу арғумоқлар арабий отлар номини олган. Сизлар бўлсаларингиз!.. — У жаҳл билан қўл силтади. Одамлар ҳам жим бўлиб қолишди. Раҳматбек гапига яқун ясади: — Қорабайирнинг асл юрти — Каттабоғ — бизнинг қишлоқ. Бу отнинг зоти дунёнинг ҳамма бурчагида бўлса керак. Балки уларнинг кўплари бегона отлар билан чатишиб-қоришиб кетгандир. Жаҳонгирлар, савдогарлар қорабайирларни ер юзига сочиб юборганлар. Темур билан унинг лашкарлари ҳам шул отларга миниб дунёни титратганлар.

Раҳматбек беҳосдан кўп гапириб юборганини фаҳмлади: «Ҳеч ким сўрамаса ҳам бу сўзларни нега айтдим? Урни ҳам, мавриди ҳам эмасди». Қалбида эса бу фикрга зид туйғулар жўш урарди: «Тўғри айтдим! Ҳар ким ўзлигини, ўтмишини билсин! Ҳар ким ўзлигини севсин, улуғласин! Қайси халқ ўзлигини, ўтмишини билмаса, севмаса, улуғламаса — у бегона халққа ем бўлади!..»



Шундай улкан ғалаба вақтида, ҳеч қутилмаганда қони қайнаб кетганига, бу гаплар мутлақо ўринсиз пайтда хаёлига келганига Раҳматбекнинг ўзи ҳам ҳайрон эди. Нима ҳам қилсин, одам ўз хаёлини тизгинлашга ожиз, ахир.

Энди чапани чавандозлар Дулдулни арабий отга таққослашни қўйиб, Раҳматбекка ёпишиб олишди:

— Қанча тилла олсанг ҳам, отингни сотгин, биродар!

У узил-кесил:

— Дунёдаги ҳамма олтинларни йиғиб берсаларингиз ҳам, Дулдулни сотмайман!— деди.

Шундан кейин ҳеч ким бу ҳақда оғиз очмади, фақат Валихон уни синаш учунми:

— Отингни қозоқ биродарларингдан аямассан? — деди.

Раҳматбек мард қозоққа кўз қири билан қаради. Аммо жавоб бермади. Уша кун у Валихоннинг ўтовда тунади. Раҳматбек унинг қулоғига бир парча кигизни куйдириб босиб, оқ, тоза дока билан боғлади. Кечаси ўтовда, энди гап қизиганда, Валихонни тўйга, мол сўйишга чақириб кетишди. Унинг ота-онаси ҳам, ака-укалари ҳам, ёш хотини ҳам тўйда, хизматда эди.

Ўтовда Раҳматбек ёлғиз қолди. У кўпкарини, ғалаба ва ҳалиги сулувни ўйлаб ётиб, уйқуга кетганини ўзи ҳам сезмади. Сахарда у юзини силаётган нозик қўл, қайноқ нафасни ҳис этди. Раҳматбек кучли, ақлли, бўлишига қарамай, ажина борлигига ишонар, одамлардан ажина қиз, бўри, қарға, хуллас, турли қиёфада кўринишини кўп эшитган эди.

Бир кеча Хуморхоним ширин уйқудан уйғониб кетиб уни ҳовлиқиб уйғотди:

— Уғилойнинг отаси, Уғилойнинг отажони, кўзингизни очинг, кўзингизни!.. Уғилой келди! Уғилой тирилиб келди!.. Қаранг, айланайим қандоқ сулув! Оппоқ либоси ҳам ўзига ярашиб турибди! Сизни, мени соғиниб келибди, туринг, қучоқлаб ўпинг! Қучоқлаб ўпинг айланайимни!..

Раҳматбек, бемаҳалда бирор ўғри келибди-да, деб ўйлаб, сапчиб ўрнидан турганди:

Қани, ким?!

Ана Уғилойингиз, ана! Рўпарангизда кулибгина турибди...

Нималар деб валдираётсан!— Раҳматбек хотинининг кўзига нимадир кўринаётганини сездди. Сездю аъзою бадани жимирлаб кетди.

Қизингиз келди, деёттиман! Сиз билан мени соғиниб келибди. Қучоқлаб ўпинг айланайимни!.. И! И!.. Уғилой, ўргилай қизим, қаёққа қочаётсан? Отанг-ку, ахир, отажонинг! Қочма!.. Тўхта, Уғилой! Тўхта, қизгинам!..— Хуморхоним қулоч ёзиб олдинга чопди.

Раҳматбек унинг икки елкасидан маҳкам ушлаб, қаттиқ силкитди:

— Хумор сенга нималар бўлди, Хумор?!

Шундагина Хуморхоним ўзига келди:

Кўзимга кўриндими, а?..— У аста ўтириб, беихтиёр калима ўғирди:

«Бисмиллоҳу раҳмону раҳим...»

Тонгга бориб, Хуморхонимнинг бўйидан тушди... Оғзи қийшайиб қолди ва сўнгроқ ақлдан озгани маълум бўлди. Гоҳ сочини юлиб додлар, гоҳ алжир, илжаяр, гоҳ қизини эслаб бўзлар эди:

Қуш қаноти тегмаган,  
Тоғда бодом бормикан?..  
Улим доғи тегмаган,

Бирор одам бормикан,  
вой болам!..

х... и... и... й!

вой болам!..

х... и... и... й!

Раҳматбек шўрлик хотинининг оёқ-қўлини боғлашга мажбур бўлди. Сўнг ўзи қишлоққа — Мулла Кенгаш бобоникига борди. Лекин у оиласи билан Қизучган қоя этагидаги боғ уйига кўчиб кетган экан.

Қизучганга дўсти — Қудрат қассобни юбориб, ўзи дарҳол уйига қайтди. Тушга яқин ирғай ҳассасини дўқиллатиб Мулла Кенгаш бобо келди. Уртадан баландроқ бўйли, кенг пешонали, нуроний юзли, ўйчан кўзли, оппоқ соқоли кўкрагига тушган, озгин, ёқимли бу чолни одамлар: «Ўликни тирилтирадиган, мулла», «Сойни орқасига оқиздирадиган, мулла», деб айтишар эди. Унинг оппоқ усти-бошидаги озода кўриниши ҳам, сокин хатти-ҳаракати ҳам, маънили гап-сўзи ҳам қайси бир афсонадаги илоҳий одамни эслатар эди. У асосан руҳий касалга чалинган, бирор жойи синган, илон чаққан кишиларни даволар эди.

Мулла Кенгаш бобо ёш Хуморхонимни уйга қамади, алланималарни пичирлаб ўқиди. Кейин уни ҳўл тол хипчин билан савалай кетди. Шўрлик жувон бу бурчакдан, у бурчакка чинқириб қоча бошлади. Мулла Кенгаш бобо бир хунук қиёфага кирган эди. У раҳм нималигини билмай, Хуморхонимни урар, ҳар урганида «Ё, Олло!» деб бақирар эди...

Бу аянчли ҳол уч кун давом этди. Хуморхоним ўз аслига қайтди! Лекин унинг бутун бадани момоталоқ эди, Раҳматбекнинг эса юраги!..

Ўша кун Раҳматбек ҳўкиз сўйиб, худойи қилди. Сўнг Уғиртошнинг шундай устига дафн этилган тўнғич фарзанди — Уғилойнинг қабрига боришди. Дўмбайган мозорни итми, бўримми — ишқилиб нимадир тирмалаб тешган эди...

Ёш эр-хотин уни авайлаб ёпишди. Қизамиқдан кўз юмган фарзандлари — Уғилойнинг қабри қошида анча вақт мунғайиб ўтиришди...

...Шу тобда, олис қозоқ ўтовидида унинг юзини силаётган бу майин қўл эгаси ажина эмасмикан?.. Раҳматбекнинг юраги орқасига тортиб кетди. Қачонлардир, бир кезлари момоси — Хазина кампир унга: «Қўзичоғим, кўзингга сап-сарик ажина кўринса, сочидан маҳкам бураб олиб, калима келтир», деган эди. У кўзини очиб энди шундай қилмоқчи эди, бироқ пирпираб ёнаётган шам тагида, унинг шундоқ тепасида, эгилиб ўтирган қозоқ қизини кўриб, лол қолди:

«Ўша! — деб ўйлади у. Кўпқарида кўрувдим. Хуморникига ўхшаш кичкина оғзи ҳам, бежирим лаби ҳам, иягидаги холи ҳам ўша қиз эканлигини айтиб турибди.

«Ё, Раббим! Нечун бу ерга келди у?! Балки бу ўша қиз қиёфасидаги ажинадир?.. Йўқ, ажина эмас, ўша қизнинг ўзи!»

Одам дегани ўрганилмаган, ўрганиб бўлмайдиган сирли дунёдир.

Раҳматбекнинг сезгир юрагида ҳали ўзига ҳам маълум бўлмаган куч пайдо бўлди. У ҳар қандай эркакнинг ҳам ақлини оладиган маъсум қизнинг юз-кўзига тикиларкан, уни ўзининг қайноқ бағрига қаттиқ босмоқчи бўлди. Аммо Раҳматбек шайтон васвасасига чап берди. У гўзал қиздан зўрға кўз узаркан, нима дейишни ҳам билмай:

Нега келдинг, қизгина? — деб сўради.

Сулув дилидагини айтди:

Сени кўргани келдим, жигит.

Қўрқмасдан-а?

Қўрқдим, жигит, бари бир келдим, жигит.

Қариндошларининг сезиб қолишса, икковимизниям ўлдиришади, қизгина.

- Улимдан қўрқасанми, жигит?
- Қўрқаман, қизгина.
- Утрук сўйлама, жигит.
- Рост, қизгина. Улимдан ҳамма қўрқади.
- Йўқ, жигит, ўлимдан қўрқмайдиганлар ҳам бор.
- Айт, кимлар?
- Севишганлар!

— ...

- Улимдан сен ҳам қўрқмайсан, жигит.
- Билмадим.

— Йўқ, қўрқмайсан. Сени ўлим енголмайди! Кўзларинг, юзларинг, бутун важоҳатинг шундай деб турибди. Сен енгилмас одамсан, жигит!

Қизнинг овозида ҳам юракни энтиктириб юборувчи, кишини ўзига сеҳрлаб қўювчи ҳаяжонли, тўлқинли, нафис мусиқийлик бор эди. Ё бениҳоя сўлимлиги учун унинг овози Раҳматбекка шундай туюлдимикан? Ҳар ҳолда, шу лаҳзада ундаги туғма софлик ва синмас иродали сулувнинг қайноқ гапи билан юракни ўртовчи нигоҳи голиб чиқди. Ахир, одам темир эмас-да, иродаси ўзига бўйсунмай қоладиган онлар ҳам бўлади. У жиловлаб бўлмас жўшқин эҳтирос билан маъсум қизни гўё ловуллаб ёнаётган қучоғига олди. Ташналик билан унинг юзидан, кўзидан, лабидан ўпди.

Мабодо Раҳматбекнинг ўрнида, дунёдаги энг фаришта эркак бўлганда эди, у ҳам жимжит тунда ўзининг жиловсиз истаги билан келган тенгиз маҳбубни оловли оғушига олар эди. Бунга ўзидан ҳам зўрроқ бўлган номаълум куч кутилмаганда мажбур эгади. Лекин Раҳматбек ўзининг энг зўр эҳтиросию ёввойи ҳирсини тийишга қувват топа олди қизгинани оғушидан оҳистагина қўйиб юборди.

Ҳис оламдаги жами нарсадан нафис. Қиз йигитнинг қучоғидан беозоргина бўшади, лекин негадир дили дарз кетди. У бир оғиз ҳам индамай, хайрлашмай, худди шарпадай судралиб, ўтовнинг эшигидан ташқарига чиқди. Ою юлдузлар шуъласига кўмилиб, мажолсиз, товушсиз қадамлар билан юриб кетди.

Бирпасдан кейин қоронғиликка қоришиб кетди...

Раҳматбек эса ҳамон у ёқдан кўз узмас, узолмас эди. Ҳозиргина кўз ўнгида бўлиб ўтган воқеага дам ишониб, дам ишонмас эди: «Тушумми, ўнгимми? Ё кўзимга кўриндими? Ё чиндан ҳам келдимми?»

Мана, орадан ўттиз беш йил ўтгач, яна Раҳматбек Валихоннинг ўтовда ётаркан, ўша олис туйғулар уни қуршаб олганди. Бироқ хаёл тумани қўйнида йилтираётган манзара тушида содир бўлганми, ўнгида?.. Бу — унга ҳамон жумбоқ эди.

Одам қариб, мункайиб қолганида, унинг такрорланмас болалиги ҳам гўзал бир афсонага айланади. Ё худо, гоҳида ҳаётнинг ўзи ҳам гўзал ва аччиқ афсонага ўхшайди. Ҳаммаси кўринади, йўқолади... Раҳматбекдаги ўша олис туйғулар ҳам энди эртакка айланиб қолганди.

Ўша ғалабадан уч кун кейин Раҳматбек кўпкарининг «От устида туриб кураш» турига қатнашди. Қирғизларнинг машҳур полвони — Жайноқни отдан ағдарди.

Кўпкарининг «Майда» деб аталувчи турида ҳам Раҳматбек улоқни юзлаб чавандозлар орасидан биринчи бўлиб олиб чиқди.

Шундан сўнг кўпқари раиси — Исатой оқсоқол халқ олдида Раҳматбекка «Полвон» деган қўшимча ном берди. Одамлар: «Омин» дея кафтларини юзларига суртдилар. Раҳмат полвон улар ичида ойдан сулув қизни учратмади... учратолмади...

Ниҳоят, тўй тугади. Шу кун Раҳмат полвон негадир Дулдулни Валихонга совға қилмоқчи бўлди. У бундан беҳад қувонди. Бироқ отни олмади:

Раҳмат, иззат қилганинг учун туғишган!— Баҳодир қозоқнинг кўзига ёш қалқиди.— Раҳмат бовурим, раҳмат!— У ҳаяжонини босолмай, бир лаҳза жим қолди. Сўнг Раҳмат полвонни қучоқларкан:— Эсингда тут, туғишган!— деди.— Уч нарсангни бировга берма: ичингдаги сирингни, ҳовлингни, остингдаги отингни!. Буни менга бир юзўйигирма учга кириб ўлган бобомнинг бобоси Бўрибой оқсоқол айтган. Лекин, туғишган, дўстингдан жонингни аяма!..

Ўттиз беш йил наридаги хотира тирилиб, ниҳоясига етганда, Раҳмат полвонни уйқу элитди. Бу аснода тонг ҳам бўзараётган эди. Қудрат тегирмончи унинг биқинига туртди:

— Тур, баттол.

Озгина ухлай, ҳўкиз.

Одамда лафз бўлади.

— Бўлди, бас!— Полвон ноилож ўрнидан турди.

□

Мезбонларнинг элакишларига қарамай, икки дўст йўлга чиқишди. Валихон билан «Қароқчи» уларни анча жойгача кузатиб бордилар. Сўнг: «Тўйга борамиз», деган ваъда билан изларига қайтдилар.

Икки дўст дастлаб Бухорода Қаҳрамонбекни топишди. Дид билан кийинган бу навқирон йигит жуда кўркам эди. Унинг сулув қизларникидай нозик, оқ-сарғиш, ғуборсиз юзи чўзинчоқ ҳам, юмалоқ ҳам, кенг ҳам эмас, балки ўртача бичимда эди. Иягидаги қоп-қора холи, қоп-қора кўзи бир-бирига туташган қоп-қора қоши ўзига жуда ярашиб турар эди. Бир жуфт тилла тиши текис, оппоқ тишларига, ўртача қалинликдаги ним қизил, бежирим лабларига янада кўркамлик билан бирга хиёл олифталик ҳам бағишлаб турарди. Қаҳрамонбекнинг хатти-ҳаракатлари ҳам, гап-сўзлари ҳам ташқи тузилишига монанд нозик ва гўзал эди. Фақат юз-кўзлари билан лабларининг аллақерларидадир андишасизликками-ей, ғайрисамимийликками-ей ўхшаш излар бордек туюлар эди.

«Хусндан худо берган Қаҳрамонбекка,— деб ўйлади полвон унинг хомуш чехрасига синчковлик билан тикиларкан.— Лекин негадир қилмишидан ачинаётганга ўхшайди. Ё менга шундай туюлаёттимикан?..»

Қаҳрамонбек уларга домласининг уйини кўрсатиб қўйди-да, изига қайтди. Ҳожи Аъло ва унинг оиласи икки дўстни мамнунлик билан кутиб олишди.

Оппоқ гуллаётган боғ тўридаги сўрига жой қилингунча Қудрат тегирмончи билан Раҳмат полвон Ҳожи Аъло бошчилигида ҳаммомга бориб, обдан ювиндилар, уст-бошларини алмаштирдилар. Сўнг Ҳожи Аълоникига қайтиб, турли-туман ноз-неъматларга тўла дастурхон атрофига ўтирдилар. Ҳожи Аъло меҳмонлар шарафига қўй сўйиб, қариндошларини чақирган эди. Енгил шабада дастурхонга ўрик, шафтоли, олча, олма гулларини учуриб келар, бу, одамнинг завқини оширар эди. Қаҳрамонбекка хандон-хушнудлик билан Шаҳрибонуни унаштирдилар.

Шундан кейин гурунг қизиб кетди. Бунга уй эгалари билан даврадагиларнинг очиқ чехраларию гулгун май сабаб бўлди.

Уч йигитча гўзал хитой қизлари тасвирланган чинни косаларда шўрва ва лаган-лаган гўшт олиб келди. Ҳожи Аъло навқирон йигитчаларни Қудрат тегирмончига жилмайиб кўрсатаркан:

Менинг фарзандларим! — деди.

Яхши, қуда, эр етиб қолишинпти. Худо умрларини берсин. Бу азаматлардан кўпми, қуда?

Худо берган шу учовгинаси. Қиздан фақат Шаҳрибонунинг

ўзи. Қийинчилик кўрмаган. Рўзғор ишларига ҳам уқувсизроқ. Елғиз қизимиз, деб аярдик-да, қуда. Ҳар ҳолда, қишлоқ ҳаётига кўниккунча, анча-мунча вақт ўтса ажабмас.

— Хотирижам бўлинг, қуда. Уни ўз фарзандимиздан ортиқ кўрсак кўрамизки, кам кўрмаймиз.

Раҳмат полвон дўстининг ёнида ўтиргани учун икки қуданинг шивирини эшитди. Бу аснода даврада таомлар тўғрисида суҳбат кетмоқда эди. Полвон суҳбатга одоб юзасидан қулоқ тутаётган бўлса ҳам, аслида ўтирганларга бир-бир зеҳн солмоқда эди. Булар ичида икки киши унинг эътиборини ўзига кўпроқ тортди. Бири — Ҳожи Аъло, иккинчиси қорни катта, қувкўз одам эди.

Раҳмат полвонга Ҳожи Аълонинг оқиш-қизғиш юзида, мулойим, ўйчан кўзида, миқти жуссасида, майин хатти-ҳаракатида кўп олижанобликлар яшириниб ётгандек туюлди. Боя унинг хотини — Шаҳлобону билан саломлашиб, озгина суҳбатлашганда, у — ширин тил, хушбичим, хушрўй аёл ҳам полвонда шу хил таассурот қолдирган эди. У: «Эр-хотинда қандайдир ўхшашлик бор, — деган хулосага келди. — Ўзлари озода, рўзғорлари ҳам сариштали экан».

Қувкўз киши даврага соқий эди. У дам ўнг қўли билан қора, қалин мўйловини бурай-бурай шошиб сўзлар, дам чап кафти билан чап юзини босганча сукут сақлар эди. Бундай онларда унинг зангори кўзи билан кенг жағи, кенг юзи маъюсланар, шодланар эди.

Раҳмат полвон ҳаммани бир-бир кўздан кечирар, сўзини эшитар экан, қутилмаганда уни шундай ўйлар қамраб олди: «Бизнинг тоғликларга қараганда, шаҳарликларнинг бўй-бастлари кичик, нозик. Юз-кўзларида эса қувлик аломатлари кўпроқ кўринади. Гаплари ҳам алланечук силлиқ, чучмал. Бу қафасдек тор, диққинафас ерда тирикчилик қилиш оғирга, меҳр-муҳаббат камроққа ўхшайди. Боя — ҳаммомдан қайтаётганимизда нон сотишаётган икки хотин арзимаган сариқ чақа устида бир-бирини ҳақоратлашди. Ё шаҳар ҳаёти одамларни шу кўйга солармикан? Балки Қаҳрамонбекнинг айнишига ҳам шу муҳит сабабчи бўлгандир? Лекин тоғликларга қараганда шаҳарликлар биллимли, уддабурон кўринади.

Май — шайтон. У кишининг ичига кирса, нағма кўрсатади.

Даврада аввал қимтиниб, уялиб ёхуд ўзларини атайлаб шу кўйга солиб ўтирганлар энди май таъсирида бир-бирларига гал бермай сўйлаяптилар. Баъзан оғизларидан маза-матрасиз гаплар ҳам чиқиб кетади.

Қувкўз ўзини жўрттага мастликка солса ҳам, анча хушёр. У вақти-вақти билан пиёлаларга май қуйиб узатаркан, баъзан билдирмайгина Қудрат тегирмончига нохуш қараб қўяди. Бундай лаҳзаларда унинг оқ саллалли бошидан: «Бу исқирт қишлоқи гўзал қизимизни юлиб олиб кетопти-я», деган фикр кечади.

Шўрва танаввул қилинди. Ҳалиги уч йигитча косаларни олиб кетди.

Қутилмаганда Қаҳрамонбек тўғрисида гап очилди.

Ҳожи Аълонинг ёнида ўтирган оппоқ соқолли кекса:

— Мен унинг мударриси сифатида шуни айтай, — деди. — Қаҳрамонбек зеҳни йигит. Айниқса мантиқ билан табиётни яхши эгаллаган. Қуръонни ёд билади. Арабча ёки форсча сўйлаганда ҳеч ким уни ўзбек деб ўйламайди. Фақат феъли-хўйида андак камчилик бор... Бунини тузатса бўлар.

— Тунсиз кун йўқ, доғсиз гул, — деди Ҳожи Аъло.

— Тутуннинг аччиғини мўри билади, — дея кекса оппоқ соқолини силади.

— Тошбақа бургут бўлармиди, — Қувкўз «Сўз ўйинини қишлоқи-лар тушунармиди», деган маънода илжайди.

Бу, икки дўста қаттиқ ботса ҳам, меҳмон сифатида одоб сақлашди. Оппоқ соқолли кекса қувкўзга муздек совуқ қаради. У дарҳол тўнини ўзгартирди:

— Бизнинг Қаҳрамонбек эса бургут!

Раҳмат полвон: «Бемаза қовуннинг уруғи ҳар ерда топиларкан», демоқчи эди-ю, давранинг кўтаринки руҳини туширгиси келмади. Бироқ Қудрат тегирмончи ўзини тутолмади:

— Илоннинг сирти юмшоқ бўлса ҳам, ичи заҳар бўлади.

Даврадагиларнинг кайфлари анча ошиб қолгани учун буни биров тушунди, биров тушунмади. Қувкўз эса суҳбат газаклаб бораверса, оқибати ёмон бўлишини сезиб, мақолни ўзига юқтирмасликка уринди:

— Қаҳрамонбекнинг ўзи бахтли йигит. Ҳусн-жамолда ҳам, илмда ҳам тенгсиз. Мана энди, кимсан — амир авлодига куёв!

Икки дўст ярқ этиб унга қаради. Юзлари ҳам ёришиб кетди. Қудрат тегирмончи ҳаяжонини яширолмади:

— Амир ҳазратлари ўзбек-ку!? — деди. — У бизнинг уруғдан — манғит!

— Бизлар ҳам манғитмиз-да, қуда!

Раҳмат полвон беихтиёр Қаҳрамонбекнинг хатини эслади: «Ҳожи Аъло энг нозик зотлар билан қондош-қариндош...» У: «Гап бу ёқда экан-да», деди ичида ва мийиғида кулди. Қудрат тегирмончи эса бояги гиналарни ҳам унутиб, қувкўзга меҳр билан тикилди ва:

— Бўлмаса нега... — деди, аммо гапини тугатмай, тилини тишлади.

— Хўш-хўш, қуда, айтаверинг, «ўрни келганда отангни аяма», деган гап бор.

— Манғит бўлсангизлар, нега бегона тилда гаплашасизлар? — Дўстининг ўрнига Раҳмат полвон савол берди. — Бола-чақаларингиз ҳам форсча сўзлашади. — У Ҳожи Аъло оиласини кўпроқ назарда тутди. — Бунақада бора-бора ҳамманг форслашиб кетасизлар-ку?

— Унчалик эмас, полвон тоға. Бизда ҳам ғурур бор! Қани ичайлик, дўстлар! — У бир симиришда қадҳни бўшатди. Бошқалар ҳам ичдилар.

Полвон қуйиниб гапирди:

— Сизлар майли... Аммо бу кетишда неварачевараларингиз ўз она тилларини, ўз миллатларини унутиб юборишлари мумкин-ку, ахир?!

— Агар уларнинг томирларида бизнинг қонларимиз оқса, асло бундай бўлмағай. Мана жуҳудлар ҳам батамом ўз она тилларини унутиб қўйдилар, энди фақат форсча сўзлашоптилар. Аммо улар жуҳудлигича қолоптилар-ку?!

— Жуҳудларнинг дини, ирқи бошқа. Ўз динлари уларни йўқолиб кетишдан сақлайди. Бизнинг эса йўриғимиз бошқа. Форслар билан динимиз бир, урф-одатимиз, қўшиқ-куйимиз, афт-ангоримизу кийинишимизда ўхшашлик бор. Шу туфайли кўп йиллар сўнггида ким турку ким форс эканини аниқлаш қийин бўлиб қолади. Ахир, ўз она тилларини унутганларидан кейин ҳар бало бўлиши мумкин-да! Масалан, Мирзо Бедил, Зебунисо Бегим<sup>1</sup>, Хусрав Деҳлавий каби улуғ шоирлар ҳам соф қонли ўзбекдирлар, яъни туркдирлар. Буни ўз ғазалларида ҳам аниқ-равшан айтганлар. Аммо ўз она тиллари қолиб, ғазалларини форсчада битганлар. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Албатта,

<sup>1</sup> Зебунисо Бегим — Ҳиндистон подшоҳи Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб Оламгирнинг қизи — улуғ Бобирнинг невараси.

уйларида форсча сўзлашганликларида. Ана, энди форсигўйлар уялмай-нетмай уларни «Форс адиблари» деб аташмоқда.

Афшонада қадим-қадимдан ўзбек яшайди. Аммо эрта-индин Ибн Синони ҳам форс деб даъво қилишлари мумкин. Яхшиямки, Яссавий билан Навоий туркча битган эканлар, бўлмаса уларни ҳам тортиб олиб қўйишарди.

— Хўш, бунга қарши нима қилайлик?!— деди Қувкўз.

— Она тилимизда сўзлашинглар.

— Давлат тили форс тили-ку, ахир. Мактаб, мадрасаларда ҳам шу тил ҳукмрон. Шундан маълумки, беихтиёр форсча гаплашишга одатланиб қолганмиз-да!

— Худога шукр, давлат бошида ўзбек ўтирибди. Бу тупроқ ҳам, бу юрт ҳам ўзбекники! Ҳаммаси ўзбекникию давлат тили бошқа бўлиши уят-да, ахир.

— Улуғ Темур замонида ҳам шундай эди, — дея Қувкўз текис иягини қашиди.— Фақат фармонларгина ўзбекча ўқиларди. Ҳозир ҳам шундай. Ўзи улуғ одамнинг хатоси ҳам улуғ бўларкан. У тагин бир неча хатоларга йўл қўйганки, булар ҳам бошимизга бало бўлопти.

Раҳмат полвон: «Арзимаган кимса, Темурдек одамни лойга қораётти», дея ўйлаб кескин сўради:

— Қайсилари?!

Қувкўз унинг овозидаги зарда билан менсимасликни сезди: полвонга кўзларини лўқ қилиб қадади, таҳқирона илжайиб, юмшоқлик билан жавоб қайтарди:

— Улуғ Темурнинг энг йирик хатоси шундай: ул улуғ зот 1395 йилда, Терек дарёси бўйида Олтин Урда хони Тўхтамишни енгди. Хонлик маркази Саройни, яъни ҳозирги Ҳожи Тархонни, Азак<sup>1</sup>, Қрим қалъаларини вайрон этди. Унинг бу қилмишини тарихимиз минбаъд кечирмайди! Негаки, Тўхтамишхон турк эди. Оти ҳам буни тасдиқлаб турибди. Қўшинлари ҳам туркий халқлардан эди. Мен ўзим жаҳонгашта савдогар бўлсам ҳам, тарихга ўчлигим учун буни яхши билман.

Савдогар берилиб эшитаётган Раҳмат полвондан кўз узмай йўталди. Энди у жиддий қиёфада кескин оҳангда гапирарди:

— Темур бу ишни Урта Осиёнинг қудратини ошириш учун қилса ҳам қолақ Урусияга буюк озодлик берди. Шундан кейин Урусия тез кучая бошлади. Мен сизга айтсам,— дея давом этиб, муштини қаттиқ тугди у.— Темур ўзи билмаган ҳолда ёхуд заиф Урусияни менсимаган ҳолда Оврўпа учун буюк хизмат қилди: Урта Осиё дарвозасини очиб қўйди...

Раҳмат полвон: «Бу совуқ олифтада гап кўпга ўхшайди», деди ичида. Ва: «Савдогардан тагин қандоқ фикр чиқаркан?» деган мақсадда унга савол берди:

— Хўш, сизнингча, Темур яна қандоқ нуқсонга йўл қўйган?

— Давлат тилини туркийча қилмоғинини айттим. Хўш, бегона миллатларга мансуб бўлганларга эса Бухоро, Самарқанд, Ҳиротдай азим шаҳарлардан жой берган. Бу ҳам улуғ хатоликдир. Чунки имкон туғилса, ул келгиндилар бизга душманлик қилгай!

Савдогарнинг кўзларида аламли бир ғазаб учқунланиб, овози совуқ жаранглади:

— Мабодо ман улуғ Темурнинг ўрнида бўлғонимда, уларнинг эркакларини битта қўймай қирип ташлардим ё ҳаммасини пичип, қул қилардим!

Раҳмат полвон ундан бунчалик ваҳшийликни кутмаган эди. «Одам

<sup>1</sup> Азак — Азов.

ҳам шу қадар жоҳил бўладими?! Ҳ, алҳазар!..» деб ўйлади ва кесатиқ оҳангида:

— Афсус, сиз Темур эмассиз-да,— деди.

Қувкўз киши бу гапнинг тағдорлигини тушунса ҳам тушунмаганга-олди:

— Ҳа, афсус, худо менга улуғ Темурникидек қобилият бермаган.

— Ҳамма ҳам ўз камчилигини тан олавермайди.

— Фақат мард киши тан олади. — У кесатиқни сезса ҳам сиртига сув юқтирмади. Тагин оғзини тўлдириб, тилла тишларини ярқиратиб, сўзлай кетди.— Улуғ Темурнинг тўртинчи хатоси — кўп хотин олганлигида.

Бул фикрингизга қўшилса бўлади,— Қудрат тегирмончи гапга аралашди.

Шу пайт кўпчилик: «Дастурхон йиғиштирилса, кейин аччиқ кўк чой устида гурунглашасан», деб қолди. Оппоқ соқолли кекса дастурхонга фотиҳа ўқиди:

— Кувкўз-келин қўша қарисин, бахтли бўлсин. Ҳожи Аъло жанобларининг уйдан қувонч аримасин, давлатига давлат қўшилаверсин. Омин!

Омин. — деди ҳамма.

Сўнг уч йиғитча дастурхонни йиғиштирди, катта чинни чойнакларда кўк чой келтиришди. Бу пайтда куёш тиккага келган эди. Сўрини сокин оқаётган ариқча бўйидаги чинор тагига суришди.

Оддий одамларнинг кўп уйланишига қаршимасман, — деб савдогар чала қолган гапини давом этдирди.— Жаҳонни эгаллаган Темурдек улуғ подшонинг кўп хотин олиши нотўғри эди. Ўзидан кейин қоладиган халқни ўйлаб иш тутуши лозим эди. Афсуски, бундай бўлмади. Шу сабабдан ҳам Темур ўлгандан кейин унинг бир неча хотинидан бўлган фарзанди билан неваралари ўртасида тахт учун кураш кетди. Бу — давлатни парчаланишга олиб келди.

Савдогар Темур давлатига ачинаётгандай кўринса ҳам аслида даврадагиларни кўп билишлиги билан қойил қолдириш учун сўзлаётган эди. Буни полвон сезиб қолди, лекин барча қатори уни тинглашга мажбур эди.

— Жаҳонгир бобомиз вафотидан кейин унинг давлати дарз кетди — иккига бўлинди,— деб Қувкўз хушбўй, аччиқ кўк чойдан хўплади.— Бири Шоҳруҳ давлати бўлиб, пойтахти Ҳирот эди. Бунга ғарбий Эрондан Деҳлигача бўлган ерлар кирарди. Иккинчиси — Улуғбек давлати эди. Унга Мовароуннаҳр билан Дашти Қипчоқнинг бир қисми қарарди. Унинг маркази — Самарқанд эди. Минг афсуслар бўлғайки, ҳадемай Улуғ Темур давлати андак қисқарди. Озарбайжонда Оқ қуюнликлар пайдо бўлди. Улар Ғарбий Эроннинг хийла ерини босиб олдилар. Шундан кейин ҳам жаҳонгирнинг неварачеваралари ўртасида тахт таллаши давом этаверди. Мана, бугунги аҳволимиз...

— Узр, мулла Муродбек, гапингизни бўламан, умрингиз бўлинмасин.— Оппоқ соқолли кекса Қувкўзни савдогар қиёфасида юрадиган айғоқчи деб ўйлар ва ундан чўчир эди. Бунга асос ҳам бордек эди. Қайси даврада савдогар ўтирса, у албатта пайт топиб, сиёсий мавзуда гап кавлар, бирор киши Саид Музаффар жаноблари салтанатидаги давлатга «тош отса», оз фурсат ичида у одам исзиз йўқолар, савдогар эса сувдан қуруқ чиқаверар эди. Оппоқ соқолли кекса: «Бу шумғия атайлаб гап кавлаштираётибди», деган фикрга бориб, уни ўз тоши билан урди:

— Ҳар қалай, бугунги аҳволимиз сиз ўйлаган даражада эмас... Олам паноҳ амиримиз Саид Музаффар жаноблари соғ-саломат эканлар, ҳаётимиз бундан ҳам яхшиланиб бораверади.



— Албатта, оқсоқол, албатта!— Савдогар тагдор илжайди.

Раҳмат полвон «Қароқчи»ни эслади ва унинг хонлар ҳақидаги фикрини айтишга оғиз жуфтлади. Лекин шу пайт Ҳожи Аъло бетоқатлик билан гап жиловини олди:

— Тил кичик бўлса ҳам дунёни бузиб-тузатади, оғайнилар!— деди. — Сиёсатдан гапирмайлик.

Оппоқ соқолли кекса уни қувватлади:

— Тилдан қоқилгандан кўра, оёқдан қоқилган афзал.

Қувкўз мийиғида кулди ва маъноли оҳангда:

— Сир сақлаш — тил остига чўғ олиб туришдан ҳам қийин, оқсоқол,— деди.

Шундан кейин гап унча қовушмади.

Улар тўйни ражаб ойининг охирида ўтказишга келишиб тарқалдилар.

Эрталаб икки дўст Қаҳрамонбекни олиб ўз қишлоқларига қайтидилар. Уларнинг Каттабоғга келганларидан уч кун ўтгач, Тошкентдан Бўронбек, Уйғоқбек ва Раънолар ташриф буюрдилар.

Тоға-жиян нималари биландир бир-бирига ўхшаб кетса ҳам, Бўронбек ўрта бўйли бу одамга қараганда анча новча эди, Унинг феъл-атворию юз-кўзига, гап-сўзю хатти-ҳаракатига шамол, бўрон, сел, жала, тоғ-тош, хуллас, ёввойи табиат ўз таъсирини кучлироқ ўтказгандек туюларди. Бўронбекнинг кучли, чиройли бўйни, нотекис жойлашган оппоқ, бақувват тишлари, дўрдоқ лаблари, ўртаси билинар-билинимас дўнг бурни оқ кўйлаги енгларидан, пиёладек-пиёладек тошиб чиққан мушаклари, залварли елкалари, чойнакдек-чойнакдек келадиган муштлари ҳайбатли келбатига, буғдой ранг юзю ўйчан кўзига мос тушгандай ярашиб турарди. Бироқ минглаб кишилар ичидан яққол ажратиб турувчи бу заковатли йигит кўринишдан ихчам, ҳатто ёқимли ва хушбичим эди. Балки, бу, тинимсиз машқларнинг самарасидир.

Раҳмат полвон ўғлининг ўзига ўхшаш чавандоз бўлишини истаб, уни гўдаклигидан чиниқтира бошлаган ҳар кун эрта тонгда уни уйғотар, яланғоч ҳолда аёзда чопишга, сўнг бутун баданини қорга ишқаб ювишга мажбур этар эди. Бундай кезде у Хуморхонимнинг қаршилигига ҳам, ўғлининг чинқириб йиғлашига ҳам қарамас эди. Аксинча, она-болага Оққоя учидеги бир туп қатрангини кўрсатар, уни қаттиқ ёғин-сочинлар, қутирган шамоллар, ваҳший бўронлар, жизғанақ жазирамалар ва ҳамма нарсадан ғолиб — вақт билан олишиб яшаётганлигини айтар эди. Кейин хотинига: «Бўронбекнинг ҳам боболари эккан ўша муқаддас қатранғидай бақувват, бардошли бўлишини истайман», дер эди. У пайтларда Раҳмат полвон ёшлик шавқ-завқи билан яшар, кўнгли нимани тусаса, шуни қилар эди: баъзан қишлоқ итларини уриштирар, баъзан буқаларни суздиртирар, юраги кўксига сиғмай кетган чоғларда ўзи ҳам улар билан олишар; ҳар қандай буқанинг бўйнини қайириб юборар эди. Шунданми, ҳамма ундан ҳайқарди. Лекин у бировга ноҳақ жабр қилмас, тўғри сўз ва ҳалол эди.

Дастлабки кезлар Бўронбек бот-бот шамоллаб турди. Бундан Хуморхоним йиғлар, эзилар эди. Бироқ Раҳмат полвон ўғлини қишин-ёзин яланғоч, ялангоёқ ҳолда чиниқтиришда давом этарди. У баҳор, ёз, куз фаслларининг ҳар тонгида Бўронбекни Оққояга тирмашиб чиқиб, тирмашиб тушишга мажбур қиларди. Кейин-кейин бола ҳам, каттабоғликлар тили билан айтганда, отасининг «телба», «тентак», «тескари» одатларига кўникиб кетди, ўзи ҳам шундай машқларни бажар-маса туролмайдиган бўлиб қолди.

Раҳмат полвон эса ўғли улғайган сари унга «каттароқ масъулият»

юкларди. Уни найзадек тик ўсган дарахтлар ҳамда баланд чўққиларнинг учларига тез чиқиб, тез тушишга, у ерлардан жун арқонда учишга, хавфли жарлардан сакрашга, совуқда тунашга одатлантирарди.

Бир куни полвон дабдурустдан ўғлини тезоқар сойга улоқтирди. Бўронбек тошдан-тошга урилиб, коптокдек оқиб борар, азбаройи кўрқанидан кўзи косасидан чиқиб кетгудек бўлиб, юзи қор тусига кирган, ҳар чўмилиб чиққанда ниманидир ушламоқчи бўлгандай қўлларини бўшлиққа чўзар, додлар эди. Полвон ўзини хотиржамдек тутиб, тошлоқ соҳилда югуриб борарди.

Ниҳоят, Бўронбек ҳолдан тойди. Шундагина полвон бир шўнғиб уни қирғоққа олиб чиқди ва ёнғоқ шохига оёғидан осиб қўйди. Бўронбекнинг оғзидан сув кетиб, бир оз ўзига келгач, полвон:

— Хомсан, ўғлим, хомсан!— деди. Ҳали пишишинг, молтишни<sup>1</sup> ўрганишинг керак!

Бўронбек кундан-кунга пишиб, чиниқиб борди ва ниҳоят сузишни ўрганиб олди. Шундан кейин полвон ўғлини от минишга машқ қилдиртирди.

Даштда, лалми буғдойзорда Бўронбекни яйдоқ, асов отга миндириб, аргумоқнинг тирсиллаган сағрисига қамчи босди. Жиловсиз бевод яшиндай учди. Бўронбек унинг ёлига ёпишганича чинқириб юборди. Раҳмат полвон ўзининг Дулдулидан туғилган, худди отасига ўхшаш қорамтир, пешонаси қашқа, туёқлари оқ-оқ, оёқлари узун-узун Қорабайирини ниқтади.

Кутилмаганда Бўронбек ўқ еган бургутдек буғдойзорга учиб тушди. Полвон зумда етиб келиб, уни турғазди. Бўронбекнинг ўнг қўли чиққан, юзи қонга бўялган эди. Унинг йиғлаётганини кўриб, ғазаб билан ўшқирди:

— Эркак ҳам йиғлайдими, дайис! Бобир сенчалик пайтида подшо бўлган. Сен эса...— Раҳмат полвон жаҳл билан қўлини силтади.

Бўронбек жим бўлди.

Полвон уни хирмончи чоллар олдига олиб борди. Улар ҳўкизлар билан хирмон янчмоқда эдилар.

Хўп-майда-ё, хўп майда,  
Буғдойи менга фойда,  
Сомони сенга фойда,  
Ҳа ҳайда-ё, ҳо ҳайда...

— Султон ака, ҳўв Султон ака!— деди полвон чоллар эътиборини ўзига тортиб.— Бўронбекнинг қўлини солиб қўйинг.— Каттабоғликлар «илтимос», «узр» сўзларини жуда кам ишлатадилар.

— Сен, полвон, тинчимадинг-тинчимадинг-да!— деди Султон сабабини билгач.— Қанча уринма ҳар ким худо берганидан ошиқ бўлмайди. Сен эса бола шўрликни қийнаганинг қийнаган. Одамлар сенинг тентак қилиқларингдан норози.

Каттабоғда катталарга ҳамиша ҳурмат баланд. Қолаверса, кўп дostonларни ёд билганидан «Султон бахши» номини олган, художўй, ҳушфеъл бу жиккак чолга полвоннинг меҳри бор эди. У қаҳрини ичига ютди.

Султон бахши Бўронбекнинг қўлини бир тортиб, солиб қўйди. Унинг кўзи ярқ этиб очилди.

Энди унга шовуллаб чайқалаётган сап-сариқ буғдойзорлар ҳам, от, ҳўкиз, эшакларда хирмон янчишаётган чоллар ҳам, довул чалиб, дон қўришаётган қизларнинг «Ҳой гала-ё» қўшиқлари ҳам хуш ёқа бошлади:

<sup>1</sup> Молтиш — сузиш.

Хой-хой гала-ё,  
Гала ўлсин-о.  
Омборларга бот  
Галла тўлсин-о!..

Раҳмат полвоннинг нигоҳи ўз хирмонида. Бутун каттабоғликлар даштга — бугдой ўримиغا кўчиб чиққан.

Ўрим-йиғим тугагунга қадар полвон ўғлини яйдоқ, асов, бедовига минишни ўргатди. Бўронбек туғма зеҳнли, эпчил бўлганидан чопиб бораётган арғумоққа бир сакрашда минишни, ундан бир сакраб йиқилмасдан тушишни ўрганиб олди. Бунгача унинг лат емаган ери қолмади. Бироқ полвон ўғлига тариқча ҳам раҳм қилмади. Кейин куз бўйи Бўронбек отасининг қаттиқ назорати остида заранг тутга болта билан пичоқ отиш, мўлжалга уриш сирларини ўрганди.

Қишда, тоғ-тошлар орасида у ўзининг яйдоқ бедови билан учиб кетаётган уюрни қувиб етиш, учи ҳалқа жун арқонда асов арғумоқларни ушлаш билан шуғулланди. Отаси у билан ёнма-ён юрса ҳам «қўлини совуқ сувга урмади». Биринчи кунлари Бўронбек кўп қийналди: бехосдан бўйнига арқон тушган асов уни судраб кетар, йиқитар, унинг қўллари, оёқлари қонга беланар эди. Бироқ Бўронбек отасининг шафқатсиз амри билан машқни давом эттирар эди.

Баҳорда у учқур отда елиб бораётиб ёй, милтиқ, сопқонлардан отиш, мўлжалга уриш сирларини ўрганди; ёзда эса қиличбозлик, найзабозликни. Аммо Бўронбек саҳардан туриш, Оққояга чиқиб тушиш, тараша ёриш, муздек сувга чўмилиш, мактабга бориш, тутга болта, пичоқ отиш, уюр қувиб, арғумоқ ушлаш сингари машқларини ҳам кандасиз бажарар эди.

Еш ниҳол йилдан-йилга бўй чўзиб, дарахтга айланиб борганидек Бўронбек ҳам чиниқиб, пишиб, муқаддас қатранғидек чайирлашиб борди.

Шунингдек, у китобга ҳам ўч эди. Узоқ тунлар эртақ, дostonлар эшитар; Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Мирза Бедил каби улуғларнинг асарларини ўқир эди. Бўронбекнинг асов вужудида ҳам маънавий, ҳам жисмоний, ҳам руҳий кучлар борган сайин омухталашиб борар эди. Дарахт ер, офтоб, сув, ҳаво шарофати билан етилганидек Бўронбек Раҳмат полвон, Хуморхоним, китоб ва одамлар таъсирида улғаярди. Қишлоқ оқсоқоллари: «Бургутга ўхшайди бу бола, ундан улуғ одам чиқади», деб гапирардилар.

Айниқса, бир воқеадан кейин унинг номи каттабоғликлар тилидан тушмай қолди.

Кутилмаганда, Мансур пучуқнинг буқаси қутуриб қолди.

Мансур пучуқ?..

Шундай кимсалар борки, бир кўришдаёқ улардан ҳазар қиласан ва беихтиёр ўзингни олиб қочасан. Мансур пучуқ дегани шу хил кимсалар тоифасидан. Унинг бурни пучуқ, қонсиз юзи шафтоли қоқидай буришган, энсаси ясси, қизил жиякли кўзи чақчайган, оғзи ўйилган гўрдай катта ва хунук, тишлари сарғайиб, қорайиб кетган эди.

Мансур пучуқ тўғрисида одамлар: «Тошни сиқсанг, суви чиқса чиқадики, аммо бу мараздан ҳеч вақо чиқмайди; у пул учун хотинини бировга қўшишдан, онасини сотишдан тоймайдиган хасис ҳам тубан», дейишади.

Унинг буқаси бақувват оёқлари, ўткир шохлари билан ерни тўзгитиб, бўкириб, ҳовлидан отилиб чиқди. Сўнг сигирларни қувиб, қишлоққа ваҳима солди. Одамлар уй-уйларига қочиб кирдилар. Бундан хабар топган йигирма бир ёшли Бўронбек яйловдан от қўйиб қишлоққа келди. Ёнида ҳеч қандай қуроли йўқ эди: шошиб қолди. Худди шу лаҳзада қутурган кўк буқа унинг бедовини қорнидан бир сузиб, улоқтириб

юборди. Бўронбек ҳайрон қоларли эпчиллик билан отдан сакраб тушишга улгурди. Буқа ўкириб, унга ташланди. Бўронбек чаққонлик билан буқага чап берди. У шохи билан тўғридаги тутга урилди. Бўронбек болта олиб келгани акасиникига югурди. Буқа уни қувлади. Бўронбек кутилмаган чаққонлик билан қайроғоч ортига ўтди. Буқа боши билан қайроғоч танасига қарсиллаб урилди.

Бу қўрқинчли манзарани Райҳон ҳам даҳшат ичра деразадан кузатиб турарди. Буқа бир муддат карахтланиб, гандираклаб турди. Бўронбек Райҳонни ногоҳ кўриб қолгани учун қочмади.

Ўзи ҳамиша шундай: қизлар йигитларга қандайдир илоҳий мардлик бағишлайдилар, ўз навбатида қизлар йигитлардан ўзларига муносиб ҳаёлий эҳсон оладилар. Ҳар иккала томон ўзлари сезмаган ҳолда бир-бирларини тартибга солиб, жасоратга ундаб турадилар. Ҳозир Бўронбек Райҳондан зўр руҳ, мадад олди. Бу, ўзининг табиий кучи билан бирикиб уни жасоратга ундади.

Буқа қўрқинчли бўкириб, ерни чангитиб, гўё кўзларидан олов пуркаб Бўронбекка отилди. Райҳон чинқириб юборди. Бўронбек тўзон ичра чапга бирдан чекинди ва буқанинг қоқ қаншарига зарб билан мушт урди. Сўнг Райҳон келтирган болта билан калласини чошиб ташлади.

Ҳамма Бўронбекнинг кучига, жасоратига қойил қолса ҳам, Мансур пучуқ:

— Зўравон бўлсанг, ўзингга, ука, хўкизимни<sup>1</sup> ҳаром ўлдирдинг ука, тўлайсан, ука?..— деб туриб олди. Унинг афт-ангориди қандайдир разил бир севинч қалқиб турарди.

Бўронбекнинг қони қайнаб кетса ҳам ғазабини ичига ютди.

Одамлар:

— Хўкизингиз қутурган эди,— дейишди.— Бўронбек бизни кулфатдан сақлаб қолди-ку!

— Қутурмаган эди, оғайнилар. Ерман-ичарман болаларим бор. Тўласин, оғайнилар?— деб пучуқ мижғовлик билан миңғирлади.

— Ишонмасангиз гўштидан еб кўринг,— дейишди одамлар охири.

Мансур пучуқ кўнмади. Шундан кейин одамлар уни ишонтириш мақсадида, буқанинг гўштидан қари, касал бир қанжиққа едиришди: ит қутурди. Шунда ҳам бадбахт пучуқ баҳона топди:

— Даволардим, оғайнилар. Ерман-ичарман болаларим бор... Тўласин ахир, оғайнилар!

Одамлар ундан юз ўгиришди:

— Улса ўлигига бормаимиз! — дейишди.

Бу воқеадан Раҳмат полвон ҳам хабар топди. Лекин Бўронбекни койи мади.

Шудрингли тонгда бўшалиб кетиб, йўнғичқа еб қорни шишган сигирининг оғзига керги соларкан, қовоғини уйганича ўғлига:

— Ҳақиқий эркак пасткаш билан тенг бўлиб ўтирмайди, ўғлим. Манқани чақир, хўкизларимиздан истаганини олсин,— деди.

Саттор сўфи азон айтаётганда Мансур пучуқ Раҳмат полвоннинг катта, ола буқасини ҳайдаб олиб кетди.

Миш-мишларга қараганда, унинг кўк буқаси илгаридан қутурган, пучуқ уни тор молхонага қамаб қўйган, фақат туйнукдан ем-сув бериб боқар экан. Ниҳоят, бўлмагандан кейин, у ёмон ниятда буқани моллар ичига қўйиб юборган...

Каттабоғликлар ўз одатларига кўра ёвуз қилмиши учун Мансур

<sup>1</sup> Каттабоғда буқаниям хўкиз дейишади.

<sup>2</sup> Керги сигир онзига хивич солиб, боғлаш.

пучуқни дарахтга боғлаб, калтакламоқчи бўлдилар. Бироқ бунга Раҳмат полвон йўл қўймади:

— Уришга ҳам арзимади бу мараз...

Раҳмат полвон меҳмонлари — Уйғоқбек, Бўронбеклар шарафига катта базм берди. Тандир-тандир қаймоқли кулчалар, ялпиз сомсалар, патир ва седана сепилган ширмой нонлар ёпилди. Ўзларидаги қовоқ-қовоқ қимиз озлик қиладигандек тоғ тўридаги қирғизлар билан чўл қўйнидаги қозоқлардан бир неча меш қимиз, қимронлар олиб келтирилди. Яшнарбулоқ қошига, азим чинорлар тагига жой қилинди.

Эрталабки қизғиш шуъла Оққоя учидаги бир туп қатрангига қадалганда, ноз-неъматларга тўлиб-тошган дастурхонлар атрофига юз чоғли одам йиғилди. Қувноқ кайфият билан базм бошланди. Тоғ ўр-качларида тўзғиётган оқ-қўк булутларни ҳисобга олмаганда, Каттабоғ осмони тиниқ эди. Одамлар товуши сой шовқини билан чакалазорнинг сирли шитирлашига аралашиб, алланечук бир мусиқа кашф этарди. Яшнарбулоқ устидаги қояга болтаютар, қоравой, қораялоқ каби қушлар келиб қўнишар, бирпас одамларга ҳайрон қараб туришарди. Базм тобора қизиб борарди. Каттабоғликлар олис Сибирдан келган, чўзиқ юз, катта бурун, қалин лаб, чағир кўз, сочига, мўйловига оқ оралаган, озғин, рангпар оврупача кийинган Уйғоқбекдан руслар, уларнинг урф-одатлари, кийинишлари, яшаш тарзлари, жойлари, эътиқодлари, деҳқончиликлари ҳақида сўраб-суриштирардилар. Уйғоқбек шошилмасдан жавоб қайтарарди, у ёқда кўп яшаётганиданми ё хотини руслиги учунми, баъзан ўзи билмаган ҳолда ўзбекчага русча сўзларни алмаштириб юборарди.

— Оддий халқ ночор яшайди. Лекин, тақсирлар, назаримда бу халқнинг келажоғи бор. Урта Осиё эса жаҳолат қўйнида...

Раҳмат полвон: «Уйғоқбек қозоқ овулидаги Бўрибойнинг (Қароқчи) гапларини такрорлаётир», деб ўйлади. Унинг фикрини Қаҳрамонбек тўзғитиб юборди:

— Нега ундай дейсиз, Уйғоқбек оға? Одам ўз Ватани, ўз халқи ҳақида яхши гапиргани маъқул. Ҳозир ҳам кам эмасмиз. Бухоро, Самарқанд, Хива ҳамда Фарғона вилоятларида тўрт юзу саккизта мадраса ишлаб турибди. Худога шукр, ҳар қишлоқда мактаб бор.

Уйғоқбек ўз ҳаётида турли ирқ кишилари билан муомала қилавериб, пишиб кетган эди. У Қаҳрамонбекнинг гапини оғир олмади. Балки, қув кўзларини унга тикканча жилмайиб жавоб қайтарди:

— Борликка борку-я, Қаҳрамонбек ука, аммо бу мактаб, мадрасалар ислом динини тарғиб қилиш билан чекланаётти. Уларда ўрисларникидай дунёвий билимлар деярли ўтилмаётти.

— Сиз ўйлагандай эмас, Уйғоқбек оға. Масалан, бизнинг мадрасада мантиқ, тиббиёт, риёзиёт илмлари ҳам ўргатилади.

— Мен ҳам Тошқанда, Кўкалдош мадрасасида ўқиганман, Қаҳрамонбек ука. Бизга ҳам сиз айтган фанлар ўтиларди. Аммо номигагина. Одам ўз юртида яшаганида унинг камчилиги унча кўринмайди, четдан кузатганда яхшироқ кўринади. Масалан, мен мактаб, мадрасаларда дарслар араб, форс тилларида ўтилишига қаршиман! Ахир, Аҳмад Яссавий, Фузулий, Алишер Навоий, Мирзо Бобир каби мавлонолар сўзлашган, ижод қилган ажойиб тилдими бор!

— Менимча, Уйғоқбек оға, тил ўрганиш фақат яхшиликка олиб боради.

— Тўғрику-я, Қаҳрамонбек ука, лекин ёт тиллар қўшимча дарс сифатида ўргатилса ҳам бўлади. Айниқса араб тили... Тўғрисини айтсам, араблар бизни хонавайрон қилган. Фикримни Берунийнинг мана бу гаплари ҳам тасдиқлайди: «Қутайба ибн Муслим ал Воҳилий хо-размликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб,

китоб ва дафтарларини куйдирганлиги сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига таянадиган бўлдилар.

Уйғоқбек даврадагиларга бир сидра қараб чиқди. Кўпчилик уларни қизиқиш билан эшитмоқда эди. Айримлар қимиз ичишар, айримлари гўшт ейишар, баъзилар эса: «Уйин-кулги турганда, бундоқ гапларни нима кераги бор?» деётгандек пичирлашар эдилар. Қаердадир — Яшнарбулоқ устидаги қоядами ёхуд соҳил томондаги наъматаклар орасидами, гўзал данакчи қуш — чумчуқча худди булбулга ўхшаб сайрар, салқин шабада эсиб, оқ, сариқ, қизил, напармон, кўк қирмизи гулларни оҳиста-оҳиста тебратмоқда эди. Уйғоқбек томоғини қириб, гапини давом эттирди:

— Тарихчи Наршахий ҳам арабларнинг қора қилмиши ҳақида шундай ёзган «Қимки урушга яроқли бўлса ҳаммасини ўлдирди».

— Биламиз, ўқиганмиз, Уйғоқбек оға,— деди Қаҳрамонбек.— Илгари динимиз ҳам бошқа эди. Зардўштлик билан Буддага сизинардик. Мусулмонликка қарши халқимиз узоқ курашди. Охири нима билан тугади? Ислон динининг ғалабаси билан. Ҳамиша кучли нарса енгади! Табиатнинг ҳам, тарихнинг ҳам азалий қонуни шундоқ! Кучли кучсиз нарсани ейди, янчади, эзади. Бахтсизлик ҳисобига бахтлилик туғилади. Чигиртка пашшани ейди... Чумчуқ чигирткани ейди... Бургут чумчуқни ейди... Тулки қуённи ейди... Бўри тулкини ейди... Йўлбарс бўрини ейди... Кўрдингизми, Уйғоқбек оға, кучли кучсиз ҳисобига яшайди. Дарахт ҳам тупроқ, сув, офтоб ҳисобига ўсади... Энди одамга келсак, у ҳамма нарсани ейди, паймол қилади, мутағди. Бу ҳам етмагандай, одам одамни ейди, кучли киши кучсиз киши ҳисобига яшайди. Худди шундай кучли халқ кучсиз халқни эзади. Ислон дини ҳам зардўштлик билан буддага нисбатан кучлидирки, ҳанузгача яшаб келмоқда. Бу ҳақиқатга тан бермасдан илож йўқ, Уйғоқбек оға.

Қаҳрамонбек ҳар бир сўзни чертиб-чертиб, ҳаяжонланиб гапирар эди. Сўйлаётганда дам ярашиқли иягини, дам чиройли мўйловини, дам кенг манглайини силаб-силаб қўяр, қўллари оҳиста-оҳиста ҳаракат қилар, кўзлари худди Қувкўзнинг кўзларисимон даврани кезар эди. Ҳар қачонгидек ҳозир ҳам унинг тиниқ далил-асослар билан сугорилган гаплари даврадагиларни сеҳрлаб қўйди. Фақат дунё кўрган Уйғоқбек: «У юрагидан сўзлаш ўрнига кўп нарсаларни билишини кўз-кўз этаётганга ҳам ўзини эзгу фазилатлар хомийси қилиб кўрсатишга уринаётганга ўхшайди», деб кўнглидан ўтказди. Шу билан бирга Уйғоқбек ундан ўзининг билими саёзлигини дилининг бир четида ҳис қилди. Бироқ у ўз фикрини мутлақ тўғри деб ўйлади ва шуни исботлашга киришди:

— Сизга айтсам, Қаҳрамонбек ука, ислон дини Ўрта Осиёни ипсиз тушовлаб қўйди. Эндиликда ундан воз кечишнинг иложини топиш қийин, у қон-қонимизга сингиб кетган. Аммо, демоқчиманки, мактаб-мадрасаларда ўқиш, ёзиш ўзбек тилида олиб борилса бўлади. Бу, хонларнинг бир оғиз гапи билан битадиган иш!

— Бухорон шарифда бир донишманд яшайди. У: «Нимаики зарур бўлса, уни шахсий истак ва ҳаракат билан тўхтатиб бўлмайди», деб кўп айтади. Бу гапда жон борга ўхшайди, Уйғоқбек оға.

Уйғоқбек унга қандай жавоб қайтаришини билмай қолди. Даврадагилар ҳам Қаҳрамонбекка мойиллик билдирдилар. Фақат Бўронбек тоғасини ҳақ, деб ўйлади. У: «Ҳақиқий дўстлик ҳақиқат олдида ҳеч қачон ғов бўлолмайди», деб кўнглидан ўтказди ва бир-икки оғиз гап билан уни янчиб ташламоқчи бўлди. У эркин, мустақил одам бўлгани учун, ҳеч нимада ҳеч кимга қарам бўлмагани учун, шубҳа, қўрқув, иккиюзламачиликни билмагани учун ҳар қандай шароитда фикр-

рини дангал айтар эди. Лекин бу гал улкан даврада дўстини ноқулай аҳволга солмаслик учун индамади.

Зийрак Оқилбек дуторини чертиб, қўшиқ бошлади:

Оқил бўлсанг ғарибларнинг кўнглин овла,  
Элни кезиб етимларга меҳр боғла.  
Нафси ёмон ножинслардан бўйин товла,  
Кўнгли бутун халойиқдан қочдим мано.  
Бошим тупроқ, жисмим тупроқ,  
Ер васлига етарман деб руҳим муштоқ...

Оқилбек дуторини ингротиб, ҳар бир сўз мазмунини юрак-юрагидан ҳис этиб, теран бир дард билан куйларкан, беихтиёр кўзларидан юм-юм ёш оқарди. Бошқалар ҳам ўтли садо ва дардли куй таъсиридан мумдек эриб ўтирибдилар.

— Каттабоғимизнинг «Момоқалди роқ» ўйинини соғиниб қолдик! — деди баланд овозда Қаҳрамонбек.

Сукутга чўмган давра бирдан жонланди. Қирғизча қалпоқ кийган, қўнғир ранг мўйлови иягига осилиб тушган, узун бўйли, важохатли бир киши ўрнидан сакраб турди. Бу — Раҳмат полвоннинг қирғиз ошнаси — Жайноқ эди. Унинг тунд юзи, қийиқ кўзи, қалин қовоғи, тиканакдек соқоли қаҳри қаттиқ одамлигидан далолат бериб турарди.

— Қишин-ёзин тоғдан тушмай, йилқи боқаман, — деди у дўриллоқ овозда. — Менам «Момоқалди роқ»ни соғиниб қолдим. Қани, ким қўшиғини айтади, мен ўйнайман!

— Даврадагилар «Сен айт», «Сен айт»га тушдилар.

— Сен соларга, мен солар, отга ерни ким солар, — деди ҳазил аралаш зарда билан Қаҳрамонбек. — Қўшиғини мен айтаман!

Одамлар чакалакзорнинг ўртароғидаги бўш жойни танладилар. Оқилбек доирани гумбирлатиб ура бошлади. Ҳамма тик турган ҳолда:

Гумбир, гумбир-о,  
Гумбир, гумбир-о!

деб бақира кетди.

Жайноқ йилқибоқар худди ёввойи одамга ўхшаб, залварли гавдасига зид эпчиллик билан кўкка сапчиб, ўйинга тушди. Қаҳрамонбек эса «Момоқалди роқ» қўшиғини бошлади:

Момоқалди роқ,  
Чақмоқларни чоқ,  
Гумбир, гумбир-о!  
Хув-хув!  
Кўкка ларза сол,  
Булут жонин ол.  
Гумбир, гумбир-о!  
Хув-хув!  
Ёмғир қуйсин-о  
Яшарсин дунё.  
Гумбир, гумбир-о!  
Хув-хув!

Давра қурганлар жазавага туша бошладилар:

Чивикдай эгил-о,  
Чилвирдай бурал-о,  
Гумбир, гумбир-о!  
Хув-хув!..

Йилқибоқар қулочини ёзиб, кўкка чўзиб, тушириб, баҳайбат гавдасини эгиб, ростлаб, кийикдек сакраб, тобора шиддат билан ўйнардн. Қаҳрамонбек бўлса ўтли эҳтирос билан қўшиқ айтарди:

Эй, шамол, бўрон,  
Кўкка сол сурон.  
Гумбир, гумбир-о!  
Хув-хув!  
Юлдузлар учсин,  
Заминни кучсин,  
Гумбир, гумбир-о!  
Хув-хув!

Жазавага тушган кишилар Қаҳрамонбекка байтни тугатишга имкон бермай, ёниб-қуйиб қичқирардилар:

Гумбир, гумбир-о,  
Хув-хув!  
Тулпор бўл-э, гумбир-о!  
Хув-хув!  
Олқар бўл-э, гумбир-о!  
Кўкка уч-э, гумбир-о!  
Хув-хув!  
Ойни куч-э, гумбир-о!  
Хув-хув!  
Гумбир, гумбир-о!  
Хув-хув!

Бу ўйин қандайдир қўрқинчли, айни пайтда жуда гўзал-а, ота?— дея ажабланиб рус тилида сўради Раъно.

Ногоҳонда ёт тилни эшитганлар осмондек зангори кўзлари яшнаб турган ўн уч ёшлар чамасидаги бу бениҳоя сулув қизчага ажабланиб тикилдилар.

Раъно ўзини ноқулай сездди шекилли, ёнидаги Орзугулга уялиб қаради. Уйғоқбек ҳам хижолат чекди чамаси:

— Нега тушдиларинг, Орзугул?— деб сўради.

— Раъно қўймади, тоға.

— Майли, энди уйга чиқинглар. Сойдан эҳтиёт бўлиб ўтинглар, тагин оқиб кетманглар.

— Хўп бўлади, тоға,— деди Орзугул ва Раънонинг қўлидан тутди.

— Яна пича томоша қилайлик, отажон?— деди бу гал Раъно инглизча гапириб.

— Майли, қизим,— деди шу тилда ноилж Уйғоқбек. У фарзандларини кучли меҳр билан севар ва кўпинча уларнинг райларига қарарди.

«Момоқалди роқ» шиддат билан давом этарди. Энди ўртада уч йигит гурса-гурс ўйнарди. Давра тегирмон тошидай айланиб, чапак чалиб, қичқирарди:

Чинориди, гумбир-о!  
Хув-хув!  
Минориди гумбир-о!  
Хув-хув!

Бироқ Қаҳрамонбек қўшиқ айтишни бас қилган — чехрасида сундай покиза бир нафислик яшнаб турган Раънони кўргач, ўйланиб қолган эди. «Ё, парвардигор! Қиз бола ҳам шунча сулув бўладими-а?.. Пари, фаришта деганлариям бунинг олдида ип эшолмайди. Лекин ҳали хомроқ. Табиат ҳар бир нарсани маромига еткази... Олма ҳам, узум ҳам, қовун ҳам етилганда кўркам, хушбўй, ширин бўлади. Бу қизча ҳам уч-тўрт йилдан кейин... Шунда ўзини эркакман деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг ҳусни-жамолидан маст бўлмай қололмайди. Эҳ, ўшанда у кимга насиб қиларкин-а?! «Қовуннинг яхшисини ит ейди», дейишади. Падарига қусур, ўйласанг алам қилади!»

— Сувсамадингизми, Қаҳрамонбек?— Шамол булутни ҳайдаган-дек Бўронбек унинг хаёлини тўзғитиб юборди.



— Сувсадим, Қахрамонбек дарҳол ўзини қўлга олди.

— Юринг, Яшнарбулоқдан сув ичиб қайтамиз.— Бўронбек унинг тирсагидан тутди.— Борасизми?

— Юринг.

Уларга Уйғоқбек эргашди.

Учовлон харчалар ўсиб ётган қоя тагидаги булоқдан ҳовуч-ҳовуч сув ичишди. Уйғоқбек оқ ва ним қизил бўлиб гуллаётган харчаларга суқ билан тикиларкан:

— Мен ўрис ароғидан олиб келганман,— деди.— Шу гўзал жойда жиндек-жиндек ичмаймизми?

— Емон бўлмасди,— Бўронбек зилол сув биқирлаб чиқаётган тиниқ булоқдан кўзини узиб, тоғасига қаради.

Қахрамонбек индамади; ўйчанлик билан булоқ атрофини қоплаган сап-сариқ қоқигулларга термилди.

Бўронбек уйига бориб, бир шиша арақ, бир нечта пиёла, тандирдан энди узилган иккита нон олиб келди.

— Газагига булоқнинг сувиям бўлаверади,— Бўронбек чашма кўзига нонларни авайлаб ташлади, пиёлаларни чайқади ва уларга арақ қуйиб, тоғаси билан дўстига узатди. Ёши улуглиги учун биринчи қадаҳни Уйғоқбек айтди:

— Инсон қадами етган жой ўз табиийлигини, ўз файзини йўқотиб боради. Аммо Каттабоғда бунинг аксини кўрдим. Табиат нима яратган бўлса, деярли ҳаммаси ўз аслича сақланган. Одамларни худои таоло қандай яратган бўлса, деярли улар ҳам шундайлигича яшаб келаёттилар. Бу нотекис, нотинч дунёда тирикчилик, нафс, тама бор экан, одам ўзининг асл қиёфасини сақлаб қолиши қийин. Ҳаётда кимгадир рост гапирасан, ялинасан, дўқ урасан, сурбетлик қиласан, кимнидир алдайсан, йиғлатасан, шўрлатасан... Бу ҳаётнинг ўзгармас, ўзгартириб бўлмас қонунларидан бири. Бироқ, шунга қарамай, асл кишилар ўзларини пок сақлаб қола биладилар. Мен каттабоғликларни шундай одамлар қаторига қўшаман. Улар дағал, ўжар, тунд, очик кўнгил... Лекин ҳаммаси табиий равишда. Келинлар, бу қадаҳни шу мард тоғликлар учун, шу покнза табиат учун, уларнинг абадийлиги учун ичамиз!

— Копирнинг ароғи аччиқ экан,— деди Қахрамонбек газагига бир пиёла сув ичгач.

Бўронбек булоқдан нонларни олиб, ялпоқ тош устига ушатди. Учови бир бурдадан ейишди. Бўронбек яна пиёлаларга қуйди. Қахрамонбек Уйғоқбекнинг қув кўзига тикилганча гапира бошлади:

— Мен озгина кўнгил хушлик қилиш учун ароқ ичиш, кўпроқ кўнгил хушлик қилиш учун гўзаллар дийдорига тўйиш, умр бўйи кўнгил хушлик қилиш учун дўстлар билан бирга бўлиш керак деб ўйлайман. Шу қадаҳни соф, барқарор дўстлигимиз учун кўтарамиз.

Арақнинг жодудай таъсиридан учовининг ҳам юз-кўзлари қизарди, гап-сўзлари жонланди.

Учинчи қадаҳни Бўронбек айтди:

— Бул қадаҳни она юрт, она эл омонлиги ҳам мангулиги учун ичамиз!

Уйғоқбек билан Қахрамонбекка бу гап мавридсиз ва баландпарвоздек туюлди. Бўронбек бунинг сезса ҳам негадир хижолат тортмади: «Кўнглимга келган фикрни айттим», деб ўйлади у.

Улар яна сув ичиб, нон егач, қояга чиқдилар. Бу салқин юксакликдан узоқ-яқинлар кўриниб турибди. Чакалазорда «Момоқалди-роқ» давом этмоқда.

Қахрамонбек шамол юлқиляётган оқ салласининг учини дўпписи тагига қистираркан, Уйғоқбекка маъноли тикилиб деди:

— Боя, Уйғоқбек оға, «Уз еримизда яшайтуриб бегона тилда сўзлашимиз уят-ку!» деган маънода гапирган эдингиз. Менимча, Уйғоқбек оға, ҳар бир нарсага одам аввало ўзидан келиб чиқиб баҳо бергани яхши.

— Нимага шама қилаётганингизни тушундим, ука,— Қаҳрамонбек отган маломат тоши мўлжалга теккан эди — Уйғоқбек қизариб кетди.— Лекин қизимизнинг онаси ўрис. Қолаверса, биз, ҳозирча, ўрис тупроғида яшаётимиз. У ёқда ўзбеклар оз. Шу туфайли қизим ота тилини билмайди.

— Энди очиқчасига сўйлашамиз, Уйғоқбек оға, хафа бўлиш йўқ,— у тоғ устини қоплаган қуюқ булутга, сўнг Гўраки<sup>1</sup> этагидаги чўпон билан қўйларга ўхшаш тошларга тикилиб қолди. Аммо шу пайт Отучган<sup>2</sup> томонда гул тераётган қиз қўшиғи унинг эътиборини оҳанграбодай жалб этди:

Сен қачон келдинг эшикка,  
Мен билиб оқ урмадим.  
Чиққали хилват тополмай,  
Ултириб қон йиғладим...

— Э, шу мегажинларни!..— деб қўл силтади Қаҳрамонбек. Унинг арақ ғовлатган миясида чала қолган гапи иёён кўтарган эди.

— Бўронбек, ҳо-о Бўронбек!— деб қичқирди Раҳмат полвон.— Сизларга маҳтал бўлиб ўтирибмиз!— У булоқ бошида иккала қўлини пешонасига соябон қилиб, қоя учига тикилганча турарди.

— Ҳозир тушамиз, ота.

— Тезроқ тушинглар,— Раҳмат полвон чакалакзорга қараб юрди.

— Бир замонлар биз учун араб ҳам копир эди, дўстим,— деди Бўронбек тоғасини оғир аҳволдан қутқазिश учун узилган суҳбатни улаб.— Энди эса ўша копир динига сиғинаётимиз. Ўзимизни мусулмон ҳисоблаймиз, бошқа диндагиларни, ҳатто ўзимизнинг қадимий динимиз бўлган зардўштлик билан Будда диндагиларни ҳам копир, деб биламиз. Қани бу ерда адолат?! Ўзимиздан маданияти паст бўлган араблар бошимизга не кулфатлар солмади; унинг ёвуз, маккор дини ҳам жисмоний, ҳам маънавий кучли халқимизнинг белини букиб қўйди. Ҳар бири тоғдай-тоғдай келадиган, ёвқир, ҳушёр одамларимизни қўйга айлантирди, фикрлаш, идрок қилиш, юртга, элга муҳаббат каби ҳис-туйғуларимизни юракларимиздан сидириб чиқарди. Заиф, хокисор, қўрқоқ, қул бўлиб қолдик. Тилимиз ўзимиз тушунмайдиган «Алҳамду»дан бошқа нарсани айтмайдиган бўлиб қолди. Ким иш буюрса, «хўп-хўп», деб букиладиган; ким ўшқирса «афв этгайсиз», деб эгиладиган; ким алдаса, «тақдирда», деб кўнадиган; ким мақта-са, кўнглимизни берадиган; ким сўраса, жонимизни ҳадя этадиган нодонга айландик. Буларнинг ҳаммаси мусулмон динидан келиб чиққан иллатлардир. Йўқ-йўқ, тузалмайдиган яралардир! Қўпол бўлса ҳам, оғир бўлса ҳам айтай, бу дин бизни пичиб қўйди. Искандар, Чингиз каби фотиҳлар забт этолмаган юракларимизни дин забт этди. Дин Беруний, Хоразмий, Форобий, ибн Сино, Навоий, Муқанна, Бобир каби улуғ зотларни қалбимиз тўридан ҳайдаб чиқариб, ўрнига ўзи кириб олди. Миямиз, юрагимиз дин ҳомийсига айланиб қолди. Бу дин шундай қудратга айландики, унинг олдида ҳар қандоқ қурол, ҳар қандоқ ўлим, ҳар қандоқ зўрлик, ёвузлик, ваҳшийлик, муҳтожлик, маккорлик, қирғинликлар ип эшолмай қолди! Ҳеч қайдоқ, ҳа, ҳеч қандоқ куч бош эгдиролмайдиган халқимизни шу маккор қонхўр, ёвуз дин бош эгдирди, кечаю-кундуз молдай меҳнат қилишдан бошқа нарсага ярамай қолдик.

<sup>1</sup> Гўраки — чўққининг номи.

<sup>2</sup> Отучган — қоянинг номи.

Бўронбек ўзи билмаган ҳолда тизгинсиз ҳаяжонга берилганидан терлаб кетди. Унинг чақноқ кўзлари совуқ ялтиради. Бу шаҳар кўрган, мадраса кўрган ёш, баҳайбат йигитда шунчалик ҳаяжон, нафрат, муҳаббат борлигидан — тўғрироғи, сақланиб қолганидан Қаҳрамонбек ҳайратланди, ҳатто чўчиди. Ҳа, у дўстининг руҳидаги аёвсиз бўрондан, баъзан ҳаддан ошиб кетадиган шафқатсизлигидан, ўзига ишонч туйғусининг илдизи ниҳоятда теранлигидан ва ҳатто унинг қўпол ростгўйлигидан чўчир, чўчиргина эмас, кўрқар, шул сабабли у билан иложи борица эҳтиёт бўлиб муомала қилар эди.

Уйғоқбекнинг қистави билан улар қоядан тушдилар ва толлар, тераклар, наъматаклар чайқалиб турган майсазор қирғоқдан секин юриб кетдилар. Бўронбекнинг ўйчан кўзи гўё ловуллаб ёнаётгандек эди. У биров билан баҳслашганда раҳм деган, шафқат деган нарсани билмас, қони тобора жўшиб борар, аммо, бу — фикрини тиниқ ифода этишга халақит бермас, аксинча сўзлар ўз-ўзидан қўйилиб келаверар эди. Тагин Бўронбекнинг овози бўрон янглиғ гувиллай бошлади:

— Бошимизга шундай кулфатларни солса ҳам нега мусулмон динини муқаддас деб биламиз?! Нега Маккага бориб, сизиниб келамиз?! Нега мактаб-мадрасаларда ўзимиз тушунмайдиган тилда ўқиймиз?! Нега?! Бундай кетаверса, туркий тилларимизнинг негизи бўлган — ўзбек тилимизни унутиб қўймаймизми?! Ахир, чуқурроқ, йўқ-йўқ, ҳатто юзакироқ ўйлаб қаралса ҳам бу жуда уят, жуда даҳшат-ку! Она тилимизга бўлган ҳурматимиз, муҳаббатимиз шуми?! Қимки она тилини севмаса, у она юртини ҳам, она халқини ҳам ва ҳатто ўз онасини ҳам севмайди!

Бўронбек ёниб сўйларкан, худди ўргатилмаган арғумоққа ўхшар, уни ҳеч ким жиловдаб ололмайдигандек кўринар эди.

— Ношудлигимиз, жоҳиллигимиз, бағри очиқлигимиз бошимизга етаётти. Ичимиздан чириб бораёттирмиз. Дунёдаги энг даҳшатли нарса — ўз ичиндан чиришингдир! Бундай ҳолда сени ҳалокатдан ҳеч ким қутқазолмайди. Зилзила қаердан пайдо бўлади? Ернинг ўз ичидан. Бу офатларни ким тўхтатолади? Ҳеч ким! Бу — ернинг ўз ичидан чиришидир!

Инсон ҳам ўз вужудида пайдо бўлган касалликдан ўлади. Ичаклари чириган кишини ким тuzатолади? Ҳеч ким! Бу — одамнинг ўз ичидан чиришидир!

Худди шундай, Урта Осиё ҳам ўз ичидан чириб бораётти. Унинг дин чизиғидан қиқмаслиги; учта хонликка бўлиниши; ўз тилида фикр-ламаслиги; чегараларининг очиқлиги ўз ичидан чириётганлигининг яққол исботидир. Шўрлик Урта Осиё сувсиз саҳрода ўз ҳолича ўсаётган дарахтга ўхшайди.

Шундан ҳам Чор ҳукумати Оқ мачитни барбод этиб, тобора ичкарилаб келаётти. Агар шундай қилмаганида, бу тарихий вазифани инглиз бажарарди. Ўз ичидан чириш, деб шунга айтилади. Динга таяниш — кўчиб юрувчи қўм устига уй қуришдай гап эканлигини шу далилнинг ўзи ҳам исбот этади.

Бўронбек гапидан тўхтаб, секин мажнунтол панасига ўтди... Сўнг юз-қўлини мавжланиб оқаётган сойга чайди. Қаҳрамонбек билан Уйғоқбек ҳам шундай қилди.

— Бундай оғир масалалар турганда, жаноб Қаҳрамонбек, — деди жиянининг гапидан руҳланган Уйғоқбек сариқ гулли рўмолчасини чўнтагига соларкан, сўзида давом этиб. — Сиз мени: «Қизингиз ўзбек тилини билмайди», деб айбситасиз. Ҳолбуки, қизимнинг онаси ўрис, ўрис тупроғида яшаёттирмиз.

Қаҳрамонбек унга: «Қачондан бери Сибирь кофирларники бўлиб қолди, у қадим замонлардан бери биз туркларнинг еримиз бўлган;

қизингизга келсак, хотинингиз билан болаларингизга ўз таъсирингизни ўтказолмаслигингиз оқибатидир», демоқчи эди, меҳмонлиги учун аяди, аямасдияму, жамулжам даврага яқинлашиб қолган эдилар.

Унғар полвон дутор чертиб, кўшиқ айтмоқда эди:

Тоғлар туман бўлди кел,  
Ҳолим ёмон бўлди кел.  
Ойларга ваъда бердинг,  
Йиллар тамом бўлди, кел...

Дастурхонга кабоблар келтирилганда, Унғар полвон зимдан Бўронбекка қаради. Бўронбекнинг сезгир нигоҳи унинг кўзида: «Эртага Райҳонга совчи юборасизлар-а?», деган аччиқ ифодани илғагандай бўлди. Кичкина Қодирбек ҳам бир четда — ёнғоқ танасига суянганича негадир дам Унғар полвонга, дам Бўронбекка, баъзан эса чинор шохига илинган қафасдаги сулув какликка қараб-қараб кўяр эди. Бўронбекка унинг кўзида қандайдир безовталиқ бордай туюлди. Бўронбек унга эътибор бермай, Унғар полвоннинг Райҳонга ошиқлиги, совчи юборганлиги ва улар изза бўлиб қайтганлиги ҳақида ўйлай кетди. Буни кеча у онасидан эшитган эди.

«Начора, дўстим, бу дунёда ҳамма вақт ҳам айтганинг бўлавермайди», деган маънода Унғар полвонга ҳамдардлик билан нигоҳ ташлаганини ўзи ҳам кеч сезиб қолди.

Бунга жавобан полвоннинг кўзи сичқонга ҳужум қилган мушукникидек совуқ йилтираб кетди. Бўронбек айбдор бўлмаса ҳам негадир кўзини олиб қочди. Ёнида ўтирган тоғаси билан дўсти эса яна шивирлашиб, баҳслашардилар:

— Қопирлар ичида яшашнинг оқибати шу-да, Уйғоқбек оға, диндан чиқиб кетибсиз. Бу ҳам етмагандай, бошқаларни ҳам ўзингизга эргаштираётсиз.— Қаҳрамонбек дўстига ер остидан қўрқиброқ қаради, қаради-ю совуқ нигоҳга дуч келиб, кўзини олиб қочди ва иложсиз бир тарзда гапини давом эттирди.— Ахир, мусулмон динига ишонмасангиз, қайси динга ишонасиз? Ахир, одамзод бир нимага эътиқод қўймаса, дунё тартиби бузилиб кетади-ку!

— Қизишманг-да энди, жаноб Қаҳрамонбек. Мен кўнглимдагини айтишга ўрганган одамман. Ҳеч қандай динга ишонмайман.

— Бу гапларингизни ёнларига пичоқ тақиб ўтиришган мана шу кишилар эшитишса борми,— деди Қаҳрамонбек иложи борича зардасини ичига ютиб,— сизга кўп ёмон бўлади...

— Нодонда булар, нодон!— деди Уйғоқбек.— Менга келсак, жаноб Қаҳрамонбек, оламни яратган ёлғиз худога ишонаман.

— Тоғам мени ўзига эргаштираётгани йўқ!— Бўронбекнинг зардаси қайнади.— Мен ўз ақлим билан иш тутишга одатланганман. Тағин айтаман, мусулмон дини — босқинчи дин. Шу дин пардаси остида кўп авлод-аждодларимизнинг ёстиқлари қуриган, хотин-қизларимиз қулга айланган. Она тилимизнинг қудрати пасайган. Буни ўзбек фарзанди дунёдан кўз юмганда, у билан сўнги марта араб тилида видолашимиздан ҳам билса бўлади-ку! Худди ўз тилимиз, ўз фикримиз йўқдай қабр тепасида ажнабий тилда жаназа ўқилади. Бу сиз учун ачинарли ҳол эмасми? Бу сиз учун уят эмасми? Бу сизга даҳшат туғдирмайдими?! Э, худо, менга алам қилади, жуда алам қилади, ўйласам куйиб кетаман. Ўз тарихимиз, маданиятимиз, Ватанимиз, миллатимиз, улуғ зотларимиз билан ғурурланган кишиларимиздан дин қулади, қўрқади, уларни жарга итаради. «Фақат мени улуғла!», деб чақалоғлигимиздан ўргатади, миямизга қўрғошиндай қуяди. Шул сабабдан ҳам бизнинг Урта Осиёликлар ўз Ватанларига, ўз миллатларига нисбатан динларини аъло кўрадилар. Улар ҳар бир ишга, ҳатто жангга ҳам: «Муқаддас дин учун!», деб киришади. Улаётганла-

рида эса: «Муқаддас дин учун», деб жон берадилар. Ваҳоланки, ҳар бир чақалоққа она сути билан бирга миллат, Ватан туйғуларини сингдириб боришимиз керак!

Қаҳрамонбек дўстининг бешафқат ҳужумига дош беролмади, истар-истамас қимиздан ҳўплаб ўтирди.

Бўронбекдаги бу хаёл аста-секин чекинди. Урнига ойдаи яшнаб, Райҳон балқиди. Бўронбек уни бултур илк баҳорда Саватлик дарага равоч, кузда Шарилдоқ дарага дўлана тергали чиққанида учратгани; равочу долазорлар, қоялару сап-сариқ дўланазорлар ораларига яшиниб олиб, суҳбатлашишгани; ўргатилмаган саманга ўхшаш бу сулувни зўрлик билан қаттиқ қучгани, майсаларга ағнатиб, типирчилатиб, қийқиртириб, тип-тиниқ юзларидан... ўпгани, бениҳоя ташналик билан ўпгани ҳақида ўйлаб кетди.

Бу ўй Бўронбекнинг қайноқ вужудини қайноқ ҳислар билан тўлдириб, тўлқинлантираётганида, Қаҳрамонбек уни ўйинга таклиф қилиб қолди. Шундагина у ўзига келиб, дўстига норози боқди. Бироқ унинг қистови билан дастурхондан беш-олти қадам наридаги давра сари юрди. Унғар полвон ички бир теран дард билан қўшиқ айтмоқда эди.

Дароз, кўкрак-елкалари кенг, юзи тошдек қаттиқ, кўркам, ҳиссиётли, чайир бу йигитнинг ғамгин қўшиқ айтаётганини биргина Бўронбек дилидан ҳис этди. Лекин унга қарашга юраги бетламади. Йўқ, бу кўрққанидан эмас, ўзи тушунмайдиган қандайдир сабаб ва куч таъсирида шундай қилишга мажбур бўлди.

Икки дўст қулочларини ёзиб, ўйинга тушишди.

Даврадагилар билан бирга Раҳмат полвон, Қудрат тегирмончи, Уйғоқбек, Қодирбек, Орзуғул, Раънолар ҳам Бўронбекнинг айиқдек лапанглаб, беярашиқ ўйнаётганидан кулишар, Қаҳрамонбекнинг эса чиройли рақсидан завқланишар эди. Кулги бўлаётганини кеч сезган Бўронбек қизариб кетди, ўртага Уйғоқбекни тортиб, ўзи даврадан сирғалиб чиқди.

У соҳилга яқинлашганда, Унғар полвоннинг овози узук-юлуқ келарди:

Бир киё боқдим — тутилдим,  
Тўтининг занжирига.  
Ҳеч илож тополмадим,  
Парвардигор тақдирига...

«Мунча йиғламаса?!— Кўнглидан кечирди Бўронбек кўрғошин ранг булут босган осмонга, учлари туманга кўмилган қорли чўққиларга тикиларкан.— Илгари ялинсанг ҳам қўшиқ айтмасди».

Бўронбек уни эшитмаслик учун соҳилга жадал юрди. Бироқ Унғар полвоннинг кучли овози қулоғига яна чалинди.

Тақдиримга ўт тушиб,  
Куйса нима, ёнса нима.  
Ҳар киши ўз ёрини  
Суйса нима, олса нима...

У бебошвоқ сой ёқалаб кетган иланг-биланг сўқмоқдан юксак тоғ сари секин илгарилайверди. Хаёлини эса Райҳон қуршаб олганди: «Қизиқ, қиз бола қанча ақлли, камтар, озода, меҳнаткаш бўлмасин, агар у хунук бўлса, унга бирор йигит қайрилиб қарамайди. Мабодо қайрилиб қараса ҳам, қараганига кейин пушаймон бўлса керак.

Қизиқ, қиз бола қанча сулув бўлса ҳам, агар у толтув<sup>1</sup> бўлса, йигит унга кўнгил қўёлмайди.

<sup>1</sup> Толтув — бефаросат, анқов, калтафаҳм маъносига.

Агар қиз болада ҳам чирой, ҳам ақл бўлса, йигит унга жонини беради. Менинг Райҳоним...»

Бўронбек кўз олдига Райҳон билан кечган дамларни келтирди: Сап-сарик дўлана таги... Сават тўла дўлана... Муздек шамол... Дўлана ва япроқлар тўкилмоқда...

«Оҳ, Райҳон, сени қанчалар яхши кўраман-а!» деб янада қаттиқ қучиб, ўпмоқда. Ҳолсизланган Райҳон: «Еб қўясиз-ей!» деб зорланмоқда. Ҳув этакда, шошқин сой бўйида «Райҳон-ув», деб дугонаси чақирмоқда. Кучли қўллардан бўшаган Райҳон: «Сиз жуда, ёмон йигитсиз-а, Бўронбек ака!» деб хумор кўзларини жовдиратмоқда. Ана, у тоғ оҳусидай, сойга чопиб энмоқда... Ана, Райҳон рўмолчасини силкитмоқда... Ана, икки сулув саватларини бошларига қўйганча икки четини наъматаклар қоплаган тор сўқмоқдан кетишмоқда...

Ер юзини қоронғилик чулғаганда ҳам Бўронбек хилват жойларда тентирамоқда эди. Момоқалди роқ ўкираётганини ҳам, битта-битта ёмғир томчилаётганини ҳам, сойнинг гумбирлаётганини ҳам, тун қушларнинг қичқираётганини ҳам эшитгиси келмас, ўзини қандайдир гаройиб бир оламда ҳис этар, гулларга фарқ бу оламда бояги манзара еру қуёш атрофида айланаётгандек айланарди.

У алламаҳалда, ёмғир шаррос қуяётганда, шалаббо бўлиб, аммо кўнгли гўзал ҳисларга тўлиб, гаройиб сайилдан қайтди. Ҳамма уйқуга кетган, фақат бир деразадан қизил шуъла кўзга ташланарди. Бўронбек шу нурли, кенг, узун хонага кирди. Тўрга ётиш учун учта жой солинган, ўртароқда — ноз-неъматларга фарқ дастурхон атрофида Уйғоқбек, Раҳмат полвон, Қудрат тегирмончи, Қаҳрамонбеклар гангур-гунгур гаплашиб ўтирардилар.

— Қаерларда тентираб юрибсан? — деди куйиниб Раҳмат полвон. — Тоза ивиб кетибсан-ку.

— Э... ҳа... Бўронбек дарҳол ўз хонасига ўтиб, уст-бошларини алмаштириб келди. Полвон билан тегирмончи меҳмонларнинг қадами қутлуғ келгани, ёмғир ёғаётгани, дон, ўт мўл бўлиши ҳақида пича гап беришгач, қўзғалишди.

— Яхши туш кўриб ётинглар, — дейишди кексалар ёмғирли тун қўйнига сингиб кетишаркан.

— Сизлар ҳам яхши туш кўриб ётинглар, — дейишди кузатувчилар ва ичкарига кирдилар.

Бўронбек: «Отам дўсти билан эртанги иш... тўғрисида кенгашадими дейман, тегирмонга эниб кетди», деб ўйлади.

— Ўрис ароғидан яна оз-оз ичмаймизми, Уйғоқбек оға? — деди Қаҳрамонбек Бўронбекка сирли қараб. — Сулувтошдан совқотиб қайтгандир, исиниб олади.

У Райҳонларнинг боғ уйларини назарда тутиб, Ўрдатошни Сулувтошга айлантириб, қочирик қилаётганини Бўронбек англади ва Қаҳрамонбекка совуқ қараб қўйди.

Ота-оналари уларни гўдак пайтларидан худони ўртага қўйиб, дўст тутинтирган бўлса ҳам, улар бир-бири билан юракдан гаплаша олмасдилар. Бунга нимадир, балки руҳий қарашларининг бир-бирига тўғри келмаслиги тўсқинлик қилармиди. Балки, бунга ўзини ҳуснда, ақлда тенгсиз ҳисоблаган Қаҳрамонбекнинг аёлларга ўчлигию тамагирлиги; кучда, билимда ўзини устун ҳисоблаган Бўронбекнинг бетгачо-парлигию дағаллиги имкон бермас. Хуллас — улар бир-бири учун қоронғи чангалзор эдилар. Лекин ҳар иккови ҳам оталарининг беғараз дўстлигига ҳавас қилардилар.

— Кўнглим бўлинг-э, Қаҳрамонбек ука! — деди Уйғоқбек қизил парда тутилган дераза рахидан бир шиша ароқ олиб ўртага қўяркан. — Тўйларингизда ичармиз, деган ниятда бир туя ароқ олиб келганман.

— Яшанг, Уйғоқбек оға, яшанг!— Қахрамонбек қизларникидай нозик ва чиройли кафтларини бир-бирига ишқади. — Бў сабил одамни анча сархуш қиларкан. Урганиб қолинса, бошга бало бўладими, дейман-да. Худо кўрсатмасину, Уйғоқбек оға, худди шундоқ ароқ Урта Осиёда ҳам ишлаб чиқарилса борми, уйимиз куйди деяверинг. Бунга ружу қўйган маҳлуқ ота-онасини ҳам, имонию динини ҳам унутиб юбориши мумкин.

— Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ шекилли.

— Шундоқ нарсалар бўладики, истасанг-истамасанг урфга айланиб кетади. Уни ҳеч қандоқ куч ё ақл тўхтата олмайди.

— Қайдам, ука. Келинг, яхшиси, ичайлик.— Уйғоқбек пиёлаларга тўлдириб-тўлдириб арақ қуйди, бўшаган шишани эса бурчакка юмлатиб юборди.

Бу — Бўронбекка ёқмади. У отасидек саранжом-саришталикни ёқтирарди. У шишани ошхонага олиб чиқиб, қутига солиб қўйди.

Учовлон бир шиша арақни ичгач, ечиниб ётишди. Шам липиллаб ёнмоқда. Уйғоқбек билан Қахрамонбек дарҳол ухлаб қолди. Бўронбек эса хона деворларига илинган дўлаңа гулли гиламлар, ранг-баранг хуржинлар, Самарқанд нонлари, милтиқ, қиличларга негадир бир-бир қараб чиқди. Ҳаммаси гўзал шарқона дид билан жой-жойига осилгани учун хона афсонавий бир тарзда яшнаб турарди. Лекин Бўронбекни бу қизиқтирмас, унинг хаёли Райҳонда эди. У ташқарида осмонни тилкалаётган момоқалдироқ хуружини ҳам, деразаларга шатур-шутур урилаётган ёмғир товушини ҳам эшитмас, негадир фақат Райҳон тўғрисида ўйларди...

(Давоми келгуси сонда)



Қ. БАШАРОВ «Ғалаба» триптихидан кўриниш.



Рамз Бобожон



МИНГ БИР  
ЖУРНАЛ

ПОЭМА

Муқаддима

Москвадан учган самолёт 9 соату 50 минутдан сўнг Токиога қўнди. Аэропорт денгиз соҳилида турарди. Унинг манглайида гўё нурдан гул қадалгандан иероглиф парпираб ёнарди. Бу, Токио, яъни шарқий пойтахт дегани экан. Узоқ Япония тупроғидаги кезишларим шу ердан бошланди.

Куз ҳавоси бир-икки кун заҳрини сочиб, хўмрайгандай бўлди. Оз-моз ёмғир ҳам шивалаб ўтди, серҳашам кўча безаклари кул босган кўрдай ич-ичидан йилтиллаб, базўр кўринарди. Иккинчи куннинг охирида шу ердан қўшилган ҳамроҳим мени мўъжазгина бир кўргазма залига олиб борди. Остонага оёқ кўяр-қўймаз рўпарада афтидан толстойнамо (японларда бундай кишилар кам учрайди) серсоқол бир чолнинг портретини кўрдим. Ҳамроҳим, бу кўрғазманинг шоир Кодо Роҳин ижодига бағишланганлигини айтди. Мен ундан «Бу ёзувчи элга таниқлими?» деб сўрадим. «Йўқ, унчалик эмас,— деди бояги ҳамроҳим,— энди машҳур бўлаяпти». Найлай! Ийманиб туриб, яна савол бердим: «Ёши ўтган кўринади...». «Наинки, ёши, ўзи ҳам ўтган...», деб жавоб берди-ю, яна қўшиб қўйди,— ҳа, дунёдан ўтганига ўттиз-ўттиз беш йил бўлди, саксон етти ёшида...» Бир нафас ҳар иккимиз ҳам жим қолдик, сўнг, мен унга, яна бир нима сўрагудай бўлиб, назар ташладим. «Ҳар жойнинг ўз удуми, ўз урф-одати бор. Бизда, Японияда шундай — шоир зоти ўлгандан сўнг танилади, унгача уни ҳеч ким билмайди...». «Наҳотки шундай бўлса, олдиндан оққан сувнинг кадри йўқдай!» деб қўшиб қўйдим. «Ҳа, деди гапида давом этиб,— ўлим шоирга шуҳрат келтиради, қашшоқ шоир қўлёзмалари дарҳол нодир ва ноёб нарсага айланади, бадавлат кишилар уни сотиб оладилар. Қайта-қайта нашр қилинади, ёлланган танқидчилар жар соладилар, кўргазмалар ташкил этилади, мақтовларга ниҳоя бўлмайди. «Ҳаридоргир» китоблар бозорни тўлдиради, қўл-қўлга тегмайди, қарабсизки, фойда устига фойда! Шундай қилиб, аллакимларнинг манфаати туфайли шоир эл оғзига тушади... «Қалай?!». «Даҳшат!!!» — дедим. «Сизларда бундай бўлмаса керак» деб, ўз сўзини муҳтасар қилиб қўйди ҳамроҳим.

Уша кун шундай таассурот билан меҳмонхонага қандай етиб борганимни билмайман. «Дарахт ўз бўйини қўлаганда кўрсатади» деган халқнинг ҳикмати йўл-йўлакка ёдимга тушди.



Хиросима... Тинчлик хиёбони... Илк марта портлаган атом бомбасидан ҳалок бўлган бир қиз ҳайкали ёнида турганимда ўша кекса шоир кўз олдимдан ногаҳон ўтди. Нега бундай бўлди? Бу қанақа сир, англай олмадим. Садако! Шўрлик япон қизи — бегуноҳ гўдак, негадир, нотовон қалам соҳибини яна эсимга солиб қўйди... Таажжуб... Хайронман-хайрон!..

Мана, Садако ҳайкалига илинган қоғоз турналар шодаси! Минди-минди!.. Наҳотки, ўлим ҳамласидан майиб, ногирон қизни қоғоз турналар халос эта олса?! Эзгулик туморлари бўлиб кўринган нарса фақатгина эътиқод, халқ эътиқоди бу! Ҳа, аслида эътиқоддан зўр туйғу, кучли бир нима борми?!

Яқин-яқиндаги Хиросима фожиаси, ўтмиш сабоқлари, эҳтимол, энди ўликлар эмас, тириклар учун керакдир. Бир ярим килограммли «ўйинчоқ»лар келтирган бир дунё кулфатни башарият ҳеч қачон унутолмайди, унутишга ҳаққи ҳам йўқ! Асрий ривоятларда, диний ақидаларда куйланган жаннат ҳам, дўзах ҳам шу дунёнинг ўзида эмасми? Уруш деса, муккасидан кетган, жазавасти тутиб, қилич яланғочлаганлар қонли майдонгина эмас, гўзаллик гулшани ҳам борлигини билмасалар, буни уларга кекса шоир шеърляти, ҳалокатга маҳкум қиз ҳайкалига олиб келиб қўндирилган қоғоз турналар айтиб турибди-ку! Ҳолбуки, тилсиз тошга айланган мурғак Садако, мен кўрган суратдаги серсоқол қария Кодо Роҳин бир вақтда, бир тупроқда яшаб, бир-бирларини кўрмаган бўлсалар ҳам, улар тақдирида юз берган фожиа, бир кун, бир дақиқага тўғри келди. Начора! Ҳаёт нашъу намосини бири оз, бири кўп тотиган бўлса ҳам, бари бир улар бир тақдирнинг икки соҳибидай умр кечирдилар. Бу уларнинг ҳар иккисига бир умид, бир орзу-ҳавас бахш этган десам, адашмайман! Мана шу муқаддас умид ва ишонч туфайли улар ҳаммиша барҳаёт!

Бу эса гўзаллик жамолига, инсон қамолига, ҳаёт латофатига, йиллар саховатига тўймай ўтганлар умиди эмасмикан?!

## Бағишлов

Невара боқмаган бағритош,  
каттол,

Қайдан билсин бола қадрини,  
Ниҳол атрини!..

Эл оғзида юрар бир мақол:  
«Мағзи ширин мевасидан ҳам...»  
Керакми ҳакам?

Ҳакам десанг, мана мен ўзим,  
Гувоҳ десанг, гувоҳдир сўзим,  
Чароғ десанг, чароғдир кўзим,  
Кўрганингни фарқлай олмасанг,  
Билганингни шарҳлай олмасанг!..

Мўъжиза  
Мўлжалда кирди уйимга,  
Бир бўй қўшилгандай бўлди  
бўйимга...

Кучоқ очди қувончга-қувонч,  
Қувонч кийди гўё олтин тож!

Беланчакда ётар неварам,  
Умрим ҳосилидан бир ўрим  
гарам —

Бир парча этдай,  
Йилт этган ўтдай...  
Атрофда кўклам,  
Гуллардан гилам...

Қилиқ,  
Қийқириқ,  
Лабида илиқ

ним кулки —

Инсон кўрки,  
Гўдаклик мулки...

Беланчак —  
Ёрқин келажак,  
Ҳали тик қаролмас  
Нурга,  
Нигоҳида андиша,  
ҳаё...

Муҳрланган янги умрга  
Дунё ва дунё,  
Умид ва ҳавас  
Қайнаб тошарди,  
Қирғоқ ошарди  
Диллардан,  
Тиллардан...

Қани,  
ҳей,  
менга боқ.

Меҳриғе,  
Ёниқ ёноқ,  
Кўзлари сиёҳ!  
Сен дунёга келдинг,

ногоҳ  
Такрорладинг гўё ўғлимни,  
Утган йўлимни,  
Узайтирдинг яна қўлимни...

Қароғимнинг оқ-қорасидай,  
Ўз боласидай

Севинч —  
 Нотинч,  
     мусибатга бермагандай гал  
 Юрагимда топади сайқал...  
 Ҳар кўнгилнинг ўз аъмоли бор,  
 Бахт-иқболи бор:  
 Бири нур таратар,  
 Бири боғ яратар,  
 Бири мисралардан тиклайди  
     хайкал...  
 Бириси ҳаромдан қилмайди ҳазар,  
     абадул азал  
 Бириси ҳалоллик кулфатин тортар,  
 Неварам!  
 Неварам!!!

Сен бахт бўлиб кирдинг уйимга,  
 Бир бўй қўшилгандай бўлди  
     бўйимга.  
 Кошкийди,  
     инонсам ўзимга-ўзим!  
 Сени кўриб, ёнарди кўзим,  
 Чашмадай жўшарди  
     дил-дилдан сўзим,

Меҳру муҳаббатим,  
 Саҳоватим —  
 Олий туйғулар,  
 Сўнмас инжулар...

Ишонаман,  
     камол топасан,  
 Катта йўлда баъзан чопасан,  
 Баъзан толиқасан, ҳордиқ оласан,  
 Баъзан чалинасан,  
     баъзан чаласан...  
 Баъзан хотирлайсан дарё бошини,  
 Зиёрат этасан қабр тошини,  
 Кўзингга ёш олиб,  
     балки сўйлайсан,  
     балки ўйлайсан,  
 Сукут сақлаб, тинглаганигни,  
 Лекин,  
     мен эшитмай инграганигни...  
 Мен эшитмай бирор нобоп сўз,  
 Сенга десин кўрганлар:

— балли!  
 Тикилмасин ҳасад тўла кўз,  
 Умринг кўчасидан ўтган маҳали...  
 Неварам,

    ёмонга ёндошма асло,  
 Гаразгўйдан ўзингни сақла!  
 Сени йўлдан урса мабодо,  
 Урганларнинг ўзин мажақла!  
 Кошкийди,  
     бу олис, паст-баланд йўлдан

Тоғ ошиб, чўққига чиққанингда  
     ҳам,  
 Сенга мадад бўлиб,  
     тутгандай қўлдан,  
 Кунингга яраса аччиқ тажрибам,  
 Ҳаёт китобидан қилган таржимам?!  
 Кошкийди  
     сен менда яшаган каби  
 Яшасам жонингда,  
 Армонингда...  
 Сен эртанинг ишонч,  
     матлаби,  
 Давомчимсан,  
 Қувончимсан,  
 Сенинг қонингда  
     жўш урар қоним,  
 Шуҳрату шоним!..

Тоғлардан оқади ирмоқ-ирмоқ сув,  
 Дарёлар қуйилар она-денгизга.  
 Тиниқ кўкдан ёғилган ёғду  
 Файз қўшади дала-ю тузга...  
 Ҳаёт шундай этади давом,  
 Кўҳна дунё тиниб-тинчимас!  
 Мабодо бир кеча тарк этса илҳом,  
 Эртадан умидвор кўнглим  
     инжимас!

Ҳаёт яна этади давом,  
 Ўрмонзор қулф урар,  
     гуркирар тупроқ,  
 Кундуз кечга йўллайди салом,  
 Тонготарга юлдузлар илҳақ,  
 Қўл мавжидай даврама-давра  
 Наслу насаб ўтар,  
     қон қалбда тинмас!

Невара,  
     чевара,  
     ҳатто эвара  
 Парвоз этаверар,  
     қаноти синмас!!!  
 Ҳаёт давом этади шундай!  
 Ақлдан мабодо, озса-ю биров,  
 Даврани бузмоқчи бўлса ўйиндай  
 Беомон,  
     беаёв,  
 Мана,

    мен борман,  
 Бағримда асрашга сени,  
     тайёрман!  
 Баралла айтаман жаҳон томидан,  
 Халқлар номидан:  
 Қўрқма,  
     қароғингга қалқимасин ёш,  
 Томоғингга тикилмасин тош,  
 Эй, нури дийдам!  
 Сўзингдир сўзим,

Кўзингдир кўзим,  
 Узингсан ўзим,  
 Жигарим,  
 севарим,  
 Неварам!  
 Дард чекканга дармонман,  
 Суянчиқман,  
 соябон,  
 Боғ деганга боғбонман!  
 Кечикканга чароғбон!

## 1

Ёмғир қуйиб ёғар. Токиода ёмғир...

Ёмғирдан серҳашам кўчалар оғир.  
 Бу кеча олисман она юртимдан,

Ёмғир шовдирайди ҳатто  
 муртимдан.

Бетинч,  
 бесаранжом Гинза кўчаси  
 Шамолу ёмғирдан ўша кечаси.  
 Ойнабанд уйларга уриб ўзини  
 Ёмғир чиқаргудай бўлар кўзини,  
 Деворни қиялаб забтига олар,  
 Томни кўчиргудай аюҳаннос  
 солар...

Рекламалар учар,  
 учар варақдай,  
 Ёмғирнинг таги мўл,  
 челақ-челақдай...  
 Томчилар сачрайди тошлардан-  
 тошга,  
 Тошдан ҳам баттарроқ тегади  
 бошга.

Тегеди мисоли темир парчадай,  
 Ҳолбуки урушга алла қанчадай...

Билмадим,  
 бу элда баҳорми, хут-ют?  
 Очилган зонтикми ёки парашют?

Йўлга оёқ қўйсанг,  
 тойиб кетасан,  
 Қалтис йўл ортингга тортса,  
 нетасан?!

Ортингга боқдингми, талай  
 вайрона,  
 Олтин маъбудалар қолмиш  
 ордона....

Ёмғирми  
 бу ёққан ёки кўз ёши,

Ё, балки, отилган ўч,  
 алам тоши?!

Токиодан жўнадим ўша кечаси,  
 Ёдимда алвонранг Гинза кўчаси;

Ёмғир забтга олиб, ёғди беармон,  
 Ёмғирга чайилган нурлар  
 напармон.

Булутлар тагидан юлдуз томчилар,  
 Қора ер қатини ёмғир қамчилар.

## 2

Тонготардан жўнадим,  
 Йўл-йўлакай тунадим,  
 Кўкка боқсам гард йўқдай.  
 Поезд учарди ўқдай...  
 Бир вазн ҳоким,  
 бедор:

«То-кио —  
 Кио-то,  
 То-кио —  
 Кио-то...»  
 Такрор ва такрор!

Сенга келдим узоқдан,  
 Олтин унар тупроқдан,  
 Қалайсан, омонмисан,  
 Беғараз мезбонмисан?  
 Эски пойтахт, ассалом!  
 Янги пойтахт вассалом!

Йўл,  
 йўл эмас,  
 бир китоб,  
 Воқеалар беҳисоб...  
 Кошкийди, варақласам,  
 Йилларни сўроқласам,  
 Ҳар варақда минг лавҳа,  
 Барига бир сарлавҳа,  
 Инсон руҳи, тақдири,  
 Тақдирларнинг тасвири...

Яна давом этаман,  
 Бекатлардан ўтаман.  
 Бекат десам, бекатмас,  
 Эркин қушга бир қафас,  
 Балки олдинда омад,  
 Ортада эса қиёмат...

Поезд учиб борарди,  
 Тун бағрини ёрарди...  
 Гилдираклардан нидо:  
 То-кио-Кио-то-То-кио-Кио-то...

## 3

Қадим Киотода сирли бир сарой  
Дарёдан нарида, тепа қуйида...  
Мисоли садақа сўраган гадой  
Зорланиб турарди йўлнинг бўйида.  
Ногоҳ оёқ қўйсанг, нохуш хабардан  
Қалтирарди

гўё деволу тоши,  
Император нотинч хавфу хатардан,  
Эҳтимол, олтинга сотилган боши.  
Йиллар ўтиб кетди, хувуллаб ётар,  
Бўм-бўш сарой ичи,

салтанат кечи...  
Наҳот, юракларга ўч тоши ботар!  
Қинидан чиқдими қаттол қиличи?!  
Забтига олдами босқинчи насли,  
Айғоқчи кўзларда гулу,

ҳаяжон...  
Макондами ёки Сегунда қасри  
Бевақт  
ёв зарбидан бўлмаса вайрон?!

Ҳаёт қил устида турарди гўё,  
Ғанимат кўринар эди ҳар нафас.  
Киото саройи нурсиз, зим-зиё,  
Ўтмишидан арёз,

қалбида ғараз,  
Зорланиб турарди йўлнинг бўйида  
Мисоли садақа сўраган гадой...  
Дарёдан нарида, тепа қуйида  
Сирли Киотода қадим бир сарой.

## 4

Тушми ўнг,  
чинми ё ҳазил?

Ёки бир хаёл...  
Ёнган чироқ яшилми,  
қизил?

Таажжуб савол!  
Электричка учади ўқдай,  
Манзил аниқ,  
йўл эса равон...

Юракларда ўч,  
қасос йўқдай,  
Фақат ҳаяжон...  
Уй сураман,

тортаман вазмин  
Машъум тарих тарозусида,  
Тақдирнинг тонг қоронғусида  
Ёруғ куннинг сезаман вазнин,  
Келтираман дил-дилдан имон  
Башарият истиқболига!

Йўл юраман,

Жавоб излаб,

ошаман довон,  
вақт саволига!

Хиросима!

...Устма-уст қалашган

О, Хиросима!  
уйлардан холи,  
Туманга ўраниб турар бир сина —  
Қоя тоғ

мудраган Будда мисоли...  
Кўз илғар-илғамас

олис-олисдан  
Хира кўринарди,

тиниқлик йўқдай.  
Шаббода эсарди нотинч денгиздан  
Пўписа,  
дўқдай...

Машиналар дарёдай оқар,  
Сув босгандай кўча юзини...  
Туман аро кун қалқиб боқар,  
Баъзан азиз тутар ўзини.  
Трамвайнинг дугасига боқ,  
Қийик шоҳин эслатади у!  
Вагонлар эскирган,  
оқарган бўёқ.

Арвоҳдай туйғу...

Хиросима!

О, Хиросима!  
Ҳорғин нафас оларди оқшом,  
Тинчлик кўприги гўё бир кема,  
Дарё тиним билмас,  
дарё беором...

Тинчлик хиёбони,

Тинчлик кўчаси  
Олис-олисларга сингиб кетарди,  
Шўрлик Хиросима ўша кечаси,  
Кўз олдимдан йиғлаб ўтарди.

## 5

Начора!

Бу қўрқинч,  
дахшатли лавҳа  
Данте хаёл қилгандан баттар...  
Дўзах китобига қора сарлавҳа,  
Ҳар қадамда минг хавф,  
минг хатар!..

Тафаккур таф тортар,  
керакми савол?

Ўзига сиғдира олмайди ақл...  
Начора! Освенцим фожиаси лол,

Бухенвальд аянчли эски бир нақл!  
Осмон ағдарилган,  
ер тўнтарилган.

Балки,  
дажжол чиққан,  
қиёмат-қоин...

Дунё ўз қонига қорилган,  
Нега жавоб бермайди хоин?!  
Ўттиз йил ўтди-ку ўшандан бери,  
Ўттиз кун ўтгандай хаёлда  
ҳамон...

Қай томон тушмасин кўзимнинг  
қирини,  
Аланга олади қўпгандай вулқон...  
Ҳамон ташна лаблар сув сўрайди,  
сув!

Бир қултум сувга зор,  
бир қултум сувга...  
Ҳатто баҳри муҳит қуригандай-ку,  
Сувсизликдан Тайфун келар  
ғулуга!

Ўттиз йил ўтса ҳам,  
ўттиз кун каби  
Олов учқунлайди океан ортидан.  
Ҳамон кўз олдимида гўдаклар лаби  
Қалтирар безгақдай  
НАТО шартидан...

Ҳамон келажакка атом бомбаси,  
Водород бомбаси қазимоқда чоҳ...  
Чақалоқ оғзида она «мамма»си,  
Наҳотки, пажмурда қолади, эвоҳ!  
Ўттиз йил ўтса ҳам, Хиросиманинг  
Танидан ўчмайди даҳшатнинг  
доғи!..

Ҳолбуки,  
пайтидир аччиқ таънанинг!  
Ҳолбуки, табаррук хоку тупроғи!  
Шўрлик Хиросима!

О, Хиросима!  
Янги уруш дағдағасидан  
Ғазабин ичига кетиб,  
бир нима —  
Деёлмай,

қон тўлиб икки кўзига,  
Гўё элчихона бўсағасида  
Керосин ағдариб ўзи-ўзига  
Ўт қўйгудай турарди, ҳайҳот!  
Бенажот.

## 6

Жаҳаннамдан бир сабоқ,  
Данте, балки, садақа...  
Япон қизи, қизалоқ,  
Садако, Садако!

Сен меҳри гиёҳимсан!  
Мисраларим қатида —  
Қуримас сиёҳимсан!  
Турналар қанотида  
Кўкка чиққан оҳимсан,  
Садако, Садако!

Ўзинг тортдинг азобин,  
Ҳали дўзах китобин —  
Ўқимай,  
варақламай!..  
Юлдуздай чарақламай,  
Куйиб,  
қорайдинг, эвоҳ!  
Тақдирингда не гуноҳ?!

Ҳали кўксинг тор эди,  
Эркалашга зор эди,  
Ўзингни тек тутсанг ҳам,  
Болалигинг бор эди,  
Садако, Садако!

## 7

Уйлар уй устига қалашиб ётар,  
Бир-биридан баланд ва кўркам,  
Ҳайкалдай тик,  
бир саф,

бир қатор,  
Бамисоли ўчиб ёнган шам...  
Қани?

Қайда қолди машҳур  
воронка —  
Жаҳаннам ўпқони,  
дўзахнинг оғзи?

Беқиёс аланга,  
Машъум кўланка,  
Чеҳрангдаги чандиқ —  
қалб эътирози?!

Йўқ!  
Йўқ, унутилмас!

Ёмон кун гўё  
Қора тошга ёзилган дастхат...  
Эвоҳ! Унутишдан борми бир маъно,  
Ғам,

алам қат-қат!..  
Йиллар ўтган сари тиниқ тортар у,  
Узоқ-узоқлардан кўрингандай тоғ...  
Хотира,

хотира энг яхши кўзгу,  
Зулматли йўлларда ёқилган чароғ...  
Мана,  
кўз олдимида девдай мемориал, —  
Мангу бир армон...  
Нақадар ранг-баранг,  
нақадар гўзал,

Дарё ёқалари,  
    бағри кенг майдон.  
 Қулоқлар «динг»,  
    юраклар интиқ  
 Ширин хаёлга...  
 Кўзлар,  
    кўзлар боқади илиқ  
 Бир ўлиб тирилган соҳибжамолга...  
 Хиросима,  
    о, Хиросима!  
 Бу, сенсан!  
    Сенинг тақдиринг —  
 Садаке тақдири,  
    майиб, нотовон...  
 Турналар бошингда чарх урад  
    ҳамон,  
 Севгинг,  
    асиринг!..  
 Найлай!  
    Хаёлимдан кетмайди асло  
 Тош қотган аёл...  
 Ҳар тошда бир савол,  
 Ҳар тош муаммо!..  
 Сенсан таржимоним,  
 Ҳақгўй забоним,  
 Виждоним,  
 Армоним,  
 Туғёним —  
 Садако!  
 Садако!!  
 Садако!!!

## 8

Шодман!  
 Ҳамкасб чиқиб қолди ҳамроҳим,  
 Билдирди-ку, билмаганимни,  
 Гоҳ жойимдан жилмаганимни —  
 Пайқаб,  
    кўкка чирмашди оҳи...  
 Найлай!  
    Кўрганимга гувоҳман,  
    гувоҳ!..  
 Айтай десам, айланмас тилим,  
 Айтмай десам, куяди дилим,  
 Юз бергандай бевақт бир гуноҳ...  
 Япония бир пой этикдай  
 Тинч океанда қалқиб турарди.  
 Манглайда қора битикдай —  
 Тушида ҳам уруш кўрарди.  
 Кимлар унга солмади ғавғо,  
 Кимлар уни қўлга олмади?!  
 Наҳотки,  
    Берлин —

Рим —

Токио

Дайди ўқдай эсда қолмади?!  
 Ким босмади қонли бағрига,  
 Ким ўпмади Иуда бўлиб...  
 Ким тортмади ернинг қаърига  
 Эркалаб,  
    суюб...  
 Хубилай!  
 Самурай!..  
 Тайфун турди айни тонготар,  
 Камикадзе қамчинин босди.  
 Ёв йўлида туғилди хатар,  
 Қути ўчиб, ақлидан озди...  
 Япония тилларда дoston,  
 Денгиз мўғизи,  
 Қуёш оромгоҳи,  
    қуёшга макон,  
 Қуёш илдизи...  
 Йиллар ўтди,  
    даҳшатли йиллар,  
 Эсга солиб қўйди ўтмишни...  
 Ўтмишнинг дамидан  
    кесилган тиллар  
 Тилга кириб,  
    сўйларди тушни,  
 Машъум ўтмишни...  
 Хиросима!  
    О, Хиросима!  
 Сен ёнганда сен билан ёнди,  
 Даҳшатдан тонди  
 Бутун эл,  
    ризқи рўз,  
    нону насиба...

Миллатми?  
    Фарқи йўқ!  
    Зоя,  
    Насима...

Волгадан тортиб,  
    то Одерга қадар,  
 Сталинградни айтмай қўяқол!  
 Ҳар қадамда жумбоқдан баттар  
 Чигал бир савол,  
 Хиросима!  
    О, Хиросима!!!

Хотирадан ўчмайди асло  
 Учмагандай юздаги чандиқ,  
 Кўчирсанг ҳам, кўчмайди асло,  
 Йилномага михланган янглиғ  
 Асрий лаҳза,  
    асрий фожиа!!!

## 9

Кеч кирди...  
    уфқ қонталаш...  
 Одимладик меҳмонхонага.  
 Ҳамроҳим индамас,  
    балки кўнгли ғаш,

Балки,  
сўз тополмас баҳс,  
баҳонага...  
Иккимиз жим эдик,  
сукунат ҳоким...  
Ой чироғ ёқди кўк кошоносида.  
Бир дам оёқ қўйиб,  
тўхтадик ҳорғин  
Меҳмонхона остонасида.  
— Қалай, қўрқмайсизми,  
— деди ҳамроҳим,  
Хайрлашиб туриб зинада.  
Наҳотки, ўзгарган бўлса сиёғим?!  
Тунадим ўша кун Хиросимада.

## 10

Ҳамроҳим кетди-ю,  
мен қолдим ёлғиз,  
Елғиз қолдим ўз ўйим билан...  
Деразадан қарардим сўнгсиз  
Олис-олисларга бор бўйим билан..  
Прожекторлардан ёғиларди нур,  
Тинчлик хиёбони шуълаларга фарқ.  
Баъзан хаёл алдарди, қурғур,  
Лавами,  
шуълами этолмасдим фарқ!  
Тошлардан-тошларга ўрмалаб,  
бирдан  
Худди заҳар-заққум сочиб еларди,  
Аждаҳо сингари ҳамла қиларди,  
Бошини тик кўтариб ердан...  
Тикилардим...  
хаёл сурардим...  
Эвоҳ! Рўпарамда қаққайган мўри...  
Атом харобасин кўриб турардим,  
Хиросима —

асримиз шўри!..  
Дарпардани туширдим дарҳол,  
Кўрганларни гўё унутдим.  
Овунчоғим бўлди ўй-хаёл,  
Тонготарни зориқиб кутдим.

Мана,  
Йиллар ўтди, тикланди шаҳар,  
Тикланмади ер тишлаган жон...  
Хонам исиб кетди,  
бўғилдим сахар,  
Август

августлигин қиларди ҳамон.  
Дарпардани кўтардим яна,  
Шаббода айланди хонам ичида,  
Август кечида..  
Теварак хомуш,  
Юлдуз парвона...  
Аллақайдан келди бегона,

Бегона товуш,  
— Кўрқма,  
қардошим!  
— Йўқ! йўқ!  
Етар бардошим!!!  
Мижжа қоқмай ётаман уйғоқ,  
Порлайди чироғ,  
чироғ,  
чироғ!!!  
Хиросима!  
Сенга ҳамдамман,  
Ҳамдард,  
ҳамнафас...  
Яхши ният билан келган одамман,  
Қутлуғ қадамман,  
Менда йўқ ғараз!  
Деразамдай  
ланг очиқ кўнгил,  
Илож топсам, бағримга босай!  
Хиросима,  
тутинган сингил,  
Сенга мисралардан гулдаста ясай!  
...Хаёл олиб кетди узоқ-узоққа,  
Англолмадим ўнгимми ё туш!  
Деразамдан учиб кирган қуш  
Илинмади аммо тузоққа...  
Хонам  
хона эмас,  
гўё бир олам,  
Учарди оқ турна,  
оппоқ турналар...  
Езай десам, юрмасди қалам,  
Қалбим қийналар...  
Найлай!  
Чарчадимми,  
ҳолдан тойдимми?!  
Кўзим чалиндими маккор уйқуга,  
Кеча булутлими ёки ойдинми,  
Чехраси тўлами нурга,  
кулкига?  
Деразам очилган, уй ичи салқин,  
Учарди оқ турна, оппоқ турналар...  
Оғзидан ўт сочиб киргандай  
қузғун,  
Дуч келган турнанинг  
бошин қиймалар...  
Водариг!  
Нур ўчиб, босди кўланка,  
Бу қандай бадбахтлик,  
саросима кун?!  
Яна кўз олдимда машъум воронка,  
Хиросимада ёнғинми, ёнғин!  
Аждар нафасидан бурқсирди тутун,  
Нафас олай десам, етмайди ҳаво!  
Киприк қоқай десам,  
сачрарди учқун,

Қандай бедаво!

Бўғилардим,

ёнардим, ўтда.

Ўт ичида қийналарди жон...

Нажот излагандай учар ер-кўкда

Оқ турналар —

бағри қора қон,

Бағри қора қон...

## 11

Эшик тақиллади,

кўз очсам бирдан,

Рўпарамда таниш ҳамроҳим...

Ёстуғим хўл эди қопқора тердан,

Бўлмасайди, кошки,

гувоҳим!..

Босинқираб қолибман, найлай!

Ўт ичида, саросимада...

Начора!

сўрарди: — Қалай,

Ухладингиз Хиросимада?!

## 12

Муҳаббат,

бу, қайта туғилиш,

Қайта кўриш дунё юзини.

Муҳаббатнинг йўли уриниш...

Айта олса,

кошки, сўзини!

Муҳаббатнинг кўзи кўр эмиш,

Тили соқов, қалби оташдай!

Пешонаси, лекин шўр эмиш,

Орзулари олтин баркашдай!

Муҳаббат,

бу, баҳор туйғуси,

Назокатдан тугади куртак.

Муҳаббат,

бу, юрак кулгуси,

Юрак дарди, гўёки, эртак!..

Бахти кулиб, қовушар қалблар,

Бир оила — бадавлат ва тинч...

Эҳтиросдан ёнади лаблар,

Теваракни тугади севинч!..

Бир оила, бир уруғ-аймоқ,

Бир мамлакат, бутун бир жаҳон —

Тотувликда яшаса,

олчоқ,

Оч кўзлардан тирқирайди қон!..

Боғдан-боққа бол ташир ари,

Гулзор ичи эса муаттар...

Варақланмай севги дафтари

Наҳотки, ер ютса, алҳазар!

Йўқ! Эрта-кеч онаизоринг,

Ёнгинадан жилмай бир қадам

Дейди: «Қизим, эккан ниҳолинг

Барг ёзганча йўқ ҳали кўркем!..

Кўзингни оч, ўссин қулф уриб,

Яхши ният, дерлар, ярим мол...

Еллар эссин нафас уфуриб,

Соясида сен сургил хаёл...

Кўзингни оч, ўлимга дош бер,

Ўлим сени энга олмайди!

Шум хабарни тинглай олмайди —

Қучоқларим...

қучоқ очиб кел!

Сен билмайсан ҳаёт тотини,

Ўзга лабга тегмаган лабинг!

Эвоҳ! Севги тароватини —

Билганми ҳеч бечора қалбинг?!»

## 13

Онаизор безовта,

нотинч,

Японияни кезиб чиққудай!..

Юрагида алам ва илинж,

Ўлимларни энгиб,

ийққудай!..

Даво қидиради,

қизига даво!

Йўлдан қайтмайди,

Ҳайиқмайди —

Ҳеч нарсадан,

Ҳеч кимсадан!

Мабодо

Дуч келса Садди Искандар,

Ундан ҳам ошади,

Қайнаб тошади,

Ўзлиги шу,

Ўзсўзлиги шу,

Ҳатто

тонг-саҳар!

Садако ҳамон

Нотовон

Ҳаётга илҳақ,

Кўзи тўрт!..

Умр ипи мўрт,

Ўзилса-узилгудай,

Ҳижо бузилгудай...

Наҳотки, ноҳақ!

Йўқ!

Онаизор

Ҳали умидвор.



Кизининг дардига даво топади,  
 Излаб, чопади...  
 Сигинади буюк Буддага,  
 Шоккои-Мунидан мадад сўрайди.  
 Баъзан қўл чўзади «эзгу тўда»га,  
 Қора кийиб, қора ўрайди...  
 Муқаддас даргоҳга бош қўяди,  
 бош,  
 Ёлвориб тўкади кўздан аччиқ ёш...  
 Қани, ҳей,  
 қайдасиз, азиз-авлиё,  
 Тангри элчилари,  
 худобаччалар!

Садако онаси, сизга илтижо,  
 Сиз учун эътиқод қанча-қанчалар!..

Ромчилар келади ромчи кетидан,  
 Фолбинлар очади Садако фолин,  
 Тутатқич олгандай юрак ўтидан,  
 Сўйлаб кетар бахту иқболин...  
 Она сигингани

тошми ё ҳайкал?  
 Мусибат дарахтин юзга суртади.  
 Алломалар йўлида маҳтал,  
 Имон келтиради,

ногоҳ йўртади.  
 Садакони кўради хушнуд,  
 Ромчилар ромида,  
 фолбин фолида.

Азоблари бўлади унут,  
 Не кутади тақдир,  
 толеда?..

Дейдиларки, Садако учун  
 Минг турна шарт,  
 қоғоз турна шарт!..

Саломатлик, эҳтимол, соврин,  
 Уни олса, тандан арир дард!

Онаизор ўзида йўқ, шод!  
 Қизил гулдай босар қучоққа,  
 Орзулари қоқади қанот  
 Йироқ-йироққа...

Хаёлида дард ариб тандан,  
 Қиз жилмайиб, топади камол.  
 Бир қучоқ гул териб чамандан,  
 Онасига кўрсатар жамол.

Эгнидаги келин сарполар  
 Ярашгандир басту бўйига.

Сандиқлардан чиққан матолар  
 Ярагандай никоҳ тўйига...

Ушалгандай она орзуси  
 Кўрсам дейди, кошки, неvara...  
 Хираланмай кўнгил кўзгуси  
 Майлига, қанчалар бўлса овора!..

Хаёлида неvara,  
 неvara,  
 неvara...

Она ҳорғин,  
 она қийналар,  
 Ва лекин қизига тилар эди бахт...  
 Оқ турналар,  
 қоғоз турналар  
 Учишарди гўёки карахт...

## 14

Оқ кема, оппоқ кема  
 Тун қўйнида сузади.  
 Турнани қоғоз дема,  
 Юлдузлардан ўзади.

Сен қайдасан, жонгинам,  
 Сўроқлайман боғма-боғ...  
 Оқ турнам, қоғоз турнам,  
 Учиб юрар тоғма-тоғ...

Оқ булут, оппоқ булут,  
 Оқ булут таги тиниқ!..  
 Кошки, бўлса дард унут,  
 Она ер руҳи синиқ.

Сен қайдасан, жонгинам,  
 Наҳотки, дил тонади?!  
 Оқ турнам, қоғоз турнам  
 Ут ичида ёнади...

## 15

Садако, Садако!  
 Янграр акс садо,  
 Олис-олислардан келдим сўроқлаб.  
 Сени тополмадим тириклар аро  
 Китоб варақлаб!

Сени изладиму, кета олмадим,  
 Чироғлар нуридан кўзим қамашди.  
 Турна саноғига ега олмадим,  
 Ақлим адашди...

Сен йўқсан! Совуқ тер босди-ю,  
 этим —  
 Жимирлаб кетгандай бўлди бир  
 нафас.

О, сенсиз турналар қолди-ку етим,  
Япония қафас.  
Таъзия вазнида хазин бир туйғу  
Вайрона қаъридан ингради,  
тинди...  
Асрий фожиадан даракчи бурғу  
Бонг урди, синди!  
Турналар учади,  
учади ҳамон  
Ҳайкалнинг устида қоғоз турналар.

Ешлик йилларидан мангу бир  
армон  
Енган сийналар...  
Турналар учади,  
турналар оппоқ,  
Турналар рангидан тиниқ осмоним.  
Минг бири учади  
солиб арғимчоқ,  
Бириси дostonим,  
Менинг дostonим!

## Сўнг

Йўл юриб,  
йўллардан терилган ризқ-рўз —  
Дилсўз,  
Эзгу хотира,  
Бокира...  
Бир нафас унутмоқ уни гуноҳдир!  
Ҳар қадам муқаддас,  
зиёратгоҳдир...  
Манзаралар гўё телеэкран,  
Туйғулар теран...  
Тафаккурда ёниқ нуқталар,  
Ёниқ десам,  
лойқа,  
бўтқалар...  
Қирғин-барот,  
уруш азоби,  
Садако қалбининг мунгли хитоби:  
«Одамлар,  
одамлар, бўлингиз огоҳ,  
Даҳшатли ўтмишдан кўз юммоқ  
гуноҳ!»  
Осмонга боқаман,  
ерга боқаман,

Дарё бўлиб,  
яна оқаман,  
Қовжираган боққа кираман,  
Атом қазилган чоҳга кираман,  
Ухласам, уйғониб кетаман ногоҳ,  
Қичқираман:  
«огоҳман, огоҳ!»  
Япония тақдири —  
халқлар тақдири,  
Уфққа интилган бахтлар тақдири.  
Одам тақдири,  
Олам тақдири!..  
Хиросима,  
қулоқ сол,  
қулоқ:  
«Уруш,  
тум-тароқ —  
Кечаги хато  
Такрорланмас ҳеч!  
На эрта,  
на кеч,  
Асло  
ва асло!!!»

Бундан бир неча йил бурун менинг «Ҳиндистон онаси» ва «Ҳайёмнома» номли поэмаларим «Шарқ юлдузи» журналида босилган эди. Улар сюжет тузилиши эътибори билан бир қарашда бири-бири билан муштарак эмасдек кўринади. Шунга кўра бу поэмалар алоҳида-алоҳида асарлар сифатида эълон қилинди. Эндиликда «Шарқ юлдузи» журнали ўқувчилари ихтиёрига янги «Минг бир турна» деган поэмамни ҳавола этар эканман, бу асарни ТРИПТИХ деб аталган уч эпик туркумдаги асарларимнинг бир қисми деб атамасликка ҳаққим йўқ.

Шу муносабат билан уч поэмага, яъни триптихга бир хотима ёзишни лозим кўрдим.

## Хотима

Қадим Флоренция кўчаларидан бирида жойлашган Буаноратти хонадони дарвозаси олдида ўтирган ўспирин Микеланджело палахмондай мрамор тошнинг дам у ёғидан, дам бу ёғидан чопиб, йўниб, унга яна кўз югуртириб кўярди. Шу пайт ширакайф бир киши келиб, унинг ёнида тўхтади:

— Ҳой, тошйўнар! — деди у, — нима қилаётибсан?

— Кўриб турибсан-ку, нима қилаётганимчи, яна сўрайсан-а? Қўлимдаги мана бу мрамор тошни йўнаётиман.

— Нега йўнаётисан?

— Тошдан бош ясамоқчиман.

— Унинг ичида бош борми?

— Бор!— деди кулиб.

— Ундай бўлса нега имиллайсан? Бу ишлашингда, икки кун эмас, икки йил ҳам сенга камлик қилади.

— Ҳа-ҳа, ҳақсан, икки йил деганинг ҳеч гап бўлмайди.

— Қани, менга бериб кўр-чи? Балки, мен сендан кўра тезроқ айтганингни қотириб кўярман!

— Ма, қани?..

Бояги сармаст киши унинг қўлидан болға билан чўқмолни олди-да, бир уриб мрамардан лўмбоздай бир бўлакни синдириб ерга туширди ва унга қараб кўйди. Сўнг бош ирғитиб, яна мўлжалга олиб, куч билан бир-икки туширди, яна қараб кўйди.

— Ма, мана бу тўмтоқ темирингни бошинга торт,— деди жаҳл билан,— пайқаб қолдим, ҳали сен мени калака қилмоқчимисан? Бу тошнинг ичида ҳеч қандай бош йўқ!

— Бор!— деди Микеланджело.— Мен уни кўриб турибман. Ҳа, шундай! Икки йилдан кейин кўргани кел, марҳамат, сен ҳам кўрасан...

Ҳақиқий санъаткорнинг томошабиндан фарқи шундаки, у ўз асарини харсанг тош ичида ҳам кўради. Лекин у, каттами-кичикми, тош ичидаги ҳали шаклланмаган воқеликни ҳис эта биладими, тасаввурида яратиб, кўз олдига келтира оладими, ҳамма гап шунда! Санъаткорнинг мақсади, уни жазм этган, қалбига ҳаяжон солган воқелик вақтинча бўлса ҳам, томошабини ўзининг ҳолатида, ўз ижодий кайфиятида кўришдан иборатдир, токи ҳаёт манзараларини, юз берган воқеликни хаёл уфқидан ўтказа олсин! Лекин, кўпинча, ҳали ёр томошабин бундай ижодий эхтиросдан, завқу шавқ ёки ҳис-туйғулар туғендан четда, бебаҳра қолиб, бадий асарни эмас, фақат бир бўлак тошни кўради холос! «Асар йўқ-ку! Қани у?» дейди. Баъзан даввоси тўғри ҳам бўлади. Зотан, асар унинг ҳукмига ҳавола-ку! Аммо шунга қарамай томошабин, аввало, ижобий маҳсулотга яқинлашиш, уни англаш учун муаллиф танлаган йўлдан бориши шарт, бинобарин, санъаткор эрмак учун эмас, ижод учун тер тўкади, умрини, қобилиятини аямайди. Ортгами, олдингами қарагани билан у, бари бир башариатни дил-дилидан огоҳлантиришга уринади, гўё: Дания киролигида ҳамма нарса ҳам кўнгилдагидай эмас... Одамлар, огоҳ бўлинг!





Туроб Тўла



ҚИССА

## Тоштемир

Б уни Тоштемирнинг бошдан кечирганлари, деса ҳам бўларди. Чунки, ҳозир сиз гувоҳи бўладиган воқеалар, ҳикоялар, гапларнинг ҳаммасига, яъни, тўғрими-нотўғрими, ҳақми-ноҳақми, ростми-ёлгонми, эртақми-чўпчакми — ҳамма-ҳаммасига Тоштемирнинг инжиқлиги, йўқ, ундай деса бўлмас, хархашаси сабаб бўлди.

Тоштемир — ёлғиз ўғил. Ёлғиз ўсди, эрка ўсди; ўзига тўқ, тинч оилада катта бўлди. Лайиқса, бувасининг эркатойи эди. Кўпроқ буваси тарбиялади уни, мактабга ҳам катта ойиси, яъни бувиси кузатар, буваси олиб борар эди. Айтганини қилишар, ҳеч нарсани ундан аямасди. У бувасининг таълими билан ўсди, унинг ниҳоятда қизиқ, ажойиб ҳикояларини, бошидан кечирганларини эшитиб катта бўлди. Зеҳни ҳам ўткир эди, дарсларини яхши тайёрлар, одоб билан ўқир, дафтарлари тўла аъло баҳо бўларди.

Уни хархашали дедик.

Бу ҳам унинг одобига тўғри келмас, хархаша деганда кўпинча одобсиз болалар кўз олдингизга келади. Йўқ, у одобсиз болалар қа-

торига кирмасди. Буваси уни эртақлар, афсоналар, катта ойиси чўпчаклар айтиб тарбиялаганлариданми, кўп нарса билишни яхши кўрарди, эшитиб, тинглаб, ўқиб чарчамасди, зерикмасди ҳам. Буваси ҳикоя қилган эртақ ё чўпчаклар деярли ўз қишлоғи ҳаётидан бўлганиданми, ҳар нечук Тоштемир у қишлоқни яхши кўриб қолган эди, Турбат деса, бир самовий мавжудот, булутсиз осмон, беҳазон яйлов, беҳудуд чаман, фақат ўйин-кулгидан бўшамайдиган одамлар, турли-туман қушлар чуғури, қувноқ болалар қўшиғи билан лиммо-лим далалар, дулдул минган йигитлару қийғир олган бургутлар кўринарди кўзларига. Бу қишлоқ дилозор кишиларни ёқтирмас, писмиқ, тирриқ, қоқвош, муғомбир, туллақ, бахил, бадфеъл, такаббур ва тақводор кишиларни ёмон кўрар, ғирром одамларни сақламас, такяларида булдуруқ сайраб, дўконларида ипак-шойигина сотиларди. Одамлари хушрўй, қизлари нозик бўларди. У دادасининг қишлоғини мана шундай тасаввур қилар, севар, борган сари боргиси келаверарди. Бир сафар ҳатто иншони ҳам Турбат эртақларидан ёзиб келган эди. Мана, бугун тағин Турбатга чиқиб кетмоқда.

Гапимиз хархаша сўзи устидайди... Тоштемир каникулга чиқиб, буваси Турбат сафарига кўнганида, унга қатъий шарт қўйди: туяда чиқамиз, деди. Буваси ҳам жилмайиб, «хўп» деди-ю, аммо туяни қайдан олишини ўйлаб, хаёлга толди: «Ваъда берганман, бажаришим керак». Уни шундай ўстиришган. Бир марта ҳам алдашмаган эди. Бирдан кексанинг юзига нур ёйилди, қишлоқ йўлидаги қозоқ томири эсига тушди. «Унинг туяси билан эшагини қанча минганман. Ўзимизники. Тўғри овулига борамиз, бир кеча тунаймизу туясини сўраймиз», дея кўнглидан кечирди. «Беради, неварамни кўриши биланоқ ийиб кетади»... У неварасига: «Эртага йўлга чиқамиз, тайёргарлигингни кўр», деди.

Тоштемирнинг буваси анча ёшга бориб қолган, жиккаккина одам эди. Ҳамиша ўйнагиси келаверадиган чиройли, мўшгуруч, қалтагина доим тарашлаб юрадиган соқол-мўйлови, қалин ва қуюқ қошлари унинг ҳуснига ҳусн қўшиб тургучийди. Етмишларга бориб қолган бўлса ҳам, биринчи кўргау киши элликдан ортиқ бермасди. Шунданмикин, унинг юришларида, хатти-ҳаракатларида ҳам ҳали кексалик нуқси сезилмасди. Билмаганлар Тоштемирни унинг кенжа ўғлимкин, деб ҳам ўйлаб қоларди.

Тоштемирнинг бувасини Бахшилла маҳсум дейишарди. У диний мактабни битирган бўлса ҳам бирон диний мансабга ўтирмаган, бирон масжид ё мадрасада иш кўрмаган. Лекин мана шундай «маҳсум» лақаби билан аташарди уни («маҳсум» асли «маҳдум» сўзининг бузилгани; улуғ, мартабали киши дегани). Унинг кўп билгани, ўқимишли бўлганидан иззат қилиб шундай дейишарди. Ҳатто энг яхши қозоқ томирлари ҳам «қўжа» ўрнига «маҳсум» деб чақириншарди. Кеча қишлоқ йўлидаги ўша томирлариникига кириб келганида, у хурсандлигидан юраги ёрилгудек кутиб олиб: «Ҳой, хотин, Бахшилла маҳсум келди. дастурхонингни ёз! Бормисан, омонмисан, ўртоқ! Хуш кўрдик! Кел-кел, қадамларингга ҳасанот», деб қаршилади. Бугун Маҳсумнинг эрка набирасини бўталоққа миндиратуриб ҳам, «бу бўталоқ энди менинг маҳсумимнинг набирасиники», деди иззат билан кузатар экан. Бахшилла маҳсум: «Эшшак ҳам, деб қўяқол энди», деса у: «Ҳа, майли, Маҳсум, эшшак ҳам», деб кулди ўртоғини қучоқлаб. Томирининг овули чекка йўлда эди. Шунинг учун улар рост йўлни қўйиб, паст йўлдан — қишлоққа олиб борадиган қадимги йўлдан, тупроқли сўқмоқдан кетишди.

Бу йўл балки яқиндир, кесиб чиқар. Ҳар нечук сўқмоқ, уларни чексиз ва ҳисобсиз тепаликлар ёнбошлаб ётган жимликка, биёбон қўй-

нинга олиб кириб кетди. Чўл жимжит, фақат қушларнинг овози эшитилади, бор дарранда, жониворлар эса иссиқдан қочиб уя-уяларига кириб кетишган. Тоштемир буваси жуда чиройли қилиб эгарлаб берган туя ўркачи ўртасида ўзи учун бу гайри одатий манзарани ҳайрат ва ҳаяжон билан кузатиб борарди. Осмони фалакда ўқдай учиб ўтаётган қирғийлар, бир жойда туриб олиб унга нотаниш аллақандай овозда сайраётган сўфитўрғайлар, у-бу ерда сакраб-сакраб, ёвшанлар тагига кириб кетаётган юмронқозиқлар ҳақида бувасидан сўрагиси келарди. Бироқ, у баландда, буваси эса пастда, эшакда пилдираб борар, унинг саволини ҳадеганда эшитмасди, ўз-хаёли билан ўзи банд эди. Буваси уни нима учун Турбатга олиб кетяпти? Ҳақиқатан ҳам ўйнатиб келишгами, қишлоқдаги қариндош-уруғларининг болалари билан таништиришгами, уларнинг олдида билагон набираси билан мақтанишгами? Ёки бошқа бир сирли масалани ечишгами?.. Тоштемир бунн билмасди. У бувасининг қилган ваъдаси устидан чиққанидан хурсанд эди, холос. Буваси невараси билан таътилни ўзи туғилиб ўсган қишлоқда ўтказмоқчи, уни ҳамма пучмоқларигача кўрсатмоқчи, қизиқ-қизиқ тарихлар, афсоналар, воқеалар ўтган жойларни томоша қилдирмоқчи, тоғма-тоғ эшакда, адирма-адир туяда сайр эттирмоқчи. Тоштемир мана шу хаёлларда завқ-шавқ билан борарди.

Бахшилла махсумнинг хаёли, албатта, бошқа томонда эди. Йўқ, у, албатта, набирасини ўйнатмоқчи, ота-боболарининг қишлоғини кўрсатмоқчи. Лекин бу бир баҳона, аслида бошқа иши ҳам бор эди. Тўғриси айтганда, ана шу хаёли билан кетаётган эди. Бахшилла махсумнинг қишлоғи жуда чиройли, тоғ бағрига жойлашган; қишлоқ этагидан гуркираб оппоқ сой ўтади. Уни Тошлоқ дейишади.

Чўл-биёбондан юриб бориб, бирдан кўм-кўк қишлоқ устидан чиқасиз. Тўрт томони тепалик. «Тўрт томони тоғ, ўртаси кўк янтоқ» деб тоншмачоқ ҳам қилишади уни. Оғир йиллари кўпчилик кўчиб кетган. Ҳаёт тартибга тушгандан кейин тагин чиқиб боришган. Бахшилла бувалар эса қайтишмаган. Аммо соғинишади, ота-боболарининг тупроқлари қолган, ҳовли-жойлари, боғ-роғлари бор. Қариндош-уруғлари, дўст-ёрлари яшайди, қучоқ очиб қарши олишади боришса. Бунн Тоштемир ҳам билади, шунинг учун жуда катта ҳавас билан борарди у.

«Агар кампирнинг айтганлари рост чиқса», — деб ўйларди Бахшилла махсум, эшак узагисидан оёғини чиқариб осилтириб олган ҳолда хаёли суриб кетар экан, — нима бўлади, қандай қилиб топади уларни... Албатта, Тоштемир баҳона Тешиктошга чиқади, зиёрат қилади. Тешиктошдан ўтади, яхшигина қўй олиб қурбонлик ҳам қилади, бу баҳона тонг отгунча у ерда қолади.

Кейин нима бўлади? Бордию у бойлик топилди ҳам дейлик, кейин, кейин нима бўлади, қаёққа қўяди уни, нима қилади уни?.. Бахшилла махсум бошини қуйи солиб тагин ўйлаб кетди. Бу ёғини пухта ўйла-маслиги қизиқ эди. Дарҳақиқат, Бойбува катта бойларга ўхшаб нега болалардан биронтасида қолдирмади уни?.. Уни ҳаммадан ҳам бувасининг мана шу феъли, унинг назарида, сирли феъли қизиқтиради. Шуларни ўйладию жуда ҳам чаманлашиб қолган эшагининг сағриси-га оҳиस्ताгина қамчи босди:

— Хих, жонивор, хих!..

## Ямоқчи бой

Бойбува...

У киши шаҳарда ямоқчилик қилардилар, дейишади эскилар. Ҳаммаҳалла бир ўртоғи эмчилик қилиб юриб Турбатдан чиқади. Бу кўҳ-

на қишлоқ аҳолисини эмлайди, уларга дори-дармон қиладю, ёқиб қолади, бутун ёз шу ерда қолиб кетади, кузга бориб уйига кириб келади, «санам одамман деб юрибсан, менам юрибманакан, ямоқчи,—дейди,—жаннати бир қишлоқ топдим, қишлоқмисан-қишлоқ, юр, бориб кўр, бечора қишлоқиларнинг оёқларига қара, савоб бўлади», дейди. Ямоқчи ҳам қизиқиб қоладю келгуси баҳор бирга чиқишади. Шу-шу, ямоқчи Турбатда қолиб кетади, бири икки, иккиси тўрт бўлади, бола-чақаси чиқиб боради, кейин қариндош-уруғлари. Хуллас, шу ерда қолиб кетишади. Ямоқчи бориб-бориб Бойбувага айланади, етти ўғил, бир қиз кўради. Фарзандлари вояга етгунча унинг моли, қўйи, йилқиси, сигир-бузоғи чексиз яйловга сиғмай кетади. Қўйларини бош ўғлига, йилқисини ўртанчасига, қорамолларини учинчи ўғлига, баҳорикор ерини тўртинчисига, кузги буғдойзорини бешинчисига, боғини олтинчисига, ниҳоят, очган мактаби билан карвон саройини кенжасига беради, ўзи эса, ямоқчилигини давом эттиради. Шунча мол-давлати туриб, етим-есирнинг ямоғини ямайди. Ямаганда ҳам янғидек қилиб, ҳафсала билан ямайди. Қишлоқ ямоқчиларини синдиради, инсоф билан ямамасаларинг, аҳволларинг шу бўлаверади», дейди уларга. Болаларига ҳам худди қаролдай, хизматчидай қарайди, «бойвачча бўлмаларинг, одам ишлатма, одам ишлатганингни билсам, билиб қўй, дуойибад қиламан», дейди. Болалари ҳам ёшликларидан меҳнат қилиб ўсганидан, ўзлари ишларди, уст-бошлари ҳам оддий, қоржом, кечаю-кундуз дала-дашда қолардилар. Шу сабабмикин, Турбатда бой бўлса ҳам, Бойбувадан ўтиб бой бўлмаган; одам ишлатсалар ҳам, чўри ёки чорикор ишлатсалар ҳам Бойбувадан ҳайиқишарди. Албатта, ғашлари келарди, Бойбувани ёқтиришмасди-ю, аммо унинг халқ орасидаги обрўсидан кўрқишарди. «Бойбува ўлмади-ю, биз қутулмадик», деб гинширдилар. Бойбува сал кам юзга бориб оламдан ўтдилар. Болалари жуда иззат билан, катта обрў билан ерга қўйишди оталарини. Бутун қишлоқ оёққа қалқди.

Бойбува касал бўлиб ётмади, бирдан, тўсатдан вафот қилди, қишлоқ аҳли назарида, фарзандларини чақириб, мол-дунёсини бўлиб беришга ҳам улгурмади. Аммо бир кун илгари оқсоқолларни йнғиб, уларга нимадир деди, насиҳат қилди. Лекин ўғилларини чақирмади. Шунда ҳам фарзандлари хафа бўлишмади. Орадан кўп ўтмай эл бошига қаттиқ кунлар тушди, қишлоқ аҳли питраб кетди; ғаним оралади, файз йўқолди. Бойбува фарзандлари ҳам катта зарар кўрди. Белларини тиклаб олгунларигача анча вақт ўтди. Октябрь келди улар хонадонига ҳам, инқилоб бошбошдоқликларни тугатди, бошларни қўшди, қишлоқ эпқага кела бошлади. Бироқ, энди ака-укалар асли ҳолларига келолмадилар, лекин аввалгидай аҳил эдилар. Ниҳоят умр умрлигини қила бошлади, бирин-кетин видолашдилар. Ана шу оғир кунларда кимдир Бойбуванинг давлати ҳақида гап очиб қолди... Қарангки, шунча вақт яшаб, фарзандлар Бойбуванинг давлатини ўйламапти. Баъзи хонадонлар қирпичоқ бўлади, давлат талашиб юз кўришмас бўлиб кетади, отаси қолдирган давлатнинг кимда эканлигини билмагунча, уларни бўлмагунча тиниб-тинчимайди. Бироқ, бу хонадонда бундай ҳол юз бермади. Буни эсга солган одамнинг гапи фарзандларга ёқмади. Аммо, ҳар нечук уларнинг дилларида из қолдирди: «Дарҳақиқат, дадамизнинг давлатлари қайда қолдийкин? Ахир, у озмунча давлат эмасди шекилли, тиллолар, албатта...» Биринчи фарзанд ҳам Бойбувага ўхшаб юзни қоралаб қазо қилди, сандигидан ҳеч вақо чиқмади, фарзандларига унинг кераги ҳам йўқ эди, ўзлари бадавлат эдилар. Иккинчи фарзанд ҳам юздан ошиб қазо қилди, унинг думидан ҳам ҳеч нарса чиқмади, учинчи фарзанд кўз юмар пайти болаларидан ризолиғини айтиб, «болаларим юзимни ерга қаратмади,

бувасининг ҳам», деди. Бу унинг катта эътиқодидан далолат эди. Тўртинчи, бешинчи, олтинчи фарзанлар ҳам оламдан ўтдилар, аммо одамлар, хусусан, қишлоқдаги баъзи оғзига кучи етмаганлар айтганидай, ўйлаганидай, уларнинг сандиқларида ҳам ўзларининг, фарзандларининг топган-путганларидан бўлак ҳеч нарса чиқмади. Охири одамлар: «Бойбуванинг мулки кенжада экан-да, лекин мунча юпун ўтди бу одам», дейишди. Ҳаммадан охирида қиз қолди. Кенжа фарзанднинг ўғли Бахшиллахон, яккаю-ягона фарзанд, бу гапларни биларди, аммо у ҳам ота тарбияси сабаб бунга аҳамият бермасди. У ҳам энди «Бойбуванинг мулки дадамда экан-да», деб ўйлаб қолди ва олтмиш йилдан бери онасидан ўзга киши очмаган сандиқни кўришга аҳд қилди. Онаси ҳам қарши турмади, занглаб кетган эски сандиқни очиб кўрсатди. Неварасининг тўйига деб йиғиб қўйган саруполардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Юздан ўтиб ҳам игнасидан бекўзойнак ип ўтказиб ўтирган Бойбуванинг яккаю-ягона қизлари Саломат буви Бахшилла махсумни ёнига чақирди:

— Сандиқда нима бор экан?

— Ҳеч вақо,— деди Бахшилла кулиб. Саломат буви ҳамма гапдан хабари бор эди.

— Бойбуванинг давлатлари Тешиктошда,— деди ва айёрона илжайиб қўйди.

Бахшилланинг боши айланиб кетди. Меросхўрлардан Саломат бувидан ўзга бирон киши қолмаган. Топилса, фақат Саломат бувига қолади. «Топиш керак, албатта топиш керак, чириб кетмаслиги керак», деди ичида Бахшилла махсум. Шундан кейин невараси эсига тушди-ю, йўлга чиқди.

Йўлга чиқди-ю, бироқ, Саломат буви ҳикоя қилгучи Бойбува ўғитлари эсига ўқтин-ўқтин тушиб, кўнглини ғаш қиларди. Уч нарса кишини ғайри инсоний йўлга бошлайди, дер эканлар. Очкўзлик, очкўзлик, яна очкўзлик! Уч нарса кишини тўғри йўлдан олиб ўтади, дер эканлар, яъни: меҳнат, меҳнат, меҳнат! Тагин бир нарсани асти эсларидан чиқармай айтиб ўтирар эканлар; хонадонингдаги ишларни, унга зарур бўлган юмушни қилишдан уялма, болаларингни ҳам шунга ўргат!..

Шуларни яна бир қайта эслади-ю, ўзидан-ўзи койинди... Лекин бари бир энди кеч эди, «уни топмоқ бошқаю саришта қилмоқ бошқа» деди ва йўлида давом этаверди.

— Топган жойларини қаранг,— деди ичида Бахшилла махсум,— қандай қилиб кўмдийкин, ким кўмдийкин, у аллақачон кўмган одамнинг ихтиёрида эмасмикин. Бугун у ерда на шайх бор, на қаландар. Зиёратгоҳ йўлларни ҳам ўт босиб кетган бўлиши керак... Ҳар нечук, ссонликча топилмас... Топилганда ҳам... у нимайкин, тилломи ё...

Бахшилла махсумнинг хаёли Тоштемирнинг: «Қаранг, бува, қаранг, у нима осмоннинг қир учида туриб сайраётган», деб қичқирган овозидан узилди. Бахшилла махсум: «У тўрғай, болам, сўфитўрғай», деди. Бу вақт Турбатга борувчи сўқмоқ уларни баҳори буғдой бош тортиб ётган чексиз сойга олиб кирган эди.

— Етти зоғора,— деди Бахшилла махсум набирасига қараб. — Етти зоғора бошланди. Бу ерда озгина дам оламиз, ана, Тошлоқнинг этаги, уловлар ҳам чанқади, туш, болам, кел, кўтариб олай...

Бироқ, Бахшилла махсум етиб боргунча туя чўкиб, болани туширди.

— Бу қирлар, эҳа, қанақа қирлар!..— деди ўтга ёнбошлаб Бахшилла махсум.— Бизнинг болалигимизни пешлаган, ўйнатган, кулдирган, йиғлатган қирлар... Ялангоёқ, иштонларимизни тиззамизгача шимариб олиб шу қирлар ошиб, лоланинг тарғилини қидирардик. Қизи-



ли тўлиб ётарди-ю, тарғили кам бўларди. У аллақайларда, унда-бунда кўриниб қоларди. Қош қорайганида даста-даста лола ўртасига худди жиғага ўхшатиб биттадан тарғил лола қўйиб, ойиларимизга олиб келардик. Чаккаларимизда жар ёқаларида ўсадиган жамбиллар... Эҳ, қанақа ҳиди бўларди уларнинг. Лола пиёзини айтмайсизми, еб тўймайсан. Уни қазиб олишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Чуқур бўлади. Атай-лаб учлари ўткирланган ирғай таёқлар олиб чиқардик. Лолани қазиб олишнинг ўзи бир гашт эди. Пўстлоқлари қипқизил, ўзи эса оппоқ, худди оқ пиёзга ўхшаган, жуда ширин бўлади...

Бахшилла махсум болагини эслаб, озгина ўксинди, чалқанча ётиб ҳоврини босган бўлди. Бошида, жуда баландда пирпираб учиб туриб куйлаётган тўрғай жўри, қуёш ҳоврини кўкларга кўтариб, бир ажойиб сароб сувратини чизаётган кўз илғамас водий тальбати, паст-баланд қинғир-қийшиқ бўлиб водий қўйнига кириб ғойиб бўлаётган тупроқли сўқмоқлар, қуёш қаҳрида қувраган турли-туман гиёҳларнинг димоқларни ёргучи ўткир ҳидлари маст қиларди уни.

— Ана ундан кейин далага ўроқчилар чиқишади, — давом этди мўйсафид, — ўрим бошланади. Бўлиқлигидан бошлари эгилган бугдой ўрилиб, ғарамларга айланади. Соясида кўза-кўза гўжалар, меш-меш қимизлар думаланади. Далалар шунда тагин бошқача файз кашф этади. Анави уфққача кетган тепалар хирмонга тўладилар, ҳўкизлар хирмон янчадилар... Деҳқонлар ялангликда, тепалик ва жарликларда улақиб, югуриб юрган шамолларни ҳайдаб келиб дон шопирадилар, шамол — деҳқонларнинг ажойиб дастёри, сомонини сомонга, донини донга ажратиб беради. Ана шундан кейин қоп-қоп оппоқ, қизил мағиз бугдойлар араваларда омборларга, ўраларга тўкилади... Мана, қанақа ёшлигимиз бўлган, болам... «Хирмон тўлиб тўкилди дон, тўкилди дон, момо, гандир тўлиб ёпилди нон, ёпилди нон момо» деган қўшиқ ана ўша вақтлардан қолган. Хирмон йиғилиб, қирлар тагин жимжит бўлиб қолади. Тўкилиб қолган донларнинг эгалари келишади... Оз ўтмай семиз-семиз беданалар ўзини ўзи кўтаролмай, овчиларнинг тўру тузоғига тушади. Ана ундан кейин беданавозларнинг тўрқовоқларида сайраб ётаверади. Қозигирт, Қорабоев, Чимён тоғларидан тушиб келган какликлар тўйиб, семириб, Турбат қулоғини батанга келтиради. Мана қанақа қишлоқ бувангнинг қишлоғи, болам!..

Тоштемирнинг буваси гапга тушганида, айниқса қишлоғига боғлиқ бўлса, тўхтатиш маҳол эди. У қишлоғини яхши кўрардигинамас, яхши биларди ҳам, унинг тарихини, тарихий воқеаларини, одамларини... Турбат қандай пайдо бўлган, қачон, қандай қилиб ва шунингдек, қишлоқни хашаматли мақбараси билан машҳур қилган Исмоил ота ким, у киши қаршисидаги қир бошида оқариб турган якка-ёлғиз мақбара кимники — ҳаммасини яхши биларди, яхши ташбиҳ ҳам қилиб бергучийди. Тиниқ хотираси бор эди. У ҳикоя қилган тарих ёки воқеа наинки қизиқ, ғалати ҳам бўларди, ҳеч ким билмаган, эшитмаган гапларни, ҳикояларни айтарди, баъзан эртакка, афсонага ҳам ўхшаб кетарди. Тингловчилар гоҳо унинг баъзи ҳикояларига ишонқирамасалар, малол келарди, ичида «нодон» деб койинарди. Бир куни, Амир Темур бизнинг қишлоқда қўниб ўтган, Хитой сафарига, деса, одамлар кулишган. Бироқ, буни текшириб қарашса, тўғри чиққан. Шундан кейин унинг гапига кулмайдиган бўлишган. Дарҳақиқат, Амир Темур Хитойга қараб йўлга чиққанида тушиб ўтган экан, Исмоил отани пайғамбар санаб, унинг мақбарасида намоз ўқиган, дейишади. Юз тош юрибми, аниқ эсимда йўқ, қаттиқ шамоллаб оламдан ўтган. Исмоил отанинг пайғамбарлар авлодларига боғланиши борлиги эҳтимолдан ҳолимас, унинг қабри қаршисида оқариб турувчи мақбаранинг соҳиб Отойининг унга яқинлиги, Отойи билан Авлиё отанинг, Авлиё ота

билан Хўжа Аҳмад Яссавийнинг бир авлод бўлишгани ҳақидаги гаплар ҳам бежиз эмас, дейишадиган бўлди Бахшилла махсумнинг Амир Темур ҳақидаги гапи тўғри чиққанидан кейин. Шундан кейин Турбатнинг тарихи ҳам аллақайларга бориб тақалади, Тошкентга етмаса ҳам Чимкентни қоралаб қолади. Исмоил ота улуғ мударрис, Отойи буюк шоир, Навоийни маҳлиё қилган донишманд, Авлиё ота халқ қўл берган сиймо, Яссавий шарқ адабиётининг валломатларидан бири, бутун Осийни ақли-идроки билан тебратган илми толиблар...

— Бува,— деди чақмоқ тош ўйнаб ўтирган Тоштемир бувасининг Етти зоғорага кирдик деганидан кейин ҳайрон бўлиб,— зоғора нима дегани?

— Зоғорами?.. Зоғора, болам, жўхори нон. Илгарилари нон топмаганлар жўхоридан, от ейдиган арпадан нон қилиб еганлар. Ундан кейин жўхори нон ҳам ёмон бўлмайди, ширин бўлади. Ҳозир ҳам еса бўлади.

— Нега бу сойларни Етти зоғора деб аташган?

## Е т т и з о ғ о р а

— Бунинг ҳам қизиқ тарихи бор, болам,— деди чалқанча ётганича буваси, қўлидаги пичан чўпи билан тишини кавлар экан.— Бундан беш юз йиллар муқаддам, Жомийлардан, Навоий, Бедиллардан аввал Отойи деган шоир ўтганлар. У киши бизнинг қишлоғимиздан бўлганлар, мавлоно Аҳмад Яссавийдан таълим кўрганлар, оламга номлари кетган шоири зукко бўлганлар. Илм у кишининг қўлларидан тутиб Тошкентга, Тошкентдан Бухорога, Бухородан Самарқандга, Самарқанддан Балхга, сўнгра Ҳирийга, яъни Ҳиротга олиб борган. У томонларда узоқ яшаганлар, кўпни кўриб, кўпни билганлар, муаллими авваллар билан бир қаторда мадрасаи олияларда устозлик қилганлар. Шундай қилиб, у кишининг номи муборақлари етти иқлимни тутган. Ниҳоят, кексайиб, юртларини кўмсайдилар, ўша вақтлари у кишини ўз хизматида тутиб турган Ҳирот подшоси рухсат бермайди. Яширин йўлга чиқадилар Отойи ҳазратлари... Аммо бундан бохабар айғоқчилар подшога етқарадилар. У Отойи ҳазратларининг орқаларидан одам юборади, йўлда бартараф қилишини буюради. Отойи ҳазратлари катта карвон билан йўлга чиққанлардан айғоқчи ҳеч нарса қилолмайди. Самарқандга омон-эсон етиб оладилар. Самарқандликлар у кишини Тошкентгача кузатадиган одамлар қўлига топширадилар. Подшо айғоқчиси тагин ҳеч нарса қилолмайди. Отойи Тошкентга ҳам омон-эсон етиб олади. Тошкентдан Турбатга қараб чиққанларида, карвон учрамайди, ёлғиз чиқадилар. Мавлоно мана шу биз келаётган йўлга кирадилар. У киши мана шу биз турган сойга етганларида орқаларидан биров келаётганини сезадилар, ҳирийликлар айтган айғоқчи шу эканлигини англайдилар. Аммо кўрқмайдилар, ҳар нечук ватанлари остонасидаликларида мамнун бўладилар, бир қисм тупроғим ўз юртимда бўлсин деб келаётган кекса шоир энди ўлимдан кўрқмасди. Тошкентлик дўстлари бир хуржун зоғора ёпиб берган эдилар. Кун исиб, офтоб найзага келади, чўлда зоғора асқотади, ҳам тўқ тутади, ҳам чанқатмайди. «Орқадан келаётган айғоқчининг зоғораси бормикин»...— шундай савол ўтади Отойининг хаёлидан. Унинг толиқиб қолганини, иссиқ енгабошлаганини сезадилар ва бир зоғора нонни биринчи сойга ташлаб ўтадилар. Иккинчи сойни енгиб, учинчи сойга кўтарилганларида, ганимни жуда ҳам йироқда кўрадилар ва у ерга ҳам бир зоғора

қўйиб ўтадилар. У кишининг қотили ҳарчанд толиқиб ўласи ҳолга келса ҳам, кетларидан қолмайди, Отойи ҳазратлари ташлаб ўтган зоғора билан изма-из келаверади, ҳазрат еттинчи сой этагига келиб ғойиб бўладилар. Қотил еттинчи зоғорани олиб тановул қилар экан, ғойибдан қулоғига у кишининг овозлари эшитилади. «Десангиз жон сипор қилғил, Отойи, қилурсиз доғи бир мушкул хатойи!..» Айғоқчи бу фардни эшитиб қўрқиб кетади. Отойи: «Агар сен, Отойи, жон бергил, десанг, тағин бир хато қиласан, унда сени қутқарувчи топилмас менга ўхшаб», деб ғойиб бўлади. Шунда айғоқчи: «Демак, айтганларича бор экан, Ҳирийда Отойини сеҳргар дейишган эди. Шунча йўлни бекор босибман», деб ортига қайтади. У ёви кўзи олдида ғойиб бўлганди, эҳтимол ёнгинасида унинг устидан кулиб тургандир ҳам: Осмонга учиб кетдими, ерга кириб кетдими — билолмай қолганди ёв. Отойи ҳазратлари ҳақиқатан ҳам ерга кириб кетган эдилар, ўша еттинчи сой этагида ғор бор эди, уни билардилар у киши, ана шу ғорга кириб, ана шу ғор орқали қишлоқларига қараб йўл олгандилар. Ёвлари не хаёлда йўлига қайтиб кетар экан, ана шу йўлнинг остида эса, Отойи кетардилар...

Бахшилла махсум шу ерига келганда, ўз ҳикоясидан ўзи завқ қилиб кулди:

— Бу қишлоқнинг йўллари, одамлари мана шунақа, болам. Шунинг учун бу сўқмоқ Етти зоғора деб аталади. Ҳали ўша ғорга етайлик, кўрсатаман уни. У ерда ҳозир жуда шинам чойхона қурганлар, ўтган-кетган мана шундай жазирамадан кейин ўтириб дам олади, тановул қилади. Атрофларига дарахтлар экилган. Уни энди Қопқоқ деб атайдилар. Ҳалиги Отойи ғойиб бўлган ғорнинг катта тошдан қопқоғи ҳам бор, тегирмон тошидай катта.

— Қачон етамиз, бува, унга,— кўришга шошилиб сўради Тоштемир.

— Ҳали анча бор, болам. Энди биринчи сойга кирдик.

— Биринчи зоғорага,— деб кулди Тоштемир.

— Ҳа, балли, биринчи зоғорага энди кирдик. Ғор Етти зоғоранинг охирида.

— Биз ҳам ўша ғордан борамизми Турбатга, бува?

— Йўқ, у ғор жуда қоронғи ғор, юриб бўлмайди. Биз унинг устидан тушиб борамиз қишлоққа. Қопқоқдан кейин оз қолади. Қани, йўлга чиқдик.

## Шоди бақироқ

Кунлардан бир кун Шоди бақироқнинг туяси ўлиб қолди. Камбағалга қийин бўлди. Биттаю-битта суянгани, мол топари эди. Бола-чақасини шунинг орқасидан боқарди. Йил — ўн икки ой қишлоқ юмушини қилгучийди, кимнинг юкини таширди, кимнинг бугдойини, кимнинг молини. Бақироқ номи ҳам ана шундан эди. Туяси ҳам ўзига ўхшаб бақироқ эди, қанча йил уни боқди, қанча йил бақириб-бақириб яшади. Шоди ака туясининг товушига одатланиб олиб, тўй-томоналарда ҳам, масжид-мадрасада ҳам бақириб гапиргучийди. Мана энди ана шу қадрдонидан айрилди. Лекин, бари бир юк ташишни ташламади, оч қоладиган бўлди, энди у ўз елкасига, ўз кучига йиғилади. Катта-катта бўлиб қолган болалари пинжига кирди, туя ё эшак олишга кучлари етмай, ўзлари юк ташиб умр ўтказдилар. Шоди аканинг эски орзуси бор эди, дунё кўрсам дерди, вақти келиб, қишлигини

ғамлаб сафарга чиқмоқчиди. Маҳалладаги жаҳонгашталарнинг ҳикоясига қараганда, Чорпўлат деган, Дарвишак деган, Янги бозор, Сайрам деган жойлар бор эди. Мана энди бу орзу умид ҳам барҳам тошди, туя оламдан ўтди. Энди қандай боради, қариб ҳам қолди... Бир кун мана шундай хаёлларга бориб мунғайиб ўтирганини кўрган хотини фаҳм этдию ёнига келиб чўкди:

— Дадаси, — деди, — сиз жуда ҳам эзилманг. Нима ҳам қилардик, бандамиз, худонинг иродаси шу экан. Болаларингиз ёнингизга кириб қолшди. Энди сиз ўша орзуингизни қилинг, жаҳон кезинг анави савдогарларга ўхшаб, қўлингизга тўшай роҳила қилиб берай, ўша айтганларингиз мамлакатларга боринг, Чорпўлат дегани жуда ҳам ажойиб мамлакат дейишади...

— Қайдам, пиёда қандай етиб бўларкин...

— Пиёда борганлар ҳам бор-ку, дадаси... Мана, Маҳамат мулла қанча бориб келяпти яёв.

— Э, у одаммас, ёнига олмайди.

— Ўзингиз боринг унда, ўзингиз.

Шоди бақироққа хотинининг гапи маъқул келди. «Ўладиган дунёда бир кўриб қолай. Ахир, мен ҳам бундоқ керилиб ўтирсам нима қипти тўкмаларда, чойхоналарда гапириб, ҳаммани оғзимга қаратиб... Бораман», ўйлади Шоди бақироқ.

Азон маҳали ғира-шира тонгда йўлга чиқар экан, хотини тағин такрорлади:

— Дадаси, хуржунингизнинг бир кўзида зоғора, сарёғ, иккинчисинда гўжа, озгина қурт. Йўлингиз узоқ, кун боткунча бирон дурустроқ жойга етиб олинг. Тунайдиган жойингизнинг тайини бўлсин. Бошингизга тош қўймай ё хуржун қўймай ётманг. Ёмон ётадиган одатингиз бор, кўпинча бошингиз оёғингизга ўтиб қолади. Уйғониб, адашиб бошқа томонларга кетиб қолманг тағин.

— Хўп бўлади, — деди Шоди бақироқ, — хўп, албатта, тош қўйиб ётаман бошимга.

Хотинининг ақлига ҳамиша қойил қолиб юргучийди. Бу сафар тағин ҳам қойил қолди. «Хўп хотиним бор-да», деб қўйди ичида. Йўлга чиқди...

Шоди бақироқ туякаш бўлишига қарамасдан, умрида бир марта ҳам қишлоғидан нари ўтмаган эди. Умри бўйи қишлоғида, ичидагина хизмат қилди, унда-бунда ўроқ вақтлари ўроқчиларга гўжа ташиганини биллади холос. Шунинг учун бирон ёққа сафарга чиқши ҳам қизиқ, ҳам қийин эди. Шу сабабдан хотини билан узоқ хайрлашди, худди нариги дунёга кетаётгандай. Биттаю-битта қишлоқ кўчасидан борар экан, ундан чиқиб кетгунча минг марта орқасига қаради. Хотини ҳам эрининг қораси кўринмай кетгунча остонада қаққайиб тураверди. Қораси ўчдию уйига кирди, ёш хотинлардай юм-юм йиғлади. Қанчада етиб боради Чорпўлати ўлгурга, қанча туради унда, қачон қайтади... Омон-эсон қайтармикин ё сўнги кўришини бўлдим бу... Юраги орзиқиб кетди, айвон устун тагида узоқ ўтириб қолди. Кейин ҳалпиллаб остонага чиқди, эри кетган йўлга қаради, кўринмади, кейин томга чиқиб қаради, ундан ҳам кўринмади, оппоқ сочлари билан айқашиб кетган оқ сурп рўмоли сирғалиб елкасига тушди ҳамки, эри кетган йўлдан кўзи узилмади, ўзи юбориб, ўзи йиғлади.

Бу вақт Шоди бақироқ хурсанд, не-не ширин хаёллар билан ёлғизоёқ йўлда илгари интиларди. Ёлғизоёқ йўл асти тугамас, борган сари узаяр, кенгайса — кенгаярдию асти тораймасди. Теварак-атрофи яланг, уфққача кетган қир, тепаликлар, унда-бунда сайхон, бугдойзорлар учрар, кечагина бугдойи супуриб олинган хирмон... Лекин ҳеч бир қишлоқ ё бирон қўниб ўтадиган жой кўринмасди. Шоди бақи-

роқ бу жимжитликдан зерика бошлади, ҳатто қўрқа бошлади ҳам. Нима қилса, қайтсами?.. Маҳалла-кўй нима дейди, хотини-чи?.. Йўқ, қайтиб бўлмайди... Лекин шунча йўл юриб бирон одам ҳам учратмади-ку, кеч кириб бормоқда, офтоб тепасидан ўтиб кетганига ҳам анча бўлди, аммо қишлоқдан дарак йўқ, Чорпўлатдан ҳам, Дарвишагидан ҳам. Қай бири олдин келаркин, Чорпўлатимн, Дарвишак? Чорпўлат дегандек эди шекилли...

Шоди бақироқ ҳатто бу қишлоқларнинг қай бирига бораётганини ҳам аниқ билмасди. Қишлоқ бўлса бўлди эди унга. Қишлоқни кўради, ўз қишлоғига солиштиради, одамлари билан гаплашади, меҳмон бўлади уларга, бозорини, растасини кўради, чойхонасини, равотини томоша қилади, тегирмонига, карвонсаройига боради... Эҳе, қанчадан-қанча гаплар топади...

Шу хаёллар билан бўлиб қоронғи тушганини ҳам сезмай қолди. Бир тепаликка кўтарилганида қоронғи тушган эди. Тепаликка чиқдию тўхтади, чунки ўн қадам наридан ҳеч нарса кўринмай қолганди. Тўхтамоқ керак, деди ўз-ўзига, тўхтамоқ керак. Атроф-теварагини кўздан кечирди, қулайроқ жой топса, озгина тамадди қилиб, тунаса. Тагин бир оз юрди, бироқ, бари бир ҳаммаёқ бир хил теп-текис эди. Шу жойда тўхтаман деди, йўл усти, йўловчи ўтса ҳам яхши, ҳар нечук шерик бўлар, бирга тунармиз. Хуржунини елкасидан олди, ерга қўйди. Жуда ҳам чарчаган эди, озгина зоғора билан ёғ олиб еди, заранг косага қовоқдан гўжа солиб ичдию ёнбошлади. Одати бош қўйиши билан уҳлагучи эди. Бугун айниқса тез уйқуга кетди. Фир-фир шабада аллаларди уни...

Отлар дупури билан гўнғир-гўнғир овоз уни уйғотганида, офтоб тиг ура бошлаган эрта тонг эди. Апир-шапир турдию уни уйғотган дупур-дупур билан гўнғир-гўнғир овозни қидирди. Эсиз, ўтиб кетиштипти, вақтлрққ уйғонганида, бирга кетар экан. Ҳа, майли, етиб олам, дедию хуржунини елкасига солиб, йўлга тушди. Тепаликдан тушар экан, салқин шабада урилди юзига, жарликда жилдираб булоқ оқарди. Бир отлиқларга, бир булоққа қаради-да, бари бир етиб ололмасман, дедию, булоққа тушиб ювинди ва нонушта қилди. Тавба, деди Шоди бақироқ, кечаги булоққа ўхшайди. Табиат шунақа, булоқ-булоқ-да, бир-бирига, ўхшайди. Қаёққа қараб оқаркин, Турбатгами, ё Чорпўлатгами...

Хаёлидан бир қалтис гап ўтди, наҳотки, дедию, ортиқ аҳамият бермади, йўлга тушди. Отлиқлар аллақачон кетиб бўлган эди. Кун найзага келгунича юрди, сўқмоқ тугамасди. Кечга бориб, узоқдан нимадир қорайинқираб кўринди, юраги ҳаприқиб кетди, наҳотки Чорпўлат, деди. Ҳа, Чорпўлатга ўхшарди. Қишлоқ, одамлар, боғ-роғлар, даладан қайтаётган пода чанги. Яхшиям кун ботмай етиб борди. Узоқдан тўхтаб томоша қилди... Турбатликлар тўғри қилишаркан ўзларини овора қилмай, қишлоқдан қишлоқнинг фарқи йўқлиги рост экан, нимаси қизиқ, подаси ҳам ўзимизнинг подадан, чангитиб келади оқшом, томлари ҳам таппи босилган, кўчаси ҳам биттагина, одамлари-чи, одамлари? Ўзимизга ўхшаган шошқалоқ: «Ҳой, сизирни қайтар, ҳой, бузоқни ушла...» Бозори ҳам, расталари ҳам, карвонсаройи билан тегирмони ҳам шунақа бўлса керак. Фақат одамларни ўхшамаса керак-да, деб нчида кулиб қўйди ва қишлоққа қараб тушиб борди...

Кўча бошига борганида, «тавба, деди, ўзимизнинг кўчамиздан фарқи йўқ-ку... қаёққа қўнсам? Карвонсаройга-да...»

Ҳақиқатан ҳам, ўртадан кесиб ўтган катта кўча унинг қишлоғи кўчасига жуда-жуда ўхшаб кетарди. Борган сари ҳайрон бўлар, тўрт томонига қараб ўзидан-ўзи қойинарди: «шунча йўл босиб, овора бўлиб кўрган қишлоғимни қаранг, кўчаси ўзимизнинг ўша чанги чиқиб

ётган кўча, подаларини айтмайсизми, ўз эшикларини яхши билишади, подачи ҳайдаб овора ҳам бўлмайди, ўзлари ўзлариникига бурилиб кириб кетишяпти. Тоғора кўтариб чопган болаларни кўринг, худди бизникидай, таппи теришади, бир оздан кейин пода ўтгани ҳам билинмай кетади, тозалаб олишади ҳаммасини. Ҳамма жойда ҳам шу экан-да, ҳамма жойда ҳам таппи керак, пода керак...»

У илгарилаб борди, тегирмон олдидан ўтар экан, тагин ҳайратга тушди, тегирмонга кираверишда йироқдан Тоживой тегирмончини кўргандай бўлди. Қарвонсаройга етганида қатор айвон устунларини ўзининг қарвонсаройи устунларига ўхшатди, бир уста қургандир-да, деди ичида. Қинғир ўсиб қариган, эртадан-кечгача болаларга ўйин бўлган йўл устидаги шотутни кўрдию ёқасини ушлади, унинг кўчасида ҳам худди шунақа тут бор эди, ҳовлисига яқин жойда эди. Унда-бунда шошиб ўтаётган одамларни кўриб ўзининг ҳаммаҳаллаларига ўхшатди, аммо индамасдан ўтаётганларига «танаймайди-да» деб қўяқолди. Лекин шотут ёнига келганида, унда ўйнаётган болалар тапир-тупур тушиб, югура кетишди унга қараб:

— Дадам келдилар, дадам келдилар!..

Шоди бақироқнинг кайфи учиб кетди, нега булар «дадам келдилар» деб югуришяпти, наҳотки мен уларнинг дадаларига ўхшасам... Йўқ, аксинча, улар унинг болаларига ўхшаб кетарди... Тавба, наҳотки ҳамма шунақа бир-бирига ўхшаса, дедию уларни бағрига босди... Бағрига босдию, ҳақиқатан ҳам ўз болаларини оғушига олгандай бўлди, кўзларини уқалаб, йироқларга қаради. Йироқда унинг уйига ўхшаш уйдан, дарвозасига ўхшаш дарвозадан унинг хотинига ўхшаган хотин қараб турарди... «Наҳотки ўз хотиним...» — ўйлади у ва ҳуши ўзига кела бошлади.

«Наҳотки, ўз уйим?...»

Хорғин хотини юра келиб, елкасидан хуржунини олди ва куллик қиради:

— Билган эдим-а, бошингизга тош қўйиб ётиш эсингиздан чиқади деб. Шунинг учун тайинлаган эдим...

□

Уркачда бувасининг ҳикоясини маза қилиб эшитиб келаётган Тоштемир ўзини тутолмай кулиб юборди. Буваси ҳам қўшилишиб кулди. Тоштемирга эшаклари билан туялари ҳам кулишаётгандек туюлиб кетди...

— Болам, Шоди бақироқ бизнинг қишлоқда биттамас эди. Анча мунча бор эди. Сен, мана, куласан. Бу у вақтда кулгимас эди, йинги эди. Ахир улар нимани кўриптики, дунёга келдим деб ўйлайди. Ахир, болам, Чорпўлат Турбатнинг шундоқ биқинидаги қишлоқ эди. Туяси бўлатуриб бир марта ҳам бормаган, кўрмаган у қиззиталоқ бақироқ. Ким нима деса ишонаверган, қораялоқни қўшинси «бир вақт шу бечора ҳам шаҳзода бўлган экан, қарғишга учраб шунақа бўлиб қолган экан», деса, ишонган-да. Булар на мактаб кўрган, на одам. Умри бино бўптики, шу қишлоқдан ҳатлаб четга чиқмаган. Дунёни шу қишлоқидан иборат деб билган. Чорпўлатлик бир қизиқчидан «Дунёнинг нариги четида яшасаларинг керак, тепаликдан гоҳо кўраман, осмон сизлар томонга борганда нашлашиб кетади» деб сўрапти. Қизиқчи ҳам унинг аҳволига тушуниб, «ҳа-да, ўзимиз ҳам уйимизга эгилиб кириб, эгилиб чиқамиз», деган экан. Бўлмасам хотинини кўргунча ҳам қайга келганини билмайдими?! Буни жаҳолат дейдилар. Бугун бўлса бундайларни урвоққа ҳам тополмайсан. Хизрни ҳам ана шулар ўйлаб чиқаришган.

— У қанақа одам бўлган, бува?— қизиқиб сўради Тоштемир.

Э, ҳеч қанақа одам бўлган эмас. Уни ҳалиги Шоди бақироқлар ўйлаб чиқаришган. Бир темирчи бўларди карвонсарой биқинида. Утган-кетганнинг отига тақа, аравасига темир қоқиш билан умр ўтказарди. Бой-бойваччаларни кўриб, ҳавас ҳам қилмасди шўрлик. Булар ҳаммаси қисматдан дерди. Шундай деб ўргатишарди-да эскилар. У ҳам шундай деб биларди. Бир куни Шоди бақироқ билан тақачилигида унга дам бостириб ўтираркан, Хизрни эслаб қолади. Шоди бақироқ унга эшитганларини ҳикоя қилади. У ҳам унга ишона қолади. Эмишки, Хизр қадами теккан жойда жамбилу райҳон унармиш. Шушу бўладию темирчи уни кутади, йигирма тўрт йил кутади Хизрни, ўтганнинг ҳам, кетганнинг ҳам қадамидан кўз узмайди. Не-не одамлар келиб-кетади карвонсаройга. Бир куни қараса, бир одам оҳиста, лекин салобат билан ўтиб кетаётган эмиш, оёғига қарапти темирчи, қадамидан жамбил унаётган эмиш. Шошганидан жони ҳиқилдоғига кепти, темир-терсагини ташлаптию орқасидан югурипти:

— Шошманг, меҳмон, ассалому алайкум!— депти.

Меҳмон тўхтаб, темирчига қарапти.

— Узр, меҳмон, мен сизни йигирма тўрт йилдан бери кутаман,— депти. У ҳам темирчининг аҳволига тушуниптию:

— Тила тилагингни, бўтам,— депти.

Темирчи ҳам «оғриган жойи»ни айтақопти:

— Темир билан кўмирим йўқ,— депти.

— Бўлади, темир билан кўмир бўлади,— дептию ғойиб бўлипти.

Дўқониға келиб қараса, бир уй темир билан бир уй кўмир шипга етиб ётганмиш.

Мана, тағин битта содда одамнинг аҳволи. Ақли бўлса, кўмир билан темир сўрармиди, тилло сўраса ўлармиди, бир умр еб ётмасмиди, гўл бўлмай ўл!.. Сўраган нарсасини қара!

Кун иссиғида қийналиб кетган Тоштемир бувасининг гапларини ҳам зўрға эшитиб борар экан, бувасининг гапи тез тамом бўлганига хурсанд бўлди шекилли, саволи бўлса ҳам индамади.

— Булар ҳаммаси гап, болам,— деди бир оздан кейин иккинчи сойга кириб боратуриб Бахшилла махсум,— бечоралар орзу умид билан яшаган. Бўлмасам, Хизр деганини ҳеч ким кўрмаган. Агар кўрган бўлса, юздан ошиб кетган бувинг кўрарди. У замонлар оши йўқ рўза тутиб, иши йўқ намоз ўқиб ўтган. Дунёга келишдек бахт сенга муяссар бўлган экан, болам, шундай яшагинки, сендан кейин дўстларинг зерикиб қолишсин. Эсиз у вақтдаги умрлар, Шоди бақироқ билан темирчи умри... Манавини қара, қандай чиройли водий, буғдойларнинг селкиллашини кўр! Буларнинг ҳаммасини одам қилган, одам экиб, одам кўкартирган. Илгарилари ҳам одам экиб, одам кўкартирарди, аммо ҳаммасини одамни одам санамаган жоҳил оларди. Мана энди ҳар ким ўзи экиб, ўзи олади. У вақтлари манави қарға ҳам одамдан кўрқарди. У бола очар, боласи поллопон бўлишиданоқ «одамга ҳазир бўл» деб ўргатар, «у тош олиши билан қоч», дер экан. Энг кенжаси «тошга эгилиши биланмас, тошга эгилиш кўнглига келиши биланоқ қочсам-чи», деса, онаси «кўнглига келмасдан қочсанг тагин яхши қилсан» дер экан. Мана, қандай аҳволга солган жоҳиллар одамни...

Мўйсафид неварасининг офтобда мунғайиб қолганини кўрдию эшаги бошини суви анча камайган сойнинг чакалакзорига бурди. Эшак билан туя ҳам жон-жон деб сойга тушиб кетишди. Бахшилла бува таом тўла хуржунини ёвшан ёнига қўяр экан, пир этиб бир нима учди. Қаради. Тўрғай ётган экан, тухуми қопти. Тоштемир қўлни узатган эди, буваси «қўй, болам, тегма, бола очсин», деди. Тоштемир ҳам тегмади. Бунинг ўрнига буваси бир воқеани айтиб берди овқат устида...

## Тухуми зўр бола

— Ҳайитнамоз кунлари, наврўз сайилларида тухум уриштиришарди илгари. Мен ҳам яхши кўрардим. Ким ёнғоқ ўйинини яхши кўрарди, ким ошиқни, ким бедана уриштиришни, ким тағин алла нечук ўйинларни. Мен ёнғоқ ўйини билан тухум уриштиришни яхши кўрардим. Бироқ, ҳеч ютолмасдим. Буларнинг зўрини топиш қийин эди. Ундан кейин уриштиришни билиш ҳам керак эди. Уни биладиганлар жуда дўндириб ютишарди, чўнтак-чўнтак тухум олиб кетишарди уйларига ё ўша ернинг ўзидаёқ сотишарди. Байир деган тенгдошим бор эди, жуда уста эди, ҳеч ютқизмасди, тухуми жуда қаттиқ бўларди. Тухумбозлар бир куни унинг тухумини кўрмоқчи бўлишди, тошдан деб ўйлашдими, ҳайтовур, кўрсатасан деб туриб олишди. Байир ҳамманинг қўлидаги тухумларни ерга қўйишларини талаб қилди, ҳеч кимнинг чўнтагида, қўлида тухум бўлмаслиги керак, деб шарт қўйди. Рози бўлишди. Ҳаммалари бор тухумларини ерга қўйишди-да, ўзлари четга чиқишди. Байир ҳам четга ўтиб тухумини уларнинг қўлларига берди. Тухум қўлдан-қўлга ўтди, ҳамма чертиб кўрди, тишига уриб кўрди, салмоқлаб ҳам кўришди. Оддий тухум эди. Тухумбозлардан бири «бу тухумда ўйнамайсан, биз кўрсатган тухумда ўйнайсан, бўлмасам ўйинга қўймаймиз», деди. Байир кўнмади... Тухумда, албатта, сир бор эди, аммо қанақа сирлигини билишмасди. Бу анча кейин маълум бўлди. Байир қишлоқдан кетганидан кейин. Ушанда ҳам бир ўртоғига ёзган хатида айтган эди.

Тошкентга кўп қатнарди у. Тошкентда яхши ўртоқлари бор эди. Хусусан, бир армани ўртоғи бўлиб, улар жуда қалин эдилар. У Турбатга қимизхўрликка ҳам чиқиб турарди. Ана шу армани ҳовлисида товуқ боқарди. Байир ҳар сафар унинг уйига борганида ҳайитнамоз хаёлидан ўтар, армани ўртоғидан нега товуқ боқишини сўрагиси келардию негадир сўрай олмас эди. Ахир бир сафар сўради:

— Авак, даданг қилни қирқ ёрадиган муаллим бўлса, ойинг доктор, нега товуқ боқасизлар?

— Вой, шуни ҳам билмайсанми,— деди кулиб Авак,— товуқ дунёдаги уч хазинанинг бири-ку. Сен ҳам иккита товуқ боқиб кўргин, қўйларингдан кечворасан.

Шундай деди-ю, кузататуриб, бир сават тухум бериб юборди. Олмаман, деса ҳам қўймади. «Қишлоқ тўла товуқ, қўйсангчи», деса ҳам қайтиб олмади. «Буниси бошқача» деди. Шу сўнги сўзи Байирни ўйлатиб қўйди, «нимаси бошқача экан» деди ва қишлоққа келганидан кейин биттасини олди-да, ўзининг тухумлари билан уриштириб кўрди, уриштириб кўрдию ҳайрон қолди, ўнлаб тухумлари Авакнинг тухумига дош беролмади, ҳаммасини синдираверди. Бироқ, ҳайитга ҳали бор эди. Авак берган тухумларни сақлаб бўлмасди. Бир куни Авак чиқиб келди қишлоққа. Тағин қўлида бир сават тухум. Байир кулди:

— Нима қиляпсан, Авак, нима, қишлоғимизда товуқ йўқми?

— Товуғинг бору, лекин тухумингнинг мазаси йўқ.

Байир еб кўрганида буни сезган эди. Ҳақиқатан ҳам, Авакларнинг тухуми наинки қаттиқ, ҳатто ширин, катта-катта эди.

— Менга қара, Авак,— деди Байир,— тўғри, тухумларинг бошқача экан, айтганингча бор экан, нега бунақа, ё товуқларинг бошқача товуқларми?

— Йўқ Байир, товуқларимиз ҳам сеникидан, тухумлариям. Сизлар товуққа ҳамма нарсасизлару, бир муҳим нарсани бермасаларинг керак.

— Нимани, Авак?



— Туз!

— Туз?

— Ҳа, товуққа туз бермасанг бўлмайди. У ҳам жонивор, овқатида туз бўлиши керак. Дон билан туз аралаштириб берсанг, тухумлари зўр бўлади. Бўлмаса юққалашиб кетади, кичкина-кичкина бўлиб қолади. Товуқ қора тикан тузни яхши кўради. Қора тикан туз тухумни катта-катта қилади, мазали қилади, ундан кейин, ҳайит намозларингда, наврўзларингда сенинг тухуминга тенги топилмайди.

Байирнинг тухуми зўрлигининг, асти синмаслигининг сирини мана шундан эди. Товуқларини қора тикан туз билан боқарди.

Бувасининг бу ҳикояси Тоштемирга ёқиб тушди, думалаб-думалаб кулди. Анча дам олгач, ўрнидан турди, «кетдик, бува», деди. Улар учинчи сойга қараб интилишди.

Сойлар бир-бирига ўхшарди. Қир, тепа, ўнғир, унда-бунда жарлик, тоғлар — Қорабов тоғи, Қозигирт... Чимён йироқда эди. Сойга тушганларида, худди бир чексиз катта қозонга тушиб қолгандек атроф кўринмай кетар, фақат осмонгина бошларида айланарди холос. Сойдан чиқиб олгунларича мана шу ҳол, диққинафаслик. Бу учинчи сой ҳам шундай бўлди, жазирама, дим, тўрт томон тепалик, олам гўё қувратма жизғинакдан иборатдай. Унда-бунда буғдойзор кўзга чалинар, тагин йўқ бўлиб кетарди. Аммо ёвшан, ажриқ, тиканак, янтоқ истаганингдайди. Булар Тойлоққа бари бир эди, аксинча, бу биёбон ва сайхонликлар Тойлоқнинг табиатига мос, айна қаймоғи эди. Шундан у Тоштемирни бемалол, аллалаб олиб борар, чўл нафасидан ором ва роҳат оларди.

Бахшилла бува невараси бу жазирамада толиқиб қолмасин деб қизиқ-қизиқ ҳикоялар, эртақлар айтишини қўймасди. Бир эртаги, айниқса, Тоштемирнинг хаёлини чулғаб олди, иссиқни ҳам, ҳорғинликни ҳам унутди...

## Е т и м

Бир болани етим деб камситишарди. Ким кўринган ишга буюрар, оғир, қийинлигига қарамай ишлатар, қаерга борса кўрганлари у бўларди. Ундан ташқари, бечора бола ҳеч кимнинг гапини қайтармасди ҳам-да. Яхши, пухта қиларди ишни. Тўйда ҳам, азада ҳам, чойхонада ҳам, бозорда, расталарда ҳам унга иш буюришарди. «Ҳа, Етим, шундамидинг, кела қол, болақай, манавини ушлавор, анавини қила қол, кўтар болам, дарров бориб кела қол, мана сенга биттанга югур» дейдиганлар кўп эди. Узи ҳам «анавини қараб келчи, неча қоп экан» деса, биратўласи, неча қоплигинигинамас, унинг нима эканлигини, қанақа эканлигини, қаерда турганини, атрофида нима ва кимлар борлигига билиб келарди. Шундан бўлса керак, «ҳа, Етимми, у бир ишни икки марта қилмайди», дейишарди. У, ҳақиқатан ҳам, етим эди, ўгай она қўлида фарзандмас, хизматчи эди, қўйчивонлар билан бирга заранг қосада овқатланарди, бирга ётиб, бирга турарди ҳам. Шундан бўлса керак, онасини жуда қўмсарди, кўпинча кечалари хўрлиги келиб йиғлаб чиқарди. Нима қилсин, онаси эрта кўз юмди, уни эслолмайди ҳам. Онасининг дугоналари мақтаб гапиришарди, «ойинг чиройли эди, орқаси тўла соч эди, кулгани-кулган, тишлари бир текис, садафдай оппоқ, одамларнинг ҳавасини келтирарди, эсиз кетди», деб. Шундагина биларди онасининг қиёфасию феълени. Шундан кейин тагин ҳам қийналиб кетарди. Угай онаси урмасди, уришмасди ҳам, фа-

қат кўпроқ ишлатарди, укалари билан ўтқизмасди, кулиб қарамасди онасига ўхшаб. Ишлатса ҳам, қароллар билан ишлатса ҳам, ётқизса ҳам майли, лекин озгина кулиб қараса бўларди. Бунни жуда-жуда истарди. Аммо у кулиб қарамасди. Унда-бунда кулиб қарарди, аммо, масхара қилиб, истеҳзо билан кулиб қарарди. Айниқса, маҳалласидаги ўртоқларининг ойилари «тойчоғим, онанг ўргилсин» деганини эшитганида, юраги эзилиб ўксирди. Мана шуларни ўйлаб ухлаб қолар, мана шуларни ўйлаб тонг оттирарди. Болалар билан ўйнашга вақти етишмасди. Вақт топганида ҳам улар билан эркин ўйнолмас, уларнинг қилаётган ишлари ё ўйинлари унга хуш келмасди. У молларни подага қўшиб юбориш учун азонлаб қишлоқнинг чеккасидаги Саксондию қочарди. Пода қайтганида, у ўгай онасининг айтганини қилиб, тоғора билан пода кетига чиқарди, пода ўтганидан кейин орқада қолган ахлатларни тоғорага тўлдириб оларди-да, ташқари ҳовлисининг деворига таппи қилиб ёпарди. Бошқа болалар бунни қилмасди, балки кулишарди ундан. Эшиги олдидаги ариқни ҳар куни тозаларди, дарахтларнинг қуриган шохларини қирқиб ўтин қиларди, чанг чиқармасди, доим сув сепарди. Ўртоқлари бундан ҳам куларди. Тегирмондан оппоқ унга беланиб чиқарди ёки ўроқчиларга гўжа ташиб, даладаштни кезиб ҳориб келарди, ўртоқлари тагин ҳайрон бўларди, баъзилари ачинар, баъзилари кулар, баъзи ақллироқлари ҳавас қиларди. Улар, кўпинча, қишлоқ чеккасидаги Шиқбулоқ деган ўрмон-тўқайга қуш ўйнагани боришарди. Бунда катта, охири йўқ толзор бўларди. У толзормас, қушзор дейиларди, аслида. Жуда чиройли бўлиб тик ўсган самбит толларнинг остидан то тепасигача қушлар уя қўйишар, бола очишарди. Уларнинг чуғуридан қулоқлар том битарди. Бу чакалакзорга унинг ўртоқлари қўрқмасдан тикка кириб кетишар, ҳалиги уяларни кавлашиб, тухум бўлса тухум, полопон қушлар бўлса — қушлар олишар, қўйинларини тўлдириб чиқишарди, олиб келиб зағчаси борлар — зағчаларига, қарқуноқлари борлар — қарқуноқларига беришарди. Етимнинг ҳам қарқуноғи, зағчаси бор эди, аммо, у қуш болаларини, айниқса, чумчуқ болаларини олишга қўрқарди, тўғрироғи — уларга ачинарди, ахир уларнинг ҳам оналари бор-ку, деб ўйларди. Шиқбулоқ чакалакзори Тошлоқ сойига бориб тугарди. Ундан у ёғи сой ва жарлик эди. Жар жуда баланд эди, худди биров атайлаб кесиб ташлагандай қияланғоч, одам оёғи етмас тикка бўлиб, унда эскидан чинни каптарлар болалашарди. Жар бағри илма-тешик бўлиб кетган, каптар уя эди. Бу уяларга Шиқбулоқ чакалакзоридаги сингари, қушларнинг тухумлари ва полопонларини бемалол ташиб кетувчи раҳмсиз болаларнинг қўли етмасди, уларнинг тухумларига ўч илонлар ҳам чиқолмасди. Етим бир куни даладан келаётиб даҳшатли ҳодисани кўрди, бир умр одам боласи йўламаган ана шу жар тепасида унинг ўртоқлари уймалашиб туришарди. Етим аввал ҳеч нарсага тушунмади, уларнинг нима қилаётганликларини билмади. Яқинроқ бориб қараса, сизир-бузоқларининг бошвоқларини бир-бирига улаб, Хайирни боғлаб каптар уяга туширмоқдалар. Югурганича қирга етиб борди.

— Ҳай, нима қиляпсизлар, ахир у паррандага тегиб бўлмайди-ку!

Ўз қилаётган ҳаракатларидан ниҳоятда мамнун ўртоқлари унга ҳам арқоннинг бир учини тутқазишди:

— Ушла бунни, маҳкам ушла, чиқарворсак, аспаласопингга кетади Хайир.

— Узилиб кетса-чи, — жаҳл билан деди Етим.

— Унисидан хавотир олма, бошвоқлар маҳкам боғланган, етса бас, — деди сумақбурун Бароқ.

Етим арқоннинг энг охиридан тутган эди, унга ҳеч нарса кўрин-

масди. Фақат қушларнинг чуғурию болаларнинг ҳай-ҳайи эшитиларди. Бир маҳал қушлар, каптарлар шунақанги кўпайиб кетишдики, энди улар қий-чув қилиб осмони фалакка кўтарила бошлашди. Етим бундан Хайирнинг қушлар уясига етиб қолганини сезди. Тагин болаларга бақирди:

— Болалар, тортларинг бошвоқни, мен қўйиб юбораман!

— Валдирама, Етим, Хайирдан айрилиб қоласан! Ана, етиб қолди у.

— Ҳаммамизни худо уради, болалар, айтларинг, қайтсин Хайир!

— Шошма, фақат қараб боқади холос, бас бойлашганмиз икки-таданми боласи, биттаданми» деб, Хайир биттадан деди, биз икки-тадан дедик, олиб чиқсин!— деди терлаб-пишиб, қизариб-бўзариб арқон тортиб турганлардан бири. Етимнинг жони ҳалқумига келди, жаҳлдан:

— Қандай бераҳмсизлар, тортларинг уни! — деб ўшқирди.

Қушлар энди Хайирни талай бошлашди. Улар шундай ҳужумга ўтишдики, охири Хайир дод солди. Каптарларгинамас, энди Турбатдаги жамики қушлар ҳам ёрдамга келишган эди. Ораларида ҳатто қирғий, лочин, қарқуноққача кўрина бошлади. Жанг узоққа чўзилди, болаларнинг ҳам қайтгилари келмади, Хайирнинг ҳам. Хайир, айниқса, қора каптар уясини қидиарди. Ҳамма каптарлар уясини титкилаб ташлади, худди ари уясидек бесаноқ уяларни бузди, қонча-қанча тухумларини, янги очилган болаларини нобуд қилди, сомон, хас-чўплардан қурган уяларини вайрон қилиб ташлади, курашиб пораканда бўлган паррандалар ахири вайрона хонадонлари устида худди жўр сингари узоқ учиб туришди. Ўз қилмишидан маст Хайирнинг овози эшитилди:

— Тортларинг энди!

Тортиб олишди. Унинг афти-ангорига қараб бўлмасди, тимдалаб ташланган эди, қоп-қора қонга беланган, ҳолдан тойган Хайир қир тепасига судралиб чиқдию, муккасидан йиқилди. Уни кўтариб олиб кетишди: Бу даҳшатдан эси оғиб қолган Етим жар ёқасида оқшом тушгунгача қолиб кетди. Ниҳоят, қушлар ғувури тингач, ёлғиз бир «чириқ-чириқ» овозгина унинг қулоғини динг қилди, эси ўзига келиб, аста ўрнидан турди ва жарлик тепасига келиб пастликка қаради, ҳайратдан ваҳима босди уни, жар ости оёқ қўйиб бўлмас даражада қуш ўликларига тўлиб кетган, синган, пачоқланган тухумлар ер билан битта эди. Етим жар айланиб сойга отилди, у ўликларга тўлиб кетган жанг майдонига ўшарди. Ўлган, майиб бўлган, қаноти қайрилган қушлар мўлтираб ётишарди...

## Қора каптар

### Чўпчан

— Кейинги ҳодисалар Етимнинг кўз ўнгида юз бердими ё хаёлидан ўтдими — номаълум. Чўпчакка ўшаб кетишидан туши деса ҳам бўлади. Мана, бу ёғини эшитиб, нималигини ўзинг айтарсан, болам,— деди Бахшилла бува неварасига қараб. Тоштемир бўлса ҳикоянинг давомини энтикиб кутар, айтинг, дегандек, буvasига илтижо билан қараб турарди. Чол бир томоқ қирди-да, давом этди:— Кеч қоронғисида кириб борди, қўйчивонларга айтиб берди воқеани, қўйчивонлар ётадиган қўрадан бир тоқча топиб жойлаштирди уларни. Қаттиқ чарчаган экан, тезда ухлаб қолди, овқат ҳам емади. Бир маҳал тўпалондан уй-

ғонди. Қараса, қўйчивонлар ўринларида йўқ, Хайирларнинг қўрасида шовқин-сурон, «ур, чўқмор билан сол аблаҳни, қўйларга ҳазир бўл, атайлаб қўйлар тагига яширинади, охурларни қара», деган пойинтар-сойинтар овозларни эшитдию югуриб чиқди. Қўрани бўри босган эди. Уч томони иморат, оғилхона, отхоналар билан ўралган, бир томони баланд девор қўрага бўри қандай тушганига ҳайрон бўлган Етим отхона устунни ёнида қаққайиб қолди. Қўйчивонлар гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан бўриларни излар, қувар, қўй бечоралар эса гур этиб бу томонга югуришар, гув этиб у томонга. Қайсиси бўри, қайсиси қўйлигини қоронғида ажратиб бўлмасди. Дуч келганни чўқмор билан урар, гоҳ оғриқдан ё бўри тишидан маъраган қўй овози, гоҳ ириллаган бўри овози эшитилиб қоларди. Қўйчивонлардан кимдир, «ана, деворга қараб ўзини урди, ана ўша, бадбахт қашқа қашқир», деди. Унинг худди қушга ўхшаб бир сакраганини кўриб қолди, сакрадию тўрт пахса девордан қушдай ўтиб кетди...

Тонг отгунча ҳеч ким ётмади, чироқ ёқиб қараб чиқишди. Ўттиздан ортиқ қўй бўғизланиб ётарди, ўнлаб қўйлар беланги эди, бўри деб қўйнинг белига туширган эдилар.

Қўйчивонлардан кимдир икки бўрининг ўлигини судраб чиқди. Қочиб охурга беркинган экан. Семиз-семиз сариқ бўрилар эди.

— Тагин қутулиб кетди айёр,— деди қўйчивонларнинг бошлиғи Саривой чўпон.

Қишлоқда бўри, қашқир кўп эдию, аммо кейинги пайтда иккита ўғри пайдо бўлиб, ҳаммани ташвишга солиб қўйган эди. Улардан на пода тинарди, на қўра, на йилқи тинарди, на чорва. Ҳар кунни бир неча хонадонда тўполон, ур-ур, сур-сур. Уларнинг бири — Сирвой қароқчи, от ўғриси эди, қишлоқнинг энг яхши учқур отларини олиб кетарди, номи чиққан чавандозларнинг шўрини қуритарди. Иккинчиси — мана шу бадбахт сирли қашқа қашқир эди. У қаёқдан келган, тоғ ошиб келганми, ўзимизникими, билиб бўлмасди. Ҳар нечук қўйларни жуда қийратар, уловларга тинчлик бермасди. Энг зўр бўрибосарлар ҳам унга етолмасди, манман деган овчилар ҳам, мерганлар ҳам доғда эди. У қашқирмас, бир бало эди. Мана бугун Хайирни қақшатиб кетди. Ҳар куни шу аҳвол. Тошлоқ тошганда ҳам бунақа ваҳима бўлганмас, ҳатто зилзилада ҳам. На кундузи юриб бўлади унинг дастидан, на кечаси. Бирон қўй, эшак, туя, ҳатто одам ҳам йўқоладиган бўлди. Кейинги бир ой мобайнида тўрт киши йўқолди, бир бола, уч аёл... Қишлоқ оқсоқоли мерганларни йиғиб қаттиқ койиди:

— Қанақа мергансанлар ўзи, йуракларинг борми, йигитмисанлар, битта шу қашқирга бас келолмасаларинг!

— Оқсоқол,— деди мерганлардан бири туриб.— Бу қашқирмас, бу назаримда, худонинг балоси! Уни худонинг ўзи дап қилмаса, бандаси ҳеч нарса қилолмайди! Қанча-қанча қопқонларимиз бузиб ташланган. Биляпсизми, оқсоқол, бузиб ташланган. Буни бўри ё тулки бузадими, қачон шунақа бўлган, худди одамга ўхшаб бузиб ташлайди, қайириб, синдириб ташлайди. Унинг дастидан қишлоқда қопқон қолмади. У энди уйларимизгача кириб келди, эртага кўрпа-мўрпамиз билан олиб чиқиб кетади.

— Тавба,— деди оқсоқол ёқасини ушлаб,— бу қанақа бало бўлди ўзи. Хўш, нима қил дейсиз энди?— ёлворгансимон мўлтиллаб қаради мерганларга.

— Билмадик!— дейишди мерганлар елкаларини қисиб.

— Сизлар билмасаларинг ким билди ахир, болаларим?! Нима, битта-битталаб еб кетаверадими бу лаънати ҳаммамизни? Бир чора тонмоқ керак.

— Ўша чорани сиз айтинг, оқсоқолимизсиз ахир...

— Уни ҳеч ким кўрганми?— деди бир нарса ўйлагандай оқсоқол.

— Ҳеч ким кўрганмас,— деди мерганлардан бири.

Кўрмаган бўлсаларинг нега қашқир дейсанлар, тагин қашқа қашқир? У балки қашқирмасдир, бошқа нарсадир...

— Мен ҳам шуни ўйлайман, тақсир,— деди кекса мерган салмоқлаб,— одамларимизни олиб кетяпти, семиз-семиз қўйларимизни. У балки алвастидир.

— Йўқ, у алвастимас, уни Шариф буванинг қўйчивонлари кўришган,— деди яна бир овчи.— Тунда бир неча бўрини бошлаб келган уларнинг қўрасига, ўттиздан ортиқ қўйни бўғизлаб кетган. Бир қўйчивон ўз кўзи билан кўрган унинг тўрт паҳса девордан ҳатлаб ўтганини, тагин уни масхара қилиб орқасига қараб ириллаб ҳам қўйган. Қашқа экан, пешонасида оппоқ қашқаси бор экан, ўзи ҳам бир танадай келади, дейди.

— Гап шу,— деди оқсоқол,— болаларим! Яроғларингни яхшилаб ўқлаб, ҳар кеча қоровулликка турасанлар! Бошқа чора йўқ.

Мерганлар рози бўлишди.

Эртасига мерганлар қайтишмади.

Етим мана шуларни ўйлаб ўтирар экан, қўйчивонлардан бири юғриб кирди:

— Хайирнинг дадасидан сўра укам, Сарибойни осиб қўйди, у айбдормас-ку ахир!

Етим сакраб ўрнидан турди, қўрага чиқса, Сарибой ҳовлининг ўртасидаги шотутга оёғидан осилиб ётипти. Бошқа чўпонлар Хайирнинг дадаси олдида бош эгиб туришибди. У чўпонларни койирди. Етим ҳеч қачон қилмаган ишини қилди бу сафар: амакисининг олдига дадил борди, унинг гапи тамом бўлгунича бир пас тикилиб турди. Кейин деди:

— Амаки, сиз бой, тўрамассиз-ку, булар сизнинг дўстларингиз-ку, менинг акаларим-ку, нега бундай бераҳмлик қиляпсиз, айтинг. ечиб олишсин. Сарибой энг яхши қўйчивон!.. Айтинг!..

Хайирнинг дадаси, ҳақиқатан ҳам, раҳмдил одам эди. Шунча қўйни бир бўри қийратиб кетганига чидолмасди. Энди ҳеч нарсаи қолмаган эди. Ҳатто миниб юрган отигача ёриб кетган эди. Бир пайт кимдир оғилхонадан хомуш чиқди: бўғоз сигирнинг қорнини ёриб боласини олиб кетиб қопти.

— Мана кўрдингми, Саривойнинг нима қилди мени, кафангадо қилди, амакнинг энди гадо, гадо, гадо! — деди бақириб ва Саривойни қамчилай бошлади. Унинг ёнига Етимнинг дадаси кўшилди. Етим нима қиларини билмай қолди, олазарак бўлиб чўпонларга қарар, улардан ёрдам сўрар, аммо улар ожиз, ўзлари ҳам шу ҳолга тушишдан кўрқиб жим туришарди...

— Ўлдириб қўясиз, дада!— деб бақирди Етим.

— Ўлдираман, жим бўл, сенларни ҳам ўлдираман!— деди дадаси унга ҳам ўдағайлаб.

Аммо Етим шу топда ғазабдан кўрқиш, ҳайиқиш деган гапларни унутган эди, бир сапчиб бориб, дадасининг қўлини тутди ва қамчисини тортиб олди, шундай чайир ирғайдан бўлган қамчинни синдириб ташлади, чўпонларга қараб бақирди:

— Кўрқоқлар! Кўрқоқлар! Кўрқоқлар!..— сўнг шотутга чиқа бошлади. Шунда отаси бориб, Етимнинг елкасидан худди омбурдай тутди ва азот кўтариб итқитиб ташлади. Етим қатор бўғизланиб ётган қўйлар орасига бориб тушди ва аламидан хўнграб йиғлай бошлади. Отаси аламидан унга, чўпонларга бир ўқрайиб тикилди-да, хотинини олиб ичкарига кириб кетди. Саривой ҳамон тутда худди қўйлардай оёғидан осиглик хирилларди... Етим бўғизланган қўйлар орасидан

зўрға чиқди-да, тутга интилди, Саривойнинг оёқларини ечди, чўпонлар қўрқа-писа кўтариб олишди. Уни чўпонлар хонасиға олиб бориб ётқи-зишди...

Етим дадасидан тамоман қайтган, уни кўргани кўзи йўқ эди. У ўтириб ўйлади: қилгуликни Хайирлар қилдию, жатига биз ҳам қолдик. Энди қўй ҳам, эчки ҳам, сигир-бузоқ ҳам йўқ, қўйчивонлар қиладиган иш ҳам қолмади: улар кетишади, у нима қилади бу хонадонда энди? Отасининг аҳволи бу, ўғай онанинг аҳволи у. Улар ўзларининг кейинги болалари билан бахтиёр. Унга ким қарарди. Қўйчивонлар қаёққа кетишса, у ҳам ўшалар билан кетишга қарор қилди. Бу вақт чўпонлар қирғин-барот бўлган молларни далага олиб чиқиб кўмиш билан овора эдилар. Етим бурчакдаги токчага яширган қора каптарга бориб қаради, дон сепди, сув берди, мўмиёйи аслдан қанотларига, оёғига тагин суриб қўйди...

Етим умри бино бўлиб оёғига бирон пойафзал киймаган эди. Шундан оёқлари худди ёғоч қошушга ўхшаб қотиб кетган, на тиканак, на тош таъсир қиларди. Шундан ўртоқлари, у юрган йўллардан от ҳам юролмайди, деб кулишарди. Усти-боши ҳам шунга ярашиқ тўқим сингарии йиртилмайдиган бўздан эди. Қишга бориб эса, қўйчивон оғалари тақдим этган қалин пўстинини кийиб олар, ундан на совуқ ўтарди, на аёз. Еганинг зогора нон, ичгани шулон шўрва, айрон, қуртова, буғдой гўжа... Онда-сонда ҳиммат қилса, турмуш уни бирон тўйхонага олиб кирар, ё азага. Ана унда дурустроқ овқат кўрарди. Тақдир шу экан-да, дедию бахташ таваккал қилиб қўйчивонларга илашди... Илашдию юртни қирғин-барот қилган маҳлуқ уни ўйлатиб қўйди: бу қашқа қашқир дегани нима бўлди, нега одамлар шунча қўрқишади ундан, наҳотки битта қашқир шунча одамни майиб, кафангадо қилиб кетаверса, эртага қишлоқдан ҳеч нарса қолмайди-ку... Тавба, деб қўйди. Наҳотки бирон мард ё зўр топилмас шунча одам орасидан?!

Қишлоқ ҳамон безовта эди. Кеч кирди дегунча хонадонларни ваҳима босарди, подадан қайтган молларни санашарди. Мерганлар бўлса, қоровулликка чиқмай қўйишди. Етим уйига яқинлашай деганда, тегирмондан бир барваста, қоп-қора йигит чиқиб келди, уни тўхтатди-да:

— Укам, шу ерликмисан,— деб сўради.

— Шу ерликман,— деди Етим ҳам уни қаердадир кўргандай бўлиб.

— Мен тегирмонга уни тортгани келувдим, қизиқ гаплар эшитдим. Шулар ростми ё бекор гапми?

— Нега мендан сўрайсиз, анави карвонсаройга боринг, ростини айтиб беришади,— деди Етим жаҳли чиқиб.

— Нима, сен ёш боласану катталарнинг гапига аралашолмайсанми?— илжайди у йигит.— Ахир бугун ҳам аллакимнинг бор-йўғини қийратиб кетипти-ку, эшитмадингми?

— Бизларни шундай қип-яланғоч қилиб кетди,— деди хўрсиниб. Энди улар бирга бақамти кета бошлашди.

— Мен овчман,— деди у секин, биров эшитмасин дегандай қилиб,— сен агар ёрдам берсанг, шу кеча бир ўзимни синаб кўрмоқчидим. Ахир шу ерлик бўлсанг, бу ерларнинг паст-баландини яхши биларсан. Кейин у қашқирда аламинг ҳам бор экан.

— Шундай-ку,— деди Етим ҳайрати тобора ортиб, ваҳимага тушиб,— лекин манман деган ўзимизнинг овчиларимиз ҳам бунинг уддасидан чиқолмаяптилар. Эшитгандирсиз...

— Эшитдим, қоровулда турганлари қайтишмаяпти... Бу ерда, албатта, қандайдир сир бўлиши керак... Мен бунақа воқеаларнинг анча-мунчасини билман. Бир-икки қулоч бошвоқ билан битта-иккита бўйра топиладими?

- Топилади,— деди Етим ҳайрон бўлиб.
- Топилса, кечқурун қўлтиқлаб шу тегирмонга келоласанми?
- Майли,— деди тагин ҳайрон бўлиб Етим.
- Сен ҳайрон бўлаверма, укам, менинг айтганимни қил, хўпми?

деди қора йигит.

Улар шундай ваъдалашиб ажралишдилар. Кечқурун Етим бошвоқ билан бордон қўлтиқлаб тегирмонга келади. Ҳалиги одам тегирмон эшигида кутиб турарди. Улар биргалашиб қишлоқ чекасидаги Саксончиққан тепасининг қир учига кетишади. Атроф-теварак кафтдек кўринадиган жойга бордонни ёзиб, иккалалари икки томонга қараб ўтирадилар, қоронғи тушишни кутадилар. Бир маҳал Қорабов тоғи томондан бир думли юлдуз учади. Яқинлашгани сари унинг узунлиги билинаверади, у қишлоққа келганида атрофни кузатади ва бир ҳокондоз оловдай йиғилади-да, ерга қўнади. Қўниши билан бутун воқидий жуфт-жуфт олов кўзларга тўлиб кетади.

— Кўрдингми,— дейди қора одам унга,— илон бўлиб учиб келиб, қашқирга айланишди. Ана энди қишлоғингга келишади. Бугун кимнинг навбати бўлса, ўшани талашади. Қайси овчининг қўлидан келади бу аждаҳони ушлаш ё овлаш... У аввал мана шу биз турган жойга келади, бу ердан ҳаммаёқ кўринади. Ҳаммаёқни шу ердан кузатади, кейин қишлоққа киради. Қани кетдик энди,— дейди у ва Етимни йўлга бошлайди. Етим бошвоғи билан бордонларини олмоқчи бўлганида. «тегма, қолавурсин», дейди қора одам.

Қишлоқ мазор жимлигида ухларди.

Саксончиққан тепада бир қулоч бошвоқ билан икки бордон келгувчи меҳмонни кутарди. Бир маҳал қашқа қашқир Қорабовда бор қашқирларни етаклаб Саксонтепага чиқадию жони ҳалқумига келади, бор кучи билан ушлаб, кўкка дод солади. Буни кўрган бўрилар тўрт тарафга тум-тарақай бўлиб кетади... Бу ҳодисани ҳеч ким кўрмайди. Чунки, Турбат ҳар кунги даҳшат такрорланишини кутиб, чироқларни ўчириб ўтирарди.

Етим ҳам ўз қоровулхонасида нима бўларкин, деб мижжа қоқмай шовқин-суронни кутарди. Аммо тонг отади ҳамки, ҳеч нарса юз бермайди. Бугун тонг биринчи марта тинчлик, жимжитлик билан отади. Нотаниш киши эшик тақиллатади, «эшагингга мин», дейди. Етим эшагига минади. Номаялум одам уни бошлаб, Саксончиққан тепага олиб кетади. Етим қай кўзи билан кўрсинки, икки бордони ўроғлиқ, бошвоқ билан боғланган ҳолда ётарди.

— Судра,— дейди номаялум одам унга қараб. Етим бошвоқ билан боғланган бордонни эшаги бўйнига боғлайди-да, қишлоққа судраб кетади. Етим уни тўғри қишлоқнинг марказига, Исмоил ота мазоридан сал нарироқдаги Қозоқовул деб аталувчи майдонга олиб боради. Уни қишлоқ бошидаёқ кўрган одамлар бири икки, иккиси йигирма бўлиб келиб, ўраб олган эди, тумонат йиғилади майдонга. Қашқа қашқир дастидан хароб бўлганлар, мол-дунёсинигинамас, бутун борлиғини, ота-онасигача йўқотган бечоралар етиб келишади. Етим бошвоқни ечиб, бордонни очади. Уни ўраб турганлар ҳайратдан кўзлари олайиб орқаларига тисариладилар. Бордон устида қашқир терисини ёпинган Сирвой қароқчи ўтирарди, қўл-оёғи боғлиқ, фақат оёғи билан қўлигина ҳали одам ҳолатига келмаган, қашқироёқ ва қашқирпанжа эди...

Фақат ҳамма томлардан баланд Бойбува томининг бўғотида унга таниш Қора каптаргина қанотларини тараб, тумшуклари билан оёқларини силаб ўтирарди. У ўзига Етимнинг кўзи тушганини кўрадию осмони фалакка кўтарилади-да, сой томонга қараб баландлаб кетади...



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

Бахшилла махсум ҳикоясини тугатиб, неварасига боқди, «мана шунақа» дегандек кулиб қўйди.

— Ҳалиги қора каптар ўшамиди?— қизиқиб, шошиб сўради у.  
— Уша эди,— деди буваси олисларга тикилиб.

Улар учинчи сойдан тўртинчи сой томон кўтарила бошлаганларида иссиқ авжга минган эди.

— Мана, қанақа қишлоқ бизнинг қишлоқ, болам,— деди Бахшилла бува неварасига Тешиктошни ҳикоя қилиб.— У жойни Парпи ота ҳам дейишади. Бир вақтлар у ерда Парпи ота деган дарвиш ўтирган, супуриб-сидириб, келди-кеттини кутиб...

Ҳалиги қиззиталоқ Сирвой ўша ерга эга бўлмоқчийди, Парпи отадан ҳайиқди, унга йўлолмади, уни ўзидан кўра бақувватроқ сеҳргар деб биларди. Улимини кутди, ҳадеганда ўлавермади Парпи ота ҳам.

Тешиктош, аслида, одамларнинг ҳалоли билан фирромини, тўғриси билан эгрисини ажратадиган тош, билсанг. Улар ҳар йили наврўзда ўша Тешиктошда янги йил байрамини ўтказадилар. Шу байрам баҳона бир йилда ким ҳалол, ким тирриқчилик билан яшаганини ажратадилар, ҳаромхўрларни жазолайдилар. Ҳаммалари удумга биноан ўша тош тешигидан ўтадилар, ҳаромхўрларни Тешиктош қисиб қолади, қишлоқ аҳли олдидан шармандаси чиқади. Халқ уни қишлоқдан бадарга қилади, қишлоқда фақат ҳалол кишиларгина қоладилар.

— Бордию ўша ёмон одам наврўзга чиқмаса-чи?— дея сўради Тоштемир болаларга хос содадиллик билан.

— Бари бир, чиқмаса ҳам қишлоқда қололмайди, чиқмадими, демак, чатоғи бор, кетишга мажбур. Наврўздан қайтгунларича у аллақачон кўчиб кетган бўлади. Ҳамма ерда имон поклиғи керак. Имон



поклиги бу эътиқоддан иборат. Эътиқод эса, болам, ишонч. Иқдор бу — тавба, амал дейишади. Юрт хизматига камарбаста бўлмоқ хайрли иш. Шуларни ёдингда тутсанг ҳамиша ҳалол бўласан. Беандишадан йироқ бўл ҳамиша. Хуббихўжа деган мўйсафид бўлгувчи эди, жуда бообрў киши эди, худо раҳмат қилгур. Бирон ожиз, сичқонсифат одам унда-бунда керилиб қолса, «ҳо, шерга қуда бўлган кўринадилару қизиталоқ», дерди. Бунинг мағзини чақ... Мағзи шуки, ноҳалол одамнинг таги бўш, ўзи ногирон бўлса ҳам бирон бообрўроқ одамга яқинлашиб қолса, юртнинг шўри қўрийдди, билган номаъқулчилигидан тоймайди, ҳамма ёқни булғатиб юборади. Шунинг учун эртақ тўқиганлар: сичқон «ҳа деб чумчуқ пир этса — юрагим шир этиб юравераманми», деганмишу шерникига совчиликка борганмиш. Шер ҳам тапнинг тагига зеҳн солиб ўтирмай рози бўптимиш, қизини сичқоннинг ўғлига бериптимиш. Тўйдан кейин дунё бузилпти, сичқон бирдан сичқонбойга айланибти, наинки бароқ мушук, ҳатто шер билан арслонлар ҳам салом бериб ўтадиган бўпти унга... Мана шунақа, болам, бу бир масал-ку, аммо-лекин тагидаги гапда ҳақиқат кўп. Шунинг учун ҳам: бахт пашшадай гап, гоҳ асалга қўнади, гоҳ ахлатга, деб бежиз айтишмаган.

Энди «Отбоқар ва шаҳзода» ҳикоясини эшит.

## Отбоқар ва шаҳзода

### ҲИКОЯТ

Бир пошшо ўғлини асти уйлантиролмай гаранг экан. Нима қилиб бўлса ҳам подшо қизига уйлантирмоқчи экан. Аммо иккинчи подшо қайда, унинг мулки қанақа, бунинг мулкига мосми, арзигуликми... Буни ўйлаб, идрок қилиб, қўшни мамлакат подшосига элчи юборибди. Бахт келса ҳам келади, келмаса ҳам дейишарди ундаги оқсуяклар. Лекин подшонинг элчилари қуруқ қайтишади, куёв ҳам, эҳтимол, мулк ҳам ёқмайди. Подшо аввал ғазабга келади, нима қиларини билмай, эрталабгача бўкириб чиқади. Кейин «бу ишни тадбир билан ҳал этмоқ керак» деган хулосага келади. Элчиларни ҳузурига чақиради:

— Айтингчи, яхшилар, куёв нега ёқмапти? Нимаси ёқмапти у аблаҳга?

— Билолмадик, шаҳаншоҳ, қуруқ қайтарди аблаҳ подшо.

— Шаҳзодани кўришдими ўзи?

— Кўришди, шаҳаншоҳ, аммо, «шаҳаншоҳ бизни маъзур тутсинлар», деди подшолари.

— Шаҳзода ўзи нима деди?

— Ҳеч нарса демади, шаҳаншоҳ, кулди-қўйди.

Подшо ўғлини чақирди:

— Айтингчи, ўғлим, подшо рад жавобини қилганида сиз нега кулдингиз?

— Кулганимнинг боиси, дадажон, сир,— деди.

— Нега мендан сир яширасан, айт, болам!

— Илтимос қиламан, сўраманг,— деди шаҳзода ва чиқиб кетди.

Подшо ҳайрон қолаверди. Елгиз ўғли, валиаҳд, айни тахтга ўтирадиган ўспирин пайти. У отбоқари билан жуда сирдош бўлиб, уни жуда ҳам яхши кўрарди, отбоқар ҳам гоят ақлли, зеҳни ўткир йигит эди. Буни подшо биларди.

Подшо отбоқарни чақирди:

— Айтингчи, болам, подшога бизнинг шаҳзода нечук ёқмади?

Отбоқар бу учрашувни кутар, нима савол тушувини билар, аммо ўзи нима деб жавоб беришини асти тополмай гаранг эди. Мана, ўйлаган саволи қулоғида. Нима десин! Аммо ростини айтмоғи керак. Унда шаҳзода нима бўлади? У қиз нима аҳволга тушади? Ўзи-чи? Шаҳаншоҳ қарори нима бўлади? Бу саволлар яшин тезлигида бошидан айланиб ўтди.

— Шаҳаншоҳ,— деди отбоқар ниҳоят тилга кириб,— бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, ростини айтгай.

Шаҳаншоҳ бир қаролнинг унга шарт қўйганига оғриниб, бир оз ҳайрон бўлди, лекин ўғлимнинг дўсти-ку, деб ўйлади.

— Майли, болам, кечдим.

— Подшо рад этгани йўқ!

— Қандай, ахир?!— шаҳаншоҳнинг кўзлари ҳайратдан ола-кула бўлиб кетди.

— Подшо қулингизни рад этди...— бош эгиб тиз чўкди отбоқар. Аммо подшо англамади.

— Бу не деганинг?

— Мохрибон фарзандингиз ўзлари кирмай мени киритган эдилар подшо ҳузурига шаҳзода қилиб, кийинтириб. Қулингиз у подшонинг қизи билан таниш эдик, ўғлингиз буни билардилар ва маъқуллардилар. Ҳатто учрашувларга бирга борардик, бирга овларга чиқардик. Бироқ икки олам фарзандлари нима қилишимизни билмай, йиғлаб тонг оттирардик. Менинг фарёдим ўғлингизнинг қалбини тилка-пора қилиб юборди. Ниҳоят ўртада бу воқеа содир бўлдию, шаҳзода, «мана, бахтинг очилар кун келди», дедилар, навбатдаги овда бу хабарни маликага еткардилар. Малика рози бўлди. Шундай қилиб, элчилар билан шаҳзодамас, мен кирдим саройга, шаҳаншоҳим.

Бу қутилмаган хабар шаҳаншоҳ хаёлини остин-устун қилиб юборди, бутун ниятларини, режаларини вайрон қилди, қўшни мамлакат мулкига тиккан кўзи тешилгудек бўлди, яккаю ягона фарзанди «қобил» чиққанлигидан қаттиқ изтироб чекди. «Бордию у мамлакат подшолиги билиб қолса, нима бўлади? Уруш эълон қилади. Уруш нима билан тугайди? У ҳам менинг элчиларимни рад қилганида менинг ғазабланишимни, уруш эълон қилишим эҳтимоли ўйламаганмикин... Ўйлаган... Аммо нимасига ишонган?... У ниманидир билган, ниманидир билганки, рад қилган», деган гапларни кечирди кўнглидан.

— Шаҳзодини чақиринг,— деди оғирлик билан ва отбоқарга рухсат берди.— Шартини қабул қилдим, бир қошиқ қонидан кечдим,— деди ичида ўғли келгунича. Ўғли келганидан кейин ҳамма гапни билишини айтди. Шаҳзода отбоқарининг беқарорлигидан ўкинди.

— Тўғри айтипти отбоқарим, дада, мен қилдим буни, у эмас. Ахир мен қандай қилиб бировнинг хасмига панжамни ураман, нега мен бировнинг хотинига уйланишим керак экан!? Тағин хизматкоримнинг,— деди ўғли ўзини оқлаб.

— Ахир, болам, у бировнинг хасмимас-ку. Қандай қилиб у бир отбоқарнинг хасми, хотини бўлсин?! Ундан кўра бу хатони тузатиш йўлини топ. Бўлмаса уруш бўлади.

— Майли, уруш бўлсин, аммо мен унга уйланмайман! Шуни ҳам яхши билингки, у мени суймайди, у бу ишимизни билса, аввал бошдан у уруш эълон қилади бизга. Биласизми, у қанақа мерган! Бутун қўшин унинг ихтиёрида. Отбоқар ҳам у томонга ўтиб кетади, икки шохликни ҳам топтаб ташлайди. Бу сирни оча кўрманг, дада, сир сирлигича қолсин.

— Йўқ, ўғлим, сир энди сирлигича қолмайди. Модомики, улар бир-бирларига сўз беришипти экан, уруш бўлиши муқаррар. Сен

ақлингнн йиғ, бола, мамлакатинг, меросинг, тожи-тахтинг яксон бўлади. Бунинг олдини олмоқ керак!

— Йўқ, дада, отбоқар содиқ йигит, кўрдингизми, ҳамма гапни очик айтипти. Ҳалоллигидан, бизга содиқлигидан. Қўшни мамлакатни эсингиздан чиқаринг, у ҳам эсидан чиқаради.

— У эсидан чиқармайди,— деди ниҳоят шаҳаншоҳ,— болалик қилма, у эсидан чиқармайди, унга уйланмоғинг шарт!

— Ота, бунн хаёлингиздан ҳам чиқариб ташланг!— деди шаҳзода қатъий қилиб, кейин шиддат билан чиқиб кетди.

Шаҳаншоҳ тахтда анча вақтгача узоқ ўйлади ва ниҳоят қатъий қарорга келди-да, хонтахтага ўтириб, мактуб ёзди. Отбоқарни чақирди:

— Мен сенинг шартингнн қабул қилдим, сен ҳам менинг шартимнн қабул қил!

— Хўп бўлади, шоҳим!

— Шаҳзода билан бирга ўсдинг, фарзандимдай катта бўлдинг. Сен ўйлаган мақсад рўёбга чиқса... Авваламбор, у рўёбга чиқмайди, подшо сенга қизини бермайди, модомики, агар рўёбга чиқса, қиёмат қойим бўлади. Бу ниятингдан кеч, болам. Биламан, муҳаббат деган ўлгур ёмон бўлади, ҳар қандай соғлом каллани ҳам айлантриб, ақлдан адаштириб қўяди. Сен ҳозир бамисоли шундай ҳолатдасан. Тушунаман.

— Шаҳаншоҳ, ҳамма гапларингизга розиман!

— Балли, болам!

— Аммо, маликадан кечолмайман, унга сўз берганман!

— Ахир уни отаси сенга бермайди-ку!

— Қочамиз!

— Қаёққа қочасизлар? Дунё тор, болам!

— Муҳаббатга дунё кенг!

— Бўлмасам...— узоқ хаёлга чўмиб деди шаҳаншоҳ,— бўлмасам, мана бу мактубни Ҳазрат Авлиёга етказ. Бунда мен Ҳазратдан бу ишга аралашувини илтимос қилганман. Сен ҳам илтимос қил, зора у аблаҳ унинг сўзига кирса.

— Умрингиз узоқ бўлсин, шаҳаншоҳ, фарзандингизнинг доғини кўрманг,— дея отбоқар, боши осмонда, чиқиб кетди.

Шаҳаншоҳ у кетгандан сўнг ҳам тахтига чиқиб, узоқ вақтгача мактуб натижасини кутиб ўтирди. Кун ботди, намозгар бўлди, аммо хабар бўлмади.

Вазирни чақиртирди.

Вазир рангида қон йўқ, зўрға кириб келди. Шоҳни ваҳима босди.

— Нима гап, вазири аъзам! Тезроқ айтинг!

— Боятдан бери олдингизга киришга журъат қилолмаётган эдик, ҳазрат! Бу нима қилганингиз, нима бўлди сизга, нима гуноҳ қилган эди ўз фарзандингиз?..

— Нима қилибман, нима ҳодиса юз берди?

— Наҳотки хато бўлган бўлса, ҳазрат! Ҳазрати Авлиё мактубингизни олибоқ илтимосингизни ижрога буюрган. Жаллод бошини олиб бўлганида қарашса — шаҳзода! Ҳаммалари югуришиб келиб ўтириштипти. Нега бундоқ қилдингиз биттаю-битта ўғлингизни?

Подшонинг танидан дармон кетди, тили айланмай қолди. Тахтдан туролмади ҳам. «Ҳазрати Авлиё...» деёлди холос. Ҳазрати Авлиё кириб таъзим қилди. Аммо Шаҳаншоҳ нима демоқчи эди, айтолмади, тилдан қолган эди. Ҳазрати Авлиё у юборган мактубни олиб кўрсатди. Унда «мактубни олиб боргувчи одамни зудлик билан жаллодга буюринг» дейилган эди. Мактубни отбоқармас, шаҳзода олиб борган эди. Отбоқарни чақиртирдилар! Бироқ отбоқар ҳам оламдан ўтган эди.



бу хабарни эшитиб, ўзнини-ўзи пичоқлаб ташлаган эди. Энди ким айта оладики, нега шаҳзода олиб борган мактубни?.. Ҳазрат мактуб киритганини, шоҳ ёзганидай, жаллодга буюрган. Жаллоднинг айтишига кўра, шаҳзода отбоқар кийимида бўлган. У хатни ўқиган, дўстини олиб қолмоққа борган, албатта. Бироқ, отбоқар кийимидаги шаҳзодани киритмаганлар ҳазрат олдига, мактубни ўзлари олиб кирганлар...

Шу-шу бўлдию, шаҳаншоҳ тилга кирмади, умрининг охиригача гунг бўлиб қолди ва шу тахлит оламдан ўтди».

Бешинчи сой ёйилмаларини кўрган Бахшилла бува ўгирилиб неварасига қаради. «Бу ҳикоя элитипти шекилли ухлаб қопти. Озгина мизғисин, майли, биз ҳам дам олайлик», деб ўйлади ва эшак жилловини бир мажнунтол томон бурди...

Тайлоқ аста-секин чўкиб, Тоштемирни туширди. Тоштемир тунни билан ухлаб турган кишидай бувасига қаради:

— Ҳали ҳам етганимиз йўқми, бува?

— Яқин қолди, болам, яқин қолди. Тагин икки сой ошсак, етамиз. Озгина тамадди қилиб олгин, қорнинг ҳам очиб кетди. Қара, Тайлоқнинг билан Узун қулоғинг иштаҳаси қарнай, ўтлаб кетишди...

Ҳақиқатан ҳам улар ўтлаб, анча йироқлашиб кетишган эди.

# Дўнани

## ЭРТАН

— Мана, сен ҳайвонларни яхши кўрасан, бувангга ўхшайсан. Қачон қишлоқдан сўз кетса, албатта, туя дейсан, ҳўтик дейсан. Нимага? Улар билан шуғулланиш қизиқ, худди улар ҳам сени яхши кўргандай, билгандай, айтганларингни билиб қилаётгандай. Фақат тиллари йўқ, холос. Ешлигимда менинг бир чиройли, келишган дўнаним бўларди. Бақавли ўртоғим эди, бирга ўсдик, уни бувам билан иккаламиз туғдириб олган эдик. Онасининг қорнидан тушибоқ ҳингиллаб менга қараган, бўйинини бўйнимга солган, ингичка-ингичка оёқлари титраб турарди. Оёқларининг тўпиғида олеси, пешонасида қашқаси бор эди. Кўзлари катта-катта, кийикникига ўхшаган чиройли. Бувам, бу сеники, дедилар. Катта бўлганида ҳам мен боқдим, мендан бошқадан эм эмасди, сувга мени ундарди, бирга борардик ўрта ариққа. ўрта ариқдан сув ичмай туриб оларди, Тошлоққа борардик, Тошлоқдан ичарди, эринмасдан чўмилтирардим, узоқ ювардим, бувам бир кунни уни жамбил билан ювдилар. Шундай бурқираб, хушбўй тарқатиб юрдик, бир неча ҳафта уйимиз жамбил ҳидига тўлиб турди. Мен ҳам шундай қиладиган бўлдим, жамбил териб келардим-да, бувамга ўхшаб булоқ суви билан ювардим.

Фақат мен минардим уни. Жуда югурик чиқди, чавандозлар, кўз-мунчоқ тақиб қўй, дейишди, кўзмунчоқ тақиб қўйдим, кўз тегмасин деб. Кўпкарларида минардим, аралашмасдиму узоқ-узоқларда кўпкарчилар орқасидан чопардим. У шў қадар қувониб югурардики бошини қўйиб юборсам, етиб олиши ҳеч гап эмасди. Уроқ, маҳали у билан ўроқчиларга гўжа, айрон олиб борардик. Матансой деган сойимиз бўларди, жуда бугдой биткучийди. Гўжа олиб чиқдим-у, бир озгина машоқ териб есин деб бошини қўйиб юбордим, ўзим ғарам соясиди, ғир-ғир шабадага маст бўлиб ётдим, нафас ўтмай ухлаб қолибман. Бир маҳал уйғонсам, офтоб оғиб қолган, дўнаним ўша жойида ҳали ҳам бир ҳолатда турипти. Ҳайрон бўлиб ўрнимдан турдим, бир нарсани демоқчидай бошини баланд кўтариб кишнади, фақат орқа оёқлари билан тепкиланди-ю, олдинги оёқларини ердан узмайди. Югуриб олдига бордим, бордим у оёқлари остига қараб қотиб қолдим, олдинги чап оёғига чипор илон ўралиб ётипти, ўнг оёғи эса, унинг бошини мажақлаганча эзиб турипти. Бориб оёқларидан мажақланган илоннинг ўривини ечиб ташладим, шундагина ўнг оёғини унинг бошидан олди. У энди машоқ териб ея бошлаганда бу илонни кўрган-у, менга келаётганини билиб, ғарчча босган.

Мана дўст. болам, мана ўртоқ!

Бир кунни мана шундай дўстимдан айирдилар. У кунни эсласам ҳали-ҳали жоним ачийди... Майли, эслай, бундай дўстни эслаш савоб. Уйимизга аллақайси қишлоқдан меҳмон келяпти деган гап тарқалди эрталабдан. Ҳамма елиб-югуриб тайёргарлик кўрарди. Қадрдон меҳмонга ўхшади, дадам ҳамма тайёргарликларни кузатиб чиқдилар. Бир қозонда шўрва қайнаётган, бир қозонда қази, бир ўчоқда нон ёпилаётган, бир ўчоқда сомса. Хуллас тўйга ҳам ўхшаб кетарди. Бир маҳал, «Ҳо, чуғурчуқлар. Файзи дастурхончи керак бўлиб қолдими», деб Файзи дастурхончи кириб келди.

Шангиллаб, бутун ҳовлини бошига кўтариб: «Ҳой, Башор келин, бу меҳмонни биламан, ҳаммага маълум ва машҳур бойвачча, ҳар қанча қадрдонни бўлса ҳам эрингни кўздан сақла», деди ойимга қараб. Бу гапнинг тағига тушунмадим-у, лекин у мени ёмон йиғлатиб кетди.

Кейин билсам, кўзи ёмон одам экан, тикилганини йиқитар экан. Ойим бечора дарров кўзда турган нарсаларни ичкарига олдирдилар, кўздан нари тургани тузук, дедилар. Файзи дастурхончи кулиб: «Ёмон кўрган нарсанг борми, ўшани чиқариб қўй», деди. Бўғоз қўйимиз бор эди, орқа майдонга чиқариб боғлашди, иккита бўрдоқимизни ҳам, сайраб турган какликни ҳам. Дадам уришиб бердилар, уялмайсанларми, деб. Лекин бари бир, дадам раҳматлик бошқа бир нарсани ҳам эсладилар, қишлоғимизда ғалати одат ҳам бор эди, иззат-икромли меҳмон ҳовлига кириши билан кўзига тушган нарсангни мақтаб қолса, кетар пайти у нима бўлишидан қатъий назар, бериб юбориларди. Шунинг учун ҳам дадам уятлик бўлишдан кўрқардилар, бирон дурустроқ нарсанинг кўз ўнгида туришини истардилар, лекин тополмай гаранг эдилар. Файзи дастурхончининг ҳалиги ҳазиломуз гапи ҳам қулоғида эди. Ойим кулиб: «Шу кучугингиз ўлсин, жуда ёмон кўраман, ўшани боғлаб қўйинг яқинроққа», дедилар. Биров қаттиқ, биров секин, бувим мийиғида кулишди. Аммо бу Файзи дастурхончига ёқди, элдан олдин бориб кўзлик жойга боғлаб қўйди. Дадам ҳам негадир индамадилар. Меҳмон кириб келди.

Кириб келди бирдан: «Эҳе, турбатликлар айтганича бор экан, барбакалло-барбакалло, мен бунақасини кўрмаганман!» деб тўғридаги отхонага тикилиб қолди. Не кўз билан кўрайки, у ерда менинг дўнаним боғлиқ турарди ер тепиниб, гижинглаб. Ким боғлади, қачон боғлайди, нимага боғланди, мен ҳам, дадам ҳам ҳайрон қотиб қолган эдик. Меҳмон оҳиста бориб сағринини силади, у: «Менга тегма, нари тур», дегандек чийирилиб ер тепинди. Дадам ҳамон ундан кўз узмай турган меҳмонни ичкарига таклиф қилдилар ва олиб кетдилар. Лекин меҳмон ҳамон унга бурилиб қарар, менинг дўнанимдан кўз ололмасди. Югуриб бориб, жиловидан тутдиму боққа олиб чиқиб кетдим.

Бироқ, бу билан дўнани сақлаб қололмасди. Эрталаб барвақт туриб қарасам, дўнан йўқ, югуриб ойимнинг олдига кирдим, ойим бошимни силаб: «Хафа бўлма, болам, одатимиз ўлсин, шунақа, қайси бефарқ у ерга боғлаган экан, ё ўзинг боғлабмидинг?» дедилар. Лекин мен боғламаган эдим у ахир, у бедазорда эди-ю, кимга керак бўлақолди уни олиб келиш, ҳали вақт бор эди-ку уни олиб келишга... Шу вақт бирдан у ўхшатиб тепган акам кўриниб кетди кўзимга... Ҳа, ўша, дўнани ёшлигиданоқ ёмон кўрарди, унинг мен билан юришигача, фақат менигина миндиришигача ёмон кўрарди, ёнига йўлатмасди. Ўша боғлаган, атай шундай қилган... Шундай йиғладим, шундай йиғладим, ойим туғул дадам ҳам овутолмади, бир кечаю бир кундуз йиғладим. Эртаси кунни ҳайё-ҳу, дедиму Чорпўлат томонга қараб чиқиб кетдим. У меҳмонни чорпўлатлик дейишган эди. Бир кунлик йўл дейишди. Бари бир бораман, ўғирлаб келаман, дедим. Мени ундан ажратиш ўлим билан баробар эди, уни ҳам мендан ажратиш асти мумкин эмас эди...

Ахир у отмас, одам эди. Худди одамлар сингари юрарди йўлда ҳам. Ҳеч ўртадан юрмасди, нуқул ўнгдан юрарди одамларга ўхшаб, ҳатто уйга ўзи кириб келарди, жиловини қўйиб юборганда ҳам. Овқатни ҳам танлаб ерди, ҳар нарсани ем деб еявермасди. Сувни ҳам танлаб ичарди, фақат булоқ сувини ичарди. Юрганда юрганини билмасдинг, чопганда чопганини...

Чорпўлатга биринчи боришим эди. Одамлар айтганидай, йўл бир кунликмас экан, азонда чиқиб, пешиндаёқ етиб бордим. Аммо меҳмонни тополмасди, дўнани ҳам. Меҳмон, одамлар айтгандай, у ерда турмас экан. Ўша ерлик бўлганида дўнан менинг ҳидимни билибоқ кишнаб чиқарди, ё мен ўзим билиб топиб олардим. Йўқ, у ердаси экан. Кечаси қайтиб келдим. Мени тоза қидиришипти. Аввал ялинни-

ди, бирга йиғлашди, кейин койишди, бари бир, овута олишмади. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмасди, бу ишни ўйламай қилиб қўйган дадам ҳам қийналиб кетди. Лекин кеч эди, қайтиб олиш мумкин эмасди. Табиатим ҳеч овқат тиламай қўйди, иштаҳам бўғилди, уч кунда қилтириқ бўлиб қолдим, ойим кўрқиб кетдилар, ўзим ҳам. Дадам табибларга кўрсатдилар, аҳволим баттар оғирлашиб ётиб қолдим. Ахири қишлоқ оқсоқоли фатво берипти, бориб сўранг, қайтиб олинг, деб. Дадам бу ишни қилолмайман, дептилар. Келиб ҳаммасини айтиб, бошимда йиғладилар, «болам, менга, ўзингга, онангга раҳминг келсин, ўзингни асра», дедилар. Кечалари билан йиғлаб чиқардим, кўзим илинмасди, илинганда ҳам фақат дўнанны кўрардим, холос.

Бир куни у кўзимга шундай бир аҳволда кўриндики, кўрқиб кетдим, худди менга ўхшаб у ҳам озиб кетибди, қовурғалари саналиб қопти бечоранинг. Ҳадеб, менга эгилиб, ёстиғимнинг устида йиғлайди, дув-дув ёш оқди оху кўзларидан, тик туролмай оқлари қалтирайди. Уйғонишга ҳаракат қиламану уйғонолмайман. Дадам, ойим — ҳаммалари, ҳатто, уни ёмон кўрган акамгача тепамда туриб ёлворишади: «Тур, қара, ахир, унинг ўзи келди, бошингда йиғлапти», деб. Қарасам, ҳақиқатан ҳам тушим эмас ўнгим экан: у ҳам чидолмапти бечора менга ўхшаб ҳеч овқат емапти, сув ичмапти, фақат мени ўйлапти, кишнаверипти, озиб-тўзипти. Меҳмоннинг раҳми кептию келиб ташлаб кетипти...

□

Тоштемир жон қулоғи билан тинглади бувасининг бу эртагини.

— Эртакмас, болам, буниси. Бу менинг бошимдан кечган ҳикоя,— деди Бахшилла бува,— эсласам, ҳамон эзиламан унинг оламдан ўтиб кетганига. У билан сўзлашса бўларди ҳатто. У тинглашни яхши кўрарди, сўзларимни бошини эгиб тингларди Тошлоққа тушганимизда, сув бўйида. Бир куни далада ҳатто тарғил лолани у топиб берди, ўйламаган жойдан топиб берди. Ана шунақа ақлли от эди дўнан. Мана, сенинг Тойлоғинг ҳам шунақа, ақлли, назаримда, гапираётгандай бўлади баъзан. Кўрдингми, сени авайлаб секин тушириш учун қандай чўкди.

— Эшшагамми?

— Эшшагам! Агар яхши қарасанг, яхши муомала қилсанг, эшшагам шунақа дўст бўлади сенга. Қани уриб кўргин уни, ётиб олади. Кейин турғизиб бўпсан. У ҳам ақлли, ҳам қиёнқи.

— Бува, менга қаранг, эшшак ҳамма ердан ўта оладими?

— Ҳамма ердан.

— От-чи?

— Йўқ, ўтолмайди. Айниқса, бизнинг тоғларда шундай йўллар борки, гоҳо тикка келади. Улардан эшак ҳам аранг чиқади. Мана, ҳозир биз аста-секин кўтарилиб бормоқдамиз. Ҳали тагин бир оз юрайлик, кўрасан, Тойлоғинг мункиллаб қолади. От намгарчиликни хуш кўрмайди. Борган сари намхушлик бошланади энди. Ҳў, кўряпсанми тўрғайни, бир ерда тумшайиб ўтирипти, ҳавога кўтарилмаяпти. Нега? Ҳаво пасаядиганга ўхшайди. Тоғ яқин қолди-да. Сигир ётиб олса, ҳаво исийди, дерди бувам. Айтгани келарди. Кексалар томири шунақа билағон бўлади. Эшак минган — яқинни, от минган — йироқни; туя минган — баландни кўради, дейишади. Бу нима, оддий ҳақиқат, болам. Аммо унинг тағида шундай ҳақиқат ётиптики, гоҳо ота-бобола-рингнинг билганларини Бедилдек кавласанг, ичидан олтин чиқади. Мана шунақа, бўтам... Мен бувам билан жуда кўп жойларда бўлганман. У киши мени жуда яхши кўрардилар...

— Менга ўхшаб,— деди илжайиб Тоштемир.

— Йўқ, менга ўхшаб,— деди Бахшилла бува кулиб. Қаёққа борсалар, олиб юрардилар. Наинки қишлоққа, қишлоқдан ташқариларга ҳам. Тоққа кўп чиқардик. Қорабов тоғига бўлса отда чиқардик, мингашволиб. Қозигиртга бўлса — эшакда. Унинг йўллари, ҳали айтганимдай, жуда хавфли йўллар эди. Бир куни ана шу қинғир-қийшиқ йўллардан эшакда Асил бувани йўқлаб чиқиб бордик. Яхши, миқти эшагимиз бор эди. Асилбек бува дадамнинг энг яхши томирлари эди. Бувамни мен «дада» дердим. У кишининг бағриларида катта бўлган эдим-да. Ҳалиги сўқмоқлардан босиб бордик. Дадам нуқул у жойларни ҳикоя қилардилар, ажойиб тоғ дараларни, ўт-ўланларни, дов-дарахтларни. Мен ҳадеб сўрардим, у киши эринмасдан жавоб қилардилар. «Бу дов-дарахтларни ким эккан?» деб сўрардим. Дадам жавоб беришга қийналардилар. Мен билгим келар эди-да. Дўлананичи, деб сўрардим. Худо эккан, дердилар. Ёнғоқничи, десам, худо билади, дердилар кулиб. Ҳар нечук қизиқ эди-да, ҳамма нарсадан ҳам ёнғоқ, дўлана, тоғ узуми, жийдалар ҳайрон қиларди. Қаёқдан келиб қолишган улар, ким эккан? Чўпон. арми? Асилбек бувами?.. Бунинг ҳаммасини билгим келарди. Асилбек бува бўлса ҳаммасини биларди, ундан сўрасанг, аллақандай эртақлар билан жавоб қиларди. Ҳар бир гиёҳни биларди, аллақайсиларини йиғиб юрарди, манави томоғингга даво, мана буниси — юрагинга, манависи кўзингга даво, манависи — тишингга, деб, ҳар биттаси ҳақида ҳикоя тўқирди...

## Луқмони ҳаким

### АФСОНА

— Бир куни Луқмони Ҳакимнинг якка-ягона ўғли касал бўлиб қопти. Ҳовлиси тўла гиёҳ бўлар экан. Қандай касал келса ҳам, уни ҳовлисида қабул қилар экан-да, ўша яшнаб турган гиёҳларга назар ташлар экан, қайсинг бунинг давоси, дегандек. У бетобнинг давоси қайси бири бўлса, ўшаниси бош кўтариб: «Мен», деб турар экан. Улуғ табиб бетоб кишига ана шу гиёҳдан тайёрлаган дорисини берар экан. У дори эса, унинг ҳақиқий ҳимояси бўлиб чиқар экан. Бир куни у ўғлининг дардини тополмай, охирида ўша гиёҳларга мурожаат қилибди. Гиёҳларнинг барчаси бирданига бошларини эгиб туриб олибдилар. Биронтаси «мана, мен давосиман» демабди. Луқмони Ҳаким, ноиллож, жарроҳликка юз тутибди, умрида биринчи бор қўлига наштар олиб, ўғлининг жигарини очибди. Қараса, жигарида тухумдай тош, олиб ташлабди. Аммо бола қайтиб уйғонмабди. Шу-шу Луқмони Ҳаким ўғлининг жигаридан чиққан ўша тошни суюкли ўғлимнинг хотираси, деб олиб юрадиган бўлибди. Кунлардан бир куни уни қаттиқ бетоб ётган ногирон кишининг уйига чорлабдилар. У бетобнинг ҳовлисига кириб, қўл ювгани ариққа энгашибди ва қўлидаги тошни ариқ бўйидаги гиёҳлардан бирининг устига қўйибди. Қўлини чайиб бўлиб қараса, ҳалиги гиёҳ устидаги тош йўқ, эриб симобдай қилқиллаб турганмиш. Луқмони Ҳаким ҳалиги гиёҳга зорланиб дебдилар:

— Менинг ўғлим бетоб бўлиб ётиб қолганида, ҳовлимда сен ҳам бор эдинг-ку, нега бош кўтармадинг ўшанда, ахир сенинг касалинг экан-ку менинг ўғлимнинг касали?

Шунда Луқмони Ҳакимнинг тошини симобдай эритиб юборган гиёҳ:

— Ё ҳазрат, мен ҳам бор эдим ўшанда, аммо бош кўтаролмадим, сабаби — сиз унинг дардини ўтказиб юборган эдингиз,— дебди.



Мана, кўрдингми, Луқмони Ҳаким ҳам ожиз қолган қаттиқ дард олдида. Ҳатто шундай гиёҳ ҳам олиб қололмаган уни. Чунки вақти ўтиб, дард улғайиб кетган. Гиёҳ қанчалик кучли бўлмасин вақтида олди олинмаган касални шифолашга қуввати етмайди. Шунинг учун ҳам ота-боболар: «Ҳамма нарсанинг ўз вақти бўлади, вақтидан ўтди-ми, у мушкулликка юз тутади», деб бежиз айтмаганлар, болам.

Тоштемир бувасининг ҳикоясини худди ҳаво каби симириб борар экан, ўйлади: ҳали қанча ажойиботлар бор мен билмаган, қанча қизиқ нарсалар... Тоққа қараб кетяпмиз. Ҳали мен ҳам қандай ажойиб нарсаларни кўраман, қанчадан-қанча ҳикоялар, эртақлар йиғаман, ўртоқларимни ҳайрон қолдириб айтиб бераман. Улар бўлса ишонмайдилар, чунки, оламни улар мендан кам биладилар... Қандай бувам борлар менинг!..

## Қиёмат қарз

### Ҳикоят

— Икки овчи бор эди бу тоғда,— деб бошлади ҳикоясини Асил бува (уни Асил жеке ҳам дейишарди) бу сафар.— Бири мен, бири Йўлбарс эди. Бизнинг Қозигирт тоғларида ҳамма йиртқич ҳайвонлар бўлса ҳам, аммо йўлбарс бўлмас эди. Биз тўсатдан тўқнаш келиб қолдик. Бу воқеа қалин қор тушган қаҳратон кунлари юз берди. Овга чиққан эдим. У ҳам овга чиққан экан. Назаримда адашиб ўтиб қолган бўлса керак биз томонга. Чотқолдан ўтган кўринади. Мени кўрдию узоқдан қалин қорни фарч-ғурч босиб, нотаниш кишидек ўтиб кетаверди. Яроғи бор ҳам демади. Орқасидан қараб қолавердим. У қорли қоя орқасига ўтиб кетди. Тиззаларимда дармон қолмагандек қорни тешиб чиққан тошга ўтирдим, пўстинимни ечиб ташладим. Кўкем «шундай зўравонлар унда-бунда биз томонга ўтиб туради, эҳтиёт бўлинглар», дердилар. Бунга ҳам қанча бўлди, болалигимда эди, сизлардек вақтимда.

...Биз, болакайлар, Асилбек буванинг неварачеваралари, оғзимиз очилиб тинглар эдик. Мени, бир сени ўйнатиб келай, деб бувам олиб чиққан эдилар бу томонларга. Асилбек бува билан қалин томир эдилар. Биз Асилбек буванинг оқ ўтовиди, Қозигирт тоғининг қоқ белида, дўланазорда уни ўраб ўтирардик. Тун оғиб, ой бота бошлаган пайт эди. Асилбек буванинг, энди етар, бўталоқларим, ётинглар, деганига қарамай ялинардик, тагин битта айтиб беринг, кейин ётамиз, деб. Бизнинг эркалигимиз, ҳикояларини қизиқиб тинглашимиз Асилбек бувага ҳам жуда ёқарди шекилли, тагин айтгиси келаверарди.

Бувамлар ёнбошлаб ётган жойлардан, буниси ўтрук, болалар, ишонманглар, овчилар шунақа бўлади, деб кулсалар ҳам, хафа бўлмасди, жилмайиб, қоплонникидақа ҳаккам-дуккам мўйловларини силаб қўйиб давом этаверар эдилар. Кеча жуда жимжит, осмон тўла юлдузлар, худди қўл узатсанг еткудай, шундоққина қаршингда ярқирарди. Яқин ўрталарда ов қилолмай оч қолган бўрилар, тулкилар увлашар, чиябўрилар эса худди болалардек йиғлашарди. Асилбек буванинг ҳикоясини ҳақиқатан ҳам ажойиб бир эртакка айлантириб юборишарди...

— Шундай қилиб,— давом этди Асилбек бува,— йўлбарсга тўқнаш келиб қолдим. У бурилиб кетди, қораси ҳам ўчди, лекин унинг ҳайбати, баландликдан қор кечиб тушиб келиши, худди анави тошлоқ сувида ўйнайдиган ой нури сингари иланг-биланг териси — чиройли, юм-

шоқ пўстин бўладиган териси кўз ўнгимда қолди. Шошиб қолиб отолмаганимга ачиндим, эҳ, қандай ачиндим. Қорамтир, танга-танга оқ-сарик, бўйин томонлари эса чипордан келган, думи Салмонтойнинг бўталоғи бурнига боғлаб қўйган бурундуғимизга ўшарди, қўшалок-қўшалок бурундуққа. Лекин уни тутиш осонмас. У жуда баджаҳл, эпчил, чапдаст, чаққон, зўр! Аммо у ҳеч қачон биринчи бўлиб ташланмайди одамга. Одамни кўрса чўчимайди ҳам, бурилиб кетаверади, овчининг овига ҳам халақит бермайди. Бироқ, агар сенинг унга ёмон ниятда қараганингни сезиб қолсами, унда ишинг чатоқ, соғ қўймайди, каллангни узиб ташлайди... Шу-шу бўлдию овга отлансам, ўша воқеа эсимга келиб, бир тўхтаб оладиган бўлиб қолдим. Лекин овдан кечгим йўқ, овни яхши кўраман, ов билан белим қотган, ов билан кўзим пишган. Гоҳ бургут билан чиқаман овга, икки тозини етаклаб, гоҳ қўшотар билан, гоҳ қўйган қопқонларимни, тузоқларимни излаб кетаман. Эҳ, қандай маза бўлади, тузоғингда ё қопқонингда нимадир юмалаб, ўралиб, питирлаб ётган бўлса... Ҳар нечук йўлбарс эди у. Бўримас, айиқ ҳаммас, йўлбарс! Лекин биласизми, болалар, худо ҳақи, тагин кўргим келади уни, ана шундай салобат билан ҳеч нарса-ни, ҳеч кимни писанд қилмасдан бемалол ўтишини, ўша чиройли, сакраганда бир газ чўзилиб кетгучи белларини кўргим келади. Шунча чиқдиму бошқа кўрмадим, баҳор ҳам ўтди, ёз ҳам. Бир куни нариги қишлоқдан хабарчи келиб қолди, аллакимнинг чўпонини бўри ёриб кетипти деб. Дори-дармонларимни олиб ўша қишлоққа югурдим. Табибликдан ҳам хабарим бор-да. Шундай гиёҳлар борки, қўяверасиз. Уларнинг сирларини, қиладиган ишларини фақат мен биламан, менга айтишади. Ҳар эҳтимолга қарши, милтиғимни ҳам олволдим. У қишлоқ Қўтирбулоқ томондайди, биздан ўн тош нарида. У томонларда тўқай, чакалакзор кўп бўларди. Дўланазор, ёнғоқзор ҳам. Тоғ узумлари ҳам бўларди. Узум, ёнғоқ, дўлана ейман деб айиқполвон болаларини чувратиб келгучийди. Тулки ҳам, ҳалиги, қоратўри, қизғиш тулкилар бўларди. Ушаларга қўйган қопқонларим ҳам бор эди у томонда. Уларни ҳам қараб келиш ёдимга тушди. Тоғ, дала-дашт, кимсасиз даралар эшакда бўлсанг ҳам чарчатиб қўйгучийди... Бўри ёриб кетган болани кўрдиму бориб, ярасини амал-тақал қилиб боғладим, қўйчивоннинг ўтови ёнига озгина ёнбошладим. Кўп қон кетган экан, дарров кетиб қолишга кўнглим бўлмади, дориларимнинг кучини кутдим. Озгина кўзим илинган экан, келинлари бешбармоқ олиб келишди. Кечки овқатни дўндирдиму касални тагин бир марта кўриб, йўлга чиқдим. Чангалзор оралаб тиклаб кетдим. Қор совуғи урди. Анча баландлаб кетибман. Энди тоғ бағирлаб, ёнламалаб кетдим. Шу вақт бирдан ҳали айтганим қизил тулки чиқиб қолса бўладими! Она тулки экан, жуда чиройли, думларини кўрсанг, олмахоннинг думи дейсан, азбаройи худо! Милтиқни ўнглагунимча ғойиб бўлди қиззиталоқ. Ана энди бизнинг ишимиз бошланди, уни кўздан қочирмаслик керак эди. Отишқу қочмайди, бир пасда отиб олса бўлади. Лекин қаеридан отиш керак, шундай отиш керакки, териси бузилмасин. У сағал қиёнқироқ чиқиб қолди, мени ўйната бошлади, у тепага чиқади, йўқ бўлади, бу тепага чиқади, бир нафас ўйнаб йўқ бўлади... Силламни қуритиб қўйди. Кўздан қочирмаслик учун оёқ остига қаролмасдим. Сойма-сой, қирма-қир ошиб боравердик иккаламиз. Сойга тушиб йўқолади, ўшанақаси йўқолиб кетақолмайди, тагин тепаликда пайдо бўлади, жўртталиikka масхара қилаётгандай. Тагин югураман, яқинлашай деганимда қочиб қолади. Хуллас, дармонимни қуритди... Ой чиқди. Демак, тун аллақачон тонгга қараб йўл олган. Унда-бунда бўриларнинг топган ўлжаларига бир-бирларини чақриб увлашлари эшитиларди, узоқ-узоқлардан айиқполвонми, ё тагин аллақандай йиртқичларними мўсафидлар син-

гари қисқа-қисқа йўталишлари қулоғимга чалинади. Ортиқ у баттолнинг орқасидан югуришни бас қилдим, аллақандай қоя олдидан чиқиб қолган эдим. Бу қояни танимадим. Бундай қоя биз томонда йўқ эди. Оёғим остида ҳувиллаб турган даҳшатли жарлик ҳам нотаниш эди, унинг менинг ҳолимга қараб иржайиб турган чакалакзорлари ҳам, худди ер тубида гувиллаб келаётган дарё овози ҳам. Қирқ-эллик йилдан бери тоғма-тоғ ошиб ўрганиб қолганимданми, ҳеч нарсадан қўрқмасдим. Лекин келган жойимни билолмай гаранг эдим. Тунаса бўладими, тинчми бу жойлар, ҳали менинг изимни пойлаб юрган йўлбарс чиқиб қолмайдими бундан, билмасдим. Таваккал қилдим у бир қуюқроқ дарахтни танлаб, тагига коржомамни ташладим, дориворларим, озиқ-овқатларим тўла тўрвамни ҳам, милтиғимни ечмай ёнбошладим.— Асилбек бува шу ерга келганда бизга аста тикилиб турди-да,— энди бас-а, болаларим, сизлар ҳам ётиб ухланглар, қолганини эртага айтман,— деди. Асилбек буванинг ҳикояси билан маст бўлиб қолган болалар тўполон қилишди, «йўқ-йўқ, эртага қолдирмаймиз, ҳаммасини айтиб берасиз, тулки қаёққа кетди, йўлбарс нима бўлди, айтиб берасиз, биз ухлолмаймиз» дейишди. Асилбек бува ҳазиллашган эди албатта, бизни жуда яхши кўрарди, ҳикоя айтишни ҳам. Давом этди:— Лекин, бари бир ухлолмадим, кўзим ҳеч юмилмади, нимадир, кимдир «ухлама, бу ерда ётма» дерди қулоғимга. Умримда биринчи марта овда шу аҳволга тушишим. Ҳамиша ҳамма ерда ухлаб қолгучийдим, ҳеч нарса қилмасди, тагин овимни давом эттириб кетаверардим эртасига. «Тур ўрнингдан», деб туртаверди биров. Урнимдан туриб кетдим. Таваккал қилиб пастликка туша бошладим, чакалакзорлар, тўқайлар оралаб. Чакалакзор, тўқай шу қадар қалин турли-туман катта-кичик харсанглар билан тўла эдики, борган сари мени аллақандай даҳшат ўраб олаётгандай бўлар, ўтиб бўлмас чакалакларга дуч қилар эди. Бир оз пастликка тушганимдан кейин қандайдир биқсиган нарсанинг қўланса хиди ўраб олди, ит ўлигига ўхшарди сассиғи. Ундан қутулиш учун ўтиб кетмоқчи бўлиб тез-тез юра бошладим. Бирдан оёғим ости юмшаб қолди, қўрқувдан бошим айланди. Тагин икки-уч қадам босишим билан у юмшоқ ер ўзига торта бошлади, худди даҳшатли бир жонзот ҳалқумига тортаётгандай эди, юролмай қолдим, оёғимни кўтара олмасдим, ҳалиги бадбўй хид энди худди тумандай ўраб олган эди атрофимни, жон ҳолатда чакалакларга ёпишдим, дуч келган томонга отилдим, зўр-базўр ўзимни тортиб олдим у даҳшат комидан, бирдан сайҳон ерга чиқиб қолдим, тўқайдан йироқлашдим. Аммо ҳалиги хамир ер хамирлигича қолаверди, қаттиқ ер излардим у тополмасдим. Қаерга боссам — лой, балчиқ, ботқоқлик. Тагин бирдан ҳалиги даҳшатли ҳалқум ушлаб олди оёғимдан, маҳкам ушлаб олганича асти қўйиб юборгиси келмасди, тортаман, қўйиб юбормайди, тортаман, баттар қаттиқ ушлайди, тутгани дарахт, ушлагани бирон чўп ахтараман, қани у бўлса. Ботқоқ оёғимдан тортавериби силламни қуритди, тиззамгача тортиб олди бир маҳал: ҳамма нарса оғирлик қила бошлади. Энди фақат ўзимнигина ўйлай бошладим, ўзимни қутқариб ололсам бас эди, милтиғим ҳам, хуржуним ҳам, кийим-кечагим ҳам сатқан сар. Аммо бунга ҳам кўнмасди у ботқоқ, ёпишқоқ балчиқ. Бирдан белимгача кириб кетдим ҳаракат қиламан деб. Энди ҳаракат қилишдан ҳам қўрқа бошладим. Қанча ҳаракат қилсам, шунча кириб кетаётирман. Дод дейишга қўрқаман. Овозимни эшитиб йиртқишлар келиб қолишсачи, ем бўламан-ку. Йўқ, қичқирмайман, ҳаракат қиламан, зора-мора бирон нареа қўлимга илинса, тимирскилайман қоронғида, ҳеч нарса илинмайди. Ҳалиги йироқда кўринган нимаиди, чироқмасиди, чироқ бўлса, овул яқин экан-ку. Бақирайми? Бақирсам, тундаги бақирӣқ тез ёйилди тоғда. Йўлбарс эшитиб қолсачи?.. Йўқ, ундан кўра эрталабгача шу

аҳволда ётганим дуруст. Тонгда бирон киши, чўпон-чўлиқ келиб қолар. Тавба, қаердаман ўзим? Нега бу жойларни аввал билмаганман? Айтишарди шу томонда «Борса-келмас» ботқоқлик бор, деб. Қўтирбулоқнинг устида эканда. Мана, нега «Борса-келмас» дейишар экан буни. Ҳадеб қанча-қанча қўйлар йўқ бўлиб кетарди, қанча-қанча уюр отлар, ҳатто Шоди бақироқнинг оқ туяси ҳам шу томонда йўқолган эди. Уларни биз ўғирлаб кетди деб, яқин-йироқлардаги бозорларни ахтаргандик, олиб бориб ўша ерларда пуллашмадимикин занғарлар, деб. Мана ким экан у «занғарлар!» Ҳамма ишни ўша бадбахт қизил тулки қилди, адаштириб олиб келиб ташлади бу ерларга, қаттиқ адаштирди. У ҳали бўриларни бошлаб келмасайди». Шу ерга келганда Асил бува бир керишиб олдилар, бизга қараб қўйдилар, булар мудраб қолишмадимикин, деб ўйладилар. Биз эсак ҳамон ҳикоянинг давомини кутардик.

— Ундан сўнг, — деди кенжа невараси бобонинг энгидан тортиб. — Ундан сўнг нима бўлди?

— Ҳа-ҳа, ундан кейин, ундан кейин нима бўлди? — Чувуллашдик биз ҳам. Асил бува ҳикояси биз болаларни лол қилиб қўйганини пайқаб, илжайиб қўйдилар.

— У ёққа талпинаман, бир нарса топмайман, бу ёққа талпинаман, бир нарса топмайман, топган, тармашган, ушлаган, чангаллаган ўтларим ҳам суғурилиб чиқиб кетади. Бир қалқидиму оёқ тираб турган алланечук нарсам ҳам йўқолиб қолди, оёқларим бўм-бўш балчиқнинг ўзида қолди, тагин ҳам чўкиб кетаётганимни сездим, балчиқ қўлтигимга чиқди, жон ҳолатда ўзимни чап томонга, ўнг томонга ташладим. Шу вақт қўлим бир қаттиқ нарсани сизди, чангалларимни унга урдим, маҳкам ушлаб олдим, ажриқ эди, бир чангал ажриқ! Ажриқ, одатда, жуда пишиқ, илдизи бақувват бўлади, моллар қиртишлаб кетаверади, у ҳам қайта чиқаверади. У қаттиқроқ ерда экан шекилли, «маҳкам ушла, интил» деди, интилдим, қаттиқмас, аста-секин интилдим, тагин суғурилиб чиқмасин деб. Йўқ, суғурилиб чиқмади, у менга ёрдамга желган эди. У, агар кўрган бўлсангиз, тўп-тўп бўлиб ўсади, майса бўлиб, юмшоқ бўлиб. Жазирама кунлари бош қўйиб ётсанг маза бўлади, муздек болишдай мизғиб кетасан. Тушларингга қизиқ нарсалар киради, энгил уйғонасан. Қўлимга илинган, қаттиқ ушла, деган нарса шу эди. Уни яхшилаб чангаллаб олдим, аста-секин унга қараб сурилдим. Қарасам, маҳкам туритти у жойида, мен ботқоқ ичидан суғурилиб чиқа бошладим, ботқоқ биқирларди. У жуда иссиқ ботқоқ эди. Бир нафас дам олдим, йўқотиб қўймай деб ажриқни чангаллаганимча қўйиб юбормасдим. Тагин интилдим, ботқоқ ҳамон қўйиб юборгиси келмасди, оёғимдан, белимдан ушлаб олган эди. Бир маҳал унинг «қўли» белимдан сирғалиб кетди, энди болдиримдан ушлади, тармашгандан-тармашдим. Алоҳа ажриқ зўр келди, ботқоқ қўйиб юборди. Аммо иккала этигим-нияма ечиб олиб қолди палакат.

Асилбек бува бувам томонга ўгирилиб қараб қўйди. Бувам эса, чиройли пишиллаб, осудагина ухлаб ётардилар, оппоқ, калта, кўҳлик соқоллари, мўйлаблари ҳар пишиллаганларида майин елпинарди. Лекин милтиғим бувамдан қолган, жуда кўп йиртқиқларнинг адавини берган милтиқ эди. У билан юрганимда ҳеч нарсадан қўрқмасдим. Ҳафталаб кетардим, очиқ ерларда, ғорларда ётиб қолаверардим, қўрқмасдим... Хўш, қуруқликка чиқиб бўлганману орқамга қаролмайман, худди ботқоқ ҳам умидини узмай чангалларини чўзаётгандай. Атроф жуда жимжит, чигирткаларнинг жаврашларидан ўзга ҳеч зог йўқ, унда-бунда энгил эсаётган шабада итлар овозини олиб келиб улоқиб кетарди. Фақат тўлин ойгина менинг аҳволимдан кулаётгандай топ-тоза осмон бағрида сузарди. Шу аҳволда узоқ ётдим, дармон керак эди, туролмадим. ахийри ухлаб қолибман.

Чўчиб уйғондим. Қарасам, сал нарироқдаги тепаликда кечаги тулки ўтирипти. Энди у қўрқмас, худди: «Хўш, энди қалайсан», дегандек чўнқайиб, бемалол ўтирарди. Тавба, дедим, бу аблаҳ ўзи ким, нима қилмоқчи, тулкини ё шайтон? Милтиғимни тимискилаб қолдим, бироқ, унинг ботқоқ қўлида қолгани эсимга тушиб, яна хунобим ошди. Елғиз бўйнимда осиглиқ қолган тўрвामни кавладим, шу тулки сингари аблаҳларни тутганимда терисини шиладиган пичоғим қўлимга илашди! Уни олдим у тулки ўтирган тепага қараб судралдим, апил-тапил тикландим ҳам. Куч кириб кетди, десангиз, ғазабдан. Кучланиб юқорига чиқдим, икки-уч қадам қолса ҳам у ҳайиқмас, тиржайиб турарди. Жаҳл устида бир сакраган эдим, катта харсанг тошга урилиб йиқилдим. У кўрганим тулкимас, ой шуъла ташлаб турган тулкисифат харсанг экан. Ғазаб билан ойга қарадим. Ой ҳам гўё қаҳ-қаҳ уриб қочиб борарди мендан.

Тонгга ҳали анча бор эди. Ялангоёқ, қуролсиз бу даҳшатли, нотаниш тунда қайга боришни билмай гаранг эдим. Нима қилмоқ керак? Қай томонга юриш керак? Тепаликдан йироқ-йироқларга кўз ташладим. Ҳалиги милтиллаган чироқ ҳам энди ўчган эди. Фақат улиган итлар овозигина келарди. Ўша томонга қараб юрдим. Ҳалиги сабоқнинг даҳшати ҳамон вужудимни титратар, қўрққанимдан энди орқа-ўнгимга қараб оёқ қўярдим. Кўп ўтмай яланглик тугади, тағин чакалакзор, тўқай бошланди. Юқорилаб кетдим. Ой ҳамон кузатарди. Уйлаганим бўлди, не кўз билан кўрайки, қаршимда ўша турарди. Йўлбарс!.. Бирдан тўхтадим, танамдан совуқ бир нима ўрмалади. Йўлбарс беш газ нарида, бир ҳатласа етгудай жойда, икки олдинги оёғига жағини қўйиб мунғайиб ётарди. Уша-ўша йўлбарс, ўша, кишини мазах қилаётгандаги сингари ишшайиши, ўша олов чақнаб турган кўзлари. Лекин бу сафар кўзларида олов чақнамас, аксинча, қаттиқ изтироб ўйнарди. Нима қилиш керак? Орқага қайтиш, чекиниш керакми? Чекиниш керак, албатта, аммо қандай қилиб? У сапчиши мумкин-ку. Бир сакраса, тамом, вассалом. Нима қуролим бор? Бир қаричгина пичоғимми? У билан нима қилиб бўлади? Шунча вақт бир-биримизни кузатдик, бир-биримизнинг изимиздан юрдик. Мана охири натижа... Ким ютди?.. Шунга иржаярди у. Бари бир меникисан, дерди ичида. Тўғри, мен енгилдим, уникиман, қаёққа ҳам шошиларди. Бир нафас мазах қилмоқчи ҳалиги қизил тулкига ўхшаб. Ким билсин, балки ўша айтиб келгандир уни, бунинг ҳолини кўр, деб. Бундай ҳолда аланглаб ҳам бўлмасди. Алангладинг, шаппа олади. Ниҳоят, ёнлаб ўтмоққа қарор қилдим, ёнлаб ўта бошладим. У ой оловлатиб турган кўзлари билан кузатар, аммо кўзғолмасди. Узоқлаша бошладим. Кўзғолмади, ўтиб кетдим. Лекин орқамга қаролмасдим. Анча ергача бордим-да, шарт ўгирилиб қарадим. У ҳамон кузатар, баттар мунғайиб қолганди, бу сафар қизиқ ҳолат сездим, у, «қайга кетяпсан мени ташлаб, менинг аҳволим ёмон, мендан хабар ол», дегандай бўлди. Тавба, унга қараб юрдим, оёқларим шуни истарди. Бостириб бордим. Шунда ҳам ўрнидан турмади. Аммо кўзи менда эди. Бордим-у, даҳшатли хос устидан чиқдим: йўлбарс қонга беланган, чап биқини тақимигача ёриб ташланган, ичак-чавоғи ағдарилиб, ерда ётарди. Удим олдидайди. Тезда ёнига чўкдим, қонига қўл урдим, қон ҳали иссиқ эди. Уни бу ҳолга солган рақибни ҳам ҳали кўп узоққа кетмаган бўлиши керак.

...Асилбек буваларинг ўзининг узоқ умри мобайнида жуда кўп парранда-даррандаларни, йиртқич ҳайвонларни учратган, билган, уларнинг табиатлари билан жуда яхши ошна. Болалик вақтлариданоқ уларни яхши кўрган, ҳатто оёғи лат еган қарқуноқни ҳам даволаб учириб юборган. Бир кунни она кийикни отиб қўйиб, унинг болалари паро-

канда бўлиб қолганини кўриб, уни оёққа тургазган, бир ҳафтагача даволаб боққан, болаларим...

Хуллас, ҳалиги фарқ бўлиб кетаёзган жойимдан иссиқ сув келтирдим, ярани ювиб тозаладим, ичак-чавоқларини жой-жойига солдим, йиртилган жойларини тикдим. Узоқ тикдим. Йўлбарс — йўлбарслигини қилди, гинг демади. Хайрият, дори-дармонларим елкамда қолган экан, мўмиёйи аслгача. Ой ботганда муолажани тугатиб, ит овози келаётган қишлоққа бордим, бир хурмача сут олиб келдим, ичириб кўрдим. Оғиз очишга ҳам дармони қолмаган экан. Оғзини очиб қўйдим. Зўр-базўр ютди. Кун ярмисига бориб ўроқчилардан гўжа олиб келиб бердим. Муздек гўжани маза қилиб ичди. Оқшом эса, тагин ўроқчилар таомига шерик бўлдик, бир хурмача айрон билан қуртава олиб келдим. Кечаси билан қуртава ичириб чиқдим. Тонгда нонуштага муздек айрон ичирдим. Йўлбарсга жон кира бошлади, бошини кўтарди, хира тортган кўзларида нур аксланди. Учинчи кун ҳам энгил таом билан ўтди. Тунга бориб қўй сўйдим, икки бор уйғотиб овқат едирдим. Эрталаб эса, олдига қўйган этимни ўзи еди, яра ёнбошига ётиб кўрди. Узоқ ётолмади, оғриди чамаси, қайтиб ўнг томонига ётди. Пойлоқчилигим тугади, муолажам ҳам. Энди туёқни шиқиллатиб қолиш керак эди, у оёққа тураётган эди. Қўйнинг иккинчи нимтасини ҳам бўлиб-бўлиб олдига ташладим-да, тўртинчи куни эрта билан хайрлашдим. Тоққа қараб ўрлаб кетдим. Қорам ўчгунча тикилиб ётди. Қораси ўчгунча қараб-қараб кетдим мен ҳам. Кетдим, лекин ҳамон билолмадим, ким билан, қандай ҳайвон билан олишган эди у? Қандай зўр йиртқич экан у, унинг қорнини паққос ёриб кетипти? Кетатуриб ўйладим, оёққа туриши керак эди, шошдим, нега шошдим, мунгайиб қараб қолди, тагин ўша йиртқич келиб қолса нима бўлади? Йўлдан қайтдим, қайтиб келдим. Узоқдан кўриши билан кўзлари яшнаб кетди, ҳатто ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Мен унга югуриб бордим, турмасликка ундадим, авайлаб ётқиздим. Қўйиб кетган овқатларимнинг биронтасига ҳам тегмаган эди. Мен қайтиб келишим билан овқатга тутинди, яхши еди. Яна бир тунни ўтказдик икки «овчи». Қаттиқ ухлаб қолибман. Бир маҳал қарасам, юзларимни ялаяпти. Жоним чиқиб кетаёзди, сапчиб ўрнимдан турдим, икки олдинги оёғида туриб, мени яламоқда экан. Кейин ўзининг юмшоқ, чиройли юнглари ялади, ўзига оро берди. Бирга нонушта қилдик ва мен энди ҳақиқатан ҳам кетишга тайёр-гарлик кўрдим, пичоғимни ювиб ёнимга солдим, дориларимни саранжомладим-да, дедим: дўстим, энди мен кетаман, вазифам тугади, бундан буёғи энди нима бўлади, худо билсин, менинг ҳам бола-чақам, невараларим бор. Қўй энди, тузалдинг, мен энди сенинг изингга тушмайман, сен ҳам мени тинч қўй, майлими? Шундай бўлсин... У, менинг гапимга тушунмаган бўлса ҳам, аммо энди бутунлай кетаётганимни билди, ижирғанди, сийрак мўйловлари икки томонга найзадай-найзадай гаранг тортилди. Пешонаси тиришди, кичкина қулоқлари чимирилди, қонли тишлари ярқиради. Урадай оғзини катта очиб, ҳаволади-да, бир дўнғиллаб қўйди ва тескари қараб олди. Мен у қараб турган тарафга ўтдим, тескари ўгирилди, қарагиси келмади, мен тагин у томонга ўтдим, тагин тескари бурилди. Билдимки, жуда жаҳли чиқди, энсаси қотди, шокилдалик чиройли думини ликиллатиб, ерга бир урди. Билдимки, энди кетиш керак. Кетдим, энди қайтмадим.

Биз кейин бошқа кўришмадик.

Чотқолга ўтиб кетган деб юрдим. Орадан анча ўтди, куз кириб, совуқ шамол эса бошлади, ўтовларни йиғиш, қишлоғга тушиб кетиш тараддудига киришган пайтларимиз эди. Сўнгги овга чиқдим, қоп-қонларни қарамоқчи бўлдим. Кутмаганда бир сўлим тулки учиб ўтди, қир тепасидан сойга қараб ўтди. Билдимки, нимадир қувиб келяпти

уни. У келган томонга қарадим. Ҳеч нимани илғамади кўзим. Милтигимни созлаб, пастга, тулки кетган томонга югурдим мен ҳам. Анча ерга етганимда тулки изини йўқотдим, у қоя орқасига ўтиб кетган эди. Қояга интилдим. Интилдиму икки терак бўйи баландликдаги қоя тепасида, ёлғиз дўлана тагида турган ўша йўлбарсни кўрдим. Демак, иккаловимиз ҳам бир ўлжа орқасидан тушган эканмиз. Бир-биримизни деб овни қўлдан чиқардик. Биз бир-биримизга узоқ тикилиб қолдик, мен пастда, у юқорида. У бир оз таранди. Яна ҳам тўлишиб, чиройли бўлиб кетган эди. Мен милтигимни ерга қўйдим, хуржунимни ҳам. Ортиқ турмади у, бир салобат билан савлат тўкди-ю, орқага ўгирилди ва ғойиб бўлди. Шошиб-пишиб орқасидан югурдим, қоя томон интилдим. Унга етганимда йўлбарс жуда нарида, нариги қоя бағрида солланиб кетарди. Оёғим остига қарадим. Ҳалиги тулки бўғизланиб, хириллаб ётарди. Ҳайрон қолдим, у — ўша кечаси ойдинда мени сарсон қилган тулки эди...

Улар қирликка кўтарилар эканлар Бахшилла бува ҳикоясига яқун ясаб, неварасига атрофни кўрсатди:

— Қара-я, Тоштемир, Асилбек бува эртаги бизни Етти зоғоранинг олтинчи сойига олиб келди. Оз қолди қишлоққа. Қопқоқ мана шу сойда... Баъзилар бу жойни Тешик қопқоқ ҳам дейишади.

Тоштемирнинг туяси алпанг-талпанг пастликка туша бошлаганда, у жой сой этагида бир қубба сингари қорайиб кўринди. Борган сайин яқин келарди, бир чиройли майдон, дарахтзор, мевазор қўнолға эди. Дарахтлар тагидан жилдираб чашма оқиб ётипти, Тоштемир, кўзлари олазарак бўлиб буваси айтган Тешик қопқоқни — ғорни қидирарди.

— Ҳў, қамиш босиб ётган ўт-ўланлар орасида, — деди буни сезган буваси унга, — ҳали бориб кўрамиз, одам бўйи келадиган ғор у, бир вақтлардаги ёпиб қўядиган тоши ҳам бор ёнида. Бу ғор жуда ҳам қадимий, жазирама ёз ёки қаҳратон қиш кунлари чўпонлар, подачилар жон сақлашади бунда. Бундан тўғри юқори Турбатга ҳам чиқилади.

Дарҳақиқат, ғор оғзида баҳайбат тош ҳам бор эди. Аммо уни энди ғор оғзига суриб келтириш маҳол эди.

— Мана шундан, — давом этди Бахшилла бува, — бу етти сойни Етти зоғора деб атайдиган бўлганлар, табаррук шоиримиз Отойи номларини эъзозлаб. У киши ўта тиниқ ўзбек тилида ёзганлар, худди усгозлари Аҳмад Яссавий сингари. Аммо у кишига ўхшаб сўфийлик қилмаганлар, шайхлик ҳам. Авлодлари Яссавий, Исмоил ота сингари шайхлар авлодларига туташ бўлганидан бу тахаллус, яъни шайх тахаллуси қолгандир. Ҳали Турбатга етганимизда у кишининг мақбараларини зиёрат қиламиз. Зиёратгоҳлари худди ана шу ғор тугаган жойда, ғор оғзида...

## Ҳ а д я

Кун яллиғидан «дод»га келган далалар, жизғинак ўт-ўланлар тафтидан бўғилар даражага келган «сайёҳ»лар Қопқоққа етишлари билан «жаннат»га тушгандай бўлишди. Бу — қуш уясидеккина жой эди. Қўноқ соҳиби югуриб-елиб, анчадан бери ҳеч ким йўқлигиданми, ҳар нечук, меҳмондўстлик кўргаза қолди, ҳовузчага ташлаб қўйган сопол кўзасини олиб келиб, меҳмонларнинг олдига қўйди, «азонлаб ташлаб

қўйган эдим, муздаккина гўжа, марҳамат қилинглар, ё қимиз берайми», мулозамат кўрсатди. Бахшилла махсум қимизни шу кўргучи эди, лекин ҳамроҳининг кўнглига қаради, ҳамроҳи бувасига тахассуб қилиб, «гўжа жуда яхши бўлади-да, айниқса ўроқ вақти», деган эди, «йўқ, гўжа яхши», дея қолди. Заранг косада икки қатла-икки қатла гўжа ичишди. Шу вақт тағин бир йўловчи пайдо бўлди. У эшагини хих-хихлаб қирдан аста ошиб тушмоқдайди. Аёл экан. У ҳам салқинга бурилди. Қўноқ соҳибининг чиройи очилиб кетди, «оёқларинг қутлуғ келди», деди. Аёл эшагини боғламадиям, тўғри келиб гўжа сўради, бир заранг гўжани симирди-да, ўтирмади, ҳали салом-алик қилганида бир хил бўлиб кетганиданми, кетишга тараддудланар экан, оёғи бўйсунмагандай бўлди, туриб қолди, қайта Бахшилла махсумга, ҳамроҳига қаради. Қозоқи усти-бошли бу аёл ёшлигида жуда ҳам кўҳлик бўлган бўлса керак, ҳали ҳам билиниб турарди, юз тузилишлари ниҳоятда текис, мутаносиб, оппоқ оқариб кетган қошлари ҳали ҳам қалин, чийратма, энгаклари остидаги бағбақаси ҳеч қариларниқига ўхшамасди, томоғи аралаш гулпарчин рўмол билан танғиб олган пешонаси ажинсиз, кенг, пешонабоғидан чиқиб турган бир сиқим — бир сиқим оппоқ сочлари ҳам ўзига ярашган эди. Остки лабининг таккинасидаги қопқора холи эса, сочлари, қоши оқариб кетганидан яна ҳам ёрқин ажралиб турарди. Бу ҳол Бахшилла махсумга ниманидир эслатди ва хаёлга ботирди. Аёл улар билан гаплашиши истагидаги одамдай кўринарди. Аммо оқсоқол ҳеч нарса англамади, қайта қарамади ҳам, гўжа у кишига шундай ёқиб қолган эдики, ҳадеб гўжа қўйиб ичарди. Алоҳа аёл йўлга чиқди. Соядан офтоб яллиғига чиққанида, усти-боши қават-қават ва кенг, ҳалпиллаган бўлишига қарамай қоматини билинтирарди, чиройли, тикка ўрта бўйи, одим отишлари тағин нималарнидир эсга солгандай бўлди, Бахшилла махсум беихтиёр ўрнидан турди ва аёл томонга икки-уч қадам қўйди. Бироқ, истиҳолодан тўхтади. Утлаб анча йироқлашиб қолган эшагига етиб олиш учун аёл қадамини тезлатди. Оқсоқол қайтиб ўтирди ва яна гўжа ичишга тутинди. Лекин бари бир бу аёлни қаерда кўрганини, унинг кимлигини жуда-жуда эслагиси келарди, ҳатто энди гаплашишдан ҳам тоймаслигини ҳис қилди. Аммо у аллақачон қирдан ошиб кетган эди. « У ким бўлди...— хаёли қочди унинг,— эшак ҳайдаб келишидан йироқликмас, шу атрофдан. Турбатданмикин... Турбатликмас, билардим. Қишлоқда ҳамма катта-кичикни биламан. Бизда бунақа чиройли аёл кам, бунақаси эса, бу ўртада бўлган эмас. Еши нечадайкин... Элликлар атрофидаёв... Элликлар атрофида бўлса, нега сочлари оқариб кетган, қошларигачали. Йўқ, элликдамас, катта. Қариб, ҳисси-хаёли сўнган... Бўлмасам безътибор бўлади-ганмас. Қўноқ соҳибидан сўрасаммикин... Уят бўлмасмикин... Аста унинг ёнига борди, аммо «бу аёл ким бўлади» деб сўраш ўрнига «шу ерликмисиз» деёлди холос. У оқсоқолнинг саволига унча тушунмади. Оқсоқол қайтиб бориб жойига ўтирмоқчи эди, ўтиролмади, «қани кетдик» дедию йўлга чиқишди...

Озгина юришганидан кейин бир текисда йўртиб кетаётган уловлар устида, офтоб элитдими, Бахшилла махсум, энгилгиси келмайми, хиргойи қила бошлади:

Десангим, жон сипар қилгай, Отойим,  
Турубмен ушмуноқ, йлдуз, от, ойм!  
Қулингмен сақласанг, жоним боринча,  
Агар сақлолмасанг, сен бил, сот, ойм!  
Неча сархуш эсанг ҳуснинг майиндин,  
Вафо жоми майиндин ҳам тот, ойм.



Бақосиздур бу беш кун умри фоний,  
Боқойин ой юзингга бот-бот, ойим!  
Фалактин ўткарурмен меҳрин ўқин,  
Десангим, «қайдасан, оё, Отойим!»

Оқсоқол бу қўшиқни шундай ширин хиргойи қилдики, Еттинчи зоғора сойига аллақачон тушиб борганларини ҳам билмай қолишди.

«Ҳамон хаёлингизда мавлоно Отойи-я, махсум», деди кимдир, йўртиб бораётган эшагига гўё қамчи босиб.

«Йўқ, гап энди Отойидамас,— деди гўё жавоб қилгандек у ҳам,— ҳалиги аёлда!..»

«Ҳалиги аёлда?..» тагин ўша ички овоз савол берди.

«Наҳотки танимадингиз?.. У шундай сеҳргар аёлки, уни эсламасдан иложим йўқ эди... У қўшиқни эшитиб қайрилди қўналғага. У таниди...»

«Қўшиққа келди? Отойининг ғазалига?» яна ҳалиги овозни эшитди оқсоқол.

«Бу қўшиқни наҳотки билмасангиз? Бу ахир Арабнинг қўшиғи-ку!»

«А!..» деб юборди бирдан Бахшилла бува, у кетган томонга ўғририлиб, эшаги бошини тепаликка қараб бурди. Тепаликка чиқиб, пешонасига кафтларини қўйди-да, узоқ тикилди. Бироқ, аёл аллақачон тепалар, қирлар орасига кириб йўқолган эди... Шундай қидиргиси келди Бахшилла махсум уни...

«Наҳотки у эди, наҳотки?..— дея сўради фикран ва ўзи тасдиқлади:— Ҳа-ҳа, у эди, унинг ўзи эди.»

Махсумнинг назарида ҳалиги аёл оқсоқолни ўйлар, унинг кайфидан кулар, ахир у қариб қолган, олтмишни орқалаб юрипти-ку, дерди.

«Олтмиш...— Озгина ўзини босиб, ҳовридан тушиб кулди оқсоқол.— Танидими? Танидимикин?»

«Нега танимасин?! Нима, паранжидамидингиз, танимайди. Ахир, у қўшиққа қараб келди-ку.»

«Нега бўлмаса ҳеч нарса демади?»

«Нима ҳам дерди шўрлик? Кечиринг, Бахшилла ака, мен сизни ҳақорат қилдим ўшанда сизга тегмай, ўзга бир аҳмоқ билан қочиб кетдим, дейдими? Албатта, демайди, таниганда ҳам яқин келолмайди-да! Уруш уларнинг хонадонини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Арслонидан қорахат келди, ўн иккита боласини боқолмай кўчага чиқди, яхшиям ҳукуматимиз бор, ёрдамга келди, ҳамма боласини болалар уйига олди, ўзига эса, қишлоғида иш топиб берди. То турмушини ўнглаб олгунича озмунча азоб кўрдими?»

«Ҳозир қайдайкин?»

«Ўзидан сўраш керак эди», деди яна хаёл.

«Топишим керак уни, ахир унинг ҳеч кими йўқ, балки ёрдамга муҳтождир...»

Бахшилла махсумнинг тинчи бузилди. Уни топишга аҳд қилди. Нима қилиб бўлса ҳам топиши керак, нега индамади, нега паришон ҳолда шундай ғарибона ўтиб кетди, нега эшак ҳайдаб юрипти? Нега ўтин териб юрипти?.. Бир маҳаллада бирга ўсдик, ялангоёқ лой кечиб, тупроқ сочиб, таппи ёпиб, бирга мактабга бордик: у отинийга, мен домлага. Бир ҳовлида ўқидик, мен Қурвон домлада, у Қурвон домланинг хотинида. Аммо оз ўтмай у паранжи ёпинди. Шу-шу бўлдию кўрмадим. У вақтда, албатта, муҳаббат деган гапдан дарак йўқ эди, аммо оналаримиз кулиб, бешиккертти бўлганимизни айтишарди. У тез ўсиб кетди, ному тилга тушиб қолди, ота-онаси, баттол акаси мактабга юбормай қўйди, унда-бунда қизил баҳмал паранжида ўтиб туриши ҳам йўқ бўлди. Энди уни кўриш маҳол бўлди. У вақтда мен бошқача бир хаёлга боролмасдим, албатта, фақат бир-биримизга қаттиқ боғланиб

қолган эдик, бир кун кўришолмасак соғинардик, яхши ўртоқ эдик... Бу ҳам тугади. Оз ўтмай Тошлоқ томондан яширин борадиган бўлдим, у кўпинча майдонларига чиқиб турарди, деворлари баланд-баланд бўлса ҳам, девор орқасидан бир-биримизни билардик. Бир куни...

Кунлар жуда имиллаб ўтарди. Уқишдан келибоқ ўша майдон томон югурарди. Бир куни жилдини уйига ташлади-ю, югуриб чиқиб кетаётганида, кўзи чиройли очилиб турган бир қизил гулга тушди, бирдан тўхтади, у гулни аста синдириб олди, қўйнига солди. Гул унинг баданини тирнар, ўймалар, жонини оғритар, лекин уни қайтиб оломасди, биров кўриб қолишидан қўрқарди. Гул кўтариб ўрганмаган бола фақат яшириб юриши мумкин эди холос.

У яна Ҳадя бибининг боғи орқасида пайдо бўлди. Атроф боғ, Тошлоқ гувуллаб оқиб ётипти. Сув шиддат билан тошдан-тошга сакраб ўтади, тошлар бир-бирига урилади. Унинг юраги ҳам худди ўша тошлардай зарбалаанади, тўлқин ҳаяжонга солади, қўйнида ётган гул эса эзилиши мумкин: эзилмаслиги керак, синмаслиги лозим, уни биров кўрмаслиги даркор. Шу ташвиш ва надоматда ҳар кунги наҳрага борди ва аста кесак ташлади. Кесак қайтмади. Одатдагидай тағин ташлади, тағин қайтмади, қулоқ солиб кўрди, нафасини эшитмади, таваккал қилиб деворга ёпишган ўрикка тармашди, Ҳадя сув бўйида ўсма қўйилган қошини ювиб ўтирарди. Эътибор бермаганига ўксинди, алам қилди ҳатто, шунча йил ўртоқ бўлиб, энди ўртоқчиликни узаётганидан ранжиди, ўриқдан тушди, гулини қўйнидан олди-да, гижимлаб, ерга урди, кўзларида булоқ-булоқ ёш билан боғ этагидан чиқиб кетди. Бироқ дарёга етмай тўхтади, қайтиб келди, тупроққа қорилиб ётган қизил гулни олди, Ҳадялар боғига оқиб кириб кетаётган сувга ташлади-да, ўзи югурганича боғнинг нариги томонига, сув оқиб чиқадиган омборга бориб пойлади... Узоқ пойлади, аммо гул чиқавермади, тағин озгина пойламоқчи бўлди, чунки, ҳаёлида Ҳадя гулни кўрган, тутиб олган, у ҳам бошқа бир гул чиқариши керак эди. У шундай деб пойлаб ўтирди. Бир маҳал гули оқиб чиқди, аммо у унинг қизил гулимасди, оқ атиргул оқиб чиқди, уни сувдан ушлаб олди-ю, кўнгли ғалати бўлиб кетди, нега бунақа бўлганини англолмади, уни олиб қўйнига солди-ю, тағин бояги ерга борди, тағин кесак ташлаб кўрди, тағин жимжитлик. Кейин оқшомни қоралаб уйига кетди...

Эртасига барвақт уйғонди. Уйғонса, гули йўқ, бувиси қўйнидан олиб, сувга солиб қўйипти. Шундай чиройли гулки, қараб тўймайсан. Бувиси: «Бунни қайдан олдинг, бизникида бундай чинни гул йўқ-ку, болам», деди. У бувисига нима деб жавоб беришни билмай қолди, жавоб бермаса бўлмайди, бувисини яхши кўради. «Хайирларникидан» деб қўяқолмоқчи бўлди. Аммо бувиси яхши билардики, бунақа гул Хайирларникида ҳам йўқ. Умуман, Турбатда бунақа гул фақат Ҳадяларникидагина... Бувиси билмаганга олиб, «ҳа» деб қўяқолди. Лекин бу гулнинг оддий гул эмаслигини фаҳмлади-да, бувасига шипшитди, буваси гулга қараб туриб кулди ва бувисига, қўшалоқ экан, деди. Бувиси ҳам у гулнинг қўшалоқлигидан мамнун бўлиб, невараларининг бахти очилаётганидан хурсанд эди. Аммо, бу қўшалоқлик невараларигамас, бошқаларга буюрганини билмасди. Бўйи етиб, ақли бутунлашиб қолган Ҳадя Бахшилланинг ҳали ёш болалигини, агар уни кутса, олам неча бор айланиши кераклигини биларди... Бунга унинг тоқати йўқ эди, буни отаси ҳам, ҳатто ўртоғига сўз берган, бешиккерт қилган онаси ҳам истамасди... Шунинг учун қўшалоқ оқ гул онаси ўргатган «бошим боғлиқ» деган «хатгул» эди. Буну у фаҳхламади...

Бир куни эрта азонда катта кўчаларидан сивизга овози келди. У шундай сўлим эдики, юракларни тимдалаб ташларди. Сивизга овози аввал яқиндан, шундоққина дарвозалари олдидан, кейин Ҳадялар

дарвозаси олдидан ўтди, Ҳадялар дарвозасига борганда бир оз тўхтагандай ҳам бўлди, кейин узоқлашди, гузаргача борди-да, олислашиб кетди... У узоқ ўйлаб ётди уни. Сивизғани ким чалишини биларди, Араб чалмоқдайди. Араб яқинда Тошкентдан олиб келган эди бу сивизғани. У қўлига олиб, чалиб ҳам кўрган эди. Лекин овозини чиқаролмай майна бўлди. Араб эса, жуда гўзал қилиб чалиб берди, унинг ҳар бир пардаси кумуш ҳалқа билан қопланган, бежирим, овози ҳам аллақандай сеҳрли эди. Араб буни ҳар куни шунақа пайтда чалиб ўтади. Нега, қаёққа ўтади ҳар куни?.. Бугун Ҳадялар эшигида ортиқча тўхтагандай бўлганини сезганида ҳасади келди, жаҳли чиқди, нега тўхтайди бировнинг эшиги олдида, уялмайдами, билади-ку ахир, у Бахшиллага бешиккерт қилинган. Тўғриси, рашки келган эди. Шунда ҳам у буни рашк деб, муҳаббат деб билгани йўқ, фақат «ўртоқлик» муҳаббати деб биларди, агар кетмаган бўлса, чиқиб бир-иккита нордон гап ҳам қилмоқчи бўлди, аммо тортинди, ўрнидан турди, кийинди ҳам, дарвозага ҳам чиқди, кўчани қаради, аммо Араб йўқ эди. Ҳадянинг отаси ё акаси чиқмадимикин, деб ҳам қаради, улар ҳам йўқ эди. Фақат мол-қолларни подачига топшираётган қўшни, бозорга келаётган нариги қишлоқликларгина кўзга ташланишар эди унда-бунда... Бу най овози уни борган сари безовта қила бошлади, наннки уни, Ҳадянинг отасини ҳам. Отаси бир куни Арабни йўлдан тўхтатиб, сивизғасини синдириб ташламоқчи бўлди, аммо синдирмади, синдирмаганига Бахшилла уни «қўрқоқ» деб ичида сўкинди. Араб Бахшилладан катта, бақувват, келишган йигит эди, боламасди. У ҳатто Турбатда одоблилиги билан ҳам оғизга тушган эди. Аммо Ҳадянинг ота-онаси негадир уни хоҳлашмади.

Жума куни тонг маҳали у чўчиб уйғонди, юраги ҳаприқиб кўчага чиқди, найни эшитмадимми, ё Араб бугун най чалмадимми, билмай қолди, югурганича Ҳадялар боғи орқасига борди, таниш нахра олдида ўрикка интилди, интилдию орқасидан бировнинг паншахадай темир қўли елкасидан тутди, тортиб ерга туширди. Қишлоқ оқсоқоли, нарироқда Ҳадянинг отаси ҳўмрайиб турарди.

— Қани Ҳадя, қизиталоқ?— деди оқсоқол, галати тиржайиб.

Нима қилишини билмай қолди. Ҳадяга нима бўлипти? Нега ундан сўраяпти?

— Қўйинг, оқсоқол, бу тирранча беҳабарга ўхшайди, акс ҳолда бу ерга келмас. У бошқа биров билан қочган...— деди Ҳадянинг отаси тарвузи қўлтиғидан тушиб, йиғламоқдан бери бўлиб.

— Араб дедингиз, Араб уйида ўтирипти, Йсмоил дедингиз, у ҳам уйдан чиқди. Тағин кимдан шубҳангиз бор?— сўради оқсоқол.

Ҳадянинг отаси қишлоқда обрўли, ўзига тўқ одам эди. Унинг маслаҳатига ҳамма муҳтож, оқсоқол ҳам усиз иш қилмасди.

— Сиз,— деди у оқсоқолга қараб,— қишлоқдаги йигитларни билинг, ким бугун уйдамас. Шундан кейин бир маслаҳатга келамиз. Ўғлим ҳам қидириб кетди. У ҳам қайтиб келсин...

У бир неча дақиқа менинг кўз ёшларимга қараб турди-да, келиб бағрига босиб, ҳўнграб йиғлаб ўборди, аччиқ-аччиқ йиғлаб, аламини кўзидан олди. Бир фурсатдан кейин бошини кўтарди, оқсоқолга ғилтиллаб қаради, кўксига муштлаб:

— Мана шу боланинг уволи тутди мени, оқсоқол!— деди.

...Ҳамон жим боришарди. Уловлар ҳам жим, бир маромда йўртишарди. Тоштемир туясида пинакка кетган эди. Бахшилла бува буни кўрдию, индамади, ўзи билан ўзи бўлиб, тағин ҳалиги қўшиқни қайта-ра бошлади:

Десангким, «жонсипар қилғил, Отойим»,  
Турубмен ушмуноқ, ўлдур, от, ойим...

«Буни ҳали, Ҳадяга тааллуқли, дедингизу тугалламадингиз», дегандай бўлди тағин хаёли.

«Ҳа, буёғини айтмадим. Ҳадяни олиб қочгани узоқ вақт топишолмади, ким эканлигини ҳам аниқ билишмади. У, албатта, Собир эди. Бу ашулани ҳам ана шу Собир айтарди. У ҳалпаналарда, тўкмаларда, тўйларда дутор чертганида, тингловчилар бош кўтаролмасди. Кейинроқ уни ана шу ашула туфайли топишди, Зоир метар айтди бир куни, жуда ҳам ўзини олдириб қўйган отаси Ортиқхўжага. Метар табиб ҳам эмасмиди. Уни кўргани борди, дори-дармонини қилиб бўлди-да, оҳиста тушунтирди: «Қизингиз соғ-салоғат, кўчангизнинг нариги томонида турадиган Собирдов билан қочган бўлиши керак», деди. Шу тўғри чиқди, ана шу қўшиқ туфайли топишди. Топишдимас, уларнинг ўзлари келишди. Аммо энди кеч эди, она ҳам, ота ҳам, катта ака Суннат ҳам оламдан ўтишган эди. Йиғлаб қабрларини тавоб қилишди. Ҳозир ҳам кимидир бор, назаримда, сингиси бўлиши керак. Кўришим керак, унга қийин, ёлғизлик гижимлаб ташлаган. Қандай чиройли эди у, қандай дилбар эди... Унга ёрдам қилишим керак. Наинки севгимим у, у ахир ўртоғим! Қиз ўртоғим!..»

Тўғри, аммо шошилмаслик ҳам керак. Агар у сиз айтгандай, қийналиб қолган бўлганида, ўзини танитарди. Ишқи комил бўлса, дейди ҳазрат Навоий, маҳбуба маҳбубни мажнун қилиб ташлайди. Мажнун эса, ҳақиқий инсондир. Ҳақиқий инсоннинг виждонидан бўлак мулки бўлмайди. Ҳақиқий муҳаббат йўли ҳам асти адл бўлганмас...

«Афсусли мен уни севганмасман, бунга улгурган ҳам эмасман,— деди у хаёлига.— Аммо, у менинг қадрдоним эди, онамнинг буюргани эди. Шунинг учун Ҳадя номини эшитганимда, лоқайд қаролмайман. Ким билсин, агар муҳаббат чаманига улгурганимда балоғат мени унга еткизганида, ҳали сиз айтгандай, албатта, мажнун бўлардим, муҳаббатим, Навоий айтганларидай, комил бўларди, виждонимдан бўлак менинг ҳам мулким йўқ, ҳар қандай адл бўлмаган йўллардан ҳам ўтиб, уни топардим. Мана энди унинг вақти келган кўринади, кеч бўлса ҳам, дўстнинг бурчини ўташим керак бўлур...»

Бахшилла махсум гоят изтиробда, ўша даврдаги нодонларнинг қилмишлари ҳақида ўйлаб кетди... Турбатга ҳали бор эди. Ҳали шайтон кўприкка ҳам етганлари йўқ. Ҳадяни ўша фалокатли кундан кейин қачон кўрганиди? Нега танимади?... Ҳа, қирқ иккинчи йили, армиядан қайтиб, қўлтиқтаёқда юрганида кўрган эди, трамвай бекатида...

Август ойи, иссиқ кунлардан бири эди. У янги шаҳардан қайтатуриб, кўғирчоқ театри тўғрисидаги трамвай бекатига келди. Трамвай анчадан бери йўқлигидан одам кўп эди. У ҳарбий кийимини ҳали ечмаган, яраси бутунлай тузалиб кетмаганидан қўлтиқтаёқда ҳақкалаб келдию, ўтирадиган жой қидирди. Шунда бир паранжили хотин уни, мана бу ёққа келинг, деб парк ичига бошлади ва у ердаги скамейкалардан бирига таклиф қилди, ўзи ҳам ёнма-ён ўтирди. Уруш вақти бўлганидан, шунақа аёллар айниқса урушдан келганларни ардоқлашар, гапга солишар, ўзлариникидан биронтасини зора кўрган бўлса, деб умид қилишарди. У бу аёлни ҳам шулардан деб ўйлади. Аммо аёл у ўйлаган саволларни бермади. Узоқ жим ўтирди, бир оздан кейин астаюзини очди. Дарров таниди — Ҳадя эди! Орадан ўн-ўн беш йиллар чамаси ўтганди, холос. Ҳадя сочвонини кўтариб, орқасига ташлаб қўйди. Яна ўша тошлоқ, ўша таниш, қадрдон, болалигининг ардоғи орқа майдон, ўша телба-тескари, чалакам-чатти дарахтлар, Ҳадяларнинг ҳаддан ташқари баланд паҳса девори ва улар ўзлари топиб олган наҳралар кўзларига кўриниб кетди, кейин ўша ўзининг ҳовлисидан олиб келган қизил гули, гижимлаб кета бошлаган пайти, кейин қайтиб олиб Ҳадялар боғига кирадиган ариқча ташлагани, нариги томонидан эса,

кизилмас, оқ бўлиб, яна қўшалоқ оқ атиргул бўлиб чиққани — ҳамма ҳаммаси кўз ўнгида пайдо бўлди... Тагин у кунги дахшатли тонг, югургилаб боргани майдон ва нахра, қишлоқ оқсоқоли ва Ҳадянинг отаси, уни кейин бағрига босиб йиғлагани... кўз олдида акс этди-ю, Ҳадяга тикилганича узоқ туриб қолди. Нима ҳам десин, қайдан келиб қолди бу ёшлигининг илоҳий бандаси, уни довдиратиб кетган, тагин аллаким билан қочиб кетган беандиша малак. У энди аввалги Ҳадя бўлмаса ҳам, аммо у учун ҳамон ўша-ўша Ҳадя эди. Бироқ, у анордек қип-қизил лўппи, таранг юзлар, у порлаб турган қон-қора қуралай кўзлар ўзгарган, пешонасида ажин, бағбақасида сўлғинлик, у сўлим сумбул сочлари паришон, оппоқ ипак пешонабоғ ўрнида уన్నిқиб кетган шол рўмол, ёқаси озгина қийиқ чивик қўйлак, унинг ичида дилдираб турган, балки бу учрашувдан, дилгир қалби... Ҳамма-ҳаммаси унинг тилини боғлаб қўйган эди. Чамаси, буни Ҳадя англади, ҳали ҳам уни ўйлаб юргангани, у хаёлига келганида титраб кетишини, ундан жуда қаттиқ, бениҳоя қаттиқ ранжиганини фаҳмлади.

У эсидан чиқариб юборган, деб ўйлаган эди. Ушанда унинг қалбидагини муҳаббатмас, атиги бир-бирига ўрганиб қолгани ўртоқлик муносабатигина деб билган ва ўзининг биров билан бош олиб қишлоқдан чиқиб кетиши ота-онасида ўзга ҳеч кимни қийнамаган, деб ўйлаган эди. Мана, Ҳадя унинг ҳолини кўриб қотиб қолди, аллақачонлар битиб кетган яраси очилиб, кўзларига ёш қалқди, ўзи кутмагани ва истамагани ҳолда «Кечиринг!» деди, ерга қаради. Шу вақт унинг кўзига тагин ўша Ҳадя кўриниб кетди, унинг ҳам кўзларида ёш айланди...

— Ассаломалайкум, Ҳадя,— деди ниҳоят Бахшилла ўша эски ёшлигидагидек сансираб,— омон бормисан, тан-жонинг соғми, қаёқларда қолиб кетдинг?

«Йўқолиб кетдинг» демоқчи бўлди-ю, аммо демади, ранжитгиси келмади.

— Ассалом алайкум, Бахшим,— деди оҳиста илжайиб Ҳадя ҳам ўша ёшлигидаги сингари сансираб,— эсон бормисиз? У «бормисан» деёлмади. Қаршисида энди яғрини кенг, жуссаси ҳам йигитона, қарашлари ҳам энди жиддий, уст-боши ҳарбийча йигит ўтирарди. Қараб тўймасди унга, эски қадрдонига, қадрдон «ўртоғи»га.— Мен ўзим қочганим йўқ, Бахшим,— давом этди Ҳадя титранқираб,— мени олиб қочдилар. Ўша қаро кундан бир кун олдин аллақандай бир касофат аёл эски паранжида келиб дарвозамизни тақиллатди, мен ўлгур бориб очдим, қўлимга бир хат берди-ю, ғойиб бўлди, шошиб-пишиб очдим уни, аксига олиб ўша кун ичида ёлғиз эдим, эсингизда бўлса, ҳовлимизнинг ўртасида катта ёнғоқ бўларди, ўша ёнғоқ остига келдим ухатни очдим. Шошганимнинг боиси, тўғриси, Арабдан хабар кутардим. Очсам, хат Арабдан. «Эрта тонгда нахрада бўламан, тугунингни олу, чиқиб кел», деган эди. Ёнида «жоним» деган сеҳрли сўз ҳам бор эди. Шошиб қолдим, албатта. Кечқурун уйимиз тўлди, барвақт ётишди; мен ҳам. Аммо мен ухламадим, тонгни уйғоқ оттирдим, ухлаб қоламан деб қўрқдим. Тонг ғира-шира оқариши билан оҳиста турдим боққа яшириб қўйган тугунимни олиб, нахрага бордим. Нахрага кўтарилишимни биламан, икки киши мени тортиб олди-ю, отга босиб, бақаришга ҳам қўймай отларига қамчи босишди. Тошлоқдан тўғри Отоёй мақбараси орқали юқори Турбат билан олиб кетишди. Йўлда аламдан, қўрққанимдан ҳушимдан кетган эканман, қанча юрилганини ҳам, қаерга бориб тушганимни ҳам бир неча ҳафтагача билмадим, буни ўзлари ҳам сир сақлашди.

— Ким экан улар, Араб бўлмаса?— сабрим чидамади.

— Собир экан, ёнидагиси — ўртоғи Ҳушбек.

— Собир, Собир ўғри?!— оғзимдан чиқиб кетди азбаройи ғазабимдан. Кейин ўзимни тутиб олдим, ахир нима бўлса ҳам, унинг эри-ку энди.— Кечирасан.

— Собир акам уруш бошланиши билан урушга жўнаб кетди. Унта бола билан ёлғиз қолдим...

— Қаерга олиб борган экан сени ноинсоф?

— Тошкент йўлидаги Чалақозоқ қишлоғига келиб қолган эканмиз. Қолхозга кирдим, болаларим ўқий бошлашди. Лекин, бари бир уларни удалай олмадим. Собир акамдан хат тўхтаб қолди, кейин ҳалок бўлди деган қорахат келди. Маҳалла-кўй ёрдами билан ҳамма болаларимни, кичкинамгача болалар уйига жойлаштиришди. Мана энди тамомла ёлғизман. Нафақага чиққанидим. Сизни кўриб қолдим. Тавба, одам одам билан учрашар экан...

Ҳадя билан Бахшилла узоқ гапиришиб ўтиришди, қанча трамвай келиб-кетди. Намозгар тушди ҳамки гаплари тугамасди. Ниҳоят, Ҳадя сочвонини бошига илди, Бахшилла уни трамвайга чиқариб қўйди. У кетди, яна қайтмас бўлиб кетди... Ҳамма гапни гапиришти, гапирилмаган гап қолмапти-ю, турар жойини сўрашни унутипти, фақат Чалақозоқ, деди, лекин Чалақозоқ қишлоғи кўп-ку Тошкент йўлида, қайси бири... Бахшилла оёғи тузалиб, қўлтиқтаёқни тахмонга тираб қўйганидан кейин бир неча қозоқ овуллари, Чалақозоқ қишлоқларини ахтарди, лекин Ҳадя деган ўзбек қизини, турбатлик қизини, эри урушда ҳалок бўлган аёлни, ўн боласини болалар уйига берган аёлни, колхозчи аёлни биламан деган топилмади... Ниҳоят, Бахшилла Ҳадясини иккинчи марта йўқотди. Мана, тасодифни кўрингки, топдим деганида тагин ғойиб бўлди. Қайга кетди, қайга ғойиб бўлди?.. Нима, кўзига кўриндими, наҳотки кўзига кўринган бўлса, наҳотки бир вақтлар адасига кўринган аёл сингари хаёл бўлган бўлса...»

Бу орада улар Шайтон кўприкка етиб қолишган эди. «Ана адамининг оти қоқилган кўприк!..»

## Шайтон кўприк

### НАҶЛ

Бахшилланинг отаси жуда ботир бўлган. Кечаси ҳам, кундузи ҳам, қўрқинчли биёбонларда, кимсасиз узоқ йўлларда ҳам ёлғиз юраверган. Ярим кечалари ҳам қашқир изғиб юрган сўқмоқлардан нописанд ўтаверарди. У киши от танлардилар, танлаганда ҳам чавандозлардай билардилар отнинг яхшисини, танлаб минардилар, қишлоқ чавандозлари ҳам у кишига кўрсатишарди отларини. Кунлардан бир кун...

Бахшилланинг отаси Тошкентдан кеч қайтади. Етти зогорага кирганида ой чиққан эди. Бу томонларда биласиз, тун кўпинча оппоқ бўлади. Уша кун ҳам шунақа, оқ ойдин бўлган. Чўлда, паст-баланд сўқмоқда, айниқса, ёлғизоёқ йўлда бир тош нарини илғаса бўлади. Ой худди ов излаб юрган бургутдай сузади. У киши, одатича, от устида ухлаб қолмаслик учун хиргойи қилиб борардилар. От ҳам бунини билар, бир меъерда йўртар, унда-бунда пишқириб қўярди. У Қопқоққа келганида ой тикланади. Шунча йўл босиб битта ҳам йўловчи кўрмайди. У биларди, бу йўлдан кечаси камдан-кам одам юради, тўғриси юрмайди, қўрқади, турклар айтгандай, «қўрқоқ ўлам — соғ ўлам» дейишади. Чўл жим-жит, ютаман дейди, қурт-қумурсқалар чириллашидан бошқа садо йўқ. От тик бораверади, от тик бораётганлиги учун Бахшиллабек қўрқмайди. Гап ўғри ё йўлтўсардамас, бу йўлда аллақандай

жину ажиналар кўплиги тўғрисида ҳар хил миш-мишлар юрарди эл орасида. Нимаки бўлса от билади, анча узоқдан билади, эгасини огоҳ-лантиради. У ҳаддан ташқари жимлик ва сокинликдан шубҳа қила бошлайди, отига қарайди — хотиржам, энг сезгир ва ақлли отига ҳам энди ишонмай бошлайди, бутун кечаси билан ухламай изгиб юрадиган қашқирлар ҳам йўқ эди, битта ҳам ўтмайди, учрамайди, кўринмайди-да, ахир!

Шайтон кўприкка яқинлашганда оти тўхтайтиди, бир-икки пишқириб кўяди, ғижиниб, сувлиғини чайнаб орқага бурила бошлайди. Эгаси кўнмайди, бўй бергиси келмайди отига, олдинга қараб ундаб, қамчи босади, эти сесканса ҳам кўрққиси келмайди. От ноилож қамчи зуғумига бўйсундию лекин кўзлари ола-кула бўлиб кетади, эгасига бурилиб қарайди. Бу энди ғайри табиий ҳол эди, у бўйнини харчанд бургани билан устида ўтирган отликқа қарай олмайди. Шу пайт бирдан унинг юраги орқасига тортиб кетади. От боши оша кўзига кўприк ёнида илжайиб турган бир қиз бола кўринади. Елкасида бир боққина ўтин. У ҳайрон бўлиб тикилади унга. Қиз бола бирданига улоққа айланади, кўзини уқалаб бошқатдан қарайди — яна қиз бола! Айбни кўзига, чўчиганлигига йўйиб, дадил савол ташлайди унга:

— Кимсан, нега бевақт ёлғиз юрибсан?

— ...  
От яна пишқириб, олдинги икки оёғини осмонга ташлайди.

— Қаерликсан, кимнинг боласисан?— деб сўрайди у, қиз жавоб беравермаганидан кейин, кўрққанлигини билдирмасликка ҳаракат қилди.

Икки олдинги оёғини осмонга ташлаган оти жиловини қаттиқ силтайди. Бир маҳал қулогига аллақандай овоз чалинади:

— Сенинг қишлоғингданман, Шоди бақироқнинг қизиман. Бироқ, овоз қиз боланинг овозимас, эркак овоз эди. Ундан ташқари, Шоди бақироқнинг болалари ҳаммаси ўғил, битта ҳам қизи йўқ эди. Қиз давом этади: — Ўтин териб кел, деган эди ойм, ўтин излаб узоққа кетиб қолибман. Бирон сенга ўхшаган ботир одам келиб қолса мингашиб кетарман, деб ўтиргандим.

У таваккал қилиб, кел мингашиб олақол, дейди ва отнинг биқинига ниқтаб, унга яқинлашади. От харчанд саркашлик қилса ҳам, у ўжарлиги тутиб қизни миндириб олади. Қиз миниши билан от ҳеч нарса бўлмагандек яна йўртиб кетаверади. Қиз йўловчининг белидан сиқиб ушлаб олган, йиқилмаслик учун болалардек орқасига ёпишиб боради. Унинг белига аллақандай тирноқ ботгандай бўлади, аста қўлтиғи томон қараса, одам боласинингмас, аллақандай йиртқичнинг панжаси эмиш, сесканиб кетадию, отига қамчи босади. От ҳам уни тушуниб югура кетади. У шундай югурадики, юлқиниб, эгасини ва эгаси орқасидаги қизни устидан итқитиб ташламоқчи бўлиб чопади. Тошлоққа, қишлоқ чеккасига етиб келганида, бирдан от ўзидан-ўзи чопишдан тўхтайтиди, йўртиб кета бошлайди, Тошлоққа тушиб, сувнинг ўртасида тўхтайтиди ва сув ича бошлайди. У узоқ сув ичади, эгаси орқасидаги қизнинг ҳали биқинидан маҳкам чангаллаб келаётган қўлига қарайди, қўл панжасини кўради-ю, ўзини кўрмай, чўчиб орқасига ўгирилади, орқасида ҳам уни кўрмайди...

От эшикдан кириб келганида, тонг оқарган, эгаси устида беҳуш ётар экан. Уни тезлик билан тушириб оладилар ва табибга, домлага одам юбордилар...

Бахшилла бекнинг адаси, ана шундай қилиб, бир неча кун, ўзига келмайди, бир ҳафта деганда одам танийди, уч ою беш кун қимирламай ётади. Бу орада бир неча бор алаҳлайди, йўқ ердаги гапларни гапирди. Оёққа турганида, мана шу воқеани гапириб берган эди:

— Қўрқоқнинг кўзига қўшалоқ кўринади, деганлари мана шу, болам. Ушанда қўрқанимдан шундай бўлди, ана шу Шайтон кўприк ҳақидаги бўлар-бўлмас гапларни эшитавериб, уларга лаққа ишониб қолганимиздан шу ҳолга тушган бўлсам керак... Сен чўл боласисан, асти қўрқма, қўрқсанггина кўзингга кўринади бунақа бемаза нарсалар...

Бахшилла бува ўша ўтмишни эсладию хаёли тагин ҳалиги аёлга қайтди. Наҳотки шундай бўлса бу сафар ҳам... Наҳотки кўзимга кўринди... Наҳотки, наҳотки энди уни ҳеч тополмайман?..

Уша, Ҳадаяни олиб қочиб кетишган кунларда Бахшилланнинг бошига кетма-кет мусибат тушиб, ғалати бўлиб юрди. Авваламбор, ойиси эрта вафот этиб, дадаси (буваси) қўлида қолди, отаси бошқа аёлга уйланди, у аёл, табиий, оналик қилолмади, доим туртиб турадиган чиқди. Бунинг устига, маҳаллада ўртоқ бўладиган бирон дардкаши, у яхши кўрадиган бола ҳам йўқ эди. Шундай қилиб, Ҳадя йўқолди-ю, тинчи бузилди, ороми кетди. Уқишга ҳам ҳафсаласи қолмади.

Дадаси ташвишга тушди. Нима қилса энди... Бир куни Асилбек бува келиб: «Э, ўтоғаси, буни бизга олиб чиқ товға, кўнгли ёзилади, болалар билан ўйнаб, ғам-аламини бир оз эсидан чиқаради», деди. Дадасига бу маслаҳат жуда ёқиб тушди. Бахшилла дадасининг у томирини яхши кўргучийди, бу гапни эшитиши билан рози бўла қолди. Эртасигаёқ тоққа отланишди...

Тоштемир кўзини очиб, у ёқ-бу ёққа қаради. Буваси хаёл суриб кетиб борарди. Унинг хаёлини бузгиси келмади. У туя ўрқачида жим, уфққача уланиб кетган дала-даштни томоша қилиб борарди. Буваси унга ўгирилди, уйғонганини кўриб, ичидан севинди-да, эсига тушган Асилбек эртакларидан тагин бирини айтгиси келди.

## Самбит кажавалар

Асилбек буванинг йўлбарс ҳақидаги ҳикояси Бахшилланнинг тушигача кириб чиқди. Уларнинг бир-бирларини излаб юрганларидан тортиб, Асилбек буванинг уни даволаганигача, ундан кейин йўлбарснинг Асилбек буванинг яхшилигига яхшилик қайтаргани-ю, ҳатто, Асилбек бува қўлдан чиқариб юборган тулкини унинг оёғи остига олиб келиб ташлаганигача — ҳамма-ҳаммаси...

Тулкани Асилбек буванинг оёқлари остига улоқтирганидан кейин, йўлбарс тепаликка чиқиб ўгирилганмиш-да, кўзини қисиб қўйганмиш. Бу билан гўё: «Энди бир-биримизнинг изимиздан юрмаймиз, бир-галашиб ов қиламиз», деганмиш у Асилбек бувага қараб.

Мана шунақа ғалати туш кўриб уйғонди Бахшилла бир куни. Уйғонганида, очуқ ҳавода ётганди, тоғ бағрида ҳар хил ўт-ўланлар, жамбиллар ҳиди аралаш тоза ҳаво димоғига гупиллаб уриб турарди. Ҳаммадан бурун уйғонган тўрғайлар эса, энди чиқиб келаётган қуёш нурида, осмоннинг қир учида, бир жойда туриб чуғурлашарди. Асаларилар ҳам ишга тушган, аллақайларга қараб асал излаб кетишар, тилла капалаклар гулдан-гулга ўтишар, чигирткалар бўлса энди ухлашарди. У бобоси билан тагин Асилбек бобо «мамлакати»га бориб қолган эди.

Бахшилланнинг тургиси келмас, бу ғалати манзараларни томоша қилиб ётгиси келар, озгина туришга ҳаракат қилгудек бўлса, уларнинг ҳаммасини йўқотиб қўядигандек, кўрганлари тушга айланиб қоладигандек эди. Узоқ хаёл суриб, томоша қилиб ётди. Кеча эрталаб азонда қишлоқдан чиқишгани, дадаси билан жийрон тойга мингашиб у томон-



га йўл олишганини эслаб кетди. Дадаси ваъдасига вафо қилди. Улар саҳарлаб Асилбек буваникига отланишди. Жийронтой ҳам буни билгандек ўйноқлаб қолди. Қим билсин, қаёққа кетаётганини сездими, дадасининг: «Қорабовга борамиз, ҳозир ўт-ўлан жуда етилган пайтда, жийронтойинг ҳам маза қилиб келади», деганини англадими, ё бўлмаса устига ортилаётган қозоқи хуржундан сездими, ҳайтовур, у ҳам Бахшиллага ўхшаб ўйноқларди. Дадаси жийронга эски, доим Қорабовга чиқадиган бўлганларида урадиган эгарни урди, сағрисига катта ойиси тикиб берган кўрпачани ташлаб боғлади. Буниси унинг «эгари» эди. Хуржунни икковлашиб совға-салом билан тўлдиришди. Асилбек бува келганида ҳам шунақа қўни-қўнжини тўлдириб келгучийди. Катта ойиси, яъни бувиси жуда куйди-пишди эди. Совғаларни хуржунга санаб, номма-ном атаб соларди, мановиси — Айқархонимга, дадаси, мановиси — Кулеш қизга, мановиси эса, Қолибекка, мановиси Новчага (Новча — Бахшилланинг ўртоғи, ана, ёнида ҳали пишиллаб ухлаб ётипти. Устлари очиқ. Новча деганларича бор, ундан узун), мановуниси... Дадаси жеркиб берди, ҳадеб санайверасанми баракасини учириб, деб. Бир марта санадинг, бўлди-да, нима, эсимдан чиқиб кетади, деб ўйлайсанми, биронтаси эсимдан чиқиб қолса Тоймантойинг бор-ку, ҳаммасини биладиган... У Бахшиллага кулиб қараб қўйди. Уни эркалаб шундай дейишарди.

Шундай қилиб, азонлаб, ҳали қуёш Қорабов тоғини эгарламай, йўлга чиқишди. Дадаси эгарда, у бўлса орқасида, ҳалиги катта ойиси солиб берган кўрпачада, мингашиб олганди. Аввал тоғ бағирлаб кетишди. Жийронтой жуда енгил йўрғалаб борди. Дадаси отга ҳеч қамчи урмади, жийронни невараси сингари яхши кўрарди, агар унга биров минса, тикилиб қараса ҳам, жаҳли чиқиб кетарди. Ҳозир ҳам, мана, қамчи босмай, ўрма қамчини фақат ўйнабгина борарди.

Жийрон энди ўрлаб кетди, ёлғизоёқ йўлга тушди. Бурама, фақат ёлғиз от ёки эшаккина юра оладиган жар ёқалари эди бу йўллар. Тепага қарасанг, баландлигидан бошинг айланади, ерга қарасанг — кўзинг тинади чуқурлигидан. Ҳў аллақайда, пастликда — арчалар, ирғайлар, дўланалар, чакалаклар орасидан жилғадай ялтираб дарё кўринади. Дадаси, пастга қарама, бошинг айланади, йиқиласан, маҳкам ушди. Жуда юқорилаб кетишган эди. Ҳақиқатан ҳам жуда хавфли, сирпанчиқ, ағдарилган харсанглар орасидан, дадасининг гапларига қараганда, бир тасодиф билан илиниб қолган, илдизлари ҳам тарвақайлаб очилиб ётган қарағайлар, буталар биқинидан ўтиб боришарди. Борган сари буталар-у дов-дарахтлар қуюқлашар, шунданми, гоҳо йўллар ҳам йўқолиб қолар, ҳаммаёқ жим-жит, ҳеч зог кўринмас, бу ҳайбатли тоғ дараларида улардан ўзга ҳеч ким йўқдай, ваҳимали эди. Дадаси, зерикканида айтадиган ашуласини бошлаб юборди:

Яхшилик яллама ёру, гулзор Турбатимиз,  
Нобакору ноҳалолга тангу тор Турбатимиз!

Тепаларида ўлаксахўр қушлар айлана бошлади.

— Шу ўртада бир нарса ўлганга ўжшайди, калхатлар айланиб қолди,— деди дадаси.

Жуда катта, бургутдай-бургутдай баҳайбат қушлар эди. Аммо уларнинг тумшуклари жуда хунук, кўзлари ҳам бўриники сингари олакула, панжалари худди паншаха сингари катта-катта, қассобларнинг гўшт осадиган чангагига ўхшаб кетарди. Улар ерга тикилиб, бир нарсани астойдил қидираётган-у, топгани заҳоти ўлжаларига ташланадигандай оғир учишарди. Бахшилланинг эти жимирлашиб кетди, дадасининг пинжига қўлини тикиб, орқасига ёпишиб олди.

— Қўрқма, болам,— деди унинг қўрққанини сезиб у.— Сенга қараётганлари йўқ. Уша ўлимтикка қарашяпти, у ерда ҳозир чиябўрилар борга ўхшайди, тушолмаяптилар. Улар тўйиб кетишгандан кейин булар тушади.

Бир пасда осмонни ўша қушлар тутиб кетди. Биттаси бирдан тошдек пастга отилди, орқасидан бошқалари ҳам. Осмонда ҳеч нима қолмади, топ-тоза бўлиб қолди, тоғ ортидан чиқиб келаётган қуёш ҳам энди тўла кўринди. Аммо унинг хаёли ҳамон калхатлардайди. Улар нимани ейишаётганикин, балки бир бечора кийикдир, ё бўлмаса бирон ёлғиз қолган қўй-қўзимикин... Ҳар тугул, жуда ҳам пастда, жарликнинг ичкарисидайди... Дадаси унинг жим бўлиб қолганини, хаёли ҳали ҳам ўшалардалигини сезиб, «қўй-қўзи жарликнинг у томонида бўлмайди, фақат кийик ё бир-бири билан олишиб ҳалок бўлган йиртқичлар бўлади. У томонда одам тугул тоғ эчкиси ҳам зўрға юради», деди.

Қуёш тепаларига келганда, улар тоғнинг қоқ белига етишган эди. Дадаси Жийронтойнинг тизгинини тортди. Жийрон тўхтади. Дадаси отдан тушди-да, уни ҳам туширди. Йўл олдида бир газ келадиган «айвонча» очилган, у харсанг «айвонча» жуда силлиқ қилиб тарашланган, худди супачага ўхшаб кетарди. Ушанга ишора қилиб, дадаси, «ўтир бунда» деди, уни ҳалиги супачага ўтқазди, ўзи тик тургани ҳолда, «анавуга қара» деди, қўлларини баҳайбат жарликнинг нариги томонига чўзиб. У томонда бошида оппоқ салла, оппоқ соқоли кўксини қоплаган, оппоқ чопони оёқларигача тушган барваста одам оқ от ушлаб уларга қараб турарди. Отнинг оппоқ ёллари оёқларигача тушган, кумуш юганлари, кумуш эгар-жабудуқлари қуёш нурида яллиғланар, кумуш занжирга ўхшаш ажойиб югани эса, чолнинг қўлида эди. От узоқ йўл босган бўлсам, терлари ҳали қотмаган, бир оёғи билан ерни депсирди, ҳоври босилмаганди. У ҳайрон қолди. Ҳалигина дадаси у томонда одаммас, анов-манов эчки ҳам юролмайди, легани эсидайди.

— Бу Оқмўлда,— деди унга ҳурмат билан қараб дадаси,— дунёни кезиб, шу ерга келганларида тош бўлиб қолганлар. Бу гўзалликларни кўриб, бу ердан энди ҳеч кетмайман, шу ерда қоламан, деганлар.

Ҳақиқатан ҳам у атрофга тикилиб, лол бўлиб турарди.

— Оқмўлда ким бўлган, дада,— деди Бахшилла кўзлари кунда жимираб.

— Оқмўлда, болам, қозоқларнинг мулласи, дейишади. Қозоқлар жуда яхши кўришар экан. У ҳам уларни яхши кўрган, камбағалларни, юпунларни қўллаб юргувчи авлиё бўлган. Ўзи асли шоир ўтган ҳам дейишади, оти мулла Бобойми, мулла Обойми, дейишади, жуда донишманд, Асилбек бувангга ўхшаб табиб ҳам бўлган, дейишади. Асилбек буванг ҳам катта табиб-да, у фақат қўйчивон, ёки овчигинамас.

У ҳалиги Оқмўлдага тикилиб қолган эди. Дадасининг бу гапларидан кейин уни Асилбек бувага ўхшатди. У ҳақиқатан ҳам Асилбек бувага ўхшаб кетарди. Унга таъзим қилиб ўтган йўловчи тоғдан омон қайтар экан. Улар ҳам таъзим қилишди, дадаси ҳатто унга қараб намоз ҳам ўқиб олди. Озгина ўтириб, тамадди қилиб олишди-да, йўлда давом этишди. Энди нима кўринса, қанақа тош, қанақа қоя кўринса, улардан ана шу оқсоқолга ўхшаган шакл қидирадиган бўлиб қолди. Тоштемир баъзилари бўрига, баъзилари тулкига, баъзилари чўпонга, баъзилари елкасига почапўстинини ташлаб олган овчига ўхшаб кетарди у тошлар.

...Бу ерга кеча кечга томон мана шундай хаёл, шундай завқ-шавқ билан кириб келишган эди. Энди тонг салқинида Новча иккаласи маза қилиб ётишибди. Дадаси Асилбек бува билан аллақачон уйғонишган, оқ ўтовнинг паст биқинида нимадир қилишарди. Новчани тўртди.

— Новча, ҳей, Новча!

У ҳам уйғоқ экан, ўғирилди. Бирдан бир-бирларини қитиқлашиб кетишди. Кўрпа-кўрпачалар алғоқ-далғоқ бўлди бир пасда. Оқ ўтовдан югуриб Айқар буви чиқди «нима тўполон», деб. Уларни кўрдию тинчиди. «калхатми депман» деди. Бирон бир нарса очик қолган бўлса, калхатлар айланиб келиб, бир шўнғир экану ўғирлаб кетишаркан.

— Туринглар, жетер ўсиншами уйқтаганларинг,— деди Айқар буви. — Новша, ўртоғингди анов жерга апар, кўканг қўй сўйиб жатир.

Ҳақиқатан ҳам қон исини туйиб осмонга калхатлар чиқиб қолишган эди. Новча ирғиб турди, у ҳам. Акаси Қолибек аллақачон туриб, дадасига кўмаклашарди. Новча билан иккови булоққа боришди, маза қилиб ювинишди. Сувдан ялпиз иси келарди. Булоқ бўйида ялпиз бурқиб ётарди. Шаталоқ отишиб қўй сўйилаётган ерга, ирғай тагига келишди. Қўй аллақачон ирғай шохига осилган, Асилбек бува унинг терисини шиларди. Қолибек бир оёғидан ушлаб турар, худди сартарошларнинг шогирд болаларига ўхшаб, отасининг усталик билан пичоқ юритаётганига тикилиб, ҳунар ўрганарди.

— Новша,— деди Қолибек,— ма, мановини ол!

Бир нарсани отди унга қараб. Новча илиб олди. Бир парча эт эди. Новча дарров пичоқ олиб иккига бўлди-да, аввал тоғорада турган қора тикан тузга, кейин косадаги туйилган гармдорига бўлғалади. Бирини менга, иккинчисини ўзи олиб, бу ёққа юр, леди. Қўй сўйилаётган ердан сал нарироқдаги япалоқ тош устига чиқиб, жуда ҳам пастлаб, қўй гўштларини мўлжаллаб учаётган калхатларнинг келишини пойлади, улар ҳам билишар эканми, Новчага яқинлашиб келишди. Новча ҳалиги туз билан гаримдорига қорилган этни ирғитди. Калхатларнинг бири ёнлама учиб келиб, худди қўлидан юлиб олгандай этни илиб кетди ва жуда юқорига кўтарилди, галадан олиб қочиб, осмони-фалакка чиқиб кетди-ю, бирданига лапанглаб, худди думи узилган варварақдай пастга туша, шох ташлади. Шу бўйича ўзини ўнглолмай ерга урилди. Новча билан Қолибек унга қараб, от, энди сен от, деб қичқиришди. У ҳам отди, унинг ҳам, этини худди ёнгинасидан, қўлидан юлиб олгандай қай биридир илиб кетди. Ҳалиги йиқилганига ўхшаб кўкка ўрлади, ўрлади-ю, бирдан у ҳам ҳалигидақанги лапанглади, кейин тошдек отилиб, худди оқ ўтовнинг ёнгинасига гуп этиб тушди. Ҳаммалари югуриб боришди, новчаники аллақачон ўлиб бўлган, Бахшилланики пиллаб, даҳшатли оғзини каппа-каппа очиб, жон берарди. Қанотлари жуда узун, патлари отқулоқдек-отқулоқдек, оёқлари косовдек-косовдек, ер-парчин бўлиб ётарди. Новча ўзининг қилган ишидан ўзи маст бўлиб илжайрди, унга қарарди, у бўлса худди одам ўлдиргандек жуда кўрқиб кетган эди, тиззалари букилиб, дағ-дағ титрарди. Дадаси келиб, бошини силади: «Нега кўрқасан, болам, Новчани қара, кўрқмади ҳам, тўғри тошдек отди ана сен ҳам жуда мўлжалга урдинг, бу қайтага яхши, қўйларнинг, паррандаларнинг кушандаси-ку ҳали кўрдингу йўлда, нималар қилишди улар ўлимтик устида. Буни ҳам ов дейдилар», деб уни юпатди. У дадасининг бағридан чиқиб, осмонга қаради. Энди осмон топ-тоза, калхатлар кўрқиб қочиб кетишган эди. Шу пайт Айқар буви дастурхонга чақирди. Оқ ўтов ёнидаги ўтлоқда уларга жигар каоб мунтазир эди.

Айқар буви катта қозон осиб, бешбармоққа олов ёқди. Эндиги навбат уники эди. Улар нонуштани тугатиб, тагин Асилбек бувани ўраб олишди. Пар ёстикларга ёнбошлаб олган Асилбек бува илжайиб унинг дадасига қаради. Дадаси: «Ўзинг ваъда қилгансан, ҳар куни нонуштадан кейин, намозгарда эртак айтиб бераман, деб. Ваъдангни бажарасан. Болалар ёлғонни ёмон кўришади», деди. Асилбек бува томоқ қириб олди-да, ҳикояни бошлади.

— Биз кўкем билан дўлана сотардик. Қоп-қоп дўлана олиб туршардик Турбат бозорига. Мен унда жуда ёш эдим. Тоймантойдекмидим ёки Қолибекдайми, ҳар нечук, ёш эдим. Бир куни кўкем билан йўрғага мингашиб келатуриб Оқмўлдага яқинлашганимизда, ёмғир қўйиб юборди. Қаттиқ момоқалди роқ қояларни қўпругудек гумбирлар, чақмоқлар бир-бирини қувалаб Оқмўлда томонга киришиб кетишарди. Олдимиздан бир тўда архар қувалашиб ўтди, орқаларидан тўда-тўда қуён, тагин аллақандай ҳайвонлар. Кўкем отнинг тизгинини тортдилар, бир ёмон ҳодисани сезиб, от ҳам орқага тисарилди. Бирдан алланима гумбирлаб кетди, кўз олдимизни қоронғилик босди, Қорабовга безак бўлиб турган Серкатош ағдарилган эди. У йўлимизни тўсиб тушди. Кўкем бу йўлларни яхши билардилар, яхши овчи эдилар. Бошқа йўл йўқ эди. Ё Турбатга қайтиш, ё бошқа бир йўл очиш керак эди. Кўп туриб ҳам бўлмасди бу ерда. Ёмғир жалага айланди. Ҳали замон тэпадан сел бўлиб келиб қолса, бу ундан ҳам хавфли эди. Отдан туш, дедилар. Отдан тушдим. Йўрғани орқага бурдилар-да, сағрисига қамчи урдилар. Йўрға келган йўлига қараб кетди. Биз кўкем билан бирга тоққа тармашдик, шу томондан Серкатошнинг орқасига ўтиб ололсак, марра бизники, Қўтирбулоққа чиқамиз, у ёқда овулга йўл кўп, дедилар. Тоққа тармашдик. Кейинча айтиб бердилар, буни бекорга қилмаганларини, сел, ёмғир баҳона мени мана шундай қийинчиликларда ҳам эсанкирамасликка ўргатмоқчи бўлган эканлар. Қийналиб йўл қидириб борардик. Саҳарга яқин жуда ҳолдан тойдим, қиялик, ўрлик ҳеч тугамасди. Чакалакзорлар устига чакалакзорлар. Назаримда кўкем ҳам адашиб кетдилар.

Жуда чарчадим, кўке, оёқларим қайишиб кетяпти,— дедим.  
Бир оз чида, болам, ёмғир ҳам тинай деяпти.

Аммо у адашганини тан олгиси келмасди, ёки мени қўрқмасин деб айтмасди. Хуллас, узоқ юрдик тагин. Тонготарга яқин бир текисликка чиқдик. «Туш энди», деди кўкем, ерга туширди мени. Ҳали «оёқларим қайишиб кетяпти» деганимдаёқ опичлаб олган эди. Елқасидан тушдим у юмшоққина ерга қўндим. Аллақандай хазонлар билан тўлган эди. Кўкем ҳам ёнимга ўтирди. Ёмғир тиниб, дарахтларда қолган томчиларигина чак-чак томчиларди. Кўкем бирдан бир нарсани пайқаганай қоронғида ерни тимискилаб қолди.

— Асил, болам, биз Кўк ёнғоққа чиқиб қолибмиз. Ухлама, болам, ухлай кўрма. Бу ерда маймунлар кўп. Талаб ташлашади. Манавини ол, чақиб е, тоғ ёнғоғи,— деди. Қўлимга бир ҳовуч тоғ ёнғоғи берди. Тоғ ёнғоғини жуда яхши кўрардим. Овга чиқса, албатта, тоғ ёнғоғи олиб келинг, деб ялинардим. Тўлкисини ҳам, дўланасини ҳам истамасдим тоғ ёнғоғи олдида. Тоғ ёнғоғи боғ ёнғоғидан майда — дўланадай-дўланадай, пўчоғи юпқа, мағзи жуда мазали бўларди. Унинг ҳидини билмабсан, дунёга келмабсан. Аммо уни териш жуда қийин, pista тергандан ҳам мушкул. Шунинг учун у қиммат, бозорда ҳам камданкам учрарди. Ундан кейин, тоғ ёнғоғининг хўжайини маймунлар эди. Уни териш учун маймунлардан «рухсат» олмоқ керак бўларди. «Рухсат» олмоқ эса, ҳаммасидан ҳам мушкул эди. Маймунлар уни биздан ҳам яхши кўрар, ёнғоқдан нари кетмас, pistaдай чаққани-чаққан эди. Мен кўкемнинг гапларини эшитдим ухламоқ у ёқда турсин, ёнғоғини ейишга ҳам қўрқдим. Икки кўзим билан икки қулоғим маймунлардайди. Лекин улар қайда?

Кўке, маймунлар қани,— деб сўрадим шивирлаб.

Қўрқма, болам, улар ҳозир уйқуда,— деди мени овутиб.

Тонг отди ҳамки, кўз юмадим. Тонг отиши билан бир ажойиб манзара пайдо бўлдики, тасвирлаб бўлмасди. Бир-бирига айқашиб кет-

ган, қучоқлашиб ётган ёнғоқлар, чакалаклар, ирғайлар гўё ҳавога ўрлаб борар, бир-бирини тишлаб, юмдаб, юмдалашиб ўсар эди. Улар ораларидан мўралаган осмон эса, кўкемнинг ола чопонларини эслатди. Ёнғоқзорнинг чети кўринмасди. Ер эса, уларнинг қалин барглари билан тўла, худди пахтали кўрпага ўхшарди. Барглар орасида ёнғоқ шу қадар кўп эдики, қани териб тамом қилсанг. Кўкем бир дунё топгандек севиндилар, мен бу ёнғоқлар ҳақида эшитардим, лекин ҳеч кўрмагандим, уни териб тушганлар бўлса айтишмасди қаердан келишни бу ерга. «Биз осон йўл топдик, болам, энди қандай терсак, нимага терсак? Қопимиз ҳам йўқ. Аммо буларни териш ҳақиқатан ҳам осонмас, жуда майда, бир челагини бир кунда ҳам териб бўлмас», дедилар хўрсиниб. Ҳақиқатан ҳам уни териш жуда мушкул эди.

Бирдан шамол тургандай бўлди, ёнғоқлар шақир-шуқур бўлиб, тўс-тўполони чиқиб кетди, ёнғоқлар ёмғирдай тўкилди. Биз кўкем билан тезда ўзимизни четга олдик. Қарасак, ҳамма маймунлар ёнғоқлар устида келганимиздан бери кузатиб ётишган экан. Улар, назаримда, ҳар бир шохда ўнтадан эди. Кўзлари катта-катта, башаралари одамга ўхшаган, аммо бир бурда-бир бурда, сержаҳл, дона-дона тишларини ғижирлатиб бизга ҳужум қилмоқчи бўлишарди. Маймунлар мушукдай, ҳатто мушукдан ҳам кичкина эди-ю, лекин дўқлари катта эди. Кўкем мени етаклаб нарироқдаги тепаликка олиб чиқдилар. Ўша ердан туриб уларни бир оз томоша қилдик. Улар энди биз босқинчи эмаслигимизга ишонишган, тинчиб қолишган, хотиржам бўлишган эди. Бирин-кетин ёнғоқ остига тушиб келишди. Оналаримикин, ҳар ҳолда, катталаридан бири, ҳаммаларига буйруқ қилди, нималардир деди. Кейин ҳаммалари қоқилган ёнғоқларни териб кетишди, бир жойга уя бошлашди. Кўкем буларни жуда диққат билан кузатар, жуда ҳам ҳайрон қолиб, мени ҳам унутган эди.

— Кўке, эй, кўке, — дедим этагидан тортиб.

— Тек тур, — деди жеркиб у. — Кўраяпсанми, улар қандай териш-япти ёнғоқлар. Бир оз кутайлик, қандай олиб кетишаркин.

Ҳазонлар орасида бизнинг олма, дўлана ташийдиган кажаваларимизга ўхшаш кажавалар думалаб ётарди. Уларни ёнғоқлар билан тўлдиришди. Энди кўтариш керак-ку. Кажавалар эса, уларнинг ўзларидан катта. Қандай кўтаришади. Биттаси инқиллаб кўтарган эди, кажава енгил кўчди. Лекин тўлдирилган ёнғоқлари шов этдию тўкилиб тушди. Маймун уни ерга қўйди, тагин тўлдирди, тагин кўтарди, тагин тўкилиб тушди ёнғоқлар. Бошқалари ҳам ўзлари тўлдирган кажаваларини ўзлари кўтардилар, уларники ҳам шундай шовуллаб тўкилиб қолаверди. Кўкем бу ишларга аввал ҳайрон бўлдилар, кейин хахолаб кула бошладилар. Шундай кулдиларки, ичаклари узилай деди хаёлимда. Кейин ётиб, қоринларини ушлаб кулдилар, маймунлар ҳамон кажаваларни ёнғоқларга тўлдиришар, тагин кўтаришар, тагин у ёнғоқлар шовуллаб тўкилиб қолаверар, маймунлар бундан чарчашмас, нималигига тушунмас ҳам эдилар. Фақат уларнинг катталари баъзи-баъзида жаҳл билан дарахтларга чиқиб кетар, у ердан туриб пақдагиларига алланималар деб чирилларди-да, жаҳлгига чидолмай у дарахтдан бу дарахтга сакрарди. Ахири бўлмади, биронта кажавани ҳам кўтариб кетишолмади, қолганлари ҳам дарахтларга чиқиб кетишди. Бир нафас шохма-шоҳ ўтиб, арғимчоқ ўйнашди, бир-бирларини ушлаб, худди циркдагидай занжир бўлишиб, дарахтдан-дарахтга ўтишиб ғойиб бўлишди. Кўкем ўтирган жойларидан дик этиб турдилар-да, югуриб бориб ҳалиги кажаваларни, ўша маймунлар олиб кетолмаган, ёнғоқлар остида думалаб ётган пақирга ўхшаш кажаваларни кўтариб кўрдилар. Мен ҳам югуриб бордим. У кажаваларнинг ҳаммаси тешик эди, таги тешик қилиб тўқилган эди атайлаб.

— Оббо қиззиталағларе,— деди кўкем қойил қолиб,— бу ўша менга бу томоннинг йўлини айтмаган чорбозорчиларнинг ишлари. Оббо, айёрларе, боплашипти-ку бу бечораларни. Ўзларига жуда зўр қароллар топиб олишипти-ку, беминнат қароллар!

Ҳақиқатан ҳам, бечора маймунлар беминнат қароллар эди. Ҳеч ким ҳеч қачон териб ололмайдиган дўлана ёнғоқларни маймунлар, мана, қандай қилиб териб беришар экан. Чорбозорчилар келар эканларда, осонгина қоплаб олиб кетар эканлар.

Мен кажаваларни, уларнинг қандай, нимадан тўқилганликларини томоша қилдим. Улар тоғ, самбит тоғ, ирғай ёғочларидан тўқилган, маймунлар уларни тишлаб, юлиб, моховга ошна қилиб ташлаган эдилар.

Кун ёйилиб қолди.

Кўкем бу жойни топганидан жуда хурсанд эди, кечасидаги чеккан азоблари ҳам чиқиб кетган эди. Ҳар тош-ҳар тошда бир белги қилиб кетардилар йўлда, гоҳ бирон дарахтни ўйиб, гоҳ бирон тошни жойидан силжитиб.

— Ҳали ёнғоққа биз ҳам келамиз, болам, келамиз,— дерди у аллақандай ички қувонч ва ишонч билан...

Асилбек бува ҳикоялари шу ерга етганида, Айқар бувининг овозлари келди:

— Меҳмонлар, меҳмонлар! Дастурхонга келинглар, бешбармоқ совиб қолди!

(Давоми келгуси сонда)



ЯНГИ  
ШЕЪРЛАР

Хусниддин Шарипов

# ХАЁТ *қароқатли*

## Дўстлик дарахти



ундоқ ўйлаб боқсам ҳисоб чоғида,  
минг шукур,

бағоят бахтли эканмиз:

Ҳатто Шушенскдаги дўстлик боғига

Биринчи кўчатни бизлар экканмиз.

Бўлди у кун менга яна имтиҳон,

Имтиҳон маҳали эмасдим якка,—

Хакас пионер қиз,

Тувалик ўғлон

Енимда турганди,

келиб кўмакка.

Сибирни биласиз,

Баҳори қисқа,

Қиш босар

«сут-қатиқ» бўлганида дон.

Лекин биз қарағай экканимизда,

Кўнгилга хавотир бўлмади меҳмон.

Аксинча,

Тупроқни юшатиб ҳалол,

Жонбахш сув қуяркан илдиз тагига,

Аниқ ишонардим

Биз эккан ниҳол

Соғ-омон

ҳаволаб кетажагига.

Чунки насиб бўлмиш ушбу тупроққа

Ильични

кўксида

кўтармоқ бахти.

Ильич изи тушган хушбўй тупроқда

Қуримас ҳеч қачон дўстлик дарахти.

## Ҳаётим мазноси

Жўш урган жаҳонни яхши кўраман,  
Қуш тўла осмонни яхши кўраман.  
Ҳаётни мен билан баҳам кўргувчи  
Жамики инсонни яхши кўраман.

Улардан муҳаббат қайтмаса агар,  
Не дердим,  
Дилимни ўртамас қадар:  
Ҳаётим маъно касб этмоғи учун  
Менга бир яхши ёр севгиси етар.

## Мангулик изласанг...

Мангулик йўлини қидириб бедор,  
Самовот кўксини пайпаслаш бекор.  
Тарихга кирмоқни истаган олма  
Ньютон бошига тушмоғи даркор.

## Эзгулик йўлида

Эзгулик йўлида касб этиб имон,  
Маймундан яралмиш қадимда Инсон.  
Эгрилик йўлида тўлғаниб ҳануз,  
Кўзойнак тақса-да,  
илондир илон.

Дейдилар:  
«Букрини тузатар лаҳад»,  
Ёмонлик давоси ўлимми фақат?  
Яхшилик излаган инсон у ҳолда  
Не учун душмандир ажалга абад?

Инсон гулга ошиқ.  
Ажал — супурги.  
Лекин супурги ҳам ҳаётнинг мулки.  
Шу ишонч бўлмаса,  
Одам кўнаймас,  
Эҳтимол, чумак ҳам урмасди чилги.

□

Ургилса бўлур, дўстлар, лаззатли бу дамлардан,  
Бошларга бу дам сочган кўп лутфу карамлардан.

Парвоздаги орзулар кўкларда ёқар офтоб,  
Бўлгай бу жаҳон гўзал, из қолса қадамлардан.

Бир ўтли табассумдан муз узра чаман унгай,  
Гулшанни тикан босгай андуҳ ва аламлардан.



Гар этса ҳавас кўнгул гул бирла қуёш рақсин,  
Оламни бино айланг «Гулёру Ажам»лардан.

Минг йилги ҳаваслардан чексак бу бино нақшин,  
Таҳсин ёғилур мангу бўлгуси ҳакамлардан.

Қалбимни тутиб дейман: оҳ, ўргилайин доим  
Сиз — яхши одамлардан, сиз — яхши одамлардан!

### *Эни азиз...*

Формула занжирин севса-да,  
Олим:  
«Эллар эсласин, деб, эҳтиром ила»,  
Янги кашф этилган юлдузни доим  
Атагай

бир зотнинг азиз номи-ла.  
Давр ўтиб,  
Фазода тарқалса ҳаёт,  
Самовий мунажжим олиб қаламин,  
Бизнинг куррамизга шундоқ қўяр от:  
«Ленин номидаги  
бахтиёр Замин».

### *Кампирравот сув омборида*

Агар дарё бўлсанг,  
Чекмагин фиғон  
Ногаҳон юксалса йўлингда тўғон.  
Ўз бўйи баравар кўтариб сени,  
Боғларга йўлласа,  
нимаси ёмон!?

У ўзи сув ичмас.  
Сен бўлиб тажанг,  
Унинг ёқасига солганингда чанг,  
Залворинг остида  
тўғоннинг бели  
Гоҳо қирс этганин наҳот сезмасанг?

Лекин у тарк этмас ўз ўрнин ҳориб,  
Ҳар дардни ўтказар оёқда туриб.  
Шу сабаб  
Бетонин қорганлар яшар  
Тўғоннинг пойига иморат қуриб.

## Беғуборлик ҳақида

Қўсингдан жой берсанг зарра риёга  
 Киришинг мушкулдир янги дунёга.  
 Шунинг-чун,  
                                     эҳтимол,  
 Заминни Офтоб  
 Айлантириб кўрар,  
                                     тутиб зиёга.

## Муддао

Боқиб борликда рақс этган жилога,  
 Ишим тушмас ҳадеб дарду жафога.  
 Қуёш кайфиятин ҳам бузмадим ҳеч  
 Сабоҳ чоғида дард айтиб сабога.  
 Ҳавони дардларим дуд мисли бузмас,  
 Табассум бирла етгум муддаога.  
 Қўшиқ куйлаб яшаш-чун чайла маъқул,  
 Қўшиқ тўғон бўлур келган балога.  
 Нечун эҳром? Улим бергайми лаззат  
 Қўмишган чоғда чирмаб мўмиёга?!  
 Биров биздан кулиб, биз ҳам бировдан,  
 Борурмиз ибтидодан интиҳога.  
 Фикрдан бош ёнар, яъни тирикман,  
 Бўлур восил тириклар кайф-сафога.  
 Бўлур пайванд менинг айтган сўзим ҳам  
 Бугун олам таратган ҳар садога.  
 Эмасдир Ҳусни бадсўзларга интиқ,  
 Сўрар: «Арзирмикин умрим дуога?»

## Устозлар

Менга донишманд деб қарайди ёшлар,  
 «Муҳаббат нима?» деб сўрайди ёшлар.  
 Севги — ёшлик илми.  
 Шу сабаб,  
                                     менга  
 Асли устозликка ярайди ёшлар.

## Қуш бўлсанг...

Гоҳ ёрим-ла қушга айланиб,  
 Парвоз айлаб мовий осмонга,  
 Севгимизни,  
 юлдуздай ёниб,  
 Кўз-кўз қилгим келар жаҳонга.

Лекин сўнар дарҳол бу ҳавас,  
 Чунки қушлар тумшуғин  
 Ҳаёт  
 Бўса учун яратган эмас,  
 Чўқишмоқ-чун этгандир бунёд.

## Яна бир сабоқ

Ёшликда ҳар бир кун сабоқ бўлади,  
 Лекин сабоқда ҳам саноқ бўлади.

Шогирл

«Шогирдман» деб

ўлтираверса,

Бу дунё ишлари чатоқ бўлади.

## Умр-сув, дейдилар...

Одамни қилса-да «юррак ўйноғи»,  
 Тотлидир бари бир севги қийноғи.

Умр — сув, дейдилар.

Менинг фикримча,

Умр — сут,

муҳаббат унинг қаймоғи!

## Севги сўқмоғи

Бир ҳокимнинг ёлғизи,  
 Барно қизи бор эди.  
 Қизнинг эса оқ юзи,  
 Қора кўзи бор эди.  
 Қиз довруғи баайни  
 Зиё бўлиб сочилар,—  
 Тез орада саройни  
 Босиб кетди совчилар.  
 Қуёвларнинг бағоят  
 Баланд бўлиб тамаси,  
 Басавлат ва бадавлат  
 Соҳиб эди ҳаммаси.  
 Маликамиз ҳозирча  
 Уйинқароқ, ёшмиди,  
 Гўрмиди ишқ бобида

Ва ё бағри тошмиди,  
 Ташламади бир нигоҳ  
 Харидорлар юзига.  
 Чекишса-да қанча оҳ,  
 Тенгситмади ўзига.  
 Қиз, тап тортмай бировдан,  
 Боғлагач ўз йўлини,  
 Бесабрроқ қуёвлар  
 Силкиб кетди қўлини.  
 Қолгани ҳам башарти  
 Остонасин яласа,  
 У бедард қиз ясарди  
 «Безори» деб хулоса.  
 Шунинг учун бу савдо  
 Жуда чўзилиб кетди.

Икки-уч совчи ҳатто  
 Дорга осилиб кетди.  
 Ҳоким боқса, ҳол чатоқ:  
 Ўзи тергаб ўз мулкин,  
 Иш тутмаса пухтароқ,  
 Уруш чиқиши мумкин!  
 Олис тоғнинг пинжида  
 Топтириб бир авлоқ жой,  
 У тўрт-беш ой ичида  
 Ясаттирди оқ сарой.  
 Сўнгра, олиб ўзини  
 Эл кўзидан нарига,  
 Шунда баҳор-ёзини  
 Ўтказди ёш малика.  
 Қиз юрагин ниҳоят  
 Ёлғизлик ҳам сиқди-ю,  
 Қилмоқ-чун истироҳат  
 Ўз кўшкидан чиқди у.  
 Кўрсаки, шу томонга  
 Бир отлиқ елаётир,  
 Бир оҳуни қуёндай  
 Қувалаб келаётир.  
 Кўшк ёнига етган кез  
 На тушди, на тўхтади.  
 Саломини бериб тез,

Утди-кетди ўқ каби.  
 Шу он оташ ила қор  
 Қоришгандай туюлди.  
 Малика беихтиёр  
 Ёришгандай туюлди.  
 Ҳукм этди у бирдан,  
 Қамчи қилиб қошини:  
 — Тутинглар ва танидан  
 Жудо айланг бошини!..  
 Шошиб дейди канизлар:  
 — «Не учун беомонлик?  
 Маликажон, у сизга  
 Қилмади-ку ёмонлик!»  
 «Ёки, бўлиб харидор,  
 Юбормади совчи ҳам»,  
 Деб мулозим, пурвиқор,  
 Бошин аста қилди ҳам.  
 Марҳаматга мунтазир,  
 Охир ҳамма чўқди тиз:  
 «Уйланаман деб, ахир,  
 Очгани ҳам йўқ оғиз!»  
 ...Кўзлари ҳамон йўлда,  
 Қиз куйиниб сўради:  
 — Уйланмайдиган бўлса,  
 Нега салом беради...

## Қанот ва сабот

Ошиқлар, етай деб висолга тезроқ,  
 Минар самолёт ё хаёлга тезроқ.  
 Қанотли  
     илдамроқ манзилга етса,  
 Саботли  
     етади иқболга тезроқ.

## Поччажон - почча

(Қизалоқлар куйлайди)

Обод маҳалламизда  
 Бир бўз йигит яшарди.  
 Бўлсаям сочи қисқа,  
 Мажнун деб ўйлашарди.  
 Тап тортмайин бизлар ҳам,  
 Куйдирардик баралла:  
 — Воҳ, поччажон, поччам  
 Шкалад олиб бералла...

Бир кун опам ёнида  
 Кўриб қолдик уни лол.  
 Ҳазил ўтиб жонидан,  
 Арз қилгандир, эҳтимол.  
 Куйлайвердик биз хуррам,  
 Эшитсин деб маҳалла:  
 — Оҳ, поччажон, поччам  
 Капалак тутиб бералла...

Эҳ, бечора канилак,  
Бахт сенга тушов бўлди,—  
Охир опам келинчак,  
У йигит куёв бўлди.  
Бошланди уйда байрам,  
Янграб «ёр-ёр» ва ялла.  
— Ҳой, поччажон, дейман,  
Тегманг, опам чин тилла!

Кетаверди опам шод,  
Юр, деса у «бераҳм».  
Ҳар кун тонгда этиб ёд,  
Дув тўкилар юрагим.  
Тўлғанаман худди сой.

Йўлга чиқиб шу палла:  
— Соғиндим-ку, поччавой,  
Опам қачон келалла?

...Опам келди гул бўлиб,  
Биз ҳам бориб турамиз.  
Муҳаббати мўл бўлиб,  
Гир айланар куррамиз.  
Бир вақт синглимга боқсам,  
Уйнар,

куйлаб баралла:  
— Воҳ, поччажон, поччам  
Шкалад олиб бералла...

## Табиат доно

Табиат ҳеч қилмайди хато,—  
Доим ундан бўламан мамнун  
Дарахтларга кўрк айлаб ато,  
Муҳаббат бахш этмагани-чун.

Чунки, дўстлар, севги бор жойда  
Бордир бешак висол деган гап,—  
Ёр изидан гилос-ё жийда  
Юрмас, ахир, илдизин судраб!

Айрилиқнинг азоби эса,  
Чинорнинг ҳам қаддин этар дол...  
Баски,  
қайда севги қулф урса,  
Битсин ҳижрон,  
Яшасин висол!

## Уйчи ўйига етгунча...

Баҳор  
ишқ чақмоғин чақиб кетади,  
Баъзилар  
дарҳол чўт қоқиб кетади.  
«У — ундоқ бу — бундоқ» дегунча улар,  
Ҳамма қиз  
турмушга чиқиб кетади.

## Жумбоқ

Музни оташ билан эритиш мумкин,  
Дардни меҳр билан аритиш мумкин.  
Дарду ҳароратдан озод юракни  
Қачон,  
қандоқ қилиб ёритиш мумкин?

Не-не алломалар не дерин билмай,  
Бу жумбоқ кўп замон ётди ечилмай.  
Илк севган дилбардан сўрсалар-ку, эҳ,  
Нақд жавоб айтарди жойидан жилмай.

## Муҳаббатни куйлаган сатр

Минг йилларки,  
Минг-минглаб сиймо  
Менингит ё тумовдан ўлган.  
Ўзин бемор атабдир, аммо,  
Фақат ишққа гирифтор бўлган.

Гарчи минг хил орзу ва фикр  
Қамчи босар бизнинг илҳомга,  
Муҳаббатни куйлаган сатр  
Арзир фақат  
шеър деган номга.





Маҳбуба Ҳамроева

## ЮРТИМ ТОНГИ

Дарахтлар оралаб югурди шамол,  
Қушчалар уйғонди силкиганча бош.  
Салқин тонг бағрида эрка ва хушхол,  
Шаффоф томчиларда кўз очди қуёш.

Далаларга чиқиб кетди севинчим,  
Қайтди қучоқлари фахрга тўлиб.  
Чаманлар бағрига отилиб кирдим.  
Шодликларим билан бир дунё бўлиб.

Гулларнинг бандидан қўл чўзиб тикан,  
Узун сочларимни чангаллаб қолди.  
Булбул эҳтиёткор шохга қўнаркан,  
Гулнинг хаёлини шарт босиб олди.

Югурдим қуёшни бошимга қўйиб,  
Анҳорлардан қўшиқ сипқориб ўтдим.  
Яшаш лаззатини кўксимда туйиб,  
Дўстларим лабига табассум тутдим.

□

— Онажон, не қилай, токи сиз ўзни  
Энг бахтли, энг шодмон атанг дунёда.  
Истангиз: дунёлар оша мен сизни  
Бошимга кўтариб ўтай пиёда.

Ва ё бирор тугун бордир юракда?  
Айтингиз, ечайин ҳеч бир эринмай.  
Армонлар қолмасин сизнинг тилакда,  
Неки хизмат бўлса, фарзандингиз шай.

Ҳар томон жонсарақ урмайин ўзни,  
Онажон, сўзимни тинглангиз бир дам...  
— Кейин гапирарсан қолган сўзингни,  
Аввал бирор нарса еб олгин, болам!



Чиқармасди сизни бир дам хаёлим  
 Вафо номли буюк, зебо қасрдан.  
 Не бўлди, ажабо тилдаги болим  
 Даҳшатли заҳарга айланди бирдан.

Не бўлди, меҳрингиз юракдан узиб,  
 Киприкларим ёшга бўлаётир дор.  
 Не гап? Қорачиқлар ойнасин бузиб,  
 Суратингиз оқиб тушар шашқатор.

Қани бошим узра гўзал дунёни  
 Қанотларида чарх урдирган қушлар?!  
 Лабда чарс-чарс ёнган кулгулар қани,  
 Мажнунтол чўнқайиб, нега ер тишлар?!

Нафрат ва муҳаббат алангасида  
 Қорайиб турибди юрак муаллақ.  
 Гўёки само ва ер ўртасида  
 Саждагоҳ аталган қоратош янглиғ.

## Манзара

Шарақлаб очилиб кетар деразам  
 Шамол шиддатидан, шамол зарбидан.  
 Унсиз ўчиб қолар, бир милт этиб шам,  
 Чўчийман даҳшатга тўла хонамдан.

Эшикни очаман, чўчиб, шошилиб,  
 Елвизак отилиб кирар жонсарак.  
 Қоғозларни қўлдан олар-да юлиб —  
 Сочиб ташлар. Қалқиб кетади юрак.

Ғазабга айланиб кетади қўрқув,  
 Кўзимдан сачрайди шиддаткор нафрат.  
 Бир нидо атрофга солади шов-шув:  
 «Учмасин шамолга ҳеч қачон меҳнат».



### ОҚ ЙЎЛИ

Бир йўл, икки хил одим, икки хил кузетиш, икки хил кўшиқ...

Йўл — шеърият йўли. Одимлар эса самарқандлик қизлар Маҳбуба Ҳамроева билан Меҳринисо Ойдиновага тегиш. Шеърият йўлидан Маҳбуба ўзича одимлайди. Меҳринисо ўзича. Маҳбуба ўзича кўради, ўзича куйлайди, Меҳринисо ўзича... Менга ана шуниси — йўл бошиданоқ бу икки қаламқаш қизнинг ўз сўзлаш, куйлаш оҳангига эгаллиги ёқади. Менга яна Маҳбубадаги майинлигу тўпқирлик, Меҳринисодаги ранг кўришга интилишу шаклий рангбаранглик ёқади. Маҳбуба ўз фикр-кечинмаларини соддагина айтиб қўя қолади. Лекин бу соддаликда бадий гўзаллик, ижодкорга хос тўпқирлик, мушоҳада бор. У ўз ибораси билан айтганда, «шунчаки ёзмоқни истамайди».

Маҳбубанинг, албатта, ўқувчига айтадиган гапи бўлади.



Бориб деразамни маҳкам ёпаман.  
Тун энди даҳшатмас, қўл-оёғи шол.  
Тез шамни ёқаман, очиқ эшикдан  
Тунни улоқтириб ташлайман дарҳол.

## Сиз

Сиз — қалблар мулкининг қудратли  
шоҳи,  
Сиз — орзу-хаёллар кўкидаги моҳ.  
Сиз босган изга тенг Макканинг хоки,  
Сиздан диёнатни сўрамоқ гуноҳ.

Сиз — ғазаб-ла ҳар гал юганимда кўз,  
Ярим гунда тушга айланган хаёл.  
Сиз — ногоҳ бўғзимда ёниб кетган сўз,  
Сиз — мўъжаз бағримга сизмаган иқбол.

Мен учун фозиллар султони ҳам Сиз,  
Сиз — султон аҳлининг якка хоқони.  
Хотирамнинг мангу меҳмони ҳам Сиз,  
Сиз — ишқнинг минг ўлиб чиқмаган  
жони!..

## Ялтага

Кўзларни ўйнатиб келдинг асрлар,  
Сўлимлигинг сабаб эзилдинг чандон.  
Гоҳ қудратли шохлар гулдай гижимлаб,  
Гоҳ тоза чеҳрангга сачратдилар қон.

Лекин бугун улар мунгли хотира,  
Чеҳрангдан олурлар гуллар ол рангин.  
Энди жанг-жадаллар кўрмайсан сира,  
Суйиб қучаяпсан қўшиқ жарангин.

ўз кашфлари бўлади. Меҳринисо услубида эса яна бўлак манзарани кузатиш мумкин: унда бадий соддаликдан кўра фикрни бирқадар қулоқ ўрганмаган оҳангларда бериш майли устун. Бу ҳам ўзича изланиш, ўзича кашф Зотан, шеър йўллари фақат изланишу кашфиёт йўллари-дан иборатдир.

Ҳар иккала қаламкаш қизимиз ҳам бу йўлга эндигина қадам қўймоқда, унда катта бир иштиёқ билан одимламоқда. Зеро йўлнинг барча рангба-ранг манзаралари ҳам, пасту баландликлари ҳам ҳали олдинда. Самарқанд Давлат университети филология факультетининг охириги курс студенти бўлган Маҳбуба учун ҳам, район газетасининг ходими, шу университет сиртқи бўлимининг талабаси Меҳринисо учун ҳам ижод йўли фақат қувончларини тортиқ қилишини истайман.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА,  
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати



Термиламан дилда муҳаббат туйиб,  
 Эртакдаги жаннат — сен мангу дилбар.  
 Эй, бошин толедек уфққа қўйиб,  
 Оёғин денгизга ботирган шаҳар!..

## Армон

Йилнинг тўрт фаслидек қисқа умрда  
 Негаки эриша олмади инсон,  
 Гарчи улар гоҳи сонсиз бўлса-да,  
 Инсон бир ном билан атади — «армон».

У — қалбда ногаҳон синдирилган шахт,  
 У — қулнинг қачондир унутган исми.  
 У — Бобир юртида ўтирмаган тахт,  
 У — султон танининг калласиз қисми.

У — Сино илмининг ажал варағи,  
 У — ожиз кўзларга тегмаган сурма.  
 Етти иқлим ғамин кўтармоқ оғир,  
 Йўқ, жоним, армонга айлана кўрма!

□

Бир киприк қоқишдан қўрқиб қолдим  
 мен,  
 Юракдан тоғдай ғам қўпормасайди.  
 Юзимга қайноқ ғам юкини бирдан —  
 Киприкларим ташлаб юбормасайди.

Бир киприк қоқишдан қўрқиб қолдим  
 мен,  
 О, наҳот, қаршимда сенсан, азизим?!  
 Умрим бўйи излаб, мана топдим мен,  
 Бир киприк қоқишда йўқотмасайдим...

□

Висолга етмаган ишқ абадийдир...  
 Едингда севгилинг ёш ва хушсурат.  
 Ҳамма айб ўзингда.  
 Қанчалик қидир —  
 Ундан топганларинг буткул фазилат.

Енингда рафиқанг яна ҳам кўркам,  
 Ҳайрат-ла боқасан кўзларинг тиниб.  
 Бахтингдан шарақлаб кулаётган дам  
 Сезмайсан қўйганинг аста хўрсиниб.  
 Висолга етмаган ишқ абадийдир...

Меҳринисо Ойдинова

## ОЛАМ ЯШИЛЛИККА ОЧАДИ ЭШИК...



Орзуларнинг масканига қадам қўяёгирман,  
 Ҳар галгидек интиқ-илҳақ чорлаётир бу маскан.  
 Қалбда энтиктиргич бир шиддат туяётирман,  
 У илҳомдир, зулмат ичра умиддан чироқ осган.

Довулларга, бўронларга, армонларга қасдма-қасд —  
 Яшаб, суронли дамлардан шавқ топянман тонгдай оқ.  
 Дард, шодликни суйган сари ташвишларим ортса-да,  
 Юракда ҳам ортаётир яшамоққа иштиёқ...



Юлдузларни само қучоқлаб олган,  
 Осмон — юлдузларнинг онаси.  
 Бағри кенг бешигим — серёғду ой ҳам  
 Тебраниб тинглайди само алласин.  
 Шу бешик бағрида беланган маним —  
 Камол топаётган бола ҳисларим.

Тун бўйи самонинг қора кўзига  
 Уйқу инмай, тинмай алла айтади.  
 Юлдузлар ухлагач, бешик юзига —  
 У оқ тонгдан ҳарир парда тортади.  
 Тонг — дарпарда, тонгнинг ортида  
 Ором олар митти юлдузлар.  
 Тунги туғёнларим қатида  
 Ой бағрида ухлар шўх ҳислар.  
 Ҳисларимни олам оғушлар —  
 Гўдакдек пок улар, оққушлар...  
 Оламга оқ ҳислар улашар!..



Хаёлга ўралиб боради борлиқ,  
 Маъюс хотиралар тилга киради.  
 Юрак туйғуларга қилади торлик,  
 Йўллар ҳам сукутда... Хаёл суради.  
 Бу дам бор ихтиёр жимлик измида,  
 Ҳатто тун жиловин тутқизган унга.  
 Дил куйлар, бир мунг бор унинг  
 Назмида,  
 Бор дардлар сел бўлиб қуюлар шунга...

Ярим тун. Нимтатир бир ҳилқат аро  
 Ошиқ булбул ёниб нола қилади.  
 ... Тонг. Еллар мўралаб туйғулар аро  
 Армонни орзуга айлантиради..

□

Қизлар давра-давра бўлиб сирлашади  
 Севгисидан, иқболидан.  
 Усма сабаб, қалам қошлар бирлашади  
 Назокату ибо билан.

Лобар қизлар даврасида яйраб-яшнаб,  
 Орзуларга кўмиламан.  
 Дугонамга ҳазил билан илмоқ ташлаб,  
 «Сир»ларини фош қиламан.

Ёноқлари ловуллайти дугонамнинг,  
 Кўзларида — ишқ жилваси.  
 Юрагига кириб борар муҳаббатнинг  
 Бахт аталмиш бир жилғаси...

Қизлар давра-давра бўлиб сирлашади...

### Қиз ўйлари...

Олис-олислардан кузатсанг мени,  
 Кўзингга шамс-қамар бўлиб кўринсам.  
 Оташ туйғуларда ёндириб сени,  
 Узим ҳам энтикиб, ёниб суюнсам...

Пушти ранг шафтоли гулига боқиб,  
 Ипакдан ҳам майин ўйлар сураман.  
 Қаршингда хаёлан инжулар тақиб,  
 Урик гулларидай... Титраб тураман...

Хаёлларим оппоқ, оҳ, бирам нафис,  
 Бахтлиман, ўйларим шунчалар ширин.  
 Йўқса, шу пок ҳислар бўлмасди насиб,  
 Бўлсайдим бечора, иқболи нигун...

Бахтим, бу — севгимнинг толеи порлоқ,  
 Бағримда ишқимдан чечаклар кулар,  
 Шўртаъм ўйлар менга ҳамроҳмас мутлоқ,  
 Орзумдан кўз ёшмас, гул ҳиди келар.

Сенга тақдирдошмас ишқи хор Мажнун,  
 Сен бахтли Фарҳодсан, бахтиёр Тоҳир...  
 Ҳур замон Ширини, қувноқ Зуҳра — Мен, —  
 Ишқимиз қутлаган тонгга ташаккур!

Япроқдаги тиниқ томчига боқиб,  
 Чашмадек бокира ўйлар сураман...

## Сиз ~ кўклам ёмғири...

«Сиз топмишим, йўқотмишиммас...»  
Ҳ. Худойбердиева

Сиз ёмғирсиз!

Ҳар баҳорда қайтиб келиб, оҳиста —

Юрагимга тугён солиб, жим... шивалаб ёғасиз.

Дилнинг бўм-бўш қирларига гул сочиб даста-даста,

Қалбга яшил қўшиқ экиб, шўх, жилвалаб ёғасиз...

Мен баҳорман!

Ҳар қиш ўтгач, ёмғирини чорлаган,

Чин баҳорда юзларини ёмғирларга тутган мен.

Мен қуёшман!

Ёмғирдан сўнг нурга тўлиб, порлаган,

Ёғду бўлиб, соғинч билан кўкатларни ўпган — мен!..

Мен азалдан ёмғирларга қўйган эдим эътиқод,

Не бахт, кўклам, булутли кун сизни топдим, ёмғирим...

Сўнг қуёш, мен чарақладик севгимизни айлаб ёд,

Камалакдан жило олиб, қирга чопдим, ёмғирим.

Кўрдим-ки, мен, қирлар кўм-кўк майсаларда нур — сирға,

(Бу қуёшга ёмғирининг тортиқ этган тухфаси).

Юрагимга бўйладим мен, гул унибди дил — қирда,

Яшил қўшиқ бўлиб кезмиш вужудимда ишқ фасли.

Шу кўкламда юрагимда яшил куйлар кўклади,

Ёна-ёна шеъриятга ихлос қўйдим беадоғ.

Шу кўкламда баҳор бўлдим, дилда севги нишлади,

Севинчимдан алвонланди қирда лолақизғалдоқ.

Сиз кетдингиз, ёмғирдайин... Дилда энгил дард қолди,

Лек ишқингиз қўшиқ бўлиб, сингиб кетди юракка.

Ширин ҳижрон вужудимга титроқ тўла байт солди...

Кўшиқ битсам, шу байт майин дард тўкар хуш тилакка.

Куйлаш учун дард бўлмаса, сўзсиз эсдан оғарман,

Яхшиямки, сиз баҳона, ёниб-ёниб ёзаман.

Яна фахрим — «Садоқат» деб номланган чўнг тоғдаман,

Юксакдаман, ночорликдан тониб-тониб ёзаман!..

Сиз — ёмғирим, юрагимда қолган ширин армонсиз,

Мен ёнаман, мен ёзаман — чанқоқ дилга дармонсиз!..

□

Баҳорнинг кўксидан отилар қўшиқ,  
Кўшиқнинг жаранги кирар қалбларга.  
Олам яшилликка очади эшик,  
Қуёшнинг кулгуси кўчар лабларга.

Қанотин силкитиб оққуш — оппоқ тонг  
Борлиқни қучоқлаб олади сарҳуш.  
Қизлар кўраётган ширин-шакар туш —  
Таъмин татиб қувнар гўдакдек.

Баҳорнинг бағридан отилган қўшиқ  
Сеҳрли барқутга ўрар борлиқни.  
Онадан ўрганиб тун бедорликни  
Чаманлар бағрига битади қўшиқ.

Баҳорнинг кўксидан отилар қўшиқ...



Сени ўйлай бошладим яна,  
 Юрагимда орзулар кулди.  
 Ишқни куйлай бошладим яна,  
 Туйғуларим шодон югурди.

Лабларимдан сочилди кулгу,  
 Ширин дардлар титраб кетдилар.  
 Кулгуларнинг хуш, анбар бўйи  
 Гуллар юзин сийпаб ўтдилар...

Бир тотли ҳис титрар танамда —  
 У севинчдир билсам-билмасам.  
 Сен ёдимга тушганинг дамда  
 Гулдек яшнаб кетдим ўзим ҳам...



Сен менга узатдинг қўлингни,  
 Ҳавода муаллақ қолди у...  
 Рад этдим майлини дилингнинг,  
 Бечора, торт қўлинг, толди-ку...  
 Мағрур дўст, сен менга узатма,  
 Рад бўлган севгининг аламин.  
 Ортимдан эргашиб кузатма —  
 Дўстингнинг босгувчи қадамин.  
 Мен мажбур тутсам гар қўлларинг,  
 Дил бошга ғавғолар солади!  
 Чангалзор бўлади йўлларинг,  
 Кўзларинг бахт кутиб толади...  
 Менга ҳам орзудир эзгу ишқ,  
 Қалбим ўз бахтини ахтарар.  
 Шу бахтга борлигим қоришиқ,  
 Юрагим сенга ҳам бахт тилар...



Тўхташ Ашуров



# Онашзор

ҚИССА

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда  
Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.  
Шундайлар бўлмаса агар дунёда  
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

Абдулла ОРИПОВ.

1

Министрлик ёнида ҳар куни бир кампир ҳассасига таяниб гуларди. Унинг юз-кўзларига синчковлик билан назар ташлаган киши ёшлиқда аёлнинг ўта сулув бўлганлигини пайқашни қийин эмас. У кимнидир тоқатсизланиб кутар, атрофга олазarak боқарди.

Шу пайт ҳашаматли бино ёнига сутранг машина келиб тўхтади. Ундан бўй-баста келишган йигит тушди. Аёл энтикди, унинг хира тортиган кўзлари бир чақнади-да, сўнг ёшга тўлди. Бутун дунёни сув қоплагандек бўлди. назарида. Олдинга, йигит сари бормоқ истади. Бунга дармони етмадими ёки журъат етмадими, ишқилиб турган жойида туриб қолди. Қимирлаш учун нимадир халақит берар, гўё биров уни оғир юк билан ерга қоқиб ташлаганга ўхшарди.

Йигит ажабланиб аёл томон бурилди:

— Ассалому алайкум, онажон.

— А, онажон! Мени танийсанми?!

Аёлнинг овози чиқмади, лаблари қимирларди, холос.

— Кечирасиз, онажон, кимни кутяпсиз? Қимда ишингиз бор эди?

Аёл кўзларини чирт юмди: «Онажон деган тилларингдан ўргилай». Бу сўзларни ҳам пичирлаб айтди. Йигит товушидан унинг бада-нига титроқ кириб, қалби ларзага келган эди. Кўзларини йигитга тики-ди. «Уша, отасининг... урушга кетаётган отасининг худди ўзи. Қош-кўз, овози ҳам отасининг ўзи».

— Кимда ишингиз бор эди, онажон?

Аёл ёш тўла кўзларини унга тикди. Кейин илдиздан ажралган да-рахтдай қулай бошлади. Йигит уни аранг суяб қолди. Аёл кўзларини зўрға очди. Кўкариб кетган лаблари алланималар деб пичирларди. Лекин ҳеч нарсани уқиб бўлмасди. Ниҳоят аёл бутун кучини тўплади:

— Ҳа, онангман, болам... Сен менинг боламсан. Кечир, сенинг ис-минг...

Аёлнинг кўзлари олайиб кетди. Бир силкинди. Йигит таажжубда қотиб қолди. Шофёр югуриб келди. Ичкаридан икки-уч киши чопиб чиқди.

— Нима гап, ўртоқ...

— Врачни чақиринг!

— Узилиб қолибди, шекилли?!

— Ўртоқ министр, бу аёл ҳар куни мана шу жойда турарди. Ким-да ишингиз бор десак, ҳеч сўз айтмайди, топиб олган гапи: «ўзим».

— Топволди Ашуралиевич, — деди шофёр, — баъзида кечқурунлари кетаётганимизда ҳам турарди. Икки-уч ойдан бери шу аҳвол.

Врач келди. Аёлнинг кўзлари қотиб қолган чақмоққа ўхшарди. Министр ҳамон таажжубда. Нега икки-уч ойдан бери шу ерда турар-кин?! Мен унчалик эътибор бермас эканман-да. Нега у мени, болам-сан, деди, исминг... деб, у ёғини айтолмади. Кечирим сўради. Наҳотки мен етим бўлсам. Ахир, ота-онам бор-ку. Исмин аниқ. Ундай десам кўзлари...

Аёлнинг сўнги сўзлари министрнинг қулоғидан ўчмасди. «Ҳа, онангман, сен менинг боламсан, кечир... Сенинг исминг...» Унинг кўн-гил осмонини хира булутлар қоплади. Онасидан сўрайди. Бу чигаллар-ни онаси ечади. Қизиқ, ўз онангдан ўзинг, мен сизнинг болангизманми, деб сўраш...

## II

Изғирин қиш. Шамол билан ёғаётган қор кўз очиргани қўймайди. Шамол ваҳимали гувиллайди. Устига бризент ёпилган отлиқ арава тош йўлдан тебраниб келяпти. Шамолга қарши юриш қийин. От усти-даги киши қулоқчин боғичини томоғининг тагидан ўтказиб олган. Эгни-да эски пўстин. Соқол-мўйлаблари қордай олпоқ. Отнинг оғиз-бурни-дан ҳовур чиқади. Ашурали ака гоҳ-гоҳида отнинг биқинига қамчи туширади. Жонивор сирғаниб, оёқларини кериб, аравани зўрға торта-ди. У темир йўлдан дори юклаб келяпти. Асли, иккинчисига бормаса бўларкан. Отни ҳам, ўзини ҳам қийнади. Ҳавонинг авзойи бузуқ эди. Эрталабдан юз-кўзини ачитиб турганди. Раис дорини тезроқ ташиб олмасак, жарима солади, деб тургач... Бу гапдан сўнг Ашурали ака ҳам бор-э, деб жўнаворди. У қоронғи тушмай, қишлоққа етиб олмоқ-чи эди, отни ҳарчанд қистайди, қани, йўл тугаса. От ҳам ўлгудай ҳо-риган. Нима қилсин, ҳозир шароит шунақа. У минг шошилгани билан, бари бир, қишлоққа қоронғи тушганда етиб келди. Аравани саройга олиб кирди. Отни отхонага боғлади, олдига ўт солди. Қоровул билан хайрлашиб кўчага чиқди. Бир қадам наридаги нарсани кўриб бўлмай-ди. Яқингинадан қулоғига ғалати овоз эшитилди. Ашурали ака тўх-таб, қулоқчин боғичларини ечиб қулоқ солди.

— Шамолми. Мушук шекилли. Овозинг ўчгур-эй, худди одамга ўх-шаб чинқиради-я!

Бир оз юргандан кейин яна ўша овоз такрорланди. Гўё бола то-лиқиб, биғ-биғ йиғлаётганга ўхшарди. Унинг юраги орқасига тортиб



кетди. Овоз яна такрорланди. Ашурали ака ўзини қўлга олди. Бир кўнгли, қоровулни чақирсаммикин, деб ўйлади-ю, ғурури йўл қўймади. У овоз келган томонга юрди. Бурчакка яқинлашди, энгашди. Қора нарса, қўрқа-писа қўлини узатди. Қайси кўз билан кўрсинки, йўргакланган бола. Юраги алланечук бўлиб кетди. У ёқ-бу ёққа қаради. Ҳеч ким кўринмайди. Йиғини эшитганда раҳми келганидан қалбини биров ханжар билан тилаётганга ўхшаб кетди. Ашурали ака идорадан бешолти эшик нарида турарди.

— Энди нима қилдим?— унинг тилига бошқа гап келмасди,— нима қилдим-а?

У болани кўтариб уйи томон юрди. Бола толиқиб-толиқиб йиғлайди. Шошиб бораётган Ашурали ака орқасига қараб-қараб қўярди. Уни кимдир таъқиб қилиб келаётганга ўхшайверди. У болани уйга олиб кирди. Йиғи овозини эшитган Холисхон ая айвонга югуриб чиқди. Эрининг қўлидаги йўргакланган болани кўриб таажжубланди.

— Ўзингизмисиз? Қўлингиздаги нима?

— Бола.

— Бола?!

— Ҳа.

— Кимнинг боласи, сиз нега кўтариб юрибсиз, уни?

— Топиб олдим.

— Қаердан, нималар деяпсиз ўзи? Болани ҳам топиб оладими?!

— Идоранинг олдидан,— овозини баландлатди эр.— Кўп гапирмай, бир нима қилиб тинчит бун!

Холисхон ая болани қўлига олиб, шошиб уйга кирди. Ашурали ака дарвоза томонга қараб қўйди. Қизиқ, унинг орқасидан жимдир келаётганга ўхшайверди. Ҳеч бунақа бўлмасди. Қўрқув дегани етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Кўнглига гулгула тушяпти, нимадандир хавотирда. Нега бунақа бўляпти ўзи?! Ашурали ака қайтиб кўчага чиқди. Қандайдир шарпа йўлни кесиб ўтгандай бўлди. Юраги ғаш. Ҳовлига кириб, дарвозани тамбалади.

— Бу пайтда хотини болани юпатомай у ёқдан-бу ёққа юрарди.

— Хув-хув...

У эрига юзланди.

— Қайси бағритош, бола кўр қилгур ташлаб кетдийкин?! Қўшнимиз эмизармикин, эртага бир гап бўларди?

— Чиқиб кел-чи, ё чақира қол, шу ерда эмизар.

— Рост айтасиз.

Холисхон ая бир оздан кейин қайтиб кирди. Эри ундан кўчада ҳеч ким кўринмадими, деб сўрамоқчи бўлди-ю, сўрамади.

— Тожихон эмизгани унамади. Сутидан соғиб берди. Шунисига ҳам шуқр. Келинг, сиз ушлаб туринг, мен эплаб ичирарман.

Ашурали ака биғиллаб йиғлаётган болани қўлига олди. Холисхон ая бир амаллаб сутни ичирди. Бола тамшаниб-тамшаниб ичар, яна-яна дегандек типирчилар, лабларини яларди. Нафси ором олди шекилли, йиғидан тўхтади. Ая йўргакламоқчи бўлиб ечинтирганга кўрди, ўғил бола экан. Холисхон ая ғалати ҳаяжонда эди.

— Дадаси, бу боланинг миллати ким экан, ишқилиб мусулмонмикин?

Ашурали аканинг жаҳли чиқди.

— Эсинг борми, гўдакда миллат-иллат нима қилади?! Ҳозир ҳамманинг мақсади битта — ғалабага, тезроқ яхши кунларга етиш. Миллат дейсан, ҳаммаям худонинг бандаси-да!

— Тўғри айтасиз, дадаси, эсим кўрсин...

— Балки эртага онаси топилиб қолар,— деди Ашурали ака.— Бугун олиб келганларнинг бирортасиникидир-да.

Дарҳақиқат шу куни икки машинада эвакуация қилинганлар олиб келинган эди. Уларни колхозчилар идорада кутиб олиб, ҳар ким баҳоли қудрат уйларига олиб кетди. Баъзилари мактаб ҳовлисига жойлашди. Уларнинг қўрқув аломати сингиб кетган юз-кўзларига қараб одамлар ҳўнг-ҳўнг йиғлашди. Баъзилар қоқ суяк болаларни қучоқлаб олган. Ашурали ака ўшаларни назарда тутаётганди. Лекин бу адашиб қоладиган бола эмасди.

Эрталаб Ашурали ака ҳовлида қор кураётганди, бир жувон хайр сўраб кирди. У хушрўйгина эди. Бу янги келганлардан. Холиسخон ая бир дона зоғора нон берди. Уни сандалга чойга таклиф қилди. Жувон бесаранжом кўринарди. У сандал четида ётган боладан кўзини узолмас, ўз тилида нималардир дерди. Аёл боласи ўлганлигини, истаса, уни эмизиб бериши мумкинлигини турли хатти-ҳаракатлар, имо-ишоралар билан тушунтирди. Ая рози бўлди. Аёл оппоқ бўлиқ кўкрагини боланинг оғзига тутди. Бола кўзларини катта-катта очиб, «бегона она»нинг кўкрагини ютоқиб, оёқларини ўйнатиб, тўйиб-тўйиб эмарди. Митти қўллари билан баъзан жувоннинг юзини тимдалаб жилмаярди. Холиسخон ая унга ҳавас билан қараб турди. Қани энди, у ҳам болани эмиза олса. Жувон нимадир демоқчи бўлди-ю, оғзини беркитди. Сўнг болага термилиб-термилиб, жойига ётқизди. Бола уни ушлаб қолмоқчи бўлгандек рўмолининг учи, сочидан тортқиларди. Жувон боланинг қўлларини аранг бўшатди, ранги ўзгариб кетди, зўраки жилмайди. Холиسخон ая эмизиб бергани учун бу жувонга катта раҳмат айтди. Токчадаги қизил дастурхонга ўроғлиқ иккита зоғора ноннинг яна бирини олиб аёлга берди. Аёл дарвоза ёнига келиб, орқасига бир қаради-ю, кўздан ғойиб бўлди. Кейин у қишлоқда бошқа кўринмади.

Холиسخон ая билан Ашурали ака қишлоқда ўзларига яраша обрўли кишилардан, иккови ҳам оддий колхозчи. Бу оиланинг иноқлиги, саришталигига ҳамманинг ҳаваси келади. Тўй бўлсин, аза бўлсин икковлари бел боғлаб хизмат қилишади. Улар бор-йўғи якка фарзанд — Кимсанбой деган ўғил кўришди. Шундан кейин Холиسخон ая оғир дардга чалинди-ю, фарзанд кўрмайдиган бўлиб қолди. Яхшиямки, ўзи тузалиб кетди. Баъзан Холиسخон ая бундан ўксинганда Ашурали ака унинг кўнглини кўтарарди.

— Шунисига ҳам шукр қил. Бу ҳам бўлмаса нима қилардинг. Бир кам дунё. Ҳамма нарса бут хонадон хосиятсиз бўлади. Мана, ўзинг соғ-саломат қолдинг, шунинг ўзи катта давлат...

Эрининг бу гапларидан Холиسخон аянинг қалби таскин топгандек бўлди. «Ажойиб эрим бор, тушунади. Агар, сен туғмаяпсан, деб юзимга солиб, таъна тошини отиб турганда нима қилардим. Ахир бунақалар озми. Шукр».

Уларнинг ўғиллари Кимсанбой битта бўлсаям мингтага татийдиган йигит эди. Қош-кўзлари қоп-қора, салобатли, чиройи жойида. Ҳулқи-одобини айтмайсизми, катта-кичикнинг ҳаваси келади. Уни кўрганда қишлоқ қизлари жилмайиб салом беришади, орқасидан пичир-пичир қилиб қолишади.

Уруш бошланганлиги тўғрисида қишлоққа совуқ хабар келганда Кимсанбой роса ўн саккизга тўлган, овози дўриллайдиган, норғул йигит эди. Унинг урушга кетишини эшитган ота-онанинг қалбини ғашлик эгаллади. Ёлғиз фарзанд ўрни шунақада билинаркан. У кетса уй ҳувиллаб қолади-ку. Лекин эр ҳам, хотин ҳам ичидан нима кечаётганлигини бир-бирига айтишмас, ўз ёнига ўзлари қовриларди. Начора, кўпчиликка келган тўй экан. Тенг-тўшлари қатори Кимсанбой ҳам фронтга — Ватан ҳимоясига жўнади. Ота-она уни худди юраги узилгандек қузатиб қолишди. Холиسخон ая кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Ашурали ака эса анча вақтгача зарур нарсасини йўқотган, уни қиди-

риб тополмаётган кишидек гаранг бўлиб юрди. Баъзан чуқур уҳ тортиб қўярди.

Қишлоқлар, хонадонлар ҳувиллаган. Аёллар, кексалар, болалар долишган. Кўнгли ярим одамлар аламини меҳнатдан олишади. Тонгдан қош қорайгунча далада ишлашади. Ҳали у, ҳали бу йигитнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳақида қишлоққа «қорахат» келади. Хонадонлардан тез-тез йиғи овози эшитилиб қолади. Холисхон ая ва Ашурали ака ҳам баъзан ёмон ўйларга бориб, сесканиб кетишади. Осмонда юлдуз учганда Холисхон аянинг кўнглига нималар келмайди. Улар фарзандларига кечаю кундуз омад тилашади. «Ишқилиб, ёлғимизни бало-қазодан ўзи асрасин».

### III

Қоп-қора булутлар кезиб юрибди. Еғса ёғмайди, ё очилиб кетмайди. Осмон тунд. Холисхон аянинг кўнгли негадир ғаш, қўли ишга бормайди. Негалигини ўзи ҳам билмайди. Эшикка чиқади, уйга киради. Ашурали ака оти тақалатишга сира вақт тополмайди. Бугун ҳафсага қилиб идора олдидаги устахонага келди. Урта бўйли, ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам ҳали бақувват уста ўғли билан янги кетмон ясаётган экан. Уста пешонасини дурра билан танғиб олган. Дурранинг рангини аниқлаш қийин. Унинг юзларигача соқол босиб кетган. Ҳеч ким унинг исмини айтмайди. Қишлоқда ҳамма уста ака деб чақиради. Кўнгли очиқ, аскиячи одам. Бутун қишлоқ аҳлига кетмон, болта, тешани шу киши ясаб, чархлаб беради.

Ашурали ака отини сал наридаги темир қозиққа боғлаб, устанинг ёнига келди.

— Ассалому алайкум, ҳорманг, уста.

— Бор бўлинг, келинг Ашурали, келинг. Омонликми, уйлар тинчми, ўғилдан хат келяптими?

— Худога шукр, келиб турибди.

Улар қўл олиб кўришишди. Ашурали ака тол ғўласидан қилинган стулга ўтириб, юзига фотиҳа тортди.

— Омин, тинчлик бўлсин.

— Хуш келибсиз,— деди уста яна ишга уринар экан.

— Отнинг тақасини бир янгилаб берсангиз девдим, жа қийналиб кетди, жонивор.

— Анча бўлди-да ўзиям.

— Ҳа. Кўрмайсизми, қўл тегмайди-да. Ҳали у ёққа бор дейди, ҳали бу ёққа, тиним йўқ.

— Ҳозир шунақа, бош қашишга қўл тегмайдиган маҳал. Одамлар тугул ҳайвонларга ҳам жабр қилди, бу касофат уруш.

— Рост айтасиз. Колхознинг қанақа отлари бор эди-я. Ушаларни урушга олиб кетмаганда, бу қирчангиларга қолиб ўтирармик?!

— Ҳа, бу кунлар ўтиб кетар. Омон-омон кунлар ҳам келар. Юртимиз яна одамга тўлиб қолса ажабмас, уста.

— Албатта, албатта, Ашурали. Оз қолди, иншоолло. Аммо кўп йигитларимиздан ажраладиган бўлдик. На чора, уруш қурбонсиз бўлмайди.

Уста бир пиёла чой қуйиб узатди.

— Ашурали, чой ичинг, сал тови чиқиброқ қолган. Мен шу кетмонни пешлаб қўяй, а? Кейин бир зумда отингизнинг тақасини янгилаб ташлаймиз.

— Бемалол, уста.

Ашурали ака чойдан бир-икки ҳўплади.

Шу пайт елкасига сумка осган, бир қўли йўқ почтальон идорадан чиқиб, улар томон кела бошлади. Ашурали ака севиниб кетди.

— Менга ҳам бор шекилли, хайрият-э!

— Ассалому алайкум, ҳорманглар,— деди бўшашиброқ почтальон.

— Кел, кел, Холмат,— деди уста. У ўтирди.

— Яхшимисиз Ашурали ака, холам тинчми?

— Раҳмат. Нима гаплар бор оламда?— сўради уста.

— Хурсанд бўладиган гаплар йўқ, ҳозирча,— деди Холмат. У яна нимадир демоқчи бўлар, айтолмасди. Ҳаракатлари ғайри-табиий. Ашурали акага зимдан қараб, яна кўзини олиб қочарди. Ота қалби ниманидир сезди, бир тўлғониб тушди. Почтальоннинг оғзини пойлай бошлади у. Ҳар минут соатга ўхшаб ўтарди. Ниҳоят почтальон гапириш учун чоғланди.

— Ашурали ака,— деди-ю, у ёғини айтолмади. Отанинг ранги бўзарди. Безгак хуруж қилгандек оёғидан бошигача қалтироқ кирди. Нафаси қисилди. Аранг ўзини тутди.

— Айтавер! Тинчликми, ё...

Почтальон сумкасидан хат олиб узатди. Унинг қўллари қалтирарди.

— Мана, икки кун бўлди, бермасдан иложим қолмади. Узингиздан ўтар гап йўқ. Уруш. Қимсанбой...

Ашурали ака почтальон узатган хатни чўғни олгандек олди. Унинг кўзлари хатда эмас, почтальоннинг кўзларига қадалганча қоғиб қолган эди. Почтальон тоб беролмади. Ешланган кўзларини артиб, жўнаб қолди. Ота ҳушини йўқотганга ўхшарди. Уста ҳам оғзини очганча ҳанманг бўлиб қолди. Ашурали ака бирдан ўзига келди, пешонасига қаттиқ бир муштлади-ю, бошини қўллари орасига олиб, «иҳ, энди нима қилдим!» деганча бешикдек тебрана бошлади. Унинг кўзларидан ёш чиқмади. Қалбидан хўрсиниш, оҳ, фақат оҳ отилиб чиқарди. Бундай ҳолга тушган одамни юпатиш, унинг кўнглини озгина бўлса ҳам кўтарадиган сўз топиш жуда оғир. Унинг ёнидаги киши нима дейшини билмай, ноқулай аҳволда қолади. Уста шунақа аҳволда эди. Гўё у соқовдек ҳис қиларди ўзини. Ҳозир у ҳам Ашурали акадан кам дард чекмаётганди. Чунки уста Ашурали аканинг боғ-роғи, суянган тоғи шу ягона ўғли эканлигини яхши биларди.

Уста ўзини сал тутиб олди. Пичирлаб бир нималарни ўқиди, бесўнақай қўллари билан юзига фотиҳа тортди. Сўнг ҳамон тебранаётган Ашурали аканинг ёнига ўтирди. Йўғон қўлларини унинг елкасига қўйди.

— Ашурали, қўй, умри қисқа экан боёқишнинг. Пешонасига битилгани шу экан. Сен билан бизнинг қўлимиздан келадиган ишмас бу. Бошингни минг бир тошга уриб дод-фарёд қилганинг билан ўрнига келмайди, уруш шунақа. Бировнинг ёлғизи деб танлаб ўтирмайди, қўй, бўлди. Энди буёғини ўйла. Хотинингга қандай, нима деб айтасан. Шунини ўйла. Сен эркак кишисан. Бошингни кўтар. У эшйтса, юраги тарс ёрилиб кетади-я. Худо кўрсатмасин. Бошингни кўтар...

Ота аста бошини кўтарди. Унинг ранги бир йилдан бери кўрпак қилиб ётган касалнинг рангига ўхшарди. Уста ўғлига имлади. У қора қумғонни узатди. Уста катта пиёлага тўлатиб совуқ чой қўйди.

— Ма, ичвор-чи, ич...

Ашурали ака гаранг эди. У чойни ичиб юборди. Ерда ётган хатни бир амаллаб қўйнига тикди. Ота хат эмас, қўйнига совуқ илонни солгандек бўлди, сесканиб кетди. Икки қўлини тиззасига қўйиб, ўрнидан аранг турди, довдираб уйи томон жўнади. Уста бир нарса демоқчи бўлиб қўлини чўзди. Оғзи очилганча индамай қолди. Ашурали ака қўлларини орқасига қилиб букри одамдек энгашиб борарди. Шу бир пар-

ча, хат зумда унинг қаддини букиб қўйди. Ашурали ака йўлда гандираклаб бораркан, боши худди қовоқ ари уясидек гўнғиллар, фикрларини бир жойга тўплашга уринарди-ю, лекин улар тутқич бермасди:

— Нима қилай, Холисга бу шум хабарни қайси тилим билан айттай? Бу гапни айтгунча тилларим узилиб тушса бўлмайдами! Бари бир бир куни айтиш керак-ку! Қачонгача сир сақлайман?! Мени еб, адойи-тамом қилади, бу сир. Йўқ, шартта-шартта айтаман. Эшикдан ўкириб йиғлаб кира қоламан. Йўқ, бунақада Холиснинг юраги ёрилиб ўлади. Нима қилсам экан, нима қилай. Бирор ёққа — тоғу тошларга бошимни олиб кетайми?! Катта кўчага сиймаяпману, уйимга қандай сизаман бу дард билан?!

У шу хаёллар билан келар экан, уйдан ўтиб кетишига оз қолди. Худди бировнинг уйига кираётган одамдек, дарвоза олдида тўхтади. Умр бўйи шу остонага келганда бутун вужудини қувонч, севинч, ғурур ҳислари қамраб оларди. Энди-чи, қандайдир кўзга кўринмас бир куч унинг кўкрагидан орқага итараётганга ўхшарди. У ўзини қўлга олиб, дарвозадан ичкарига кирди. Айвонда қозон-товоққа унаб юрган Холисхон ая унга пешвоз чиқди.

— Келдингизми, дадаси, бугун эртароқ бўшабсизми?

— Ҳа.

Холисхон аянинг кўзи эрининг юзига тушгач, қўлидаги чўмични ташлаб юбораёзди.

— Сизга нима бўлди? Тобингиз қочиб қолдимиз, рангингиз бошқача, жой солиб берайми?

— Ҳа.

— Ҳозир, ҳозир, дадаси.

Холисхон ая ёшига номуносиб чаққонлик билан пилдираб уйга кириб кетди.

— Аёл зоти зийрак бўлади. Ундан ҳеч нарсани яшириб удда қилолмайсан. Кўзининг қири тушиши билан юзингда битта тукинг ўзгарганини пайқайди. Бунақа тоғ кўтара олмайдиган дардни-ю, аллақачон...

— Жой тайёр, дадаси, киринг, қани.— Холисхон ая эрининг қўлтигидан олди. Уйга киришди.— Ечининг. Ҳозир овқат пишади. Қуйиб, шу ерга олиб кираман. Иссиқ-иссиқ ичиб оласиз, ўраб қўяман. Бир терлайсиз, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз...

Ашурали ака белбоғини ечиши билан қўйнидаги хат оёқлари остига тушди. У титраб кетди, хатни оёқлари билан босиб, яширмоқчи бўлди. Лекин ая хатни кўрди. Ҳайрон бўлди. Уни апил-тапил қўлига олди.

— Бу қанақа хат? Қимсанбойданми? Нега индамайсиз?

— Ҳа, ҳалиги эсимдан чиқибди.

Ота тишларини ғижирлатиб, тескари қаради. Хотинидан кўзларини яширди. Қани энди яширишнинг иложи бўлса. Хотини пилдираб бу томбонга ўтди.

— Нима гап, дадаси, нега индамайсиз, оғзингизга талқон солганмисиз?!

Хотинининг қўллари қалтирар, йўқ, бутун вужуди қалтирар, кўзлари жиққа ёш, улар қотиб қолганга ўхшарди. Ашурали ота хотинининг бошини қўллари билан силаб, кўксига босди.

— Қимсанбойдан... Уғлимиздан, оҳ, ажраб қопмиз, хоте-ен!

Холисхон ая эрини итариб юборди.

— А?!

Унинг кўзлари қўрқинчли эди.

— Дод! Войдод!! Қимсанбой, жон болам! Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмайдами?! Келиб-келиб менинг ёлғизим ўладими?! Дод, э худо, инсофинг борми?! Энди чироғимни ким ёқади?!

У ўзини ерга уриб, юз-кўзи, сочини юлиб йиғлаётган, ҳайқираётган хотинини куриб ота ҳам ўзини тутиб туролмади. Унинг кўзларидан дув-дув ёш оқди. Йиғлаб туриб хотинининг қўлларидан тутди.

— Унақа қилма, унақа қилма,— дерди ота нуқул. Лекин онага ҳозир ҳеч кимнинг кучи етмасди. У ўзини-ўзи ерга отиб-отиб йиғларди. Бирпасда қўни-қўшни, маҳалла-қўй тўпланди. Бу хонадондан чиққан юракни ўртовчи йиғи овози узоқ-узоқларга эшитилди. Тонг билан маҳаллани яна онанинг фарёди тутди. Йиғи аста тинди. Фарзанд доғида ўртанаётган сна кучдан қолиб, ҳушидан кетгандагина йиғидан тўхташини ҳамма биларди.

Вақт ўтиши билан одам боласи ҳамма нарсага кўникишга мажбур экан. Холисхон ая билан Ашурали ака фарзанд доғида ўртаниб-ўртаниб ёлғизликка кўникишди. Ўғлининг расм-русмларини ўтказишди. Аммо юракларида ўксик бир дард қолди. Фарзанд доғи туфайли улар бошига тушган ғам-андух эр-хотиннинг белларини букиб, сочларини қировдек оқартириб, қарилликни бўйинларига қўйиб кетди. Энди ягона илинж — кутиш бахти, сўнгги умиддан ҳам маҳрум бўлишганди. Кимнидир интизорлик билан кутиш ҳам бахт эканлиги шунда сезилди.

#### IV

Бир умр қидирган нарсанг баъзан оёғинг остидан чиқиб қолади. Болани ҳеч ким излаб келмади. Холисхон ая уни ўзиники бўлганига ишонди, юраги таскин топди. Она қалби бир ҳазина. Ундаги меҳр-муҳаббат туганмас бўлади. Кимсанбой вафотидан сўнг ўртаниш, ўксик туфайли адоий-тамом бўлди, деб юрган оналик меҳри қайтадан уйғонди. Худонинг бизга қилган муруввати, деб Холисхон ая бола билан овуна бошлади.

— Дадаси, энди ўғлимизга исм қўяйлик!

Ашурали ака ҳайрон бўлди.

— Дарвоқе, боланинг исми йўғ-а? Нима қўйсак экан. Ўзинг нима дейсан, онаси?

— Ўзингиз биласиз, сиз нима десангиз шу-да.

— Ундай бўлса, Топволди қўйсак. А? Сенга маъқул бўладими?

— Албатта, маъқул бўлади, жуда яхши исм.

— Хўп, бўлмаса, эртага домлани айтиб келаман, қулоғига азон чақириб қўяди.

Топволди! Топган исмидан қониқиш ҳосил қилган Ашурали ака болага меҳр билан боқди.

— Бир нарсага бошим қотиб қолди, дадаси,— деб гап бошлади Холисхон ая.— Болага сут керак. Бусиз ҳеч илож йўқ. Ҳар хил сут ичиравеганимиз бўлмас, бирор касалга чалиниб қолади.

Ашурали ака ўйга толди.

«Ҳозир сут топиш осон иш эмас. Кимнинг ҳам сути ошиб-тошиб ётарди шу пайтда!»

— Мен ҳам ҳайрон бўлиб қолдим, нима қилсак экан?

— Битта эчки сотиб олганимизда-ю...— ботинмайгина деди Холисхон ая. «Бозорда битта эчки, айниқса соғини палон пул. Пулимиз бўлмаса нимага сотиб оламиз. Уйда мундоқ пичоққа илинадиган нарса ҳам йўқ. Колхознинг аҳволи маълум. Ўзим оёқ, бел оғрийдиган дардга чалинмаганимда-ю...» Ота ўйга берилиб кетган экан. Бундоқ қараса, хотини пиқ-пиқ йиғлаб ўтирибди.

— Оббо, яна юракни эзадиган бўлдингу, йиғлама, бир иложини қилармиз...

— Қандай қилиб топасиз, ўғирлик қиласизми?

Ая кўз ёшларини артди, чуқур уҳ тортди.

— Агар урушмасангиз менда бир маслаҳат бор.

Ашурали ака хотинига ўғирилди.

— Қани, эшитайликчи, қанақа маслаҳат экан?

— Қимсанбойга олиб қўйган сарполарни...

Отанинг юрак томирлари таранг тортилиб, улардан бири чирт этиб узилгандек бўлди. Қўлини пешонасига тираганча хаёлга чўмди. Хотинининг нима учун кўзёш қилганини энди тушунди. Не-не умидлар билан Қимсанбойга олиб қўйган сарполарини наҳотки бозорга олиб чиқиб сотса! Одамлар нима дейди, эр-хотин бир ўзларингни эплай олмай, очингдан ўладиган бўлиб қолишибсан-да. Яхши ҳам беш-ўнта еяром-ичармонларинг йўқ, ўғлингни сарпосини сотгунча ўлганинг яхши-е, дейишмайдим. Энди Қимсанбой йўқ, уни киядиган. Одамлар биладик. Бари бир, бировга атаб олинган нарса. Яна ёлғиз ўғлига-я! Ориятсизлик бўлади. Сотмайди. Қарз кўтариб бўлса ҳам эчки олади.

Ниманингдир тап-тап этишидан бошини кўтарган Ашурали ака хотини сандиқ устидаги кўрпаларни ерга олаётганини кўрди. Унга разм солиб турди. Хотини сандиқни очди. Бир зум тикилиб қолди. Кўз ёшларини эридан яшириб, рўмолининг учи билан артди. Сўнг ўғлига олиб қўйган беқасам тўн, чорси, костюм-шим, дўппи, хром этикни сандиқдан олиб ерга қўйди.

Отанинг кўзига ҳарбий кийимларини ечиб, жилмайиб туриб шу сарполарни кияётган барваста ўғли кўрингандай бўлди. Бутун вужуди ларзага келди. Ғалати бўлиб кетди. Урнидан азот турди. Холисхон ая бу пайтда дам кийимларга, дам бешиқда жажжи қўллари билан кўзмунчоқларни ўйнаб ётган ғўдакка маъюс боқиб турарди.

— Ҳаммасини жойига қўтариб солиб қўй!— деди Ашурали ака зарда билан,— катта бўлса Топволди кияди...

Ашурали ака кўчага чиқиб кетди. Холисхон ая эрининг кетидан ҳайрон қараб қолди. Яна йиғлади. Кўнглини бир оз бўшатиб олди.

— Орияти йўл бермади, ўғлига аталганларни бозорга олиб чиқишга!

Холисхон ая сарполарнинг ҳар бирини эҳтиётлаб, силаб-сийпаб сандиққа солди. Устига кўрпаларни йиғди. Топволдининг бешиги ёнига келиб чўккалади. Боланинг бошини силади.

— Умрини берса, Топволди кияди, тўғри айтдингиз, дадаси,— деди ўзича пичирлаб.— Лекин сут-чи, эчкини нимага оламиз.

Бола йиғлай бошлади. Она бешикни тебратиб, алла айтди:

Алла, болам, аллаё,  
Ухлаб қолгин, аллаё,  
Ором олгин аллаё,  
Жоним болам, аллаё...

Ашурали ака уйга кеч қайтди. Афтидан, узоқроқ жойга борганга ўхшарди. Холисхон ая ҳали ҳам бешик тебратиб ўтирибди. Кўзлари киртайиб кетган. Бола ухламайди. Биғиллаб-биғиллаб йиғлайди. Қорни оч бўлгандан кейин уйқу қаёқдан келсин.

— Мен тебратиб турай, озгина мизғиб олгин,— деди ота.

— Бир қошиқ атала ичирдим, энди ухлаб қолар. Сиз ётаверинг, ухлатиб, кейин ётарман,— деди ая.

Холисхон ая тонг ғира-ширасида эри қўзғалганини пайқаб ўрнидан турди, дарров чойга уннади. Дастурхон ёзиб, эрининг олдига битта зоғора нон, чой келтириб қўйди. Ота апил-тапил нонушта қилган бўлди-ю, чиқиб кетди. Ая саҳарлаб қаерга, нимага кетяпсиз, деб сўрашга журъат этолмади. Чунки эрининг мақсадини кўнгли сезиб турарди. Кейинги вақтларда эрига битта гап камлик қилади, иккитаси ортиқча.

Кечки пайт Ашурали ака ҳовлига чоғроқ оқ эчкини етаклаб кириб келди. Уни кўриб Холисхон аянинг боши осмонга етди. Хаёлидан дарров пулни қаёқдан топди экан, деган гап ўтди.

— Мана, эчки ҳам топиб келдим,— деди Ашурали ака кулиб.

— Яхши қилибсиз, дадаси. Бошқа иложимиз йўқ эди-да.— Бусиз Топволдингизнинг ҳоли не кечарди!— деди Холисхон ая.

— Лекин сути оз. Ҳар куни бир чинни сут бераркан, холос. Яхшироғига пул етмади.

— Вой, шу ҳам бўлади. Бир чинни сут берса, ошиб-тошиб қолади.

— Қани, соғиб кўр-чи.

Холисхон ая эчкини соға бошлади. Бир пиёла сут чиқди.

— Яхши боқса, балки сути кўпайиб қолар.

— Ҳа-я. Ҳозирча шу бўлади.

Холисхон ая сутни доқада сузиб, қайнатди. Совутиб шишага қуйди. Оғзига сўргич тиқиб, болага тутди. Бола худди онасини эмгандек тамшаниб-тамшаниб эмарди. Ҳа демай шишадаги сутнинг ярмини тугатди. Бола эмаётиб кўзларини катта-катта очар, оғзининг икки томонидан бўйинларига сут оқиб тушар, эмишдан тўхтаб дам-бадам онасига қараб жилмайиб қўярди.

— Ана, қаранг, дадаси эмишини қаранг! Дадангга раҳмат демайсанми,— деб болани эркалатарди ая.

Ота ҳам боланинг тўйиб эмаётганини кўриб чуқур тин олди. Кўнгли таскин топгандек бўлди.

## V

Эчки сути ўзини кўрсатди. Қорни тўйган бола ором олиб яхши ухлайдиган бўлиб қолди. Дўмбоққина бу бола ҳар куни янги қилиқлар чиқарар, қиқир-қиқир куларди. Эр-хотин эрта-кеч шу бола билан овунишади, қалблари бир оз таскин топгандек. Лекин Кимсанбойнинг ўрни бошқа. Уни унутиб бўлармиди!

Кунлар жуда секин ўтарди. Илк баҳор. Димоққа аллақандай ёқимли кўкат ҳиди урилади. Холисхон ая ҳовлидан кўк териб, ялпиз, отқулоқдан қўшди. Айвондаги сўрида уларни аралаштириб чопяпти. Ашурали ака кўкка жуда ўч. Беда қариб қолди, деса ҳам сира кўнмайди. Менга қанақа бўлса ҳам кўкдан чучвара, сомса қилиб беравер, дейди. Холисхон ая кеч кузгача ялпиз, отқулоқ, маҳин териб чучвара, сомса пиширгани-пиширган. Бу йил биринчи марта пишириши. Ота келиб хурсанд бўлади. Кўк одамни тозалайди. Узням қариб қолди, Уғли бўлганда ишлатмасди. Бунинг устига дардчил. Дўхтирга бормайди. Қайсар.

Қуёшнинг тарам-тарам нурлари сўрида пишиллаб ухлаб ётган Топволдиннинг юзларига тушиб турибди. Холисхон ая тўшакни пана қилиб, боланинг юзларини тўсиб қўйди. Уёқдан-буёққа думалаб ўйнаб юрган сочлари жингалак-жингалак, кўк кўз, қирра бурун Топволдига ая узоқ тикилиб, баъзан турли хаёлларга боради:

— Асли қанақа одамнинг боласи, онаси қаерларда юрибди экан? Наҳотки боласини ташлаб кетадиган оналар ҳам бўлса. Отаси-чи, отаси урушда бўлса керак. Онаси ёш, чиройли бўлса... умримни шу гўдак учун хазон қиламанми, деб кўнгил кўчасига кириб кетганмикин?! Умрбод аттанг қилади. Бари бир ўрнига келмайди. Фарзандни унутиб бўладими, фарзандни-я! Гўдакда нима айб. Бўлмаса ўша куни бу кўрмай қолса нима бўларди, қиш-қировли кунда-я!

Ая шундай ўйларга берилиб кетганда бола топилган куннинг эртасига уларникига хайр сўраб кирган тиланчи аёл бирдан кўз олдига



келарди. Қизиқ, ўша аёлнинг қош-кўзлари худди боланикига ўхшаб кетармиди?! Бола ҳам худди онасини эмгандек, яйраб-ййраб эмганди, ўшанда. Уша-ўша, бу аёл сира кўринмай кетди. Бир кун келиб, бола меники, уни йўқотиб қўйган эдим, берасан, деб ўтирса-я! Худо кўрсатмасин у кунни...

Она боладан ҳозир ажраб қоладигандек чўчиб уни ечиб бағрига босди. Юз-кўзларидан ўпди.

— Ҳа, она-бола жа яйрашиб қолибсизлар.

— Ҳорманг, дадаси. Ҳа, шунақа қилиб, сизни кутиб ўтирибмиз-да, дадаси. Дадангга ҳорманг, демайсанми?

Ота Топволдини қўлига олди. Уни боши узра баланд кўтарди:

— Уҳ-ҳў, катта бўлиб кетибсан-ку!

Бола оёқчаларини ўйнатиб, қиқир-қиқир кулди.

— Туф денг, дадаси, кўзингиз тегиб қолмасин, тағин.

Ая чучварани сузиб келди.

— Мана бугун яхши кўрган овқатингизни қилиб қўйганмиз. Еб олинг. Болани менга беринг, энди.

Ота дастурхонга ўтирди. Чучварадан еяркан, хотинининг пазандалигига тасанно ўқиди.

## VI

Уруш тугаб, душман тор-мор этилганлиги ҳақидаги хабар энг чекка қишлоқларга ҳам қуёш нуридек тарқалди. Дарвоқе, бу кун, худди қуёшдек зарур, уни одамлар зориқиб, ташна бўлиб кутишарди. Каттаю кичикнинг севинчи ичига сиғмайди. Фронгга кетганлар, урушдан омон қолганлар бирин-кетин қайта бошлади. Қишлоқ ҳам одамлар билан файзли экан. Олдин ҳувиллаб қолгандек эди, яна файз кирди. Кўчада қўлтиқтаёқли, тўнининг бўш егини белбоғига қистириб олган одамлар учраб қолади. Кексаларнинг ўзаро суҳбати қулоққа чалинади.

— Ғалаба қимматга тушди. Йигитларимизнинг ярми қайтмади. Юртчилик, яна ҳам билинмас экан-да!

Ота дардини сездирмасликка ҳаракат қиларди-ю, ичида ўксирди: Мана, уруш ҳам тугаркан. Кимсанбой тирик бўлганида қайтиб келарди. Қандай паҳлавон йигит бўлиб қайтарди-я! Эҳ, бераҳм тақдир...

У ўйчан. Қўп вақт ёлғиз қолишни истайди. Соё ё ариқ бўйлариди хилват жойларни танлаб, сувга тикилганча узоқ хаёлга толади. Ҳамма жойда кўзига ўғли кўрингандай бўлади. У отасига табассум билан боқиб туради. Кейин аста хайрлашгандек, узоқлашиб кетаверади. Ота озиб-тўзиб кетди. Ишдан қолмади. Ҳамқишлоқларининг унга раҳми келарди. Лекин ҳеч ким унга кўнглини кўтарадиган сўз айтишга боти на олмасди. Ашурали ота пахта теримини тугатгач, ётиб қолди. Докторлар юраги хаста дейишди. Бола билан ўзини овутиб юрган Холис-хон ая эрининг атрофида парвона бўлар, кечалари ўхламай унинг бошида ўтириб чиқарди. Эридан ажралиб қолишни тасаввур қилолмасди.

Топволди бўлса кун сайин бўй чўзар, тиллари бурро бўлиб ўсарди. Дадангнинг оёғини уқала, деса уқалар, энди яхши бўлиб қоласизми, кейин мени бозорга олиб борасиз-а, от олиб берасиз, мен чопаман-а?, каби гапларни ширин тил билан гапирарди. Ота унинг гапларига жилмаймоқчи бўлар, лекин дармони етмасди. Шунда у кўзи билан:

— Ҳўп, хўп,— ишорасини қиларди.

Ота узоқ ётди. Қиш чилласининг ўртасига бориб ҳаётдан кўз

юмди. Холисон ая бу жудоликни кўтара олмади. Дод-фарёд қилавериб дармондан кетди, у ҳам ётиб қолди. Яхшиям, қўни-қўшнилари бор экан. Эрта-кеч иссиқ-совуғидан хабар олишди.

Одамзоднинг жони қаттиқ бўларкан. Холисон ая кўтарган гам юки ҳазилакам эмасди. У узоқ вақт бош кўтаролмади. Топволди унинг ёнидан жилмай ўтирди. Она нимжон қўллари билан ўғлининг бошини силарди.

— Ҳеч бўлмаса сенинг бахтингга дармонга кириб, туриб кетсам ажабмас. Агар мен ҳам... Бола кимларнинг қўлига қоларкин?!

Холисон ая кўнглига келган бу хаёлдан қўрқиб, кўзларини юмиб олар, кўзларидан тирқираб чиққан иссиқ ёш чеккасидан оқиб, қулоқларига тушарди.

Топволди ҳам дадаси вафот этгандан сўнг чўчиб қолганди. Шу боисдан онасининг ёнидан жилмас, жажжи қўллари билан онанинг қазғоқ босган сочларини силар, уни қашлаб қўярди. Бу онага хуш ёқар, шу дамда кўзларини чирт юмиб, оний хаёллар дарёсига фарқ бўларди. «Ҳозир Кимсанбойим менинг бошимни силаяпти», деб ўзига таскин берар. Бирдан бу фикри билан, Топволдини камситмаяпманми деб ўйларди. Яна ўзига далда берарди. «Ўз болангдан қаери кам. Муштдек жони билан ёнингдан бир қадам жилмайди. Ҳали катта бўлсин, қанақа йигит бўларкин».

Она хаёлини Топволдининг овози бўлди.

— Сиз ўлмайсиз-а, онажон? Мени бозорга олиб борасиз, энди. От олиб берасиз, чинакамидан-а?

Она намли кўзларини болага тикарди:

— Йўқ, мен ўлмайман болам. Мен ўлсам унда сени ким боқади, ким катта қилади?!

Сўнг томоғига бир нарса тиқилгандай гапиролмай қолади. Болишга сал суяниб ўтиради. Шўртанг кўз ёшлари қуруқшаган лабларига оқиб тушади. У қоқ суяк кўксига бош қўйиб ухлаб қолган Топволдининг кўнгироқ-кўнгироқ сочларини қўллари билан аста силайди.

Холисон ая баҳор ўрталарида туриб кетди. Дард унинг қақдини буккан. Ая энди ҳассага суяниб юрарди. Уруш тугаган бўлса ҳам, ҳар бир оилада, одамлар қалбида асорати қолганди. Топволди мактабга борарди. Уни кийинтириш, едириб, ичириш керак. Аянинг далага чиқиб ишлашга қудрати етмайди. Шундай бўлса ҳам шийпонга бориб, колхозчиларга чой қайнатиб бериб ўтиради. Бора-бора бу ҳам оғирлик қилиб қолди. Бари бир болани боқиш, ўкситмаслик керак. Қандай қилиб? Ўғлининг пенсиясидан ота воз кечган. Энди қайси юз билан сўраб бораман?! Унда ўғлимнинг ўлганини бўйнимга олган бўлмайманми?!

Кунлар кунларни қувиб ўтади. Топволди олтинчи синфда ўқияпти. Шўх, ақлли бола бўляпти. Кўз тегмасин. Гоҳ-гоҳ у дафтар, китоб, расм қалам оламан деб, пул сўрайди. Она баъзан ҳижолат бўлади. Пули йўқлигини бола қаердан билсин. Пул тугул, баъзан еб-ичишга ҳам бирор нарса тополмай қолади-ю! Аянинг боши қотди. Уйлаб ўйига етолмади. Холисон аянинг хаёлига бир фикр келди. Бундан ўзи ҳам чўчиб, кўзлари олайиб кетди. Бир нуқтага тикилганча ҳушсиз ўтириб қолди. Илоҳ қанча...

Қуёш унча қиздирмаса ҳам негадир ҳаво димга ўхшайди. Ая белини боғлади. Деворга суяб қўйилган ҳассасини олиб, уни дўқиллатганча кўча томон юрди. Дарвоза олдига чиқиб, йўл ўртасида ҳосил бўлган қуюнга тикилиб қолди. Ичида қандайдир дуони пичирлаб ўқиди, кейин девор тагидан аста юриб кетди. У баъзан тўхтаб дам олар, яна юрарди.

Кечки пайт. Она сўрида ҳомуш ўтирибди. Кўчадан югуриб Топ-

волди кирди. «Ла-ла-ла-лам. Ла-ла-ла-лам». У китобларини сўрига қўйди.

— Ассалому алайкум, онажон. Қорним очиб кетди.

— Мана, ҳозир,— дея ая уйдан чорси кўтариб чиқди. Уни ечди. Топволдининг олдига ёзиб қўйди. Чорси тўла бурда-бурда нонлар.

— Хў-хў,— деди Топволди севиниб.

Она рўмол остига ўраб қўйган чойнакни олиб, чой қуйиб берди. Ая Топволдининг иштаҳа билан нон ейишига тикилиб ўтирар, хаёллари паришон эди. Кейинги кун Топволди яна шундай бурда нонларни мазза қилиб еди.

— Яна меҳмонга бордингизми онажон, ё тўйгами. Тўйда шунақа нонларни бўлашиб беришадими? Нега бутун беришмайди?

Она беихтиёр лабини тишлади. Рўмолининг учи билан кўзларини артаётганга солди, ўзини. Топволди эса ҳамон онасини саволларга кўмиб ташларди.

— А, онажон, нега бунақа? Мен борсам менга ҳам беришадими ё ёлғиз аёлларга беришадими?

— Ҳа, аёлларга. Дастурхондаги синдирилган нонлар исроф бўлмасин, деб тақсимлашади.

Топволди елка қисди.

Она эса ўз жавобидан ўзи ҳижолат. Исроф бўладиган нон қаерда ҳозир! Она нималарнидир баҳона қилиб уйга кириб кетди. Топволди бурда нонларни иштаҳа билан туширарди. Боланинг севинчи чексиз эди. Қорни тўйди, қайғу кетди. Нуқул шунақа нон олиб келадиган бўлиб қолди, онаси.

— Онам ҳадеб меҳмонга бораверадими, қаерларга бораркин?

Бир куни Топволди чорсидаги бурда нонларни танлаб-танлаб еб ўтирганда, уларнинг орасидан беш тийинлик чақа ҳам чиқиб қолди. Қизиқ, таажжубланди у, сўнг пулни олиб онасига берди.

— Онажон, нонлар ичидан мана буни топиб олдим.

Она сесканиб кетди.

— Меҳмонда пул ҳам улашадими, а, онажон?

— Ким билсин, тушиб қолгандир-да.

Топволди ўйланиб қолди. «Онам ниманидир яшираётганга ўхшайди. Авваллари битта ноннинг ярмини синдириб, қолганини ҳали ейсан, деб эҳтиётлаб ўраб қўярди. Энди эса чорси тўла нон. Қаердан оляптийкин, онам бу нонларни?»

## VII

Топволди мактабда яхши ўқийди. Эрта-кеч китобдан бош кўтармайди. Уйга берилган вазифаларни бажариб қўйгач ҳам қўлидан китоб тушмайди. Ўқитувчилар уни ўқишда ҳам, хулқда ҳам намуна қилиб кўрсатишади. Синфда энг барваста, кучли йигит шу. Волейбол деса жонини беради. Энди олтинчи синфда ўқийди-ю, юқори синф ўқувчилари билан мактаб волейбол командасида қатнашади.

Бир куни кутилмаган воқеа юз берди. Синфда ўнг бетиде тиртиқ, олдинги иккита сўйлоқ тишлари лабини туртиб турадиган бола ҳам бор эди. Уни Соли сўйлоқ дейишарди. Дарсларга унча ҳуши йўқ. Қачон қарасанг, қўйнида ёнғоқ, чўнтагида соққани шақирлатиб юргани-юрган. Ўқитувчиларнинг танбеҳ, койишлари унга кор қилмайди. Бугун Топволди синфга кирса ўша Соли сўйлоқ унинг алгебра дафтари-ни олиб, уй вазифаларини бемалол кўчириб ўтирибди. Бундан ҳам ёмони — дафтарнинг бир бетига сиёҳ тўкиб, кир қилиб юборибди. Топволди унинг ёнига келди:

— Сўраб олсанг нима қиларди, Соли. Яхши эмас бировнинг дафтаридан кўчириш. Уйда озгина ҳафсала қилсанг ўзинг бажарасан.

Соли сўйлоқ қип-қизил милкларини кўрсатиб илжайди.

— Ке, кўй. Оз қолди, кўчириб олай. Ўзинг ҳам, жа қизғанчиқ, каранда бўлиб кетяпсан-да. Дафтаринг ейилиб қолармиди?

Унинг гапи Топволдининг жаҳлини чиқарди.

— Ейилгани шу-да, кир қилиб ташлабсан-ку, энди бунга ўқитувчи га қандай кўрсатаман?!

— Оббо, каранда-ей,— Соли яна ҳунук иржайди.

— Ут жойингга,— деди Топволди ҳам жаҳли чиқиб,— дафтарни бермайман. Қўлингдан келса ўзинг мустақил ишла. Бўлмаса, сўра биладиганлардан. Фақат кўчирма. Бўшат жойни, қўнғироқ чалинди.

Соли туриб кетар экан, Топволдига деди: «Бермасанг берма, тиланчининг боласи».

Топволди қотиб қолди. Сўнг парта устидан сакраб ўтиб, Соли сўйлоқнинг ёқасидан олди.

— Нима дединг, ким тиланчининг боласи?!

— Сен, онанг маҳаллада тиланиб юради, ҳали билмайсанми?!— деди Соли Топволдининг қўлларини ёқасидан бўшатишга ҳаракат қилиб. Топволди уни дўппослай кетди.

— Мана сенга, мана сенга!

У аямас, Солининг тўғри келган жойига мушт туширарди. Синфга кирган болалар уларни ўраб олишди. Уларни ҳеч ким ажрата олмасди. Синф қий-чувга тўлиб кетди. Бошқа синфдаги болалар, ўқитувчилар ҳам тўпланишди.

— Нима гап?!

Ўқитувчилар Топволдини аранг ажратиб олдилар. Унинг катта-катта очилган кўзлари ҳеч нарсани кўрмас, ранги оқариб кетган, дагдаг титрарди. Соли йиғлаб, бурунларини артиб, ўрнидан зўрға турди. Сўйлоқ тишларидан қон оқарди. Жой-жойига ўтирган болалар ҳам, ўқитувчи ҳам ҳайрон. Наҳотки Топволдининг қўлидан шунақа иш келса!..

— Ҳаммасига Соли сўй... Соли айбдор,— деди орқада ўтирган бола,— Топволдини тиланчининг боласи, деди.

Топволди ўрнидан дик этиб туриб, яна ўтирди. У ҳозир безгак хурж қилгандек даг-даг титрарди, Соли тишлаб олган биланининг оғриғини ҳам сезмасди. Ўқитувчи Соли билан Топволдини директор хонасига олиб чиқиб кетди. Директор уларни роса ғазаблади...

Топволди директор хонасидан чиқиб, тўғри уйга жўнади. У қишлоқнинг ўрта йўлидан тупроқ кечиб бораркан, хаёллари сочқин, атрофдаги нарсаларга парвосиз эди. Ҳар куни кўчадан хиргойи қилиб кирадиган Топволдининг бугун бўйни эгик эди. Белини офтобга тутиб ётган онаси зўрға ўрнидан туриб, ўғлининг пешонасидан ўпди:

— Келдингми, болам. Ҳеч еринг оғримаяптими, бўштоброқ кўри-насан?

— Йўқ, соппа-соғман.

— Ҳа, айланай, бахтимга сен омон бўлгил. Сенга иситма кирса, мен ёниб қул бўламан. Кел, чойингни ичиб ол. Она унинг олдига бурда-бурда нонлардан, чой қўйди.

— Ол, қорнингни тўйғағ.

Топволди бу нонларга тикилиб қолди. Унинг кўзига Соли сўйлоқнинг тиржайган башараси кўрингандай бўлди. Чойдан ҳўплади, сув ҳам ўтмади, унинг иштаҳаси ғирт бўғилган эди. У ҳовлига ўтиб кетди. Бир оз кейин қайтиб келса, онаси йўқ. Юраги ниманидир сезгандек тез-тез ура бошлади. Кўчага чопди. У ёқ-бу ёққа аланглади. Қараса, бошига оқ дока рўмолини ўраган онаси ҳассасини дўқиллатиб, бук-

чайганча кетиб боряпти. Топволди онасини қайтаришга журъат этолмай уйга кириб, бурда нонларга тикилди. Қулоқлари остида Соли сўйлоқнинг «тиланчининг боласи» деган овози жарангларди. «Наҳотки рост бўлса...» Топволди кўзларини чирт юмиб, қўллари билан қулоқларини беркитди. Боши айланиб кетди. Югуриб бориб, дарвоза эшигини тамбалаб келди. Нега, нима мақсадда бундай қилди, ўзи ҳам билмайди. Ахир, ҳеч қачон кундузи дарвоза тамбаланмасди-ку, таажжуб. У аста бориб яна очиб келди. Топволди гаранг. Бошида ҳар хил фикрлар айқаш-уйқаш бўлиб кетган. У фақат бир сўзни такрорларди:

— Наҳотки рост бўлса. Наҳотки Соли сўйлоқ ҳақ бўлиб чиқса. Йўқ. Йўқ. Уз кўзим билан кўрмаганимча ишонмайман. Пойласаммикин?! Инам ҳам ҳозир яна... Шунақа ишга кетдимикин?! Пойлайман. Бўлмаса қаёққа борарди ҳозир. У кўчага чиқди. Топволди онаси кетган йўлдан борарди. Унинг қалбини қандайдир қўрқинчли ҳислар қамраб олганди. Бу ҳислар борган сари кучайиб, алангаланарди. Унга ҳозир биргина «ёлғон бўлиб чиқсайди», деган умид таскин берарди.

Ўзларининг маҳалласи ортда қолди. «Сой кўча» маҳалласи ўтди. Энди у қадамларини секинлатиб, аста юра бошлади. Кўча бошида атрофга қараб бир оз турди. Ҳеч ким йўқ. Эшак минган бир чол ўтиб кетди. Кейинги маҳаллани Чек дейишади. Топволди ўша томонга юрди. Унинг бўнглидан «хайрият, кўринмайди, ажабмас, бирон иш билан таниш-билишлариникига чиққан бўлса», деган ўй ўтди.

Эшак арава минган бир лўли чол Чек маҳалласига бурилгач, чийилдоқ овозда бақирди.

«Эски увадаларга, бўш шишаларга сақичлар, чуттаклар<sup>1</sup> ке...лди.—

У эшак устида бошини эгиб, ухлаётган одамдек мудраб борарди. Эшак юрайми, юрмайми, дегандек эриниб қадам ташлайди. Чол яна қичқирди.— Эски увадаларга, бўш шишаларга сақичлар, чуттаклар ке...л...лди...»

Ҳовлилардан болалар югуриб чиқди. Болаларнинг қўлларида кир шиша, таги йўқ кирза этик, кимдир бир пой эски калиш кўтариб олган. Улар арава кетидан чуғурлашиб чопишади. Аравакаш парвосиз боради. У маҳалла ўртасидаги ҳовуз олдига келганда, қўлидаги тизгинни ҳимо билан тортиб қўйди. Эшак ҳам шуни кутиб тургандек тақа-тақ тўхтади.

Болалар қўлидаги нарсаларни чолга узатарди:

— Менга сақич беринг.

— Менга чуттак.

Чол лоқайдлик билан болалардан эски-тускиларни йиғиштириб олар, эвазига болаларга сақич, чуттак улашарди. Чол чуттакни олдин бир чалиб, мана, кўриб қўй, ҳозир чалиняптими, деб писанда қилиб қўярди.

Топволди бир зум уларни томоша қилиб турди. Йигирма-ўттиз қадамча наридаги уйдан чиққан, учлари тугилган чорсини билагига илиб олган, юзи доқа рўмол билан тўсилган кампирга кўзи тушган Топволдининг бошидан биров қайноқ сув қуйиб юборгандек типирчилаб, сесканиб кетди. Негадир оғзини катта очди. Бақириб юборишдан ўзини аранг тийди. Уша кампир унинг онаси эди. Ҳа, уйма-уй тиланиб юрарди. Ана, у бир уйдан чиқиб, иккинчисига кириб кетди.

Топволди орқасига бурилди. Уйи томон югурди. У орқасидан худди қутурган ит қувиб келаётгандек чопарди. Йўлда кўрганлар унга: «ҳа, тинчликми» дейишар, лекин у ҳеч кимни кўрмас, ҳеч нарсани эшитмасди. У уйга кирди-ю, бир нарса томогидан бўғаётгандек қай-

<sup>1</sup> Хуштак.

тиб чиқди. Ҳовлига ўтиб, майсалар устига ўзини ташлади, кўкрагини ерга бериб ётди. Елкалари кўтарилиб-кўтарилиб тушарди. У ҳўнг-ҳўнг йиғлаётган эди. Унинг кўз ёшлари ажириклар устида шудрингдек товланар, юзларида кўм-кўк майса излари қолганди. Топволди ҳали у, ҳали бу юзини майсага босар, ўзини сира овутолмасди.

## VIII

Топволди майса устида анча ётди. Йиғлаб-йиғлаб кўнглини бўшатди. Кейин қўлларини боши остига қўйиб, чалқанча ётди. Туриб ўтирди, тиззаларини қучоқлаб ўтирганча ўй суриб кетди. Онам нега бундай қиялпти. Ҳозир келса, нима десам экан. Нима ҳам дердим. Ҳавасга шунақа қилмаётгандир. Бошқа нима иложи бор. Ҳаммаси мен учун, мени деб шу кўйларга тушди. Ўзи ишга ярамаса, мен ўқувчи бўлсам. Ахир тирикчилик қилиш, яшаш керакми. Бекорга ким битта нон беради. Ҳозир ҳеч ким ошиб-тошиб ётгани йўқ. Ҳамманинг ташвиши ўзига етиб ошади. Нега шуларни аввалроқ пайқамадим. Ишлашим, ишлаб онамни боқишим керак. Уни тиланчилик қилдириб қўймайман!

Топволди бирдан катта бўлиб қолганга ўхшарди. Ҳаёт шунақа. Баъзан бировлар бирдан катта ё кичик бўлиб қолади. Ҳозир у яшаш осон эмаслигини биринчи марта юракдан ҳис қилди. Бошига илк ҳаёт ташвиши тушди. Топволди кўкатларни узиб, тишлаб-тишлаб туфлаб ташларкан, атрофдаги нарсалар унга совуқ, завқсиз бўлиб кўринди. Дарвоза тақ этди. Ҳассаси билан дарвозани итариб очиб, онаси кирди. Унинг қўлида чорси. У атрофга бир назар ташлаб, уйга кириб кетди. Топволди аста ўрнидан турди. Онасига нима деса экан. Яна хўрлиги келди. Онасидан аччиғланди. Уйга кириб, тик турди. Онаси сениқ нонларни саралаётган эди. Топволдини кўриб, айб иш қилиб қўйган кишидек сесканиб, ғалати бўлиб кетди.

— Ҳа, болам?

— ...

Кўзлар тўқнашди. Топволди ўзини она қучоғига отди.

— Она, онажон! Энди унақа қилманг, онажон, бунақа қилманг!! Она нима дейишини билмасди. Нимадир демоқчи бўларди. Лекин тилига гап келмасди.

— Нима иш қилибман?— дея олди она зўрға.

— Мен биламан! Ҳаммасини биламан! Кўрдим. Унақа қилманг, жон онажон!! Сизни ўзим ишлаб боқаман. Ўтин териб сотаман. Ишлайман. Ўзим боқаман, ўзим, эшитяпсизми! Унақа қилишингизга йўл қўймайман! Мен ишлайман! Оч қолмаймиз!

— Нима?!

Онанинг тили қалдирарди.

Топволди бўлса, «унақа қилманг, энди унақа қилмайсиз-а?»— деб ёлборар, тиланчилик дегани тили бормасди. У она қучоғида дир-дир титраб, қақшаб йиғларди. Она бағрига маҳкам босган, юмиб олган хира кўзларидан сизиб чиққан дув-дув ёш ажин босган юзларидан оқиб, боланинг елкаларини ҳўл қилиб юборди. Она қучоғида бола эмас, бола қучоғида она ҳам дир-дир титрарди.

Улар ўтиришди. Онанинг қалтироғи босилмасди. Чунки бу унинг ич-ичидан чиққан безгак хуружига ўхшаган қалтироқ эди. Энди она боланинг юзига тик қаролмас, кўзларини ундан олиб қочарди-ю, боланинг бошини бағрига маҳкамроқ босарди.

— Бошқа иложим қанча, болам. Юрт тинч бўлгани билан ишламасанг, тишламайсан. Уйда пулга ярайдиган нарса ҳам қолмади. Бўлмаса кимга сарғаясан. Биров бир марта беради, икки марта беради.

Кейин... Менга ҳам осон тутма. Бировнинг уйига кириб садақа сўраш, э. бу қанчалик оғир азоблигини билсанг, бир тишлам нонни оғзимга солиб минг ямлайману, томоғимдан ўтмайди. Уша одамнинг бола-чақаси кўз олдимга келади. Шуларнинг ризқини қийиб берди-да, менга дейман. Томоғим ғиппа бўғилади. Ҳар бурда нон менга таниш, ким берганини аниқ биламан. Лекин бу менга охири нажот йўли бўлиб кўринганди. Яхши, бу йўлдан мени ўзинг қайтардинг. Кўзимни очдинг. Энди мана бу ерим ҳам равшанроқ юради,— деди она кўкрагини муштлаб.— Бир кунда бир тишлам нон топсак ҳам бўғилмай еймиз. Узингнинг бир тишлам нонингга не етсин. Шундай қилишга, бўйнимга олишга мажбур эдим. Энди унақа қилмайман. Хотиржам бўл, сени уялтирмайман. Мен сени ёш, билмас, пайқамас дебман. Қара-я, бунчалик катта, ақлли йигит бўлиб қолганингни ҳам сезмабман. Ориятли боламдан



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

ўргилай! Бир кунимиз ўтар-кетар, банда ўлмабди, ризқи камаймабди. Она бу гапларни лабларини тишлаб, ёшларини тўхтатолмай, бўғилиб-бўғилиб айтди.

— Лекин сен ўқишингни ташлама. Мен қаттиқ хафа бўламан. Мактабдан кейин далага чиқ, майли. Директоринг билан маслаҳатлаш.

— Хўп, онажон. Ҳаммаси сиз айтгандай бўлади.

Она-бола енгил тин олгандек бўлди. Меҳр тўла кўзлар бир-бирларига тикилди. Она кулиб, боласининг бошини ориқ қўллари орасига олиб, меҳр билан силади.

Топволди, энди мактабга қандай бораман, ҳамма эшитди, деб ҳижолатда эди. Бормасликнинг эса иложи йўқ. Чунки у онасига ўқишини ташламасликка ваъда берди. Онаси тиланчилик қилмаса бўлгани. Бунинг учун Топволди ўзини ўтдан олиб сувга уришга ҳам тайёр. «Мени боқаман деб шу куйларга тушибди, менинг девонагина онам», деб кўнглидан ўтказди у.

Топволди бу сафар синфга бошини эгиб, хомуш кирди. Лекин, у ўйлаганчалик, ҳеч ким устидан кулмади, масхараламади. Болалар у билан ҳар доимгидек очик юз билан кўришишди. Топволдининг кўнглидаги хиралик, ғубор бир оз тарқагандек бўлди. Дарсдан кейин у директор ҳузурига кирди. Бўлган гапларни қийналиб-қийналиб айтиб берди.

— Соли ҳақ экан, деди.

Директор урушда бўлган. Бир кўзи шиша. Бола-чақаси кўп, меҳрибон одам. У Топволдининг гапини диққат билан тинглади. Ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа юрди. У нималарнидир ўйларди, шу дамда. Кейин Топволдининг ёнига ўтирди. Қўлларини унинг елкасига қўйди.

— Ҳа, ҳаммаси тушунарли. Булар ўтиб кетади. Қим қийинчиликни кўп тортса, кўрса, у бахтни, одамларни шунчалик қадрлайдиган бўлади. Хўп, сени икки кун ўтказиб бир кеча мактабда ётасан. Атрофни тозалаб, сув сепиб қўясан. Қоровуллик штатига киритиб қўяман. Ўқишингни ўқийверасан. Пенсия масалаларини ўзим суриштираман. Буёғи бир гап бўлар.

Топволди директор хонасидан хурсанд чиқди. Қандай меҳрибон одам-а. Энди мен ишлайман. Ойлик оламан. Онамни боқаман. Ирғишлагиси, ашула айтгиси келди. Лекин бир зумда ҳар қандай қувончни ҳам яшира, сир тута оладиган одамлардек ўйчан бўлиб қолди.

Кунлар тез ўтарди. Топволди директор айтганини қилди. Ёзда далага чиқиб, отвош минди. Чой қайнатди. Аравада сув ташиди. Ҳориб-чарчайди. Лекин ўз меҳнатидан завқланади. Меҳнати эвазига келган нонни иштаҳа билан яйраб-ййраб ейди. Директор пенсия масаласини ҳам ҳал қилди. Бир неча йилги пенсия тўпланиб қолган экан. Суриштириб, ундириб берди. Энди ўша пулга сигир сотиб олишди. Бир коса бўлса ҳам оқи бор. Почтальон ҳар ойда нафақа пулини уйга келтириб беради.

Бир очликнинг бир тўқлиги бўлганидек, оғир кунлар ўринга яхши кунлар келди. Топволди бир куни колхоз омборидан ярим қопча бугдой орқалаб келди. Бунинг кўриб онанинг боши осмонга етди. Севинч ёшлари хира кўзларига парда бўлиб тўсилди.

— Катта бўлиб қолган боламдан ўргилай. Умрингдан барака топ, болам.— Она Топволдини бағрига босди. Пешонасидан ўпди...

□

Топволди Ашуралиевич учун ўтмиш унутилмас ёрқин саҳифаларга айланди. Яхшилар кўп экан, шуларнинг кўмаги, ўз тиришқоқлиги билан институтни битирди, эл-юрт назарига тушди, кимсан министр бўлди. Лекин онасининг чорси кўтариб букчайганча кўча-кўйда тентираб



юрганини сира-сира унутолмайди. Уша ўтган кунлар сабоғи Топволди Ашуралиевични ҳамон тўғри йўлдан бошлаб боряпти.



Министр уйга келиб, бугун юз берган воқеани онасига ётиғи билан гапирди. Менга фақат ҳақиқатни айтинг, илтимос, деб илтижоли кўзларини онасига тикди. Она боласидан кўзларини олиб қочди. Ҳангманг бўлиб, довдираб қолди. Ранглари ўзгариб кетганидан у титраб-қақшарди.

— Йўқ, бекор гап, унақа эмас. Тушунмовчилик,— дерди у узуқ-юлиқ қилиб. Лекин ўзи юм-юм йиғларди.

— Бўлмаса нега йиғлайсиз, онажон. Бу гап сизга нега бунчалик кучли таъсир қилди. Жуда ўзгариб кетдингиз. Мендан яширманг, онажон. Тилингиз айтмагани билан дилингиздагиларни сезиб турибман. Биламан, сиз ёлғон гапиролмайсиз, эпполмайсиз. Мени ҳам шунга ўргатгансиз-ку.

Она жим қолди. Ким билсин, унинг хаёлидан қандай алғов-далғовли воқеалар кечаётган экан шу лаҳзада.

Кейин у аста сўз бошлади:

— Майли, энди айтай. Бу сирни ўзим билан олиб кетмоқчи эдим, у дунёга. Сен ақл танигандан бери бирортаси айтиб қўядими, деб доим юрагимни ҳовучлаб келдим. Нина устида юргандек юрдим. Ҳа, сени топиб олганмиз...

Она воқеани айтиб титраб-қақшаб йиғларди.

Ўзини йўқотаётган Топволди Ашуралиевич она қаршисида нима дейишини билмай, унинг тарам-тарам ажинли юзига тикилиб ўтирарди. Она шунча сирни неча йиллардан бери қалбида қандай яшириб юрдийкин. Ўғил қанчалик тикилмасин, қидирмасин онадан қилча бўлса-да, ўғайлик аломатларини тополмади. Уни бошқа она билан алмаштиришни тасаввур ҳам қилолмади. Наҳотки шу она бировнинг ташландиқ боласи учун ўзини ўтдан олиб сувга урган. Емай едирган, киймай кийдирган. Уни деб эшикма-эшик тиланчилик қилган. Нега ундай қилдиркин? Тақдирим қанақа бўлган, ота-онам жим?! Дарвоқе, энди бунинг нима аҳамияти бор. Туққан эмас, боққан она. Тоқати, бардошига қойил бу онанинг. Бундай оналар оёғига бутун олам тиз чўкса, таъзим қилса ҳам оз. Кўчада ётган бир парча этни парваришлаб шу даражага етказибдими, қойил!

Улар бир-бирига отилишди. Энди фақат она қучоғида бола эмас, бола қучоғида она ҳам энтикарди. Тиланчининг боласи энди министр! У аста пичирларди: Раҳмат онажон, минг раҳмат сизга! Бир етимни шунчалик одам қилганингиз учун раҳмат!

— Бўлди, унақа дема болам. Бўлди, сен менинг боламсан. Бошқа гап йўқ. Она-боланинг елкалари бир-бирларининг кўз ёшларидан нам эди.



Емғир томчилаб турибди. Ҳаво муссаффо. Топволди Ашуралиевич гала-говур шаҳардан чиққанда оғир тин олди. Машина шаҳар четигаги қабристон, ёнига келиб тўхтади. Ундан тушган министр хаёлга толган ҳолда қўлида бир даста гул билан қабристонга кириб кетди.



Ҳанифа Солиҳова

*Сен ёлғиз эмассан!..*

Қашқарим, Қашқарим, қадимий диёр,  
Фарзандингман ахир, жоним титроқда.  
Замининг зиндонга айланди такрор,  
Сен қийноқда бўлгач, мен ҳам қийноқда.

Осиё бағрида қадим-қадимдан  
Машҳури замин деб номинг бор эди.  
Наҳотки, буқилсанг энди зулмдан,  
Наҳотки шарафинг, шонинг хор энди?

Жаҳолат халқимни айлади сарсон,  
Даштларда тентираб ватандошлар хор.  
Наҳот Ватанига сизмаса инсон,  
Наҳотки, қон ичиб яшаса ғаддор?

Ота-боболардан қолган муқаддас  
Уйғурнинг ўз сўзи қолмади юртда.  
Одаммас, ҳатто тош бардош беролмас  
Обида, ёдгорлик янчилган пайтда!

Маҳмуд Қошғарийнинг қадам  
жолари —  
Минг йиллик тарихга гувоҳ бу замин  
Нечун вайронага, кулга айланди?!  
Тўйғазиб бўлурми аждарнинг комин?!

Қашқарим, Шерозий, устоз Жомийнинг  
Сендаги излари ўйиб ташланди.  
Ёвлар хор айлади инсон номини,  
Жаллодлар нимага, кимга ишонди?!

Буюк Навоийнинг шогирди бўлмиш  
Низорий мероси қайларда қолди?  
Ҳайтгоҳ миноридан қолмади бир ғишт,  
Чинни боғ мисоли ғўристон бўлди!

Оҳ, Торим дарёси, муқаддас дарё,  
Сендан сув ўрнига оқмоқда-ку қон?

Халқнинг фарёдини жам этиб гўё,  
Қирғоққа бош уриб этурсан фиғон?!

Тиёншон устида бугун мусибат,  
Оппоқ қор устида бугун қора доғ.  
Халқимнинг бошига ёғмоқда тухмат,  
Шундай чоғда сукут сақлайин қандоқ?!

Қашқарнинг масъума, ёш-ёш қизлари,  
Хитойда қул бўлди, бағри эзилди.  
Уйғур миллатининг қолмай излари,  
Қашқар рубобининг тори узилди.

Қай бирин айтайин ёниб, ўртаниб,  
Мен — уйғур халқининг содиқ фарзанди.  
Азиз халқим билан кетган чатишиб  
Юрак томиримнинг ҳар банди-банди.

Мен Совет Шарқида яшайпман шод,  
Ленин нурларидан — баҳраманд аёл.  
Аммоки, Қашқардан эшитгач фарёд  
Танимда заррача қолмади мажол.

Инсоний эҳтиром, инсоний ҳурмат,  
Шундайин жобажо, шундай пойдор,—  
Бир юртда яшайман, қиламан ижод,  
Бунда ҳамма миллат бирдай бахтиёр.

Дунё дунё бўлиб инсоннинг қадри  
Совет диёрида топдики маъно,  
Қашқарим, сен ҳам боқ шу ўлка сари,  
Топурсан шубҳасиз дардинга даво!

Вайрон бўлганинчга қолмайсан, Қашқар,  
Мададкор эллардан сўрасанг нажот,  
Кўз ёшларинг оқмас, бўлиб шашқатор,  
Жаллодлар дунёсин этарсан барбод.

Ноланг, нола бўлиб қолмас ҳеч қачон,  
Мен борман, дунёда сен борсан ҳали.  
Жафокаш Қашқарим, эй кўҳна макон,  
Тарихдан ўчмагай номинг зарҳали.

Сендан бошин олиб кетганлар ҳаққи,  
Кўзлари ўйилган фарзандлар учун,  
Ёвлардан ўч олмай тинчима токи,  
Йўқ, қолиб кетмассан хаста, жигархун.

Сен ёлғиз эмассан бу кенг жаҳонда,  
Дунёда халқлар бор — халоскор,  
мушфиқ.  
Бағрингда эрк охир қилур тантана,  
Баралла куйларсан жанговар қўшиқ!

## Навоий ҳайкали қаршисида

Навоий ҳайкалин кўриб турибман,  
 Тўлқинли дарёдай тўлиб турибман.  
 Шеърим оҳангидай оқмоқдадир куй,  
 Беш аср фикридай дилга сингган ўй.  
 Менинг нур асримда улур Навоий,  
 Тарих минбарида кулиб турибди.  
 Гўзаллар қалбидай дур китоб ёзиб,  
 Биз — сезгир авлодга тутиб турибди.  
 Тошкент, қучоғингда мен ёна-ёна,  
 Ҳазрат Навоийни кўриб турибман.  
 Меҳрига қонмасдан мен келиб, мана,  
 Таъзимда бошимни эгиб турибман.  
 Ҳар саҳар пойига гул қўймоқдаман.  
 Истардим, Қашқарда, Навоий каби  
 Низорий, Нозимнинг қадди тикланса,  
 Пушкин ва Лермонтов, кўҳна

Қашқарим,  
 Кўксингни шеърга, нурга тўлдирса.  
 Мен шунда бошимни қўйиб заминга,  
 Лутфулла номидан сени ўпгайман.  
 Уйғурим, қисматинг сўзлаб оламга,  
 Меҳрингни эртанги кунга элтгайман...  
 Назмда Навоий ёққан нур-чироқ  
 Асрдан-асрга ёғду сочмоқда.  
 Мен ҳозир Тошкентда, Қашқардан  
 йироқ,

Янги орзуларим жўшиб-тошмоқда.  
 Тошкент жаҳонимсан, ҳаётим, жоним,  
 Навоий ҳайкалин кўриб турибман.  
 Халқлар дўстлигига азиз маконим,  
 Келажак завқини суриб турибман,  
 Навоий ҳайкалин кўриб турибман.

## Кашфиёт

Замон суруридан яйрагай кўнгил,  
 Кашф этиш ишқида яшайди ҳамдам.  
 Меҳнаткаш одамда бийрон бўлур тил,  
 Шеър ҳам кашфиётдир,  
 Кашфиёт — ҳис ҳам!  
 Қуёш кокилини ўрар йўлдошим,  
 Ойни сирға қилар қулоқларига.  
 Асрдош авлодим —

ҳамдард, дилдошим,  
 Боқар кашф ишқи-ла бари-барига!  
 Янги бир оламни кашф этиб ўзи,  
 Яна ўзи унга боқар маҳлиё.  
 Олис уфқларга қадалиб кўзи,  
 Билар:

кашфиётлар кутади дунё!..



Расул Раҳмонов

# ЧИННИОБОД

## ОЧЕРК

Чўққилари кўкка бош уриб турган Тяньшан тоғи этакларига яқинлашарканмиз, ҳамроҳимиз геолог Абдурашид Абдумавлонов отининг жиловини тортди-да:

— Мен айтган бойликлар шу ерда,— деб сакраб тушди. Бел баравар келадиган турли-туман гиёҳлар, ранг-баранг гуллар тоғ шабадасида оҳиста чейқалар, димоққа муаттар бир ҳид урилар эди. Биз ҳам бирин-кетин оддан тушиб, унинг атрофида давра қурдик.

Геолог Абдурашид Абдумавлонов бизни Тошкент чинни заводи директори Абдурауф Иброҳимовнинг илтимоси билан чиннига яроқли маъданларни кўрсатгани олиб чиққан эди. Уларнинг ёнида содда кийинган, сочи силлиқ таралган бир йигит — заводнинг бош инженери Дилшод Мақсудов ҳам бор эди, у бир қарашдаёқ маъданнинг сифатини айтиб бера оларди.

— Сизлар ўйлаётган муаммони тез орада ечса бўлади,— деди геолог уларга қараб.— Фақат Бутуниттифоқ Керамика илмий текшириш институти ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институти химия-технология факультетининг керамика, ўтга чидамли ва боғловчи моддалар химиявий технологияси кафедраси олимлари билан маслаҳатлашиб, ҳамкорликда иш олиб борилса, пухтароқ бўлади. Геологларнинг фикри аллақачон бизга маълум. Устоз геолог, Ленин мукофотининг лауреати, таниқли олим, атоқли давлат арбоби Ҳабиб Тўлаганов Ўзбекистонда чинни заводи қуришнинг ташаббускорларидан бири бўлган, 1940 йиллардаёқ чиннига ишлатиладиган ҳамма турдаги маъдан конлари ўзимизда борлигини айтган. Ангренда каолин, мана бу ерда оқ қум бор.— Абдурашид бир оз нафас ростлаб, сўзида давом этди.— Қадимий ёзувларда диёримизда баҳор осмонидек ложувард, ойнадек шаффоф, қоғоздек юпқа, танбур товушидек жарангдор, мовий кўл сатҳидек силлиқ чиннилар ишланганлиги айтилган. Ажаб эмаски, бир маҳаллар шу ернинг маъданларидан фойдаланилган бўлса.

Директор сал нарида уюлиб ётган оқ қумдан бир ҳовуч олиб, кафтида шопкириб кўраркан:

— Қалай, бўладими? — деб сўради Дилшод Мақсудовдан.

— Менимча, бўлади, фақат ҳали Абдурашид акам айтганларидек олимлар билан бирга лабораторияларда ҳам назардан ўтказиш керак.

— Ҳозирги кунда,— деди Абдурауф Иброҳимов орқага қайтарканмиз, бизга мурожаат қилиб,— чиннининг хом ашёси Иттифоқимизнинг Марказий районлари: Урал, Сибирь, Украина ва Қозоғистондан, уч-тўрт минг километрлик масофадан ташиб келтирилади. Транспорт овора, маҳсулот таннархи қиммат. Шу сабабли маҳаллий хом ашё тезда ишга солинса, зўр бўларди-да!..

Тошкент чинни заводи ишга туширилганига йигирма беш йилдан кўпроқ вақт ўтди. Заводда дастлабки йиллари бир миллион дона атрофида чинни буюмлар ишлаб чиқарилар, асбоб-ускуналар содда-буюмлар сифати ҳам шунга яраша бўлар эди. Талаб ўсгани сайин йилдан-йилга маҳсулот сифати яхшиланиб, замонавий асбоб-ус-

куналар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Ҳозирги пайтда ҳар йили ўттиз икки миллионгача аъло сифатли чинни буюмлар тайёрланиб, хорижий мамлакатларга ҳам жўнатишмоқда.

— Корхонанинг таржимаи қолини, парвозини, завод турган маҳалланинг Ачаободдан қандай қилиб Чинниободга айланганини биламан десангиз, пойдеворини қурганлар билан таништириб қўяман. Ажойиб одамлар...— дея директор Абдурауф Иброҳимов тўрт-беш кишининг номини айтди. Улардан бири оддий ишчи Ҳикматжон эди.

□

Ҳикмат бир ишга киришса ўйлаб, билиб қилади. Еш бўлса ҳам қишлоқдаги тажрибали тракторчилардан қолишмас, ери шаҳарга туташ Калинин районидеги Ленин номи колхозининг «Журмат тахтаси»дан расми тушмасди. Шунда ҳам баъзан ишидан кўнгли тўлмай: «Бирга тепкилашиб катта бўлган кўп ўртоқларим ўқишни давом эттириб кетишди. Олим, инженер бўлишди. Уй-рўзгор ташвиши бўлмаганда, мен ҳам бўш келмасдим», деб қўярди. Кунларнинг бирида туни билан ўйлаб, чиннисоз бўлишга аҳд қилди. 1955 йилда Тошкент чинни заводида ишга кирди.

— Содда, оқ кўнгил бола, бирон кишининг сўзига учган бўлмасин, иссиқ жойини совитмасин, колхозга қайтсин. Тушунтир, заводнинг иши оғир бўлади. Қўлида ҳунари, тузукроқ билими бўлмаса, эплолмай шармадаси чиқмасин тагин. Колхозга қайтсин... Тушунтириб қўй, қатнаб ишлаш ҳам осонмас,— деди колхоз раиси «қочоқ»нинг бир ўртоғига.

— Ҳали ҳам қайтмоқчимасман,— деди Ҳикмат дўстининг гапини тинглаб туриб.— Узримни айтиб қўй. Осонликча жавоб бермасликларини билардим. «Йўқ!» деб қолсалар, сўзларини икки қила олмаслигимни билиб, индамай келганман. Бу менинг айбим. Колхоздан нолийдиган жойим йўқ. Янги ҳунар— чиннисозликка ишқибоз бўлиб қолдим. Тани-жоним соғ бўлса, сизларни уялтирмайман.

Ҳозир заводда ҳаммаси бўлиб, 115 киши ишляпти. Улар ҳам менга ўхшаган, бири косиб, бири хизматчи, анави аёл Роҳат опа Нишонованинг энди ишга чиқиши. «Менинг ҳунариммас, кўлимдан келмайди, йўлим олис», деб жойимиздан силжимасак, заводни киём юргизади, ўзбек чинниси қачон чиқади. Кейин инсон умрида бирон янгиликка ҳам қўл уриб кўриши керак-да!

— Қайдам, иссиқ ўрнингчи совитмаганинг маъқулмиди, дейман-да. Суягинг деҳқончиликда қотган, қийналиб қолмасмикансан?...

Ҳикмат эртанги кунига жуда катта ишонч, умид билан қарарди. Тўзимлилик, сабру тоқат унинг фазилати эди. Ҳозирги замон шароитига мос уй-жой беришадими— беришадими, фарзандларни ясли-боғчага жойлаштириши мумкинми— мумкин, кейин хотини ҳам ишласа бўлади, даромад ҳам ортади, бўш вақт ҳам кўпаяди. Илғор, тажрибали ишчи сифатида ўқишга ҳам қийналмай кириш мумкин. Хуллас, яхши уй-жой, домий тузук маош, ўсиб-униш учун ўқишга имконият... қолганлари бўлаверади. Фарзандлари ҳам шаҳарлик бўлиб кетишадими!

— Бўпти, жўжани кузда санаймиз, мяннг ачиб қолибди!— дея Ҳикматнинг сўзини шарт кесиб, хайр-маъзурни насия қилиб, жўнаб қолди меҳмон.

Ҳикмат иш жойига қайтаркан, кўнглидан ўтказди: «Яхшиям қилаётган ишимни кўрмади, бўлмаса буни ҳам гап қиларди. Бу ишни ўзим сўраб олганимни билиб ўтирибдим!»

□

Деҳқонзода 1949 йилда Октябрь районининг қадимги Ачаобод— ҳозирги «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласидаги кулолчилик эртели ўрнида чинни заводи қурила бошлаганини эшитган эди-ю, келиб кўрмаганди. «Ишга кираман», деб келган кунни кўзларига ишонмади.

Едида, ёшлигида уйлари яқинидаги жарликда мол боқарди. Жарликнинг бир боши Ачаобод гузарига келиб тақаларди. Бу ерларда хонадон кам бўларди. Атроф нуқул экинзор, боғ-роғ бўлиб фақат ёз ойлари бир оз жонланарди. Боғларнинг шаҳарлик эгалари вақтинча келиб туришарди. Кузга бориб, ҳаммаёқ яна хувиллаб қоларди. Кунлардан бирида, нарироқда мол боқиб юришган болалар бирдан чувиллаб қолишди. Ҳикмат чопиб борса: булоқлардан бирининг суви лойқаб, пуфакчалар чиқиб ётибди— бир оғайнисининг сигири чўкиб кетибди. Ушанда ҳеч ким ҳеч нарса қилолмаганди... Атроф-теварак ботқоқлик, кўл, қамишзор эди. Кунчиқар томонда торгина боғ кўча бор эди, икки гилдиракли арава ўтса, гупчаги девор ўрнига ихота қилиб қўйилган шохларни юлиб ўтарди. Шу йўлдан юрилса, гумбазга ўхшаган тупроқ тепа чиқарди. Унинг этагидаги ертўлада уч-тўрт киши ҳар хил идиш-товоқлар ясашарди. Зиё ота деган кулол байрамларда ичига сув солиб пуфланса булбул бўлиб сайрайдиган хуштак ясаб берарди.

Бугун ўша кулолчилик артелининг кўримсиз иморатидан ном-нишон қолмабди. Ойнавандли, баланд бино қад кўтарибди. Атроф ҳам фикж-фикж иморат. Жарлик тўлдирилиб, боғ қилинибди. Боғнинг бир қисми пионерлар ихтиёрига берилибди. Абдулла

Набиев номли Пионерлар уйи ташкил этилипти. Нариги ёғи Қорақамиш массиви. «Коммунизм» колхозининг экинзорлари ўрнида кўп қаватли уйлар...

Эрталаб заводга борган Ҳикмат пешингача унинг дарвозаси ёнида кимга учрашини, нима дейишини билмай айланиб юрди. Эшикда турган киши зийрак одам экан, буни пайқаб йигитни имлади:

— Мен — Усмон Маърупов бўламан, шу ерда ишлайман. Нима хизмат бор эди, тортинмай айтаверинг?

— Мен ишга кирмоқчи эдим, — деди у қувониб.

— Жуда яхши, завод сиздақа азаматларга муҳтож. Юринг, мен сизни заводнинг бошлиғига олиб кираман.

Йўлда истараси иссиқ, ўрта бўйли, ҳаракатчан аёлга дуч келишди.

— Татьяна Морозова, бошлиқни кўрмадингми? — деб сўради Усмон ака аёлдан.

Аёл унинг идорадалигини айтди.

— Экспедиторимиз, заводнинг пойдеворини қўрганлардан, — деб таништирди у. Сўнг, тўғри эшигига: «Директор» деб ёзилган хонага бошлади. Кириб, чеккада ўтиришди. Директор рўпарасида ўтирганларга мурожаат қиларди:

— Ҳурматли ўртоқлар, шу атрофдаги кишилардан ишга тортишга ёрдам берсангизлар. Уйда ўтирган аёллар бўлса ҳам майли. Бу йил чинини сотишга чиқаришимиз керак. Волга бўйидаги Дульева чинни заводига ўқишга юборган кишиларимиз энди янги келганларга устозлик қилишади. Дульевадан олти ойга келган уста Яков Моисевич Ратуш кетмасдан кўпроқ одам келса, кўпроқ нарсани ўрганиб қоларди.

— Ҳозиржавобликни қаранг! — деди Усмон ака кулиб. — Қабул қилинг, Ҳикмат...

— Нима ишда ишлагансан илгари? — деб сўради бошлиқ. Ҳикмат негадир жим турарди.

— Тортинма, ишчи юрагидагини очиқ айтадиган, дадил киши бўлади.

— Чинни маъдан тошдан бўлади-а? — деб сўради у жавоб ўрнига. — Аввалги ишимни суриштириб, унга мос иш бермасангизу, шу чинни масаллиғи завод эшигидан кириб келгандан кейин қилинадиган биринчи ишни бажарсам. Чинни қандай чиқишини билиб олардим.

Ишчилар борки, уларга қандай топшириқ берилса, уни бир нави бажаришади-да, бепарво юраверишади. Бундай кишилар на ўзларининг, на корхонанинг тақдири билан қизиқадилар. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, сўраб ўрганиш, янгиликлар яратиш билан қизиқмайдилар.

— Мен бу ёққа келаяганимда бир таниш кекса ишчи билан суҳбатлашдим, — деди Ҳикмат ёнида ўтирган Усмон акага қараб. — Шундай кишилар бор эканки, улар ўз меҳнатига, касбига ижод деб қараркан. Ҳамиша яратиш, излаш билан банд бўларкан. Меҳнатни унумли қилиш, коллектив аъзоларининг ишини осонлаштиришни ўйларкан. Билмадим, шундай бўла оламанми, йўқми, лекин, илтимос, менга шундай ишчи устоз бўлса?..

□

Орадан бир йил ўтди. Ўзбекистонгина эмас, бутун Урта Осиё кўз тикиб турган янги, зарур заводни тўла қувват билан ишга тушириб юбориш, кенгайтириш зарурати туғилди. Заводга бир неча йиллар Тошкент шаҳар ижроия комитетида раис бўлган, Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатимизнинг турли бурчақларидан кўчиб келган корхоналарни тез ва соз жойлаштиришда жонбозлик кўрсатган Содиқ Ҳусайнов директор; партия, совет ишларида чиниққан Абдурауф Иброҳимов эса унинг ўринбосари бўлиб келди. Содиқ Ҳусайновнинг ҳар замонда бир гапириб, қовоғини очмаганини кўрган кишилар аввалига сиқилишди. Бунинг устига эрта тонгдан ишчиларни унинг ўзи кутиб оларди.

— Аввало, коллективда ташкилотчилик ва тарбиявий ишларнинг юқори даражада бўлишига эришишимиз, керак — дерди у.

Бунда у корхона партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг ёрдамига, Октябрь район партия комитетида ишлаб малака орттирган Абдурауф Иброҳимовнинг тажрибасига таянарди. Сермулоҳаза, меҳнаткаш, ташаббускор ёрдамчиси борлигидан ичида қувонарди.

— Директоримиз меҳнат интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ишдан бўша-тиш, паст ишларга тушириш каби маъмурий чораларни қўллашни маъқул кўрарди. Баъзи ишчилар, ҳунарманд мутахассислар бу чораларга чидашдан кўра бўшашни афзал кўрарди. Кейинчалик ҳаммаси ўзгариб кетди...

Заводнинг юксалиши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Заводда маҳсулотлар кўргазмаси бор. Дастлабки йилларда ишлаб чиқарилган буюмлар қўпол, қалин, оқиб тушган, қинғир-қийшиқ, сарғимтир. Сўнгги йилларда ишлаб чиқарилаётган чинни идишларга бугунги кунда турли халқаро кўргазмаларнинг совринлари берилляпти.

— Бу ишларда, — дейди Ҳикмат, — дилкаш, меҳрибон мутахассисларимизнинг, бошлиқларимизнинг ишчанлиги, ҳамкорлиги, уларнинг кўмаги, маслаҳати, айниқса ишчиларнинг аҳиллиги жуда катта иш берапти. Абдурауф ака ким билан суҳбатлашмасин — ишга муҳаббат уйғотади.

У дадил-дадил гапирарди. Гапирганда ҳам корхонанинг кўрсаткичларини шунчаки айтиб қўямасди; уларга ўзининг муносабатини билдирар, улар устидаги мулоҳазаларини қўшиб сўзларди.

Ишга қирмоқчи бўлиб келган куни завод эшиги тагида тортиниб турган, директор хонасида қизариб, тутилиб гапирган Ҳикматга тамом ўхшамасди. Утган даврда тажрибали ишчилардан, инженерлардан кўп нарсани ўрганибди, партия сафига кирибди. Ҳозир цехда сиёсий ахборотчи экан. Утган йилларда йигирмага яқин хунарни ўзлаштириб олибди, еттига катта ихтирочилик таклифини киритибди.

Коржомали бир йигит келиб, Ҳикмат акани чақириб кетди. Биз тагин анча фурсат Файзулла Раҳматуллаев билан корхона ҳаётидан гаплашиб турдик.

Завод 1952 йилда синов тариқасида биринчи маҳсулотни берган экан. 1953 йилда бор йўғи 54 минг сўмлик уч хил идиш; пиёла, лаган, чойнак ишлаб чиқарилибди. Уша йилларда заводда биргина ишлаб чиқариш биноси бўлган. Ҳозир қўша-қўша корпуслар, маъмурий бинолар бор. 1963 йилда Содиқ Ҳусайнов бошқа ишга ўтгач, директорликка тайинланган Абдурауф Иброҳимов сиртдан ўқиб, малакали иқтисодчи бўлиб етишди. Заводда ҳисоб-китобни яхши йўлга қўйди, тежамкорликни йўлга қўйиб, ишлаб чиқаришга механизацияни кенг жорий этиш учун жиҳдий курашди. Утган даврда лойиҳада кўрсатилган қувват тўла ўзлаштирилди. Технология жараёнлари механизациялашган, ярим автоматлаштирилган иккинчи корпус, ремонт — механика цехи, янги ошхона, клуб ишга туширилди. Заводга газ келтирилди, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш маданияти ортди, сарф-харажат камайди. 1957 йилдан бошлаб завод давлатга катта фойда бериб келади. Ҳозир корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг тури 30 дан ортди.

□

Абдурауф Иброҳимов билан заводнинг реконструкцияси давом этаётган кунлардан бирида учрашиб, катта, ёруғ, янги биноларни айланиб чиққанамизни эсладим.

— Биз,— деб ҳикоя қилган эди ўшанда директор коллектив ютуғидан фахрланиб,— аввалига, вақтнй кўп оладиган, иш унумини орқага тортадиган, маҳсулот сифатини пасайтирадиган, сарф-харажатни кўпайтирадиган қатор ишларни механизациялашга киришдик. Пиёла қуюшни штамповкага кўчирдик. Цехларда сочилаб кетган турдош ишларни бир жойга уйғунлаштирдик. Айтайлик, лой тайёрлашни ҳар бир цехда алоҳида-алоҳида эмас, бир жойга жамладик. Бу билан ҳам куч бирлашди, ҳам сифат ошди, ҳам ҳажм ортди. Санаб ўтирмайман, кўп ҳаракат, кўп ўзгаришлар қилинди. Шу боис, бир-биридан ажратиб қурилган цех биноларини туташтириш, бирлаштириш фикри туғилди.

Шунда баъзилар, иккиланди ҳам. Лекин биз бари бир қаттиқ туриб олдик. Кейин цехларда, бригадаларда ишни енгиллаштирувчи ихтирочилик таклифлари туғила бошлади. Ҳикмат Холтожиевнинг ўзи бир йилда ишлаб чиқаришга тўртта катта янгилик киритди. Меҳнат унумдорлиги ошгач, ўз-ўзидан мукофот ҳам кўпайди, кишилар меҳнати ҳам анча енгиллашди.

Абдурауф Иброҳимов 1925 йилда туғилган, эсини танигандан буён республиканинг қатор районларида масъул лавозимларда меҳнат қилган. Андижон областининг Пахтаобод, Хўжаобод районлари ижрония комитетида, комсомол комитетида ишлаган. Тошкент шаҳрининг Октябрь район партия комитетида инструктор, саноат бўлимининг мудирини бўлган йиллари унинг катта ташкилотчилик, энг муҳими кишилар қалбига йўл топа билиш қобилияти намоён бўлди. Республика партия мактабида олган назарий билими ишни пухта ташкил этишга, илмий асосда, айниқса заводни қайта реконструкция қилиш йилларида жуда асқотди.

□

Устод Навоийнинг 525 йиллик тўйи арафаси — 1968 йилнинг январиде завод ҳовлисида шошилиб келаётган бош расм Ботир Собиров билан учрашиб қолганимни эсладим. Ушанда орамингда шундай сўхбат бўлиб ўтган эди:

— Йўл бўлсин?

— Абдурауф Иброҳимович чақириптилар,— деганди у.

— Тинчликми?

— Бирон янги фикр туғилган бўлса керак. Иш кўп эди ўзи. Навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонов ҳам бор эмишлар. Ҳеч тинч ўтирмас эканлар-да!..

— Нима, ёмонми, тинчимасалар?

— Аксинча, яхши!— деганди у кулиб.— Бизга яхши, янги мавзу, янги гул, янги чинни идиш туғилади. Шаҳсан мен ўзим кўп нарсани, гапнинг очиғи, у кишининг маслаҳати билан ишлаганман. Бир куни бошимга текилиб туриб, гаримдори нусха гул фақат дўппида бўлиши шартми, дедилар. Кейин шу нусхада чинни яралди. Бир куни археолог олимимиз Яхъё Ғуломов бир меҳмон билан келиб қолдилар. Уларни хурсанд қилиб кузатиш биланок, ҳозиргидек, бизни ўз хоналарига чақиртирдилар. Қарабсизки, қадимий Афросиёб шаҳридан топилган расмлар асосида янги нусха гулли чинни идишлар чиқиб турипти. Қайси бирини айтай? Кўп! Кўрасиз, яна бир янги топширик бўлади...



Кейин борганимда аниқласам, Навоий тўйи муносабати билан унинг ғазалларидан парчалар ёзилган, расми туширилган 360 минг дона чинни идиш чиқарилибди. Г. Петрухина, Д. Пўлатова, Т. Иброҳимов, Д. Олимжонов сингари чиннисоз фидокорлар қолипга солган, рассомлардан Анвар Нўъмонов, Ботир Собиров, Рая Борисова, Ҳожия Азизова безаган, ўз ҳунарларининг моҳир эгалари Собир Тўхтаев, Ш. Пўлатова ва бошқа кишилар пиширган чиройли, бежирим, ранг-баранг ўзбек чиннисининг жаранги бутун дунё бўйлаб кўргазмаларда таралмоқда; Совет ҳукуматининг Шри-Ланка, Руминия, Канада, Норвегия, Гвинея, Бразилияда ташкил қилинган савдо-саноат кўргазмаларида, Дамашк, Познань, Лейпциг ва бошқа қатор шаҳарларда бўлиб ўтган халқаро ярмаркаларда юқори баҳо олган. Шундан сўнг чехословакиялик чиннисозлар келиб тажриба алмашиб кетишди.

□

— Куттириб қўймадимми?..— Гапга берилиб кетиб, Ҳикматнинг келганини ҳам сезмай қолибмиз.— Ҳалиги чақирган йигит— цех бошлиғимиз. Тоир Маҳаматов, яқинда политехника институтини тамомлаб келган, баъзи ишларда бир-биримиз билан маслаҳатлашиб турамыз.

— Яхши...

Кейин биз цехга кириб, иш устида суҳбатлашдик. Сидқидилдан қилинган самарали меҳнатнинг шарофатини қаранг: Роҳат опа Нишонова 1965 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, Иноғом ака Икромов «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланибди. Усмон ака Маъруфовнинг кўксига Октябрь революцияси ордени порлаб турибди. Ҳамқишлоқларини уялтирмай, бир жойда ўғиб-ўсиб келаётган Ҳикматнинг эса саккизинчи беш йиллик планларини бажаришга қўшган ҳиссаси партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланибди. У олий нишон— Ленин ордени билан тақдирланибди.

Абдурауф Иброҳимов намунали меҳнати учун СССР Министрлар Советининг мукофотига сазовор бўлганини чиннисозлардан эшитиб севиндим.

Заводга ўттиз йилдан бери бот-бот бориб тураман. Ҳар борганимда бир янгиликни кўраман. Аввалги суҳбатимиздаги ҳамма режалар республикамиз бўйича ҳам, завод бўйича ҳам тўла амалга ошган: Тошкент чинни заводи қаторида Самарқанд, Қувасой чинни заводлари мўлжалдан ошириб маҳсулот бераёпти. Корхонанинг реконструкцияси тугалланиб, ҳозир ҳар йили 32 миллион донадан маҳсулот бераёпти. Янги— яна шунча қувватга эга бўлган цехларнинг шу йил ишга туширилиши кўзда тутилмоқда. Цехларни айланиб, рассомлар хонасига ҳам бирров йўлим тушди. Узбекистон ССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофоти лауреати Чингиз Аҳмаров билан СССР Рассомлар союзининг аъзоси, заводнинг етакчи мўйқалам устаси Анвар Нўъмоновнинг янги ижод маҳсулини бизга кўрсатишди. Рассомлар ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Кашмир кўшиғи» асари асосида ажойиб расмлар яратиптилар.

Тошкент чинни заводининг ажойиб аҳил— икки ярим минг кишилик коллективи жонажон партиямизнинг XXVI съезди қарорларига амалий жавоб бериш иштиёқида астойдил меҳнат қиляпти. Меҳнатсевар кадрдон танишимиз Ҳикмат Холтожиев эса ўн биринчи беш йиллик топшириғини икки ярим йилда тўла адо этишга аҳд қилганини эшитиб дилдан севиндик.





ОТАЛИФИМИЗДАГИ  
КОЛХОЗДА

Умринисо Асқарова

## ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

ЛАВҶА

*Ҳар бир беш йиллик ўз  
қаҳрамонларини яратади.  
Н. И. Брежнев.*

**Б**аъзан рақамларнинг маънолари шундай кучли бўладики, уни ўқиганда киши лол қолади. Айниқса рақамларда марди майдонларнинг иши акс этган бўлса! Буни Тошкент область, Оққўрғон район, Ҳамид Олимжон номли колхознинг фақат пахта соҳасида беш йилликлардаги кўрсаткичларидан аниқ кўриш мумкин. Масалан: колхоз бўйича пахтадан 1970 йил 2940, 1975 йил 3516, 1980 йил эса 4402 тонна ҳосил етиштирилган. Бу рақамларни бунёд этишда моҳир, жонкуяр колхоз аъзоларининг ҳиссаси каттадир. Пахтакор Солижон Каримов ана шундайлардан биридир.

□

Инсон ҳаётида шундай воқеалар юз берадики, улар умрнинг охиригача хотирада қолади. Чунки, аслида улар инсон турмушининг бурилиш нуқталари бўлади...

У таълим олган Ҳамид Олимжон номли 13-ўрта мактабда «Ким бўлсам экан?» деган мавзуда адабий кеча ўтказилди. Бу кечани Солижонларнинг синф раҳбари Раъно опа Қосимова олиб борди. Унда колхоз раиси Ҳасанбой ака Эргашев ҳам қатнашди. Эргашев ўқувчиларга колхоз ҳаёти ва пахтакорлик касбининг завқи ва машаққатли томонлари ҳақида гапирди. Пахта етиштиришда учрайдиган қийинчиликларни энгишда комсомол-ёшларнинг роли ниҳоятда катта эканлигини ўқтирди. Ёшларни колхозда қолиб ишлашга, техника сирларини пухта ўрганишга ундади. Ўқувчилар Ҳасанбой аканинг сўзларини тинглар эканлар, ҳаяжондан энтикиб қўйишарди. Дилларида эса ҳар қандай қийинчиликларни енга оладиган моҳир пахтакор бўлиш орзуси мавж уради.

Шунинг учун бўлса керак раис сўзини тугатганда гулдурос қарсақлар янгради. Кейин зал сув куйгандек жимиб қолди. Бу жимликни ўртарақда ўтирган Солижоннинг овози бўлди. У саккизинчи синфни тугатгандан сўнг колхозда қолиб ишляяжаги ҳақида сўзлэди ва дўстларини ҳам шунга ундади. «Ишлаш билан биргаликда кечки мактабда ўқишимни ҳам давом эттираман», деди у сўзининг охирида.

Абдулла Тўлаганов, Нишонбой Абдусатторов, Нодир Султонов, Малика Алданова, Жамила Маматқуловалар ҳам кечада сўзга чиқди ва Солижон айтган фикрларни қўллаб-қувватлашди. Шундан сўнг Солижоннинг ташаббусига жуда кўп комсомол-ёшлар қўшилди.

1962 йил. Ёшлар эндигина мактаб қучоғидан пахтазор томон йўл олган бир пайт. Уларга моҳир пахтакор, донгдор бригада бошлиғи Аброр Нурматов ўз касби-

нинг сирларини ўргатади Дастлаб комсомоллар қандай иш бўлса, ўшани бажаришди. Кетмон билан ер текислашди. Сувчи бўлиб ишлашди. Белларига этак боғлаб пахта теришди.

Солижон ҳаётидаги ўша йил машаққатли, оғир бўлди. Энди меҳнат қучоғига қадам қўйиб, шод-хуррамлик билан келажак ҳақида режалар тузиб юрарди. Лекин ҳаёт у ўйлагандай бўлиб чиқмади. Орзулари сўнгандай бўлди... Оиланинг суянган тоғи, мададкори отаси вафот этди. Бу жудоликдан сўнг Солижон ўксик ва камгап бўлиб қолди, лекин букилмади. «Онамни ва меҳрибон укамни ёлғизлатиб қўймайман. Албатта, меҳнатдан ўз бахтимни топаман», дерди ўзига-ўзи қатъий равишда. «Отажон, отажоним, сиз менинг бахтли келажакимни кўра олмадингиз. Лекин мен сиз орзу этгандек, ҳалол ва пок яшайман. Сиз орзу этгандек ишлайман. Сиз орзу этгандек камтар бўламан, шухрат кетидан ҳеч қачон қувмайман, ҳеч қачон манманликка берилмайман, отажон!» Солижоннинг ўксик қалбини ва жудолик дардини вақтгина, меҳнатгина даволай олди.

Орадан тўрт йил вақт ўтди, Солижон ва унинг меҳнатда яқин бўлиб қолган дўстлари Нишонбой, Нодир, Жамила, Абдулла, Маликалар колхоз бригадаларида қайси участкада иш оғир бўлса, ўша жойга бориб ишлашди, гоҳо канопо етиштириш ишларига ҳам кўмаклашдилар. Солижон 1966 йилда механизаторлик курсини тугатди. Уша йили ХВС маркази пахта териш машинасида 62 тонна пахта терди. Бу унинг биринчи ютуғи эди.

1967 йил. Колхозда правление аъзоларининг йиғилиши бўлаётган эди. Колхоз раиси Ҳасанбой Эргашев сўз олиб шундай деди: «Канопо етиштириш ҳам хўжаликнинг энг муҳим соҳалардан биридир. Шунинг учун уни зинҳор кўздан қочирмаслигимиз керак. Солижон меҳнатсевар ва ишбилармон йигит. Айниқса, у ерни қадрлай оладиган жонкуяр деҳқон. Солижоннинг мана шу фазилатларини ҳисобга олган ҳолда уни канопо звеносининг бошлиғи қилиб тайинласак нима дейсизлар?»

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Колхоз аъзоларининг ишончи Солижонга қанот бағишлади. Шу йилнинг ўзидаёқ унинг звеносида 185 центнердан канопо етиштирилди. 1969 йилга келиб эса, ҳосилдорлик 205 центнерга кўтарилди. Муваффақиятларнинг асосида заҳматли меҳнат, ерга муҳаббат ётарди. Бу хусусиятлар эса халқимиз томонидан ҳамisha қадрланиб келинган. Шу йили унга колхоз томонидан мукофотга телевизор берилди.

1970 йилда Солижон қир зонасидаги янги очилган пахта бригадасига ўтишни ихтиёр қилганди, правление аъзолари рози бўлишди. У звенога раҳбар бўлди. Шу йилгек звеносидаги ҳосилдорлик 29 центнерга етди. Унинг ўзи эса машинада 80 тонна пахта терди. Лекин ғайрат-шижоати тўлиб-тошган Солижонни бу кўрсаткичлар қааноатлантормади...



Қиш. Атроф совуқ. Оппоқ қор кўзни қамаштиради. Солижон ҳар доимгидай эрта тонгда уйғониб, далага йўл олди. Изғирин шамолда қор учқунлари уйнайди. Аёзли қишнинг бу манзараси Солижонга қандайдир бир завқли кайфият бахш этарди. Чунки қиш қанча аёзли келса, шунча яхши! Экинларга айниқса, пахтага зарар келтирувчи ҳашаротларнинг уруғи қурийд.

Совуқдан изғирин шамолдан қизариб кетган юзлари, қулоқларини ишқалар экан, ўзича кулимсираб қўйди.

— Ҳа, Солижон, нима бўлди сенга, бизларни танимадингми? — деган бир озгина ҳазил аралаш овоз эшитилди.

— Э, кечирасизлар! Ҳаёл билан бўлиб... сезмай қолибман.— Булар унинг синфдошлари Малика Алданова билан Жамила Маматқуловалар эди.

— Яхши юрибсизларми, соғ-саломатмисизлар?

— Раҳмат. Шундоқ совуқда йўл бўлсин!

— Далани айланмоқчи эдим. Қирги зонага кетяпман.

— Бултурги ҳосилдан кўнглинг тўлмадимми дейман?— сўради Жамила.

— Ҳа,— тан олди Солижон.

— Ҳўш, энди нима қилмоқчисан?

— Фикрингни эшитайлик-чи, балки ёрдамимиз тегиб қолар,— гапга қўшилди Малика.

Солижон синфдошларининг кўнгли сўрашидан руҳланиб кетди. Бир оз ўйланиб қолди:

— Қирги зонада кам ҳосил етиштирилишининг энг асосий сабабларидан бири у томонларга одамларнинг кам жалб этилишида.

— Гапинг тўғри. Лекин бунинг иложини топса бўлади. Биз-ку, у ерга бориб ишлай олмаймиз. Сабаби оиламиз, фарзандларимиз бор. Колхозда ишлаш билан бирга уларни тарбиялашимиз керак. Пахтага деҳқонча бир меҳр билан қарасак, фарзандларимизга оналик меҳримизни бахшида этишимиз зарур. Сенга маслаҳатимиз шуки, сен аввало, ёшларнинг қалбига йўл топ. Уларни қирга жалб этсанг, нур устига аъло нур бўлади.

— Ҳа, жуда яхши маслаҳат. Сизларни совуқ қоттириб қўйдим. Майли, энди мен борай.

Солижон синфдошлари билан самимий хайрлашгандан сўнг яна йўлида давом этди.

Қирги мавзегга яёв етиб боргунча унинг телпаги тагидан кўриниб турган сочлари, қошлари ва кўзларини қиров қоплаб слди. Беғубор осмон билан тутшиб кетган баланд-пастиликлардан иборат даласига суқланиб меҳр билан қараркан, вужудига қайдандир куч келиб қуйилаётгандек сезди ўзини. Унинг одати шунақа. Доим бирор масала устида ўйлай бошлади дегандан дарров далага йўл олади. Гоҳо ярим кеча, гоҳ эрта тонг, гоҳ изғирин совуқ, жазирмама офтоб унга писанд эмас. Далага ошиқади. Гўёки Она-ер билан ҳам гаплашади, ундан маслаҳатлар олади.

Солижон Каримов кадрдон делаларига тикилиб туриб:

— Ҳа, ҳа,— деди у ўзига-ўзи,— аввало инсонлар қалбига йўл топиш керак!..

Солижон уйга жуда баланд руҳ билан қайтди. Ёшларни қир зонасига жалб этиш осон бўлмади. Айрим ота-оналар норози бўлишди. «Шунча ўқиб колхозда ишлайдими? Биз ўғлимизни ўқимишли бўлишни истаймиз. Мактабни ҳам аъло баҳо билан тугатган. Ишласанг, ўзинг ишлайвер ўша қирингда — офтобга куйиб, қора мойга беланиб. Бизнинг ўғлимизни йўлдан урма!» деган гаплардан ҳам анча-мунчасини эшитиб олди.

Лекин Солижондаги қатъият ёшларга ўз таъсирини ўтказди. Улар Солижоннинг тарафини олишди ва ота-оналарини рози этган ҳолда эзгу ниятининг амалга ошишида комсомолчасига кўмаклашдилар. Уста пахтакорлар ҳам қўл қовуштириб ўтирмадилар. Айниқса, кўп йиллардан буён қир зонасида юқори ҳосил етиштириб келаятган донгдор бригада бошлиғи Доурбой Усмонов кўп ёрдам берди. Шу сабабли Солижон Каримов қир зонасига кўплаб кишиларни жалб эта олди. Булар асосан ёшлар эди.

Яна бир воқеа унинг эсида. Уша йиллари у одати бўйича дала айланиб юрарди. Нарироқда уни кузатиб турган шогирдлари (энди унинг шогирдлари ҳам бор эди) Очил Ғаффоров, Уммат Абубакировларни анчагача кўрмади.

Охири ёшлар чидаб туrolмадилар:

— Солижон ака, ким билан гаплашаяпсиз?— сўради Очил Ғаффоров.

Солижон одати бўйича мийиғида кулиб:

— Гаплашаяпман десам ҳам бўлади,— деб жавоб берди.— Она-ер билан.

— Қизиқ! Ер? — таажжубланди Очил.

— Сиз эшитмаганмисиз?

— Ҳа, ер билан суҳбатлашса бўлади. Лекин шуни яхши билингларики, ер эзмаликни ёқтирмайди. У ҳам ранжийди, азоб чекади.

— Қизиқ бўлди-ку?! — деди ўша таажжуб, ўша ҳайрат билан Очил. Уммат эса уларнинг гапларига сукут сақлаб қулоқ соларди.

— Ҳа. Ер билан гаплашса, унинг дилидагини эшитса бўлади. Мисол учун... агар ерга унинг дилидагини билмай ортиқча миқдорда химчявий ўғитлар солинса борми, ҳосил ўша йили камайибгина қолмай, балки бунинг касри кўп йилларга етади. Унда ерни даволашга тўғри келади. Ҳосил деҳқоннинг ерни қанчалик яхши билишига жуда боғлиқ. Агар деҳқон ялқов бўлса, ерни ўз вақтида тўйимли маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантирмаса, вақтида қондириб сўғорилмаса, сув қуйган чоғда ҳам гоҳ қўллатиб, гоҳ чўллатиб сўғорса, чопиқ амал-тақал ўтказилса, кузги шудгор яхши бўлмаса, хуллас — мана шу мингта агарлардан биронтаси ернинг дилидагидек бажарилмаса, пахта ҳосили кўнгилдагидек бўлмайди. Чунки бу ишловнинг ёмон бажарилиши иккинчи ишловга таъсир этади. Ер эса буни асло кечирмайди.

Боядан буён гапга аралашмай жим турган Умматга жон кирди, у ҳам баҳсга аралашиб кетди:

— Бундан шу нарса маълум бўлдики, кичик бир нуқсон вақт ўтган сари жуда катта ва тузатишимиз қийин бўлган камчиликларни келтириб чиқарар экан-да?!

— Ҳа, мени тўғри тушунганларингдан хурсандман. Деҳқон учун ҳар бир фурсат, ҳар бир дақиқа — олтинга тенг. Деҳқон вақтини бекорга сарфламаслиги зарур. Алмашлаб экиш анча қийин иш. Лекин пахта делаларида жорий этиш зарур бўлган муҳим ишлардан биридир. Энг муҳими тўрт фаслда ҳам ишни бўшаштирмай, уюшқоқлик билан олиб боришимиз керак. Шундагина кўзланган мақсад амалга ошади. Ер эса ўз саховатини биздан аямайди. Ерни тўйдирсанг, эъозласанг у элни тўйдирди, деган мақол шундан келиб чиққан.

— Донишманд бўлиб кетинг-э, Солижон ака! Ҳақиқий устоз пахтакорлардек гапиряпсиз.

— Жуда ошириб юбордиларинг. Қани, энди ишларингга бора қолинглар.

Ёшларга ўз ҳаёт йўли билан ўрناق бўла олган Солижон қирги зонада алмашлаб экиш оғир бўлишига қарамай, колхоз правленийеси аъзоларининг ёрдамига таяниб, уни йўлга қўйди. Ерни тўйимли маҳаллий ва минерал ўғитлар билан таъминлади. Кекса, тажрибали пахтакорлар билан ҳамкорликда ишлади. Билмаганларини сўраб ўрганишдан орланмади. Натижа...

1971 йили ҳосилдорлик 31 центнер, 1972 йили 33 центнер, 1975 йили эса 43 центнерга кўтарилди. Солижоннинг ўзи терим машинасида 165 тонна пахта терди. Звено аъзоларидан Раим Умурзоков, Турғунбой Аширматов, Дилбар Абдуллаевалар пахта ҳосилдорлигини оширишда ўз ҳиссаларини қўшдилар.



1980 йил. Республикамизнинг меҳнат аҳли мамлакатимиз ҳаётидаги улкан воқеа бўлмиш КПСС XXVI, Узкомпартиянинг XX съезди нафаси билан яшамоқда эди. Уз меҳнат жасоратларини съездга арзигулик тухфа қилиш билан жавлон урган Солижон Каримовнинг звеносида ҳам ишлар чакки бўлмади. Звено гектаридан қирқ центнердан ҳосил етиштирди. Солижоннинг ўзи машинада 295 тонна пахта териб, юқори кўрсаткичлари учун «Жигули» автомашинаси билан мукофотланди.

...Қут-барака билан тўлган куз ҳам ўтди. Республикамиз бўйича тайёрланган «оқ олтин» хирмони дилларга қувонч солди. Солижон пахтадан бўшаган ерларни шудгор қилаётган шогирдлари Равшан, Нуриддин, Илҳомлар олдига шошаётганди. Унинг хаёли келгуси йил гами билан банд эди. Пахтадан бўшаган жойларни 30—35 сантиметр чуқурликда ҳайдамаса бўлмайди.

— Ҳой, دادаси, сиз қачон мундоқ оёқни узатиб ўтирасиз?!— кунониб гапирарди Солижоннинг умр йўлдоши.— Доим даладасиз, пахтанику, аллақачон териб бўлдингиз. Мундоқ дам олсангиз бўлмайдим. Болаларимизнинг сизни кўрмаганига ҳам анча бўлди. Доим ярим кечада — улар ухлаганда кириб келасиз.

— Ҳали дам оладиган вақт ҳам келиб қолар,— дедию Солижон гапни чўзмай кийинди-да, далага йўл олди.

Дала бошига етиб келиб шогирдлари ишини кўздан кечираркан, ернинг сифатли шудгорланаётганини кўриб, ич-ичидан хурсанд бўлди. Очил Ғаффороз, Уммат Абубакиров, Нуриддин Шарофов, Равшан Эшбоев, Илҳом Фуломовлар устозларидан ортада қолмасликка ҳаракат қилмоқдалар.

— Ҳамма орзуларингизни амалга ошира олдингизми?— деб сўрасангиз, Солижон Каримов шундай жавоб беради:

— Йўқ, ҳаммаси амалга ошгани йўқ. Мен ўқишимни давом эттирмакчи эдим. Биринчи йили оилавий шароит сабабли ўқий олмадим. Кейинги йиллари пахтачилик ишига қизиқиб кетиб вақтимни аядим. Орзуга айб йўқ дейишади, бу йил кеч бўлса ҳам, ишдан сўнг кечки мактабда ўқияпман.

— Келажак орзуларингиз қандай?

— Менинг дилимда ҳам орзуларим кўп. Уша орзулар оғушида мен ўзимни бахтли сезаман... Орзуим яна эл-юрт учун сидқидилдан меҳнат қилиш... Орзуим фарзандларимнинг билимли бўлишларини ҳам истайман. Ҳалол ва уста пахтакор бўлишларини истайман. Оталик меҳримни уларга бағишлашни истайман. Бевақт жудолик бўлмаслигини истайман.

Бу ўн биринчи беш йилликка қўйилган дастлабки қадамдир. Бу қадам Солижон ҳаётида ҳам қувончли ва сербарака йил бўлишига ишончимиз комил. Чунки бу йил ҳам район партия комитети бюросининг аъзоси, коммунист Солижон Каримов звеносида меҳнат уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Звено аъзолари шу кунларда 50 центнерлик пахта хирмони етиштириш иштиёқида астойдил меҳнат қиляптилар.



Зарема Калонова,

театршунос

# ЎЗБЕК САҲНА ЛЕНИННОМАСИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Михаил Шатровнинг «Алвон яйловда кўк тулпорлар» пьесаси мамлакатимиздаги юзга яқин театрларда муваффақият билан намойиш этилмоқда. Бу асар Ўзбекистонда ҳам тўрт театр репертуаридан жой олди.

Асарнинг ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида қўйилиши саҳна ленинномасида ажойиб воқеа бўлди. Отахон театримизнинг Шукур Бурҳонов, Саъдихон Табибуллаев, Зиқир Муҳаммаджонов каби машҳур актёрлар номи билан боғлиқ лениннома анъаналарида ўзига хос бурилиш ясалди. Бу бурилиш шундан иборатки, аввал яратилган доҳий образларида эмоционал бўёқлар, ташқи қиёфанинг ўхшашлиги устун турса, бу пьесадаги Ленин образи талқинида эса гримдан умуман воз кечиб, Ильич қиёфасини унинг тафаккури орқали гавдалантиришга ҳаракат қилинган.

Бу ният дастлаб пьеса муаллифи қалбида уйғонган эди. У асарнинг бош қисмида ёзади: «Биз ташқи қиёфа жиҳатидан Ленинга ўхшаб кўринишга журъат этолмаймиз, биз Надежда Константиновна Крупскаянинг «Ленин образи — Ленин тафаккуридир» деган сўзларини амалда намоеч этишга уриниб кўрмоқчимиз».

Театр ҳам доҳий образини шу йўсинда талқин қилиш йўлини танлади.

СССР халқ артисти Зиқир Муҳаммаджонов бу асарга қадар «Йўлчи юлдуз», «Олтинчи июль», «Инқилоб тонги» спектаклларида доҳий образини яратган, уларда ташқи қиёфа ўхшашлиги ва характер мавжуд эди. Умуман, ижродаги эмоционал бўёқ, Ленинга хос бўлган илиқ самимийликни образда мужассам этиш — доҳий ролини ўйнаган ҳамма ўзбек артистларига хос анъанадир.

Шуни айтиш керакки, «Алвон яйловда кўк тулпорлар» пьесаси доҳий образини талқин қилиш жиҳатидан бутун совет саҳна ленинномасида мутлақ янгилик бўлди. Биз унда немис агиттеатри замирида туғилиб, Брехт томонидан қўлланган образдан чиқиш ва публицистик руҳнинг кучлилиги ҳолларига дуч келамиз.

Зиқир Муҳаммаджонов пьеса талаб қилгандек, образдан буткул чиқиб кетган, деб айтиш қийин. Чунки образдан чиқиб, бизнинг кўз олдимизда замондош актёр сифатида намоеч бўлса-да, билинар-билинмас ҳаракатларида, сўзлаш оҳангида аввалги спектаклларда ўзи томонидан яратилган Ленин образига хос хусусиятлар сезилиб туради. Шунинг учун ҳам актёр характер яратишни рад этди, деб бўлмайти, балки у портрет яратмасида, Лениннинг ташқи қиёфасини томошабин кўз олдига гавдалантира олди. Бу билан актёр муаллиф услубига тўла бўйсунмади, айти пайтда унга қарши чиқмади ҳам. Бу ҳақда Зиқир аканинг ўзи шундай дейди:

— Мен бу спектаклда саҳнага Ленин ролини ўйнаши лозим бўлган актёр сифатида чиқаман. Худди шу ерда менинг, яъни замондошнинг образ билан алоқаси кўзга ташланади.

Актёрнинг гапларини чуқурлаштириб, шуни айтиш керакки, у фақат Ленин об-

разини эмас, балки бизга замондош Ленин образини яратди. Бу эса бугунги ўзбек саҳна ленинномасида катта ютуқ, юқори босқичдир.

— Бу масъулиятли ишга киришар эканман, агар Ленин бугун тирик бўлганда, у мен яратган образга ўхшаган бўларди, деган тушунча билан дангал фикрлашга киришдим,— дейди актёр.

Шуниси қувончлики, санъаткорнинг бу орзуси кутилган даражада амалга ошди.

Биз юқорида, Муҳаммаджонов Лениннинг замонавий образини яратди, деб айтдик. Лекин бу замонавийлик нималар билан белгиланади? У, аввало сўзнинг, фикрнинг кучи, турли воқеаларга бўлган муносабатнинг фаоллиги орқали намоеён бўлади. Ленин яшаган ҳаётнинг шитоби, тафаккур воқеалардан олдинда юрган пайтдаги доҳийнинг бемисл иш қобилияти — буларнинг бари ушбу спектаклдаги актёр ижросининг асосидир.

Замонавийлик Ленин шахсининг доимий фаоллиги билангина эмас, балки бу ўзига хосликнинг умум билан бўлган бевосита алоқаси билан ҳам белгиланади. З. Муҳаммаджонов талқинидаги Лениннинг ажойиб фазилати — образдаги ўзига хослик, яъни ягоналик ва умумий пландаги типикликдир.

Типикликка темпоритмларда конкрет ифодаланган образни замонавийлаштириш орқали эришилган.

Спектакль воқеаларнинг кечиши жиҳатидан уч темпоритмга бўлингандай туюлади. Бу бўлинишлар албатта, бирмунча шартлидир. Улар персонажлар ҳаётининг ҳар хил жараёнларини ўз ичига олади. Фикрларининг бир ёқламалиги туфайли самимийлик ва қизиқонлик авжга чиққан ёшлар тортишувларининг шовқин-суронли жараёни билан В. И. Лениннинг Н. Крупская, М. Ульянова, К. Цеткин билан суҳбатлашиб ўтиргам пайтдаги катта саҳнада ҳукм сурган сукунат ўзаро солиштириб кўрилганда бўлинишлар янада аниқроқ сезилади. Бир ёқламаликдан фарқли ўлароқ, теран ўйчанлик, муносабатдаги меҳрибонлик, суҳбатдошларга хос бўлган юксак маданият устун туради.

В. И. Ленин ролининг юқорида тилга олинган жараёнларни мужассамлаштирган темпоритмларда бирёқламалик — теранлик ва кўп қирралик билан осойишта мулозимат эса ИТР даври кишининг шиддати билан алмашинади. Воқеаларнинг бундай оқимини қаърида бўронли ҳаракат яширинган сокин дарёга ўхшатиш мумкин.

Спектаклнинг бутун концепцияси Лениннинг адолати, мукамал ҳаётни кўриш орзусидан иборат. Бу концепция инқилобдан кейинги воқеалар руҳини бизнинг кунларимиз билан боғлаб туради. Зеро, доҳийнинг юқоридаги порлоқ орзуси бизнинг замондошимизнинг ҳам муқаддас маслаги эмасми?

Доҳийнинг маърифат ва маданият ҳақидаги орзулари театр томонидан турли тимсоллар орқали берилади. Зотан, Ленин «Алвон яйловда кўк тулпорлар» суратини кўришга ошиқар экан, бу факт 1918 йилда ярадорланиб, ёстиқдан бош кўтармасликка маҳкум ёш мусавирнинг яратмоқчи бўлган асаринигина кўриш истаги эмас, балки гўзаллик ёғдусига йўғрилган, адолатли, мукамал ҳаёт манзараларини кўриш орзусидир.

Маданий инқилоб ва гўзал сурат спектаклда уйғунлашиб, Владимир Ильич бутун ҳаётини бахш этган келажак идеалига айланади. Келажакнинг ажойиблиги ҳақидаги ўйлар Ленинга илҳом бағишлайди, мамлакатда очлик ва жаҳолат ҳукм сурган оғир дамларда унинг кўнглида ёрқин оптимизм тўғилади.

Мана шундай оддийлик ришталари ролга — шу кунларнинг оддий ва камтарин ташвишлари билан яшовчи замондош ролига сингдириб юборилган. Лекин бу оддийликда ҳақиқат янглиғ донолик бор. Актёр замондош Ленин образини мана шундай яратган.

Спектакль моҳият-эътибори билан ёшларга қаратилган. Муҳаббат можаролари, жинслар ўртасидаги ўзаро муносабат, маданий меросга ёндашиш масаласи, янги жамият қуриш вазифалари каби тарихий баҳсларнинг ҳаммаси пьесада ўз ўрнини топган. В. И. Ленин партиянинг ёшларни тарбиялаш борасидаги тактикасини маданиятни юксалтириш, билимларни эгаллаш, садоқатга бўлган буюк интилиш асосига қўрган эди. Бу спектаклда яхши ифодаланган ва у доҳийнинг ёшлар сьезида нутқ сўзлашга қарор қилиши билан тугайди. Унинг «Ёшлар союзининг вазифалари» номли программ аҳамиятга молик нутқи спектакль сўнгида эслатиб ўтилади, холос. Лекин ёшларнинг ҳаётдаги ўрни, янги жамият қуриш йўлидаги вазифалари доҳийни нечоғли ташвишлантирганлиги бутун асар давомида сезилиб туради.

В. И. Ленин (З. Муҳаммаджонов)нинг ёшлар сьезида нутқ сўзлашга қарор қилиб, баъзи тезисларни қисқача айтган пайтдаги нутқи оптимизм билан тўладир.

— Умуман бутун пьеса, ундаги ҳар бир тезис, фикр, ҳатто ҳар бир гап Ленин асарларини жонлантиради. Мен пьесани жами доҳий асарларининг бадиий баёни, деб атаган бўлардим. Ахир, Владимир Ильич спектаклда маданий мерос, тинчлик масаласи, бюрократизм ҳақида, мамлакатда саводсизликини тугатиш ҳақида ҳам гапиради-ку! — дейди асарни саҳнага қўйган режиссёр Рустам Ҳамидов. — Ва буларнинг бари фикрлар чашмаси орқали ифода этилади.

Театр пьесани драматург айтганидек, «Ленин образи — бу Ленин тафаккуридир» деган услубга амал қилган ҳолда саҳнага қўйди. Албатта, бунда фақат натижагина эмас, балки бу усулни қўллашдаги жараён ҳам қизиқарлидир.

— Биз бош ролга Ленин образини яратиш тажрибасига эга бўлган актёрларни таклиф этдик. Актёрларни, деб бежиз айтмайман. Чунки бу образ устда Зиқир Муҳаммаджоновдан ташқари атоқли санъаткоримиз Шуқур Бурҳонов ҳам ишлаши керак эди. Лекин муддетларимизнинг доимо чекланганлиги, бунинг устига Шуқур Бурҳоновнинг бир оз бетоблиги бунга имкон бермади...— дея ҳикоя қилади режиссёр. Биз катта масъулият талаб қиладиган инқилоб доҳийси ролини ёш актёрларга беришни лозим топмадик, чунки, кўзда тутилган бошқа мақсадлар ҳам бор эди. Чунончи, томошабинлар Зиқир акани Ленин ролида кўп марта кўрганлар, бошқа бирор ёш актёрдан кўра унга кўпроқ ишонадилар, деб ўйладик. Тўғри, Москвадаги Ленин комсомоли номли театрда бу ролини ёш актёр Олег Янковский ўйнапти. Лекин уларнинг йўриги бошқа. Биз эса ўзбек томошабинларини назарда тутган ҳолда иш кўрдик.

Режиссёр бошқа спектаклларда Зиқир ака томонидан илгари яратилган Ленин образига хос характерликини олиб ташлашга уриниб кўрди. Чунки у характер ва грим яратилажак янгича образига халақит беради, деб ўйларди. Хўш, нима қилмоқ керак? Ахир, ҳар бир роль, мантиқ, ҳаракат натижасида рўёбга чиқади-ку? Бу ерда қандай фарқ мавжуд?

— Фикр,— дейди бунда роль ижросиси,— аввало бирор объектда маълум таассуротнинг бир нуқтага бирлашуви натижасида туғилади. Биз бирор нарсани шунчаки кўриб турган бўлсак ҳам, албатта, у ҳақда фикр юргизаётган бўламиз. Инсон табиати шундай. Бу спектаклда нафақат тафаккурни намоён этишга, балки уни томошабинга етказишга ҳаракат қилдим. Фикрни томошабинга, партнерларга етказиш менинг саҳнадаги асосий мақсадим бўлиб қолди.

— Ролини сиз аввалги спектаклда яратган Ленин образини хаёлдан бутунлай соқит қилган ҳолда ўйнадингизми, ёки?...— деган саволга З. Муҳаммаджонов қисқа қилиб:

— Бу ролга янгича ёндашиш керак эди,— деб жазоб берди.

Сухбатга рассом Убайдулла Сайдалиев қўшилди:

— Зиқир Муҳаммаджоновнинг Ленин образи характерини унутиши қийин бўлди. Хусусан, у доҳийнинг қўлни чўнтакка солиб туриш одатини ҳеч тарк этолмади. Мен, ҳатто чўнтакларни тикиб қўйишни таклиф этдим.

Режиссёрнинг эслатиб туриши ва ўз-ўзини назорат қилиш туфайли Зиқир Муҳаммаджонов репетиция давомида характердан узоқлаша борди. Лекин у характерни таломан тарк этмади ва образдан тўла чиқиб кетмади. Муҳаммаджонов образ устда ишлар экан, агар таъбир жоиз бўлса, диалектик инкорни-инкор қонунига амал қилгандек бўлди. Биринчи инкор — Ленин образидаги ўзига хосликини инкор этиш, замонавийлаштириш, иккинчиси эса — яъни доҳий тафаккури орқали яна Ленин образига қайтиш. Бу эса Ленин образи тараққиётида янги, бирмунча тақомиллашган босқичдир. Яъни, фикр турмушдан илгарилаб кетди, зеро санъат ижтимоий онгининг бир формаси бўлгани учун ҳам бу ҳол табиийдир.

Ушбу образ тарихан асослангандир, чунки гап олтимиш йил аввалги воқеалар хусусида борса ҳам, биз доҳийни замон оқимида кўрамиз. Бунда ҳам драматургия ҳал қилувчи роль ўйнайди, фақат унга ишонч билан ёндашиш, уни тушуниш муҳимдир.

Спектаклда доҳий ҳаётининг бир кунда рўй берган воқеалар тасвирланган. Лекин режиссёр билан актёр доҳийнинг бутун турмуш йўлига фикрлар назар ташладилар. Режиссёр спектаклга жалб этилган ҳамма артистларни Ленин асарлари ва бошқа тарихий ҳужжатлар билан таништирди. Айниқса, доҳийнинг сафдошлари ва муҳолифларининг у ҳақдаги фикрларига, ҳаммадан ҳам Луначарский хотираларига катта эътибор берилди. Иккинчи муҳим вазифа шунда эдики, режиссёр фақат публицистик спектакль эмас, балки тафаккур спектакли яратиши керак эди.

Спектаклга ҳозирлик булар билан чекланиб қолмади. Рустам Ҳамидов шу спектаклда Ленин образини яратган О. Янковский билан учрашиш учун Москвага борди. Ленин комсомоли номли театрда спектаклга ёзилган музикани олиб келди. Сўнгра ўз тасавурларига мос келмагани учун бу музикадан воз кечди. Шуниси қизиқарлики, у Москва театри спектаклини кўрмади: беихтиёр эргашиб кетишдан чўчиди.

Спектаклни саҳналаштиришга киришилган дастлабки пайтларда театр коллективиде танланган йўл қандай натижа бераркин, бошқароқ тарзда иш тутиш керак эмасмикин, деган турли иккиланишлар бор эди. Бу иккиланишлар, шубҳалар пухта тайёргарлик туфайли барҳам топди, энг тўғри йўл танланди.

Шуқур Бурҳонов ҳам бу роль устда бош қотирар экан, дастлаб грим билан аёнанавий тарзда ўйнамоқчи бўлди. Лекин яна шубҳаланди.

Зиқир Муҳаммаджонов образга янгича ёндашганда аввалига муваффақият қозонишига бир оз ишонқирамади. Янгича йўл тутишга розилик берар экан, бу образ ҳақидаги аввалги тасавурларини унутишга ҳаракат қилди. У илк тасавурларидан қанчалик узоқлашса, образга шунча яқинлашди, яъни Ленин ҳақидаги олдинги ва ҳозирги фикрлари уйғунлаша борди. Улкан иш қобилияти, ўткир сиёсий идрок, узоқни кўзлаб иш кўриш — буларнинг ҳаммаси у яратаётган Ленин образида ҳам аввалгидек мужасам эди, фақат улар тафаккур орқали баён қилинарди.

Спектаклда Ленинни бошқа асарлардаги каби ўзимизга таниш, яъни ҳар бир



суҳбатдошини бош масала — совет ҳокимияти ва коммунизмга муносабатига қараб баҳоловчи сийёсий арбоб сифатида учратамиз. Муҳаммаджонов талқинидаги Ленин ёш аёл Сапожникова (персонажлардан бири, Моссовет аъзоси) билан муносабатда меҳрибон, лекин бу аёлдаги бюрократизм иллатларига нисбатан муросасиз. Сапожникова майда-чўйда деб ҳисоблаган нарсада Ленин деҳқоннинг бутун ҳаётини кўради. Бу жувон деҳқоннинг ягона биясини олиб қўйишгани ҳақидаги аризасига «Бунингсиз ҳам иш бошдан оқиб ётибди, майда-чўйда ишлар билан машғул бўлишга вақт йўқ», деб резолюция қўйган. Ер олган, лекин биясиз унга ишлов беролмайдиган, ҳосил ололмайдиган (оқибатда оч қоладиган) деҳқоннинг ташвишлари Ленинга ўз ташвишлари каби тушунарли, яқин. Лениннинг дохиёна фазилати шундаки, у мана шу бюрократизм орқасида яшириниб ётган қора кучни, зулматни — яъни саводсизликни кўради. Чунки, Сапожникова уч синф маълумотига эга, холос.

Спектакль давомида Ленин бир неча киши билан: даволовчи врач Обух, Клара Цеткин, М. Ульянов, Цюрупа, қабулга келган журналист Долгов, Арзгўй — оддий деҳқон билан мулоқотда бўлади.

Ленин К. Цеткин, М. Ульянов, Н. Крупскаялар билан суҳбатлашадиган саҳна бадиий жиҳатдан баркамол ва спектаклда марказий ўринни эгаллайди. Бу ерда фикрлар эмоцияга бой. Муҳаббат ва никоҳ, инқилоб ва тинчлик проблемалари суҳбатга ажойиб руҳ бағишлайди, баҳслар, кескин, лекин изҳор этилаётган фикрларда маданийлик, инсонпарварлик ғоялари устун туради. Бу саҳна устида коллектив узоқ ишлади. Суҳбат саҳнаси жуда кўп баҳсларга сабаб бўлди. Яйра Абдуллаева (Крупская), Эркили Маликбоева (К. Цеткин), Рихси Иброҳимова (М. Ульянов), З. Муҳаммаджонов ҳамда режиссёр бир неча кунлаб тортишувлар гирдобига бўлдилар. Натижда бу саҳнани томошабинга қай тарзда ҳавола этиш керак, деган саволга ечим топилди. Бу саҳнанинг кўп қирралик ва ҳамма нарсани қамраб олганининг ўзи унинг мукамаллигида дарак беради.

Иш жараёнида томошабин бизни тушунмай қолмасикин, деган гумон ҳам йўқола борди. З. Муҳаммаджонов ҳам ўзига ишонч ҳосил қилди. Интим туйғуларни қўзғамайдиган, аксинче, оптимизм ва ҳаракатга чорлайдиган Е. Ширяевнинг музикаси ҳам унга ёрдам берди.

Рассом Убайдулла Сайдалиевнинг яратган саҳна жиҳозлаари илк қарашда бир хиллиги билан ҳайрон қолдирган эди, кейинчалик уларнинг зарур фикрларни ифода этиши, тасвирнинг спектакль руҳига мослиги маълум бўлди. Оддий декорациялар томошабинларнинг бутун диққатини актёрларга, айниқса, бош роль ижросига қаратишга хизмат қилади.

Саҳнада ҳеч қандай ортиқча нарса йўқ. Лениннинг кабинети икки қора чарм қопланган кресло, телефон қўйиладиган столдангина иборат. Спектаклнинг кўп вақеалари шу вазият ва жиҳозлар ичида бўлиб ўтади. Омма чиқадиган пайтда, улар йиғиштириб қўйилади. Энг тўрида бутун спектакль давомида Лениннинг жиддий, сезилар-сезилмас рамкага олинган оқ-қора рангдаги портрети кўриниб туради.

Рассомнинг зиммасига тушган вазифалардан яна бири, айтилганидек, маориф ва маданият ҳақидаги Ленин орзуларининг рўёби тимсолий равишда кўрсатилиши керак эди. Бунда мусавирнинг «Алвон яйловда кўк тулпорлар» ҳамда келажакдаги мукамал, гўзал, адолатли ҳаёт манзаралари расми асосий концепция бўлиб хизмат қилади.

Рассом ўз саҳна жиҳозлари билан катта ёрдам берганлигини Зиқир Муҳаммаджонов ҳам мамнуният билан таъкидлайди. Лениннинг аввалги спектакллардаги ташқи қиёфа ўхшашлигидан фарқ қиладиган, янги, руҳий қиёфасини яратишда, аввало, фикр-ни чалғитмайдиган, қолаверса, актёрда ишчан, фаолликка мойил кайфият уйғотадиган саҳна жиҳозлари керак эди.

Актёр ўз тафаккурида Ленин сиймосини тўла яратиб бўлгач, бу образ билан бошқа вазиятларга ҳам дадил кира олди, чунончи, Термиз ва Қарши шаҳар театрларида бошқа саҳна ва ўзга декорациялар бўлишига қарамай, бу ролни муваффақият билан ижро этди. Образ тўғри талқин этилганлигини шу шаҳарларда спектаклчи кўрган томошабиннинг илиқ муносабатларидан ҳам билиш мумкин.

— Умуман, бу спектакль билан биз қандайдир янгилик кашф этгандек бўлдик, — дейди Зиқир Муҳаммаджонов. — Мен бу ерда фақат Ҳамза номли театризмизни кўзда тутаятганим йўқ. Балки, Сурхсндарё ва Қашқадарёдаги Ленин ролини ижро этган ёш актёрлар — Муҳаммадали Абдуқундузов билан Омон Беганчиев ҳам муваффақиятга эришдилар. Томошабинлар ҳам характер ва гримсиз бўлса-да, Ленинни кўриб ва эшитаётганларига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Режиссёр фикрлари ҳам Муҳаммаджонов айтган гапларга яқин:

— Нездимда, идеал актёр — бу фикрловчи актёрдир, маълумотли одамдир. Ленин роли эса актёрни мана шу идеал томон етаклайди.

Зиқир Муҳаммаджонов эса кўпроқ гражданлик хислатларига эга бўлган санъаткорни идеал актёр, деб ҳисоблайди. Ленин роли эса — гражданликнинг намунасидир.

— Ленин ролини ўйнар экансан, биринчидан — идеалингадигдек яшашга ўргана-сан, иккинчидан — зиммангдаги вазифани кўнгилдагидек бажаришга, мумкин қадар яхши ўйнашга интилсан, — дейди Зиқир ака.

Бу актёрнинг ўн йиллар давомида тўплаган ижодий тажрибасидан келиб чиққан хулосадир.

3. Муҳаммадҷонов Ленин сафдошлари бўлган коммунистлар ролини бир неча бор ўйнади, ўзбек тилига ўгирилган «Революция номи билан», «Аср бошида», «Кўк дафтар» каби бадиий фильмларда Ленин ролига овоз берди. Кейинчалик, Комил Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» спектаклида қатнашди, Ленин ролининг моҳир ижрочилари Б. Смирнов ва Ю. Каюровлар билан учрашди. Ниҳоят, А. Гинзбург ва А. Хўжаевларнинг «Инқилоб тонги» (К. Яшин) асарида Ленин образини яратди. Спектакль яратувчилари қаторида СССР Давлат мухофотида сазовор бўлди.

Ленин образини янгича яратишда Зикир Муҳаммадҷонов қозонган муваффақиятнинг замири нимада? Бизнингча, бу муваффақият сири актёрнинг аввалги ўйнаган роллари билан бу образнинг эгиз, ҳамоҳанглигидир. Эслаб кўрилса, Зикир ака ўйнаган асосий ролларнинг кўпчилиги етук, принципиал коммунистлар образидир. Улар, айниқса, шу жиҳатлари билан Ленин образига яқин турадилар. Актёр ҳам инсонийлик идеалини ўз эътиқодига абадий содиқ қолишда, коммунистик принципиалликдан ҳеч қачон чекинмасликда, деб тушунади. Зикир Муҳаммадҷонов суҳбатларнинг бирида ҳаётда ўз қаҳрамонларига ўхшашга интилишини айтган эди. У, бу ўринда Асқад Мухторнинг «Самандар» драмасидаги коммунист — Заргаровни тилга олганди. Демак, актёр коммунистлардан ўрнак олади. Ленин эса — коммунистларнинг идеал намунаси-дир. Мана шу омилларнинг ҳаммаси жам бўлиб, бир-бирини тўлдириб, доҳий образининг янгича талқинда муваффақиятли чиқишини таъминлаган.

«Алвон яйловда кўк тулпорлар» спектаклини кўрар экансиз, сизда актёр В. И. Лениннинг сиёсий ва фалсафий асарларини чуқур ўзлаштирган, улуг мутафаккир сиймосини аввал ўз тасавурида шакллантириб, кейин унга ҳаракатдаги баъзи ўхшашликларни омухта қилган ҳолда роль ўйнаганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ҳақиқатан ҳам Зикир Муҳаммадҷонов Ленин ва унинг сафдошлари асарларини қайта-қайта ўқиди. У мунтазам равишда публицистика билан қизиқди, доимо уни келажак кишиси қандай бўларкин, деган савол ўйлантириб келади. Бизнинг давримизда яшаётган келажак кишини тасвирлаш истагини, шу йўлдаги интилишларини ҳам санъаткор доҳий образида акс эттирди.

Спектаклнинг ҳамма персонажлари ҳам бахтли келажак — коммунизмга бўлган илҳомбахш орзу билан яшайдилар, лекин бу орзунини амалга ошириш йўллари тўсиқларга тўла тарихий шароитлардан ўтади. Комсомол-ёшлар граждандар урушида душманга қарши курашадилар. Тирик қолганлари партия сафига кирадилар. Улар мавжуд шароитни таҳлил қилишга уринадилар, келажакка йўл излайдилар. Лекин бу воқеалар фониде Ленин образи ҳеч қандай фавқуллодлик касб этмайди.

Зикир Муҳаммадҷонов талқинидаги доҳий бизнинг замондошимиз каби оддий. Актёр уни яратишда бугунги кунда инсонийлик, омма раҳбарининг инсонпарвар бўлиши ҳақидаги тушунчанимиздан келиб чиққанки, бу тушунчаларимиз бевосита доҳийга бориб тақалади. Шунинг учун бўлса керак, тарихийликка путур етмаган.

Лениннинг гўзал орзулари муаллақ қолмайди, чунки уларнинг илдизи заминда, реал ҳаётда. Шунинг учун ҳам спектаклдан сўнг томошабин қалбиде оптимистик руҳ қолади. Гарчи, асарини Ленинга совға қилмоқчи бўлган мусаввир суратини битказа олмай, ҳаётдан кўз юмган бўлса-да, мавзу ва фикр қолдириб кетади. Унинг «Алвон яйловда кўк тулпорлар» номли ёрқин полотносини охирига етказиш учун бўёқлар ҳам, мусаввирлар ҳам топилади.



Шароф Рашидов

## ДЎСТИМИЗ, БИРОДАРИМИЗ

**Ў**збек ва тожик халқлари дўстлигининг теран илдизлари асрлар қаърига бориб етади. Бу ҳақда фикр юритганда, дарҳол икки буюк зот — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийни эслайди киши. Образли қилиб айтганда, бу икки мўътабар инсон халқларимиз ва маданиятларимиз дўстлигининг қудратли қўш қанотидир. Дўстлигимиз ана шундай толмас қанотлар ёрдамида асрлар бўйи баланд парвоз этиб келмоқда. Инсоният руҳи ва тафаккурининг бу азим сиймолари ўзаро уруш ва талашларга қарши, биродарлик, тинчлик, ҳамкорлик қудратини, бахт-саодат учун жипслашиб курашишни олдинга сурганлар.

Ҳар бир давр ўзига хос шоирона ташбеҳларни тақозо этади. Аммо тожик ва ўзбек халқлари дўстлигининг эзгу ҳумоси баланд парвозини давом эттириб, Совет ҳокимиятини, бир-бирига қадрдон халқларимизни ва уларнинг олий ижодий намуналарини мужассамлаштирган янги маданиятларини тараннум этмоқда. Ўзини ана шу бахт қушининг олтин пари деб ҳис этмоқ ҳар бир шоир учун буюк саодатдир. Ва тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бугун мен таъриф этаётган киши шу бахт қушининг энг гўзал ва ноёб шоҳларларидан бири эди. «Пар» сўзининг икки маъноси бор: биринчи маъноси — қалам. Ёзувчи қалами тўғрисида сўз борар экан, ишончим комилки, Мирзо Турсунзоданинг гавҳар қаламидан томган ҳар бир қатра мамлакатимиз халқлари маданияти хазинасидан муносиб жой олгандир.

Заковатли ва оташқалб шоирнинг совет кишиларига бағишланган таъсирли ва гўзал шеъряти республикаимиз ва мамлакатимиз чеграларидан ўтиб, йироқ-йироқларга парвоз этди. Сайёрамиз халқлари тинч-тотувлиги ва биродарлигини кўз қорачиғидай асраш шоир эътиқодининг пўлат қанотидир. У империализм ва ирқчиликка қарши курашда жаҳон халқларини жипслашишга ва бирдамликка ундади. Мирзо Турсунзода қарийб ярим аср давомида совет адабиётида шоир, драматург ва публицист сифатида ҳормай-толмай хизмат қилди. Ўзининг кўп қиррали, ёрқин истеъдодини халқимизга, Ватанимизга, коммунистик жаmiят қурилишининг буюк ва муқаддас ишига тўла сафарбар этди.



Бизнинг танишлигимиз 1949 йили бошланган эди. У вақтда икковимиз ҳам республикаларимиз Ёзувчилар союзи правленийесига раислик қилардик. Мирзо Турсунзода дастлабки учрашувдаёқ менда жуда илиқ ва чуқур таассурот қолдирди. У ғайратли ва фаол арбоб эди, фикр-мулоҳазаларининг доираси кенг, асил санъаткор эканлиги билиниб турарди.

Мен Мирзо Турсунзода ҳақида бундан аввал ҳам кўп яхши сўзлар эшитган, асарларини мутолаа қилган эдим. Улуғ Ватан урушида немис фашистларига қарши курашаётган тожик жангчиларига бағишланган жўшқин ва эҳтиросли мисралари, Улуғ Октябрнинг 30 йиллиги байрамига бағишланган сермазмун ва нафис шеърлари ёдимда эди. Унинг юксак граждонлик ҳарорати жўшиб турган шеърлари қалбда чин ватанпарварлик ҳиссиётини жунбишга келтирарди, фикрларининг ғоятда теранлиги кишини ҳайратга соларди. Шоир билан шахсан танишганимдан сўнг ўша пайтгача ёзган барча асарларини қайта ўқиб чиқдим. Катта маҳорат билан ёзилган кўп шеърларини қайта-қайта мутолаа қилардим.

1957 йили Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи конференциясини чақириш учун ташкилий комитет таъсис этилди. Менга ана шу комитетга раислик қилишдек шарафли вазифа муяссар бўлди. Мирзо Турсунзода комитетнинг ғоятда фаол аъзоларидан бири эди. Унинг Африка ва Осиё тараққий-парвар ёзувчилари билан ижодий алоқаси ва шахсий муносабати, ишимизни кўп жиҳатдан энгиллаштирди. Мирзо Турсунзода «Мен озод Шарқданман», «Осиё овози» ва «Ҳасан аравакаш» номли дoston ва балладалари билан Шарқда аллақачон маълум ва машҳур эди. Бу асарлари хорижий Шарқ мамлакатларида ўқувчиларнинг кенг доираси диққат-эътиборига сазовор эди.

Масалан, эскилик билан янгиллик қиёси принципида яратилган «Мен озод Шарқданман» шеърлар туркуми мамлакат ва жамиятни қайта қуриш ва халқ бахт-саодати учун кураш йўллари ҳақида ғоят равшан ва ҳаммага тушунарли тарзда ҳикоя қилади. Мирзо Турсунзода бу асари билан китобхонлар кўз ўнгида моҳир лирик сифатидагина эмас, балки оташин публицист ва адолат йўлида курашган шоир сифатида ҳам яққол кўринади.

Осиё ва Шарқий Арабистон мамлакатларига қилган сафарларимизда шеърят шайдолари кўп миллатли совет адабиётининг бу йирик намояндасини қандай меҳр-муҳаббат ва мамнунийлик билан кутиб олганлигини кўп мартаба кўрганман. Унга гул ва табассум ҳада этиб, аҳил ва хушхонлик билан қарсақ чалар, оламни унутиб тинглар эдилар. У яратган Ҳасан аравакаш образи мингларча одамлар учун инкор этиб бўлмайдиган реал ҳақиқатга айланганди. Бу тожик йигити шахсиятида ўз халқининг кўп асрлар давомида чеккан азобу машаққатлари, ҳақиқат, адолат ва саодат йўлида кўрсатган жонбозликлари ёрқин ифодасини топганди. Ахир, Мирзо Турсунзоданинг ўзи ҳам болалик йилларида оғир жисмоний меҳнат ва муҳтожликнинг мудҳиш йилларини бошидан кечирганди. Фақат Улуғ Октябрь унга — оддий қишлоқ дурадгорининг ўғлига юксак маърифат ва маданият йўлини кенг очди.

Мирзо Турсунзода Советлар мамлакатининг ҳақиқий ватанпарвари эди. У тожик халқининг порлоқ истиқболини коммунизм қуришни мақсад қилиб олган ва қардош совет халқлари ягона оиласида курди. Шоир ўз шеърларида бу ҳақда ифтихор билан сўзлайди, бошқа мазлум Шарқ элларини қардош совет халқлари оиласидан ўрناق олишга даъват этади, давлатимиз ва жамиятимиз афзалликлари тавсифига шоир қалбидан жўшиб чиққан ҳар бир сўзни шарқлик заҳматкашларга қаратади. Ватанимиз пойтахти, буюк рус халқи ва унинг эзгу кураш йўлидаги мислсиз қаҳрамонликларини мадҳ этувчи, империализм ва уруш тарафдорларини қораловчи оташин публицистик шеърларида шоирнинг халққа, Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати ҳам ўз ифодасини топган. Мирзо Турсунзода рус тили, буюк рус классик ва совет адабиётининг барча халқларимиз маданияти тақдирида ўйнаган прогрессив ролини ўзига хос чуқур миннатдорлик туйғуси билан тараннум этади:

Иншо бўлган шу тилда  
Пушкиннинг муддаоси.  
Қанотида мавжланар  
Чайковский навоси.  
Визга шу тил келтирди  
«Аврора»нинг садосин.  
Йўқ эрур жаҳонимнинг  
жаҳон ичра баҳоси!  
Оламга машҳур бўлса  
Тожикистоннинг номи,  
Оқинларнинг оқини  
Жамбул Жабай каломи.  
Ўзбекистон ерининг  
беқиёс саховати.  
Буларнинг ҳаммасидир  
рус тилин шарофати!

Мирзо Турсунзоданинг таъсирли ва даъват этувчи овози жаҳоннинг барча бурчакларида эшитилади, чунки шоир қалби оддий одамларга бўлган меҳр-муҳаббат билан лиммо-лим эди. Ҳиндистон ва Покистон, Эрон ва Миср, Вьетнам ва Корея меҳнаткашларининг фикру зикри, ташвишу тараддуд ва азобу машаққатлари шоирга ҳеч сром бермасди. Бу ҳақда у тинмай уйларди. «Ҳиндистон қиссаси» шеърлар туркуми бунинг ёрқин мисолидир. Шоирнинг оддий одамлар — ҳиндлар, афгонлар, араблар, эронликлар тақдир ҳақидаги фикру мулоҳазалари ҳеч кимни лоқайд ва беларво қолдирмайди. Шу сабабдан Мирзо Турсунзоданинг ташкилий комитетда қатнашуви 1958 йил октябрь ойида Тошкентда ёзувчилар тарихий форумининг муваффақият қозонишида муҳим роль ўйнади. Конференцияда кўп хорижий Шарқ адиблари ҳозир бўлдилар. Мирзо Турсунзоданинг жўшқин фаолияти ва юксак обрў-эътибори улар ўртасида ҳамфикрлик ва дўстлик вазияти пайдо бўлишига замин бўлди. Маълумки, мазкур конференция икки улкан қитъа ёзувчиларининг ташкилий ва ижодий бирлигига асос солди.

Осиё ва Африка мамлакатлари халқларининг ҳаракати мустаҳкам тинчлик, хавфсизлик, халқлар ҳамкорлиги ва социал тараққиёт учун кураш шiori остида тобора мустаҳкамланиб, жўшқин тус оларди. Бу соҳада ҳам Мирзо Турсунзоданинг шахсий иштироки катта роль ўйнади: у 20 йил давомида Осиё ва Африка бирдамлиги Совет комитетининг раиси бўлиб ишлади. Унинг ҳаяжонга соладиган илҳомбахш сўзлари қарерларда эшитилмади дейсиз. Деҳли, Қоҳира, Жазоир, Стокгольм, Конакри, Гавана, Байрут...

Мирзо Турсунзода билан Кубага қилган сафаримиз ёдимдан ҳеч кўтарилмайди. Кубага биз совет вакиллари составида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг биринчи бирдамлик конференциясига қатнашиш учун боргандик. Гаванага янги 1966 йил арафасида кириб бордик. Меҳмонхонага жойлашдиғу, Куба пойтахтини томоша қилгани отландик.

Шаҳарнинг шиору алвонлар, плакатлар, қирмизи байроқ ва транспарантлар билан безатилган кўча ва майдонлари байрам либосида, ниҳоят гажум эди. Тўрт томонда куй ва қўшиқ садолари янгради. Менинг тожик дўстим ғолиб революциянинг етти йиллигини нишонлаётган меҳмондўст ва баҳодир халқнинг юриш-туришига қараб, қувончдан боши осмонга етар, чеҳраси барқ ураб эди. Мирзо Турсунзода кўрган ва эшитганлари тўғрисида баланд руҳ билан сўзларди, ҳар замонда кўлига қалам олиб дафтарчасига тез-тез янги сатрлар ёзарди. Шоирнинг ҳассос қалбида шеър туғиларди.

3 январь кuni конференция очилди. Унда қатнашмоқ учун Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 82 мамлакатидан 512 вакил келган. Конференция иши ғоят мураккаб вазиятда давом этарди. Тинчлик ва прогресс душманлари турли мамлакатлардан келган вакиллар ўртасида низо туғдириш учун, уларнинг бирдамлигига раҳна солиш учун тиниб-тинчимасдан беҳуда уриндилар. Конференция минбаридан, ҳужра-лар ва зал йўлкаларидан гўё бу йигинининг бефойда эканлиги, уч қитъа халқлари куч-қудратини бирлаштиришга зарурат йўқлиги тўғрисида баъзан ифвогарлик овозлари қулоққа чалинар эди. Мирзо Турсунзоданинг оташин ва жўшқин кураши сифатидаги фаолияти конференция ишига ҳалақит бераётганларга, вакиллар ўртасига нифоқ солишга уринаётганларга қақшатқич зарба берганлиги ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди.

Гавана конференцияси ўз ишини муваффақиятли тугатди. Биз совет мамлакати вакиллари мамнун эдик: тинимсиз, туну кун шиддат билан олиб борилган ишимиз самарасини яққол ҳис этардик. Ер юзида илк бора Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари бирлиги вужудга келди ва фаолият кўрсата бошлади. Бу анжуман халқлар бирдамлиги ҳаракатида янги сифат, юксак босқич бўлди, империализмга қарши курашда халқлар ҳамкорлигига асос солди. Ва шу фазилат билан тарихда қолди.

Ҳа, жаҳонда Мирзо Турсунзоданинг дўстлари сон-саноксиз эди. Аммо унинг душманлари, ғоявий мухолифлари ҳам оз эмасди. У мавриди келганда душманлари билан очикдан-очик қаттиқ тортишар, муроса деган нарсани билмас эди. Айни вақтда бу ишни фақат халқро конференциялар ва форумлар минбаридан эмас, балки шеърларида ҳам давом эттирарди. Қайнаб-тошиб баҳсу мунозарага берилиш, ғоявий рақиблик билан муросасиз олишиш, оддий одамларга ҳақиқатни рўйи-рост кўрсатиш унинг ижодига батамом хос эди. Шоирнинг лирик ва публицистик асарлари ўртасида фарқ кўзга чалинмайди. Унинг овози — Шарқ халқларига қаратилган оташин шоир, нотик овози Исроил босқинчиларининг Мисрга қарши тажовуз бошлаганида ҳам, Ҳиндистон ва Покистон ўртасида ҳарбий жанжал кўзгалганда ҳам жаранглаб эшитилди. У қаҳрамон Вьетнам ва Куба, Жазоир ва Конго халқларини қардошларча қўллаб-қувватлади, Фидель Кастро ва Патрис Лумумба жасоратига мафтунлигини изҳор этди, жаҳоннинг кўп тараққийпарвар арбоблари билан дўстона муносабатда бўлиб, бу дўстлик ҳиссини кўз қорачиғидай авайлади.

Халқаро воқеалар ва уларнинг Мирзо Турсунзода ижодига қандай акс эттирилганлиги ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Унинг асарларига мурожаат қилайлик. Шоир китобларидан дуч келган бир сатрни ўқиб, унинг инсон юрагининг телишини қандай зийраклик ва ҳушёрлик билан тинглаганини, сайёрамиз оддий кишилари ҳам

ташвишидан огоҳ бўлишини, улар билан бирга жон куйдиришини, давримиз ақтуал проблемалари унга қай даражада яқин эканлигини илғаб олиш қийин эмас.

Мирзо Турсунзода Ленин ва СССР Давлат мукофотларига, шунингдек Жавоҳарлал Неру мукофотиغا мушарраф бўлди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси эди, халқ уни неча марталаб СССР Олий Совети депутатлигига сайлади. Тожики адабиёти, кўп миллатли совет адабиётининг юксалишида, халқларнинг тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашида Мирзо Турсунзоданинг ҳиссаси бебаҳодир.

Дўстлигимизнинг илк кунларидан бошлаб шоир ҳаётининг сўнгги онларигача бизни ижодий ҳамкорлик ва инсоний муносабатларнинг боқий илдиэлари чамбарчас боғлади, бу илдиэлар азиз ўлкамизнинг шира-шарбатидан баҳра оларди, халқларимизнинг файзли ва баракали дўстлиги шарофатидан тобора мустаҳкамроқ бўларди. Мамлакатимизда адабиёт ва санъат ҳафталиклари ва декадаларини ўтказиш, доимий маданий алоқалар, маъневий неъматларден ўзаро баҳраманд бўлиш халқларимиз ўртасида эзгу анъанага айланган. Бизнинг республикамизда ҳам декадалар ва ҳафталиклар ўзлуксиз равишда ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда 1968 йили ўтган тожики адабиёти ва санъати декадасини ҳамон эслайман. Учрашувлар, ижодий муҳокамалар ва суҳбатлар фақат расмий вазиятда эмас, балки дастурхон атрофида шоирнинг Душанбедаги ҳозлисида, Тошкентда — менинг уйимда ҳам ўтган эди. Мирзо Турсунзода билан бўлган бу учрашувлар ҳам қалбимда, ҳам хотирамда ўчмас из қолдирган. У бой билим соҳиби, ғоятда оқил ва домо суҳбатдош эди, шоир ўзининг юксак вазифаси ва масъулиятини бирор лаҳза умутган эмас. Ҳар бир сўзини, ҳар бир сатрини оддий одамлар ҳаёти, уларнинг манфаати порлоқ келажак учун олиб бораётган кураши билан ўлчар, қиёс қилар эди. Бу ҳақда фикр юрийтиб, тожик ва ўзбек халқларининг Совет ҳокимияти йилларида фақат маданият, адабиёт ва санъат соҳасида эмас, балки аввало санъат ва қишлоқ хўжалигида қўлга киритган улкан зафарларини жўшқин ифтихор туйғуси билан тилга оларди.

Мирзо Турсунзода тожик халқи ва барча қардош халқлар учун буюк Ленин партияси раҳбарлигида социалистик ва коммунистик жамият қуришдан ҳам муқаддасроқ вазифа йўқ эканини чуқур англади. Уни партиямиз съездларига делегат қилиб сайладилар. У беш йилликлар жараёнида вужудга келган бекиёс ўзгаришлар, тинчлик, халқлар хавфсизлиги ва социал тараққиёт учун курашда мамлакатимизнинг ишончли таянчи эканлиги тўғрисида баланд руҳ ва эҳтирос билан куйларди. Мирзо Турсунзода азиз халқи билан яқдил ва ҳамқадам, унинг тақдирига, бугунги ҳаёти ва келажига масъул эканлигини чуқур англади, мустамлакачиларга қарши курашиб, ўз эркига эга бўлаётган навқирон Африка давлатларини олқишлаб, уларга энг яхши ҳис-туйғуларини изҳор этарди.

Буюк Шарқ классик адабиёти юксак анъаналарини чуқур ўзлаштирган ва янги, ёрқин жилолар билан бойитган, устод Садриддин Айнийнинг ардоқли шогирди Мирзо Турсунзода тафаккур кўзини, шоирона сўзини фақат тожиқларга эмас, балки Афғонистон ва Покистон меҳнаткашларига ҳам қаратганди. У орзу қилардики, бу мамлакатлар меҳнаткашлари оёққа қалқиб, эски тузумни таг-губидан қўпориб ташлаб, янги ҳаёт қуриш йўлида баҳодирона одим ташлайдилар. Шоир бу ҳақда шеърлар ёзди. Унинг руҳлантирувчи сўзлари жаҳон бўйлаб таралиб, оддий одамларнинг қалбига, онгига йўл топди, сингиб борди, юракларида асорат юкидан қутулиш учун янги куч, ишонч ва умид туғдирди.

Мирзо Турсунзода Афғонистон Савр инқилобидан сўл олдинроқ олам билан видолашди... Аммо у инқилоб бўлишини каромат қилган, унга муштоқ ва ташна эди, уни яқинлаштириш учун курашди, тарих ҳукми билан содир бўлган бу мўътабар ва эзгу воқеага баҳоли қудрат ҳисса қўшди.

Ҳозир Мирзо Турсунзода ижодига баҳо бериб, у босиб ўтган умр йўлини кўз ўнгимизга келтириб, жаҳон аҳлига қатор-қатор олижаноб асарлар ҳадя этган бу улкан истеъдодни камолга етказган социалистик тузумимиз, кўп миллатли совет адабиётимиздан ҳақли равишда фахрланамиз. Мирзо Турсунзоданинг унутилмас ҳаёти улў Ленин ғояларининг тантанаси — халқлар биродарлиги ва дўстлиги, коммунизм қуриш, жаҳонда тинч-тотувликни мустаҳкамлаш учун кураш ғоялари тантанасининг ёрқин тимсолидир.

Комил Яшин

## ҚИТЪАЛАР ОША...

**М**ирзо Турсунзода — овози қитъалардан қитъаларга ўтиб, номи миллион-миллион китобхонлар қалбидан жой олган атоқли совет шоирларидан бири. Унинг эрк, озодлик ва одабийликни тараннум этувчи ажойиб асарларидан на фақат совет кишилари, балки жаҳондаги, хусусан Осиё ҳамда Африкадаги тараққийпарвар кишилар ҳам баҳрамандидирлар. Чунки у ўз юрагига совет халқининг орзу-армонларини, унинг ҳис-туйғуларинигина эмас, эрксевар башар ташвишларини ҳам сиғдира олган каттакан қалбли шоир сифатида элга маълум ва машҳур сиймодир.

«Мен жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлдим,— деб қайд қилган эди шоир ён дафтариغا.— Лекин, ҳеч қачон турист бўлиб юрмаганман. Тинчлик учун курашчилар конгрессида, мустамлакачиларга қарши курашчилар конгрессида, халқаро анжуманларда ўтириб, турли тилларда янграган озодлик, тинчлик, инқилоб ғояларини эшитганман. Буларнинг ҳаммаси санъаткорни янги фикрлар, таассуротлар билан бойитади, кенг умумлашмалар туғдиради». Бу гапларнинг амалдаги исботини шоирнинг номини қитъалар оша ёйган ўша «Ҳиндистон балладаси»дан тортиб, янги асари — «Гангдан Кремлга» достонигача ўтган давр мобайнида майдонга келган асарлари мисолида яққол кўриш мумкин. «Ҳиндистон балладаси»да шоир эрксевар ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган ғир курашини, бу кураш натижасида қўлга киритган мустақиллигини ифодалаган, Октябрь қуёши таъсирида мазлум халқлар онги қанчалик ёришганини кўрсатган бўлса, «Гангдан Кремлга» достонида буюк инқилоб қуёши — Ленинга, Ленин мамлакатига Шарқ халқлари ихлосини акс эттиради. Бунда шоир, ўзи юқорида айтганидай, кенг умумлашмалар чиқаради.

«Турсунзоданинг Ҳиндистон ҳақидаги шеърларида совет реалистик поэзиясининг энг яхши хусусиятлари мужассамлашган. Тинчлик ва бахт учун курашувчи оддий кишиларнинг жўшқин туйғулари ифодаланган. Бу шеърлари ўқир экансан, шундай сўз санъаткорларини, шундай гдабиётни етиштирган халққа тасанно айтасан киши»,— деган эди атоқли совет адиби Леонид Леонов.

Шоир «Ҳиндистон балладаси», «Мен озод Шарқданман» шеърый туркумларида узоқ йиллар давомида англия-америка империалистлари томонидан эзилиб ва таланиб келинган, асорат ва қийноққа солинган эрксевар ҳинд халқининг ҳаёти ва интилишини, Шарқ оламининг озодлик учун олиб борган курашини ҳаққоний тарзда тасвирлаб берган:

Мана, орадан бир неча йиллар ўтди. «Уйғон, Осиё халқи!» деб хитоб қилган шоир буюк ҳинд халқи мустақилликка эришганини кўриб қувонди ва Шарқ халқларини империализм ҳамда мустамлака кишанларини узил-кесил парчалаб ташлашга ундайдиган янги-янги бақувват асарлар ёзди, бу асарларида Шарқ халқларининг озодлик, тинчлик ҳамда мустақиллигига кўз олайтираётган доғули империалистларнинг янги найрангларига қарши овози янада беландроқ янгради, мазкур асарларда янги бўёқ ҳамда ташбеҳлар юзага келди, асарларнинг мавзу доираси янада кенгайди. Бу ўринда шоирнинг «Осиё овози» деган шеърлар туркумини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Бу туркумдаги шеърлардан бирида шундай мисралар бор:

Осиё гапирар, тингланг овозин!

Жўшқин дарё мавжин,

ҳайқиринг овозин!

Осиё уйғонди, ухلامас,  
 уйғоқ,  
 Булар ростлик, дўстлик  
 у билан ўртоқ.

Осиёни онам деб, унинг меҳнатсевар ва курашчи халқини қардошим деб, чин-қалбдан севган озод Шарқ куйчиси Шарқ ва Фарбдаги кўп мамлакатларни кезиб, бу халқлар ҳаётини яхши ўрганди, жуда қадим вақтлардан буён юксак маданият ва фан соҳиб бўлган, ажойиб мўъжизалар яратган истеъдодли ва меҳнатсевар Шарқ халқларининг босқинчи империалистлар асоратида яшаганлигидан қаттиқ эзтиробга тушди. Бундай азоб-уқубатли ҳаётга шоир ўзи яшаб турган озод совет Шарқини таққослаб, бахтли совет граждани бўлгани билан фахрланди, она юртини улуғлади.

«Осиё овози» туркумига кирган шеърларнинг бадиий-ғоявий қиммати шундан ҳам кўриниб турадики, бу туркумни Деҳли дорилфунунининг талабалари «Бизнинг овозимиз» дейишди.

Африкалик бир ёзувчи, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясининг делегати эса: «Бу шеърларда фақат Осиёнинггина эмас, балки Африканинг ҳам овози баралла янграйди», деган эди.

Шоирнинг ўзи айтганидай, эрк, озодлик у учун асосий мавзу. Бу жуда кенг ва улкан мавзу. Озод инсон — у яратган шеърларининг бош қаҳрамони. Бу эса, шоирни инқилоб натижасида вужудга келган озодликни сира толмай куйлашга ундайди. Зотан, шоир шеърларида ифодаланган бош қаҳрамонни инқилоб самараларини тараннум этиш орқали яққол гавдалантиради. «Инқилоб,— дейди шоир,— она юртимга ёруғлик ва бахт келтирди. Янги турмуш сари уйғонган қадрдон далалар ва тоғларимни юлдузлар туркумидай ёрқин номлар билан безаб турибди. Бугунги воқелигимиз нафосати, гўзаллиги шу эмасми!!!»

Кўп миллатли совет адабиётида сиёсий лириканинг ажойиб намуналарини яратишга катта ҳисса қўшган атоқли шоир Мирзо Турсунзода бошқа жанрларда ҳам самарали ижод этди. унинг асарлари ғоявий ўткирлиги, юксак бадиийлиги, теран мазмуни, халқчиллиги билан ўқувчилар қалбидан чуқур жой олди. Унинг «Тонг кўшиғи», «Уйимиз узоқмас», «Пиёламиз» сингари шеърлари лириканинг ажойиб намунасидир. Бу ўринда шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Мирзо Турсунзода ижодида Шарқ шеъриятининг, хусусан минг йиллик аънамага эга бўлган форс-тожик шеъриятининг таъсири кучлидир. Шоир мана шу ажойиб классик шеъриятнинг таъсири қобиғида қолиб кетмай, бу қобиқни ёриб чиқиб, янги давр тақозоси билан вужудга келган янги мазмуни поэтик ифодалашда ана шу шеърият имкониятларидан фойдаланиб, биринчи бўлиб маънавий фойдаланиб, ўзига хос, оригинал овозини ярата олди. Мирзо Турсунзода ижодиётининг бутун қиммати ҳам, назаримда, худди мана шундадир.

## ШАРҚНИНГ УЛКАН ШОИРИ

Мирзо Турсунзода ижодида кўп узоқ асрлик аънамага эга бўлган тожик адабиётининг янги, совет давридаги энг яхши хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Мирзо Турсунзода 1911 йилда Тожикистоннинг Регар районидagi Қоратоғ қишлоғида дурадгор оиласида туғилган. У аввал эски мактабга боради, 1925 йилда Қоратоғда илк совет мактаби очилгач, ўзи саводсиз, аммо шеърият ва илм-фаннинг қадрини яхши тушунадиган уста Турсун ўғлини биринчи бўлиб ана шу мактабга беради. Мазкур мактабда бир оз ўқигач, ўртоқлари билан Душанбедаги болалар уйига бориб жойлашади. 1926 йилда эса болалар уйи базасида Тожикистонда биринчи педагогика техникуми ташкил этилади. Мирзо ана шу техникумни тамомлагач, бир гуруҳ ёшлар билан бирга Тошкентдаги Тожик Маориф институтига юборилади:

«Етти кечаю етти кундюз деганда Тер-

мизга етиб бордик. Бу сафар кейинчалик «Ҳасан аравакаш» дostonимнинг ёзилишига сабаб бўлган. Илк дафъа темир йўлни ўшанда кўрган эдим, поездга ҳам биринчи маротаба ўшанда тушган эдим», деб ёзган эди шоир кейинчалик.

Шоир дунёқарашининг шаклланиши, комсомол сафига кириши, ижодининг бошланиши маориф институтида ўқиб юрган даврга тўғри келади.

Институтни тамомлаган Мирзо Душанбега қайтади, «Комсомоли Тожикистон» газетасида бўлим мудири, сўнг масъул котиб, кейинроқ Ленинобод музыкали драма театрида адабий эмакдош вази-фаларида ишлайди, республика адабий, маданий ҳаётида, социалистик қурилишларда фаол қатнашади.

Техникум ва институтдаги сабоқ, қайноқ ҳаёт ичида бўлиш, халқ ҳаёти ва курашига ҳамдардлик Мирзонинг қўлига эрта қалам тутқазди. Ҳали йигирма баҳорни ҳам кўрмаган йигит ижодининг бошидаёқ давр-



нинг долзарб масалаларига асосий эътиборини қаратди, тенгдошларнинг кайфияти, ўй-фикрларини ифодалади. Ёш ижодкор дастлабки пайтларда турли жанрларда қалам тебратди. 1932 йилда нашр этилган «Зафар байроғи» тўпламидаги асарларда социалистик қурилишда жонбозлик кўрсатаётган тожик халқининг қаҳрамонона меҳнати, айниқса комсомоллар шижоати, аёллар тенг ҳуқуқлиги тарафдор этилади. Мазкур илк китобининг ўзиёқ ёш ижодкорнинг замон билан ҳамнафаслигини, бадий адабиётнинг ролини яхши идрок этишини кўрсатди.

Мирзо Турсунзода тожик совет драматургиясини бошлаб берувчилардан бири саналади. Буржуа миллатчилиги ва бошқа синфий душманларни кескин фош этувчи «Хукм» пьесаси, Деҳотий билан ҳамкорликда яратилган «Хисрав ва Ширин» шеърӣ драмаси, «Воҳе кўзғолони» опера либреттоси фикримиз далилидир.

Тожик совет драматургиясининг қалдирғоч асарлари бўлган мазкур асарлар республика маданий ҳаётида сезиларли воқеа бўлди, томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди.

Агар «Зафар байроғи» китоби ва юқоридоғи драматик асарлар адабиётга ўзига хос овоз ва созга эга бўлган кўпқиррали ижодкор кириб келаётганлигини кўрсатган бўлса, 30-йилларнинг иккинчи ярмида эълон қилинган «Мамлакат офтоби» ва «Ҳазон ва баҳор» дostonлари Мирзо Турсунзодага ҳақиқий шуҳрат келтирди. Бу асарларда шоирнинг ҳаёт ҳақидаги ўйлари, социалистик жамиятнинг одамларга, айниқса хотин-қизларга келтирган саҳовати, уларнинг ўтмишдаги ва ҳозирги қисмати, социалистик қурилишларнинг фаол аъзосига айланганлиги тўғрисидаги мулоҳазалари поэтик маҳорат билан ифодаланган. «Мамлакат офтоби»да пахтачиликдаги ютуқлари учун тожик хотин-қизлари орасидан биринчилардан бўлиб Ленин орденига сазовор бўлган Мамлакат Наҳангованинг қиёфасида социалистик тузум, ватанпарварлик меҳнати, шижоати туфайли бахт ва эркинлик топган тожик аёлларининг умумлашма образи яратилади.

1939 йилда Тожикистон ССР ташкил топган куннинг ўн йиллиги байрам қилинади. Шоир жонажон республикаси юбилейига «Шеърлар» деб номланган китобини инъом этади. 30-йиллардаги адабий фаолиятининг ўзига хос яқуни деса арзигулик мазкур китобга кирган шеърларда кейинчалик ҳам шоир ижодиде етакчи ўринлардан бирини эгалловчи совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализи, халқаро реакция кучларига қарши кураш мавзуси кенг ишланган.

Шоир ҳамма вақт халқ орасида бўлди, халқ қаҳрамонлиги, шижоати бўртиб кўринган улкан қурилишларда фаол қатнашди. Умумхалқ ҳашарига айланиб кетган Душанба — Хорог йўл қурилиши, Катта Фарғона канали қурилишларида қатнашиш ижодкорга катта руҳий илҳом бағишлади. Душанба—Хорог йўли қурувчиларига

мактуб», «Жонбахш сув» дostonларида ана шу улкан қурилишлар пафоси, халқ жасорати ёрқин поэтик манзаралар, характерлар орқали кўрсатилган.

Мирзо Турсунзоданнинг шу йилларда яратган «Ҳисор водийси», «Бахт қўшиғи», «Оҳанграб», «Олтин ватан», «Чаманистон», «Тонг қўшиғи» шеърӣ асарларида халқнинг бахтли ҳаёти, ватан гўзаллиги куйланади. Унинг бу асарлари Самад Вурғуннинг «Озарбайжон» шеърини, Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон тўғрисидаги шеърӣ туркумини эслатади. Она халқи, диёри шаънига ўқилган мадҳия бўлган мазкур асарларда тожик халқининг инқилбодан олдинги ҳаёти билан совет давридаги бахтли турмуши таққосланади.

Улуғ Ватан уруши йилларида яратилган «Хайр, онажон», «Капитан хотираси», «Ҳечқачон» сингари шеърларида, айниқса «Ватан фарзанди» дostonида совет ватанпарварлиги, халқлар дўстлиги, тожик халқининг уруш майдонлари ва мамлакат ичкарисидоғи қаҳрамонлиги зўр пафос билан тарафдор этилган. Улуғ Ватан уруши даврида Мирзо Турсунзода актив ижод этади, Тожикистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг санъат ишлари бошқармасини бошқариш жараёнида катта ташкилотчилик талантини намойиш қилди.

40-йилларнинг иккинчи ярми Мирзо Турсунзода ижодиде кўтарилиш, сифат ўзгариши йиллари бўлди. Совет кишиларининг тинч меҳнати, мамлакат ободлиги учун олиб борган фидокорона меҳнати бу даврда яратилган шеърларнинг бош мавзусидир.

1947 йилда яратилган «Ҳиндистон қиссаси» туркумидаги шеърлар фақат Мирзо Турсунзода ёки тожик адабиётидагина эмас, кўп миллатли совет адабиётида ҳам катта воқеа бўлди. Адабиётимизнинг интернационал жарангосини оширган мазкур шеърлар туркуми учун шоир 1948 йилда Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ҳиндистон, умуман Шарқ мавзуи Мирзо Турсунзода ижодиде алоҳида ўрин эгаллайди. «Мен Шарқ халқлари озодлиги мавзуига ҳамisha содиқ қоламан. Фақат шеърӣ асарларимгина эмас, балки бутун ижтимоий фаолиятим ҳам шу улкан иш рўёбига бағишлангандир», деб ёзган эди шоирнинг ўзи. «Мен озод Шарқданман» туркумидаги шеърларни «Ҳиндистон қиссаси»нинг мантиқий давоми дейиш мумкин, чунки бу туркумдаги асарларда ҳам Ватанимиз гўзаллиги, халқларимизнинг бахт оғушида яшаётганликлари, мазлум шарқ халқларининг ҳаётига қарама-қарши қўйилади. «Осиё овози» дostonида юқоридоғи туркумларда илгари сурилаётган ғоя, мавзу янада кенгайтирилади. Асар Осиё халқларининг ҳайқириғидай, озодлик ҳақидаги нидосидеи жаранглайди. «Ҳасан аравакаш» дostonида тожик халқининг ҳаёти, тарихий бурилиш даврларидаги кураши, қишлоқларни коллективлаштириш манзаралари кенг поэтик полотнода зўр маҳорат билан акс эттирилади. Ҳар иккала асар совет поэзиясининг эллигинчи йил-

ларда эришган салмоқли ютуқларидан эканлиги жамоатчилик томонидан тасдиқланди. Шоирнинг мазкур «Осиё овози» ва «Ҳасан аравакаш» дostonлари учун Ленин мукофотиغا сазовор бўлиши ҳам юқоридаги фикримизни қувватлайди.

Унинг «Жонгинам» дostonида шахснинг жамиятдаги ўрни, яшашнинг маъноси, инсон идеаллари ва орзу-истаклари ҳақида фикр юритилса, «Гангдан Кремлга» дostonида эса бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси Ленин образи Шарқ халқларининг миллий озодлик ҳаракати фонидида тасвирланган.

Мирзо Турсунзода машҳур шоир бўлиш билан бирга улкан жамоат ва маданият арбоби ҳам эди. Узоқ йиллар мобайнида Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитетининг раиси, Тожикистон Ёзувчилар союзи правленисининг раиси, СССР Ёзувчилар союзи правленисининг секретари вазифаларида ишлади, СССР Олий Советига депутат бўлди.

Ижодкорнинг илмий ва публицистик асарлари гражданлик пафосининг кучлилиги билан ажралиб туради. Унинг «Гражданлик лирикиси ҳақида ўйлар», «Тожики адабиётининг вазифалари», «Юксак поэзия учун», «Адабиёт ва ҳаёт» китоблари, Фирдавсий, Рудакий, Низомий, Навоий, Пушкин, Айний ва бошқа улуг сиймолар ҳақидаги мақолалари шулар жумласидандир.

У ўзбек халқи ва адабиётининг чинакам дўсти эди. Мирзо Турсунзоданинг ҳаёти, ижодий йўли Ўзбекистон, ўзбек халқи ва адабиёти билан мустаҳкам ва ҳар томонлама боғланган. Чунки унинг инсон ва шоир сифатида шаклланишида, ижодининг равнақида Ўзбекистон, ўзбек адабиётининг маълум ўрни бор. Мирзо Турсунзода ўзбек халқининг машҳур шоир ва адиблари, атоқли давлат арбоблари билан яқиндан дўст ва биродар эди. У Фафур Фулом, Шароф Рашидов, Комил Яшинлар билан дўст тутинганлигидан фахрланиб, бу биродарликни мустаҳкамлаш, янада ривожлантиришга интиларди. Айниқса унинг Фафур Фулом билан қадрдонлиги, ижодий ҳамкорлиги Навоий ва Жомийлар бошлаган узоқ асрлик улуг дўстлигининг, ўзбек ва тожик халқлари, адабиётлари қардошлигининг ажойиб намунаси деса бўлади. Мирзо Турсунзода Фафур Фуломни илҳом булоғи ўчмас донишманд шоир сифатида ҳурмат қиларди. Фафур Фулом туғилган кунга олтмиш йил тўлиши муносабати билан ёзилган «Барно йигит» шеърида тожик шоирининг ўзбек халқига бўлган беқиёс муҳаббати, юрак ҳарорати чуқур ва самимият билан ифодаланган. Икки ижодкор орасидаги бундай қадрдонлик бир-бирларининг асарларини таржима қилиш жараёнида янада мустаҳкамланган. Мирзо Турсунзода Фафур Фулом шеърятининг қатор ажойиб намуналарини тожик тилига таржима қилган. Фафур Фулом эса унинг «Ганг дарёси», «Боғи муаллақ», «Ватанга қайтув», «Ҳиндистон қиссаси», «Кичининг

ёдида» сингари шеърларини маҳорат билан ўзбек тилида жаранглатган.

Фафур Фулом Мирзо Турсунзода ижодини жуда қадрларди: «...Уни ғурур билан чуқур ғоявий шоир, сиёсий ўткир, ҳозиржавоб, доим совет халқи ҳақида ўйловчи, ижодий уфқи кенг деса бўлади. Мирзо Турсунзоданинг асарларида айниқса икки Шарқнинг— Совет Шарқи ва хорижий Шарқнинг қалби, юраги, уларнинг кечаги кунини, бугунини ва эртасини равшан акс этган».

Ҳар иккала шоирнинг «Кўкан» ва «Ҳасан аравакаш» дostonлари ўзбек ва тожик қишлоқларини коллективлаштириш манзараларини чизувчи улкан шеърини полотнолардир.

Мирзо Турсунзоданинг «Марҳабо» (1958 йил) шеъри руҳи, пафоси жиҳатидан «Барно йигит»нинг мантқиқий давомиди. Атоқли ўзбек шоираси Зулфияга бағишланган бу шеър ҳам халқимиз шаънига ўқилган мадҳиядек жаранглайди.

Бу ҳақда таниқли тожик адабиётшуноси Отахон Сайфуллаев шундай ёзади: «Шеър фақат Зулфиянинг тавсифи эмас, халқнинг энг олий хислат ва фазилатларини ўзида мужассам этган Совет Шарқи қизининг типик ва умумлашган образидир. Унинг дўстона эҳтиром билан тасвирланган зоҳирий хусну латофати шеър қаҳрамонининг пок ниятлиги ва маънавий бойлигидан далолатдир. Жилодор ва тоза бадий тасвирлар Зулфия озод совет Шарқининг аёли эканлигини таъкидлайди ва шеърнинг асосий ғояси— тинчликни, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, совет хотин-қизларининг буюк ҳиссасини аниқ ва равшан ифодалайди».

Мирзо Турсунзоданинг яна бир қатор асарлари борки, уларда ўзбек шоир ва ёзувчиларининг ижоди, бу санъаткорлар ижодининг кўп миллатли совет адабиётидаги ўрни тўғрисида фикр юритилади.

Фафур Фулом ҳақидаги «Озод Шарқ куйчиси», Шароф Рашидов тўғрисидаги «Сизни қучаман», Ҳамид Олимжон ижоди хусусидаги «Оташин сўзли шоир хотираси», Комил Яшин ҳақидаги «Янги ўлка кўшиқчиси» асарлари шулар жумласидандир. Хуллас, Мирзо Турсунзодани Ўзбекистон, ўзбек адабиёти билан боғловчи иплар жуда кўп.

Фафур Фулом:

Қардошлик тарихимиз ярқироқ  
саҳифаси  
Бошланур минг йилларнинг тонги  
отган чоғидан.  
Бизга камолот берди она-Ватан  
сийнаси  
Мард ўғиллар буй етди Осиё  
кучоғидан.

деб фахр билан қуйлаганида ўзбек ва тожик халқларининг асрий биродарлигини улуғлаган, бу халқларнинг Мирзо Турсунзодадай мард ўғиллари билан фахрланишни тараннум этган эди.

Раҳматулла ИНОГОМОВ.



# ЖАНГОВАР ШЕЪРИЯТ

ШОИР МАМАРАСУЛ БОБОВЕ ТУФИЛГАН КУНГА ЕТМИШ ЙИЛ ТЎЛДИ

Истеъодли шоир Мамарасул Бобоев ижоди тўғрисидаги мулоҳазани кичик бир хотирадан бошламоқчиман. Мен Мамарасул Бобоев ижоди тўғрисида рисола ёзишни ният қилгандим, у битди. Бу вақтда Мамарасул ака оғир касал эди. Мен шоирга заррача бўлса-да маънавий мадад бўладими, деган ниятда чоп этилаётган «Шеърят баҳсида» деган мақолалар тўпламидан бир мақола олиб, унинг ўрнига мазкур ана шу рисоланинг ихчамлаштирилган вариантини киритиб юбордим. Шоирнинг соғлиғи тобора оғирлашмоқда эди. Мен кўнгли кўтарилсин деб, ҳали муқова қилиб улгурилмаган китобни кўтариб, унинг ҳузурига бордим.

Бундай қилишимга Мамарасул аканинг бир қатор шеърлари ҳам туртки бўлганди. Бу заҳматкаш ва камтар ижодкор ўзбек совет шеърятда ўзининг тутган ўрнини яхши билар, айниқса ўзбек шеърятда хорижий Шарқ мавзуини ишлашга, сиёсий публицистик шеър ривожига, шеърини туркум ва поэмачилик ривожига ўзининг кўшган ҳиссасидан қонуний ғурурлана олар эди. Айни чоқда у адабий танқиднинг самимий ва ҳалол баҳосини интиқ бўлиб кутарди. Бунда шухратпарастлик тамаси йўқ эди. Шоир сохта шухратдан ҳазар қиларди. У ўз ижодининг халққа керакми, бирор кунига асқотяптими ёки бекорга қоғоз чизиб умр ўтказмоқдами — шуни билгиси келар эди. «Раҳмат, китобхон!» деган шеърда «Вингдай керак шеър, деса, менга бас!» дейди, шоир. Уқувчисининг самимий сўзларидан қувонган шоир «Ҳиссиз, севгисиз танқиддан кўра самимий бир хат бағишлади қалбга кўпроқ куч, ҳиммат», дейди. «Биринчи муҳаббат» шеърини ҳам танқидни ва ижодкор масаласига бағишлаган эди. Афтидан, бу шеърни шоир ўз ижоди тўғрисида матбуотда босилган адабий-танқидий мақола муносабати билан ёзганга ўхшайди. Шоир «Бир бор чаманимга қўймадинг қадам», «Бугун меҳр билан юзимга боқиб, бошларимни силар дўмбоқ қўлларинг», деб ёзади. Бошқа бир шеъри — «Юлдузлар»да танқидчиларга қарата шундай дейди:

Номдор юлдузлардан ёруғлик кўрган  
Она ер қилади ҳақли ифтихор.  
Аммо ёритишда ўша жим турган  
Юлдузларнинг қўшган улуши ҳам бор.

Мамарасул Бобоев бу шеърда муҳим, принципиал масалани кўтаради, яъни адабиётни учта-тўртта машҳур ижодкорларгина яратмайди, уни ҳар турли, каттаю кичик, машҳуру номашҳур ёзувчилар ривожлантиради, шунинг учун адабиётшунос ва танқидчилар адабий жараёнга баҳо берганда шу ҳақиқатни кўзда тутишлари ке-



рак, демоқчи бўлади. Шоирнинг бу фикри улуғ рус танқидчиси Белинскийнинг «Гениаллар номи билан порлаб турмаган адабиёт камбағалдир; бироқ барчаси фақат гениал асарлардан ёки бўш ва бемаза асарлардан иборат адабиёт ҳам камбағалдир. Оддий талантлар адабиётнинг бойлиги учун зарур ва улар қанча кўп бўлса, адабиёт учун шунча яхши», деган ажойиб сўзларини эсга туширади.

Бу масала ҳар доим диққат-этиборда туриши керак. Ҳар бир ижодкор учун илм аҳлининг, адабий-танқиднинг ҳалол ва рост сўзи катта аҳамиятга эга. Мамарасул Бобоев «Умрим қўшиқлари» номли эссе-сида ҳам «Шоир одам учун бир-икки илиқ сўз кифоя: завқдан тўққизинчи осмонга уцади; бир-икки совуқ сўз унинг дилини пора-пора қилиб юборади», дейди. Шоирнинг танқидга муносабатида худди шу ниятлар ётарди.

Мен муқова қилинмаган тўпламни Мамарасул аканинг ҳузурига кўтариб боришимда юқоридаги гапларни ҳам назарда тутган эдим. Шоир оппоқ кўрпада бир қўлида ручка, бир қўлида дафтар ушлаб ўйчан ётар эди. У сўнги, чала қолган асари «Умрим қўшиқлари» эссесини ёзарди. Чала қолган дейишимизнинг боиси шундаки, шоир ўша куни мазкур асарида нималар ҳақида ёзганини ва яна нималар тўғрисида ёзмоқчи бўлганини гапириб берган эди. Шоир ўз устозларини санар экан, «Ҳизиги шундаки, гарчанд прозаик бўлмасам ҳам, Абдулла Қаҳҳорни ўзимнинг энг катта устозларимдан деб биламан. Шеър ёзганимда у ҳам менинг кўз ўнгимда туради, унга маъқул гапни қойил қилиб айтаялманми ё йўқми, деган савол қийнайдими мени», деганди ва у ҳақда ҳам ёзмоқчи бўлганини айтган эди. Афсуски бевақт ўлим унинг катта ниятларининг рўёбга чиқишига йўл қўймади.

Мамарасул ака қилаётган ишлари, ниятлари тўғрисида сўзлаб бўлиб тин олган пайтда мен тўпламни кўрсатиб, у ҳақдаги мақоланинг дебоча қисмини ўқиб бердим. Дебочада шоирнинг ўша танқидчи ва ижодкор, номдор ва кичик юлдузлар тўғрисидаги қарашлари ҳамда Белинскийнинг юқоридаги фикрларини келтирган эдим. Сўнгра қолган қисмларда шоир ижодига хос қандай масалалар, фазилатларга тўхтаганимни айтиб бераётган эдим, бирдан Мамарасул ака ҳушидан кетиб қолди. Мен ҳам қарахт бўлиб қолдим. Шоирнинг ўғли Бахтиёр дарров врач чақирди, у зумда етиб келиб, укол қилди, дори берди. Шоир ҳушига келиб, менга разм солиб, кўрқиб кетганимни сездим шекилли зўрма-зўраки кулиб:

— Қўркманг, бу хурсанд бўлганимдан. Утиб кетди, мана,— деди. Бахтиёр ҳам дасини қувватлаб, «Хурсанд бўлсалар, шундай бўлади»,— деб мени тинчитди. Шу пайт келин ойна бир лаган ош кўтариб кириб қолди. Шоир жавондан чинни идишдаги бальзамни олдирди ва учта рюмкага қуйиб, адабиётимиз равнақи ва одамийлик ҳақида сўзлаб қадаҳ кўтарди. Мен ҳай-

рон бўлиб турган эдим, меҳмоннинг кўнгли учунми ўзлари бир сипқариб ичиб юбордилар-да, «Энди Бахтиёр билан кетганича олинглар», деб қўйди... Мен мақоланинг қолганини ўқимадим, китоб чиқиши билан олиб келишга ваъда бериб, хайрлашдим. Афсуски, тўплам чиққанда шоир оламдан ўтган эди. Шоирнинг ёниқ, жушқин, пок ва самимий қалби унинг умр қўшиқларида қолди. У «Дафтарим» шеърисида ёзганди:

Баҳоримдан бошлаб эл учун  
Оқ қоғозга кўз — нур тўқаман.  
Шу килриқдай ўзим ҳам бир кун  
Чирт узилиб ерга чўқаман.

Тилсиз сурат бўлиб қоларман.  
Олтин ромда, эсда, альбомда...  
Бора-бора унутиларман,  
Изим қолмас мен ичган жомда.

Бир кун ўйлаб мени ватандош,  
Кўрмоқ бўлсанг агар юзимни:  
Шу дафтарни варақла ёввош.  
Топажаксан қалбим, ўзимни.

Чиндан ҳам шоирнинг адабий меросини — умр дафтарини варақласак, унинг теран фикрлари, чуқур ўйлари, катта орзулари, эзгу ниятларини тинглаймиз, туяймиз. Буларнинг барчаси шоирнинг улуғ Ватанимиз ва совет халқимизга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқатини ифодалайди, унинг эртасини янада гўзал ва Бахтиёр кўришига бўлган чин ишончи ва умидини акс этдиради. Мамарасул Бобоев ўз шеърларида ва «Умр қўшиқлари» эссесинида шоир ва шеър ҳақида, уларнинг халқ, ватан олдидаги бурчи тўғрисида кўп ёзди, жиддий гапирди. Буларда у шоирнинг гражданлик бурчига некрасовчасига, маяковскийчасига ёндашди. Мамарасул Бобоев: «Шеърдан чиқариладиган мақсад шу куннинг талабига жавоб бериши, бирор инсоннинг мушкуллига кўмаклашиши ва жамиятда бирор масалани ҳал қилишда ёрдами тегадиган бўлиши керак»,— дейди. Мамарасул Бобоев Маяковскийнинг ҳужумкорлик руҳидаги жанговар ижодини фоят севар ва шунга интилар эди. «Шеър» деб номланган асарида солдатларни тасвирлаб туриб ёзади:

Бургут қарашлари,—

Майковскийнинг —  
Мисралари каби ўткир, найзавор!  
Она саломидай қабул қилишар:  
Куйлайман —

Ватан,  
халқ маҳоратини:  
Тинч меҳнат роҳати,

қурилишларни,  
Гўдаклар қувончи, фароғатимни!

Мамарасул Бобоев ижодкорни — ёзувчини ҳам содиқ солдатга ўхшатади. У «Тилак» (Ойбек ҳақида) шеърисида «Шоир ҳам солдатдай бўлар, у жангда Ватан, халқи учун аямайди жон» дейди. Бошқа шеърисида эса «Асли, шу жангчидан нима фэрқим бор?», деб хитоб қилади. Ҳамзага бағишланган «Шоир» шеърисида «Шоир

ким?» деган савол қўйиб, шундай оташин жавоб беради:

Агар юксак мақсадни хушлаб,  
 Ҳақлигига келтирса имон  
 За шу йўлда солдатга ўхшаб  
 Тайёр турса бўлмаққа қурбон,  
 Шоир ўша.

Ҳамза ўшадир!

Мамарасул Бобоев Маяковскийдан шоир бурчини чуқур тушунишингига эмас, балки айна чоқда шеърнинг жанговар, ҳужумкор бўлишини, инсон қалбини теран ифодалашни ҳам ўрганди. «Устозлар» шеърда Маяковский образини чизар экан, эътиборни Маяковскийнинг «Тўсиқларни енгишни кўрсат: бюрократ, ялқов, ҳийлагар-сарқитларни айлагин ўсал!» деган ўғитига тартади. Шоир ватанга садоқат туйғусини қанчалик эҳтирос, меҳр билан куйлаган бўлса, халқнинг олға қадамга ҳалақит берувчи иллатларни ҳам шунчалик қаҳр-ғазаб билан фош қилади. Шундай қилиб Мамарасул Бобоев ижодида ҳажвий йўналиш пайдо бўлди. Шоир «Асли лирикликка менда ҳам ҳавас...» шеърдада лирик шеърлар ёзишни севса ҳам, унинг граждандлик бурчи қинғир ишлар қилувчи муттаҳамларга қарши шафқатсиз курашга даъват этаётганлигини айтади. Чиндан ҳам у «камчиликларни кўрса, уни қамчилегиси» келар ва дарров ўткир, қаҳр-ғазаб, нафрат руҳи билан тўла шеърлар ёзар эди. «Шеър ўқиш олдидаги кириш сўз», «Кузатиб бор зийрак кўз билан», «Ёмон», «Аноним», «Олға юргин, аммо менинг ортимдан», «Бир ишқмас гўзалга», «Олтинчи бармоқ» каби шеърларида шоир иллатларни заҳарли, кескир тил билан танқид қилади, ўз ибораси билан айтганда, юрагига, томирига найза санчади. Мамарасул Бобоевнинг ижодидаги маяковскийча жанговарлик, ҳужумкорлик руҳи, сиёсий ўткирлик ва публицистик теранлик унинг халқаро мавзудаги асарларида айниқса ёрқин кўринди. Шоир ўзбек совет шериятида халқаро мавзунинг муқим қарор топиши ва чуқур ишланишига муносиб ҳиссасини қўшган ижодкорлардан биридир. У «Шоир қалби» шеърда шоир диққатида ҳаётдаги ва инсон қалбидаги ҳамма нарса туриши керак, шоир ҳаммаси тўғрисида ўйлаши, сўзлаши керак, аммо бош масалани унутмаслиги лозим дегди:

Вироқ,

барин суриб.

ҳовучлаб жонин.

Кўз олдимга дунё тақдири келар:

...Яна тўкиб инсон кўз ёшин, қонин.

Дунёга ўт қўймоқ бўлур разиллар!

Шу фикр даҳшатли

танимни қамрар.

Шундан мен бўламан киргандай жангга:

Қоғозим майдонга, сиёҳим қонга.

Қаламим найзага ўхшаб кўринар.

Мамарасул Бобоевнинг шеърларида солдат, найза, Ватан, садоқат сўзларининг кўп учрашуви бежиз эмас. Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, фашизм устидан қо-

зонилган боиқ ғалабада унинг ҳам ҳиссаси бор. У шоирлик қаламини уруш оловида тоблаганлардан бири эди.

Талончилик урушига нафрат ва она-Ватанга садоқат туйғуси шоирнинг илк шеърларида—30-йиллардаги асарларида ҳам кўрина бошлаган эди. «Испан қизи—Сильва» (1936), «Ватан шаънига» (1938) шеърларида шу туйғу ётади. Уруш йилларидаги шеърлари руҳида «Яшаш бахтдир, севиш бахтдир, курашмоқ ҳам бахтдир» деган руҳ ҳокимлик қилди. Шоир бу йилларда жуда кам шеър ёзди. Уларда ҳали теранлик етишмас эди. Шундай бўлса-да, шоир бош нарсани—фашизм устидан қозонилган тарихий ғалабага сабаб совет кишиларининг она Ватанига бўлган чексиз муҳаббати эканлигини равшан идрок этди ва ёрқин ифодалади: «Зафарга бошлади зўр муҳаббатинг, Юрагим ўтсан, кўзим қароғи», «Мардлар майдонида шан, гурур бердинг, Эрга мадад экан қанотинг сенинг».

Шоир урушдан кейин «авлод-авлодга қолган жангномани»—«туганмас дostonи» чуқур ҳис этди ва уруш, тинчлик масаласини жаҳон халқлари тақдири билан, империализм ва озодлик, мустақиллик учун кураш масаласи билан жипс боғлаб талқин қилди. Унинг «Эрон дафтари» шеърий туркуми—сиёсий лириканинг етук намунаси бўлган асари умуман ўзбек шеърлятида муҳим воқеа бўлди. Худди шу даврда кўп миллатли совет поэзиясида халқаро тема жиддий ишланаётган пайт эди. Николай Тихонов, Алексей Сурков, Мирзо Турсунзода, Фафур Фулом, Никола Бажан каби шоирларнинг жанговар публицистик руҳдаги шеърлари совет шеърлятида янги тўлқинни бошлаб берган эди. Мамарасул Бобоев «Эрон дафтари» туркуми билан шу тўлқинга кўшилди ва унинг янада кучлироқ мавж уришига кўмаклашди. Туркумнинг тезда Москвада нашр этилиши, инглиз ва бошқа тилларга таржима этилиши ҳам шундан эди. Адиб шу туркуми билан оғизга тушди ва ўзбек совет шоирларининг эътиборли вакиллари билан бирига айланди. Чунки «Эрон дафтари» гача бизда ҳорижий Шарқ мавзусида, умуман халқаро мавзуда ҳеч қайси шоир шеърлар туркумини ёзмаган эди. Аслини олганда шеърий туркум ёзиш—яъни бирор катта мавзунинг ҳар томонлама чуқур ва теран бадий таҳлил этиш аънанаси ўзбек совет шеърлятида шу асардан бошланди.

«Эрон дафтари»нинг мукамал чиқишининг сабаблари бор эди. Энг аввало шоир материални чуқур, мукамал билар эди. Эронда кўрган, кечирган, ўрганган воқеаларини юракдан ҳис этган эди. У совет воқелиги билан Эрондаги аҳволни теран муқојаса қилиб, империализмнинг, мусталакачиликнинг машъум қиёфасини ёрқин тасаввур эта олди (туркумда тез-тез совет воқелигини муқојаса учун тилга олиб туриши шундан). Иккинчидан, мазкур туркумни юрак амри билан, қалб даъвати билан ёзди. Унинг ҳаётий тажрибаси, сиёсий сезгиси, шуури ва маънавий тайёргар-

лиги шундай асар ёзишга ундади. Мамарасул Бобоев «Умрим қўшиқлари»да ижод психологиясига доир ибратли фикрларни ўртага ташлайди. Шулардан бири шеърни қандай ёзиш масаласидир. У ўз шеърларини асосан юрак амри билан ёзишини таъкидлаб шундай дейди: «Ҳозирги бизнинг замонда, ҳамма шоирнинг шеърлари, ичида икки гуруҳ шеърлар—юрак амри билан ижод қилинган шеърлар ва редакциялар буюртмаси билан ёзилган шеърлар гуруҳи бўлиши мумкин. Юрак амри билан ёзиладиган шеър мулҳом билан уйғунлашиб кетса борми, шеърнинг султони туғилади. Лекин ҳар гал шундай бўлавермайди. Бу баъзан одат тусига кириб қолади. Мен биринчи гуруҳга мансуб бўлган шеърларни ёзишга одатланиб қолганман, лекин: буюртмаларни ҳам, агар шунга. Ўзимнинг тайёргарлигим борлигини сезсам, шу мавзуга оид етарли маълумотим бўлса, фикр ва туйғум ёрдамга келса, ўз вақтида бажаришга ҳаракат қиламан. Лекин бу жуда қалтис бўлиб, шоирга улкан шодлик, чексиз ўкинч келтиради,— кеча «Бопладим» деган шеъринг, бугун газетада ўқилгач, ўзингга ёқмайди. Хижолатпазлик!».

«Эрон дафтарининг етуклигини таъминлаган омиллардан бири унинг эпик сюжет заминига қурилишидир. Шоир ҳар бир шеър учун бирор воқеа ва бирор эпик қаҳрамон танлаб, шу асосда ўз ғоясини олға суради. Мамарасул Бобоев танлаган воқеий сюжетини шунчаки баён қилмайди, балки у баҳонасида ўз қарашлари, фикр-ҳиссиётини ўткир драматик пардаларда ифодалайди. Худди ана шу нуқтада унинг Маяковский йўлидан бориши аниқ сезиларди: ўткир киноя, аччиқ кесатик, сарказмга кенг мурожаат қилади, кутилмаган ўткир ва ҳаётий деталлар воситасида золимлар, босқинчиларнинг сатирик образини гавдалантиради; кескин музокара, баҳсдан теран умумлаштиришга, ундан мурожаат, ундовга ўтади. Шоир туркумнинг биринчи шеърда бундай дейди:

Мен совет кишиси,  
 меҳримдек қаҳрим —  
 Денгиздек бепоён, яшин шиддатли;  
 Шунинг учун, дўстлар, бу мисраларим —  
 Кўз ёши сингари аччиқ ва ўтли.

Туркумдаги «Сув ва нон», «Қора чодраллар», «Эрон гилами», «Хусайн» каби шеърлари чиндан ҳам аччиқ ва ўтли руҳдаги кучли шеърлардир. Энг муҳими шоир эрон халқи қалбда уйғонаётган озодлик кайфиятини мустамлакачиларга нафрат ва кураш руҳини ифодалашга асосий диққатини қаратади: «Гўё ичда аста-аста ёнгандай вулқон!», «Ғалаён кўзида ёнар ғазаб, кек!» Эрон халқининг сўнгги йилларда шохлик режими ва америка мустамлакачиларига қарши олиб борган курашлари шоирнинг юқоридаги фикр-мулоҳазалари, умид-орзуларининг асосли эканлигини тасдиқлайди.

Мамарасул Бобоев кейинги шеърларини ҳам маълум бирор масалага бағишлаб, уни ҳар томонлама мукамал, чуқур таҳ-

лил этиш йўлидан борди. «Жанубий нуқтада», «Садоқат ҳақида» ёки «Шабда ва япроқлар» шеърлар туркуми эпик кенглиги ва жанговарлик руҳининг кучлилиги билан қадрлидир. «Жанубий нуқтада» шеърлар туркумида даҳшатли Иккинчи жаҳон урушини бошидан кечирган қалбнинг янги уруш хавфига қарши кучли нафрати ва она-Ватан осоишталиги тўғрисида юракдан қайғуриши мотиви ётади. Шоирнинг садоқат ҳақидаги шеърлари ҳам юқоридаги туркум билан жипс боғланиб кетади: ватанга, коммунистик идеалларга садоқат туйғуси мазкур туркумнинг ўқ томирига айланган: «Агар керак бўлса жоним, ма, дея, тутмоқ учун сенга тайёрман, Юртим!».

Мамарасул Бобоев ўзбек шеърятини ривожига мазмунли поэмалари билан ҳам ҳисса қўшди. «Богбон», «Она» лиро-эпик поэмалари мавзу-материалининг янгилиги, қаҳрамонлар характерининг ёрқин чизилиши, сюжетнинг кескин қўйилиши билан эштиборни тортади. Бу, айниқса, «Она» поэмасининг драматизмга моликлиги ва психологик таҳлилининг чуқурлигида яққол сезилади. Эллингичи йиллар бошида ўзбек адабиётида поэмачилик ривожланди. Мамарасул Бобоевнинг таъкидлашича, бунда Ойбек ташаббускор бўлди, «ўзбек поэзиясининг олдинга қараб силжишида катта роль ўйнади». Ойбекнинг «Ҳамза», Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» поэмаларидан кейин Мамарасул Бобоевнинг «Богбон» (1947) поэмаси дунёга келди ва танқидчилик уни ижобий баҳолади. «Богбон»да шоир уруш воқеаси билан фронт орқасидаги халқ қаҳрамонлигини яхлит ҳолда акс эттириш йўлидан боради. Ижодкорнинг сюжетни драматик тарангликда беришга интилиши сезилади. Қаҳрамонлар монологи ва диалогини бериши ҳам шундан. Шоирнинг драматик поэма ёзишга иштиёқи 1940 йилда эълон қилган «Улуғбек» поэмасида айниқса равшан кўринган. Ғарчанд поэма битмаган бўлса-да, мавжуд парчада Улуғбекнинг сўнгги йиллар ҳаётида кечган фожиялар теран тасвирланган. Шоир бутун диққатини Улуғбек билан оқпадар ўғли Абдулатиф ўртасидаги кескин тўқнашувни кўрсатишга қаратади, уларнинг руҳий кечинмаларини очишга ҳаракат қилади. Бу фалсафий умумлашмаларга бой ва чуқур психологик таҳлил асосига қурилган асар, унинг «Она» поэмасига шаклан ва руҳан жуда яқин туради. Шоир «Она» поэмасида қаҳрамонлар руҳини, кечинмасини, ҳиссий оламиини атрофлича таҳлил қилади. Поэмага асос бўлган материал ҳам, кўтарилган масала ҳам, олға сурилган фикр-ғоялар ҳам шоир қалбига жуда-жуда яқин, қалбдан ҳис этилган эди, фарзанднинг ота-она, Ватан олдидаги бурчини ижодкорлар оиласи мисолида талқин қилади.

Поэма қаҳрамонларининг тақдири, шоирнинг теран ўй-мушоҳадалари китобхоннинг диққатини кўтарилган масалага жалб қилади, уйлатади (шоирнинг тўғридан-тўғри китобхонга мурожаат этиб, «Кечирасиз, азиз ўқувчим!», деб дардлашиши

ҳам бежиз эмас). Асар ўзбек поэмачилиги тарихида ўзига муносиб ўринни эгаллаб қолди.


Мамарасул Бобоев «Европа балладалари» туркумига кирган «Моцарт куйлайди», «Азизанинг излари», «Маутхаузенда» каби асарларида урушни, ёмонликни, адолатсизликни қаттиқ қоралаб, адолат, дўстлик, ватанга садоқат ва гўзаллик туйғуларини улуғлайди.

Мамарасул Бобоев она юрт ғалабаларидан, совет халқи камолотидан фан, маданият, адабиётимиз равнақидан юракдан қувона ва ғурурлана биладиган ҳақиқий ватанпарвар шоир ва инсон эди. У чиндан ҳам ўзи ёзганидек «табиатан ҳушчақчақ, ҳазил ва мутойиба талаб бир киши эди», ниҳоятда камтар, самимий, одил ва сахий одам эди. Шундай фазилатга молик одамларни гоят севарди. «Умрим қўшиқлари»да Мақсуд Шайхода тўғрисида сўзлар экан, «Унинг буюк ва камтар, ақлли ва содда, доно ва камсухан, билимдон ва толиб, одил ва қўрқмас, ҳақиқатгўй ва меҳрибон қиёфаси шогирдлари, дўстлари дилдан абадий жой олгандир», дейди. Ойбек тўғрисида эса, у «ҳар қандай ёрқин истеъдод олдида камтарлик билан тан берар ва уни қўллаб-қувватлар эди. Ойбек характеридаги олижаноб камтарлик унда-

ги ақл ва зако, зеҳн ва фаросат, билим ва маданият билан ва ниҳоят, ҳаётни ҳушёр кузатиш ҳамда ўз-ўзини тута билиш каби юқори даражадаги инсоний фазилатлар мевасидир!», дейди. Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги шеърида эса «қалам аҳлига бўлдингиз мезон!», деб таъкидлайди. Булар ибратли мулоҳазалардир:

Мамарасул Бобоев халқимизнинг маънавий дунёсини ўзининг етук ва жозибали таржималари билан ҳам бойитди. У Лермонтов, Симонов, Тихонов шеърларидан яхши таржималар қилди. Айниқса, ўзбек китобхони ватанпарвар татар шоири Муса Жалилни Мамарасул Бобоев таржималари орқали яқиндан таниди. Ижодкор ҳаётини она-Ватан озодлиги учун бахшида қилган бу шоирнинг «Маобид дафтари»ни маҳорат билан ўзбек тилига ўгирди. Татаристон АССР Олий Советининг Президиуми Мамарасул Бобоевни шу таржимаси учун фахрий ёрлиқ билан мукофотлади. Ўзбек китобхонлари қалбига машҳур совет шоири Расул Ҳамзатов ҳам даставвал унинг гўзал таржималари орқали кириб келди. Бу оташин ватанпарвар жанговар шоирнинг ижодий меросини халқимиз ҳар доим қадрлайди.

**Салоҳиддин МАМАЖОНОВ.**



## ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИДАН БАДИИЙ ҲАҚИҚАТГА

Ўзбек тарихий прозаси кейинги йилларда барқ уриб ривожланмоқда. Санъаткорлар ривожланган социализмнинг муаззам чўққиларидан туриб халқимизнинг тарихий тараққиёт йўлини, миллий характер шаклланишининг илдиз ва манбаларини чуқурроқ тадқиқ қилишга уринмоқдалар. Зеро, тарихий асарнинг бош вазифаси ҳам бугунги кунни ўтмишнинг қонуний давоми сифатида талқин қилиш ва уни истиқбол учун хизмат эттиришдан иборатдир.

Бу борада Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ойбек каби етук санъаткорлар жуда бой ва қимматли тажрибалар, анъаналар яратганлар. Жумладан, Ойбек «Навоий» романида халқнинг узоқ ўтмиши ҳақида ёзганда ҳам чуқур замонавий ёзувчи бўлиб қолиш мумкинлигини намойиш этиб, ўрта асрлар ҳаёти материаллини замонага хизмат эттира олганди.

Одил Ёқубовнинг сўнги йилларда яратилган «Улуғбек хазинаси», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Пиришқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романларининг китобхонлар томонидан илиқ кутиб олиниши ана шу ҳаётбахш анъаналар муносиб давом эттирилаётганидан дарак бериб турибди.

Мазкур мақолада бундай илғор анъаналар тарихий прозанинг муҳим тури бўлган тарихий-инқилобий асарларда қандай давом қилаётгани хусусида фикр юритмоқчимиз.

Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи ўзбек адабиётида соф тарихий-инқилобий романга асос солди. Инқилоб мавзусини ишлашда Ойбекнинг новаторлиги аввало шунда кўринадики, у синфий кураш кескинлашган даврнинг шиддатини тасвирлашда жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий конфликтларни биринчи ўринга олиб чиқди. Шу тариқа инқилоб арафасидаги Туркистоннинг фақат ўзигагина хос бўлган революцион вазият ва даврнинг кенг ижтимоий-сиёсий характеристикасини яратди.

Ойбек биринчилардан бўлиб ҳаёт тўқна-

шувларида қаҳрамон характери эволюциясини кўрсатиш орқали ўзбек революционери синфий онгининг ривожланиш жараёнини конкрет тарихий ва миллий материалда гавдалантирди.

Тарихий-инқилобий прозадаги бу илғор анъана кейинги ижодкорларимиз томонидан муваффақият билан давом эттирилмоқда.

Оқсоқол адибларимиз Назир Сафзоровнинг «Наврўз», «Момақалдироқ», Комил Яшиннинг «Ҳамза» романлари шу мавзу талқинига бағишланган. Ҳамид Фуломнинг тарихий-инқилобий темада яратилган «Мангулик» романи 1980 йилги СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Йўлдош Шамшаровнинг «Чироқ», Жуманиёз Шариповнинг яқинда яқуний китоби эълон қилинган «Хоразм» романлари, Исҳоқ Содиқовнинг «Фарғона зулмат кўнида», «Истиқбол сари», «Водийда баҳор» роман-хроникалари ҳам инқилобий давр воқеаларидан ҳикоя қилади.

Тарихий-инқилобий прозада ҳам қаҳрамонлар характерининг бадий тадқиқи бош масала ҳисобланади. Бундай, сирага кирган асарларнинг аксариятидаги қаҳрамонлар реал тарихий шахслар бўлганлиги, тўқима қаҳрамонлар хатти-ҳаракати ҳам реал миллий муҳит билан узвий бирликда тадқиқ қилиниши лозимлиги тарихий-инқилобий асарларда характернинг ҳаётийлиги ва уни далиллаш маҳоратида алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Инқилобий мавзудаги асарлар қаҳрамонларининг аксарияти революциянинг толмас жангчилари, унинг ғоявий йўлбошчилари, халқ озодлиги йўлида жонини фидо қилган ботир ўғил-қизлар, ўз даврининг илғор тенденцияларини мужассамлаштирган актив, яратувчи ва исёнкор шахслардир. Бундай кучли характерлар, табиийки, бадий асарда ҳам, Энгельс сўзлари билан айтганда, «Рембрандтга хос ўткир бўёқларда тасвирланиши» лозим.

Агар Ойбек «Қутлуғ қон» романида асар



марказига халқ орасидан чиққан исёнкорларнинг тўқима образини қўйган бўлса, сўнгги даврда ёзувчиларимиз бу анъанани ижодий давом эттириб, ўша бўронли йилларда жонбозлик кўрсатган конкрет тарихий шахслар образларига кўплаб мурожат қилмоқдалар.

Аммо, реал тарихий шахс образини яратилишнинг ўзига хос мураккабликлари борлигини ҳам унутмаслик лозим. Совет тарихий-инқилобий прозаси тажрибаси шуни кўрсатадики, асар марказига конкрет тарихий шахс образи олинган экан, гап мана шу қаҳрамон ҳаёти ва фаолияти призмасида даврнинг кенг ижтимоий-иқтисодий манзарасини бутун зиддиятлари билан бера билишдадир. Зеро, шахснинг буюклиги ҳам унинг ўз замони воқеаларига ўтказган таъсир доирасига қараб белгиланади. Ёзувчи ўз қаҳрамонининг айниқса ижтимоий фаолиятига ва бу фаолиятни белгилаб берган ички омилларга асосий эътиборни қаратмоғи лозим.

Мухтор Аvezов сўзлари билан айтганда «бизнинг замонавийлигимиз ўтмишдаги сиймолар ҳаётини натуралистик ифода қилиш билан чиқиша олмайди. Бизларни уларнинг биографияларидаги ўткинчи факт ва тафсилотлар қизиқтирмайди. Бу фактлар эсдан чиқиб кетадилар. Халқ хотирасида буюк арбоб ҳаётининг энг муҳим томонлари, уларнинг тарихда ўйнаган ролларини кўрсатадиган томонлари узоқ яшаб қолади. Шу тўғрисида ҳам ажойиб кишилар биографиясига аввало, ана шу нуқтаи назардан қараш лозим».

Инқилоб жангчиларининг халқ хотирасида абадий сақланадиган хизмати эса, уларнинг озодлик курашларидаги етакчилиги, янги тузум ғалабаларини сақлаб қолиш ва мустақамлашда кўрсатган кенг ижтимоий фаолиятидир.

Шу нуқтаи назардан реал тарихий шахс ҳаёти ва фаолияти тасвир марказида турган Яшиннинг «Ҳамза» романида бу мутаносибликка бирмунча изчил амал қилинган.

Тўғри, романнинг дастлабки бобларида давр воқеаларини бериш маъносида бир қатор қўшимча интригали маъиший саҳналар яратилади (Зулфизар саргузаштлари, Шаҳзода — Олчинбек алоқалари).

Лекин ёзувчи бу йўлдан тез қайтади ва кейинги бобларда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг анча кенг ва чуқур бадиий тадқиқи, даврнинг ижтимоий таҳлили етакчи ўринга чиқади.

Асар марказида Ҳамзанинг ҳаёти ва фаолияти турса ҳам, ёзувчи жуда бой фактик материаллардан энг зарурларини танлаб ола билган.

Айёр Содиқжон бой, мунофиқ Миён Қудрат, сотқин Олчинбек билан тўқнашувлар, ҳаётда у кузатган разиллик, жаҳолат, адолатсизлик Ҳамзанинг маърифат тарқатиш билангина халқни бахтли қилиш мумкинлиги ҳақидаги орзуларини парчалаб, уни инқилоб йўлига олиб чиқди. Энди у ўзининг бутун кучи, иқтидорини инқилоб ғалабаларини сақлаб қолиш ишига бағишлайди.

Романда Ҳамзанинг тарихий фактларга асосланган бундай жўшқин фаолиятини бадиий далиллашда меъёрига етказилмаган ўрин ҳам йўқ эмас. Жумладан, назаримизда қанчалик кучли натура бўлмасин, романда ўзини ўраб турган ўша муҳит, кучли рақиблари билан кураш майдонида Ҳамза ёлғизлиб қолгандек тасаввур қолади. Унинг ёнида, майли тўқима бўлсин, яна бир қатор кучли, ҳамфикр ва маслакдошлар ҳам фаол ҳаракат қилганларида, бу курашни яна ҳам кескинроқ, драматикроқ бериш имкони тўғрисида. Степан Соколов гарчи Ҳамзанинг ҳамфикри сифатида берилса ҳам, уларнинг ҳаракати ва кураши бевосита қўшилиб кетмайди, бунинг устига, кейинроқ бориб, бу образ бирмунча схематик тус олади. Мавлоно Завқий ҳам Ҳамзанинг яқин сирдошига айланиши мумкин эди. Лекин романда у ҳар замонда, йўл-йўлакай тилга олинади, бевосита ҳаракатда кўрсатилмаслиги тўғрисида тўлақонли характер даражасига, кўтарилмай қолади.

Ҳамзанинг ҳаёт йўли ниҳоятда мураккаб ва серқирра. Бу кенг фаолиятнинг барча томонларини қамраб олиш чиндан ҳам қийин. Лекин Ҳамзанинг чет элдаги икки йиллик ҳаёти, Октябрь инқилоби кунларидаги фаолияти, Хоразмда амалга оширган катта ишлари унинг инқилобий қарашлари шаклланишида муҳим роль ўйнади. Худди шу ўринларнинг тушириб қолдирилиши, воқеалар тез-тез алмашиб туриши, улар ўртасидаги боғланиш ҳамиша ҳам силлиқ эмаслиги композициянинг раванлигини бузгандай бўлган.

Воқеаларнинг кўпайиб кетганлиги ва тасвирдаги тезкорлик қаҳрамонлар руҳиясини янада чуқурроқ тадқиқ қилишга ҳалақит бергандек туюлади.

Инқилобий йилларда жасорат кўрсатган ва озодлик ҳаракатининг бошида бўлган ўзбек халқининг ўнлаб ва юзлаб большеви — революционер фарзандларининг реал образлари ҳали кўплаб тарихий-инқилобий асарлар саҳифаларини безаши мумкин.

«Инқилоб жангчилари» сериясида чиқётган китобларда ўзбек халқининг бир қатор шонли фарзандларининг жасоратга тўла ҳаёт йўллари билан танишиш борасида, ўзбек тарихий-инқилобий прозаси ҳали ўз ўқувчилари олдига жуда бурчдор экани яққол сезилади.

Бундай қаҳрамонларнинг баъзилари айрим асарларда тилга олинса ҳам, улар бутун виқори билан бўртиб турган, тўлақонли бадиий характер даражасига кўтарилмай қолади.

Жумладан, Жуманиёз Шариповнинг «Хоразм», Исҳоқ Содиқовнинг «Водийда баҳор» романларида Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Тошпўлат Урозбоев, Жаҳон Обидова, Ҳамза, Усмон Юсупов, Абдулла Набиев каби ўнлаб тарихий шахсларнинг номи тилга олинади. Афсуски, уларнинг бирортаси тўлақонли образ даражасига кўтарилмай, эпизодик характерда қолиб кетади.

Шу нуқтаи назардан Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари» қиссасидаги

Файзулла образи сўнги давр тарихий прозасининг ютуқларидан бўлди. Қиссининг ютуғи шундаки, тарихий реал шахс образини чизишда ёзувчи одат бўлган адабий қолиплардан қочади.

«Бухоронинг жин кўчалари» қиссасида Асқад Мухтор бош қаҳрамони революцион характерининг шаклланиш жараёнини, бу жараёндаги адашиш ва иккиланиш, қийинчилик ва тўсиқларни ишонарли кўрсатишга алоҳида эътибор беради.

Файзулла Хўжаев ўзини ўраб турган ўша муҳит учун фавқулодда шахс эди.

Миллионернинг ўғли бўлган ёш йигитнинг меросдан, ҳузур-ҳаловатдан юз ўгириб, тузумга қарши курашишга бел боғлаши — бу анчайин типик ҳодиса эмас. Худди шу ҳолат характер яратишда ёзувчи олдиға мураккаб вазифалар қўяди. Адиб қаҳрамони таржимаи ҳолиға оид бўлган фактларни фақат қайд қилиши эмас, балки уларнинг туғилиш сабабларини ҳам изчил тадқиқ қилиши ва асослаб бериши талаб этилади.

Асқад Мухтор бу қийин вазифани уदдалай олган. Бош қаҳрамон ҳақиқат излаб келган «жин кўчалар» тасвири бизни қаноатлантиради. Файзулланинг дастлаб отаси қуршовидаги одамлардан наҳот излаши, Шоражаб муфти Зуфунун билан яқинлашиши, лекин Шоахсий каби ифлос кишиларни кўриб руҳий камолотдан кўнгли қолиши, унинг жадидлар лагерига қўшилиб маърифатчиликка берилиши, хўжа Зухриддин маҳдум фикрига қўшилиб, кулфатлардан қутулиш учун «тадбири кор» излаши ва ниҳоят бу тадбиркор инқилоб эканлигини секин-аста тушуниб бориши ёзувчи томонидан бадий тадқиқ этилади.

Бош қаҳрамон тинимсиз фикрлаш, мулоҳаза юритиш ва зиддиятли ички кечинмалар оғушида кўрсатилади.

Гарчи қиссада Файзулла Хўжаевнинг инқилобчига айлангани ҳақида ҳеч нарса дейилмаса ҳам, Озод Шарафидинов тўғри таъкидлаганидек, «Бухор жин кўчалари охир-оқибатда уни ҳақиқатнинг катта йўлиға олиб чиққанига» китобхон ишонади.

Тарихий реал шахслар образини яратиш сўнги давр инқилобий прозамизнинг янги тенденцияларидан бири бўлса, бадий тўқимаға асосланган тарихий характер яратишда эса адабиётимиз бирмунча бой тажрибаларға эга.

Сирасини айтганда, умумлашган типик тўқима образ, яратиш реал шахслар характерини гавдалантиришдан кўра анча мураккабдир.

«Қутлуғ қон»даги Йўлчи ҳам тўқима образ. Лекин у типикликда ва ўз давриға нисбатан конкретликда ҳеч қайси реал шахс образидан қолишмайди. Чунки Йўлчи тақдирда инқилоб арафасидаги даврнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий проблемалари ўз аксини топган.

Шу нуқтан-назардан ёзувчи Ҳамид Фуломнинг «Мангулик» романи ажралиб туради. Унда ёзувчи 20-йилларнинг пўртанали воқеаларига мурожаат этиб, маданий инқилоб ва янги тузум душманларига қарши

кураш қандай мураккаб шароитларда амалға ошганини ҳаётий картиналарда кўрсата олган. Роман воқеалари асосан Тошкент ва унинг атрофидаги қишлоқларда кечади.

Хўжакент қишлоғида ин қуриб олган унсурлар у ерда маданий инқилоб бўлишиға, янги мактаблар очиш ва ўқитиш ишларига кескин қаршилик кўрсатадилар. Қисқа вақт ичида улар шу қишлоқ аҳолисига зиё тарқатиш учун юборилган икки ўқитувчини ҳалок қиладилар. Душман билан курашишға халқнинг довурак фарзандлари сафарбар қилинади.

Асардаги тўлақонли образлардан бири Маъсуддир. У партия топшириғи билан Хўжакентға келиб, синфий душманларнинг қаршилиғи авж олиб турган бир шароитда аҳолини ўқитиш ишларини жонлантиришға бош қўшади. Довжорак йигит ўқитувчилик қилиш билан бирға қишлоққа уя қуриб олган ва советларға қарши кўпурвчилик ишларини олиб бораётган Норхўжабой, унинг ўғли Шерхўжа қабиларни фош қилишда қатнашади. Қишлоқда жуда мураккаб шароит ҳўкм сурмоқда эди. Одамларнинг совет ҳокимияти яратиб берган қулайликлардан фойдаланиши ва инқилобни бор овози билан ёқлаши душманларға тинчлик бермасди. Улар турли хил йўллар билан иккиланган кишиларни ўз томонларига оғдариб олар, ташвиқотлари ўтмағач, кўпурвчилик, бузғунчилик, қотиллик билан шўғулланардилар. Маъсуднинг ГПУда ортирган тажрибаси иш беради. У инқилоб душманларни барчасининг изи маҳаллий бой, ҳали отдан тушса ҳам, эгардан тушмаган ва кўнглида бир дунё қора ният билан юрган Норхўжабой хонадонига келиб туташини аниқлайди. У ўз дўстлари ёрдамида аниқ режаланган, пухта ҳаракат қилади.

Маъсуд маккор душман Шерхўжани ушлашда қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Лекин ёш йигит Хўжакент одамлари қалбида совет ҳокимиятининг довурак жангчиси сифатида абадий яшаб қолади.

Романда Маъсуд жуда кенг фаолият кўрсатади. Аммо мана шу фаолият жараёнида унинг қалбида юз бераётган кечинмалар ҳамиша ҳам чуқур кўрсатилади деб бўлмайди. Айрим ўринлар баёнчиликдан холи эмаслигини, психологик характеристикалар ҳамма ўринларда бирдай чуқур, ёрқин чиқмаганлигини ҳам айтиш лозим.

Йўлдош Шамшаровнинг «Чироқ» романи ҳам мавзу жиҳатидан «Мангулик»ға ҳамоҳанг. Ёзувчи романда Наманган атрофидаги қишлоқларда совет ҳокимиятининг зафарли қадамларини: ер ислоти, маданий инқилоб, хотин-қизлар озодлиғи, ички душман билан кураш манзараларини яратишға ҳаракат қилади. Чекка Қўшбулоқ қишлоғида кечаётган бу улкан ўзгаришлар умуман республикамизда инқилоб ғалабаларининг узвий қисми сифатида берилади.

Адиб асар, бошида давр йўналишини тўғри белгилаб олади. Аммо у кўтармоқчи бўлган жуда муҳим масалалар асар охиригача изчил ривожлантирилмайди. Кўп

ўтмай давр тадқиқи ўрнини шахсий интригалар, иккинчи даражали қаҳрамонларнинг узундан-узоқ саргузаштлари эгаллайди. Кучли синфий курашларга сабаб бўлган ер ислохоти, маданий инқилоб соҳасидаги курашлар даврга хос кескинлик касб этмайди. Қаҳрамонлар бевосита кураш ва қизгин фаолият устида кам кўрсатилади. Хусусан бош қаҳрамон Шароф домла характеридаги асосий камчилик — унинг фаолиятсизлигидир.

Шароф домла ислохот комиссиясининг аъзоси сифатида романда деярли фаолият кўрсатмайди. Унинг мулла Шаҳобиддин билан тўқнашувлари эса фақат эмоционал характерга эга бўлиб, кескинлик касб этмайди. Шароф домла унсурларнинг аёвсиз душмани, инқилобнинг актив жангчиси сифатида фаол ҳаракатда кўрсатилмаганлиги сабабли унинг ўлдириб кетилиши воқеаси ҳам мантиқан асосланмагандек таассурот қолдиради. Асарда севги линиясига керагидан ортиқ ўрин берилади. Аввало асарнинг бошидаёқ шайх Шаҳобиддин билан принципиал олишув пайтида Шароф домланинг севги саргузаштлари ҳақида узун ҳикоя бошланади ва бу ҳол кескин тўқнашувни сусайтириб қўяди.

Тарихий-инқилобий мавзу заминиди сиёсий ва иқтисодий конфликтлар ётади. Бу ҳол, табиийки, севги линиясини ҳам инкор этмайди. Айтайлик, «Қутлуғ қон»да жуда гўзал севги линияси мавжуд. Лекин Ойбек аниқ меъёр билан иш тутади. Йўлчи ўзининг тор шахсий кечинмалари билангина эмас, давр ҳис-туйғулари, халқ ғами билан яшади. Гулнорни йўқотиш Йўлчини исёнкор қилган бош сабаб эмас. Севгининг поймол қилиниши романда нобоп тузумнинг бир халққачиси сифатида берилади ва у Йўлчи севр косасига тушган сўнги томчи бўлади.

Афсуски, кейинги даврда яратилган бир қатор асарларда бу линия конфликтнинг асоси сифатида қўйилади. Бу нарса тараққиётнинг бош омили бўлган даврнинг ижтимоий-иқтисодий конфликтларини бўшаштиради, уларга соя солади.

Яна бир қатор асарлар борки, уларда характер яратиш масаласида Йўлдош Шамшаров тутган йўлнинг аксини кўрамай. Айрим ёзувчилар ўз қаҳрамонларини имкони борича гўя ҳаракат қилдиришга, уларга кўпроқ ғоявий вазифа юклашга ҳаракат қиладилар.

Ёзувчи буни фаол қаҳрамон яратаман деган яхши ният билан қиладую, аммо баъзан қаҳрамоннинг бу хатти-ҳаракатлари ўз даври, муҳити, қолаверса ҳар бир ҳаракатнинг ўз индивидуал мантиқидан келиб чиқмайди. Натижада қаҳрамон ёзувчининг «амри» билан ўзини ўтга, сувга бемақсад урaveraдиган, қўғирчоққа айланиб қолади.

Жуманиёз Шариповнинг «Хоразм» романидаги Полсов образи ана шу тип қаҳрамонлар сирасига киради. Бу образ романининг тўрттала китобида ҳам бош қаҳрамон сифатида иштирок этиб, ёзувчи уни Хоразмда инқилобнинг тайёрланишидан

тортиб, совет ҳокимиятини мудофаа қилишгача қандай йирик воқеалар бўлиб ўтган бўлса, шуларнинг барчасида шахсан иштирок эттиради. Унинг на нафасини ростлаб олишга, на уни кутавериш сарғайиб кетган Ёқут бика билан учрашишга вақти йўқ. Ёзувчи уни барча тўфонли воқеалар ичидан соғ-саломат олиб ўтади. Лекин қаҳрамон иштирок этаётган мана шу буюк воқеалар унинг қалбида қандай ҳис-туйғу уйғотаётган, Полсовни шундай фидоийликка ундаётган ички куч нимадан иборат — бу масалалар ёзувчини жуда кам қизиқтиради. Бундай қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, улар қанчалик «фаол» бўлмасин, китобхонни қониқтира олмайди, албатта. Бу ўринда қаҳрамоннинг фаоллиги унинг руҳий камолоти билан қўшиб бадий тадқиқ қилинса, характер мукамаллик касб этарди.

Хотин-қизларнинг инқилоб йилларидаги ижтимоий активлигини кўрсатиб бериш ҳам жуда муҳим масала. Лекин бу ўта мураккаб ва нозик жараён эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Ҳамид Ғулум «Мангулик» асарида даврнинг мураккаблигига қарамай нурга, илмга, озодликка интилган бир қатор аёллар образини меҳр билан чизади.

Булар ўзида даврнинг шиддаткор ҳислатларини акс эттирган Назоқатхон, Салима, Дилдор сингари фаол хотин-қизлардир.

Булар орасида Дилдор образи алоҳида ажралиб туради. У ўзи яшаган Норхўжабойлар муҳитидан юз ўгириб, тақдирини халқ билан, севгилиси Маъсуд билан боғлайди. Лекин нурга интилувчи, бокира қиз ўз акиси томонидан ўлдирилади. Аммо, Дилдор тақдирининг фожиали якуни асарга тушкунлик руҳи бермайди. Қасинча, бой оиласида тарбияланган қизнинг бундай қайта тарбияланиши ва илғор ёшлар қаторидан ўрин олиши инқилобнинг буюк ўзгартирувчилик, тарбиявий кучини намойиш этади.

Дарҳақиқат, хотин-қизлар революцион активлигининг ошиши улар характеридаги ички ўзгариш ва ўсиш билан, уларни ўраб турган ижтимоий муҳит билан изчил тадқиқ қилиниши лозим. Мирмуҳсин «Чодрали аёл» қиссасида Маднининг биргина қуролли қўзғолон режасини керакли одамга етказиб бергани учун уни буюк инқилобга катта ҳисса қўшган аёл ҳисоблайди. Уни ўраб турган ижтимоий шароитда чодрали аёлнинг бу иши жуда катта жасорат саналишини ёзувчи атайлаб таъкидлаган ва буни асари сарлавҳасига олиб чиққан. Афсуски, бу яхши аъёнага барча ёзувчилар ҳам бирдай масъулият билан қараётганлари йўқ. Натижада баъзи қаҳрамонлар ўзлари ҳаракат қилган тарихий замондан, ўзларини ўраб турган ижтимоий муҳитдан узиб олиб тақдим қилинмоқда.

«Чироқ» романида оддий қишлоқ қизи Мавлуда «Имомнинг салласига ўт қўйдирамсан. Сизларга қолса, худониям жинни қиласизлар» деб «шаккоқлик» қилади. Бундай ҳолат гоҳида адабларнинг аёллар ижтимоий фаоллигини кўрсатишда давр

хусусиятларига, миллий-тарихий муҳит белгиларига етарлича жиддий эътибор бермасликлари асарнинг умумий савиясига салбий таъсир этишини кўрсатади.

Тарихий-инқилобий асарларда салбий характери ҳам бутун мураккаблиги билан кўрсатиш муҳим вазифалардан саналади. Бу жиҳатдан ҳам «Қутлуғ қон»нинг ажойиб анъаналари намуна бўлиб келмоқда.

«Мангулик»даги Норхўжабой ва унинг ўғли Шерхўжа, «Ҳамза»даги Содиқжонбой, Аҳмадохунбой, «Чироқ»даги Носирбой каби характерлар инқилоб арафасида халқ қонини зулукдек сўрган мулкдорларнинг, янги тузум душманларининг типик образлари бўлиб, адабиётдаги салбий типлар галереясини бойитади. Уларнинг кўпчилигида шаклланиб келаётган миллий буржуага хос сифатлар усталик билан кўрсатилган. Шунингдек, тарихий асарларда яратилган кўплаб маҳаллий маъмурият вакиллари, чор амалдорлари, чет эл. миссионерлари, босмачилар тўдаси бошлиқлари, руҳонийлар, ўнг жадидлар ва бошқа озодлик душманларининг образлари ўша давр ҳақиқатини тўлиқроқ яратишга хизмат эттирилади...

Салбий типлар характери чизишда фақат қора бўёқ ишлатиш усули йўқолиб бормоқда. Унинг ўрнига қаҳрамонни бутун мураккаблиги ва ички моҳияти билан бадий тадқиқ этиш принципи кучайди. Бу сўнги давр прозамизнинг муҳим ютуқларидан биридир. Ёзувчиларимиз «юрт гуллари»га хос бўлган мол-мулкка ўчлик, адолатсизлик ва золимлик, айёрлик ва жоҳиллик, сотқинлик ва маънавий тубанлик каби белгиларни ҳаққоний кўрсатиб, уларнинг таназзулга юз тутаетганлигини янада кучайтириб тасвирлашга эришмоқдалар.

Бироқ инқилоб душманлари характери ҳамма асарларда ҳам бирдай чуқур тадқиқ қилинган деб бўлмайди.

Айтайлик, «Чироқ» романидаги Носирбой ва шайх Шахобиддинлар аслида жуда кучли шахслар. Лекин асарда улар ўта лақма қилиб кўрсатилади. Шароф домла шайхни, Чарим полвон Носирбойни очиқ мазах қилишади. Бой билан шайх эса қўл қовуштириб тураверишади. Ўзининг охириги талвасаларини кечираётган ва ҳар қандай

жиноятга қодир бўлган бу гуруҳ аъзолари романда бевосита кам ҳаракатда кўрсатилади. Носирбой фақат ўз бойликларини қандай сақлаб қолиш, ҳорижга ўтказиш ҳақидагина қайғуради, холос.

Шу ҳақиқатни унутмаслик керакки, инқилоб душманлари характери худди ҳаётдагидек қанчалик кучли очиб берилса, инқилобни амалга оширган халқ курашчиларининг қаҳрамонлиги, қудрати шунчалик ёрқин намоён бўлади. Ва аксинча, бу масалада далиллашнинг етишмаслиги тарихий ҳақиқатнинг бузилишига олиб келиши ҳам мумкин.

Юкоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, ўзбек ёзувчилари бўронли инқилоб даврининг бадий йилномасини яратиш йўлида тинмай ҳаракат қилмоқдалар.

Адибларимиз ўз тарихий-инқилобий асарларида революция арафаси ва совет ҳокимиятининг дастлабки йилларининг конкрет воқеаларини, даврнинг ижтимоий-иқтисодий проблемаларини айрим қаҳрамонлар тақдири орқали акс эттириш билан Туркистон халқининг Октябрга келишидаги ўзига хос тарихий йўлини тадқиқ этишга, давр образини яратишга ҳаракат қилмоқдалар.

Маълумки, қайси мавзуда ёзилган бўлмасин, бадий асарнинг салмоғини унда яратилган бадий характерлар белгилайди. Шу боисдан санъаткорларимиз инқилоб даври ҳаёти учун типик бўлган жамиятнинг турли табақалари вакиллариининг образларини кўплаб яратмоқдалар.

Аммо, баъзи асарлар тажрибаси шуни кўрсатаётибдики, яратилган характерларнинг ижтимоий салмоғини ошириш, уларнинг хатти-ҳаракатини ўз даври, муҳити белгилари билан далиллаш соҳасида қилдиган ишлар кўп. Санъаткорларимиз халқимизнинг инқилобий ўтмишини тадқиқ қилишда бадий маҳорат масалаларига айнақса эътибор беришлари лозим. Зероки, бу қутлуғ мавзу ўзига нисбатан катта масъулиятни талаб қилади.

Акрам КАТТАБЕКОВ,

филология фанлари кандидати.



## ШОИРНИНГ ИККИ ТЎПЛАМИ

**О. ХОЛДОР. «Субҳидам қўшиқлари».**  
**Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат**  
**нашриёти. Т., 1978; О. Холдор. Ку-**  
**муш коса. «Ёш гвардия» нашриёти,**  
**Т., 1980.**

Олимжон Холдорнинг «Субҳидам қўшиқлари» шеърий тўплами мавзу ранг-баранглиги билан ажралиб туради. «Кумуш коса» дostonи эса Ўзбекистонда кейинги йилларда бунёд этилган улугвор иншоотлардан бири — Андижон денгизи қурувчиларига бағишланган.

Тўпланда Ватан, меҳнат, табиат, севги, жангда ҳалок бўлганлар руҳи, оталар жасорати мадҳ этилади.

Олимжон Холдор сермавзу ижодкор. Унинг тўпламга киритилган «Янги дoston», «Днепр бўйида» каби оталаримиз жасоратини тараннум этувчи шеърлари лиризмга бойлиги, воқеабандлиги билан бошқа шеърларидан ажралиб туради. Шоир ўқлардан ғалвир бўлиб кетган Брест қалъасида саккиз минг совет жангчисининг қони тўкилган тупроқда, саккиз минг туп атир гул ўсаётганини, хиёбон, йўлкаларнинг қизиллигини айтади ва қўйидаги умумлашма фикрни илгари суради:

Бу ерда хиёбон. Йўлкалар қизил,  
Гуллар шиврида марҳумлар арзи.  
Депсиб ўтмоқликка йўл қўймайдир дил.  
Бу ўша тўкилган қонларнинг рамзи.

(«Қизил асфальт»).

Демак, бу гулзор саккиз минг жангчининг қонидан унган. Шу сабабли шоир бу она тупроқни, гулларни севишга, уларни ардоқлашга, ўтган авлодлар руҳини эъозлашга чақиради. Шеър халқимизнинг немис газандаларига қарши кураши лавҳалари билан таништиради. «Монолог ҳақида монолог» шеъри тўпламдаги энг бақувват шеърлардан. Унда ниҳоят шоирнинг ҳам юрагида қат-қат дарди борлиги сезилади.

«Субҳидам қўшиқлари» тўпламидан шоирнинг бир қанча балладалари ҳам жой олган. «Кристина» балладаси шоирнинг Англия таассуротлари асосида ёзилган. Асарда камбағал бир инглиз гўзалининг қайғули қисмати ҳикоя қилинади. Бир тўда

пулдорлар қизнинг гўзаллигини, кадр-қимматини оёқ ости қиладилар. «Йўлдошбой мироббоши» балладаси тўғон қурилишига бағишланган (у кейинчалик «Кумуш коса» поэмасига киритилган). «Сўқмоқлар» балладаси шоир кечинмаларининг табиийлиги, фикрларининг теранлиги билан ажралиб туради. Лекин асар композицияси мукамал эмас. У болаликни эслаш билан бошланиб, инсон ўлимидан сўнг уни ким эслаши тўғрисидаги фикрлар билан тугалланади. Асар катта бир лирик дostonнинг парчаларига ўхшайди.

Шоир тўплам охиридаги «Субҳидам қўшиғи» дostonини реал замондошлари, «севги қурбонлари Хоназимхон Иброҳим қизи, Искандаржон Зокир ўғли хотирасига» бағишлайди. Асардан англашилшича, қаҳрамонлар қишлоқдаги синфий кураш қурбонлари экан.

Дoston қаҳрамони агроном Искандар ота-онадан эрта ажралади. У ўзининг эзгу ишлари билан Ватанга, Кулла қишлоғи меҳнаткашларига фойда етказди, артег тузишда фаол қатнашади. Шоир Искандарнинг табияти, феъл-атворини шеърий мисраларда очиб берган. Шунингдек, унинг танбур чертишига, қўшиқ айтишига, Навоийдан ўқиган назмларига оддий одамларнинг таҳсини яхши ёритилган.

Дostonда ўқувчига маънавий озиқ берувчи поэтик лавҳалар бор. Хусусан, Искандар ва Хоназимхон учрашган эпизодлар, улар ўртасида бўлиб ўтган суҳбатлар шоир томонидан дуруст чизилган. Шоир бу суҳбатни самимий, содда тилда беради, севишганлар қалбидаги ҳис-туйғуларнинг ҳаётий манбалари кўз олдимизда гавдаланади. Бироқ, севгининг йўли оғир. Иброҳим тўра «Қорачага берар қизим йўқ! Бундан бошқа айтар сўзим йўқ!..» деб туриб олади. Уч-тўрт актив, уч-тўрт оқсоқол бир бўлиб тўра олдига борганларида у ўйлаб-ўйлаб вaж тополмагач, тўйга розилик билдиради. Қишлоқда биринчи қизил тўй бўлади. «Ойсиз қора тунда» ниқобланган уч киши Иброҳим тўра олдига қиради. «Беҳаё қизини ва уни йўлдан оздирган Искандарни ўлдиршдан олдин тўрадан фотиҳа олишга кирганларини айтадилар. Аммо, асарда отанинг фарзанди ўлимига фатво бериши, айниқса, қизини ўзи ўлдириши психологик асосланмаган.

Авторнинг фикрича, икки ёшнинг жасорати, асосан никоҳ ўқитмасдан, қизил тўй қилишларида экан. Колхоз душманларининг фаолияти асарда мантқиқий далилланмаган.

Достон тилида ҳам айрим камчиликлар учрайди. Жумладан:

Қайга борсам шу ер — Ватаним.  
Сиздан бир гап сўрамоқчиман.  
Сиздан бошқа кимим бор маним.  
Сизни гулга ўрамоқчиман...

Шу зайлда қофияга алоқаси бўлса ҳам, мазмунни кучайтирмайдиган сўзлар терилди.

Бу банддаги «Ердан бир гап сўраш», «ёрни гулга ўраш» каби иборалар баландпарвоз, сийқаси чиққан, сохтадир.

Олимжон Холдорнинг «Альбомингга» шеъри ҳам камчиликдан холи эмас. Шеърда «қолдиролмаيمان», «тўлдиролмаيمان» каби такрорланувчи сўзлар кўп учрайди. Ундан ташқари шоир севгилсининг хотира дафтарида бошқа кишиларнинг расмлари, «хотира дастхатлари» борлиги учун ўзининг хотира сўзларини ортиқ деб билади. Бошқача айтганда, рашк ва ҳасад уни қийнайди. «Кечир, кечир мени, ранжима, фақат, альбомингга бир сўз ёзмаганимчун» деб унга на шеър ёзади ва на расм қолдиради. Севгилсининг туйғусини қадрламаган одамнинг кечирим сўрашидан нима фойда? Шеърни ўқишда давом этамиз. Яна ўшандай «у ҳам қўлдан-қўлга ўтади албат. У ҳам қаерларда қолади бир кун» деган сатрларга дуч келамиз. Киши табиат инъом этган олий «тортиқни» — севгини ардоқлагани, нозик туйғулар риштасини ногоҳ узилиб кетишдан асраганидек, азиз одамларидан қолган хотирани ноёб, муқаддас деб билади-ку!

Кўп шоирлар ижодига ҳам «Альбомга» деган шеърлар борлигини биламиз. Уларда альбом баҳонасида жуда катта маънавий, ижтимоий фикрлар айтилган. Олимжон Холдорнинг «Альбомига» эса туйғулар бойлиги етишмаслиги шундоққина билиниб турипти.

«Кумуш коса» достони актуал мавзуда, шу куннинг долзарб, қайноқ воқеаларидан узидан ёзилган. Шоир поэма воқеаларини беш шеърый қиссага жойлаган. Биринчи қиссада асар қахрамонлари ўзбек йигит, шофёр Аҳмаддон рус қизи, қурувчи Катяни қабулхонада қўриб севиб қолади. Қахрамонлар севгилсининг бошланиши шу тарзда енгил-елпи кўрсатилган. Иккинчи қисса эмоционал жиҳатдан анча бой бўлиб, унда Кампирработ афсонаси бадий бўёқларда тесвирилади. Учинчи қиссага машҳур тарихчи В. В. Бартольднинг: Туркистонда «...XIX асрда жуда катта суғориш ишлари олиб борилган, кўпплаб янги шаҳарлар ва каналларга асос солинган. Бу хусусда айниқса Кўкон ва Андижонда хайрли ишлар қилинди», — деган гаплари эпиграф қилиб олинган. Шоир ўтмиш бунёдкорларини унутмагани яхши. Мазкур бобда амир Умархон билан Нодиранинг эл-юртни обо-

донлаштиришга интилишлари кўрсатилади. Бешинчи бобни автор инсоннинг атроф-муҳитни соғломлаштириш мавзуга бағишлайди.

Шоир достонидаги қахрамонлардан бири Муқаддамхон Йўлдошеванинг дадаси Октябрь инқилобидан олдин Петербургда таҳсил кўрган, сув ҳўжалиги билимдони экан. «Дадам қилган ишларни бу кунги ёшлар бир эртақ, бир афсона ўрнида қабул қилишлари турган гап,— дейди Муқаддамхон.— Мен қадимги Кампирработ сувини тўсишда, 1936 йили ўз кўксини қалқон қилган кишининг қизи бўлганимдан фоят мамнунман». Шоир тўртинчи қиссада Йўлдошбой миробшонининг жасорати, фидойилигини тасвирлайди. Бешинчи қисса Андижон денгизи тўғони қўриб битказилиши ва яна ёшликка мурожаат билан тугайди. Кўрамизки, юқориси тилга олинган қахрамонларнинг севгиси туйғайли бошланган асар турғуни бир чеккада қолиб кетади.

Шундай қилиб, достонда дид билан, ифтихор билан ёзилган ўринлар билан бирга шошқалоқлик билан, енгил-елпи битилган саҳифалар аралашиб кетган.

«Кумуш коса» китобига Олимжон Холдорнинг кейинги йилларда ёзилган бир қанча шеърлари ҳам киритилган. Шоир Севилия, Копенгаген, Дамашқ, Қоҳира саёҳатларидан олган таассуротлари асосида «Гладиаторлар», «Ер афсонаси», «Гулчи», «Қаъба», «Сув париси-булиб», «Сувсиз қудуқ» каби шеърларини ёзган. У «Гладиаторлар»да уч хил давр фожиясини тасвирлайди. Биринчи фожиада гладиатор қўллар бир-бирини ўлдиради. Иккинчи фожиада гладиаторлар бука билан жангда ўлиб кетади. Учинчи фожиада шоир бутун дунёдаги ҳақсизликлар, ёвузликлар хуружини гладиаторлар жангидан ҳам даҳшатли деб билади. «Гулчи» шеърда анвойи гул ўстирган боғбоннинг ўз гулига яқинлашолмаслигини айтади. Хуллас, тўп-ламдаги ранг-баранг мавзулардаги шеърлар ҳақида кўп гаплар айтиш мумкин. Биз шу ўринда бошқа бир нуқтага диққатингизни тортамыз. Олимжон Холдор ўзоқ йиллардан бери шеър ёзади, кўпплаб китоблар чиқарган. Улардаги шеърларнинг мазмуни жуда тўғри, қофияларидан хато топиш қийин. Уқувчи шоирнинг гапларини ўқиб, «тўғри» деб қўя қолади. Чунончи, шоир «Қуёш бутун борлиққа нур сочяпти, шунинг учун қувончим чексиз» деган маънода ҳақиқириб ёзади. Уқувчи эса қуёш нури тушмаётган жойлар, пастқамликлар, ҳатто музликлар ҳам борлигини билади. Шундай қалби муҳ одамлар борки, уларга саратондаям яқинлашишга қўрқасиз. Бировларнинг кўнгли шу қадар қораки, бу кўнглилар атрофида нур эмас, заҳар сочиб туради. Ҳаёт дарёси шундай мураккаб гирдоблари, тўлқинлари, тошқинлари, пўртаналари билан қизиқлигини Олимжон Холдор билмайдими? Билади, албатта. Шунинг учун ҳам у қуйидаги сатрларни ёзган:

Ахир гўзал бўлсин дейди жаҳонни ҳар жон.  
Наҳот-наҳот эғизакдир бахту бадбахтлик.

Балки шундан ёзиладур улар ёнма-ён,  
Балки шундан бордир доим ҳаққу  
ноҳақлик.

Бу сатрларда, умуман олганда, тафаккур қилувчи шоир қалби кўриниб турипти. Лекин, қани шоирнинг шеърларида тафаккур жилолари? Қани унинг ҳаёти нозик-нафис, поэтик идрок этиши? Қани унинг дунё кезиб орттирган поэтик кашфиётлари?

Шоир хорижий элларда юриб нималарни кўрса, эшитса, оқизмай-томизмай, худди ўшандоқ шеърга солади. Гоҳо умумлашма фикрлар айтса ҳам, жўн бўлиб чиқади. У Ҳиндистонда улкан тош ҳайкални кўрар экан, ўлганлар тошга айланса майли, аммо тириклар тошжорак бўлмасин, дейди. Умуман тўғри ва яхши фикр бу. Аммо, шеър учун бу катта юк эмас. Шеър

катта юкни тортиши учун шоир ана шу фикрнинг бошқалар сезмаган янги қирраларини сайқаллаши, ривожлантириши зарур эди. Бунинг учун эса катта руҳий, маънавий бойлик керак. Олимжон. Холдор эса, бирор ўйлаб топган чиройли гапини айтиш билан шеър тугади деб ўйлайди. Ҳолбуки, ҳозирги китобхон шоирдан теран ўйлар, оригинал мушоҳадалар билан бир қаторда юксак поэтик умумлашмалар кутади.

Олимжон Холдор кейинги йилларда ўз адабий савиясини кўтариш иштиёқида кўп меҳнат қилиб, тинимсиз изланмоқда. Бу изланишлар баракали бўлиши учун шоир ҳаёт зиддиятлари қатламига янада чуқуроқ кириб бориши зарур.

Маҳкам МАҲМУДОВ,  
Мавлуда СОЛИЕВА.

## БАҲСЛАРДА АЁН БЎЛГАН ҲАҚИҚАТ

**ЭРКИН САМАНДАР. Қабул соатлари. Тўрт баҳсдан иборат дoston. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1980.**

Истеъдодли шоир Эркин Самандарнинг «Қабул соатлари» драматик дostonи тўрт баҳсдан иборат. Ҳар бир баҳс райком секретари Шодмоновнинг қабул соатлари вақтида бўлиб ўтади. Бу баҳсларда бугунги кун учун муҳим бўлган турли маънавий-ахлоқий масалалар хусусида фикр юритилади. Бу масала бевосита ёки бавосита райком секретари Шодмонов ҳаёти ва раҳбарлик фаолиятига боғлиқ ҳолда очилиши сабабли у асар қаҳрамонига айланади.

Дostonда воқеаларнинг изчил эпик баёни эмас, балки танқидчиликда айтилганидек «шу воқеа тар туйғайли қаҳрамон қалбига туйғилган психологик кечинмалар — драмалар, ўйлар, туйғулар тасвири» берилади.

Шоир баҳслар мазмунини ташкил этган масалаларни очиш, характерлараро ўткир драматик тўқнашувларни, психологик кечинмаларни кўрсатиш жараёнида драма ва поэма хусусиятларини имкони борича уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. Шунингдек, у воқеалар ва қаҳрамонлар тақдирига ҳам актив муносабат билдириб бошдан охир поэмага хос руҳни сақлагани, бу драматик дostonнинг ўзига хос томонларидан бирини ташкил этади.

Дoston муқаддимаси Шодмоновнинг ТошМИДа касал ётган хотини Моҳирага хат ёзиш эпизоди билан бошланади. Асарнинг бутун руҳидан келиб чиққан бу эпизодда шоирнинг қоявий-эстетик принциплари маълум даражада ўз ифодасини топган «Инсон зоти меҳрга зор, унга ҳароратли меҳр керак» деган фикр асарнинг бутун тўқимасига сингиб кетган.

Дostonда образлар сўзлаш манераси жиҳатидан ўз қиёфасига, характер хусусиятига эга. «Биринчи баҳс»да Чори чўпчининг маънавий қашшоқлиги намоён бўлади. Унинг «қурол-аслаҳа»си тухмат, бўҳтонлар билан кишиларнинг кўзига чўп тиқиш, асоссиз фактлар билан «юмалоқ» хатлар ёзиб, уларнинг тинчини бузиш, дилини оғритиш, руҳий азобларга гирифтор қилиш, бундай шахсларнинг партия сафида туришга ҳаққи йўқ. Шунинг учун ҳам у партиядан ўчирилади.

Ўз қилмишлари билан отнинг қашқасидек бўлиб қолган Чори чўпчи партиёга яна қайта тикланиш учун райком секретаридан характеристика сўрайди. Хўш, у нима учун партиёга яна қайта тикланмоқчи? У илгариги иллатларидан кутулиб, ҳалол инсонга айлангандир? Баҳс давомида у аввалги феъл-атворида қолганлиги маълум бўлади.

Шоир бу баҳсда Шодмоновнинг ажойиб фазилатларини — ҳалоллиги, принципиаллиги, коммунистик эътиқоди, партиёга садоқатини кўрсата билган. Китобхон Чори чўпчидай «Гуллар орасида томир ёйган шумғия»ларнинг кирдикорларини қоралайди. Бу туйғуни уйғота олиш эса шоирнинг маҳоратини кўрсатади.

Эркин Самандар ҳар бир баҳсда Шодмонов характери ва раҳбарлик истеъдодининг янги қирраларини очишга интилади. «Иккинчи баҳс»да унинг инсоний хусусиятлари — камтарлиги, дилкашлиги, одамгарчилиги намоён бўлади. Шоир қаҳрамонини ҳар жиҳатдан тўла-тўқис, камчиликсиз одам сифатида талқин этмайди. У аввал Чори чўпчида «қайишиб оғир хато» қилган бўлса, мана энди Низомовни яхши ўрганмаганлиги учун ўзи ҳам адашади. Қурилиш трестининг бошлиги Низомов Қаноатхоннинг «гулдай умрини мажмақла-

ган, тепкилаган, ёшлигини хазон қилган», бу дунёни эса «пулга қурилган» деб биладиган» бағри қаттиқ, аёвсиз қора шарпа» эди. Хатто у ўғлининг қотиллигида ҳам айбдор. Бироқ Низомов буларнинг барчасини ниқоб остига яширганди. Шунинг учун ҳам Шодмонов уни «беҳисоби ишда беҳос адашиб қолган» киши деб билади. Қаноатхон томонидан ниқоб йиртилгандан кейингина, унинг ҳақиқий башараси аниқ бўлиб қолади. Шодмонов ана шунда бюро йўл кўйган хатони англайди. Бундай деталлар Шодмонов образининг жонли ва ҳаётий чиқишини таъмин этган воситалардир.

Муаллиф баҳслар жараёнида кўпинча эътиборни қаҳрамонлар руҳиятини инкишоф этишга қаратади. Шодмонов билан Қаноатхон баҳсида ҳам бу икки образнинг юрак дардлари аён бўлади. Бу дардлар ўқувчи туйғуларини жунбушга келтиради, инсон ва ҳаёт қатламларини чуқурроқ англашга ундайди.

Ижодкор ўз қаҳрамонининг маънавий қиёфасини, характер хусусиятларини шу кун талабларидан келиб чиқиб таҳлил этади. «Учинчи баҳс» қаҳрамони Давлатов давр тараққиётидан орқада қолган кимса. У йигирма йилдан буён катта хўжаликка раҳбарлик қилади-ю, аммо замон, давр, ҳаёт ва одамлар онгида рўй бераётган ўзгаришлар билан ҳисоблашмайди. Хотин-қизларга паст назар билан қарайди. Моҳиранинг «касалига зомин» бўлади, хўжаликка ўз билганича раҳбарлик қилишни истайди. Хуллас, Давлатов «айтганим-айтган, деганим-деган» қабилида иш тутадиган раҳбарлар типидан. Унинг бу хилдаги иш услуби партком Шокировнинг қаттиқ қаршичилигига дуч келади. Шундан сўнг Давлатов ишдан бўшаш ҳақида арıza ёзиб, Шодмонов қабулига киради. Шодмонов унинг хато ва камчиликларини Моҳира туфайли келиб чиққан шахсий адоват жиҳатидан эмас (Шодмоновда бундай адоват йўқ эди), балки партиявий раҳбар нуқтаи назаридан очиб ташлайди.

Баъзан одам бирон сабаб туфайли ёки жаҳл билан шундай ножўя ишлар қилиб кўядики, кейинчалик бу иши учун умр бўйи виждон азобида қийналиб руҳан эзилиб юради. Бундай руҳий қийноқлардан қутулиш учун ўзини «ҳар қандайин жазога лойиқ» деб билади. Собиқ райком секретари Хўжаев ана шундай виждон қийноғига йўлиққан кишилардан «Тўртинчи баҳс»нинг асосини ана шу хил мураккаб руҳий жараёнлар ташкил этади. Хўжаев раис бўлган вақтлар Шодмоновнинг отасини озроқ пахта ёнгани учун қаматтириб юборган. Бу ҳам етмагандай, уруш йиллари бу оиллага тўхмат қилиб ягона сигири-

дан айирган. Мана у неча йилки, шу «айбнинг мудҳиш юки остида кўп эзилиб келмоқда». Етмиш йил «Қордай тоза, кундай ёруғ кун кечирибди»ки, ўша иши «қор устига тушган лойдай» доғ бўлиб турибди. Хўжаев бу руҳий азоблардан қутулиш учун Шодмоновдан кечирим сўрамоқчи бўлади. Бунинг учун у маънавий тайёргарлик кўради.

Кечиринг деб Сиздан бугун ўтинмоқнинг қасдида  
Мижжа қоқмай бутун кеча шайлаганман  
ўзимни.

Хўжаев Шодмоновга бор ҳақиқатни айтади. Шодмонов бу ҳақиқатнинг қачонлардир юзага чиқишини биларди. Ахир гуноҳкор кишининг ўз айбига иқрор бўлиб кечирим сўраши мардлик эмасми? Шунинг учун ҳам Шодмоновнинг Хўжаевга нисбатан ҳурмати йўқолмасдан аксинча ортади.

Оқоридагилардан аёнки, тўрттала баҳсдаги воқеалар ҳам Шодмоновга алоқадор. Бироқ Шодмонов ўз шахсияти билан боғлиқ фактлар доирасида қолиб кетмайди, балки ҳар бир нарсага «партиявий кўз» билан боқади.

Хуллас ҳар бир баҳсда кўтарилган масала ўқувчини ҳаёт мазмунини чуқурроқ англаб, тўғри ва ҳалол яшашга ундайди.

Асар драматик ҳолатлар асосига қурилган бўлса ҳам, унинг айрим ўринларида фикрий салмоқ етишмайди.

Адабиётшунос Н. Шодиев «Қабул соатлари»га ёзган тақризида («Ўзбекистон маданияти», 10 июль, 1979) асарнинг камчиликлари хусусида шундай ёзади: «У (Шодмонов — Ш. М.) бирор марта ҳам баҳслардан сўнг қайноқ мушоҳадага — таҳлилга берилмайди. У ёлғиз қолиб, ҳар баҳсни, муносабатлар жангию курашини тегишли позицияда яна бир карра ақл ва қалб призмасидан ўтказиши шарт эди». Биз ҳам шу фикрга қўшилаемиз. Бу ўринда вақт масаласи ҳам бор, Шодмоновнинг вақти кам эди-ку дейиш мумкин. Тўғри, у ТошМИда касал ётган хотини Моҳира олдига бориш учун самолётга ошиқаётган эди. Шоир воқеалар тасвирида шу ҳолатни назардан қочирмай боради. Аммо бу вазият юқоридаги нуқсонни оқлай олмайди. Албатта, бу камчилик асарнинг ғоявий-бадий мукамаллигига тўсиқ бўлолмаган.

Эркин Самандарнинг «Қабул соатлари» дostonи етук партиявий раҳбар образи талқин этилган поэмаларимиз сафини тўлдирди, ҳамда драматик дostonнинг имконият доираси кенг эканлигини намоён этади. Дoston ана шу жиҳатлари билан қимматлидир.

Шайдулла МУРОДОВ.



# ҲИКОЯ МАСЪУЛИЯТИ

**ҲАБИБУЛЛО. КЕЛИНЧАК. ҲИКОЯЛАР.**  
**Ғафур Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1980.**

Дастлабки асарлари билан китобхонлар диққатини тортган Ҳабибуллонинг, ижодий изланишлари «Келинчак» тўпламидаги ҳикояларининг мавзусида, инсон маънавияти нуқта-назаридан талқин қилинишида, қишлоқ кишилари ҳаётини ўзига хос йўсида берилишида, инсоннинг мураккаб ички дунёсини ёритишга бўлган интилишларида кўзга ташланади. Ҳабибулло ҳикояларида қўллаган ана шу йўл танланган характернинг маънавий жиҳатларини бутун қалб қувончи-ю, изтироблари билан бирга кенг ёритишга имкон беради.

Ҳабибулло ҳикояларининг асосини эндигина мустақил ҳаётга, муҳаббат бўстони-га қадам қўётган ёшлар турмуши, ота-она ва фарзандлар, орасидаги муносабат эзмирига сингдирилган инсоний бурч ташкил қилади. «Ғунча»даги Манзура, «Келинчак»даги Салима, «Соғинч»даги Чаросхон, «Қондошлар»даги Лида ва Восиджонлар мустақил ҳаёт масъулиятини чуқур ҳис этган ёшлардир.

«Ғунча» ҳикоясида севги ғунчасининг ҳаётда юз очишидаги маънавий-ахлоқий жиҳатлари ёритилса, «Келинчак»да келинлик даврини бошлаётган қиз қалбидаги кечинмалар тасвирланади. Онанинг фарзандига бўлган чексиз муҳаббати «Кўнгиш» ҳикоясида Рўзи хола образи орқали кўрсатилган. Рўзи хола ҳар бири юрагининг парчаси бўлган олти фарзандини бе-еақт тупроққа берган, уларнинг ғам-аламию фирогини оналик ҳиссига тўла қалбида кўтариб, бутун умиди, ишончи, меҳрини ҳарбий хизматни ўтаётган ёлғиз ўғли Рустамжонга бахшида этган аёл.

Ҳабибулло ҳикояларида ҳаётий асос кучли. Бу асос инсоний ахлоқ, маънавий рўзалик жазибаси билан қоришиб кетади ва тасвир жараёнида бадий тиниқлик касб этади. «Қарз», «Қотил» ҳикояларида ана шу хусусият драматизм билан йўғрилиб, китобхонни ҳаяжонлантирувчи, унда асар қаҳрамонларига нисбатан кескин муносабат уйғотувчи таъсирчанлиги билан ажралади туради. Ушбу ҳикояларга хос муштараклик турмушнинг қайноқ, шиддатли лаҳзаларини акс эттиришда кўринади. Ҳикоя жанри қонуниятини чуқур ҳис қилган ёзувчи киши қалбига таъсир этиб, ундан чуқур жой оладиган воқеа ва ҳодисаларни танлаб, уларни жозибали, ширадор, содда тилда ифодалашга интилган. «Қарз»да отананинг ўз жигаргўшасига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, фарзанднинг ўз ота-онаси олдидаги қарздорлик бурчи хусусида фикр юритилади. Ҳикоя қаҳрамони Асқар бува умрини тўрт ёшида онадан етим қолган ёлғиз қизи Моҳинойга бағишлаган. Уни вояга етказгунча кўп машаққатлар чеккан. Доимо қизининг кўнглига, кайфия-

тига қараб иш тутган. Асқар бува кексаяиб, кўнгли фарзандидан меҳр-шафқат, меҳрибонлик кутган пайтида эса не-не орзу-умидлар билан катта қилган қиз отадаги бу ҳақли истакни тушуниб етмайди. У қизи балоғатга етгач «...икки ўт орасида қолганди. Бир томондан қизнинг пинҳоний норозилиги-ю, иккинчи томонда синглиси ва қариндош-уруғлар, бармоқларнинг беғонаси йўқ — қайсинисини тишласанг ҳам оғрийди. Қизининг кўнглига қараб, суйганига бериб юбораверай деса, қариган чоғида қариндошларнинг юз ўгириб кетишидан кўрқадим».

Ота қарама-қарши фикрлар уммонида қанчалик қийналмасин, ундаги нуридийдасига бўлган муҳаббат кучли чиқади. Қариндошлари таъна тошларини, отишларини аниқ ҳис қилган ҳолда қизининг севган йигитига тегишга розилик беради. Лекин шахарга келин бўлиб тушиб, севган йигити билан ўз бахтини топиб масрур бўлган Моҳиной ёлғиз қолган отанинг қалби доимо унга талпинишини, дийдорини кўришга интиқлик билан кўз тутшини, ота изтиробларини англаб етмайди. У фарзандлик бурчини шунчаки зарурат деб тушунади, отасининг бемор эканлигини била туриб Тоҳиржон билан курортга кетади, ўзи сезмаган ҳолда худбинлик даражасига тушиб қолади. Унга илҳақлик билан ҳаётдан кўз юмаётган ота дийдорини кўриш, энг сўнги фарзандлик бурчини ўташ ҳам насиб бўлмайди. Ҳикоянинг асосий ғояси ҳам мана шу инсоний бурч — ота-она ва фарзанд орасидаги фақат ақл билан мушоҳада қилиш мумкин бўлган ноёб ҳис-туйғу-маънавий қарздорлик масъулиятини кўрсатишдир.

Ҳабибулло ҳикояларида инсоннинг қалб драматини таҳлил қилишга бўлган интилиш кучайиб бораётганлиги «Қотил»да равшан кўринади. Ҳикоя драматик воқеа асосига қурилган. Муаллиф ҳикоя муқаддимасидек ноёб жарроҳлик талантини ўзи сезмаган ҳолда, амал оғушида қолдирган врачлик бурчини унутиб қўйган Исроилжонга нисбатан нафратини жиловлай олмайди. Бундай ҳолат касалхонага кўричаги ёрилиб кетган болани келтириб унга телефон қилиш тасвиридаёқ сезилади. Ординатураделигида юракни операция қилган Исроилжон бош врачлик лавозимига кўтарилгач, ишлар билан ўралашиб қолиб, истеъдодини сундиради. Кўричаги ёрилиб кетган ёш болани клиникага жўнатиб унинг умрига зомин бўлади. Ҳикоя қисқа бўлса-да, воқеалар драматик шиддат билан ривожланади. Унда қаҳрамоннинг маънавий дунёси деярли ижтимоий фаолиятда, бурчига муносабатда очилган.

Шунингдек, тўпламдаги айрим ҳикояларда ҳали маромига етмаган ўринлар, образлар учрайди, маънавий асосни шахснинг ижтимоий фаолияти билан уйғунлаштириб беришда маҳорат етишмайди. «Ғун-

ча»да ёзувчи мақсадни чегаралаб олмаган, ориқча тафсилотлар ҳисобига чўзиқлик сезилади. Бу ҳикоянинг композицион яхлитлигига ҳам таъсир қилган. Бадииятда мазмун ва шакл бирлигига қўйиладиган талёҳ ҳамма жанрлар учун баб-баравардир.

Ҳикоя қайноқ ҳаётнинг ўтли бир парчаси бўлиши керак. Бунда адибнинг баён қилиш услуби катта роль ўйнайди. «Қарз» ва «Қотил» ҳикояларида характерларни ва ундаги хусусиятларни бевосита ҳаёт манзараси орқали кўрсатиш, қаҳрамоннинг

кечинмаларини психологик ҳолатда тасвир этиш кучли. «Гунча», «Соғинч», «Қариндошлар»да эса бу хусусият анчайин сустлашиб қолган. Қаҳрамон хусусиятлари умумий тарзда айтилади ёки таъкидланади, холос.

Лекин Ҳабибуллонинг бадиий маҳорат сирларини эгаллаш йўлидаги изланишлари унинг ижодига умид ва ишонч билан қараш ва юксак талаблар қўйиш ҳуқуқини беради.

Эгамберди МАВЛОНБЕРДИЕВ.  
Ленинобод.

## МУҲАББАТ ВА КУРАШ ЖОЗИБАСИ

Уткир ҲОШИМОВ. ҚУЁШ ТАРОЗИСИ.  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1980.

Кейинги йилларда адабиётда маънавий-ахлоқий масалаларни ёритишга иштиёқ кучайди. Бу замон тақозоси, ривожланган социализм даврининг эҳтиёжлари билан изоҳланади. Ҳар томонлама етук, руҳан бой кишиларни тарбиялаб вояга етказиш жамиятимиз олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Бу ҳол ижодкорлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Китобга ёзувчининг янги ҳикоялари ва уч қиссаси кирган. Уларда софлик, ҳалоллик, дўстлик каби муқаддас туғулар қаламга олинади, инсоннинг ўзлигини англаши, ўз бахти учун кураши йўлидаги зиддиятлар тасвирланади.

Уткир Ҳошимов воқеликни лирик бўёқларда тасвирлашга мойил эканлиги кўп айтилган. Шунингдек, унинг асарлари проблематиклиги билан ҳам ажралиб туради. Бу ҳол унинг янги ҳикояларида ҳам сезилади. Масалан, «Умр савдоси» ҳикоясида ота-боболаримиздан қолган удумлар бежиз юзага келмаганлигини, уларнинг барчасини ҳам эскилик сарқити деб қоралаш тўғри эмаслигини ҳаётий образларда ифодалайди. Тўғри, ёзувчи айтмоқчи бўлган гап янги эмас. Лекин шу фикр образлар оламига сингдириб юборилгани учун таъсирчанлик касб этган.

Уткир Ҳошимовнинг айрим асарлари тилининг ширадорлиги, жозибадорлиги, пластик тасвири билан диққатга сазовор. «Оқ булут, оппоқ булут», «Бахт» ҳикояларининг мавзуи бир хил, яъни муҳаббатини асрай олмаган кишилар тақдир ҳақида. «Оқ булут, оппоқ булут»да Дилафрўз билан Эргаш бир-бирини қаттиқ севади. Шундай экан буларнинг бахтига нима тўсқинлик қилган? Ёзувчи ҳикояда худди мана шу масалани теран тадқиқ этади.

«Бахт» ҳикоясидаги Муниранинг ўз бах-

тини синглисининг камолини ўйлаб барбод бергани таъсирли эпизодларда гавдалантирилади. «Қуёш тарозиси» ҳикоясида эса бахт дабдабали тўй қилишда эмас, балки ширин, тотув турмушда эканлигини ҳаётий манзараларда тасвирлайди. Ҳикоя бугунги кун ёшларига мурожаатдек туюлади. Асарнинг қиммати ҳам худди мана шу пафоси билан белгиланади.

Мазкур тўпламга кирган қиссалар илгари ҳам нашр этилган. Уларни яна бир қарра ўқиш жараёнида ёзувчининг асардан-асарга ўсиб борганини, ижодий эволюциясини чуқур англаймиз. Унинг «Шамол эсаверади» асарини кейинги икки қисса «Қалбингга қулоқ сол», «Баҳор қайтмайди»га қиёслаб кўрилганда бу ҳол айниқса яққол сезилади. Мазкур қиссада ҳам Уткир Ҳошимов ижодига хос тиниқ ҳаётий тасвирлар мавжуд. Лекин асар қаҳрамонларининг қалб диалектикаси ҳаётий масалалар тўқнашувида, кескин конфликтларда, чуқур психологик, мантиқий далиллар заминидан очиб берилмаганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Шунингдек қиссадаги образларда схематизм кучли. Албатта, буларнинг барчаси йирик жанрдаги дастлабки тажрибалар билан изоҳланса керак. «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол» қиссалари эса ҳақли равишда ёзувчининг ижодий муваффақияти сифатида эътироф этилди.

«Баҳор қайтмайди»да истеъдодли, аммо худбинлик ботқоғига ботиб қолган ёш санъаткор Алимардон Тўраевнинг маънавий инқирози, фожиаси бадиий жиҳатдан ишончли ва таъсирли воқеаларда, ҳаётий тўқнашувлар воситасида очилади. Қисса ҳақида кўп фикрлар айтилди, баҳслар, мунозаралар бўлиб ўтди. «Қалбингга қулоқ сол» қиссасида тасвирланган Василя Назаровнага ўхшаган аёллар ҳаётда кўплаб учрайди. Василя Назаровна ўз вақтида анча ишлар қилган, ҳозирги кунда ҳам жамиятга фойдаси тегаётган аёл. У инсонни ахлоқан етук бўлиши тарафдори. Шу йўлда

Ўз эътиқодларига яраша курашади. Лекин у ҳаётдан орқада қолган, аниқроғи одамларнинг қалбига қулоқ солишни унутган. Тарбия соҳасида ўзи амал қилаётган методларнинг эскириб қолганидан тамом беҳабар, чунки у «касб касали»га йўлиққан. Уқувчи қизнинг севгиси ҳақида оғиз очиши унга даҳшатли ҳодиса бўлиб туюлади. Шундан Дилафрўзнинг эндигина куртак ёзиб келаётган қалб ғунчасини ўзининг «темир эътиқодига» суянган ҳолда шафқатсизларча юлиб, кичик қалбига озор беради. Ҳаммадан сир тугилиши лозим бўлган илк, беғубор севгини барчага ошкор қилиб, қизнинг қаддини букади, соф инсоний туйғуни таҳқирлайди.

Қисса кўп планли. Унда кўплаб ҳаётий масалалар кўтарилган. Қиз бола қадамини билиб босмаса, ўзини қадрай олмаса аҳволи нима бўлиши Азиза образи орқали кўрсатилади. Чароснинг ўз бахти учун кураши эса кўп ёшларимизга ибратлидир.

Чунки бахт кишига ўз-ўзидан келмайди. Унинг учун курашиш лозимдир. Уткир Ҳошимов Чарос образида шу фикрни ишонarli ифодалаган. Қиссадаги барча воқеа-ҳодисалар Чарос билан Ёдгорнинг машаққатли севгисини кўрсатишга хизмат қилдирилган. Уткир Ҳошимов одам ҳар қандай шароитда ҳам аввало инсон қалбига қулоқ солмоғи, унинг нидосини тингламоғи керак деган ғояни асарнинг асосий пафоси даражасига кўтаради ва уни шиддатли тўқнашувларда, эсда қоладиган эпизодларда гавдалантиради.

Уткир Ҳошимов кўпроқ маънавий-ахлоқий масалаларни кўтарадиган инсон қалбидаги ғалаёнлар тасвирига кўпроқ эътибор берадиган ёзувчи сифатида шаклланмоқда. Унинг янги тўпламидан жой олган асарлар ҳам ана шу фазилати билан қадрлидир.

**Ҳақимжон КАРИМОВ,**  
филология фанлари кандидати.

## БИР ЖАҲОН БОЛАЛАРИМИЗ

**Пўлат МҮМИН. УСТОЗЛАР ИЗИДАН.**  
«Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1980.

Тенглик берган бахтнинг  
кўзгуси сиз-да.  
Ильич берган бахтнинг  
кулгуси сиз-да.

Пўлат Мўминнинг «Устозлар изидан» номли китобига шоирнинг турли даврларда ёзилган ранг-баранг асарлари киритилган. Тўпلام доҳий Ленин ҳақидаги туркум шеърлар билан очилади. Пўлат Мўмин устоз адиблар изидан бориб, уларнинг анъаналарини ўзини хос тарзда давом эттиришга интилади ва доҳий характерининг баъзи қирраларини ёритишга ҳаракат қилади. Бунда у ўзгача усуллардан, болаларга хос деталлардан ва бадий воситалардан фойдаланади. Шу тариқа у ёшларга доҳий Ленин ҳаёти ва фаолиятининг буюк самараларини шоирона туйғулар билан ҳикоя қилиб беради. «Ильич яшаган жойларда баҳор», «Доно бобом сўзлари», «Энди адашмайди», «Доҳийни кўрган бувим» шеърларида Лениннинг инсоний фазилатларини қизиқарли фактлар, воқеалар орқали акс эттиради. Тўпلامдаги «Кўзибой чўпон», «Йўлчи тракторчи», «Уста Усмон», «Раҳмат нега «раҳмат» демади?» каби шеърларида социалистик юртимизнинг гўзал табиати, кичкинтой замондошларимизнинг ўқиш ва меҳнат кучидаги фаолияти, уларнинг орзу-умидлари улуғланади. Хуллас, Пўлат Мўмин бугунги бахтиёр ҳаётимизни болаларнинг қувноқ, рангин фикрий олами, руҳий дунёси орқали тасвирлаб беради. Шоир болалар дунёсига кирганида, уларнинг шодликлари ва ташвишларига шерик бўлади. Узини болалардек ҳис қилади. Бу ҳис унинг шеърларига бадий нур, сўнмас илҳом бахш этади.

«Кулишингиз гулни кулдиран» шеърда мана шу шўх, ёқимтой кулгу пок дил шоир шеърларида балқиб туради. Шу сабабли бўлса керак, шоирнинг янги асари эълон қилинган, китобхонлардан сон-саноксиз хатлар келди. Айниқса, унинг меҳнат, касб-ҳунар, ахлоқ-одоб мавзудаги асарларини ёш китобхонлар катта завқ-шавқ билан ўқийдилар. Шоир меҳнат ҳақидаги шеърларида болаларга мос тил билан аввало конкрет ҳунар ҳақида, унинг хусусияти, фазилати, гашти, ниҳоят уни қандай қилиб эгаллаш хусусида сўзлайди. Меҳнат мавзудаги «Сигир соғувчи холам», «Кўзибой чўпон», «Ҳовлимизда тут пишди» каби қатор шеърлари ва айрим дostonлари ўзига хос бир жилогга эга. Баъзан унинг мисралари қўшиқсимон оҳанг касб этади, меҳнат симфониясига айланиб кетади. Жумладан, «Пахта кўшиғи» шеърда меҳнатнинг катта шухрати, шараф-шон, қувноқ бағишлаши кичик ёшдаги бола тилидан маъноли тарзда ифода этилади:

Олтин пахта, оқ пахта,  
Биз сенга иноқ, пахта.  
Ҳосилинг мўл бўлганда,  
Ҳаммамиз қувноқ, пахта.

Айни бир пайтда бу сатрлар қанчадан-қанча кичкинтойларнинг бахтиёр қўшиғи — меҳнат қўшиғи сифатида жаранглайди.

Шоир болаларда катталар меҳнатига нисбатан ҳурмат, Меҳр-муҳаббат уйғотади.

Пўлат Мўмин кичкинтойларнинг маънавий-ахлоқий оламини бойтадиган, болаларга эстетик завқ бағишлайдиган, баркамол инсон бўлиб етишиши учун хизмат қиладиган қатор қўшиқлар муаллифи ҳамдир. Китобдан унинг «Ватанимиз — боғимиз», «Сайранг қўшлар», «Ёз қўшиғи», «Партиямиз боғида», «Обод ўлкам» каби турли даврларда ёзилган ранг-баранг мавзудаги дилрабо қўшиқлари жой олган.

Пўлат Мўмин қўшиқлари ўзининг ижтимоий салмоқдорлиги, болалар тушунчаси доирасида яратилганлиги, кенг кўламлиги билан эътиборни тортади. Шоирнинг «Обод ўлкам» шеърининг яратилганига ўттиз йилдан ошди. Мазкур шеърни ёддан билмаган, севиб куйламаган, йиғилиш, тантаналарда мароқ билан тингламаган ўқувчи кам топилади. Шеърда жонажон ўлкамизнинг гўзаллиги, унинг кундан-кун чирой очаетгани, қувноқ ёш фарзандларимизнинг ҳаёти тобора файзли бўлиб бораётгани куйланади.

Пўлат Мўмин ёзган қўшиқларининг тилларда, дилларда ҳамиша завқ билан куйланишининг боиси нимада? Энг аввало, бу, қўшиқларнинг болаларбоплигида. У қўшиқ ёзганида болаларнинг онги, тушунчаси, ёш хусусиятларига катта эътибор беради. Шеърнинг оҳанги, муסיқийлиги устида кўп меҳнат қилади. Ҳатто унинг шеърларидаги қофиялар ҳам болалар характери, улар дунёси ва интилишларининг ифодаси сифатида намоён бўлади. Масалан, мактабгача ёшдаги болаларга қўшиқ ёзганда, албатта Корней Чуковский айтганидек, «қофияларни жуфт-жуфт ҳолда, бир-бирига энг яқин масофада» қўллайди. Бу ҳол болани шеърни осонлик билан ёд олишини таъминлайди.

Ишимиз кўп  
Отимиз — чўп  
Чопқиллаймиз,  
Тапиллаймиз.  
Кичкинтоймиз,  
Гижинг тоймиз.

Бундай оҳангдор, қувноқ қўшиқ, бахтиёрлик туйғулари кичкинтойларга қувонч бахш этмай иложи йўқ. Бундай шеърлар ўқувчининг завқини, дидини ўстиришга катта ёрдам беради. Китобга ҳамма ёшдаги болалар учун ёзилган қўшиқ ва декламациялар киритилганлиги маъқул кўринади. «Китобхоннинг кундан-кун диди, талаби ортиб боради». Пўлат Мўмин ўз ижодида шу нуқтаи назар билан ёндашиб, шеърлари, эртакларини, айниқса «Қовоқбой билан Чаноқбой» эртак пьесасини қайта ишлаб, тўлдирган ҳолда тўпламига киритган. Пўлат Мўмин болаларга қандай эртаклар маъқул бўлишини яхши билади. У эртакларида ёш авлодга янгилик берадиган, уларнинг фикрини бойитадиган,

тарбиясига ижобий таъсир этадиган масалаларни қаламга олади. «Сахий чумоли эртаги», «Алла билан Жалла», «Икки савдогар», «Олтин най» каби эртакларида инсонийлик, дўстлик, ватанпарварлик каби мотивлар етакчилик қилади. Шоир эртакларининг жонли, ўқишли, қизиқарли бўлишини, унинг ўқувчи онгига етиб боришини таъминлаш мақсадида «Савдогарнинг ошнаси пул», «Ёмонлик қилган омонлик топмас» каби халқ мақоллари, нақлларидан ижодий фойдаланади. Шу тарзда шоир кичкинтойларнинг беғубор мурғак қалбларига таъсир этадиган, фантазиясини бойитадиган, уни қаноатлантирадиган бадийликка эришади. «Икки савдогар», «Олтин най» каби эртакларида эса, ёмонликнинг ярамас хусусиятларини умумлаштириш орқали яхшиликка даъват этилади.

Маълумки, Пўлат Мўминнинг «Қовоқбой билан Чаноқбой» комедияси 1964 йилдан буён ёш томошабинлар театрида муваффақиятли намойиш этиб келинади. Пьесанинг аввалги вариантида хирароқ тасвир этилган капалак, капалакча, чигитой каби персонажлар ўрнига чигиртка, чигиртка боласи, кўсак қурти, кўсак қурти боласи каби янги образларни киритиб, асарнинг бадиий қувватини оширишга эришди. Шунингдек, Пахта бобо, Тэрвуз, Қовун, Чаноқбой, Лавлаги каби ижобий образларнинг нутқини индивидуаллаштириш орқали ҳам асарнинг ғоявий-бадий таъсирчанлигини оширди. Драматург болалардаги ижобий ва салбий хусусиятларни рамзий образлар орқали кўрсатади. Масалан, Чаноқбой образи орқали меҳнатсеварлик, ҳалоллик, илм ва одоб улуғланса, Қовоқбой образида дангасалик, мақтанчоқлик, гўллик каби нуқсонлар танқид қилинади. Пьесанинг фазилатларидан яна бири қаҳрамонларнинг ўзига хос ҳаётини ҳаққоний тасвирлашда кўринади. Пьеса сўнгидея персонажлар ҳаётида рўй берган воқеалар, айниқса, Қовоқбойнинг тузалиш жараёни ишонарли ва таъсирли чиққан. Бу ҳол ўқувчини қувонтиради, эстетик завқ бахш этади. «Қовоқбой билан Чаноқбой» пьесаси фақат Пўлат Мўминнинг эмас, балки ўзбек болалар драматургиясининг ҳам катта ижодий ютуғидир.

Шоирнинг ўзи айтганидек: «Болалар адабиёти бир дарахт бўлса, унинг ранг-баранг жанрлари — турфа шохларидир. Бир шохида ҳикоя, яна баъзилари пьесалар, дoston, қўшиқ, романлар...»

Бинобарин, Пўлат Мўмин ижоди ҳам худди шундай. У адабий жанрларнинг хилма-хил турларидан унумли фойдаланиб, болаларнинг руҳий оламини бойитадиган замонавий асарлар яратиб келмоқда. Шоирнинг «Устозлар изидан» китоби фикримизнинг исботидир.

Соҳиба ИРИСХУЖАЕВА,  
филология фанлари кандидати.

## ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

«АДАБИЁТ ВА ЗАМОН». Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1980 йил.

Учинчи беш йилликда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришилди. Халқимизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида, маънавиятида маълум ўсишлар, ўзгаришлар рўй берди. Халқнинг маънавий эҳтиёжи, бадий-эстетик қарашлари, орзу-интилишлари, меҳнат ва кураши шу давр ичида яратилган кўплаб катта-кичик асарларда ўз бадий ифодасини топди. «Адабиёт ва замон» мажмуаси кейинги йилларда яратилган асарларда кўтарилган даврнинг энг долзарб масалалари, ҳаётий қаҳрамонлар, бадий маҳорат ва бошқа кўплаб муҳим муаммолар устида баҳс этади. Барча ўртага ташланган масалалар давр талаби нўқта назаридан, халқимизнинг маънавий камолоти даражасидан туриб баҳоланади. Тўплам забардаст ёзувчи, йирик давлат арбоби Шароф Рашидовнинг «Октябрь билан ҳамнафас» мақоласи билан бошланади. «Коммунистик партия ва совет давлати янги инсон — коммунистик жамят кишини тарбиялаш ва камол топтиришда адабиёт ва санъатнинг ролига ҳамиша катта аҳамият бериб келди»,— деб ёзади муаллиф.

Мақолада совет адабиётининг энг муҳим белгиларидан бири — интернационалистик руҳи ҳақида ҳам фикр юритилади ва интернационализм совет кишиларининг бутун моҳиятини, онги, психологияси ва ахлоқининг асосини ташкил қилиши ҳақида салмоқли хулосалар илгари сурилади. Совет адабиёти ва ўзбек адабиётининг энг баркамол асарларининг бош қаҳрамонлари айнан интернационал қаҳрамонлар образлари бўлиб қолганлиги алоҳида таъкидланади.

Миллий адабиётлар бир-бири билан мустақкам алоқада ривожланаётгани ва бу ҳол адабиётлар тараққиётидаги объектив ва жуда қудратли омилга айлангани ҳаммага равшан. Бу жараёнда, айниқса, мамлакатимиздаги барча миллатлар учун умумий тил бўлган рус тилининг аҳамияти нақадар буюк роль ўйнаётганлиги мақолада алоҳида пафос билан таҳлил қилинади.

Тўплам уч қисмдан иборат. Биринчи қисм таниқли ёзувчилар ва ёш адибларнинг ҳозирги адабий жараён ҳақидаги кузатувлари, мулоҳазаларидан иборат. Иккинчи қисмда асосан турли адабий танқидчиларнинг мақолалари жой олган. Учинчи қисм эса адабий портретлардан тузилган. Тўпламнинг бундай қурилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг ранг-баранг чиқиши ва ўқишлилигини таъминлаган.

Тўпламдаги «Адабиёт ҳаёт қиёсида» (Матёқуб Қўшжонов), «Давр билан ҳамнафас» (Одил Ёқубов), «Ижодий меҳнат йўллари» (Асқад Мухтор), «Характер қир-

ралари» (Бердиали Имомов), «Ижодий жасорат ва жанговарлик» (Норбой Худойбергенов), «Нўқтаи назар бўлин» (Пирмат Шермухамедов) ва бошқа бир қатор мақолаларда ҳозирги давр адабиётидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида фикр юритилади. Кейинги беш йиллик даврида «ғоявий жиҳатдан юксак ва бадий жиҳатдан баркамол асарлар юзага келди». Ҳаётий қаҳрамонларни адабиёт қаҳрамонларига айлантиришга эътибор кучайди. Замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган илғор ишчилар, зиёлилар, деҳқонлар ҳаётига қизиқиш кучайди. Улар кўплаб публицистик асарларнинг, проблематик очеркларнинг қаҳрамонларига айландилар. Давр талаби шундайки, ҳаёт қаҳрамонларини бадий адабиёт қаҳрамонларига айлантириш зарур. «Китобхон унинг қалбини кўргиси, ички дунёси билан танишгиси, унинг юрагидagi жасорат тўлқинларидан таъсирлангиси келади»,— деб ёзади М. Қўшжонов. У кейинги давр адабиётимизда воқеа бўлган асарлар «Диёнат», «Мангулик» ҳамда «Ғолиблар» романига тўхталиб ва уларни ўзаро қиёслаб, ёзувчиларнинг ижодий услуби, ҳаёт воқеаларига муносабати, ижодий қаҳрамонларнинг ҳаётийлиги хусусида фикр юритади.

Мажмуадаги салмоқли мақолалардан бири ёзувчи Одил Ёқубовнинг «Давр билан ҳамнафас» мақоласидир. Унда кейинги давр адабиётимизда пайдо бўлган муҳим асарларнинг ғоявий-эстетик жиҳатлари таҳлил қилинади. Булар орасида адабиётимиздан мустақкам ўрин олган ёзувчилар ҳам, шунингдек ўзининг эндигина илк китобларини чиқарган ёш ёзувчилар ҳам бор. Уларнинг ҳаммасига танқидчи-ёзувчи юксак талаблар билан ёндашади ва жуда муҳим хулосалар чиқаради.

Ҳамид Фуломнинг «Мангулик», Мирмуҳсиннинг «Чоғқол йўлбарси», Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» асарлари хусусида тўхталиб бу асарларнинг ғоявий-эстетик ва бадий маҳорат жиҳатидан муваффақиятли томонлари ҳамда баъзи камчиликлари тўғрисида асосли фикрлар айтилади. Далилларининг пухталиги, самимияти жиҳатидан О. Ёқубовнинг бу мақоласи адабиётимизнинг оташин жонқуярларидан бири Абдулла Қаҳҳорнинг мақолаларини эслатади. Муаллифнинг Неъмат Аминовнинг «Елвизак», Темир Пўлатовнинг «Мулк», Уктам Усмоновнинг «Нотинч кеча» каби асарлари юзасидан айтган фикрлари ниҳоятда илиқ самимият билан суғорилган. Унда ижоднинг барча машаққатларини бошдан кечирган устоз санъаткорнинг нафаси сезилиб туради.

Бундай мақолалар бошқа ёзувчилар томонидан ҳам тез-тез эълон қилиб турилса, адабиётимизнинг тараққиёти учун жуда фойдали бўларди. Мақола муаллифининг, айниқса, танқидчилик тўғрисидаги фикрлари жуда ўринли: «Сўнгги йилларда биз-

да танқид ўта силлиқлашиб кетди. Оқибатда яхши ҳам — яхши, ўртача асар ҳам — яхши, жунгинаси ҳам — яхши баҳо олаёпти. Бу нарса адабиёт ва санъат учун айниқса хавфли бўлган текислаштиришга олиб бориши тўғрисида кам ўйла-япмиз... Гоҳо ҳаёт ҳақиқатидан узоқ, ғирт китобий, сунъий ва чучмал асарлар ҳам кўкларга кўтариб мақталаёпти.

Бу — кўпчиликнинг тили учиде турган ҳақоний гаплардир.

Тўпламдаги «Ижодий меҳнат йўллари» ҳамда «Давримиз белгилари» мақолалари моҳият жиҳатидан бир-бирига яқин, бир-бирини тўлдиреди. Ҳар иккала мақолада ҳозирги давримиз қаҳрамони хусусида фикр юритилиб, замондошимизнинг тўлақонли образини яратиш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида мулоҳазалар билдирилади.

Тўпламдаги профессор Фулом Каримовнинг «Мерос ва замон» мақоласида адабий меросимизни ўрганишда марксча-ленинча методологияга асосланиш энг тўғри йўл эканлиги ҳаётини мисоллар асосида таъкидланади. Профессор Лазиз Қаюмовнинг «Танқидчиликнинг муҳим муаммолари» мақоласида, адабий танқидчилик олдидеги бир қатор проблемалар таҳлил қилинади, замондошларимизнинг тўлақонли образини яратиш йўлида ёзувчининг ҳаётга чуқурроқ кириб бориши зарурлиги, таланти ленинча тушуниш, унга эҳтиёткорлик билан ёндашиб, авайлаб мунтазам тарбиялаб бориш кераклиги; проблематик ва публицистик мақолалар кам ёзилаётганлиги; шунингдек, баъзи-баъзида ҳар жиҳатдан бўш асарлар мақтаб келинаётганлиги тўғри қайд этилади. Профессор Сайдулла Мирзаевнинг «Адабиёт ва мафкуравий кураш» мақоласида йирик адабиётшунос олим Марат Нурмухамедовнинг «Адабиёт ва мафкура», профессор Лазиз Қаюмовнинг «Меридианлардаги учрашувлар» асарлари жанговар партиявий позициядан туриб яратилганлиги, уларда адабиёт ва идеология кураш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалалар марксизм-ленинизм методологияси асосида чуқур ёритилганлиги борасида сўз юритилади.

Бу мақолалар адабиётшунослик ва танқидчиликнинг муҳим масалаларига бағишланганлиги билан маълум аҳамиятга эгадир. Мажмуанинг учинчи қисми адабий портретлардан ташкил топган. Шу туркумдан жй олган Лазиз Азиззодавнинг Боту ижоди ҳақидаги эсдалиги китобхонлар учун катта янгилик бўлди. Мақолада Ботунинг шоир ва инсон сифатидаги қиёфасини ҳамда Октябр революциясининг дастлабки йилларида етишган ўзбек зиялисининг етук арбоби сиймосини кўрамиз.

Тўпламдаги энг диққатга сазовор мақолалар сирасига Салоҳиддин Мамажоновнинг «Шоира қалбидаги олам» ва Иброҳим Ғафуровнинг «Назокат» тадқиқотлари киреди. Бу мақолаларда Зулфия ва Саида Зуннуовалар ижоди таҳлил қилинади, уларнинг халқ маънавий бойлигига айланган рангин шеърлари, поэтик олами тў-

рисида фикр юритилади. Бу шоирлар ижодининг такрорланмас бир руҳи, ҳар бирининг ўзига хос муаттар бўйи борлиги тадқиқотларда яхши кўрсатилган. Айниқса, хассос танқидчи Иброҳим Ғафуров Саида Зуннуова ижоди ҳақида сўз юритганда ўзи ҳам шоир бўлиб кетади. Шоира шеърининг бағридаги ранглар ва оҳанглари шоирона тил билан тасвирлайди. Мақолада авторнинг бошқа асарларидаги каби, шоира ижодига жуда катта ҳурмат ва эҳтироми яққол сезилиб туради. Ҳатто, бир мулоҳаза сифатида айтиш мумкинки, Иброҳим Ғафуров мақолаларида айрим асарлар мақтов баъзан керагидан ошириброк юборилгандек таассурот қолдиради. Бу ҳолатни устоз адабиётшунос Воҳид Зоҳидовнинг «Ойдин навоси» мақоласида ҳам кузатиш мумкин.

Тўпламда адабиётшунослигимизнинг кам ёритилган соҳаларига бағишланган мақолалар ҳам бор. Танқидчи Умарали Норматов «Ҳаёт билан ҳамнафас ижод» мақоласида Пиримқул Қодировнинг ижод йўлини бошқичма-бошқич таҳлил қилади. Ёзувчининг барча катта-кичик асарларини давр билан боғлаб, ҳаёт билан қиёслаб ўрганади. Мақоланинг диққатга молик томони, айниқса ёзувчининг бадий тилга бағишланган илмий ишлари таҳлилидир. Танқидчи Пиримқул Қодиров ижодининг мана шу қиррасига асосли равишда кенг тўхталади. Ёзувчининг бу борадаги ишлари адабиётшунослигимизда том маънода янгилик бўлиб, санъаткор иқтидорининг яна бир қиррасини намоян қилган эди. Бадий асар тилини тадқиқ қилиш олимдан қанчалик катта билим ва маҳорат талаб қилишини ҳисобга олсак, бу ишнинг нақадар аҳамиятли эканлиги янада равшан бўлади. Кези келганда шунини айтиш керакки, ўзбек прозаси ҳозирги кунда Иттифоқ миқёсига, ҳатто ҳажон миқёсига чиққан экан, бунда ўша асарларнинг ғоявий мазмуни билан бирга бадий тили ҳам катта роль ўйнаганлиги ҳақиқатдир. Классик ва ҳозирги замон ёзувчиларимизнинг бадий тилини атрофлича, мунтазам тадқиқ қилиш вақти аллақачон етган. Вақти-вақти билан бадий тил муаммоларига бағишланган тўпламлар чиқарилиб турилса, адабиётшунослигимиз янада мукамаллик касб этарди.

Тўпламда жиддий нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Энг аввало унда турли савиядаги авторлар қатнашган ҳолда кўзга кўринган айрим йирик танқидчилар жалб қилинмагани сезилади. Бунга сабаб нима? Бунинг устига, мақолалар қайси принцип асосида тўпланган? «Адабиёт ва замон»-дек мўътабар нашрга йилнинг энг сара, энг яхши мақолалари танлаб олинини керак эмасми? Шундай қилинганда, тўпламга шунчаки қатнаштириш учун киритилган бир қанча мақолалар ўз-ўзидан туриб қолган бўларди. Масалан, А. Ҳамроевнинг «Дунёқараш ва ижод» деган жуда катта, ном билан аталган мақоласи учун бори-йўғи икки бет жой ажратилган. Оқибатда унда кўтариш назарда тутилган масалалар чала-чўппа қолиб кетаверган.


Михли Сафаровнинг «Йиллар қалб орқали ўтганда...» ва Нуъмон Раҳимжоновнинг «Лирик ва эпик тасвир маҳорати» мақолалари аслини олганда дуруст ёзилган тақрирлардек таассурот қолдиради. Лекин негадир улар «портретлар» тарзида тақдим этилган.

Тўпламни тузувчилар ва муҳаррирнинг ишга анча бепарво қараганлигини аксари мақолаларга қўйилган сарлавҳалар ҳам кўрсатиб турибди: «Октябрь билан ҳамнафас», «Давр билан ҳамнафас», «Ҳаёт билан ҳамнафас ижод», «Давримиз белгилари», «Давр қаҳрамонлари», «Катта қарвон йўлидан», «Катта йўл олдида», «Шарқнинг илҳомкор куйчиси», «Шарқ маданияти шайдоси»... Бу номларнинг ҳар бири ўзича яхши, албатта. Аммо бир муқова остида, битта китобда шундай ёнма-ён туриши

ўқувчининг ҳақли эътирозига сабаб бўлади. «Ички қонуниятлар алжабридан бир масала» ва «Болалик арифметикаси ва ҳаёт алгебраси» каби жумбоқ сарлавҳаларни ҳам ўйлаб кўриш керак эди. Бу жиддий мулоҳазалар кейинги нашрларда ҳисобга олинади деб умид қиламиз.

Мазкур камчиликларга қарамай, гўп-ламдаги мақолалар адабиётимизнинг бугунги қиёфаси, камолоти ҳақида анча аниқ тасаввур уйғотади. У ютуқ ва камчиликларимизни маълум даражада умумлаштиради ва адабиётимизнинг кейинги тараққиёт тенденцияларини, ривожланиш йўллари билан белгилаб олишимизга кўмак беради.

**Тўлқин ЙУЛДОШЕВ,**  
филология фанлари кандидати.



В. И. Ленин музейи.  
Ш. ИБРОҲИМОВ фотоси.



ЙИЛЛАР,  
ФАКТЛАР,  
ВОҚЕАЛАР

## ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўзаро алоқалар, адабий ҳамкорлик ва бир-бирини бойитиш жараёни адабиёт тараққиётининг асосий қонунларидан бири ҳисобланади. СССРдаги қардош халқлар маданияти ўртасидаги бундай ҳамкорлик ленинча дўстлик принципларига асослангандир. У кўп миллатли совет маданиятини тараққий эттирувчи, бир-бирини бойитувчи куч сифатида намоён бўлиб, ривож топмоқда. СССР халқлари ўртасидаги бу ленинча дўстлик ўзининг конкрет кўринишларига эга. У ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, рус-ўзбек адабиётлари ўртасидаги ҳамдўстликда ҳам ўз аксини топган. Бу ҳол СССРдаги барча қардош халқ ёзувчилари, санъаткорларининг бир гоё, бир метод — социалистик реализм методи асосида ижод қилишида, марксизм-ленинизм ғояларида содиқлигида, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига қўшаётган улкан хизматларида кўзга яққол ташланади.

Социалистик система дунёга кенг қулоч ёйиб бораётган ва СССРда коммунистик жамият қурилиши реал бир фактга айланган ҳозирги даврда қардош миллий халқлар ўртасидаги ўзаро адабий алоқалар ва ҳамкорлик «социалистик миллатлар маданиятининг бир-бирини бойитиши ва ўзаро яқинлашуви жараёнининг таркибий қисми» сифатида намоён бўлмоқда. Сўнгги даврда адабиётшуносликда асосий алоқа ва ҳамкорликнинг актуал проблемаларини комплекс равишда ишлашга аҳамият берилишининг сабаби ҳам шундадир. Чунки бу жараённи ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уни илмий асосда тадқиқ қилиш ҳар бир адабиётнинг тарихий тараққиётини тўғри ёритишга ва кишиларни интернационализм руҳида тарбиялаш ишига ёрдам беради.

Карл Маркс «Ҳамма миллатлар бир-биридан ўрганиши мумкин ва керак»,— деб ёзган эди. Пролетариатнинг буюк доҳийлари башорат қилган бундай орзулар фақат Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли рўёбга чиқди. Ўзаро ҳамдўстлик советлар диёрида янги характер касб этди. Кўп миллатли совет халқлари адабиёти, жумладан, унинг ажралмас бир қисми бўлган ўзбек совет адабиёти барча қардош

халқлар билан ҳамжиҳатликда ривожланмоқда. Бу ривожланиш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у совет адабиётининг ҳар бир тараққиёт даврида турли хил кўринишларда ўз аксини топди.

Мамлакатимизнинг барча тарихий босқичлари давомида совет адабиёти ва маданиятининг ривожланиб борганлиги бунинг ёрқин далилидир. Шунинг учун ҳам ўзаро адабий алоқа ва ҳамкорлик, ўзаро таъсир, адабиётларнинг ўзаро бойиб бориши каби масалалар совет адабиётшунослик фанининг диққат марказидан мустақкам ўрин олди ва адабиёт фанининг мустақил бир соҳасига айланиб қолди.

КПСС Марказий Комитетининг идеология соҳасида қабул қилган қарорларида, жумладан, 1972 йил 25 январда «Адабий-бадий танқидчилик ҳақида» деган қарорида ҳозирги даврдаги адабий-бадий танқидчилик савиясини янада ошириш кераклиги алоҳида таъкидланиб, коммунистик жамият қуришда адабий-бадий танқидчилик олдида турган вазифалар кўрсатиб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг мазкур қарориде: «танқидчиликнинг аҳволи коммунистик қурилишда бадий маданиятнинг ўсиб бориши билан белгиланадиган талабларга ҳали тўла-тўқис жавоб бермаётир. Совет адабиётининг ва маданиятининг бир-бирини бойитиши ва ўзаро яқинлашуви етарли даражада чуқур таҳлил қилиб берилмаётир», деб қайд этиб ўтилади. Дарҳақиқат, бутуниттифоқ адабиётшунослигида ҳам, ўзбек адабиётшунослигида ҳам ўзаро алоқа проблемаларига доир барча масалалар етарлича ишланган эмас. Тўғри, Октябрь социалистик революциясидан олдинги даврдаги рус-ўзбек адабий алоқалари ва ҳамкорлиги, унинг назарий масалалари бир қадар тадқиқ этилган. Масалан, профессор Фулом Каримов томонидан ёзилган «Рус-ўзбек адабий алоқаларининг илк босқичлари», «1905 йилдан кейинги даврда адабий алоқаларимиз ва баъзи умумий хулосалар» каби бир қатор илмий ишларда, филология фанлари доктори Анвар Ҳожиаҳмедов томонидан ёзилган «XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида рус-ўзбек адабий муносабатлари»



номли монографияда мазкур масалалар атрофлича ёритилган.

Ўзаро адабий алоқа ва ҳамкорликнинг совет давридаги аҳволи ва унинг муҳим проблемалари сўнги йиллардагина ишлана бошланди. Бу масалага бағишланган қатор конференциялар, илмий анжуманлар, мунозаралар ўтказилди. Булардан муҳими 1960 йилда Москвада СССР Ёзувчилар союзи билан М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институти ҳамкорликда ўтказган «Миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсири» масалаларига бағишланган конференция бўлди. Бу анжуман шу соҳани ишлашга катта йўл очиб берди. Анжуманда адабий алоқа ва ўзаро таъсирининг назарий ҳамда амалий масалаларини ишлаш юзасидан турли методик ва методологик кўрсатмалар таъсия, этилди. Ўзаро алоқаларнинг форма ва характерини аниқлаш ва ёритиш борасида конкрет йўл-йўриқлар кўрсатилди. Буржуа олимларининг бу соҳадаги хато қарашларига зарба берилиб, адабий алоқа ва ўзаро ҳамкорлик кўринишларини миллий адабиётлар мисолида ёритиш учун кенг имкониятлар яратилди.

60—70-йилларда Г. Ломидзе, В. Жирмунский, Н. Конрад, И. Неупокоева, К. Зеллинский, М. Фетисов, П. Берков, З. С. Кедрина каби олимлар томонидан ёзилган мақола, илмий ишларда адабий алоқа ва ўзаро ҳамкорликнинг илмий, назарий масалалари ишланди. Шундан кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослигида ҳам бу соҳада талай ишлар қилинди. Масалан, В. И. Ленин номидаги ТошДУ ўзбек адабиёти кафедрасининг 1964 йилда эълон қилган «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги», 1967 йилда Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан чоп этилган «Рус-ўзбек адабий алоқалари тарихи очерклари» тўпламлари диққатга сазовордир. Уларга кiritилган мақолаларда рус-ўзбек адабий алоқаларининг қадимги даврдан 1960 йилларгача босиб ўтган тараққиёт йўли ҳужжатлар асосида ёритилади.

КПСС XX съезидан кейинги 20 йил ичида адабий алоқалар ва ўзаро ҳамкорлик масалаларига бағишланган ўзбек ёзувчилари ва адабиётшуносларининг илмий ишлари, монографиялари, мақолалари матбуотда кўплаб эълон қилинди.

Айниқса, таниқли жамоат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Дўстлик байроғи» (1967), Комил Яшиннинг «Ўзбек адабиёти юксалишда» деб номланган китоблари, Лазиз Қаюмовнинг «Аср ва наср», «Қардошлар», «Мериданлардаги учрашувлар», Ҳафиз Абдусаматовнинг «Ҳаёт, адабиёт, театр» китобига кирган мақолалари, Г. Владимировнинг 1977 йилда нашр қилинган икки томлик танланган асарлари, М. Расулининг рус тилида чиққан «Рус-ўзбек адабиётида ўзаро таъсир ва бир-бирини бойитиш проблемасига доир», «Қардошлик самаралари» китоблари, Т. Ҳамидовнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги рус-ўзбек адабий алоқаларини ёритишга

бағишланган китоби, Озод Шарафиддиновнинг «Биринчи мўъжиза» китобига кирган «Дўстлик қонуни» ва Умарали Норматовнинг «Ўзаллик билан учрашув» китобидаги «Адабий ҳамкорлик ва реалистик аъналар» мақолалари бу соҳани ёритишга бағишланганлиги билан диққатга сазовордир.

Норбой Худойберганов, Раҳматилла Иноғомов, Шерали Турдиев ва шу каби бошқа олимларнинг бир қатор ишлари ҳам адабий алоқа ва ўзаро ҳамкорлик проблемаларини тадқиқ этишга бағишланган.

Ривожланган социализм деб аталган ҳозирги давр жамиятимизнинг 60-йиллардан кейинги тараққиётини ўз ичига олади. Совет адабиёти тараққиётида алоҳида босқични ташкил этган бу даврда Ватанимизнинг иқтисодий, маънавий-сўий ҳаётида улкан ўзгаришлар содир бўлди.

Бахт, тинчлик, адолат, тенглик, озодлик учун кураш дунёнинг жуда кўп мамлакатларидаги халқларнинг кундалик ишига айланди. Буржуа идеологияси билан социалистик идеология ўртасидаги кураш янада авж олди. Социалистик идеологиянинг буржуа идеологиясидан ҳар томонлама афзаллиги дунё афкор оmmasига ошкор бўлди. Ҳаётнинг ҳамма соҳалари, жумладан, адабиёт ва санъат янги босқичга кўтарилди. Унинг ҳалқ ҳаёти билан алоқаси янада мустаҳкамланди. Ёзувчи, санъаткорлар учун ижодий ташаббусга кенг йўللар очилди, ҳаётни ҳар томонлама акс эттириш учун имкониятлар яратилди. Совет адабиётининг ғоявий софлиги ва юксак партиявийлиги, бадийлиги учун кураш соҳасида ёзувчиларимиз тинмай меҳнат қилдилар. Бу йилларда қардош адабиётлар ўртасидаги алоқа ва ҳамкорлик янада тараққий этди ва янги босқичга кўтарилди. Адабий алоқа ва ҳамкорлик хилма-хил кўринишларда содир бўлди. Айниқса, СССРдаги турли қардош халқлар адабиётлари ўртасидаги ўзаро декадалар, ҳафталиклар, адабиёт кунлари, кинофестиваллар, ёзувчиларнинг ўзаро учрашувлари, бригада бўлиб, СССРнинг чегаралари бўйлаб айланиб чиқишлари, Узоқ Шарқ ва Шимолий ўлка халқлари ҳаёти, адабиёти, санъати билан танишуш каби тадбирлар шулар жумласидандир. Булардан ташқари, ўзбек ёзувчиларининг фақат СССРдаги қардош халқлар адабиёти вакиллари билан эмас, балки дунёдаги кўп прогрессив ёзувчилар билан ўзаро алоқалари ҳар томонлама ривож топди.

Ўзбек адабиётининг отахон ёзувчилари Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Уйғун, Шароф Рашидов, Мақсуд Шайхзода, Халқаро «Нилуфар» мукофотининг лауреати шоира Зулфия, таниқли ёзувчиларимиз Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Раҳмат Файзий, Одил Ёқубов ва бошқа бир неча ўнлаб ижодкорларнинг 60—70-йилларда яратган бир қатор асарлари ўзбек адабиётини жаҳон минбарига олиб чиқди. 1959 йилда Тошкентда ўтказилган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг иккинчи

жаҳон конференцияси ва 1979 йилдаги шу конференциянинг 20 йиллигини нишонлашга бағишланган форумда бу ҳол эътироф қилинди. Уз моҳият-эътибори билан жаҳон аҳамиятига молик бўлган бу йиғинлар ўзбек адабиётининг халқро микёсда туганган ўрнини, унинг жаҳон халқлари билан ўзаро адабий алоқалари ва ҳамкорлиги кенг қулоч ёзаётганлигини кўрсатади. Бу хусусда Шароф Рашидов шундай ёзади: «Гражданлик пафоси билан, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм туйғулари билан йўғрилган ҳозирги замон Ўзбекистон адабиёти ҳамда санъати барқ уриб юксалмоқда. У барча қардош халқлар маданиятлари билан мустаҳкам ҳамкорликда равнақ топмоқда.

Муттасил ижодий тажриба алмашув, адабиёт ва санъатнинг республикаларда ўтказиладиган ўзаро фестиваллари, кунлари, рус классик ҳамда совет адабиётининг кўзга кўринган вакиллари юбилейлари халқлар дўстлигининг ёрқин намойишига айланиб кетади, қардош маданиятларнинг бир-бирига таъсири, бир-бирини бойитишда муҳим роль ўйнайди, меҳнаткашларнинг тарбиясини кучайтиради»<sup>1</sup>.

Адабиёт ва санъат соҳасидаги партия ҳужжатларида совет ёзувчилари томонидан яратилган ижобий образларнинг тарбиявий аҳамияти алоҳида қайд қилинди. Шу нуқтаи назардан қараганда қардош халқлар адабиётини, унинг ютуқларини, юксак савияда ёзилган бадий асарларни ҳар томонлама пропаганда қилишда қардош халқлар адабиёти ва санъатининг ўзаро декада ва ҳафталиклари катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори билан Ўзбекистонда ва қардош республикаларда ўзаро декадалар ва ҳафталиклар бўлиб ўтди.

1959 йилнинг февраль ойида Москва шаҳрида ўзбек адабиёти ва санъати декадасининг ўтказилиши халқлар дўстлигининг байрамига айланди.

1959 йилнинг декабрида Москва ёзувчилари ва санъаткорларининг Ўзбекистонда декадаси ўтказилди. 60-йиллар мобайнида республикамизда рус, украин, белорус, тожик, озарбайжон, арман, қozoқ, қирғиз, эстон, туркман, қорақалпоқ адабиёти ва санъати декадалари ўтказилди.

Ўз навбатида РСФСР, Белоруссия, Арманистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қozoғистон, Эстония, Туркманистонда эса ўзбек адабиёти декадаси ўтказилди. Бу декадалар жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, улар ўзларининг ижобий натижаларини бердилар. Бу декадаларга тайёргарлик даврида миллий ёзувчиларнинг энг яхши асарлари таржима қилинди, ижодий тажрибалар алмашинди. Бу декадалар ичида 1963 йил кузида Ўзбекистонда жуда

зўр муваффақият билан ўтган рус адабиёти ва санъати ҳамда Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадалари маъзур тантаналарнинг ёрқин намунаси бўлди. Декада кунларида Ўзбекистонга ташриф буюрган рус, украин, озарбайжон, қирғиз, тожик, қozoқ, эстон ёзувчилари ва санъаткорлари кўп сонли ўқувчилар билан — ишчи, колхозчи, интеллигент, студентлар билан учрашиб, уларнинг ҳаёти, меҳнати ва ўқиши билан қизиқдилар. Бу санъаткорлар ўзбек оғалари билан ўзларининг бадий ижодлари ва келгуси режалари ҳақида фикр алмашдилар. Улар қардош, дўст халқлар орасида ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш борасида конкрет мулоҳазалар юритдилар. Оқибатда «бошқа республикалар ёзувчилари сингари ўзбек ёзувчилари асарларида республикада яшайдиган турли миллатдан иборат бўлган совет кишиларининг образлари яратилди, уларнинг қардошларча дўстлиги ва курашда, меҳнатда, турмушда бири-бирига ёрдами кўрсатилди. Адабиёт миллатлараро алоқанинг умумхалқ вазифаларини оммага тушунтиришнинг, интернационал тарбиянинг қудратли қуроли» бўлиб хизмат қилди. (Л. Қаюмов. «Ленинча дўстлик инъикоси» мақоласи, «Бадий ижодда ленинча таълимот» тўплами. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 1971, 81-бет).

Республикамизда ўтказилган бундай декада ва ҳафталикларни яқунлаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бундай анжуманларни, адабий ҳафталиклар тарзида мунтазам равишда ўтказиб туришни, авторларни тақлиф қилган ҳолда ўқувчилар конференциясини ўтказишни, қардош халқларнинг энг яхши асарларини таржима қилиш, театр сахналарида кўрсатишни тақлиф қилди ва уни радио, телевидение орқали пропаганда қилиш масаласини ижодий ташкилотлар зиммасига юклади.

Марказий Комитетнинг бу кўрсатмаларини бажариш соҳасида республикамиз театрлари ҳам фаол хизмат қилди. Улар ўз репертуарларига қардош халқлар драматургларининг пьесаларини ва хорижий мамлакатларнинг прогрессив ёзувчилари асарларини киритдилар. Масалан, Ҳамза номидаги Ўзбек академик драма театри турк прогрессив ёзувчиси Нозим Ҳикматнинг «Туркия ҳақида ҳикоя», «Муҳаббат ҳақида афсона» каби асарларини, ҳинд ёзувчиси Рабиндранат Тагорнинг «Ҳалокат» романи асосида «Ганг дарёсининг қизи» спектаклини ва Жазоир ҳаётидан олинган «Жазоир менинг ватаним» номли спектаклларни муваффақият билан сахналаштирди.

Булардан ташқари, республика театрларида белорус драматурги К. Крапиванин «Ким кейин кулади?», Макаёнокнинг «Парвоздаги Леваниха» каби асарларини сахнага қўйдилар.

1964 йил мобайнида республика театрларида қардош халқлар драматургларининг 16 та пьесаси сахналаштирилди. Булар ичида Ленин мукофотининг лауреати

<sup>1</sup> «Инқилоб ва адабиёт» тўплами. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1977, 10-бет.

Ч. Айтматовнинг «Сарвақомат дилбарим», Б. Александровнинг «Малиновкада тўй», Мирза Иброҳимовнинг «Қишлоқи», А. Чаковскийнинг «Олис юлдуз шуъласи», «Окоповлар оиласи» каби сахна асарлари бор. 1964—1966 йилларда Ўзбекистон театрлари сахналарида қардош халқлар драматургларининг 74 та пьесаси сахнага қўйилди.

60-йилларнинг бошларида бир қатор адабий ҳафталиклар ўтказилди. Арман адабиёти ҳафталиги (ноябрь, 1961), Қорақалпоқ АССР адабиёти ва санъати ҳафталиги (февраль, 1963) ўтказилди. Уз навба-тида ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталик-лари ҳам қардош республикалар диёрида бўлиб ўтди. (Масалан, Қозоғистонда 1962 йил, май), Арманистонда (1962 йил, октябрь), Туркменистонда (1962 йил, ноябрь). Бу маданий тадбирлар, қардош халқлар ёзувчиларининг ижодий ҳамкорлиги, ўзбек санъати усталарининг қардош халқлар маданияти ходимлари билан учрашув-лари миллий маданиятларнинг ўзаро бойи-шини, уларнинг ўзаро яқинлашув жараёни-ни янада юксак поғонага кўтарди.

Интернационал маданиятнинг бойиб бо-риши ва равнақ топиши йўлидаги улкан ишларда ўзаро бадий таржиманинг роли ҳам муҳимдир.

Ўзбек адабиётининг энг яхши асарлари рус тили орқали кенг тарқалмоқда. Рус тилида «Алпомиш», «Равшан», «Ўзбек халқ эртаклари», Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» поэмаси, Навоийнинг ўлмас поэмалари ва


шеърлари, Муқимий, Фурқатларнинг шеър-лари, Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг асарлари, Ойбек ва Ш. Рашидовларнинг романлари, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулум ва Зулфиянинг шеър-лари, Уйғуннинг пьеса ва шеърлари, А. Қаҳҳорнинг ҳикоя ва пьесалари нашр этилди. Миртемир, Шайхзода, А. Мухтор, Ҳ. Ғулум, Р. Бобожон, Мирмуҳсин, Шук-рулло ва бошқа адибларнинг асарлари рус тилига таржима қилинди. Бунда Л. Пень-ковский, Н. Державин, С. Сомова, А. Пан-телеева, Н. Ушаков, Ю. Карасев, Д. Хо-лендро, К. Симонов, В. Смирнова, Л. Бать, С. Северцев каби таржимонларнинг хизма-ти катта бўлди.

Бадий таржиманинг равнақ топишида С. Бородин, А. Удалов, М. Салье, М. Ше-вердин, Н. Ивашев, С. Иванов ва бошқа-ларнинг хизматларини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Уларнинг заҳматли меҳ-нати тўғрисида СССРдаги қардош халқлар ва кўпгина жаҳон халқлари ўзбек адабиё-ти билан яқиндан танишди.

Кўринадики, ўзбек адабиётининг бундай парвозида унинг қардош халқлар, айниқса рус адабиёти билан ўзаро алоқа ва ҳам-корлиги катта роль ўйнамоқда. Ўзаро ало-қа, ҳамдўстлик, бир-бирини бойитиш — адабий жараённинг объектив қонунари-дан бири сифатида ҳозирги адабиёт та-раққиётининг етакчи омилларидан бири бўлиб қолди.

**Аъло АШРАПОВ,**  
филология фанлари кандидати.

# Ҷуе Кавчи



Ғафур Ғулом

## Шоирлик носқовоғидан бир отим<sup>1</sup>

### ҲАЖВИЯ

Классиклардан қачон сўз очар,  
Эҳтиёт бўлинг, оловлар сочар!

Туғма кўрларга шишадан кўз қилиш қанчалик жўн бўлиши билан бирга, зийнат учундир. Шуларга қарамасдан билакка (қорақуяни игна учи билан тери орасига жойлаш орқасида бир умр ўчмай турган) турли яланғоч хотинларнинг суратини чиздириб, остига муҳаббатга оид сатанг сўзлардан бир-иккитасини ёздириш аввало, мода бўлса, сўнг, турмушда ғоят жиддий ўрин тутадир.

Сувонқулнинг шоирлиги ҳам жуда жўнлик билан зийнат учун бўлди. Иннайкейин, ҳозир шоирлик мода бўлиб турган ҳунар бўлиши билан бирга, турмушда тутган ўрни ғоятда улуғдир.

Чунончи, кўп кишилар «Шеърнинг энг олдинги туғилиши муҳаббатдан дейдилар. Сувонқулнинг биринчи шеъри ҳам шундай бўлган эди. У бир кун кечаси жуда чиройли қиз билан ошиқона сўхбатда бўлганлигини туш кўриб чиқди. Бир неча куяқ қизни ахтариб ҳам кўрди. Йўқ, унақаси йўқ. Жуда соғинди. Топмади. Иннайкейин, ичидан ашула туқиб, ўзича ўқиб юра бошлади:

Тушимда мени қитиқлаб кетган, эй  
пари,

Қайси техникумда ўқийсан?  
Ариза ёзсам, адресинг йўқ,  
Кел, малаким, кел!»

Иннайкейин, шуни кўчириб ёзди. Уртоқларига ўқиб берди. Ҳаммалари унга ҳавас ва ҳасад билан қараб: «Эй, бу курғур туппа-тузук шоир бўлиб қолибди», дея бошладилар. Шу-шу бўлдию Сувонқул ўз-ўзига ишонди ва шоир бўлиб қолди.

Аста-аста ижтимоий мавзуларда ҳам шеърлар ёзиб, баъзида уларни бостиришга ҳам муваффақ бўлди... У юзга яқин жуда боевой сўзларни танлаб олиб, шеърлар ёза бошлади. Сўзларнинг ҳар бирига очердлар белгилади.

Чунончи «ўт», «олов»,— ҳар шеърда баш: мартаба, «тракторлар гулдирар»— ҳар шеърда энг ози уч мартаба, «гудок»— ҳар шеърда ўн мартабагача етади. «Қуёш», «зарбдор», «қиз», «синглима», «ишчи», «колхозчи», «оқ олтин», «хандон» сўзлари олдинги сўзлардай ҳар қачон ишлатилиши мумкин.

Шеърларидан намуна:

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонда.

**ГУДОК**

Шеър

Поэмадан парча  
(Эркин синглима)

Зарбдор қиз  
Биринчи гудокда турадир.  
Тракторнинг ролларин  
Бурадир.  
Қуёш пориллаб юрадир.  
Ўт-олов сочадир.  
Оқ-олтин қирлари кўп.  
Хандон  
Ишчилар, уйғон,  
Колхозчи заводга  
Колхозчи заводга  
Оқ олтин элтар,  
Қандай шод,  
Қандай шод,  
Терайлик, ўртоқлар.

Шоирлар ўрталиги жуда маҳмадана кишилар билан тўлган экан. Сувонқул сўнграқ тушуна бошлади. Уларнинг ўртасига бир талай нарсаларни билиб аралашмасанг, уялиб қолар экансан. Улар «Ўқиш, ўрганиш керак», дейдилар, «Пушкин, Гоголь, Толстой, Навоий, Фузулий, Муқимий, Лутфий, Хайём классиклар...» деган бўлиб, талай кишиларнинг исмларини айтадилар ва уларнинг тушунилиши қийин бўлган аллақандай шеърларини ўқийдилар.

Сувонқул бир қанча вақт шулардан гап очилганда башарасига мубҳамлик, хомушлик киргизиб жим юрди. Кейин-кейин бориб шоирлардан ўтган гал ўрганган (эшитган) сўзларни бу гал ўзи айтиб суҳбатга аралаштурган ва бошқа шоирларга қараб, «Ўқиш, ўрганиш керак», деб танбех бературган бўлди. Энг охири таниган классикларининг номидан кўкрак кериб, ғурурланиб юра бошлади.

У «классик» деган сўзнинг ўзини луғатдан кўриб билди — катта шоир дегани экан. Хўш, Пушкин, Гоголь, Толстой, Навоий деганлари ким ва нима? Пушкин тўғрисида бир-икки маҳалла одамларидан суриштирган эди, билмадилар. Энг охири барака топкур Жалол сутчи айтиб берди.


— Эй, эй,— деди Жалол,— бу Салорга чиқатурган катта кўча, шу кўчада бир хозайка хотин мендан жуда кўп сут олар эди!..

Демак, Сувонқул Пушкинни таниди. Пушкин катта кўча.

Навоийни у қўққисдан таниб қолди. Бир куни уйда «Олов» деган бир поэма ёзиб ўтирганда кўчадан биров ашула қилиб ўтиб қолди:

«Навоий ўтди кўчангдан пиёда ёри билан,  
Киши балоға қолурми ўз ихтиёри билан?»

Югургилаб кўчага чиқди, бир оёқ яланг, чопонини елкасига ташлаган пиёда йигит экан. Шунчалик жўн одам нега мунча шоирларнинг оғзида сақич бўлмасал!



Сўзсиз сурат

А. ХОЛИҚОВ чизган расм.

Муқимийни бўлса дадаси айтиб берди. — Бир лакалов одам эди,— деди дадаси.— Хапалак қишлоғининг масжидида сўфилик қилар эди. Унча-мунча бесоқолларга байт ўқир эди...

Сувонқул энди «маданий» бир шоир, ҳеч қандай жиҳатдан камчилиги йўқ. У классикларни танийди.

Пушкин — катта кўча.

Толстой — йўғон дегани.

Навоий — пиёда юратурган бир оёқ яланг.

Фузулий — эски мактабларда ўқиладиган бир китоб.

Муқимий — Хапалак қишлоғининг сўфиси.

У шунчалик билим эгаси бўлишига қарамай, яна ўқимоқда, ўрганмоқда. Яъни ўзи ёзган шеърларини ҳар куни эллик одамга ўқиб беради. Ҳалигача нима, қайси кўча, қандай китоб эканини, билмагани Гоголни суриштирмоқда.

У билан ҳозир эҳтиёт бўлиб сўйлашиш керак бўлади. Негаки, у классиклардан сўз очиб, сизни ўқимаслик, ўрганмасликда айблаб уялтириб қўяди.


## Амирқул Пўлкан

## Мунаққиднинг севииси

## ҲАЗИЛ

Матҳолиқ зап оқил йигит,  
Илмга кўп уринди.  
Фавқулодда идрок билан  
Тезда кўзга кўринди.  
Севида ҳам ўз йўли бор,  
«Бевафолик унга ёт».  
Унинг ҳар бир оҳ уриши,  
Ўзига хос кашфиёт.  
Аммо ҳеч ким Матҳолиқдай  
Тушунмас ишқ сирини.  
Бирисини севиб юриб,  
Севиб қолар бирини.  
Бешта қизга ошиқ бўлди,  
Учтасига ёзди хат.  
Уйғунлашиб кетди охир  
Ижод билан муҳаббат.  
Ҳақиқатни ошкор этар,  
Оро берар сўзига.  
Қиз кўнглига ёқмай қолса,  
Шартта айтар юзига:

«Бунча сунъий, бунча қора  
Қошга суртган бўёгинг!  
Реализм методига  
Тўғри келмас сиёгинг!  
Лекин дуруст бўлар эди,  
Сал миллийроқ кийинсанг.  
Ҳам объектив чиқармиди,  
Рашк қилсанг-у куйинсанг!  
Ҳам бадийи пишиқмассан,  
Буни очиқ айтаман.  
Юзинг, кўзинг, билагингни  
Ишлаш керак қайтадан...»  
Кўрдингизми, гап қаёқда,  
«Бевафолик унга ёт»!  
Унинг ҳар бир муҳаббати  
Ўзига хос кашфиёт...  
Йигит ҳамон ўз йўлида,  
Ўз аҳдида турибди.  
Қизларга у мундарижа,  
Шакл излаб юрибди.



— Бошлиғимизга «тез ёрдам» чақиринг.

А. ҲОЛИҚОВ чизган расм.



## МАДАНИЙ ҲАЁТ

### ХАЛҚАРО КИТОБ КЎРГАЗМАСИ

2—12 сентябрь кунлари Москвада СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида учинчи халқаро китоб ярмарка-кўргазмаси намойиш этилди. Бу кўргазмадан республикамиз босмахоналарида чоп этилган тўрт юздан ортиқ энг яхши китоблар муносиб жой олди. Мазкур китоблар орасида марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Ленин йўлида» ва «КПСС идеология ишининг актуал масалалари» номли китоблари, Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» романлари, Ғафур Ғулوم, Зулфия, Миртемир, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулум ва бошқа таниқли ўзбек ёзувчиларининг ижод намуналари, илмий ва ўқув-методик нашрлар, китоб-альбомлар томошабинлар таҳсинига сазовор бўлди.

### ЯНГИ «ХАМСА»

Яқинда топилган яна бир «Хамса» шарқ халқлари адабиёти хазинасини бойитди. У Ашраб Мароғий қаламига мансубдир.

Ашраб ибн Шайхулимом Абу ал-Хусайн ибн ал-Ҳасан ал Мароғий ал-Табризий номи Алишер Навоийнинг машҳур «Мажолис ун-нафоис» асарида, ҳамда бошқа дostonларининг кириш қисмида Низомий, Амир Ҳусрав, Жомийлар қаторида ҳурмат билан тилга олинган. Бу «Хамса» 23 630 байтдан иборат бўлиб, 1457 йилда Низом ал-Бухорий томонидан кўчирилган ва у Оксфорд (Англия) шаҳрининг Бодлеанн кутубхонасида сақланган.

### АТОҚЛИ ШОИРГА ҲАЙКАЛ УРНАТИЛДИ

22 сентябрда Жарқўрғон районидagi Ҳамид Олимжон номли совхозда шоирга атаб ўрнатилган ҳайкал очилди. Ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биринчи секретари

С. О. Азимов, Ҳамид Олимжон номидаги совхоз директори Ҳ. Боймуродов, Зулфия, Эркин Воҳидов ва бошқалар атоқли шоир ҳақида гапирдилар.

Митингда Ҳамид Олимжоннинг ўлмас сатрлари ва унга бағишланган шеърлар янгради.

### ДЎСТЛИК ВА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

14—20 сентябрь кунлари Тожикистон ССРда Ўзбекистон ССР Адабиёти ва санъати кунлари зўр муваффақият билан ўтди.

14 сентябрда Душанбедаги Касаба Союзларининг Катта мажлислар саройида Адабиёт ва санъат кунларининг очилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишда Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Р. РАСУЛОВ ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Сийёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ ўртоқлар икки республика меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди қарорларни амалга ошириш бора-сидаги муваффақиятлари, улкан вазифаларни бажаришда дўстликнинг, адабиёт ва санъатнинг беқиёс роли ҳақида гапирдилар.

Мўмин ҚАНОАТ, Сарвар АЗИМОВ ва бошқа ўртоқлар икки халқнинг азалий удумлари, адабий алоқалари ва бу аъёнларнинг совет замонаси даврида янгича шакл ва маъно касб этгани ҳақида сўзладилар.

Кеча охирида тожик ва ўзбек санъаткорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

### ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

16 сентябрда Душанбеда Ўзбекистон Адабиёти ва санъати кунларининг Адабиёт қисми очилишига бағишланган кечани Мўмин ҚАНОАТ кириш сўзи билан очди.

Сарвар АЗИМОВ ўзбек адабларининг шу кунлардаги ижоди ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди.

Кечада Лойиқ Шерали, Шукрулло, Мирсаид Миршакар, Жуманиёз Жабборов, Зулфия, Гулчеҳра Сўлаймонова, Асқад Мухтор, Жалол Икромий, Туроб Тўла, Мирмуҳсин ва Назарматлар замондошларимиз ҳақида тўлқинланиб гапирдилар ва шеърларидан намуналар ўқиб бердилар.

# ЗВЕЗДА ВОСТОКА

## ОКТАБРЬ СОНИДА

Журнал А. Тўраевнинг «Маданиятимизнинг янги уфқлари» серлавҳали мақоласи билан очилган.

«Звезда Востока»да ижодий уюшма»

рубрикаси остида А. Иванов, М. Егоров, М. Туробов, З. Эшмурзева ва бошқа бир қатор авторларнинг шеърлари берилган.

Б. Пармузининг журналдан жой олган повести «Пахта» деб аталган. Журналхонлар М. Каримовнинг «Салом, Муҳаббат!» пьесаси, В. Соколов ва С. Рябичларнинг хикояларини ўқийдилар мумкин.

Журналда булардан ташқари «Публицистика», «Адабий танқид», «Китоблар оламида», «Санъат», «Хорижий Шарқ ёзувчилари» ва «Чет эл романи» рубрикалари билан ранг-баранг материаллар берилган.

Бош редактор Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: С. АЗИМОВ, ЗУЛФИЯ, МИРМУҲСИН,  
Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари),  
У. НОРМАТОВ, И. РАҲИМ, Т. ТУЛА, УЙҒУН, У. УМАР-  
БЕКОВ, У. УСМОНОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. ФОЗИЛОВ (масъул  
секретарь), Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, И. ЮСУПОВ,  
Ҳ. ФУЛОМ.

Рассом А. Қамбаров.  
Техредактор М. Мирражабов.  
Корректор А. Билолов.

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»  
(Звезда Востока)  
№ 10

Орган Союза писателей Узбекистана.  
Ордена Трудового Красного знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент — 1981

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларига қайта-  
рилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатили-  
ши шарт.

Теришга берилди 25.07.1981 й. Босишга рухсат этилди 8.10.81 й. Р—03225. Қоғоз форма-  
ти 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 22,0+0,35 (вкл.).  
Нашриёт ҳисоб листи 23,06+0,33 (вкл.). Тиражи 210075. Заказ № 1314.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ  
орденли босмаҳонаси. Тошкент—700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© Шарқ юлдузи, 1981.

Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:  
700000. ТОШКЕНТ, ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ, № 1.  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР—33-24-37, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ—  
33-24-79, МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ—33-09-18, ПРОЗА—33-21-81, ПО-  
ЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК—33-24-79.